


# Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар  
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ



48-йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САЊАТ  
НАШРИЁТИ

1980 6

# Мундарижа

А. Чаковский. Ғалаба. Сиёсий роман . . . . .	3
М. Али. Боқий дунё. Шеърӣй роман. . . . .	63
Шухрат. Оқибатли кишилар. Қисса. . . . .	73
Б. Бойқобилов. Шухудли карвон. Шеърӣй роман. Охири. . . . .	85
Н. Қобул. Тубсиз осмон. Қисса. . . . .	125

## УЙҒУННИНГ 75 ЁШИГА

С. Мамажонов. Терадлик. . . . .	158
А. Абров. Болаларнинг дил ардоғида. . . . .	163

## САИД АҲМАДНИНГ 60 ЁШИГА

И. Ғафуров. Прозанинг шоири . . . . .	166
Т. Азизов. Қалб эҳтироми . . . . .	170
Мирмуҳсин. Чеховона . . . . .	171
Ҳ. Азимий. Ғазаллар . . . . .	172
О. Ҳожиева. Орзу боғларим менинг. . . . .	176
М. Мансуров. Устюрт воқеаси. Қисса. Охири. . . . .	179

## ОЧЕРКЛАР

Ҳ. Ғулом, В. Тюриков. Қорақалпоғистон ҳақида дoston- лар. . . . .	224
----------------------------------------------------------------------	-----

## ҲИКОЯЛАР

Н. Фозилов. Кенглик . . . . .	231
-------------------------------	-----

## ТАҚРИЗЛАР

У. Норматов. «Тирик сайёралар»ни ўқиб. . . . .	237
------------------------------------------------	-----



**Александр Чаковский**



**СИЁСИЙ РОМАН**

Русчадан  
**Х. АЛИМТОВ** таржимаси

**БИРИНЧИ КИТОБ**

**Биринчи боб**

**Кенгаш арафасида**

... ХУДДИ шу чоқ телефон жиринглаб қолди.

Аппаратга ҳайрон бўлиб қараб, Вороновнинг хаёлидан: «Бу ким бўлиши мумкин?», деган фикр кечди. Тўғри, бу ерга келганида у ўзи тўхтаган меҳмонхона ва қайси бўлмадалигини айтган эди. Аммо ҳеч кимга телефон номерини бермаган, ҳеч ким буни сўрамаган ҳам эди. Эҳтимол, худди ўша советник телефон қилаётгандир? Вороновнинг қандай жойлашганини билмоқчимикин? Совет ҳукумати делегациясининг ташрифи арафасида элчихона ходимининг Вороновдан бўлак ҳам ташвиши бордир!..

Воронов креслода ўтирган куйи телефон аппарати тоқчасига энгашиб, пружинасимон оппоқ симли трубкани қўлига олди.

— Халло,— деди у. Воронов чет эллик тушунсин учун инглизча «хеллоу»ни шундай талаффуз этди.

— Мистер Воронов, бу сизмисиз?— Трубкадан нотаниш эркак кишининг овози эшитилди. Димогида гапириши ва «р» ҳарфига урғу беришига кўра, унинг америкалик эканини билиш қийин эмас эди.

— Speaking<sup>1</sup> — жавоб қилди Воронов.

— Майкл, бу сенмисан?— мамнун овозда яна савол берди америкалик.

«Оббо, ким бўлди экан бу!»— ижирғанди Воронов. Матбуот марказида тўдалашиб юрган ҳарбий журналистлардан бири бўлса керак. У журналистларнинг айримлари билан, гарчи биринчи марта учрашаётган бўлса ҳам, саломлашган, бошқалари билан ҳақиқатан қачонларди чет элдами ёки Москвадами учрашган эди.

— Ҳа, менман,— деб қуруққина жавоб қайтарди Воронов.— Ким бу мен билан гаплашаётган?

— О-о, Майкл!— Янаям ҳаяжонланди сим қоққан одам.— Овозингни эшитганимдан жуда хурсандман. Матбуот марказидан сени ҳар кунни сўроқлаб турдим, охири рўйхатда борлигингни, аммо ҳали келмаганингни айтишди, кеча ҳатто ўша кемаңлар... «Микаил Кэлинин»га кирмоқчи ҳам бўлдим, мени трапдан нарига ўтказмадилар. Сенинг бу ерда эканлигингни ҳозиргина билдим. Майкл, қулоқ сол, ёнингга кетяпман. Бўптими?

Тўхтовсиз айтилаётган бу сўзлар оқими Вороновни довдиратиб қўйди. Америкаликларнинг кўпчилигида ҳамкасблар билан бетакаллуф гаплашиш одати борлигини Воронов яхши биларди.

Хўш, ҳар ҳолда, у билан гаплашаётган ким бўлдийкин?

— Нега индамайсан, Майкл?— сўради америкалик. Бу гал Воронов унинг овозида безовталикими ёки хафагарчиликками ўхшаш оҳангни сезди.

— Қулоғим сизда, мистер... э-э...— Нотаниш киши ўз фамилиясини айтсин, деб Воронов атайлаб овозини чўзди. Аслида у одам ўзини Смитми, Жонсонми ёки Армстронгми, дея аташи бирор мушкулликни енгилатмасди. Воронов ўз ҳаётида кўплаб Смитлару Жонсонларни учратган, Армстронг фамилияси ҳам бундан мустасно эмас. Америкалик аслида хийла ишлатаётган бўлса керак, деб ўйлади Воронов. У бир неча йил олдин бирор меҳмонхона майдончасига биргалашиб телевизор орқали бейсбол ёки регби томоша қилишганини эслатади-ю, гап орасида, гўё шунчаки, мистер Брежнев қачон келади, деб сўрайди ҳойнаҳой.

— Мени мистер деб айтаяпсанми, Майкл?— деди хомушроқ овозда америкалик.— Демак, ҳузурингга боришимни истамайсан, шундайми?

— Хўш, нима юмуш бор ўзи?

— Нима юмушми?— У томондаги одам ошкора надомат билан яна савол бериб, салмоқ билан гапини давом эттирди.— Сенга соат сотмоқчиман. Ярим баҳосига. Худди ўша Бранденбург дарвозалари ёнида икки минг марка турадиган соат...

— Чарли?— деди бирдан Воронов карахтлашган бармоқлари билан трубкани қаттиқ қисиб.— Чарли?.. Сенмисан?!

— Ҳа, менман, Майкл,— америкалик қайтадан тетиклашди.— Нима, мэнлигимни айтмадимми сенга, бу менман, мен!

— Йўқ, йўғ-а... айтмадинг...— пича саросималанди Воронов.

— Майли, гап бунда эмас. Хуллас, бораими ҳузурингга?

— Ҳа, ҳа, албатта!

<sup>1</sup> Гапирман (бу ерда «эшитаман» маъносида.— инглизча).

— Качон?

— Истаган вақтингда! Ҳозир... Дарҳол...

— О, кей! Борганимдан кейин пастдан қўнғироқ қиламан.

— Нега энди? Тўғри хонамга кўтарилавер! Тўртинчи қават, йўлакнинг охирида. Тушундингми? Сен тушундингми?!

— О, кей!..

Телефонда қисқа гудок эшитилди. Воронов трубкани жойига эмас, ўзининг тиззасига қўйди. Кейин шу алпозда аллақанча вақт ўтириб қолди.

Воронов бир неча соат аввал «Михаил Калинин» теплоходининг каюталаридан бирига жойлашмасдан, меҳмонхонага тушиб тўғри иш қилган-қилмагани ҳақида ўйлаб кўрмаганди. Яқин кунлар ичида «Калинин»—сузиб юрувчи совет меҳмонхонаси бўлиши керак эди. Теплоходда Воронов учун жой йўқлиги «Калинин»нинг Ленинграддан сузиб кетишидан бир кунгина аввал маълум бўлувди. Марказий газеталар ўз мухбирлари учун қўшимча «имтиёз» қўлга киритганлари, ҳар хил консультант, эксперт, шунингдек, секретарь-машинисткалар, стенографисткаларнинг кўпайганиданми — ҳар қалай ўз вақтида ариза берилганига қарамай, «Ташқи сиёсат» ойлик журналининг шарҳловчиси Михаил Владимирович Воронов учун теплоходда жой қолмаган эди.

Журнал муҳаррири Антоновнинг хуноби оша бошлади. У шаҳар шароити айниқса, жаҳоншумул воқеа рўй беражак бир шаҳарда ўринни олдиндан тайинлаб қўймай туриб, меҳмонхонага жойлашиш қанчалар машаққатлилигини жуда яхши тушунарди. Аммо Антонов жуда удабурро чиқиб қолди. Шарҳловчисининг сафари гумон остида эканлигини билгач, Хельсинкидаги совет элчихонасига телефон қилиб, ўзи билан бирга қачонлардир Халқаро муносабатлар институтини тамомлаган, ҳозирда советник курсдошини базўр топди-да, ундан студентчиликдаги дўстликлари ҳақи, Воронов учун қандай бўлмасин битта хона топиб беришини илтимос қилди.

Воронов Хельсинкига Кенгаш бошланишидан бир ярим кун аввал учиб келди. Унинг Финляндияга биринчи келиши бўлса-да, аммо трапдан тушган заҳоти шароит бошқачароқлигини сезди. Бу ерда соқчи ходимлар қанчалик кўплигини дарров илғади. Ҳозирги кунларда бу табиий эди, албатта. Лекин шуниси борки, Брежневнинг уч йил аввал Қўшма Штатларга сафари вақтида Воронов кўргандагидек соқчилару қадар намойишкорона кўзга ташланмас — унчалик ошкор эмасдек эдилар.

Америкаликлар мантиққа хилоф ҳолда ўзларининг хавфсизлик тадбирларини очикдан-очик кўз-кўз қилган эдилар. Полиция машиналаридаги сиреналар қаттиқ чинқирар, соқчилар, гарчи бир-бирларидан бир неча метргина масофада бўлсалар ҳам, ўзаро ихчам радиостанциялар орқали гаплашаётганларида ҳаво тўсиғи туфайли вужудга келган нохуш қисирлашлар эшитилар эди. Сиеҳранг кўйлакларига жез белгилар ёпиштирилган, бошларида катта кокардали шапка, белларига катта филофли оғир тўппонча (Штатларда оддий автоматик пистолетлар ишончли қурол ҳисобланмасди) осган давангир полициячилар ҳар тарафда кўзга ташланарди. Фуқарога оқ кўйлаклари, тагида ўшандақа оғир тўппончаси борлиги бемалол сезилувчи қора пиджакли, резина чайнаб юрган соқчилар аввало ўзларини фуқароча кийимдаги бошқа одамлар билан чалкаштириб юбормасликлари пайида бўлаётгандек туюлардилар.

Хельсинки аэродромида, яқин қирқ соат ичида кўп мамлакат раҳбарларининг келиши кутилса ҳам, ҳамма нарса бошқача кўринишда эди. Ним ҳаворанг ёзги кийимли полициячилар, гарчи улар кам бўлмасалар ҳам, ўзларини очикдан-очик камсуқум тутишарди. Фуқароча ки-

Йимдаги соқчилик ходимларини аэровокзал томон келаётган йўловчиларга уларнинг ўқтин-ўқтин эҳтиёткор боқишлари ошкор қилиб қўярди. Аэродромда байроқ ҳалқалари балад кўтарилган, аммо уларга фақат эртагагина байроқ осилажак эди.

Вороновнинг таксида юриш учун пули йўқ эди, албатта. Сметада «шаҳар доирасида юриш» моддаси қайд этилмаганди. Аммо Воронов немис ва инглиз тилларини билар, қўлида чамадончаси бор эди. Шаҳар транспорти билан совет элчихонасига етиб олиш у қадар қийин эмасди.

Экспресс-автобус Вороновни шаҳар марказига тез етказиб қўйди. Биринчи учраган йўловчи унинг немис ва инглиз тилидаги саволини эшитгач, совет элчихонаси жойлашган Техтанкату кўчасига қайси транспортда қандай бориш мумкинлигини тушунтириб берди.

Воронов пиёда кетди. У биринчи марта келган шаҳари билан лоақал юзаки бўлса-да, танишиб қўймоқчийди. Финляндиянинг пойтахти осойишталиги ва аксари эски рус губерна шаҳарларига ўхшашлиги билан унга ёқди.

Воронов анча вақтдан бери ғарбнинг йирик шаҳарларини, айниқса пойтахтларини ёқтирмайди. Кейинги йигирма йил ичида уларнинг кўпчилигини кезиб чиққанди.

Унга йирик ғарб шаҳарлари ёқмаслиги тасодифий эмас. Ғарб пойтахтлари дастлаб ёққан эди. Воронов арзон нархли, аммо шинам меҳмонхоналарда тўхтар, ярақ-юруқ витриналарни иштиёқ билан томоша қилар, марказий кўчалар ва майдонлардаги байрамона манзараларни кўздан кечирав эди. Кейин тасавури ўзгарди. Воронов ҳатто бунинг қачон бўлганини ҳам эслайди. Олтмишинчи йилларнинг охири эди. Редакция унга «Қўшма Штатлар шу кунларда» деган мавзуда мақола-очерклар туркуми ёзишни топширганди. Командировка уни ҳам халқаро муносабатлар бўйича журналист, ҳам оддий саёҳат ишқибози сифатида жалб этган эди. У вақтларда Воронов саёҳатни яхши кўрар, ҳозиргидан ўн ёш кичик эди... У Штатларни Нью-Йоркдан Сан-Францискогача босиб ўтиши, йўл-йўлақай Вашингтонда, Кливлендда, Чикагода, Бостонда, Лос-Анжелосда тўхташи керак эди. Бошқаларига бормаса ҳам, Лос-Анжелосда бўлишга орзуманд эди. Воронов ўша шаҳарга тушдан кейин учиб келди, таниш журналист Нью-Йоркда тавсия қилган меҳмонхонага борди. Соқолини шошилиб қиртишлади, душда ювинди, кўйлагини алмаштирди. Довруғини кўп эшитган, кўп ўқиган шаҳарни қоронғи тушгунча кўришга чидамсизлик билан ошиқарди.

Воронов меҳмонхонадан пастга тушганида вақт кечки саккиздан ошган эди.

— Биз марказдан узоқдамизми?— деб сўради у эшик оғасидан.

— Йўқ, сэр, транспортда ўн-ўн беш минут юрилади.

— Пиёда-чи?

— Сизга ўзи қайси жой керак, сэр?

— Ҳеч қайси жой керак эмас. Шунчаки марказни томоша қилмоқчиман. Эшик оғаси Вороновга ажабланиб, аниқроғи шубҳали назар ташлади, аммо ўша мулойимлик билан:

— Пиёда юрилса ярим соатдан кўп эмас. Мана...— деди. У кўз олдида турган бир тўда карточкага қўл чўзди, бундай карточкалар ҳар бир ғарб меҳмонхонасида мавжуд. Бир томонида — меҳмонхона, почта ва телеграф адреси, телефон номерлари ёзиб қўйилган. Иккинчи томонида жажжи харита бўлиб, унда қуюқ нуқта ёки крест билан меҳмонхона турган жой белгиланган ва унга яқин асосий кўчалар чизиб кўрсатилган.— Мана,— такрорлади эшик оғаси, шарикли ручка билан ха-

ритада ярим доира чизиб.— Бош савдо маркази. Бироқ ҳозир магазинлар ёпилиб қолди.

— Раҳмат,— мен ҳеч нарса харид қилмоқчи эмасман. Шунчаки бир айланиб келмоқчиман,— деди Воронов узатилган карточкани олиб. У энди эшик томон йўналган ҳам эдики, эшик оғасининг паст овозда чақирганини эшитди:

— Сэр!

— Лаббай?

— Агар бир айланиб келмоқчи бўлсангиз, соат ўндан кейинга қолманг.— У девор соатига қаради. Миллар саккиз яримни кўрсатиб турарди.

— Нега энди?— Ажабланиб сўради Воронов.— Нима, эшикларни бекитиб қўясизми?

— Йўқ, сэр,— жилмайди эшик оғаси.— Сиз истаган вақтингизда келишингиз мумкин. Аммо...— Унинг юзидаги жилмайиш йўқолиб, кифтларини қисиб қўйди.— Кечки ўндан кейин ёлғиз шаҳар кезиш...

— Уғирлаб кетишади, деб қўрқаясизми?— Жилмайди Воронов пештахта ортидаги одамнинг гапини ҳазилга йўйиб.— Овора бўлишади, мени пул тўлаб қутқарадиган одам йўқ.

У хушмуомалалик билан эшик оғасига қўл силтаб, ташқарига йўналди. Марказга соат тўққизларда етиб борди. Бурчаклардан бирида сартарошхонани кўриб, сочини олдирмаганига уч ҳафта бўлганини эслади. Тунд ва нимадандир норозига ўхшаш япон сартарош суянчиғи орқага эгилган креслода ясланиб ётган мижознинг сочини оларди. Вороновнинг кутиб туришига тўғри келди. Кутиш ва соч олдириш ҳаммаси бўлиб қирқ минутча вақт олди. Воронов японга пул тўлади-да, қўлидаги харитага қараб марказий кўчага чиқди. Чиқдию ҳайрон бўлиб қолди...

Витриналар шамчироқдай ёритган кўча бўм-бўш эди. Худди кимдир катта кафтида кўчани силаб, йўлкаларда ғимирлаган жон зотини супуриб ташлагандек эди. Бу витриналар ким учун порлаши, рекламалар кимлар учун ўчиб-ёнаётганини тушуниб бўлмас эди... Бирор одам кўринмайди. Фақат узун, пастак автомашиналар еляпти, холос.

Вороновни ваҳима боса бошлади. У ғарбнинг деярли ҳар бир пойтахтида алоҳида заруратсиз қадам босмаслик маъқул бўлган районлар борлигини жуда ҳам яхши биларди. Масалан, Нью-Йоркнинг Гарлемига бирор дўст, яқин таниши ёки негр ҳамроҳсиз кириш хатардан холи эмас. Лондондаги Сохо ёки Парижнинг Пигалида бирорта жанжалга қўшилиб қолиш оппа-осон. Аралашдингми, у ёғини ўзингдан кўравер. Чунки ўз ихтиёринг билан қадам босгансан бу ерга...

Аммо бу ерда, Сан-Францисконинг қоқ марказида Вороновни бошқа нарса — танҳолик қўрқитиб юборди. У ёп-ёруғ кўча бўйлаб якка ўзи кетар, вақт ҳали кечки соат ўн ҳам бўлмаган эди.

Оёқларини беихтиёр кўтариб босаётган Воронов витриналарга қараса ҳам уларда ҳеч нарсани фарқ қилолмади. Кейин узоқдан келаётган оёқ товушини эшитди. Кимнингдир пошнаси йўлкада бир меъёрда тўқиллар эди. Узоқдан унга қараб кимдир келаётир. Вороновнинг назарида йўловчи қадамини секинлатгандек туюлди. Ўзи сезмаган ҳолда Воронов ҳам қадамини секинлаштирди. Бегона одам ўнг қўлини чўнтагига солди. Воронов ҳам деярли беихтиёр худди шундай қилди. «Энг яқин кўчага бурилиш керак...»— дилида такрорлади у. Аммо юришда давом этарди. Ҳозир Воронов бўлма илон қаршисидаги ночор қуён аҳволига тушиб қолганди. «Унинг чўнтагида нима бор?— ўйлади у.— Пистолетми? Пичоқми? Қастетми?» орадаги масофа дам сайин қисқариб борарди. Воронов тўхтаб, чўнтагидан қўлини олмаган кўйи витри-

нани томоша қилаётгандек қиёфада тек қотди. У дам-бадам кўз остидан яқинлашаётган одамга қараб қўярди.

Йўқ, Воронов қўрқоқ эмас эди. У бутун урушни фронтда ўтказди. Бу ерда эса мутлақо бошқа шароит. Бир неча миллион аҳолилик шаҳарнинг бўм-бўш кўчаси. Эндигина кечки соат ўн (эшик оғаси бекорга огоҳлантирмаган экан, у эса бунга эътибор бермовди). Бу орада нотаниш одам яқинлашган сайин йўлкадаги қадам товуши ҳам дағалроқ эътига элди.

«Бордию у менга ташланса, нима қилишим керак?— ўйлади Воронов.— Энг асосийси орқадан ҳужум қилишга йўл қўймаслик. Салгина таҳдидли ҳаракатида ўгирилишга улгуриш керак. Мабодо, чўнтагини қуроли бўлса...»

Нотаниш одам энди жудаям секин келмоқда. Оғир ботинкаларнинг пошнаси йўлкада бот-бот тўқиллаяпти. Вороновнинг асаби ниҳоят таранглашганди. Орадаги масофа ўттиз метрчагина қолди. Нотаниш одам кенг елкали, ўрта ёшлардаги, ялтироқ синтетик газмолдан тикилган юпқа қора костюм кийиб олганди. Йилнинг бу фаслида ҳар бир америкаликнинг иккинчи ёки учинчиси шундай кийнади.

Ўртада бир неча метргина масофа қолганида нотаниш одам тўсатдан йўлкадан катта йўлга тушди, аниқроғи сакради-да, машина тагига тушишига сал қолиб, йўлни кесиб ўтиб, кўчанинг нариги томонида жадал узоқлаша бошлади. Унинг пошналари энди тез-тез тўқилларди. Орқадан қараётган Воронов енгил нафас олиб, беихтиёр кулиб юборди. Бу одам, афтидан, Воронов кутиб турибди, деб ўйлаган бўлса керак. Витринани томоша қилиб турган бўлиб, аслида қўққисдан ҳужум қилмоқчи, деб ўйлаган у. Асаблари бардош беролмади, витринага етиб келмасданоқ кўчанинг нариги томонига ўтиб кетди. Ҳеч ким ҳеч кимга ҳужум қилмоқчи эмасди. Аммо ҳар иккаласи ҳам ҳайқишди. Бир-бирларидан хавотирландилар...

Ўша воқеадан сўнг Воронов кечқурунлари танҳо юргандагина эмас, фарб пойтахтлари ва барча йирик шаҳарларнинг гавжум марказий майдонлари ҳамда кўчаларида негадир тўсатдан ҳужум қилинишини кутарди.

Эҳтимол, бу майдон ва кўчаларда оқшомлари тўпланадиган одамларнинг ташқи қиёфалари кейинги йилларда кескин ўзгаргани учун шундай бўлса керак.

Уларнинг аксарияти яланғоч баданга исқирт фуфайка кийиб, кўйлақларининг этаги шим ичига тиқилмай, бел ва тиззалари йилтироқ «бюлджинсилар», қўлон таёқ оёқларига сунъий йўл билан машинада сийқалаштирилган сандаллар, мойли, илма-тешик чарм куртка кийганлари учун у одамлар Вороновга хунук кўринадиган бўлиб қолган эдилар. Уларнинг сочлари узунлигидан ташқари ойлаб ювилмагани сабабли тўзғиган, мой босган бўларди.

Воронов ҳеч қачон кишиларнинг ташқи қиёфасига қараб баҳо берган эмас. У ишчи оиласида ўтган болалиги ва ўсмирлигию муҳтожликни унутмаган, дадасининг эски либосларини қайта тиктириб кийганининг ёдида сақларди.

У, урушдан кейинги йилларда халқаро воқеалар шарҳловчиси бўлган ёш журналистларга ва барча олифга, юввош, скептик, мағрифатчиларга очлик нималигини кўрмай, ўқ товушини эшитмаган ёш журналистларга нисбатан кўпинча ғараз билан қарайдиган бўлиб қолган бўлиши мумкин бўлади...

Воронов ёшлар орасида аъло даражадаги, жиддий, таълимли, таълимли, содиқ йигитлар борлигини кўрар экан, нотўғри ҳушасини қўйиб, ўз-ўзини койир эди. Аммо болалик ва ўсмирлик унинг тушунчаларида озми-кўпми ўчмас из қолдирганди.



Искірт фуфайка ва йилтироқ жинсили ёшлар кимгадир «ўхшаш» учун шундай кийинишар, лекин аслида улар ўша «ўхшаш» одамлар эмасдилар.

Тўда-тўда ёшлар йўлакларда сандирақлаб юришар, йўлакларнинг зиналари, ҳайкал пойгаклари, ибодатхона эшиги олдида соатлаб ўтиришарди... Бу йигит ва қизларнинг турқлари совуқ, лаблари тиришган, кўзлари ғалати ялтирар эди. Гўё улар истаган дақиқаларида пистолетдан ўқ узиши, пичоқми ёки мушт билан, панжалари билан ҳамла қилиб қолишлари мумкиндек туюларди. Лекин ёқимсиз, қиёфалари беўхшов бу ёшларнинг деярли ҳаммаси умуман, ҳамлани ўйламай, шунчаки, модага берилганликлари, баъзан эса бадавлат ва текинхўрларга қарши норозилик сифатида шундайин алмойи-жалмойи кийиниб юришларини Воронов яхши биларди. Унинг ўзи ҳозирги ғарб ёшлари ҳақида, бу барча «хиппи»лар, «хипстер»лар, «сараланган болалар» ҳақида кўп мақолалар ёзган, уларнинг ижтимоий илдиэларини очиб берган, таҳлил қилган... Аммо улар билан ёнма-ён бўлганида ҳамиша хавотирланган ва беихтиёр нимадандир қўрққан эди.

Эҳтимол, худди мана шунинг учун ҳам у Финляндия пойтахтига ҳурмат ҳисси билан қарарди.

Воронов осойишта, тоза кўчалар бўйлаб тамкин ва ажабтовур кийинган одамлар томон бормоқда эди. Витриналардан баъзи бир ғарб пойтахтларидаги каби дабдаба учунгина қўйилган дидсиз, усти ялтироқ, ичи қалтироқ буюмлар эмас, турмуш эҳтиёжи талаб этувчи одатдаги кийим-кечак, рўзғор анжомлари кўриниб турарди.

«Тарихга кириши мумкин бўлган мазкур анжуман Москвадами ёки бирор социалистик мамлакат пойтахтида ўтказилгани маъқулмиди,— дерди ўзича Воронов.— Ушанда ҳаққоний иш бўларди. Социализм дунёси мана шундай учрашувнинг зарурлигини узоқ йиллар давомида қунт, чидам билан ҳормай-толмай исботлаб келди».

Аммо Воронов бундай учрашув Москвада ҳам, Софияда ҳам, Варшавада ҳам, ёки бошқа бирор социалистик мамлакат пойтахтида ҳам бўлолмаслигини тушунарди. Ҳамма мамлакат вакиллари келмасди унда бу учрашувга. Барча ғарб мамлакатлари ичида Финляндия социализм дунёси билан тинч-тотув яшаш, у билан келишиб яшашга қодир ва тайёр эканлигининг энг яхши намунасини кўрсатди. У капиталистик дунёнинг бир қисми бўлгани ҳолда, блокларга қўшилмади, мустақиллигини сақлаб қолди ва шунинг баробарида Ғарб билан ҳам, Шарқ билан ҳам ўз иқтисодий муносабатларини холисанлилло тараққий эттирди... Финляндиянинг Кенгаши ўз пойтахтида ўтказишни таклиф қилишига Совет Иттифоқи, Европадаги барча мамлакатларнинг, Қўшма Штатлар ва Канаданинг бунга рози бўлишлари тасодифий ҳол эмас, албатта.

...Воронов ўткинчилардан йўлни сўрай-сўрай, ниҳоят, совет элчихонасига етиб борди.

Аммо бу бино ичкарасига кириш у қадар осон бўлмади. Чунки барча дипломатик ваколатхоналарда хавфсизлик ҳоралари амалга оширилган эди. Бу нарса совет элчихонасида ҳам сезиларди. Ўз-ўзидан маълумки, совет делегациясининг бошлиғи Л. И. Брежнев совет элчихонасида тўхтамоқчилигини Воронов билмасди. Аммо элчихона ходимларига бу нарса аллақачон маълум бўлган эди. Навбатчи комендант Вороновни киритишдан аввал унинг «хизмат учун берилган» сиёҳранг чет эл паспортини узоқ вақт синчиклаб текширди. Вороновнинг аниқ кимнинг ҳузурига киришини сўради. Элчихона советнигининг исмини эшитгандан кейин навбатчи ички телефон орқали уни узоқ вақт суриштириб топгач, Вороновнинг киришига рухсат берди.

Воронов Совет делегациясининг Хельсинкига эртага — 29 июлда келишини биларди. Шунинг учун элчихона гавжумлиги уни ажаблан-

тирмади. Воронов элчи билан кўришишга ҳаракат ҳам қилмади, аммо бир вақтлар Антонов билан бирга ўқиган советник ҳам, матбуот-атташеси ҳам жойларида йўқ эдилар, қандайдир кишилар у ёқдан-бу ёққа юриб туришарди. Воронов уларнинг ҳам ўзи каби бу ерга зарур иш билан келган одамлар эканини дарҳол тушунди — у қадар катта бўлмаган майдон бурчагида ҳали олиб кетилмаган бир уюм чамадонлар ётарди. Ҳамма жойлар тўлиқ тақсимланиб қўйилганди. Воронов нима қилишини аниқ биладиган — теплоходдаги ўз жойини эгаллаб олган номаълум ҳамкасбидан ёрдам сўрашни хаёлидан кечириб, навбатчи ҳузурига қайтиб келди. У ўзининг бу ерга келгани ҳақида советникка хат қолдирмоқчи, кейин теплоходга бориб, у ерда совет Ташқи ишлар министрлигининг матбуот бўлимидан бирор кишини топиб, унинг ёрдамида умумий оқимга қўшилиб кетмоқчи ҳам бўлган эди.

Навбатчи хатни ўқигач, гўё Вороновни энди кўраётгандек унга тикилди ва нималардир деб гўлдирди:

— Воронов, Воронов... Уртоқ советник бир нарса дегандек бўлган эди, — ишончсизлик билан қўшиб қўйди-да, маҳкамаларнинг қалин журналдек китобни варақлай бошлади. Ниҳоят, кўрсаткич бармоғини бир сатрда тўхтатгач, бошини кўтариб деди: — Сиз учун номер олиб қўйилган! «Теле» меҳмонхонасида. Бу ердан узоқ эмас. — Шундан сўнг у элчихонадан чиққандан кейин қайси томонга юриш, қаерга бурилиш кераклигини батафсил тушунтира бошлади.

Воронов, нега шуни дарҳол айта қолмадингиз, деб сўрамоқчи ҳам бўлди. Аммо юзлари тердан бўғриқиб, сочлари тўзғиб кетган навбатчига қарагач, ҳозир бировга айб тақаб ўтирадиган пайт эмаслигини тушунди.

Воронов «Теле» меҳмонхонасига етиб келиб, нариги томонида ўрта ёшли фин жилмайиб турган тўсиққа яқинлашди. Унга инглиз тилида ўзини танитганди, кутилмаганда фин унга рус тилида жавоб қилди:

— Ҳа, жаноб Воронов! Сиз учун резервация қилинган. Ундан ташқари, сизни мана бу кутиб турибди. — У анкета ва авайлабгина букланган қоғозни тўсиқ устига қўйди. Воронов қоғозни ёйиб ўқиди: «Сиз «Марски» меҳмонхонасидаги матбуот марказида рўйхатдан ўтишингиз керак. Антоновга салом. Элчихона советниги...» хат махсус бланкада инглизча ёзилган эди. Бундай қоғозларга одатда меҳмонхоналарда телефонграммалар ёзилади. Тепасида вақти ва соати кўрсатилган. Советникнинг номи инглиз транскрипциясида тушуниб бўлмайдиган даражада ёзилган эди. Бу «ресептионист», афтидан, русчани оғзаки биладиганга ўхшайди, аммо ёзувда нўноқ шекилли...

Воронов жилмайганча русчалаб раҳмат айтгач, карточкани тўлдириб, финга топширар экан, сўради.

— «Марски» меҳмонхонаси бу ердан узоқми?

Фин эпчил ҳаракат билан яшил карточкани олди-да, уни Вороновнинг қаршисига қўйди. Карточканинг бир томонида харита бўлиб, ўртасида крест билан «Теле» меҳмонхонаси белгилаб қўйилган эди.

— «Марски» мана бу ерда, — кўрсатди фин бармоғини харита устида юргизиб.

— Раҳмат.

Воронов тўртинчи қаватга кўтарилди-да, синтетик гилам тўшалган тор йўлак бўйлаб хоналарнинг номерига қараб-қараб юра бошлади.

Унга ажратилган хонанинг сатҳи олти-саккиз квадрат метрдан сшмасди. Аммо бинокорлар ихчам каравот учун жой, телефон ва лампа токчалари, кичкина ёзув столи, айланувчи телевизор столи ҳамда сўра билан кресло учун ҳам жойни назарда тутгандилар.

Хуллас, ажабтовур хона. Аммо Воронов ўзининг қисқа муддатли турар жойини обдан кўздан кечириб ўтирмади, чамадонини тўшак устига

қўйди-да, эшикни ёпиб, ташқарига йўналди. У матбуот марказига шошиларди.

Бундай мўъжазгина, турли тилларда ғовур-ғувур қилувчи одамлар тирбанд, ёзув машинкалари тинимсиз чиқиллаётган бино ҳозир бутун Финляндиядагина эмас, ҳатто жаҳонда ҳам йўқ бўлса керак.

Воронов халқаро аҳамиятга молик матбуот марказларида биринчи бор бўлиши эмас эди. Кейинги йигирма йил ичида турли мамлакатларнинг жуда кўп матбуот марказларида ҳозир бўлишига тўғри келди. Аммо «Марски» меҳмонхонаси белэтажининг кенг айвонидаги сигара, сигарета ва трубка тутатаётган беҳисоб одамларни кўриб, у дафъатан ўзини йўқотиб қўйди. Бу ердагидек журналистларнинг кўп тўпланганини Воронов ҳеч қачон кўрмаган бўлса керак.

Агар АҚШ билан Канадани ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ўттиз бешта давлат бошлиқлари иштирок этадиган умумевропа Кенгашига жуда кўп журналистлар келишини олдиндан биларди, албатта. Лекин бу қадар кўп журналистлар тўпланишини тасаввур этмаганди!.. Гарчи, ҳаддан зиёд кўп журналистлар бўлса-да, Вороновни қалам соҳибларининг сони эмас, бу ердаги муҳитнинг ўзи хайратга солган эди.

Бу — интиқлик, кутиш, қандайдир ниҳоятда муҳим, ғоят зўр нарсадан хабардор бўлиб лаззатланиш муҳити эди. Бу, айниқса, одамлар бир-бирлари билан баландроқ овозда гаплашганларида сезиларди. Журналистлар ҳозиргидай бир-бирларига гал бермай, бидирлаб гаплашишлари орқали минглаб километр, минг-минглаб чақирим масофадан муҳим воқеага умидворлик билан йўл босиб келиш жараёнидаги чарчоқларини ниқобламоқчидай бўлишарди.

Воронов рўйхатдан ўтиши, руҳсатнома олиши, мухбирнинг исми ва фамилияси ёзилиб, шилдироқ ғилофчага солинган, кўкракка тақилувчи карточкани олиши керак эди. Воронов ўташи лозим бўлган бу расмиятчиликларни яхши биларди.

Аммо шу топда буни бажариш осон эмас эди. Холлда шу қадар одам кўп, улар узра тамаки тутуни шу қадар қалин эдики, ҳужжатлар қайси тўсиқ ортида расмийлаштирилиши ва ким бажаришини билиб олиш мушкул эди. Воронов зарур маълумотларни сўраш учун таниш совет журналистлардан бирортасини излай бошлади.

У шовқинли ва тўлқинлантирувчи оломон ичига кириб бораркан, одатдаги „Excuse me“ ва „Sorry“, „Pardon“<sup>1</sup> сўзларини тўхтовсиз такрорлаб, аста-секин олдинга силжирди. Ниҳоят, кимдир уни русчалаб чақирди. Воронов енгил нафас олиб, овоз эшитилган томонга интила бошлади.

Вороновни чақирган одам ТАСС мухбири Подольцев экан. Улар Москвада учрашган эдилар. Воронов мухбирнинг ёқасидаги карточкага ёпиштирилган рангли фотосурат хира ялтираётганини кўрди. Бундай карточкалар меҳмонхона майдончасида тўпланганларнинг кўпида бор эди. Бошқа, бир оз соддароқ карточкаларда фақат: матбуот белгиси, мухбир вакили бўлган мамлакатнинг номи ва вакилнинг фамилияси ёзиб қўйилган эди.

— Қаёқдан келиб қолдинг?— деди Подольцев.— Қемада кўрмодим-ку сени?

— Махсус рейс билан келдим,— кулимсираб жавоб берди Воронов.

— Демак, ҳали расмга ҳам тушиш керакми?— ташвишланиб сўради у, касбдошининг ёқасига ишора қилиб.

— Сен нима деб ўйловдинг? Гартибни билмайсан-да. Қани, мен билан юр-чи. Подольцев иккалалари одамлар орасидан бир амаллаб

<sup>1</sup> Кечирасиз (инглиз, французча).

Ғаб. Воронов олдин пайқамаган эшикка киришди. Хона жим-жит ва бум-бум эди. Чап томонда иккита фотоаппарат мосламаларга ўрнатилган ҳолда турарди. Унга темир йўл кассаларидаги компостерларни эслагувчи механизмлар осилиб турарди. Уччаласи ҳам бир хил кўк рангдаги ихчам жакет ва калта юбка кийиб олган гўзал фин қизлари стол ортида ўтирдилар. Уларнинг тепасида фин ва инглиз тилларида «рўйхатга олиш» деган ёзув турарди. Рўйхатдан ўтишни истовчилар энди йўқ шекилли, қизларнинг ишсиз зерикаётгани сезилиб турарди. Ён томонда, фотоаппарат яқинида сочлари узун, жинси кийимдаги йигит курсида мудрарди.

— Мана сизларга хизмат, қизлар!— деди Подольцев ҳазиломуз.— Бу менинг москвалик касбдошим. Кенгаш унингсиз бошланмаслигига имони комил бўлгани учун энг сўнгги дақиқада етиб келди. Оломон ичида йўқолиб кетишни истамди. У — муҳим шахс. Шарҳловчи. Бизларга ўхшаш оддий репортёрлардан эмас.

Қизлар Подольцевнинг гапини жилмайиб тинглашди. Афтидан, улар русча гапиришни билишар ёки жуда бўлмаса, тушунар эдилар.

— Салом. Менинг фамилиям Воронов,— деди Воронов ҳам рус тилида. «Ташқи сиёсат журнали». Москва.

— Салом,— барабар саломлашишди қизлар. Учинчи қиз Вороновга ҳайрихоҳлик билан жилмайиб қарар, аммо кўринишидан ҳеч нарса тушунмагани аён эди.

Иккала қиз эса чаққонлик билан ялтироқ жигар ранг бўёқ билан бўялган узун қутичалардаги шахсий варақаларни тез-тез кўздан кечира бошладилар. Уларнинг оро берилган нозик тирноқли бармоқлари худди роял клавишлари устида йўргалаётгандек ҳаракат қиларди.

— Бахтинг бор экан!— хайрихоҳлик билан илжайди Подольцев.— Уч кун аввал мен шу ерда бир ярим соатча турган эдим...

Қизлардан бири карточкани олиб, тантанавор овозда ўқиди.

— Жаноб Воронов Михаил,— қиз сўзнинг биринчи бўғинига урғу берди.— Журнал...— У хиёл тутилди-да, инглизча тамомлади. Кейин жинси кийимидаги йигитга фин тилида нимадир деди. Йигит ўрнидан сакраб туриб, Вороновга бўш стуллардан бирини кўрсатди. Расмга тушиш кам вақт олди. Суратчи муртакни шиқ этказиб, аппаратдан қора квадратчани чиқарди. Сўнг бир неча лаҳза уни тутиб турди. Воронов яқинроқ бориб, қора фонда аста-секин рангли тасвира юз кўриниши пайдо бўлаётганини кузатди. Ниҳоят, фотограф: «О, кей», деб суратни қизлардан бирига узатди. Қиз расми «Компостер»нинг ёруғига солди. Шиқ этган товуш чиқди. Кейин ундан енгил шитирлаш эшитилди. Бир дақиқадан кўпроқ вақт ўтиши билан ялтироқ рухсатнома — шилдироқ қоғозга ўраб ёпиштирилган ҳолда стол устига тушди. Рухсатномада Вороновнинг фамилияси ва келган мамлакатининг номи ёзилган бўлиб, ўнг томонида унинг рангли сурати бор эди.

— Қаерда турасиз, жаноб Воронов?— деб сўради қиз, бузук русча талаффузда.— «Михаил Калинин»дами?

— Йўқ,— деб жавоб берди Воронов.— «Теле» меҳмонхонаси, 425-хонада.

Қиз Вороновнинг варақасига ёзди ва уни қайтадан қутичага солиб қўйди.

— Раҳмат, қизлар. Ишонтириб айтаманки, сизларга рус кийимини сўнгги марта олиб келишим,— деди Подольцев.

Улар узоқлашдилар.

— Энди сен тўла ҳуқуқли одам бўлдинг,— деди Подольцев. Женевада Хельсинки Кенгашини тайёрлаш чоғида шу мавзуда олиб борилган чексиз баҳслашишларни назарда тутиб, кинояли жилмайди.— Мен э

ишларим билан шуғулланишим мумкин. «Финляндия — тало»да бўлгандирсан?

— Қаерда?

— Ана, холос! Конгресслар Саройида, финчасига — «Финландия — тало». Кўл ёқасидаги Хеспериш паркида. Ажойиб! Зиналари оқ мармардан, деворлари қора метиндан ишланган! Айтмоқчи, ўша жойда, флигельда матбуот маркази ҳам жойлашган.

— Шу ерда эмасми?

— Кенгаш кунлари — у ерда. Ҳамма техника — телефонлар, теле-тайплар, телеминиторлар... бор.

— Нега унда ҳамма бу ерда юрипти?

— Кенгаш бошлангунга қадар матбуот маркази шу ерда бўлади, сенга тушунтирдим-ку, ахир. Бу ерда юришларининг сабаби — кутиш-япти.

— Нимани?

— Совет делегацияси келиши тўғрисидаги хабарни, тушундингми? Агар тасдиқланса, демак, конференция ўтказилиши аниқ бўлади.

— Уларнинг бу масалада шубҳалари борми?

— Ғарбликлардами? Уларнинг биринчи йил шубҳаланишлари эмас. Бирдан мослашолмайсан киши. — Подольцев кифтларини қисди. — Шундай қилиб, «Тало»га борасанми?

— Эртага бораман, бугун бир кун бор ҳали, — жавоб қилди Воронов. Ҳозир меҳмонхонага қайтиб, ўйлаб кўраман.

— Ҳаммаси равшан! Сизларга — дўнгпешона шарҳловчиларга фактлар эмас, ғоялар керак. Шундайми? Биз репортёрлар бўлсак, тилмизни осилтириб олиб, Симонов айтганидек, «Ҳар ҳолда ҳамма нарса учун пилик бўлса бас...» Хўп, учрашгунча!

Улар гавжум майдонга чиқишди. Подольцев қайнаб турган оломон ичига шўнғиди ва шу заҳоти кўздан ғойиб бўлди.

Воронов карточкани пиджагининг ёқасига тақди. Энди у «Марски» меҳмонхонасини тўлдириб турган журналист — биродарлари оиласига қўшилган — бу ерга биринчи келганидек ўзини бегона сезмас эди. Воронов яна ўша тўлқинланиб, қайнаб турган оломон орасига кириб қолиб, танишлардан бирортасини учратишга умид боғлади. «Правда», «Труд» газеталарининг мухбирлари кўрингандек бўлди, аммо бу ерда ҳозир совет журналистлари деярли йўқ эди. Эҳтимол, улар аллақачон расмиятчиликларни тугаллаб, теплоходда юришгандир ёки фин ва бошқа сиёсий арбоблардан интервью олиш билан банддирлар.

Воронов энди ҳеч қаерга шошилмасдан, кўз олдидан ўтаётган финлар, америкаликлар, инглизлар, немислар, поляклар, болгарларнинг юзларига қараб, уларнинг узук-юлуқ сўзларидан миллатини белгиларди. Баъзи бир журналистлар сал-пал таниш эди, улар билан Воронов кенгашларда, «симпозиумларда», «доира стол атрофида» учрашган. Баъзан кимдир унинг фамилиясини айтиб, одамлар боши устидан қўл силтаб саломлашарди.

Воронов шошилмасдан эшик томон юрди-да, меҳмонхонага бориб, ёзиши лозим бўлган биринчи мақоласининг режаси ҳақида ўйлашга қарор қилди.

Подольцев қисман ҳақ эди. Воронов шошилиш хат-хабарлар жўнатмоқчи эмас эди. Кўзга ташланувчи икир-чикирлар, биринчи таасуротлар, Кенгаш ўтадиган сарой ва залнинг ташқи кўриниши, делегацияларнинг келиш тафсилотлари — буларнинг ҳаммаси ТАСС ва кундалик газеталарнинг мухбирлари томонидан, албатта, дарҳол илиб олинарди. Буларни мутлақо четлаб ўтиш, эҳтимол, мумкин эмасдир-ку, аммо энг муҳими бошқа нарсада бўлиши керак. Ахир, Кенгаш ўтказиш

фақат орзу, мақсад бўлган ўша йиллардаёқ — бу нарса ҳамма тушунган ҳолда — бунга эришиш кўп куч талаб этган даврдаёқ газеталар ва журналларда «Хельсинки» мавзуда жуда кўп материаллар босилган эди.

Вороновнинг мақоласи қайтариқ бўлмаслиги керак. Редакция ўз шарҳловчисидан мутлақо бошқа нарсани — индинга бу ерда — Хельсинкида бошланиши керак бўлган чиндан ҳам муҳим воқеани, урушдан кейинги халқаро муносабатлар тарихида унинг мавқеини чуқур англаб, таҳлил қилишини кутади.

Воронов жўнаб кетиш олдидан Антонов унга: «Мақоланинг ҳажмидан ташвишланма,— деганди.— Майли, бир тобоқ ёки ҳатто бир ярим тобоқ боёма ҳажмида, яъни машинкада қирқ бет бўлсин. Бундай мақола учун редакция жой беришга ачинмайди. Аммо мумкин қадар қайтариқдан қочиш...» Янги гап топиш учун нима қилиш керак?

«Ҳечқиси йўқ,— ўйлади Воронов.— Меҳмонхонага бораман-да, бирор соат стол ёнида ўтираман, ниманидир ёза бошлайман, кейин иш ўз изига тушиб кетади...»

Аммо у янглишган эди. Мана бир соатдан буён устига чарм ўрнида ялтироқ яшил рангдаги синтетик материал қопланган юмшоқ креслода тиззасига блокнотини қўйиб, бармоқлари орасида шарикли ручкаси билан ўтирибдию, лекин иши ҳеч юришмайди. Вороновнинг Хельсинкига юборилишига сабаб бўлган воқеа одатдаги андозаларга сифмасди. Кўплар учун бу ақл бовар қилмайдиган нарсасдек эди. «Хельсинки кенгаши» ибораси давлат ва партия арбобларининг нутқларида бир неча йиллардан бери янграб келар, халқаро мавзудаги бирон бир жиддийроқ мақолада уни четлаб ўтилмас, бу ибора хилма-хил ахборот ҳамда баёнотларда баъзан яхши истакдан конкрет маъносини амалга ошиш, реал фактга айланиш ҳисларини йўқотган ҳолда йилт этиб кўриниб қоларди.

Воронов журналист сифатида ҳар хил совет делегацияларига, шу жумладан, парламент делегациясига ҳам ҳамроҳ бўлиб, ғарб мамлакатларига кўп маргалаб борган: Уларда президентлар, бош министрлар, ташқи ишлар министрлари, палаталарнинг раҳбарлари билан ҳам учрашувлар бўлган. Совет вакиллари ҳар гал хавфсизлик бўйича умумевропа кенгаши чақиришни қаттиқ туриб таклиф қилганлар. Финляндия ҳукумати бундай Кенгашни ўз пойтахтида ўтказишни изҳор қилган вақтдан бери у «Хельсинки Кенгаши» деб аталадиган бўлди. Совет таклифлари рад жавобига, ҳар ҳолда, очиқдан-очиқ рад жавобига учрамади... «Ҳа, албатта. Ҳа, яхши бўларди. Аммо пухта тайёрланиш керак», дейиларди ҳар галги жавобларда. Шу тариқа орадан ойлар, йиллар ўтаверди.

Ниҳоят, Европа Кенгашини мавжуд воқеликка нима айлантирди? «Совуқ уруш» музи қандай, қачон эрий бошлади?

Урушдан кейинги узоқ йиллар давомида кишиларнинг ҳаракатларининг эмас, юракларини ҳам сиқиб турган ўша муз қатлами абадийдек туюлган эди. Бу музнинг эриши бамисоли Арктика қорларининг эриши туфайли келажакда жаҳон иқлимининг ўзгаришидек узоқ истиқболдаги иш бўлиб кўринган эди... Буларнинг ҳаммаси энди қандай юз берди? Қандай?!

Мақолани нимадан бошлаш керак? Хельсинки Кенгаши олдидан тарихданми? Варшава Шартномаси иштирокчилари бўлган давлатларнинг Сиёсий консультатив комитети 1966 йилда Бухарестда ишлаб чиққан Декларацияданми? Худди мана шу давлатларнинг 1969 йилдаги Будапешт Мурожаатиданми — унда Европа, АҚШ ва Канада мамлакатларининг Кенгаш ўтказиш тўғрисидаги чақириғи бор эди!

Ёки умумевропа учрашуви ғояларини ҳам баъзан кўмиб юборишга қодир бўлгандек туюлган Женевадаги кўп ойлик тайёргарлик босқичдан, баҳслар ва тортишувларданмикан? Булар ҳақида ҳам кўп марта ёзилган-ку!.. Ахир, вақт занжирини қандай қилиб мақолага жойлаштирса экан? Ҳисоблаш нуқтасини қаердан излаш керак? Урушдан кейинги ўн йилликларни тўлиқ назорат қила олувчи чўққини қандай топиш мумкин? Айниқса, кейинги ўн йилликни — индинга юз берадиган воқеани ахир худди шу ўн йиллик рўёбга чиқарди-ку.

Ниҳоят — бу ҳам аҳамиятга молик — мақолани нима деб аташ керак? Борди-ю, соддагина, лўнда қилиб «Ғалаба» деб атаса-чи? Воронов бу ҳақда ўйлади-да, ўз-ўзи билан баҳсга тушиб кетди: Ниманинг ғалабаси? Қимнинг ғалабаси? Ниманинг, кимнинг устидан эришилган бу ғалаба?

Шу ўринда батафсил изоҳ шартмикан? «Хельсинки» ғалаба бўла оладими? Ҳа, ўз-ўзидан. Қимнинг ғалабаси? Совет Иттифоқинингми? Унинг тинчлик сиёсатинингми? Бутун социалистик ҳамдўстликнингми? Ҳа, албатта. Аммо ҳозирги ҳолатда «Ғалаба» сўзи янада кенгроқ маънога эгадир. Соғлом фикрнинг ёвуз кучлар устидан ғалабаси. Халқларнинг ўз тинч келажаклари учун курашидаги ғалабаси..

У ҳолда бу сўз бўлажак Қенгашнинг ўзи билангина чеklangмайди. Бу сўз кенгроқ маъно касб этиб, фақат бугунги ғалабанигина эмас, балки ўтмишда эришилган барча ғалабаларни ҳам қамраб олади..

Хўш, ҳар ҳолда мақолани нима деб аташ керак?

Воронов бари бир узил-кесил қарорга келолмади. У чарчаб кресло сунчиғига ястанди-да, кўзларини юмди. Яна кўзларини очди-да, деразага боқди. Кеч кирган эди. «Машага телефон қилсам яхши бўларди,— ўйлади Воронов,— Қизиқ, бу ердан Москва билан гаплашиш учун ҳар минут қанча тураркан?»

Айтгандай, у бугун эрталаб Шереметьево аэродромида хотини билан хайрлашган эди, уч кундан кейин эса уйда бўлади. Угли Қолка яқиндагина рейсга учиб кетди, бир ҳафтасиз Москвага қайтиб келмайди.

Воронов соатига қаради: Ун икки минути кам тўққиз эди.

Тўққиз бўлиб қолибди-ку! У ҳали бир сатр нарсга ёзмадигина эмас, ақалли мақоланинг тахминий режасини ҳам тузгани йўқ. Воронов яна диққатини тўплай бошлади.

Агар тарих кўлами билан ўлчанса, ҳақиқатда индинга бошланган халқаро учрашув қачон бошланган эди? Унинг бошланиши қаерда? Расмий жиҳатдан эмас, йўқ, айтганларидек, миллионлаб кишилар тақдири билан боғлиқ бўлган дунёвий кўламдаги учрашувлар?.. «Со-вуқ уруш» аслида қачон бошланган? Америка атом бомбаси бизга таҳдид қилган қирқ бешинчи йилдами? Ҳали ярим вайрона, жароҳати битмаган мамлакатимиз ўзининг бомбасини яратиш учун миллион-миллион сўм пул сарфлашига тўғри келган эди.. Ёки атом бомбаси устунлигидан маҳрум бўлган собиқ иттифоқчиларимиз машъум НАТО-ни тузиб, социалистик дунё юрагига қаратилган қиличга қарши қудратли қалқон — Варшава шартномасини қарама-қарши қўйишга бизларни мажбур этган қирқ тўққизинчи йилдами?

Бу бемаъни, жон ва вужудларни қовжиратувчи, инсон қонини музлатувчи «совуқ уруш» қаердан бошланган ўзи?

Ва ниҳоят, унинг барҳам топишига нима сабаб бўлди? Буларнинг ҳаммасининг бошланиши қаерда? Умумевропа Қенгашини қандай эски босқич охирига етказадю қайси янги босқич бошлаб беради? Агар абадий бўлмаса ҳам узоқ вақт муз тагига кўмилган соғлом фикр нима учун шу бугун юзага чиқа олди?

«Нима учун?» Воронов бу саволни хаёлан такрорлади.

...худди шу чоқ телефон жиринглаб қолди.

Ҳозиргина ўйлаётган нарсалари дарҳол қаёққадир ғойиб бўлиб, ажиб бир хотирага айланди. Уруш тугагандан кейинги биринчи йилларда қулоғига эшитила-эшитила кейин аста-секин сўниб кетган жанг суронлари яна баралла эшитилгандек бўлди.

Навқирон, сепкилдор, иссиқдан юзлари терлаган, сарғиш соч, енглари тирсагидан сал юқорироқ шимарилган, погон тақилган ҳарбий кўйлакли, Чарльз Брайтнинг қиёфаси Вороновнинг хотирасида ўттиз йилдан бери яшаб келмоқда.

Нима учун у ҳозир Брайтни бунчалик мунтазир кутмоқда? Ундан нимани эшитмоқчи? У, эҳтимол, ўзининг ёшлиги билан учрашмоқчидир? Ўз-ўзи билан, ўша вақтда бўлганидек, йигирма етти ёшли майор билан учрашмоқчидир балки? Ёки ўша даҳшатли, қонли ва айнивақтда умрининг энг яхши, қаҳрамонона йилларига онгли равишда қайтишга интилаётганмикан?

Воронов яқинлашиб келаётган оёқ товушини эшитиш умидида эшик олдида тўхтади, аммо дермантин ҳамма овозни ютиб юборган эди. У сабрсизлик билан эшикни очди-да, йўлакка қаради...

Ҳеч ким йўқ эди. Фақат йўлакнинг ётагида оқ куртка кийган официант ғилдиракли столни итариб келарди. Воронов эшикни ёпди-да, афсусланиб ўйлади: «Брайт қаердан, шаҳарнинг қайси томонидан, қандай узоқликдан келмоқчи? Ёки унинг машинаси йўқмикан?»

Воронов шундай хаёл сураркан, беихтиёр жилмайди: Чарлининг машина рулида қандай ўтириши унинг эсига тушиб кетди...

Кейинчи... Кейин, ниҳоят эшик тақиллади.

— Kemein!<sup>1</sup> — Воронов гўё эшик ортидаги одам эшитмасдан кетиб қоладигандай қаттиқ бақирди. Эшик очилди. Читдан тикилган кўк куртка ва жинси шим кийган катта ёшли одам бўсағада турарди. Соқоли оқиш рангда. Ажин босган юзларидаги сепкиллари сал-палгина сезиларди.

Вороновнинг назарида ёшига муносиб кийинмаган бу кекса америкалик билан бирга хонага узоқ ўтмиш кириб келгандек туюлди. Воронов ҳозир алоҳида, ички сезги билан жуда узоқ-узоқ вақтдан бери шу қадар ўзгариб кетган бу кишинигина эмас, балки ўша вақтларда ўзларининг атрофларида мавжуд бўлган нарсаларни — устидан худди яшил ариқчалар каби печакгул ўрмалаган, эски, тош-тупроқ тўзонлари қопланган вайроналиклар, харобаларнинг ғира-шира манзарасини кўрди. Туманлар ичидан кимнингдир ярим унутилган юзлари аста-секин кўрина бошлади, кимнингдир нотаниш кўзлари унга боқарди.

Михаил Воронов билан Чарльз Брайт бир-бирларининг қаршисида худди мутлақо бир бегона дунёдаю ундан бугунги кунга қандай қайтишларини билмагандек тек турардилар.

Воронов оқсоч америкаликка тикилди. Агар кўчада учратиб қолгудек бўлса, уни ҳеч қачон танимаган бўларди. Аммо бу одам Воронов шу қадар сабрсизлик билан кутган Чарльз Брайтнинг худди ўзгиринаси эди. У қўлларини кенг ёзиб «Чарльз!» деб қичқириб юборди ва ҳамон бўсағада журъатсиз турган одам истиқболига ташланди.

<sup>1</sup> Киринг (инглизча).



## Иккинчи боб

### Орқага — ўтмишга

1945 ИИЛ июлида Воронов яна Берлинга кетди. Уруш тагин уни ҳамма томондан ўраб олди.

Тўғри, энди милтиқлардан узилаётган ўқ, автомат ва пулемётларнинг сайрашлари; бомба ва снарядларнинг портлашлари эшитилмас эди. Воронов оддий вагон купесида кетарди. Унинг ёнидагилар чегара қўшинлари формасидаги майор ва икки офицер — капитан билан старший лейтенант эдилар.

Поезд ўқтин-ўқтин тўхтаб, Берлингача бўлган йўлни икки кечакундуздан камроқ вақт ичида босиб ўтди. Воронов майнинг ўрталарида Берлиндан Москвага қайтганида уйига тўртинчи сутка охиридагина етиб келган эди.

Тўрттала йўловчи шу ҳақда гаплашиб олдилар-у, ammo бир савол жавобсиз қолди: Хўш, нима учун улар ҳозир Германияга кетаётирлар? Воронов бу масалани қўзғагани ҳамано купега қандайдир ғалати, ноқулай сукунат чўкди.

Воронов Лозовский билан гаплашганидан кейин, ўзининг нимага кетаётганини тахминан биларди. Ammo унинг командировкасида Берлиндан ташқари нима учун Потсдам кўрсатилган? Энг муҳими — солдатлар билан офицерлар тўла поезд қандай мақсадлар билан Германияга бормоқда? Ахир, ҳозир минглаб, ўн минглаб солдатлар бу томонга қараб жўнамоқда-ку! Нима учун бу поездда чегарачилар бунчалик кўп? Ниҳоят, уларни нима мақсадда худди Потсдамга юбормоқдалар?

Лекин Воронов бу саволларига жавоб топа олмади.

Воронов Берлинга етгандан кейин ишни нимадан бошлашни яхши биларди. У аввало шаҳарнинг марказий райони — Карлсхорстга бориши керак. Бу ерда — собиқ немис ҳарбий инженерлик билим юрти жойлашган икки қаватли кўримсиз кулранг бинода ер шаридаги миллионлаб кишилар азоб-уқубатда сабрсизлик билан кутган воқеа — «учинчи рейх»нинг таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжат имзоланган. Воронов Карлсхорстда илгари ҳам бўлганди. Совет қўшинлари немис пойтахтини қўлга киритганларининг иккинчи кунийёқ у — Совинформбюро муҳбири — Берлинга етиб келиб, таслим бўлиш маросимида қатнашганди.

Воронов то Берлиндан кетганига қадар ҳар куни Москвага мақола ва суратлар жўнатиб турган. Совет ҳарбий комендатураси кетмакет буйруқлар бериб турарди; Берлин аҳолисига озиқ-овқат тарқатиш, пойтахт коммунал хўжалигини тиклаш, Берлиндаги болаларни сут билан таъминлаш ҳақида...

Худди мана шу кунларда Совет Иттифоқидан Берлинга ўн минглаб тонна ун, картошка, қанд, ёғ келиб турди. Воронов озиқ-овқат маҳсулотларининг шаҳар аҳолисига тарқатиш манзараларини кўплаб фотосуратларда акс эттирган.

Буларнинг ҳаммасини Воронов шунинг учун хотирладикки, худди ўшандагидек ҳозир ҳам ҳамма нарса Карлсхорстдан бошланмоғи керак. У ерда аввалгидек маршал Жуковнинг штаби, шунингдек, собиқ фронт сиёсий бошқармасининг, энди эса — совет қўшинлар группасининг баъзи бир бўлимлари жойлашган эди. Уша жойга — сиёсий бошқармага Воронов бориши керак эди.

Воронов ичига фотоаппарат, эҳтиёт плёнкалар, фуқароча костюми (гарчи, бу костюм нимага керак бўлишини билмаса ҳам) солинган чамадончасини ўзи билан бирга олди.

Воронов вагондан чиққанида вокзалдаги одатдан ташқари жиддий тартиб уни ҳайратга солди. Потсдамгача бораётган солдат ва офицерларга Берлинда вагонлардан чиқмаслик ҳақида буйруқ берилган бўлса керак. Перрон топ-тоза, ҳарбий кеманинг палубаси сингари ҳозиргина артиб-тозалаб қўйилгандек эди. Шлезисхербанхоф вокзалининг қандайдир мўъжиза орқали сақланиб қолган деворлари ҳам янгидан бўялгани ёки яхшилаб ювилгани учунми, ялтирар эди.

Перронда совет ҳарбий патрули — капитан билан учта солдат у ёқдан-бу ёққа юриб турарди. Кейинги вақтларда Воронов том маъноси билан олов ва сув кечган, гимнастёрка ва кителлар кийган кўплаб ҳарбий хизматчиларни учратди. Капитан ва унинг ҳамроҳлари бўлган солдатларнинг формалари илгари ҳеч ким киймаган — янги, шубҳасиз ҳозиргина берилган эди.

Воронов капитан билан тенглашгач, ҳар эҳтимолга қарши, сиёсий бошқарма қаердалигини сўради:

— Ҳужжатларингиз, ўртоқ майор?— деди қўлини шапкаси соябонига олиб борган капитан.

Воронов унга ичига командировка ҳужжати солинган офицерлик гувоҳномасини узатди. Капитан ҳужжатни диққат билан ўқиб чиқди.

— Объектга пропускангиз борми?— деб сўради кейин у.

— Қанақа объектга?— ҳайрон бўлди Воронов.

— Сиз ахир, Потсдамга кетаётирсиз-ку?

— Ҳа, аввало сиёсий бошқармага киришим керак.

— Тушунарли, деди капитан Вороновга ҳужжатларини қайтара туриб.— Сиёсий бошқарма Карлсхорстда, эски жойида. Транспортингиз борми?

— Йўқ. Қаёқдан бўлсин?!

— Йўловчи машина тўхтатишга тўғри келади. Бизнинг ҳарбий машинамизни тўхтатинг...

— Тушунарли,— деди ўз навбатида Воронов ҳам. Бу олифта капитан унга қандай қилиб машина тўхтатишни ўргатмоқчи шекилли... У қўлини чаккасига олиб борди-да, офицерга қарамасдан чиқиш томон йўл олди.

Воронов майдонга чиққач, аввало майдон яхшилаб тозаланганига эътибор берди. Тош ва шағал уюмлари, зинапоялари ялтировчи вайрона уйлар бундан икки ой аввалгидек ҳамма томонда кўриниб турибди. Олдинлари бундай уюмлар юришга халақит берар, ҳайдовчилар усталик билан уларни четлаб ўтишга мажбур бўлардилар, энди эса кўча юзи саришта, тозаланган эди.

Вороновнинг бахти бор экан. Вокзал ёнида совет ҳарбий номери ёзилган «додж»— америка юк машинаси турарди. Бундай машиналар бизнинг армиямизда урушнинг кейинги даврларида кўплаб пайдо бўлган эди. Воронов машина томон юра бошлаганида, ҳайдовчи моторни ишга солди.

— Ҳой дўстим, тўхта!— қаттиқ бақирди Воронов. Ҳайдовчи машинадан бошини чиқарди.

— Эшитаман, ўртоқ майор?

— Қайси томонга кетаяпсиз, ўртоқ сержант?— деб сўради Воронов ҳайдовчининг погонига кўз ташлаб.

— Сиз қайси томонга боришингиз керак, ўртоқ майор?

— Карлсхорстга.

— Утиринг, мен ҳам худди ўша ерга бораман,— деди сержант, шинели билан ранги ўнгиб кетган халтасини орқа ўриндиққа ташлаб.

Воронов ҳам чамадонини ўша ерга ташлади-да, сержант билан ёнма-ён ўтирди.

Ҳайдовчи ўзига хос чаққонлик билан тезликка ўтказувчи дастакни итариб, газни босди.

Машина ўрнидан қўзғалди.

Воронов сержантга қиё боқиб қўйди. У ҳали ёш-у, лекин мўйлови бор эди. Босиб кийилганидан бир томонидаги қоши устига тегиб турган пилоткаси тагидан сарғиш жингалак сочи кўришиб турарди. Сержантнинг кўксига учинчи даражали шуҳрат ордени ва медаллар ялтирарди.

— Шу эшелон билан келдингизми; ўртоқ майор?— деб сўради сержант.

— Шу эшелон билан,— тасдиқлади Воронов.

— Демак, Москванинг ўзидан?

Воронов бир дақиқа жим бўлиб қолди. У тасодифий ҳамроҳларига ҳарбий қисмларнинг қаердалиги ва қаерга боришини айтишга одатланмаганди.

— Яширмай қўя қолинг, ўртоқ майор,— деди қаттиқ кулиб сержант. Шу эшелонни кутиб олиш учун мен штабимиз бошлигини олиб келдим.

— Нега унда кутмадингиз уни?— гапни буриб сўради Воронов.

— У бу ёғига эшелонни бошлаб боради. Нақ Потсдамгача!

«Бу ҳам Потсдам тўғрисида!» деб ўйлади Воронов. У ҳайдовчидан Потсдам тўғрисида сўрамоқчи эди, ammo сержант олдинроқ савол бериб қолди:

— Москвада аҳвол қандай?

— Кўнгилдагидай. — Сержантнинг оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайишига жавобан беихтиёр жилмайиб жавоб берди Воронов ҳам.

— Галаба парадида бўлдингизми?

— Бўлдим.

— Оббо сиз-ей! — Сержант хитоб қиларкан, яхшилаб кўриб олмақчидек Вороновга тикилиб қаради.

— Сизларда, бу ерда ишлар қалай? — гапни улаш учун сўради Воронов.

— Биздами, тинчлик, ўртоқ майор! Биргина сўз — Тинчлик!



А. ХОЛИҚОВ чизган расм.

Уруш ўн минглаб одамлар ёстиғини қуритган шаҳарда бу сўзни эшитиш ғалати туюларди. Яқиндагина шу ерда ёнғинлар алангаси авж олган эди.

Эҳтиёткорлик билан тозалаб қўйилган Берлин вайроналарининг кўринишларида Воронов уруш йилларида кўрган ўнлаб бошқа вайрона шаҳарлардан фарқ қиладиган жиҳатлар бор эди. Хўш, нима ўша фарқ? Бу фарқ Берлинни қоплаб олган оппоқ тош чанги эканини Воронов дафъатан тушуниб ололмаган эди. «Оппоқ шаҳар,— ўйлади у.— Оппоқ сочли шаҳар...»

Энди у Ғалабадан кейинги биринчи кунлардагидек алғов-далғов туюлмасди. Йўлка ва кўчаларда одамлар кетиб боришяпти. Уларнинг қарийб ҳаммаси рўзгор анжомлари солинган аравача ёки сумкалар кўтариб олишган. Бу одамлар энди Вороновга майдагидек кўринишмасди. Улар харобалар орасидан қўрқа-писа, гўё ҳар дақиқа устиларига зарба тушишидан хавотирлангандек атрофларига аланглаб-аланглаб, чиқиб келардилар. Улар иттифоқчилар қўшинининг солдат ёки офицерини учратиб қолсалар, шартга ўзларини четга олишар ёки эгила-букила тобелик, хушомадгўйлик изҳор қилардилар. Аёлларнинг ёшини билиб бўлмас, юзлари оқарган, кийимлари жудаям ночор, улар ўзларидек ранглари заҳил, кўпдан бери ювинмаган болаларни етаклаб келардилар. Фақат инглиз ва америка солдатлари ҳамда офицерлари билан бир вақтда кўчаларда пайдо бўлган фоҳишаларгина ярқироқ бўйланган юзлари билан кўзга ташланар эдилар.

Атиги икки ойгина ўтган бўлса-да, Берлинда кўп нарсалар тубдан ўзгариб кетганди.

Вороновнинг кўзи ярим вайрона деворлардан биридаги шиорга тушди: «Гитлер келиб кетаверади, немис халқи эса қолади».

Воронов кетаётган машинага иттифоқчиларнинг офицерлари тез-тез дуч келарди. Улар ўзларининг «виллис»ларида катта тезликда ўтиб кетардилар. Баъзан улар қўлларини пилоткаларига тегизиб, нималардир дейишарди, аммо уларнинг нима демоқчи бўлганларини Воронов англай олмас эди. Афтидан, совет офицерига салом берган бўлсалар керак.

— Шўх йигитлар, улар билан зерикмайсан,— деди ҳайдовчи ҳурмат ва кулги аралаш.

— Иттифоқчиларни тез-тез кўриб турасанми?— деди Воронов сержантга тўппа-тўғри мурожаат қилишдан ўзини тийиб.

— Эльбада турганимизда бир-биримизга меҳмон бўлар эдик. Албатта, тил билмас эдик. «Халло, Боб, фенькю вери мач», бор гапимиз шу эди! Аммо, бари бир тушунишардик. Дунёда умумий тил бордек эди. Сўзсиз-у, аммо ҳаммага тушунарли тил...

Гапларига бу нотаниш майорнинг эътибор бериши аҳамиятлидек, сержант дам-бадам Вороновга қараб қўярди.

— Тўғри айтасан, сержант,— фронтдагидек «сансираш»га ўтиб, кулимсиради Воронов.— Гарчи, бундай тил ҳозир йўқ бўлса ҳам, шундай тил яратилиши керак...

— Тўппа-тўғри!— Сержант Вороновнинг сўнги сўзларини эшитмай ва талаффуздаги гумон оҳангига аҳамият бермай севиниб кетди.

— Уларча ҳеч нарса билмасак ҳам келишиб оламиз-ку? Офицерларга-ку ишим тушмаган, аммо солдатлар билан бир-биримизнинг гап тушунишимиз жуда осон! «Фенькю вери мач» десак бўлди! Мен унга «Гитлер капут!», десам, у менга бармоғи билан доира чизиб, «Сталин!— О, кей!» дейди. Уларча бу ҳамма нарса жойида дегани.

— Сержант, улар сенга «сенькю вери мач» дейишлари керак эди,— кулги аралаш деди Воронов.— Берлинга кела олганликлари учун бизлардан миннатдор бўлсинлар.

— Майли, ўртоқ майор, энди нимасини ҳисоблашиб ўтирамиз?— жавоб қилди сержант.— Ҳозир гап бунда эмас!

— Бўлмаса нимада?— қизиқиб сўради Воронов.

— Сизга қандай тушунтирсам экан, ўртоқ майор... Урушдан аввал қанча йил яшаган бўлсак, атрофимизнинг ҳаммаси капиталистик мамлакатлар эди. Ҳамма томонимизда қуршовда эдик. Газеталарда шундай деб ёзиларди-ку?

— Худди шундай.

— Энди, мана, қуршов йўқ!

— Нега йўқ бўларкан?

— Қизиқсиз-а, ўртоқ майор,— Вороновнинг соддалигидан астойдил ажабланиб ҳайратга тушди сержант.— Энди, ахир ишлар бошқача бўлиб кетди-ку. Гитлер — тамом! Англия — иттифоқчимиз, Франция — иттифоқчимиз, Америка, гарчи узоқ бўлса-да, у ҳам ахир... Еки Европани олайлик. Айтайлик, Польша, Болгария, Чехословакия. Наҳотки, улар энди буржуйлар ҳокимияти остида яшашга рози бўлсалар? Ҳеч қачон рози бўлмайдилар, ўртоқ майор, буни мен сизга аниқ айтаётirman! Энди бизга ким хавф солиши мумкин? Ҳеч ким йўққа ўхшайди! Бундан чиқдики, осойишта ишлашимиз мумкин. Мамлакатни тиклаймиз... Эҳтимол, нотўғри гапираётгандирман?— Сержант тўсатдан сўзини бўлиб, Вороновга синчковлик билан боқди.

Воронов жим турарди. Ҳозир сержант содда ва қатъий қилиб айтаётган гаплар, қизиги шундаки, у бир неча кун аввал Лозовскийдан эшитган гапларга мос келарди. Ўз-ўзидан маълумки, унинг сўзлари, иборалари, гап қурилишлари бошқача эди-ю, лекин асл моҳияти — уруш вақтида вужудга келган иттифоқни сақлаб қолиш, буюк давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни урушдан кейин ҳам давом эттиришдан иборат эди.

— Фикрлашинг тўғри, сержант,— ўйланиб жавоб берди Воронов.— Асосан тўғри, деганларидек.

— Мен сизга шундай демоқчман, ўртоқ майор,— Вороновнинг қувватлашидан руҳланиб давом этди сержант.— Америкаликларнинг ҳам, инглизларнинг ҳам қандай урушқоқ эканликларини ўзингиз биласиз. Иккинчи фронт очишни қанча чўзишди. Бирок,— қавс ичида келтиргандек қўшиб қўйди:— қўшин туширишни жуда зўр ўтказдилар, мен газеталарда ўқиган эдим. Аммо улар учун муҳими бошқа нарсада.

— Нимада?

— Савдогар миллат! Уларнинг қонига сингган бу. Мен Берлинда кўп кўрганман. Бирор бўш дақиқа бўлдими — рейхстагга, бозорга чопишади. Рус Ивани шаҳарни тозалаш, озиқ-овқат пунктлари ташкил қилиш, назоратчилар қўйишга ёрдам қилади. Мақсадлари: сен, балки кечаги фашистдирсан, кейин аниқлаб оламиз, бугун тинч яшовчи кишисан, ҳеч қандай қон тўкишга йўл қўйилмасин! Улар бўлса эски-туски бозорига чопадилар. Шуниси қизиқки, ўртоқ майор, уларда, афтидан бу нарсалар учун жазолашмайди, шекилли. Қамамайдилар ҳам, навбатсиз наряд ҳам бермайдилар. Энди тинчлик ўрнатилдими, демак, савдо қилавер. Хелло, Боб, энди нима ҳам қилиш мумкин? Эҳ аттанг,— сержант сесканиб кетди.— Утиб кетибмиз, ўртоқ майор. Мен анави йўлдан бурилишим керак эди. Ҳозир нарироқ борамиз, бўлма-са бу ердан қайрилиб бўлмайди...

— Қайрилишнинг кераги йўқ,— шошилиб деди Воронов.— Мен бу ерларни биламан. Бу ердан сиёсий бошқармагача ўн минутлик йўл. Раҳмат сенга, сержант. Тўхтат.

Машина тўхтади.

— Бахтли бўлинг, ўртоқ майор. Айтишим мумкинки, сиз менинг сўнгги йўловчимсиз.— Унга Воронов билан хайрлашиш қайғули туюл-

гандек овозида ғамгинлик сезилиб турарди.— Эртага ўзим йўловчи бўламан.

— Яъни, қандай қилиб?.. Нега?

— Демобилизация! Эртага олтио ноль-нолда тўпланиш пунктига борамиз. Машиналарга ўтириб, поездга жўнаймиз! Смоленск ёнида уйим бор. Останкино қишлоғи, эшитмаганмисиз? Айтмоқчи, мен нималар деяпман ўзи, бирор харитада йўқ-ку у. Қолхоз — эллик ҳовлидан иборат.

«Азиз дўстим! — демоқчи эди Воронов. — Сенинг Смоленскинг Берлиндан ҳам даҳшатлироқ вайрон қилинган. Унинг ҳеч нарсаси қолмаган. Сенинг Останкинонг ҳам супуриб ташланган бўлса керак...»

Сержант афтидан, унинг фикрини англаган бўлса керак.

— Биаламан, қийин бўлади. Хотиним ёзувди, болалар билан ертўлада яшайдилар. Ҳамма ёқ бўм-бўш, ёввойи ўтлардан ер кўринмайди... Ҳечқиси йўқ. — У бошини қаттиқ чайқади, пилоткаси боши орқасига сурилди. — Қайтаётган биргина мен эмасман. Менга ўхшаганлар жуда кўп. Ер ҳайдаймиз, экин экамиз, далаларни тузамиз, қурамиз! Уруш йўқ, бошимиз омон, қўл-оёғимиз бут, инсонга яна нима керак! Тўғрими, ўртоқ майор?

Воронов сержантни гап оҳангидан фикрини қувватлаш, тасдиқлашни ёлвориб илтимос қилаётгандек маънони уқди.

— Тўғри, мутлақо тўғри айтдинг, сержант! — қизгин маъқуллади Воронов беихтиёр овози титраб.

— Иттифоқчилар ҳам баъзи нарсаларда бизга ёрдам беришлари керак, — давом қилди сержант. — Ахир, бизлар ҳам уларга қанча ёрдам бердик!

— Ёрдам қилишлари керак, ёрдам қилишади, — ўйчан жавоб берди Воронов ва сержантнинг қўлини қаттиқ сиқди. — Сенга оқ йўл. Бахтли бўл!

Ғалати тасодиф туфайли Карлсхорст бомбардимондан ҳам, артиллерия отишмаларидан ҳам четда қолди. Берлин олингандан кейин Биринчи Белорус фронтининг қўмондонлиги худди мана шу ерда жойлашди. Карлсхорстда ҳамма нарса бугун аввалгидек кўринишда эди: Шлагбаум, унинг ёнида автоматчи соқчилар, шлагбаум ортида ўрта миёна икки қаватли уй, унинг чап томонида ҳам ихчам бир неча уйлар бор эди.

Яқинда таслим бўлиш маросими ўтказилган марказий икки қаватли бино ёнида ҳам автоматчилар айланиб юришибди. Ён томонда бир неча енгил машина кўриняпти. Воронов «Маршал Жуковнинг қароргоҳи аввалги жойида бўлса керак», деб ўйлади. Марказий бионинг орқа томонидаги чорбоғли ҳовлида сиёсий бошқарма ва унинг раҳбарлари жойлашган эди.

Ҳужжатларни текшириш тезгина тугади. Шлагбаумнинг нариги томонига ўтгандан кейин Воронов сиёсий бошқарманинг бошлиғи генерал Галаджевни бўлмаса ҳам, муовинини учратиш умидида таниш йўлак томон бурилди.

Бино ичкарасига киришдан олдин яна бир марта унинг ҳужжатларини текширдилар.

Воронов бу ерда яқиндагина — сал кам икки ой бурун бўлган эди. Аммо бу қисқа муддат ичида сиёсий бошқармада кўп нарсалар ўзгарган, қайта тузилган эди. Таниш сиёсий ходимлар билан қилинган қисқа суҳбатдан Воронов собиқ фронт қўмондони энди Германиядаги барча совет қўшинлари группасига бошчилик қилаётганини билиб олди. Бундан ташқари, у совет ҳарбий маъмуриятининг Бош бошлиғи ва Иттифоқ Контроль Советидаги совет вакили ҳисобланар экан.

Вороновнинг ҳужжатларини ўқиган майорлар ва полковниклар уни қаёққа ва кимнинг ихтиёрига юборишни аниқлай олмадилар.

Ниҳоят, у ахборот бюросига борди — соф фуқароча, номга эга бўлган бундай ташкилот илгари бу ерда йўқ эди.

Аммо Бюронинг бошлиғи Тугаринов ҳам, унинг муовини Беспалов ҳам ўз жойларида йўқ эдилар. Навбатчи майорнинг айтишича, уларнинг иккаласи ҳам совет маъмурияти немис аҳолиси учун нашр қилаётган «Теглихер рундшау» газетаси редакциясига кетган эдилар. Вороновнинг қаерда туриш ва қандай иш билан шуғулланиш кераклиги ҳақидаги саволларига майор индамасдан кифтларини қисиб қўйди. Охирида у бу масалалар бўйича юқори бошлиқларга мурожаат қилишни маслаҳат берди.

Сиёсий бошқарма бошлиғи генерал Галаджевнинг бўлмаси илгари иккинчи қаватда жойлашганини Воронов эслар эди.

Зинапоядан кўтарилар экан, учала томонига ҳам эшиклар ўрнатилган қабулхона рўпарасидан чиқди. Эшиклардан бирининг олдидаги стол ёнида капитан ўтирарди.

— Генерал ўз кабинетидими? — деб сўради Воронов.

— Қандай масала эди, ўртоқ майор? — ҳорғин овозда сўради капитан.

— Совинформбюро мухбири. Москваданман.

Капитан ўша ҳорғин овозда:

— Генерал ҳозир шаҳарда, — дея ўрнидан сакраб туриб, тек қотди.

Воронов капитаннинг бирдан сергак тортган назаридан қабулхонага унвони баландроқ киши кирганини фаҳмлади. Орқасига ўгирилар экан, генерал-майор келаётганини кўрди.

Воронов оёғи ёнига қўйилган чамадончани йиқитаёзиб, қўлини соябонига яқинлаштириб салом берди. Генерал тик турган офицерларга беихтиёр бир назар солиб, қўлини бепарво кўтарди-да, эшик томон йўналди. Эшик олдида ниманидир хотирлагандек тўхтаб, орқасига ўгирилди, Вороновга тик қараркан, ишончсизроқ овозда:

— Михаил... Сенмисан? — деди.

Генералнинг ялпоқ юзлари ажинлар билан қопланган, фуражкаси чеккаларидаги оқ сочлари кўриниб турарди. Бу киши Вороновга танишдек кўринди. У чиндан ҳам Воронов билган ўша одам эди, айтиш вақтида бошқага ҳам ўхшаб кетарди...

— Ўртоқ полковник! — деб юборди Воронов. — Василий Степанович!..

Энди Вороновда шубҳа қолмаган эди. Унинг олдида ўзининг собиқ бошлиғи — қирқ биринчи йил ноябрида Москвани мудофаа қилган дивизиянинг командири Василий Степанович Карпов турарди. Ўша дивизияда Воронов газетага редакторлик қилган эди. Бу одам у пайтда полковник эди, ҳозир эса кексайган, тўлишган, генерал-майор...

Урушнинг энг оғир, энг даҳшатли давлари Вороновни шу киши билан боғлаган эди. Жанглар Москванинг яқин бўсағаларида борар, душман Ленинграднинг чеккаларида турарди, миллионлаб совет кишилари учун муқаддас, азиз ва қадрдон ҳамма нарсанинг тақдири ҳал қилинаётган эди...

Кейин уруш Вороновни уч ярим йил собиқ дивизия командиридан ажратиб қўйди. Уларнинг ҳарбий йўллари мана ҳозир тўсатдан яна дуч келиши учун ажралиб кетган эди.

Воронов гўё генерални қучмоқчи бўлгандек шошилиш олдига қадам ташлади, аммо шу заҳоти ҳаяжонини босиб қизариб кетди-да, тўхтаб:

— Яшанг, ўртоқ генерал! — деди баланд овоз билан.

Бу вақтда Карпов Вороновнинг кифтларига оғир қўлларини ташлаб, кўз олдида ҳақиқий Михаил Воронов турибдими ёки хаёлми эканлигига ишонмоқчи бўлгандек уни силкитарди...

— Михаил, Михайло, Мишка...— ҳаяжон била такрорлади генерал. Кейин ҳамон тик турганча уларни жимгина кузатаётган капитанга кулимсираб:— Ҳамполкимни учратдим!.. Москва ёнида бирга жанг қилганмиз!— дея яна Вороновга назар ташлаб, сўради:— Бу ерга қандай келиб қолдинг? Демак, олдингидек армияда экансан-да? Майор бўлибсан... Орденлар билан тақдирланибсан... Қаҳрамон!

Генералнинг кителидаги тўрт қатор планка олдида Вороновга ўзининг кителидаги икки қатор орденлар планкаси ҳеч гап эмасдек туюларди. Вороновни биринчи марта Қизил Байроқ орденига худди шу Карпов тақдим қилган эди. Аммо яширишнинг кераги йўқ, ундаги мукофотларга генералнинг эътибор берганлиги жуда хуш ёққан эди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан? Бу ерга қандай келиб қолдинг?— Аввалгидек жилмайиш билан такрорларди ўз саволини Карпов.

Энди анча ҳаяжонини босиб олган Воронов ўзини тик тутиб, жавоб берди:

— Ҳозиргина Москвадан келдим, ўртоқ генерал...

— Москвадан?— ажабланганидан қайта сўради Карпов.

Дивизия газетаси редакторининг кейинги тақдири генералга номаълум эди.

— Мен энди Совинформбюрода ишляпман, ўртоқ генерал,— шопилинч тушунтира бошлади Воронов.— Потсдамга бориш тўғрисида топшириқ олдим, аммо аввал мен...

«Потсдам» сўзини эшитган ҳамоно генералнинг юзлари тундлашди. Сўнг расмий оҳангда сўради:

— Берлинга нима учун боришинг керак?

— Совинформбюрода айтдиларки, аввало...

— Улар кўп нарсани билишади,— гапни бўлди генерал.— Қани, кетдик.

Улар зинадан бир-бирларига сўз қотмай тушдилар. Генерал олдинда, Воронов икки қадамча орқада борарди.

Таслим актига имзо чекилган бинонинг ёнида энди яна ҳам кўпроқ машиналар тўпланган эди: уруш вақтида ниқоб рангига бўялган бир нечта «Эмка»лар, бўёги ялтираб турган, афтидан, яқиндагина Москвадан юборилган «ЗИС-101» ва шунингдек, радиаторлари устига инглиз ва америка байроқлари қадалган хорижий «Хорха», «Мерседес» ва «Форд» машиналари бор эди.

Генерал кузатувида кўчага чиқиши билан «Эмка»лардан бири Вороновга яқин келиб тўхтади.

— Утир,— деди Карпов орқадаги эшикни очар экан.

— Чамадонни қаёққа қўяпсан? Уни ёнинга ол!— деб буюрди генерал ҳайдовчи ефрейторга. Кейин орқа ўриндиққа, Вороновнинг ёнига ўтирди.

— Командировкангда нима ёзилган?— сўради генерал машина кўзғолгандан кейин.

У бу сўзларни хизмат оҳангида айтгани учун Воронов ҳам унга расмий тусда жавоб берди:

— Сизга айтдим-ку, ўртоқ генерал. Потсдам.

— Кўрсат.

Воронов сафар варақасини чиқариб, генералга узатди.

Карпов уни диққат билан ўқиб чиқиб, Вороновга қайтарар экан, деди:



— Ҳаммаси тўғри,— худди қониқиш ҳосил қилгандек ўзича қўшиб қўйди.— Демак, фотомухбир.

Ҳайдовчи салгина орқага ўгирилиб сўради:

— Қаёққа борамиз, ўртоқ генерал?

— Объектга,— қисқа буюрди Карпов ва Вороновга кўз қирини ташлаб, ним жилмайди.

— Хўш, майор, қани, қандай жанг қилганингдан сўзла-чи!

Аммо Воронов бошидан кечирганларини гапирадиган даражада эмас эди. Тўғриси айтганда, у ўзини бир оз йўқотиб қўйганди: Улар қандай «объектга» кетишяпти?

— Ўртоқ генерал,— юраги дов бермайроқ сўради Воронов.— Мен ҳозир қаёққа мурожаат қилишим керак? Тушунишимча...

Генерал огоҳлантирувчи тарзда қўлини кўтарди. Сўнг яна жилмайиб, ўз саволини такрорлади:

— Утган йиллар ичида қандай яшадинг? Айтасанми? «Совет Информбюроси ахбороти»ни айтиб бер.

Воронов эгаллаган лавозимлари, қатнашган фронтларини айтди.

— Емон ахборот, расмий, ундан ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди,— норози бўлди Карпов.— Худди урушнинг бошларидек. Бизнинг қўшинларимиз «Н» аҳоли пунктни ташлаб чиқди. Асир ефрейтор Отто Шварц: «Гитлер копут», деди. Вазият танглигида бундай ахборотларни босиб чиқарадилар. Менимча, ишларинг жойида. Шундайми?— деди Карпов ҳайрихоҳлик оҳангида.— Ниҳоят, уйландингми? Мариянгни топдингми?

«Ана холос, эсида бор экан!», деб Воронов завқланиб ва айни вақтда ғамгин тортиб ўйлади. У бундан уч йил муқаддам — мотамсаро кечалардан бирида, Москва ёнидаги кинотеатрда тасодифан бир қизни учратиб қолгани, қандай танишганлари, кейин уч ойлар ўтгандан кейин қизнинг Болотнаяда унинг ёнига келганини, дивизия командирига сўзлаб берган эди. Уша вақтдаёқ Мария билан Михаил турмуш қуришга қарор қилган эдилар. Аммо тақдирларини бирлаштириш насиб этмади. Воронов халқ лашкарига кетди. Мариянинг курсидаги ҳамма — у медицина институтида ўқир эди — ҳарбий комиссариатга ариза берди ва тез вақтда фронтга жўнатилди.

— Йўқ, ҳали тополмадим,— миннатдорчилик билан жавоб берди Воронов.— Уни ҳали демобилизация қилганлари йўқ.

У беихтиёр жилмайди: Воронов Берлиндан Москвага қайтганда Мария ҳам Москвага қайтиши керак эди. Кейин гўё ўзини тутиб олгандек шошилиш сўради.

— Узингиз-чи, Василий Степанович? Сиз қаерларда жанг қилдингиз?

— Мен қаерда жанг қилдимми?— қайта сўради Карпов.— Коневда ҳам, Жуковда ҳам...

Воронов «Энди-чи» деб сўрамоқчи — генералнинг жавобига қараб, ўзини ҳаяжонлантирган нарсаларга қисман бўлса ҳам, жавоб топишга умидвор эди. Ҳойнаҳой Карпов совет оккупацион қўшинларида йирик лавозимда бўлса керак.

Воронов Карповни ёшроқ, келишган, қоп-қора соч полковниклигидан биларди. Декабрь қорининг оғир қатламлари босиб ётган тутунли ертўлага — унинг ҳузурига Воронов «В бой за Родину» дивизия газетасини кўтариб, неча марталар кирган эди. Бир куни ҳамма одамлар, мансаби ва унвонидан қатъий назар, қўлларига қурол олиб, душман ҳужумини қайтаришлари керак бўлганида у, Карпов ва штаб сиёсий бўлимнинг бошқа ходимлари билан бирга худди «КП»нинг ўзидан жанг олиб борган эди. Вороновнинг бевосита бошлиғи — дивизия комиссари, кекса большевик душман Москвага ёриб ўтиш

учун сўнгги марта жон-жаҳди билан уриниб кўрганида ротага ўтган Баканидзе у билан ёнма-ён туриб жанг қилган эди. Немислар тўхта-тилди, аммо Баканидзе ротадан қайтиб келмади...

— Комиссаримиз ёдингиздами, ўртоқ генерал?— беихтиёр сўради Воронов.

— Ревазми?— деди секин Карпов. Бу исм уни дарҳол ўтмишга олиб кетди шекилли,— бундай кишиларни, дўстим, унутмайдилар,— деб сўрагандекми ёки тасдиқлагандекми давом этди:— Биласанми, Миша, у ахир, ўртоқ Сталин ҳузурида бўлган эди.

— Баканидзе-я?— ажабланиб сўради Воронов.

— Полк комиссари Реваз Баканидзе. У ўртоқ Сталинни ёшлик вақтиданоқ биларкан. Москвада, бизнинг дивизиямиз эшелонга орт-лаётганда унинг ҳузурида бўлган. Кремлда.

Воронов дивизия газетасининг плани ва унинг яқин сонлари маз-мунини муҳокама қилиб, комиссар билан қанчадан-қанча вақтларни ён-ма-ён ўтказган эди. У дивизияда партия аъзолигига қабул қилинган. Баканидзе уни партияга тавсия қилган эди.

Уша жанг олдида икки немис танки пиёдалар билан бирга дивизиянинг орқа томонига ёриб ўтди. Уни «орқа томон» деб айтиш ҳам қийин эди! Йигирма квадрат метрни ташкил қилган бир парча ерда КП ҳам, штаб ҳам, сиёсий бўлим ва редакция ҳам жойлашган эди.

Унинг ёнида ўша вақтда Карпов билан Баканидзе бор эди. Ёш-лари, кўрган-билганлари, бошдан кечирганлари ва тортган азоб-уқу-батлари жиҳатидан турлича бўлган бу кишиларни уруш яқинлаштир-ган эди. Уларни чекинишлар қайғуси бирлаштирди, мамлакатимиз устида ўлим хавфи бўлгани ҳақидаги аччиқ тушунча, уларни бир-бир-лари билан боғлади.

Дивизия газетаси редакциясида Совинформбюронинг навбатдаги ахбороти қабул қилинаётганда — бу ахборотлар эртага газетада чиқи-ши керак эди — ва бу ахборотда ташлаб чиқилган шаҳарлар ва янги йўналишлар тобора Москвага яқинлашаётганини кўрсатувчи даҳшат-ли қалдироқдек гумбурлаб эшигилаётганда йигирма тўрт ёшли стар-ший политрук эллик олти ёшли полк комиссари ертўласига келди.

Уларнинг гаплари фақат газета мазмунигагина тааллуқли бўл-маган эди. Бу гапларда тушуниб бўлмайдиган аччиқ: «Нима учун?» саволи жарангларди. Нима учун чекинаётирмиз? Нима учун душман-нинг қурол-яроғи кўпроқ? Нима учун, нима учун, нима учун?..

Энди у вақтлардан бери ойларгина эмас, йиллар ўтди. Аммо Ба-канидзе билан қилган ҳамма суҳбатлари Вороновнинг хотирасида эди. Партия кандидати — кечаги студентнинг партияга революциядан ол-дин кирган кекса большевик билан қилган самимий суҳбатлари ҳали эсида эди. Аммо Сталин билан танишлиги, айниқса у билан охириги уч-рашуви ҳақида Баканидзе ҳеч қачон гапирмаган эди.

— У Сталин билан гаплашганини менга ротага боришдан олдин айтган эди,— генералнинг овози Вороновга узоқдан эшитилгандек бўл-ди.— Эҳтимол, Баканидзе қайтмаслигини сезгандир...

— Улар нималар ҳақида гаплашган эканлар?— қизиқиб сўради Воронов.

— Анигини эслолмайман,— мужмал жавоб қилди генерал.— Ора-дан қанча йиллар ўтиб кетди.

Воронов Карповга ажабланиб қаради ва: «Унинг ўрнида бўлсам бундай гапларни умрбод эсдан чиқармасдим», деб ўйлади. Генерал кўзларини юмиб, жим ўтирарди. Вороновнинг хаёлига уни ортиқча сў-роққа тутмаслик керак, деган фикр келди.

Бу вақтда машина Берлиннинг ғарбий райони — Целлиндорфни кесиб ўтди. Йўл кўрсаткичи кўринди. Устунгача қоқилган кенг тахта-

яшил рангга бұялган, унга катта қилиб оқ ҳарфлар билан «Потсдам — 2 км» деб ёзиб кўйилган эди.

— Биз Потсдамга кетаётормизми?— деди Воронов хурсанд бўлиб. Генерал кўзларини очиб, деразадан қаради ва кинояли кўнгилчанлик билан жавоб қилди:

— Сен Потсдамга боришинг керак эди, шекилли?..

— Шундай,— тасдиқлади Воронов.— Аммо мен у ёққа кетаётганимизни билмагандим.

— Бу ерда ҳеч нима олдиндан айтилмайди,— жилмайди генерал.— Шунга одатлан. Эҳтимол, шу ерда Карлсхорстдан излаганларингни топарсан. Бўлиши мумкин...

Генерал бу мавҳум сўзларни айтиш билан нимани назарда тутганини Воронов аниқламоқчи эди, аммо улгуролмади, чунки шу заҳоти Карпов савол бериб қолди:

— Илгари Потсдамда бўлганмисан?

— Йўқ, тўғри келмаган.

— Демак, қандай жойлигини билмайсан?

— Умуман олганда, баъзи нарсаларни биламан. Ҳар қалай, та-рих факультетида ўқиганман.

— Ҳўш, нимани биласан?— билинар-билинемас киноя билан сўради генерал.

— Бу жойлар Пруссия қироли Буюк Фридрих номи билан боғлиқ,— хотирасини ишга солиб, жавоб берди Воронов.— У шу ерда яшаганмиди ёки сарой қурдирганмиди...

Карпов кўзлари ярим юмуқ ҳолда тингларди. Воронов Потсдам ҳақида ўз хотирасидан ҳеч нарса топа олмади ва Фридрих ҳақидаги гаплар билан сўз ўйини қилишга шайланди.

— Фридрих Гитлернинг сеvimли қироли эди,— давом этди у,— менинг қаердадир ўқиганим бўйича, фюрер унинг портретини тилла суви юритилган ромда олиб юрган экан.

— Шундайми?— деб кулди Карпов.— Нима хизматлари учун унга бунчалар ҳурмат?

— Зўр саркарда ҳисобланган. Очиғини айтганда, Фридрих прус милитаризмининг рамзи бўлган. Кўп жанг қилган, армияни икки баравар оширган, калтаклаш интизомини ўрнатган...

Бу орада машина урушда Берлиндан кўра камроқ зарарланган чоғроқ шаҳарчага кириб борди. Гарчи, вайроналик излари ҳар бир кўчада кўриниб турса ҳам, бу ерда турар-жойлар, бинолар кўпроқ сақланган эди.

Вороновнинг назарида бу шаҳарчада Берлинга қараганда кўпроқ совет ҳарбий хизматчилари учрамоқда эди. Ҳар бир чорраҳада қўллариди байроқчалар ушлаган бошқарувчи-назоратчи қизлар турардилар.

Машина катта кўчадан тез ўтиб, икки четида чиройли уйлар кўриниб турган дарахтлар ўртасидан борарди. Шаҳарча билан унинг музофоти бир-бирига тутшиб кетгандай эди. Лекин шу қисқа йўл давомида машинани совет ҳарбий патрули икки марта тўхтатди. Патруль офицерлари машина ичига қараб, генерални кўраб, ҳарбийчасига салом берардилар-да, ҳайдовчига: «Давом этишингиз мумкин» дейишарди.

Ниҳоят, машина тўхтади.

— Туш, келдик,— деди машинадан биринчи бўлиб чиққан генерал.

Воронов пастга тушиб, ҳайрон бўлиб қолди: У гўё Германияда эмас, мутлақо бошқа — уруш кўрмаган мамлакатга келиб қолгандек эди.

Уртамиёна кўча-хиёбоннинг иккала томонида озода, аксари икки

қаватли бинолар қад кериб турарди. Биноларнинг баъзилари йўлкалардан панжарали тўсиқ билан ажратилган, эшиклар ёнида қўнғироқ тугмачалари қорайиб кўринарди.

Уйларда одам яшамайдигандек деразалар ёпиқ, пардалар, оддий ёронгул ҳам йўқ. Йўлкалар бўйлаб бир неча «Эмка»лар турибди. Солдатлар юк машиналардан мебель туширишяпти. Кийимлари янги, этиклари ялтиратиб тозаланган совет офицерлари кўчада у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришибди. Улар орасида совет мамлакатида тикилгани аниқ сезилувчи кийимдаги фуқаросифат одамлар ажралиб кўзга ташланади.

— Потсдамми?— деб сўради Воронов генералдан.

— Бабелсберг,— жавоб қилди Карпов,— умуман, Потсдам деб ҳисобласанг ҳам бўлади. Булар Потсдамнинг чорбоғли жойлари. Илгари бу ерда кино корчалонлари яшаган.

Воронов: «Нима учун?..» дея оғиз жуфтлаганди, генерал унинг гапини бўлди-да, «Эмка»лари тўхтаган жой яқинидаги икки қаватли уйнинг эшигини кўрсатиб, «Кир», деди. Эшик олдида икки соқчи турарди, ичкарида Воронов чегарачи қўшинлар кийимидаги старший лейтенантни кўрди.

Карпов уйга биринчи бўлиб кирди. Офицер қўлини шапкасининг соябонига яқинлаштириб, Вороновга мурожаат қилди:

— Ҳужжатингиз!

У Вороновнинг генерал билан кетма-кет машинадан тушганини кўрган эди, албатта. Старший лейтенант Карповни юзидан танирди, шекилли. Аммо унинг ҳужжат талаб қилганидан жаҳли чиққан Воронов кифтларини қисиб, генералга савол назари билан қаради.

— Кўрсат, кўрсат,— деди жиддий ва айни вақт мулоимлик билан генерал.— Бу ерда алоҳида тартиб ўрнатилган, оғайни.

Старший лейтенант Вороновнинг гувоҳномаси ва унинг ичига солинган сеҳргар «Потсдам» сўзи ёзилган варақасини диққат билан текшириб чиқди.

— Утинг, ўртоқ майор,— деди кейин у.— Ҳужжатларингизни расмийлаштиринг. Биринчи қават, ўнг томондаги иккинчи эшик.

Ҳужжатларнинг текширилишини жим кўтиб турган генерал:

— Кейин ёнимга кир, иккинчи қават, кўрсатиб қўйишади,— дегач, зумда кўздан ғойиб бўлди.

Воронов қўлида чамадончаси билан ичкари кириладиган эшик томон йўналди. Унга Қарлсхорстга бориш буюрилган эди. Тасодиф уни Карпов билан учратди. Генералнинг «Потсдам»га алоқаси бор экан. Аммо Воронов Потсдам ўрнига ҳовлилари шинам, гуллар сероб, сайроқи қушлари ҳам мўл, уруш касри урмаган жаннатсифат қандайдир Бабельсбергга келиб қолди.

Шу билан бирга уруш йилларида йирик ҳарбий бошлиқларнинг қабулхоналарида кўп марта лаб бўлган, ҳарбий муҳбирга хос сезгир Воронов ўзини алоҳида жиддийлик ва маҳфийлик муҳити ўраб олганини ҳам дарҳол пайқайди. У кичкина хонадан ўтиб, кенг майдонга чиқди. Стол ёнида «маркиза» дарпардалари ярим туширилган кенг деразаларга орқа қилиб, бир лейтенант ўтирарди. Унинг қаршисида ёзув машинкаси билан бир неча телефон кўринарди.

Қоғозларни сархиллаётган лейтенант Воронов пайдо бўлганида ҳатто бошини ҳам кўтармади. Воронов эшиклардан бирини қия очиб, одатдагича «Рухсат этинг...» деб, хонага кирди ва катта ёзув столи ёнида ўтирган подполковникни кўрди. Столда телефон ва қизғиш гардишли фуражка бор эди. Девор ёнида одам бўйи келадиган пўлат сандиқ бор эди. Деворларга учиб юрувчи афсонавий малаклар расми

осиб қўйилган. Столдаги фуражка билан пўлат сандиқ хонага жиддий ва расмий тус берган эди.

Воронов ҳарбийчасига салом бериб, ўз лавозими, унвони ва фамилиясини айтди.

— Хужжатларингиз, ўртоқ майор?— деди подполковник.

Подполковник, Воронов узатган гувоҳнома ва сафар варақасини кўриб чиқиб, телефон ёнига қўйди.

«Бу қанақаси? Бирор нарса нотўғримикин?..»— деб қўйди ичида Воронов ҳадиксираб.

Подполковник ўрнидан турди-да, эшикка яқинлашгач, уни қияроқ очиб чақирди:

— Лейтенант! Олтинчи сон рўйхат!

Кейин яна жойига келиб ўтирди.

— Демак, шундай, ўртоқ майор,— деди подполковник.— Ун тўртинчи уйда яшайсиз. Нечанчи хоналигини ҳозир аниқлаймиз. Учтинчи ошхонада овқатланасиз. Турадиган уйингиз мана шу кўчанинг ўзида, ошхона эса ёнма-ён кўчада. Энди гап бундоқ...

Хонага кирган лейтенант стол устига қоғоз папкани қўйди.

— Шундай,— деди чўзиқ овозда подполковник папкани очар экан, унга тикилган қоғозларни варақлай туриб,— кино ва фотомухбирлар... Герасимов, Гуарий... Воронов Михаил Владимирович, Совинформбюро.— Лейтенант,— у стол ёнида турган офицерга мурожаат қилди.— Фотомухбир майор Вороновга хужжатлар беринг.

Лейтенант чиқиб кетди. Воронов жойида тураверди.

— Сирасини айтганда, мен фотомухбир эмас, журналистман,— деди ниҳоят у.— Топширилган вазирам...

— Журналистлар бу ерга қўйилмайди,— гапни кескин бўлди подполковник.— Командировкангизда аниқ қилиб фо-то мух-бир, деб ёзиб қўйилган!

— Худди шундай!— Воронов гўё ҳеч нима тушунмаган ҳолда тез жавоб қилди.

Ҳа, баракалла!— Имо қилди подполковник ва шу заҳоти ҳеч қандай монеликка йўл қўймайдиган оҳангда:— Маросим пайтлари ёнингизда ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Фақат хужжатлару фотоаппарат, холос,— деди.

«Қанақа маросим?»— деб ўйлади Воронов.

— Блокнот олишим мумкин бўлар, ҳар қалай?

— Ҳеч қандай блокнот.

— Унда нимага ёзаман?

— Ҳеч қандай ёзув. Фақат фото. Москвада айтишмадими? Сиз бу ерга фотомухбир сифатида юборилгансиз.

— Худди шундай.

— Фуқаро кийимингиз борми?

У нима учундир «костюм» эмас, «кийим» деди.

— Бор.

— Жойлашиб бўлганингиз заҳоти кийимингизни алмаштиринг. Сиз биринчи келдингиз, бошқалар эртага кела бошлайди. Айтмоқчи, транспортингиз борми?

— Қандай транспорт?

— Нимада юрмоқчисиз? Демак, транспортингиз йўқ, а? У ҳолда ошналарингиздан бирортаси билан шерикчилик қилишни маслаҳат бераман. Энди лейтенантдан хужжатларингизни олинг-да, жойлашинг. Бу— подполковник қаршисида ётган Вороновнинг ҳарбий гувоҳномасини кўрсатди,— ҳозирча шу ерда қолади.— Сўнгра пўлат сандиққа чўзилиб, унинг ялтироқ очқичини ушлади.

Вороновни лейтенант кутиб турган эди.

— Имзо чекинг, ўртоқ майор,— деди лейтенант қалин дафтарни очиб.— Мана бу ерга ҳам, мана бу ерга...

У пўлат сандиқдан олган иккита ихчам оқ карточкани Вороновга узатди.

— Манг, олинг. Жойингиз қаердалигини биласизми?— деб сўради лейтенант.

— Подполковник тушунтирди.

— У ҳолда бораверинг. Узоқ эмас.

— Генерал Карпов ёнига киришимни айтган эди.

— Иккинчи қават, ўнг томондаги учинчи эшик.

Воронов чамадонини полга қўйди-да, янги ҳужжатларини кўздан кечира бошлади. Иккаласи ҳам ҳажми жиҳатидан Воронов Информбюродан Ғалаба парадига олган рухсатномани эслатар эди. Улардан бирига: «ОБЪЕКТГА пропуск» деб ёзилган эди. Юқори томондаги чап бурчагида уч хил— совет, америка ва инглиз байроқчаларининг рангдор тасвири акс эттирилган эди. Кейин рус ва лотин ҳарфлари билан Вороновнинг исми, отасининг исми ва фамилияси ёзилган эди. Иккинчисида эса «Пропуск» сўзи ва «Воронов Михаил Владимирович» сатридан кейин «СССР Ички Ишлар Халқ Комиссари Круглов» деб ёзиб қўйилган эди.

Воронов шофернинг «қаёққа борамиз», деган саволига генералнинг «Объектга» деганини эслади.

Бу «объект»нинг нималигини ҳозир аниқлаймиз», деб ўйлади Воронов ва зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилди. Генерал Карповнинг чоққина бўлмасида иккита— дала ва шаҳар телефонлари турарди. Деворга Германиянинг катта харитаси осиб қўйилган эди.

Воронов унга ҳар хил ранглар билан белгилар қўйилганига эътибор берди. Қарама-қарши томондаги деворда, афтидан, яқинда олиб қўйилган расмнинг излари сезилиб турарди.

— Хўш, қалай? Жойлашдингми?— деб сўради уни кутиб олган генерал.

— Шунга ўхшашроқ,— жавоб қилди Воронов ҳозиргина олган рухсатномаларини узатар экан. Генерал ҳужжатларни кўздан кечиргач, қониқиш ҳосил қилиб:— Мана энди тўлиқ рухсат берилган одам бўлдинг,— деди.

— Қаерга берилган бу тўлиқ рухсат, Василий Степанович?— хитоб қилди Воронов.— Умримда ҳеч қачон бундай ноқулай аҳволда қолмагандим,— қизишиб давом этди у.— Москвада вазифам нима деб сўрадим. Контроль кенгаш ҳақида ёзасан, дейишди. Нима учун фото-мухбир сифатида боришим керак, деб сўрасам, шундай қилиш лозим, дедилар. Нима учун Потсдам деб сўрасам, ўша жойда тушуниб оласиз, дея жавоб қайтаришди. Бу ерда мана, умуман, ҳеч нарсага тушунмаяман. Мен билан гўё ҳамма нарсани биламану, фақат баъзи майда-чуйдаларнигина аниқлаб олишим керакдай муомала қилишяпти. Очигини айтсам, ҳеч нарсани тушунмаётганимга иқроп бўлгим келмаяпти. Мендан ниманидир сир тутишяпти. Ҳатто сиз ҳам, Василий Степанович, нуқул ниманидир яширяпсиз. Шундай-а?

Карпов пича жим туриб:

— Утир, деди ниҳоят, ёзув столи ёнидаги иккита қадимий ўймакор суянчиқли курсилардан бирини кўрсатиб.

— Гап бундоқ,— қуруқ ва лўнда, гўё буйруқни айтиб ёздирётгандек давом этди Карпов.— Тез кунда Потсдамда уч буюк давлат: Совет Иттифоқи, Қўшма Штатлар ва Буюк Британия раҳбарларининг конференцияси очилади.

Карпов аниқ ва равшан, ҳеч қандай изоҳларсиз айтган сўзлар Вороновни ҳанг-манг қилиб қўйди. Фикран дарҳол орқага, Москвага

қайтди. Лазовскийнинг бўлмасида ва Берлинга келаётиб йўлда унга ғалати ва тушуниб бўлмайдиган туюлган ҳамма нарса мана энди равшан бўлди-қўйди.

«Шунчалар ҳам фаросатсиз бўламанми? Ушанда ҳеч нарсани тушунмабман-а!», деб қўйди ўзича Воронов.

Уша июль куни Воронов Электр буюмлари заводида ишчи-мастер бўлиб ишлайдиган отаси билан бир хонада турадиган Болотная кўчасидаги коммунал квартиранинг деворига — умумий йўлакка ўрнатилган телефон жиринглади. Эртага, 11 июль, эрталаб соат ўнда Лазовский хузурига бориши кераклигини хабар қилишди.

Лазовский Совинформбюронинг бошлиғи эди. У уруш тугаганининг иккинчи куни вафот этган Шчербаковнинг ўрнига келган эди.

Воронов Совинформбюрога пиёда кетди.

«Новомосковская» меҳмонхонаси олдида чет элликлар — ҳарбий кийимдаги америкаликлар, инглизлар ва французлар тўпланиб турардилар. Ешгина қиз афтидан йўл бошловчи бўлса керак, инглизчалаб нималардир дерди. Воронов кўприкдан ўтиб, Қизил майдонга чиқди.

Совинформбюро жойлашган Леонтьевский тор кўчасига бу ердан ўн беш-йигирма минутлик йўл эди. Спасск минорасидаги соатнинг миллари эндигина тўққиздан чоракта ўтганини кўрсатар, шунинг учун шошилмаса ҳам бўлар эди.

Воронов яқиндагина ўзи Ғалаба байрамига чақирилганлар билан бирга бўлган ГУМ қаршисидаги Қизил Майдон бўйлаб, аста-секин борарди. У ўшанда Парад рухсатномасини Совинформбюродан олган ва бу ихчам тўрт бурчак қизил картонни умрининг охиригача сақлашга қарор қилган эди.

Воронов уч ҳафтача аввал бу майдондан қўшинларнинг қандай ўтганини, ғолиб солдатлар фашистларнинг байроқларини мавзолей пойига ирғитганларида соплар тарақ-туруқ қилганини қайта эслади. Вороновнинг хаёлидан ҳеч қаёққа шошилмаслик, қорли далалардан ёки бузуқ, ифлос йўлдан юриш зарурати йўқлиги, кечаси, ўқлар визиллаб, снаряд ва бомбалар портлаётган томонга бориш учун йўловчи юк машина кутишдан умид узиб, дивизия, полк, батальон КПСига қачон ва қандай етиб олиш ташвиши, хиёл мизғиш учун бошингни қўярга жой тополмай қийналишлар, ниҳоят, умуман соғ қоласанми-йўқми билмай каловланишлардан кўра манави «Тинчлик!» нақадар гаштли-я, деган фикр кечди.

...«Москва» меҳмонхонасига етиб боргач, Воронов «Правда» ва «Известия» газеталарининг янги сонлари ёпиштириб қўйилган доска ёнида тўхтади. Кейинги тўрт йил мобайнида фронтдаги ва орқа томондаги миллионлаб одамлар каби аввало Совинформбюро ахбороти-ни ёки Олий Бош Қўмондон буйруғини ўқиш учун қўлига тушган газетани шошилишча очиб қарарди. Энди ҳамма нарса ўзгарди. Уруш ортда қолди. Кишиларни газеталардаги бошқа нарсалар, мутлақо бошқа нарсалар қизиқтирадиган бўлиб қолган эди.

Воронов Ленинградда бўлиб ўтган ғолиб жангчилар учрашуви ҳақидаги хабарни, Урал металлургияларининг уруш вақтидаги зарбдор меҳнат қилиш хусусидаги хатини, область партия комитетларининг пленумларига доир ахборотларни, қуёш тутилишини назорат қилиш натижалари, совет оккупация зонасидаги юқори лавозимларга янги тайинланганлар тўғрисидаги маълумотларни кўздан кечириб чиқди. Кейин тўртинчи саҳифага кўз югуртирди. Рейтер агентлигининг Вашингтондаги мухбири президент Трумэннинг кемада Европага сузиб кетганини хабар қилибди. Президент кема бортида кўп сонли маслаҳатчилари билан ҳар куни консултациялар — «Қатта учлик» олдидан сўнги тайёргарликлар ўтказиб турганмиш...

«Бу учрашув қаерда бўлади?», деб ўз-ўзига савол берди Воронов. Газета саҳифаларида Техронда ва Ялтадагига ўхшаш «юқори даражадаги» янги конференцияга тайёргарлик ҳақида қисқа хабарлар кўзга ташланарди. Бу ахборотлар чет эл агентликларига қарашли эди. Советлар томонидан тасдиқловчи ҳеч қандай хабар босилмаган эди.

«Эҳтимол, АҚШ билан Англия синаш учун қилишаётгандир буни?— ўйларди Воронов.— Бундай учрашувлар тўғрисидаги фикрга Совет Иттифоқи нима жавоб қиларкин, дейишмоқчимиз? Бу учрашув қаерда бўлиши мумкин? Яна Ялтадами? Ҳар ҳолда уруш зарарлан-тирмаган бирор тинч, осойишта жойда бўлса керак...»

У «Правда»нинг бош мақоласини кўриб чиқди. Трумэн ҳақида ҳам, тайёрланаётган учрашув ҳақида ҳам бирор оғиз сўз йўқ эди. Бош мақола «Совет врачининг меҳнати ва жасорати» деб аталган эди. Та-ғин биринчи саҳифада «Силос босиш кечиктирилмасин» деган мақола ҳам босилган эди.

Спасск минорасидаги соат тўққиз яримга занг урди.

Горький кўчаси ҳам одамлар билан тўла эди. Марказий телеграф ёнидаги катта юмалоқ соатга интиқ қараб, бир-бирларини сезмасликка ҳаракат қилаётган қизлар тўпланиб туришар, йигитлар эса мўъжазги-на гулдасталарни уятчанлик билан орқаларига бекитардилар. Улар-нинг ҳаммаси бу ерга мутлақо тасодифан келганлар-у, ҳеч кимни кут-магандек тутишарди ўзларини.

Вороновнинг ўзи ҳам Марияни шу ерда жуда кўп марта кутиб, интиқ дамларини ўтказган эди. Гарчи, Мария ҳеч қачон кечикиб келмаган бўлса ҳам, Воронов ҳамини тайинланган вақтдан анча ав-вал келарди...

Телеграфдаги соат чорак кам ўрни кўрсатгач, Воронов қадамини тезлатди. Беш минути кам ўнда Совинформбюро бошлиғи қабулхона-сига етиб бориши керак эди.

Лозовский Вороновни дарҳол қабул қилди. Воронов унинг хонаси-га кирганида Лозовский жилмайиб ихчам соқолли иягини кўтарди-да:

— Сизни кўрганимдан хурсандман, ўртоқ Воронов,— деди.— Мар-ҳамат, ўтиринг. Хўш, урушдан кейинги режаларингиз қандай?

Бошлиқларнинг биринчи сўзиданоқ нима мақсадда — танбеҳ бер-ганими, рағбатлантиргани ёки янги топшириқ учунми — чақиртиргани-ни пайқашга ўрганиб кетган Воронов Лозовский хайрлашув суҳбати ўт-казмоқчи эканлигини дарров тушунди. Кейинги бир ярим йил худди шу Информбюро билан мустаҳкам алоқада бўлганлиги учун бу фикр-дан пича ранжиди, аммо айни вақтда хурсанд ҳам бўлди. Хайрлашув, урушнинг тамом бўлганини билдирарди.

У жилмаяркан, қувноқлик билан:

— Уқимоқчиман, Соломон Абрамович,— деди.

— Сиз тарих факультетини тугатгансиз-ку?— сўради Лозовский.

— Ҳа. Аспирантурани назарда тутяпман. Тўғри, мен ўқиган инс-титут — ИФЛИ энди йўқ.

— Хўш, МГУ-чи, педагогика институти бор,— эслатди Лозовс-кий.— Тарихнинг қайси соҳасида ихтисослашмоқчисиз?

— Ҳали узил-кесил бир қарорга келганимча йўқ. Қўшма Штатлар тарихи билан шуғулланмоқчи эдим.

— Шунақами?— деди Лозовский.— Сиз чет тилларни биласиз.

Немис ва...

— Инглизчани.

— Ҳа, ҳа, инглизчани ҳам. Америка тарихининг қайси даври қи-зиқтиради сизни?

— Мустақиллик учун кураш.



— Бу жуда муносиб давр,— деди ўйчанлик билан Лозовский ва жим қолди.

Воронов, Лозовский ҳозир қўлини узатиб, Совинформбюродаги ҳалол меҳнатим учун ташаккур айтади ва тинч меҳнат соҳасида муваффақият тилаб қолади, деб кутган эди. У ўз навбатида уруш вақтидаги кўрсатилган ишонч учун миннатдорчилик билдириш, Информбюрода ишлаб кўп нарсалар ўрганганини айтишга жавоб тайёрлаб турган эди...

— Сиз Берлинга боришингизга тўғри келади, — деди Лозовский кутилмаганда.

Воронов, хато эшитдим шекилли, деб ўйлади.

— Командировка икки ҳафтагача чўзилади,— қўшиб қўйди Лозовский.

— Соломон Абрамович, бу қанақаси? — ялингандек деди Воронов.— Менга сиёсий бошқармада айтишдики, мен.. нима десам экан сизга, деярли демобилизация қилинганман! Уйлайманки, буйруққа қўл қўйилган ёки қўл қўйишга берилган.

Лозовский унга гинали қараб, жиддий оҳангда:

— Бари бир боришингиз керак. Зарур!— деди.

Вороновнинг кўз олдидан бир дақиқа вайроналиклар, бузиб ташланган уйлар, ҳар дақиқада ҳадиксираб, қўрқинч билан боқиб турган немислар ўтди. Хуллас, қуёшли, қувноқ, қадрдон Москвада кейинги бир ярим ой ичида ўтказган вақтида унутиб, хотирасидан ўчириб ташлаган ҳамма нарсалар яна тикланди.

— Илтимос, бу сафардан мени озод қилсангиз!

— Озод қилсангиз?— ажабланиб қайта сўради Лозовский.

— Соломон Абрамович! — илтижога ўтди Воронов. — Ахир ўзингиз биласиз-ку, уруш пайтлари бирорта ҳам топшириқдан бош тортмадим. Материални ўз вақтида жўнатиш учун фронтдан фронтга югурдим, кечалари ухламадим. Ҳозир тинчлик-ку! Уруш тамом бўлди! Ёшим ўттизга бориб қолди, ўз ниятларим бор, ўқишни давом эттирмақчилигимни айтдим. Вақтни ўтказмай қўлга китоб олишим, аспирантура имтиҳонларига тайёрланишим учун кутубхонага қатнашим керак. Уруш йилларида ҳамма билганларимни унутиб юбордим! Хуллас, ҳамма қатори тинч ҳаёт бошламоқчиман, қолган ишларимни охирига етказай энди!

— Коммунистлигингизни унутманг, ўртоқ Воронов,— деди расмий оҳангда Лозовский.

— Бунинг нима алоқаси бор?— ранжиб эътироз билдирди Воронов.— Ҳозир партиясизларгина эмас, коммунистлар ҳам тинч ҳаётга қайтаптилар-ку. Бундан ташқари... уйланмоқчиман!

Кейинги сўзлар Воронов оғзидан беихтиёр чиқиб кетди ва Лозовскийнинг қаримсиқ юзларида киноюмуз жилмайиш пайдо бўлганини кўриб, унга хавотирли қаради.

— Доимийга уйланмоқчимисиз?— деб сўради Лозовский.

Воронов ҳанг-манг бўлиб қолди.

Мария билан урушдан кейиноқ турмуш қурмоқчи бўлишган эди. «Вақтинча турмуш қуриш?.. Қандай аҳмоқона фикр!»

Тўғри, ҳали улар эр-хотин бўлганларича йўқ. Улар ким эдилар? Жазманларми? Бу сўз эскилик сарқитидай туюлар, мамлакат бошига оғир кулфат тушган вақтида жазманлик қилишнинг ўрни эмас эди.

Энди уруш тугади. Мария яқин кунларда армиядан қайтиши керак. Уларнинг бундан кейин биргаликда ўтказадиган турмушлари Вороновга ўз-ўзидан табиий нарсасидек туюларди.

— Турмуш қурганлар умрбод тақдирларини бир-бирларига боғлайдилар,— гапида давом этди Лозовский.— Бинобарин, сизлар ҳам

бир умрга қовушасизлар. Аммо икки ҳафтагина вақтингиз нимани ҳам ҳал қилиши мумкин?

— Рост айтяпман, ҳазиллашаётганим йўқ, Соломон Абрамович! — яна норози бўлди Воронов.

— Мен ҳам ростини айтяпман. Шунинг учун қани, ишга ўтайлик. Вазифангиз — Берлинга бориб, бир нечта мақола ёзиб юбориш.

— Унлаб мақола ёзганман-кў, у ердан! Берлиннинг тикланиши ҳақида ҳам, қўшинларимизнинг немис аҳолисига ёрдами ҳақида ҳам! Шулар тўғрисида яна ёзаманми?

— Йўқ. Бу гал сизнинг мақолангиз иттифоқчилар билан ҳамкорликка бағишланган бўлиши керак.

Лозовский стол устидан жигар ранг чарм папкани олиб, очди, устидаги саҳифага қаради-да, папкани қайта жойига қўйгач, Вороновга ўгирилди.

— Менга топшириқ у қадар равшан эмас, — деди тунд овозда Воронов. У энди қаршилик кўрсатиш фойдасиз эканлигини тушунди.

— Сиз кўп Европа мамлакатларида бўлгансиз, — деди Лозовский. — Иттифоқчи қўшинларнинг Эльбада учрашганлари ҳақида ёзгансиз. Иттифоқчи журналистлар билан алоқангиз борми?

«Алоқа?» хаёлан такрорлаб қўйди Воронов.

У 25 апрелда совет қўшинларининг америка қўшинлари билан тарихий учрашувлари бўлган Эльбадаги Торгау шаҳрини эслади.

Уруш гирдоблари ва қуюнлари бирдан тўхтади. Висла, Одер, Шпрее дарёларини ортада қолдирган ва юришни давом эттириб, Эльбадан ҳам ўтишга тайёр турган Биринчи Украина фронтининг штурмчи батальонлари тўхташ ҳақида буйруқ олдилар... Бу кутилмаган буйруқдан ажабланган Воронов фронт штабида эришилган келишувга мувофиқ Эльба — Совет ва Америка қўшинларининг узоқ вақт кутилган учрашувлари амалга ошириладиган жой эканлигини билди.

Воронов совет офицерлари ва солдатлари бу учрашувга қандай тайёрланганликларини, қандай ювиниб, тозаланганлари, гимнастёркалари ва кителларига янги ёқалар тикканларини, бесабр америкаликлар моторсиз ва елкансиз эски кемани тахта-таёқлар билан эша-эша қирғоққа тушгач, руслар томон қандай интиланларини эслади...

Кейинчи... Кейин қучоқлашишлар, ўпишишлар, юлдузчаларни, нишонларни алмашишлар, америкаликларнинг Сталин шарафига шоду хуррам: «Жо амаки! Жо амаки!» дея бақаришлари...

Ушанда ва кейинги кунларда Эльбада, сўнгра Берлинда Воронов америкалик солдатлар ва офицерлар билан, журналистлар билан ҳам албатта, кўп марта учрашган эди.

— Алоқа? — қайта сўради Воронов. — Сиз нимани назарда тутяпсиз? Мен америкаликлар билан Торгауда, Берлинда капитуляцияга қўл қўйганларидан кейин ҳам учрашганман. Айтгандек, бу ҳақда ўз мақолаларимда ёзгандим.

— Уша алоқани қайта тикласангиз яхши бўларди.

— Нима учун?

Лозовский жим қолиб, соқолини силади.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, Михаил, — у Вороновга савол назари билан боқди. — Михаил Владимирович, тўғрими?.. Гап бундай, сиз қандай ўйлайсиз, Михаил Владимирович, ҳозир дунёда энг муҳим ва белгиловчи нарса нима?

Урушга қадар Вороновни «Михаил», «Миша», «Мишка» деб, уруш вақтида «ўртоқ старший политрук», кейин «ўртоқ майор» деб, баъзан оддийгина «Воронов» деб атардилар. Исмү шарифини қўшиб мурожаат қилишларига одатланмагани учун ажабланди. Аммо Лозовскийнинг саволига ўйлаб турмасдан:

— Бизнинг ғалабамиз, — дея жавоб берди.

— Тўғри, — бош қимирлатиш билан маъқуллади Лозовский. — Энди бу ғалаба унинг учун жанг қилган ва жон берганлар фаровонлигига хизмат қилиши энг муҳим масала. Улар фақат бизнинг мамлакатимиз учунгина жанг қилиб, жон беришди. Жаҳон халқларининг келажаги ҳам бизнинг ғалабамизга боғлиқ эди. Биринчи галда Европа халқларининг келажаги. Америка халқларининг ҳам. Сиз бунга қўшиласизми?

Лозовскийнинг айтганлари шу қадар жўн эдики, баҳслашиб ўтиришга ҳам ҳожат қолмади.

— Ҳозир Европада биргина биз эмасмиз, — давом қилди Лозовский. — Сиз, ўртоқ Воронов — коммунистсиз, — такрорлади у, — демак, интернационалистсиз. Шундайми?

Ўтмишда Лозовский Профинтерн раҳбарларидан бири бўлгани учун Воронов, Совинформбюронинг бошлиғи ҳозир ўзига кўндан яқин, сеvimли мавзусида гапирмоқчи шекилли, деб ўйлади.

— Шундай, албатта, — жавоб қилди Воронов.

— Унда сизга яна бир савол беришга ижозат этасиз: уруш тугаши муносабати билан бизнинг олдимизда қандай вазифа кўндаланг бўлади?

— Тиклаш!

— Табиий, — бош ирғади Лозовский. — Бошқачароқ, анча муҳим вазифа устида ўйлаб кўрганмисиз? Мен яна Европанинг, истасангиз бутун дунёнинг келажагини назарда тутяпман.

Воронов кифтларини қисди:

— Албатта, Соломон Абрамович, бу муҳим масала, — деди у. — Аммо, ўйлашимча, оддий совет кишиси учун энг муҳими ўз мамлакати ҳақидаги фикрдир. Шу қадар оғир синовлардан кейин...

— Рөзиман, — Вороновнинг сўзини бўлди Лозовский. — Аммо сиз коммунист сифатида уруш фақат бизгагина эмас, Европа халқларига ҳам жуда катта кулфатлар келтирганини унутишга ҳаққингиз йўқ. Улар келажак тақдирлари қандай бўлиши ҳақидаги саволга сабрсизлик билан жавоб кутмоқдалар. Улар Германияда фашизм узил-кесил тор-мор этилганига ишонч ҳосил қилишлари керак. Фашизм таг-томири билан суғуриб ташланганига! Буюк давлатлар ўзаро келишмагунларича, уруш тамом бўлгандан сўнг уларнинг олдиларига қўйилган ташқи сиёсат масалалари ҳал қилинмагунча бу саволларга жавоб бериш мумкин эмас. Европанинг келажагигина эмас, балки мамлакатимизнинг хавфсизлиги ҳам мана шу битимларга боғлиқдир.

— Ахир, Европанинг келажаги Ялта қарорлари билан олдиндан белгилаб берилган-ку! — эътироз билдирди Воронов. — Ушанда ҳамма нарса келишиб олинган.

— У вақтларда ҳали уруш кетаётган эди. — Шартта жавоб қилди Лозовский. — Катта сиёсатда кўпинча шундай бўладики, даҳшатли хавф-хатарлар давлат арбобларини ўзаро фойдали қарорлар қабул қилишга мажбур этади. Хавф-хатарнинг олдини олишга муваффақ бўлганларидан кейин эса бир томонлама фойда қилиш истаги туғилиб қолади.

— Сиз иттифоқчиларни назарда тутяпсизми?

— Улар ўзларини нуқсонсиз тутишмоқда, дея олмайман. Кўп жиҳатдан, келажак бизларнинг биргаликда ҳаракат қилишимизга боғлиқ, — деди Лозовский хиёл жим қолиб. — Берлинда Контроль кенгаши ишлай бошлагани сизга маълумми? — деб сўради у.

«Ҳа, гап буёқда денг! — хаёлидан ўтказди журналистчасига ўйлашга одатланган Воронов. — Мендан нима талаб қилмоқчи бўлгани мана энди аниқ бўлди. Шундай деб аниқ айтиб қўя қолмайдами?»

— Демак, мен Контроль кенгаш иши ҳақида ёзишим керакми?— деб сўради у.

— Уша жойда аниқроқ бўлади. Берлинда қандай ҳодисалар содир бўлишини олдиндан ҳеч ким айтолмайди. — Вороновни чалғитиб жавоб берди Лозовский. — Аммо бизнинг вазифамиз битта: у ҳам бўлса иттифоқчилар ўртасида келишиб олинган ўша қарорларни мамлакатимиз томонидан қандай ижро этилаётганини чет эл меҳнаткашларига кўрсатиб бериш.

— Ялта қарорлариними?

— Ҳам Техрон, ҳам Ялта қарорларини. Кўриб турибманки, Михаил Владимирович, фикрларингиз тўғри йўналишда ишламоқда, — жилмайди Лозовский.

Вороновнинг хотирасига боягина «Правда»да ўқиган сатрлар келди.

— Соломон Абрамович, — мурожаат қилди у Лозовскийга. — Мен газетада Труменнинг Европага жўнаётганини ўқидим.

— Сизни Трумэннинг ҳаракати қизиқтирадими? — кулимсираб сўради Лозовский.

— Унчалик эмас, — кифтларини қисди Воронов. — Аммо ахборотда «Катта учлик»нинг учрашуви бўлади, дейилган. Шу тўғрими?

— Ахборотни ким берган экан?

— Эсимда йўқ. Рейтер агентлигидан бўлса керак.

— Уша жойга мурожаат қилинг, — яна кулимсираб, аммо бу гал анча мурувватлироқ жавоб қилди Лозовский. — Кўриб турибманки, — қўшиб қўйди у, — сиз «Катта учлик» билан қизиқяпсиз?

— Барча совет журналистлари каби, — қуруқ жавоб қилди Воронов. — Агар бундай учрашув амалга ошса, бутун жаҳон диққатини жалб қилиш мумкин.

— Бундан қандай хулоса келиб чиқади?

— Шу хулоса келиб чиқадики, менинг Берлиндаги ҳаёт тўғрисидаги мақолаларим ҳеч кимга керак бўлмай қолади. Шунга мутлақо тушунмаяпманки...

— Сиз қанча тушуниш лозим бўлса, шунча тушунасиз, — Лозовский яна расмий оҳангга ўтиб, Вороновнинг сўзини бўлди. — Шундай қилиб, эртага эрталаб — соат еттию ўттизда Берлинга жўнайсиз. Поезд Белоруссия вокзалидан жўнайди. «Литер А» деб аталади. Поезд қайси йўлдан кетишини сизга ҳарбий комендант хабар қилади. Ҳарбий формада кетасиз-у, аммо, албатта, ёнингизда фуқаро кийим бўлсин. Ишонманки, сизда у сақланган.

— Бор албатта, урушдан аввалгиси.

— Жуда соз. Уша жойда сиёсий бошқармага кирасиз. Унинг қардалигини биласизми?

Кекса большевик, аммо мутлақо ҳарбий бўлмаган Лозовский ҳарбий ибораларга сира ҳам одатланмаган эди. Воронов: «сиёсий бошқармага кириб чиқмайдилар «етиб борадилар» ёки «қозир бўладилар» демоқчи эди-ю, аммо унинг ўрнига:

— Карлхорстда. Агар кўчиб кетмаган бўлса, албатта, — деди.

— Жуда лоз, — тақрорлади Лозовский. — Берлинда сиз бўлган вақтингизда бир неча группа киноходимлари бўлади. Улар билан алоқа боғланг. Бунинг сизга ёрдами тегади, — деди Лозовский. — Ҳа, айтгандай, фотоаппаратингиз яхшими?

— Фотоаппарат? — тақроран сўради Воронов. Москвага қайтгандан сўнг у ўзининг «ФЭД»ини девор шкафининг ичкарасига ташлаб қўйган эди. — Умуман яхшию, аммо плёнкаси...

— Чет эл плёнкасидан оласиз, — гапни кесди Лозовский. — «Қодак». У бизникдан анча яхши. Афсуски шундай. Энди эса...

У яна стол устидан жигарранг папкани олди-да, ундан узунроқ эн-сиз қоғоз чиқариб Вороновга узатди:

— Сизнинг командировка варақангиз.

Воронов қоғозни олиб, унга паришон боқди. Уруш вақтида бундай сафар варақаларини қанча марталаб олган! Айниқса, ғалаба яқинлашганда. «Унвони, отасининг исми, оти, фамилияси», «командировканинг мақсади», «муддати».

Аммо Воронов қўлидаги қоғозни диққат билан ўқиб чиқиб, тааж-жубланди.

— «Нима учун «фотомухбир сифатида» деб ёзилган?— сўради у Лозовскийдан.— Ҳозиргача фақат мухбир эдим. Бундан ташқари борадиган жойим «Берлин — Потсдам». Потсдамнинг нима алоқаси бор? Ниҳоят, агар мен формада борар эканман, нима учун менинг ҳарбий унвоним кўрсатилмаган?

— Агар унвонингизни тасдиқлаш зарурати туғилиб қолса, офицерлик гувоҳномагиз бор.

— Нима учун...

— Эшитинг, ўртоқ Воронов, сиз менга социал-демократларнинг бир касаба союз арбобини эслатяпсиз. Унинг Профинтерн конгрессида докладчиға ўн битта савол берганини ҳисоблаган эдим.

— Таққослашингиз учун раҳмат, Соломон Абрамович. Аммо гапимга қўшилинг, буларнинг ҳаммаси жуда ғалати...

— Баъзи бир адабий асарларни ўқиганингда,— кўзларини сузиб давом этди Лозовский,— аввал бошда бир бобнинг иккинчи бобга ҳеч қандай алоқаси йўқдек туюлади. Сўнгида эса уларнинг ҳаммаси бир қаттиқ тугун билан боғланади. Шундай китобларни ўқиганмисиз?

— Кетсам бўладими?— жавоб ўрнига тунд қиёфада сўради Воронов. Бу ҳарбийча муомала билан у армия интизомини унутмаганини ва гарчи иштиёқсиз бўлса ҳам, буйруққа итоат этажанини қайд қилгандек бўлди.

— Оқ йўл,— жавоб берди Лозовский. Сўнгра кутилмаганда қўшиб қўйди.— Менинг сизга қандай ҳавасим келаётганини билсангиз эди... Йўқ, йўқ, фақат яна янги саволларсиз! Сизга муваффақият тилайман!

Воронов ҳозир Қарповнинг бўлмасида ўтириб, генералнинг айтган сўзлари маъзини чақар экан, ўшанда — Москвада Лозовский билан қилган суҳбатини қадрламаганини тушунди.

Лозовскийнинг қаттиқ махфийлик шароитига қарамай, Воронов нима мақсадда Берлинга юборилаётганини тушуниши учун қўлидан келганича ёрдам бергани энди равшан бўлган эди.

— Гап буёқда экан-да! — деб юборди беихтиёр Воронов.

— Нима бўлди сенга?— ажабланди Қарпов.

— Гап шундаки, аҳмоқлик қилиб қўйишимга сал қолган экан! Ахир, мен Берлинга келмоқчи эмас эдим. Тасаввур қилинг-а, Василий Степанович, келмоқчи эмасдим! Лозовскийдан ҳар хил йўллар билан жўнатмаслигини илтимос қилдим. Шундай воқеадан қолишим мумкин экан. Кейин бир умр ачиниб юрардим!

— Ростдан ҳам сенга нима учун юбораётганларини айтишмадими?— ишончсизлик билан сўради Қарпов.

— Лозовскийнинг мана бу гапини нима учун айтганини энди тушуняпман,— Воронов саволга жавоб бермасдан ўзича гапира кетди,— у дедик... Нима деган эди?— Воронов пешонасини тириштирди.— Мен бу сўзларга у вақтда эътибор бермаган эдим. Қисқаси Берлинда буюк воқеа бўлиши мумкин... Ушанда Контроль Кенгашни эсга олиш мени адаштирган эди. Демак, мен конференцияда қатнашишим мумкинми?— деб сўради Воронов кўзларини катта-катта очиб, генералга қараркан.

— Э жуда ошириб юбординг!— кулди Қарпов,— Конференцияда

фақат делегация аъзолари, уларнинг маслаҳатчилари ва таржимонларигина бўлади.

— Матбуотчи?— сўради тушкун овозда Воронов.

— Менимча вақти-вақти билан кино ва фотомухбирлар киритилади. Уртага сукунат чўкди.

— У ҳолда мен нима тўғрисида ёзаман? Ахир, мен кишилар билан учрашишим керак-ку! Америкаликлар билан, инглизлар билан...

— Сенга шундай топшириқ берилган экан, учрашавер.

— Уларни қаердан тутаман? Берлинданми ёки шу ерда — Бабельсбергдами? Агар маслаҳатлашиш зарур бўлиб қолса, ўртоқлардан кимга мурожаат қилишим керак? Эҳтимол, сизгадир, ўртоқ генерал? Ахир мен, кечирасиз-у сиз ҳозир қандай лавозимда эканлигингизни ҳам ҳалигача билмайман!

— Маршал Жуковнинг штабида хизмат қиламан. Аниқроғи, генерал Соколовский раҳбарлигида.

Соколовскийнинг Жуковга муовин ва унинг штаб бошлиғи эканлигини Воронов яхши билар эди.

— Демак... демак...— Воронов бу қадар юксак лавозим эгаси бўлган генералнинг вақтини олгани учун худди кечирим сўраётгандек гавраңсиган қиёфада гудранди:— Сиз... Соколовскийнинг муовинимсиз?

— Мансаб тақсимлашга уста экансан,— кулиб юборди Карпов.— Айтмоқчи, мен ҳақиқатан ҳам Соколовскийга бўйсунаман. Конференция вақтида шу ерда бўламан. Сенга тушунадиганроқ қилиб айтсам, алоқа сфицерига ўхшаш вазифадаман. Энди бошқа саволларинг хусусида: Эсингда борми, операция вақтида қўшинлар нима қилишарди? Командир ўз «КП» ва «НП»ларига эга бўларди. Гап шундай, чекистлар сенга айтганларидек, сенинг назорат пунктинг шу ерда — Бабельсбергга бўлсин. Қўмондонлик пунктига келсак, уни Карлсхорста яқинроққа ўрнатишингни маслаҳат бераман. Сенга хона топамиз. Бизнинг офицерларимиз икки ҳафтача қисилишиброқ яшаб туришади.

— Мен иттифоқчилар журналистлари билан алоқада бўлишим керак. Немислар билан ҳам!

— У ҳолда НПни ҳам Потсдамда ўрнат. Берлин ёнингда ва Бабельсберг ҳам яқин бўлади. Сенга, албатта, тузукроқ оиладан хона тспадилар. Мана сенга НП ҳам ёки эҳтиёт КП ҳам. Германиядаги Совет ҳарбий Маъмурияти сиёсий бўлими билан келиш-да, яшайвер.

— Хўш, нима ҳақда ёзаман, ахир?— деди хаёл суриб Воронов.— Иттифоқчиларнинг ҳамкорлиги ҳақидами?

— Бунга ўзинг ўйла. Журналистик фаолиятингда маслаҳатчи бўлмайман, сенинг ўз командиринг бор. Албатта, ҳамкорлик ҳақида ёзиш ҳам ёмон бўлмайди...

Карпов сўнги сўзларини шубҳага ўхшаш эмас-ку, лекин гўё овоз чиқариб хаёл сураётгандек қилиб айтди. Кейин астагина:

— Ҳамкорликнинг зарурати,— шундай ёзсанг тўғрироқ бўлса керак,— деди.

Воронов Карповга диққат билан қаради. У генералнинг гап оҳангига эътибор берган эди.

— Қандайдир келишмовчилик борми?

— Муносабатлар қандай бўлганини ўзинг биласан...— алаҳситиб жавоб қайтарди Карпов.

— Иккинчи фронтдами?— шошилиб қолди Воронов.— Торгаудаги учрашув вақтида менга улар бизларни қандай қилиб яккама-якка уришишга мажбур қилганларини эслашаётгандек туюлди. Ҳар ҳолда, уларнинг кўпи бизнинг олдимизда гуноҳкор эканликларини ҳис қилардилар.

— Нима дейишимиз мумкин, — деди ўйчан қиёфада Карпов. — Гуноҳни сезиш ёмон эмас, албатта. Кўкракни ўққа тутиб беришнинг ўзи

бўлмайди. Менга айтишларича, гитлерчиларнинг концлагерлари дарвозаларига: «Ҳар кимга ўз тегишлиси» деган шиор осиб қўйилганмиш. Мен, демак, тинчликда яшашим, сен эса крематорийда ёнишинг керак. Биз қон тўкиб қасос олишимиз, сенинг Торгаудаги дўстларинг бўлса, гуноҳини сезиш билан кифояланиши керак.— Қарповнинг гап оҳангида куйниш ва надомат ҳислари сезилиб турарди.

— Ҳа, сиз ҳақсиз, Василий Степанович,— деди Воронов.— Ахир, ҳозир тинчлик-ку. Ўзгарувчан ҳарбий шароитдагига нисбатан тинчлик шароитида ўзаро келишиб олиш осонроқ бўлади, деб ишонгинг келади кишининг.

— У ҳолда, нима учун улар дарҳол ўз зоналарига кетмадилар?— Кутилмаганда кескин, қатъий сўради Қарпов.

Бу савол Вороновнинг кўп нарсаларни англаб олиши учун бир туртки бўлди.

— Қанақа зоналарига?— иккиланиб сўради у.— Мен яқингинада «Правда», иттифоқчилар қўмондонлиги инглиз ва америка қўшинларини совет оккупация зонасидан олиб чиқиб кета бошладилар, деб ўқидим.

— Яқиндагина дейсанми?— Аввалгича, қатъий, қайта сўради Қарпов.— Улар бунга аллақачонлар қилишлари керак эди! Дарҳол, ғалабадан кейиноқ. Аввал келишилган ва имзоланганига кўра. Улар эса бизнинг зонамизда деярли икки ҳафта қолиб кетишди. Америкаликлар— Тюрингияда, инглизлар— Виттенбергда.

— Лекин бари бир кетишяпти-ку?

— Жуков зоналар ҳақидаги битим бажарилмагунича улардан бирортаси ҳам Берлинга киритилмайди, деб айтганидан кейингина. Бундай тadbирни маршалнинг бир ўзи ҳал қилди, деб ўйлайсанми? Унга Москва буюрди. Қисқаси, бу масала ҳал қилинди. Бошқа масалаларчи? Германия тақдири нима бўлади? Ёки, айтайлик, Польша тақдири-чи...

Воронов Қарповнинг сўзларини тинглар экан, генерал ўзига хос халқаро масалаларни ҳарбий масалалардан ҳам яхшироқ тушуниши ҳақида ўйлади. Утган урушга тааллуқли барча масалаларда собиқ командири Воронов учун шубҳасиз ҳурматга лойиқ сиймо бўлиб қолган эди. Аммо айтиш тобда Воронов ўзини суҳбатдошидан бир оз устун сезарди.

— Сиз Ялта қарорларини ўқиганмисиз?— деб сўради у Қарповдан.

— Ўқидим,— сезилар-сезилмас киноя билан жавоб берди генерал.

— Ахир, унда ҳамма нарса ҳал қилинган-ку! Германия зоналарга бўлинади. Бўлинган ҳам-ку, шундайми? Фашизмни тугатиш ҳақида Қримда яқдиллик билан битимга эришилган. Польшага келсак, у Германия ҳисобидан шимол ва ғарбда янги территориялар олади. Бу ҳам келишилган. Бундан ташқари, Европанинг озод қилиниши ҳақидаги Декларацияда...

— Декларация дейсанми?— Қарпов унинг сўзини бўлиб, киноямуз қўшиб қўйди:— Декларациялар кўпдек. Яхшилари ҳам, тўғрилари ҳам бор. Ваҳоланки, зоналар тўғрисида ҳам келишиб олинганди. Амалда эса иттифоқчилар деярли куч ишлатиб чиқарилди. Қулоқ сол, майор!— энди ҳеч қандай киноясиз, жиддий гапира бошлади Қарпов.— Сен нима деб ўйлайсан, давлат бошлиқлари бу ерга фақат бир-бирларининг қўлларини сиқиш учун келишадими?

— Жудаям анойига чиқариб қўйманг мени... — Воронов гинахонлик қила бошлаган эди, Қарпов шартта унинг сўзини бўлди:

— Унчалик анойи бўлмасанг, ўйла! Тасаввур қил! Миянгни ишлат!— Чаккасига ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини яқинлаштирди.— Аммо огоҳлантириб қўймоқчиман: фақат урушдагина ўйдим-чуқурлар

бор-у, тинчлик — силлиққина текислаб қўйилган йўл, деб ўйлама. Шундай бўлишини, албатта, истардик-ку, лекин шундай бўлавермайди. Сен Ялтани гапирасан, Германияни қуролсизлантириш, унинг барча қўшинларини тарқатиб юборишга келишилди. Хўш, қани, айт-чи, модомики шундай қарор бўлган экан, нима учун инглизлар немис ҳарбий қисмларининг асирларини тарқатиб юбормадилар? Уларнинг қуролларини ҳам бус-бутун сақладилар. Керак бўлиб қолса, яна дарҳол қуроллантириш мумкин бўлади. Шунга холосми...— Қарпов қўл силтади.

— Сиз мендан ниманидир яширяпсиз, Василий Степанович?— гина қилди Воронов. У ҳозиргина суҳбатдошидан устун сезаётгани нотўғри чиққанини фаҳмлаган эди.

— Мен ҳеч нимани яширганим йўқ. Фронтдош дўстлик ҳурмати — лозим бўлганидан ҳам ортиқроқ нарсаларни айтиб бердим.

Қарпов пича жим тургач, гап оҳанги яна олдингидек мулооймлашди:

— Майли, булар ҳақида ҳозирча қўйиб турайлик. Ҳалиги — нима ҳақида ёзиш масаласига келсак, буни ўзинг ўйла. Кўриб турибман, энди дипломатга айланибсан. Халқаро ишлар бўйича!..

Йўқ, Михаил Воронов халқаро ишлар бўйича мутахассис журналист эмас эди. Ҳарбий тақдир уни бу ишга ундади.

— Менинг дипломат бўлишимга ҳали узоқ...— деди секин Воронов.— У ҳолда сен, айтганларидек, Бош Қўмондонликка тобе алоҳида ҳарбий қисмсан,— ҳазиллашди Қарпов.— Айт-чи, менга, дўстим, топшириқни бажаришга жўнаётган ҳарбий мухбир нима ҳақида ўйлайди?

— Яъни?

— Яхшилаб овқатлантиришса, юз грамм қўйиб бериб, дурустроқ ертўлага жойлаштиришсаю транспорт билан таъминлашса, деб ўйлайди. Шундайми?

Энди кулиш навбати Вороновга келди: Ҳақиқатан бу гапларнинг ҳаммасини у қачонлардир ўз дивизия командирига айтган эди.

— Гап бундай,— давом этди Қарпов.— Менинг ёрдамимсиз ҳам сени овқатлантирадилар. Дурустроқ ертўла билан ҳам таъминлашади. Транспортинг борми?

— Худди шу саволни подполковник ҳам берди, бу ерга унинг олди-дан келдим. Менда транспорт қаёқдан бўлсин?

— Майли, унда эски дўстлигимиз ҳурмати — ёрдам бераман. Ҳар қалай, биргалашиб хизмат қилганмиз-ку. «Бенц» ёки яхшиси «Эмка» оласан. Ҳар ҳолда, ўз машинамиз у.

— Раҳмат, ўртоқ генерал... Раҳмат, Василий Степанович!— қизгин ташаккур билдирди Воронов. У генералга машина бермоқчи бўлгани учунгина ташаккур айтмади. Унинг бу міннатдорчилик сўзлари уларни бир-бири билан боғлаган, бир пайтлардаги Москванинг қоронғи кечалари ва кечмиш жанглар қаъридан отилиб чиққандек бўлди...

Орага сукунат чўкди.

— Демак, ҳаммаси келадими?— деб сўради секин Воронов.— Черчель ҳам, Трумэн ҳам ва... Ўртоқ Сталин ҳам-а?

— Тирик бўлсак кўрамиз, Михайло,— жавоб қилди Қарпов хайрлашаркан, унинг қўлини қаттиқ сиқиб.



## Учинчи боб

## Черчилль

У ТУСАТДАН бир ой муқалдам аъзойи баданига мутлақо ёт бўлган ҳорғинлик ҳиссини сезди. Машҳур пациентига узоқ вақт қилган хизмати учун Лорд Моран унвонини олган унинг шахсий врач Чарльз Вилсон бош министр Потсдамга жўнашдан олдин, албатта, дам олиши керак, деб талаб қилди. Бунинг зарурлигини Черчиллнинг ўзи ҳам биларди. Дам олиш учун Черчиллнинг қадрдон дўсти генерал Бругинеллига қарашли Бардаберри қалъаси танланди. Қалъа Франциянинг жанубида, деярли Испания чегарасида бўлиб, Черчилль бу ерларни азалдан яхши кўрар эди.

Черчилль рафиқаси Клеминтина, қизи Мэри, Лорд Моран, соқчиси Томпсон ва хизматкори Сойерс билан бирга молберт, мўйқалам ва бўёқларини олиб, жанубга отланди.

У расм чизишни яхши кўрарди ва шубҳасиз, рассомлик истеъдодига ҳам эга эди. Аммо ватанида расм чизишни ёқтирмас, англис манзаралари унга ғамгин туюларди. Кўзларига мовий, ним яшил, ложувард, тиниқ-кўк ранглар хуш ёқарди.

Шунингдек, Черчилль бир даста ёзув қоғози ҳам олволди. Аммо унинг ёзгиси келмасди. Эрталаб расмкашлик буюмларини жамлаб, табиат қўйнига чиқар ва ечинмоқ учун тушликдан бир соат олдин қайтиб келар, кечқурун ўринга ётиш олдилан қандай мукамал ечинса, кундузлари ҳам одатда шундай ечиниб, озгина бўлса-да, мизғиб олар эди. У бу одатини немислар Ла-Манш орқали бостириб киришлари кутилган хатарли кунларда ҳам канда қилмаган эди.

Берлинга учиш арафасида Черчилль худди одатдагидек табиат қўйнига чиқди. Эгнига ўзи ихтиро этган йилнинг ҳамма фаслида ҳам яхши кўриб киядигани — «сирена» — комбинезон кийган, бошида оқиш шляпа, оғзининг буржида тутатилмаган сигарани қисганича қўлларида молберт ва бўёқлар солинган қутини кўтариб борарди. Аммо бу нарсаларни кўтариш бугун негадир оғирлик қилаётганди.

Черчилль енгил, деярли вазнсиз йиғма стулни қўйиб, парусинадан ясалган ўтиргичга оғир чўккач, сигарасини тутатиб, атрофга қаради. У дам олиш пайти севган нарсалар — кўм-кўк, булутсиз осмон, эрталабки тиниқ тоғ ҳоври қоплаган ёрқин-яшил кўкатлар теварагини ўраб олган эди.

Аммо бугун буларнинг ҳеч бири уни сира ҳам қувонтирмапти. «Нима бўлди ўзи менга? Бирор марта муваффақиятсизликдан заифланганмидим?», деган ваҳимали фикр урилди унинг миёсига тўсатдан.

Йўқ, авваллари муваффақиятсизликлар унга яна ҳам куч бағишларди.

Муваффақиятсизликлар авваллари ҳам бўлган, албатта. Бир вақтлар — ёшлигида у унвон олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Ворисликнинг мураккаб қоидаларига биноан ёш Черчиллнинг жияни Мальборонинг қонуний герцоги бўлди. Ҳарбий шухратни орзу қилиб юрган Уинстон Саандхерст ҳарбий билим юртига киришда икки марта имтиҳондан ўтолмади. Кейинроқ у сиёсий жабҳани танлаганида ўша вақтдаги бош министр Бальфур уни ўз ҳукумати сафига киритмади. Бу халқ олдида ҳақорат эди. Черчилль консерватив партиядан либерал партиёга ўтиб кетиш билан ўч олди, мана шунинг учун «Бленхем каламуши» деган лақаб олди. У туғилган қалъа Бленхем қалъаси деб аталарди. Россиядаги революциядан кейин у рус большевизмини ўз бешигида бўғиб

ташлашга интилган эди, аммо бу уриниш беҳуда бўлиб чиқди. Энди Черчилль худди ўша рус большевикларининг ғалабаларини байрам қилгани Берлинга бориши керак эди.

Уинстон Леонард Спенсер Черчилль номи билан аталадиган шахс ким ўзи? Журналист, сиёсий арбоб, дипломат, ҳарбий раҳбар — дам раҳбарлик, дам иккинчи даражали лавозимларни эгаллаган, аммо ҳаммиша биринчи бўлишга интилиб, ўнлаб йиллар давлат ишлари доирасидан тушмади.

Уинстон Черчиллни табиат иродали — кучли шахс — адабиётчи ва рассом, сиёсий арбоб истеъдодига эга қилиб яратди. Шуларнинг ҳаммасига қарамай, у йигирманчи асрнинг энг фожиали ва зиддиятли шахсларидан бири бўлди. У узоқ умри давомида ғолибона парвозлар ва эсанкираб тубан кетишларни бошидан кечиргани учунгина фожиали шахс бўлиб қолмади. Табиат Черчиллга катта истеъдод ато қилди-ю, аммо битта тузатиб бўлмайдиган хатога ҳам йўл қўйди — уни дунёга анча кеч келтирди. Бугун вужуди билан — туғилиши ҳам, тарбияси ҳам, фикрлаши ҳам оқсуяк бўлган Черчилль халқ оммасидан нафратланарди. Миллионларнинг фикр ва дилларини Карл Маркс билан Владимир Ленин ғоялари эгаллаган бир вақтда у ҳали ҳам Томас Карлейлнинг реакция-романтик қарашларининг кули бўлиб қолган эди. Черчилль назарида халқ ҳеч қачон тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмаган, фақатгина ўз қаҳрамон доҳийларининг иродасига кўр-кўрона бўйсунувчи оломон бўлган, холос.

У кўп нарсаларда муваффақиятларга эришди, душман билан бўлган кўп курашларда енгиб чиқди. Аммо ўзининг энг ашаддий ва шафқатсиз душмани устидан ғалаба қозона олмади. Унинг бу душмани Тарих эди. Буни Черчиллнинг ўзи тушунармиди? Ўзининг ашаддий ва шафқатсиз душманини билармиди?

У ёшлик йиллариданоқ ақл бовар қилмайдиган фитналарга интилди. 1899—1902 йиллардаги инглиз-бурлар урушида қатнашди, асир тушди, тутиб берган кишилар учун мукофот эълон қилинган бошини зўрға омон сақлаб қолди. Китоблар ёзди, иттифоқчиларини алмаштирди, юксақ ҳукумат лавозимларини эгаллашга интилди, мағлубиятга учради, яна сиёсат майдонида пайдо бўлиш учун панага чекинди...

Мана, фотограф гусарни оқ от устида ва тропик пробка шлёмда расмга туширган. Расм ўтган асрнинг охирларида Ҳиндистоннинг жанубида олинган. Черчилль атиги йигирма икки ёшда. Аммо у ўшандаёқ ўзини буюк саркарда, мамлакатлар ва халқларни забт этувчидек жиддий ва такаббуруна боқиб турибди.

Мана, уч йил ўтгандан кейин олинган сурат: Черчилль инглиз-бурлар урушида «Морнинг пост» газетасининг мухбири ролида. У кўксида ва ён томонларида жуда кўп чўнтаклари бор ярим китель-ярим френч кийган. Чап томонидаги юқори чўнтаги устида орден лентаси. Бошида соявони эгилган шляпа, юпқа лаби устида чиройли мўйлабча.

Ўша даврга тааллуқли бошқа бир расмда Черчилль ҳарбий формада эмас, ғарибгина, эски пальтода. Кенг соявонли шляпаси ғижимланган ва кўкрагига босилган, юзида илтижоли жилмайиш. Бурлар асирлигидан қочгандан кейин Уинстон Черчилль ватанига мана шу аҳволда қайтди.

Фақатгина бир йил кейин Черчилль ўзига тикилиб турган оломонга баланд минбардан қараб турибди. Унинг орқасида Британия байроғи. Лондонда парламентга навбатдаги сайлов кетмоқда. Черчилль олди очиқ пиджакда икки қўлини белига тираб мағрурона боқмоқда.

Ниҳоят, Черчилль — Буюк Британиянинг бош министри. Унинг катта бошида цилиндри хира йилтирайди, қора нимчасига оғир тилла занжир тақилган. Оғзининг бир бурчагида узун, йўғон сигара — Уинстон

Черчиллнинг машҳур сигараси. У Рузвельт билан расмга тушганида ҳам, ҳарбий денгиз формасида «Аякс» крейсери палубасига кўтарилганида ҳам, лондонликларни табриклаганида ҳам сигарасини оғзидан ташламайди.

Черчилль ҳамиша сигараси билан. Черчилль қўлида хипчин билан. Черчилль цилиндрда, Черчилль қалпоқда. Черчилль «сирена»да. Черчилль ҳарбий формада. Черчилль... Черчилль... Черчилль...

Агар у муваффақиятсизликка учраса, буни истаган кишига — сиёсий партияларга, уларнинг бошлиқларига, бош министрларга, хиёнат қилган дўстларига, сайловчиларнинг нодонлигига ёки ношукурлигига тўнкайди. Алғов-далғов воқеалар ичида у фақат ўзининг асосий душмани — Тарихни кўра олмасди.

Черчилль шуни тушуна олмас эдики, худди мана шу Тарих — синфий кураш ҳақидаги объектив қонунлар, пролетариатнинг капитализмнинг гўркови бўлишдек буюк вазифаси — унинг ўз ҳаётида амалга оширган энг катта фитнаси — эндигина туғилган Советлар Республикасига қарши интервенциясининг барбод бўлишига олиб келди.

Худди мана шу Тарих узоқ йиллар давомида уни империянинг энг юқори лавозимларига ўтқазмаган эди — у бир неча йиллар олдин туғилганида осонлик билан бу лавозимларни эгаллаб олган бўлар эди.

Табиат даъватига бўйсунган ҳолда биқинларини қашқа қилиб, ўткир тўсиқлар, чуқурлик ва саёзликларни энгиб, оқимга тик сузган балиқ каби Черчилль Тарихнинг қонунларига қарамай, унинг ҳарақатига қарши қайсарона ўжарлик билан сузди.

Бу шахснинг ҳаётида фақат бир марта ақл бовар қилмайдиган нарса юз бергандек бўлди. Гарчи у туғилишда кечиккан бўлса ҳам, гарчи Тарих қонунлари билан ҳисоблашишни истамаса ҳам, бир гал Тарихнинг ўзи унинг бошини силади. Ўз мақсадлари йўлида Черчилль боқийликка олиб келиши мумкин бўлган бирдан бир қадамини ташлади — Гитлер Германиясига қарши чиқди.

Черчиллнинг бундай қадам қўйишига нима сабаб бўлди? Ҳар ҳолда, фақат фашистларнинг жаҳолатпарастлигига қарши нафрат эмас. Черчиллнинг бутун фикри-зикри Британия тахтига қаратилган эди. Худди мана шунинг учун ҳам у Гитлерга қарши чиқди.

Империянинг вайрон бўлишини Тарих олдиндан белгилаб қўйган эди. Британия сиёсий машинасининг сўнгги мурватигача ўрганиб чиққан Черчилль бу машинанинг ишлаб бўлганини, яратувчиси пачоқланиб кетишга маҳкумлигини сезмай қолди. Аммо бу машинанинг қачон вайрон бўлиш муддатини ҳеч ҳам билмас эди.

Польшани тор-мор қилиб, кейин Ла-Манш қирғоқларига чиққан Гитлер Британиянинг узоқ келажагини эмас, унинг эртанги кунини ҳам хавф остида қолдирди. Ўзининг бутун ҳаёти мантиқига бўйсунган Черчилль Гитлерга қарши чиқди, бу билан фашист фюрери Шарққа қараб ёпирилганда Совет Россияси билан иттифоқ тузишга қарор қилди. Черчилль ҳаётида биринчи марта ҳаққоний иш учун жанг қила бошлади, биринчи марта Тарихнинг асосий йўналишидан борди, шунинг учун ҳақиқий буюклик бўсағасига яқинлашди.

Бироқ бўсағадан ҳатлаб ўтиш унга nasib бўлмади.

Черчилль туғилганида кўп истеъдодларнинг саховатли фаришталари ўзларининг марҳаматлари билан уни бахтиёр қилдилар. Аммо «Уйқудаги гўзал» асаридаги каби сўнгги фаришта аслида империализмнинг кекса алвастиси бўлиб чиқди. Бу алвастининг чақалоқ манглайига босган кўринмас муҳри унинг келажак тақдирини белгилаб берди.

Тарих бу одамнинг бир умрга кўринмовчи қудратли душманидан унинг иттифоқчисига айланди-да, Черчиллнинг бор истеъдоди рўй-рост жилваланди. Черчилль жасур ҳарбий ва граждандан йўлбошчи сифатида

намоён бўлди. Унинг собитлиги энди ўзи раҳбарлик қилаётган халқ собитлиги билан қўшилиб кетди. Унинг нутқлари энди китобона ялтироқликни бас қилиб, одамлар қалбида ўт ёқувчи росмана маъно касб эта бошлади.

Аммо кекса алвастининг муҳри ҳамон кучини йўқотмаган эди. Совет Иттифоқи Гудериан танклари сиқуви остида, Геринг бомбалари портлаши натижасида парчаланиб кетганини эмас, аксинча, Фон Бок, фон Лееб ва Рунштедларнинг миллион сонли армиясини улоқтириб ташлаб, кейин ҳужумга ўтганини Черчилль ўз кўзи билан кўрди. Ушандан бошлаб Англиянинг ҳам пировард тақдири боғлиқ бўлган устивор Совет Иттифоқи Черчиллнинг кўзига яна ўша бир пайтлардаги ашаддий большевистик Россия сифатида кўрина бошлади.

Черчилль иккинчи фронт очилишини кечиктириш йўлида қўлидан келган барча чорани кўрди. Энди, бевосита Англия узра пайдо бўлган хавф йўқолган вақтда ва уруш узоқ рус далаларида олиб борилаётганида Советлар мамлакатига қўшинлар билан ёрдам қилишнинг маъноси йўқ эди. «Россия билан Германия охиригача бир-бирларининг қонларини тўкаверишин».

Черчилль тарихнинг мантиқига ўз шахсий мантиқини қарама-қарши қўйишга уринган барча ҳолларда, катта хатога йўл қўярди. Германияни, умуман, иттифоқчиларнинг ёрдамсиз ҳам тор-мор қилиш учун Совет Иттифоқида етарли куч бор экан. Совет қўшинлари Европада ягона ғолиб бўлиб қолишлари мумкин, деган даҳшатли фикр Черчиллга тинчлик бермасди. Дарҳол иккинчи фронтни очиш керак эди...

Ҳа, Черчилль иттифоқчилар қўшинларини Нормандияга тушириш муддагини кечиктиришга муваффақ бўлди. Аммо кўп ойлаб судраш ва чўзиш тактикасида муваффақият қозонган Черчилль пировардида Совет Иттифоқи Армиясининг Европани озод қилишга киришганини кўрди. У инглиз оролларида гитлерчилар қўшинларининг тушиш хавфи пайдо бўлганида руҳий осойишталик сақлади. Олдинроқ ҳам Англиянинг ҳаёт-мамоти масаласи русларнинг матонатига боғлиқ бўлиб қолганида у, чин қалбидан бўлса керак, Қизил Армияга муҳаббат ва содиқлиги ҳақида қасам ичган эди. У «қуруқликда ҳам, денгизда ҳам, ҳавода ҳам» немис фашизми билан мурасасиз, шафқатсиз кураш олиб боришга даъват этган эди. Энди эса Черчилль Гитлер ва унинг қўшинларини эмас, Сталин билан Совет Армиясини ўзининг асосий душмани ҳисоблай бошлади. Вужудга келган вазиятдан чиқйшнинг биргина йўли бор, деб билди Черчилль. У, Гитлер хотиржам ҳолда шарқда янги шиддат билан жангн давом эттиришига имконият яратмоқ мақсадида ғарбда жанг ҳаракатларини деярли тўхтатди.

Ўз синфининг намояндаси, олий империя доирасининг вакили бўлган Черчилль аввалгидек Америка ҳукмрон бўлмаган барча ерларда Британия ҳукмрон бўлишига имони комил эди. Русларнинг Европага кириши тўғрисидаги биргина фикрнинг ўзидаёқ у ҳар қандай мантиқий мулоҳаза қилиш қобилиятидан — теварагидаги мавжуд вазият ҳақидаги тасаввурдан маҳрум бўларди.

Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларининг Техрон конференциясидан бошлаб, Совет Иттифоқи билан бўлган барча муносабатларнинг ривожланиши энди Черчиллга машъум хатолар занжири бўлиб туюларди. Унинг ўзи, Рузвельт ва Сталин томонидан имзоланган ва барча антифашист дунё томонидан иттифоқчиларнинг бузилмас бирлиги рамзи сифатида қабул қилинган ҳужжатлар энди Черчиллга большевиклар олдида Англия, Американинг таслим бўлишидек туюларди. У буларнинг кўпчилигида Рузвельтни айблади. Баъзан Черчилль билан Сталин ўртасида баҳслар вужудга келганида, ҳақиқатан ҳам Америка президенти Черчиллни мулозимлик билан тўхтатиб қўярди. Аммо у,

Европанинг урушдан кейинги ташкил қилинишида Совет Иттифоқини қатнашишдан четлаштириш бўйича қилинган барча уринишларни мулойимлик ва қатъий сабот билан рад қилувчи Сталинни асосий душман деб биларди, албатта.

Аммо Черчилль Рузвельтни Сталиндан ҳам кўпроқ айбларди. Сталин ўзининг большевистик нуқтаи-назаридан иш тутяпти. Бу табиий. Аммо Рузвельт-чи! Черчиллнинг назарида Иттифоқчилар Берлинга етиб боргунларигача совет қўшинлари Европага ёпирилиб кирса, Европанинг большевиклашиб кетиши Рузвельтни таҳликага солмаётгандек туюларди.

Европа халқлари, уларнинг хоҳишлари, иродаси Черчилль учун мутлақо аҳамиятсиз эди. Уларнинг келажагини Англия, Америка Қўшма Штатлари биргаликда белгилашлари керак эди. Акс ҳолда, Черчиллнинг фикрича, Европанинг хўжайини большевиклар бўлиб қолиши муқаррар эди. Аммо буни америкадагилар тушунармиканлар? Бундай саволни у ўзига такрор-такрор берарди. Америкаликларнинг Европа муаммоларига у қадар аҳамият бермаётганлари Черчиллга тушунарли эди. Негаки, Қўшма Штатлар океаннинг нариёғида-да! Бундан ташқари, улар Япония билан уруш олиб боришяпти. Сталин Гитлер таслим бўлганидан икки-уч ой кейин шу урушда қатнашишга ваъда берган эди.

Аммо Черчилль учун Европа фақат географик тушунча бўлиб қолмасди. Англия Европа қитъасида илгари тутган мавқеини урушдан кейин қайтара олармикан? Германия устидан ғалаба қозонилгандан кейин Франциянинг оёққа туриб олиши учун кўп йиллар керак бўлади. Бундай янги вазиятда Англиянинг Европадаги роли, Черчиллнинг эътиқодига кўра, на фақат муҳим, балки ҳал қилувчи бўлиши керак эди. Унинг учун ишнинг моҳияти мана шундан иборат эди. Черчилль, агар Германия худди шу Совет Иттифоқи томонидан тор-мор қилинса, Англиянинг Европа харитасини ўзи хоҳлаганидек ўзгартира олмаслигини тушунарди, албатта. Зарурат жиҳатдан Черчилль Европага раҳбарлик қилишни америкаликлар билан баҳам кўришга тайёр эди. Аммо бу ҳолда ҳам Рузвельтни совет қўшинларининг Европа ичкараси томон кириб бориши — англосаксонлар дунёси учун оғир зарба эканлигини тушунишга мажбур қилиш керак эди.

Черчилль фақат қурол кучига ишонар эди.

Нима учун фашист қўшинларининг Европага кириб келиши унинг халқлари томонидан нафрат билан қарши олинди ва қаршилиқ кўрсатишнинг қудратли ҳаракатини бошлаб берди, Совет Армиясининг келишини эса улар шавқ-завқ билан табриккладилар? Бу масала устида Черчилль ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган эди. Европа халқлари унинг учун фақат шахматчилар иродасига бўйсунадиган доналардангина иборат эдилар, холос.

Совет Армиясининг ғолибона ҳужуми билан боғлиқ Европанинг барча проблемаларида Черчилль учун энг муҳими Польша эди.

Лондонда муҳожир поляк ҳукумати жойлашган эди. Совет қўшинлари назоратида бўлган Люблинда эса Польша миллий озодлик комитети ҳаракат қиларди. Лондон муҳожирлари эски, панлар Польшасининг намояндалари эдилар. Люблин комитети янги, ҳали туғилмаган, аммо азоб-уқубатлар ичида туғилаётган Польшанинг рамзи эди. У умумий душманга қарши биргаликда кураш олиб боришда Советлар мамлакатини билан боғланган ва Совет Иттифоқи тимсолида ўз мустақиллигининг бўлажак кафолатини, агар янги герман агрессияси юз берса, қудратли иттифоқчини кўрарди.

Черчилль ўйлашгагина эмас, ҳаракат қилишга ҳам қодир эди. Рокоссовский қўмондонлиги остидаги совет қўшинлари ва совет солдатла-

ри билан ёнма-ён туриб жанг қилган Польша қўшинларининг Биринчи армия қисмлари Варшава районига ёриб кирдилар. Уларни фақат Висла дарёсигина ажратиб турган бир вақтда гитлерчилар босиб олган Польша пойтахтида қўзғолон кўтарилди...

1944 йил сентябридан бошланган бу қўзғолон Европани озод қилиш тарихига унинг энг фожиали саҳифаларидан бири бўлиб кирди.

На Рокоссовский ва на Польша қўшинларининг Биринчи армияси қўмондонлиги бу қўзғолондан огоҳлантирилганди. Бунинг устига, улар бу ҳақдаги хабарни Висладан кечиб ўтган бир неча варшаваликлардан эшитдилар.

Бу ҳақда Лондондаги муҳожир ҳукумат билганмиди? Шубҳасиз! Қўзғолонга бошчилик қилган генерал Бур-Комаровский Варшава яширин ташкилотига Лондоннинг вакили эди. Черчиллнинг мададисиз Лондондаги мухожирлар кучсиз эдилар. Черчилль бўлажак қўзғолон ҳақида билармиди? Жавоб ўз-ўзидан маълум. Черчилль Сталинни огоҳлантирганмиди? Йўқ, у билан мунтазам суратда мутлақо махфий мактублар ёзишиб турган инглиз бош министри тайёрланаётган операция ҳақида бир оғиз ҳам сўз очмаган эди.

Умидсизликка учраган, очликдан, фашистларнинг қонли қийноқларидан азобланган, ёмон қуроолланган, босқинчиларнинг танк ва замбаракларига қарши чексиз нафратлари билан кадрдон Польшага бўлган муҳаббатларини ва озодликка интилувчи иродаларинигина қарама-қарши қўйишга қарор қилган минглаб варшаваликларга бу қўзғолоннинг асосий мақсади маълум эдими?.. Эҳтимол, уларга гитлерчиларни Варшавадан ҳайдаб чиқариш учун совет-поляк қўшинларининг биргаликдаги операцияси бошланаётгандек туюлгандир? Ахир, Висла ордидан совет замбаракларининг овози эшитилиб турарди-ку. Улардаги муҳаббат, душманга нафрат, ватанпарварликдан фойдаланиб, минглаб поляклар ҳаётини қурбон қилиш эвазига Черчиллнинг ёрдами билан тузилган антисовет поляк «ҳукумати» учун йўл очиш ва шаҳарга Совет Иттифоқи ва халқ Польшаси қўшинлари киргунига қадар бу «ҳукумат»ни инглиз самолётларида Лондондан Варшавага келтириш тўғрисида қарор қилганликларини польшаликлар хаёлларига келтирганмидилар?

Варшаваликлар булардан мутлақо беҳабар эдилар, албатта. Уларнинг шиорлари: Озодлик ёки ўлим эди. Гитлерчилар қўзғолонни шафқатсизлик билан бостирдилар. Улар варшаваликларга қарши танкларни ташладилар. Немис артиллерияси қўзғолончилар яширинган уйларни беомон ўққа тутди. Бир неча кун ичида Варшава култепага айланди.

Фақат ўшандагина Черчилль қўзғолончиларга қурол элтувчи инглиз самолётлари қўниши учун аэродромлар беришни илтимос қилиб, Сталинга телеграмма юборди. У Рузвельтни ҳам бу телеграммага имзо чекишга кўндирди.

Қўзғолон ҳақида эндигина воқиф бўлган Сталиннинг босиқ жавоби беҳад ғазабли эди. Эртами-кечми ҳокимиятни тортиб олиш учун Варшава фитнасини ўтказган жиноятчилар тўдаси ҳақидаги ҳақиқат бугун дунёга маълум бўлиб қолади, деб ёзган эди Сталин. Жиноятчилар деярли қуроолланмаган кишиларни герман замбараклари, танклари ва самолётларига қарши ташлаб, Варшава халқининг ишонувчанлигидан фойдаландилар. Шундай вазият вужудга келдики, бунда ҳар бир қўзғолон кўтарганлар учун эмас, балки варшаваликларни ваҳшийларча отиб ташлаётган гитлерчилар учун фойда келтирарди.

...Йиллар ўтади, ўшанда Черчилль ўз мемуарларида Варшава қўзғолони қурбонларининг қабри устида сохта кўз ёшлар тўқади. У бу қўзғолончиларга қурол-яроғ етказиб бермоқчи бўлган инглиз авиация-

сига тўқинлик қилган Сталинга қарши бўҳтонлар ёғдиради. Аммо у худди шу Совет Қурулли Қучларининг Олий Бош қўмондони Сталин Варшава кўзғолони ҳақида маълумот олган заҳотиёқ Рокоссовскийга Польша пойтахтига парашютчи совет офицерларини дарҳол ташлаш ҳақида буйруқ бёрганлиги тўғрисида ҳеч нарса демайди. Рокоссовский қўшинлари оғир жанглардан кейин Висла қирғоғига чиққач, ақалли нафас ростламай, алоқа ўрнатиш ва келгуси ҳаракатларни келишиб олиш учун Бур-Комаровскийнинг штабига боришлари керак эди. Аммо совет офицерлари ўз ҳаётларини беҳуда хавф остида қолдирган эдилар: Бур-Комаровский уларни қабул қилишдан бош тортди-қўйди.

Британия бош министри ўз мемуарларида бу ҳақда ҳам ҳеч нима демади. Ҳатто антисовет Польшани тиклашга қаратилган барча уринишлар тўла барбод бўлгандан кейин ҳам у «рус сотқинлиги» тўғрисидаги афсонани барча воситалар билан тасдиқлашга уринади.

Аммо қирқ тўртинчи йилда бунгача ҳали узоқ эди. Ушанда ҳам Черчилль ўзига хос қайсарлик билан Тарихнинг ўзгартириб бўлмас оқимага қарши сузишга уринган эди.

Совет қўшинлари Висладан Одер томон ҳужум олиб борардилар. Қримда, қирқ бешинчи йил бошида «Ялта конференцияси» номи билан тарихга кирган «Қатта учлик»нинг конференцияси бўлди. Худди ўша жойда — Ялтада, Черчиллнинг барча уринишларига қарамай, Европанинг урушдан кейинги тузилиши тўғрисида тахминий режасимон қарор қабул қилинди.

Худди ўша жойда — Қримда Совет Иттифоқи томонидан аллақачон тан олинган янги Польша Муваққат Миллий Бирлик ҳукумати билан Англия ва Америка Қўшма Штатлари дипломатик муносабатлар ўрнатишлари ҳал қилинган ва Польша территорияси шимолда ҳамда ғарбда гитлерчилар территорияси ҳисобига сезиларли даражада кенгайтирилади, деб олдиндан аниқланган эди.

Черчилль навбатдаги мағлубиятга учради. Аммо у қуролини қўлдан қўймади. Энди у Германия билан сепарат сулҳ тузиш, америка разведкасининг вермахт вакиллари билан олиб бораётган махфий музокаралари муваффақият қозонишига умид қила бошлади. Америкаликлар аввалига бу музокараларни нечоғли эҳтиёткорлик билан, заррача ҳам баҳонага ўрин қолдирмаслик чораларини кўриш билан олиб борган бўлсалар ҳам, кейинчалик мунтазам ва омилкорона ишга киришиб кетдиларки, оқибатда мазкур музокаралар Сталин учун сир бўлмай қолганди.

Президент Рузвельт ўз махфий хизматчиларининг бу фаолиятидан огоҳмиди? Айтиш қийин. Аммо немис генерали Вольф билан музокаралар олиб бораётган Даллес Американинг қудратли, казо-казоларига суянгани турган гап.

Шунга қарамай, Черчилль Рузвельтни ўз томонига оғдириб, уни Сталин билан жиққа-мушт қилиб қўя олмади.

Рузвельт Черчиллдан фарқли ўлароқ — ҳеч қачон антисовет кайфиятда бўлмаган эди. Турган гапки, Америка президенти ҳам коммунизмдан узоқликда инглиз касбдошидан қолишмасди. Аммо, ҳар ҳолда, худди шу Рузвельт вақтида Қўшма Штатлар Совет Россиясини таниди. Рузвельт СССРни умумий душманга қарши курашда жасур иттифоқчи ва келажакдаги энг йирик иқтисодий ҳамкор, деб билди. Бундан ташқари, Америка президенти учун Японияга қарши урушда Совет Иттифоқининг ёрдами керак эди. Шунинг учун ҳам Сталиннинг ғазабланиб ёзган америка разведкасининг гитлерчилар Германияси вакиллари билан олиб борган махфий музокараларини фош қилувчи хатига Рузвельт 1945 йил 12 апрелдаги жавоб мактубида Қўшма Штатларнинг

Совет Иттифоқи билан ҳамкорлигини мустақкамлашга қатъий интилаётганини айтган эди.

Бу мактубни америкаликлар буюк президентларидан бирининг ва сияти, деб ҳисоблашга ҳақли эдилар: Уша куниеқ Франклин Делано Рузвельт вафот этди...

«Трумэнга қай даражада ишонса бўлади? Қай даражада?» деб савол берди ўзига-ўзи Черчилль.

У ҳамон ўзининг енгил парусина курсчасида тек қотиб ўтирарди. Бўёқлар солинган қути кўкатлар устида ётар, мольберт ҳам ҳали ўрнатилмаган эди.

Черчилль булутсиз мовий осмонни кўрмас, қушлар навоси, чигирткалар чириллашини ҳам эшитмасди. У ўша сўнгги, эҳтимол, гарчи бу гал қон тўкишсиз ўтказиладиган оғир жанг ҳақида изтиробли фикр юритарди. У Германияда — Потсдамда мана шундай жангда иштирок этмоқчи.

Черчилль бу жангга жуда ҳам чанқоқ эди: бу жанг унга Россиядан унинг ғалабаси самараларини тортиб олишнинг сўнгги имконияти бўлиб кўринарди.

Американинг янги президенти ҳокимият тепасига келган ҳамоно Черчилль унга «Катта учлик» учрашуви имкони борича тезроқ ўтказиш борасида Сталиннинг розилигини олишга ундовчи кетма-кет илтижоли мактуб ва телеграммалар йўллади. У, Трумэн билан иттифоқ тузиб, Қримда қабул қилинган қарорларни йўққа чиқариш ва Сталинни эски Европани тиклашга мажбур қилишга ишонар эди. Эски Европа — инглиз Европаси демакдир. Ахир, Қўшма Штатлар узоқда, Францияни бўлса ҳозирча ҳисобга киритмаслик ҳам мумкин. Черчилль Совет Иттифоқининг ғарбий чегарасида «санитар кордон» тиклаш иштиёқи билан ёнарди. Унга Пильсудский-Бек Польшаси, Антонеску Руминияси, шоҳ-Борис Болгарияси, диктатор Хорти Венгрияси керак эди. Чехословакия заиф ҳолда қолиши, фақат Британиянинг хайру эҳсони билангина яшамоғи керак эди. Шу подшоҳлар, диктаторлар, парламент сафсата-бозларининг аксари дорил бақодалиги ёки Тарих ахлатхонасига улоқтирилганлиги Черчиллни безовта қилмас, уларнинг тахтларини қўлга киритиш муҳим эди, бу тахтларга кимни ўтқазишни у кейин ўзи ҳал қилади.

Аммо у бу ниятларини фақат Берлиндаги бўлажак жангда ютиб чиқсагина амалга ошириши мумкин эди. Черчилль бу жангга интиқ эди-ю... Аммо кўрқарди ундан. Бўлғуси жангда Трумэнга қай даражада ишониш мумкинлигини ҳали билмаганлиги учун кўрқарди. Сталинга катта ғалабанинг суянчиқлигидан кўрқарди.

«Трумэн мени сўзсиз қувватлаши учун зарур бўлган ҳамма чорани кўрдимми?» деб кетма-кет савол берарди ўзига Черчилль. У Вашингтонга борганида Трумэн билан фақат йўл-йўлакай учрашганди. Унинг Америка президенти бўлиши хаёлига ҳам келмаган эди.

Яқинда Трумэн унга ўз вакилини юборажагини хабар қилди. Черчилль бу учрашувни сабрсизлик билан кутди. Энди унинг хаёли ўша учрашувга тақалди. Черчилль барча айтилган сўзлар, барча савол-жавобларни хотирлаб, учрашувни яна қайта бошдан кечиргандек бўлди.

Ушанда Черчилль сабрсизлик билан кутган одам Джозеф Эдвард Дэвис деб аталарди. Унинг ёши олтимиш тўққизда бўлиб, АҚШнинг давлат департаментида махсус топшириқлар бўйича элчи ҳисобланарди.

— Салом, жаноб Дэвис! — деди хонага кирган америкаликка пешвоз чиққан Черчилль. — Мен сизни кутгандим. Қийналмай учиб келдингизми?

— Раҳмат, жаноб бош министр, — жавоб қилди Дэвис. — Фақат



океан устида йўлнинг сўнгги қисмидагина пича чайқалишга тўғри келди, холос.

— Овқатланиб олдингизми?

— Узр, самолётда экипаж билан овқатланганим.

— Сизни ҳузуримга, Чекерсга шу пайтда тўғри самолётдан олиб келишлари одобсизлик, албатта. Ётиб дам оливолсангиз бўларди. Хона тайёрлаб қўйилган. Очигини айтсам, сабрсизланиб кетяпман... чекасизми?

— Йўқ, ташаккур.

— Вискига қалайсиз? Балки Шотландиямизниқидан америка «Бурбони» маъқулроқдир сизга? Қани сўрай-чи, бормикин бизда...

— Овора бўлманг, Шотландияники ҳам бўлаверади менга.

— Очигини айтсам, сизларнинг «Бурбон»нингларга ҳеч ҳам ўрғанолмаяпман. Ҳар ҳолда, лоақал ичадиганлигингиздан жуда хурсандман. Утган йили Ялтадан қайтаётганимда қалтис бир воқеа юз берди. Мисрда ибн-Саид билан учрашишга келишдик. Учрашув Файюм воҳасидаги меҳмонхонада ташкил қилинди. Саид бир неча ўн кишидан иборат мулозимлари ва сарой мунажжими билан келди. Кетма-кет бир неча қўй келтирилди, мусулмонлар урфи бўйича уларни сўйиш керак экан.

Черчилль ваъзхонлиқни, айниқса ваъзини эшитишларини яхши кўрарди. Суҳбат чоғлари фақат ўзи сўзлашга интилгучийди. Ҳозир у Дэвиснинг Трумэндан нима олиб келганини тезроқ билиб олгиси келарди. Аммо бари бир бу сафар ҳам қисқа бўлса-да, ўзини ваъз айтишдан тўхтата олмади.

— Энг кулгилиси,— давом этди Черчилль,— шундан иборат эдики, қироли келишидан аввал ҳузуримга сарой нозири кириб, менга ҳазратларининг олдида ичиш ҳам, чекиш ҳам мумкин эмаслигини айтди. Мен унга: «Бекор гап!» демоқчи эдим. Лекин бир оз ўйланиб, агар жаноб олийларининг дини унга чекиш ва спиртли ичимлик истеъмол қилишни тақиқлар экан, менинг энг муқаддас одатим таомдан олдин, таом вақтида ва кейин сигара чекиш, виски ёки коньяк ичишдир, дедим.

Черчилль қаттиқ кулди, оғзининг бурчида қисилиб турган сигара туриб кетди.

— Қирол бунга қандай муносабатда бўлди?— деб сўради кулиб Дэвис.

— У анча мулойим одам экан. Ҳа, айтгандек, унинг шахсий баковули менга Маккадан келтирилган сувни берди. Бу чиндан ҳам умримда ичган ҳамма сувлар ичида энг тотлиси эди.

Черчиллнинг ялпоқ ва этдор юзи ниҳоят жиддий тус олди.

— Шундай қилиб,— дея Дэвисга янгидан мурожаат қилгандек давом этди у,— президент менга қандай хабарлар юборди?

— Менда президентнинг ёзма мактуби йўқ, жаноб бош министр. Бунинг устига сиз кўп марта жаноб президент билан мактуб ва телеграммалар ёзишгансиз. Оғзаки эса...— Дэвис фикрини тўплаб олмоқчидек жим қолди.

• — Оғзаки менга нималарни етказишингиз керак?— сабрсизлик билан сўради Черчилль.

— Аввало шуки, Советлар, Англия ва Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатлар анча кескинлашганидан президент ташвишланмоқда.

— Бу мени ҳам ташвишга соляпти,— деб Дэвиснинг сўзини кесди Черчилль.

— Президент голиб мамлакатлар ўртасидаги вужудга келган келишмовчиликларни ҳал қилиш учун барча чораларни кўришлари керак, деб ўйлайди. У шундай фикрдаки, иттифоқчилар ўртасида фақат бирликкина келажакда ҳаққоний ҳамда узоқ умрли структурасини яратиш-

га қодирдир. Афсуски, президентга шундай туюлмоқдаким, Россия ўзига қарши тил бириктириш бор, деб гумон қилмоқда.

— Кимнинг тил бириктириши?

— Қўшма Штатлар, Буюк Британия ва янги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг. Президент бу шубҳаларни тарқатиб юбориш зарурлигига ишонади. Берлиндаги уч томонлама учрашувни ўзаро ишонч вазиятида ўтказмоқ учун у бу учрашувга қадар маршал Сталин билан суҳбатлашмоқни истар эди.

Дэвис Черчиллнинг туси ўзгариб кетганидан ҳайратда, деярли қўриқиб кетган қиёфада жим бўлиб қолди. Черчиллнинг кўзлари сузилиб, кенг пешонасини кесиб ўтган ажин янада чуқурлашди. Черчилль оғзидан сигарасини олди-да, уни нақ Дэвиснинг бурни ёнига келтириб ўшқирди:

— Ҳеч қачон!

— Бу билан нима демоқчисиз, жаноб бош министр?— деб ҳайрон бўлиб сўради Дэвис.

— Бу Британияга хиёнат бўлур эди, мана мен нима демоқчиман! Буюк давлат — Америка Қўшма Штатларининг президенти Каноссга бормоқчиларми дейман?

— Бу таққослаш ноўрин менимча,— совуққина эътироз билдирди Дэвис.— Гап фақат советларнинг шубҳасини йўқотиб «Катта учлик» нинг учрашуви учун энг қулай муҳит яратиш хусусида боряпти.

— Эҳ-ҳо, Советларнинг шубҳаси безовта қиляптими сизларни?— киноя, айни вақтда пўписалироқ оҳангда сўради Черчилль.— Мен нималар бўлаётганини мутлақо тушунмаяпман! Наҳотки, президент воқеаларнинг реал аҳволи тўғрисида ўзига ҳисоб бермаса? Совет fronti устидан темир парда туширилган. Русларнинг Германия орқали Эльбага силжиши вақтида даҳшатли нарсалар юз берди. Агар америкаликлар ўз армиясини ҳозир турган жойидан олиб кетсалар, янада даҳшатлироқ бўларди. Мен Тюрингия ҳақида гапиряпман.

— Ахир, оккупацион зоналарнинг чегараси руслар билан бизнинг ўртамизда — Европа Консултатив Комиссиясида келишиб олинган-ку! Унинг қарорлари ҳукумат томонидан тасдиқланган. Бир хилдаги хариталар Вашингтон билан Лондонда ҳам, шунингдек Москвада ҳам бор,— яна эътироз билдирди Дэвис.

У ҳақ эди.

1943 йил октябрида, Москвада иттифоқчи мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг конференцияси бўлди. Конференция Лондонда, худди Черчиллнинг кўзи олдида ишланган ва бир қатор муҳим қарорлар қабул қилган Европа Консултатив Комиссиясини тузди. Энди инглиз бош министри ўша қарорларни ёнаётган гулханга улоқтиришга ҳам тайёр эди.

Комиссиянинг қарорига биноан, гитлерчилар Германиясининг барча герман ҳарбий ва давлат машиналарини йўқ қилиш билан сўзсиз таслим бўлиш принципи қўлланган эди. Аммо Черчилль ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам Европанинг ичкарасига кириб бораётган совет қўшинлари олдида тўсиқни сақлаб қолишни истар эди. У сўзсиз таслим бўлиш принципи биргина Сталин учун фойдали, деб ҳисобларди. Комиссия Шарқий Пруссиянинг катта қисми, Данциг ва Юқори Силезиянинг бир қисми Польшага ўтади, деб қарор қилди. Бу қарор Ялтада тасдиқланган эди. Бугун бу қарор Черчиллга Ливадий саройидаги кенгаш пайтидагидан ҳам баттар қабул қилиб бўлмайдигандек туюлар эди.

Бошқа қарор — Берлиннинг адоҳида район эканлиги ҳам унда нафрат уйғотарди. Бу қарор Германиянинг пойтахти Совет ихтиёрига ўтган зонасида қолади, деб тахмин қиларди. Дэвис Черчиллга Консултатив Комиссия Германиянинг оккупацион зоналарини белгилади, деб

эслатди. Америкаликнинг ҳақ эканини Черчилль тушунарди. Аммо худди мана шу нарса ғазаблантирарди уни.

— Жин урсин хариталарини!— хитоб қилди у.— Америкаликларнинг ғарб томон чекиниши — рус ҳукмронлигининг тобора тарқалиши демакдир. Мен Монтгомерига Британия қўшинларини Виттенберг районида чекинтирмасликка буйруқ бердим. Агар инглизлар ва америкаликлар кетсалар, Польша руслар оккупация қилган ерларда қолиб кетади. Европадан бизлар эмас, руслар кетишлари керак. Акс ҳолда... акс ҳолда, русларнинг назорати бутун Болтиқ буйига, оккупация линиясигача, бутун Германияга, бутун Чехословакияга, Австриянинг катта қисмига, бутун Югославияга, Венгрияга, Руминияга, Болгарияга тарқалади... Кейин бунингсиз ҳам ҳозир қайнаб тошаётган Грецияга навбат келади-я! Берлин, Вена, Будапешт, Белград, Бухарест, София — буларнинг ҳаммаси Сталиннинг қўлида бўлади! Агар биз унинг Европани қандай босиб олаётганини осойишта томоша қилиб турсак, у шунинг билан чекланади, деб ўйлайсизми? Мен олдиндан айтиб қўйишим мумкин, Туркиянинг тақдири масаласи ҳам сўзсиз кўтарилади...

Черчилль оғир-оғир нафас оларди. У ўчиб қолган сигарасини лабларига қистиргач, сўради:

— Гугуртингиз йўқми? Айтмоқчи, сиз чекмайсиз-ку.

— У эшикка яқинлашиб қия очди-да, қичқирди:

— Соьерс!

Хизматчи дарҳол пайдо бўлди.

— Гугуртни беринг!— деди асабийлик билан Черчилль.— Нега бу ерда гугурт йўқ?

— Гугурт столча устида, сэр,— вазмин жавоб қайтарди Соьерс, кейин чўнтагидан олган гугуртни ёқди. Черчилль сигарасининг учини бир текисда ёнсин учун олов устида айлантирди.

Дэвис бош министри диққат билан кузатарди. Унга, Дэвисга Трумэн кўрсатган телеграммадар буйича мулоҳаза қилиб кўрилса, Черчилль кейинги вақтларда қаттиқ асабийлашадиган бўлиб қолганди. Гарчи, Ялта конференциясидан атиги уч ойгина ўтганига қарамай, у тезроқ юксак доирада кенгаш чақиришни қатъий талаб қиларди. Бу кенгашнинг асл мақсади расмий равишда қандай шаклланмасин, Черчилль унда Сталинни ўз қўшинлари ҳаракатини тўхтатибгина қолмай, уларни олиб кетишга мажбур қилишдан иборат, деб биларди. Шундан кейин қандай бўлмасин, Руминия, Чехословакия ва Польшада — аввало Польшада!— бутунлай инглизлар таъсирида бўлган давлат тузишга уни рози бўлишга мажбур қилиш эди.

Черчиллнинг сигарани қандай ёндираётганини диққат билан кузатаётган Дэвис бош министр ўзини қўлга олиш ва тинчланиш учун атайлаб бу ишни секин бажараётганини тушунди.

Қирқинчи йиллар бошидаги Черчилль билан ҳозирги Черчилль бир киши эканига Дэвиснинг ишониши қийин эди. У бир пайтлар чинакам эҳтирос билан ирод қилинган кўтаринки нутқларни, унда инглиз йўлбошчиси Совет Иттифоқининг жасурлиги ва қаҳрамонлигини кўкларга кўтариб, икки мамлакат ўртасидаги дўстликни ҳеч нарса буза олмайди, дея жар солганларини эслади. У Черчиллнинг Сталинга юборган мактублари текстини эслади — Рузвельт одатда бундай мактубларнинг нусхасини оларди. Буларда ҳам кўп йилларгача дўстлик ва ҳамкорлик қилишга бўлган ишонтиришлар бор эди.

Тўғри, баъзан Черчилль билан Сталин ўртасида келишмовчиликлар, ҳатто Болқон муносабати билан, айниқса, иккинчи фронт муаммоси билан боғлиқ тўқнашувлар ҳам бўлган эди. Аммо уларнинг ёзишмалари бари бир, асосан, дўстлик, умумий душман устидан ғалабага бўлган қатъий ирода ва жанговар ҳамкорлик руҳида олиб бориларди.

Ҳозирги Черчилль кўпроқ рус революциясининг ёвуз душмани — советларга қарши интервенциянинг ашаддий ташкилотчисини эслатарди.

— Уйлайманки, — дея аста гап бошлади Дэвис, — сиз шароитга бир оз фожиона тус беряпсиз, жаноб бош министр. Сиз русларнинг аҳволи руҳияси билан ҳисоблашмаяпсиз. Улар ғалаба қилиш учун шу қадар катта қурбонлар берса-ю, унинг самараларидан фойдаланишни иштасамаса, кулгили бўлурди.

— Бас қилинг! — кескин, деярли қўполлик билан Дэвиснинг сўзини бўлди Черчилль. — Сиз русларнинг ичида қанча вақт бўлдингиз? Уларнинг кайфиятига берилиб кетмаганмикансиз?

Бу дағдага Дэвисни газаблантирди.

— Ҳа, жаноб бош министр! — босиқ, аммо қатъий жавоб берди у. — Мен ҳақиқатан ҳам уруш олдидан икки йил Москвада элчи бўлганман Бунинг учун афсусланмайман. Бошқа нарса тўғрисида ҳам афсусланмайман. Худди ўша вақтда мен Гитлери ўлдиришга уриниш билан Буюк Британия ва Франция ғоят катта хатога йўл қўйдилар, деган хулосага келган эдим.

— Ахборотингиз учун бу хатога менинг алоқам йўқ, — унинг сўзини бўлди Черчилль.

— Мен ўша вақтда ҳам ҳақ эдим. — Черчиллнинг сўзига аҳамият бермай, давом этди Дэвис. — Гитлernинг Россияга ҳужумидан икки кун кейин руслар кўрсатажак қаршиликка бутун жаҳон ҳайратда қолади, деб ошкор айтгандим.

— Мен доимо русларнинг жасур ва ботирлигига тегишли баҳо бериб келганман, — қўшиб қўйди Черчилль.

— Инглиз ва америка газеталари, — давом қилди Дэвис, — Россия Германияни тор-мор қилганидан кейин Европани қул қилишни хоҳлаб қолади, деб аюҳаннос солганларида мен, йўқ, бу тўғри эмас, Советлар ўз ҳукмронлигини, умуман, бошқа мамлакатларга мажбуран ўтказмайдилар, деб ишонгирдим.

— Менга қаранг, мистер Дэвис, — деди Черчилль оғзидан яна ўчиб қолган сигарасини олиб, заҳарханда тиржайиш билан. — Сизни менга ким юборди ўзи? Қўшма Штатлар президентими ёки Сталин?

— Бош министр ҳазил қилаётирлар, — қовоғини уйди Дэвис:

— Ҳа, албатта. Шунга қарамай, ҳафсалам пир бўлганлигини яшира олмайман. Сиз, шубҳасиз, Европанинг жар ёқасида турганлиги фактини етарлича баҳолай олмаяпсиз.

— Мен, бундай демаган бўлардим, — кифтларини қисиб жавоб берди Дэвис, — гарчи, руслар билан бизлар урушдан кейинги Европа проблемаларига турлича муносабатда эканлигимизга мен ўзимга ҳисоб берсам ҳам. Бундан ташқари, агар очигини айтганда, бизнинг баъзи бир қадам босишларимизга Сталиннинг шубҳа билан қарашга асоси ҳам бор. Буни ҳам ҳисобга олиш керак.

— Биз унга виждонан ёрдам қилдик, — сохта афсусланиш билан эътироз билдирди Черчилль.

— Ҳамма вақт эмас, сэр. Лоақал шуни эслаб кўринг-а, руслар иккинчи фронт очилишини озмунча қатъият билан талаб қилишдими. Шубҳа қилмасангиз ҳам бўладики, немислар Москвага, Ленинградга, Сталинградга ёки Боку нефть конларига таҳдид қилган вақтларида уларга иккинчи фронт йўқлиги жуда ҳам билинди. Сиз, жаноб бош министр, Польшани тилга олдингиз. Мен уйлайманки, Сталин Ялтада бу мамлакатга нисбатан бизларнинг муносабатларимиздан қониқиш ҳосил қилмаган бўлса керак. Ахир, Советларнинг ғалабаси бўлмаганида бу мамлакат, умуман, географик харитада бўлмас эди. Сталин, чамаси, Польша муаммоси советлар учун ҳаётий муҳим аҳамиятга молик экан-

лигини биз нима учун тан олмаслигимизни тушунмаса керак. Ахир, унинг ўзи айна вақтида, эҳтимол у қадар иштиёқсиз бўлса ҳам, бари бир Африкада Вишини, Италияда Бадольо ва қиролни, шунингдек, Грецияда Англиянинг устунлик ролини тан олишга рози бўлди-ку.

— Мен — реалистман, — Дэвиснинг сўзини бўлди Черчилль. — Мен нарсаларни қандай бўлса, шундайлигича кўраман.

— Аммо сиз, бир минг тўққиз юз қирқ иккинчи йилда ўзингиз Сталин билан йигирма йиллик шартнома тузганлигингизни унутмаслигингиз керак, сэр. Унга имзо чеккан томонлар сепарат сулҳни мустасно қилганлар ва фақат уруш йилларидагина эмас, урушдан кейинги вақтларда ҳам ҳамқорлик қилиш мажбуриятини олганлар. Мана энди шу вақт етиб келди, шундай эмасми, сэр? Қўрқаманки, шунча куч сарфлаб ўзингиз қурган бинони вайрон қилиш хавфини туғдирмоқдасиз. Уруш йилларида сизга Сталин ортиқча бадгумон бўлиб туюлганда, ишончни тиклаш учун сиз Кремлга бордингиз.

— Сталинни ялаб-юлқайвериш жонимга тегди! — хитоб қилди Черчилль ўчиб қолган сигарасини тортиб. — Мен ҳам Англиянинг Гитлер билан яккама-якка жанг қилган вақтини эслатишим мумкин.

— Оқиқчасига айтганим учун қечирасиз, сэр, у ҳолда Сталин Октябрь революциясидан кейинги дастлабки йилларни эслаши мумкин.

— Бу узоқ ўтмиш! — бетакаллуф қўл силтади Черчилль.

— Русларда, — давом этди Дэвис, — шубҳа билан қараш учун ҳозир ҳам кўп сабаблар бор. Мен бизнинг Швейцариядаги махфий музокараларимизни назарда тутяпман. Буларни Сталин билади. Шунингдек, инглиз-америка қўшинлари келишилган оккупация зонаси чегарасидан анча узоққа ўтиб кетганига ҳам у бефарқ қарамас, деб ўйлайман. Польшани ҳам унутмайлик. Қисқаси, русларнинг таъна қилишга етарли вазелари бор.

— Тупурдим ўша важларига! — оғзидан сигарасини юлқиб, хитоб қилди Черчилль.

Дэвис яна кифтларини қисди. Орага сукунат чўкди. Черчилль ўзининг креслоси ёнида турган ғилдираклик столчага қайрилди, виски қўйди ва сув қўшмасдан бир қултумдан кўпроқ ҳўплади. Кейин Дэвисга ишора қилиб, уни ҳам ичишга ундади.

Америкалик жим ўтирарди.

«Нима учун Трумэн Лондонга шахсан мени юборди? — деб ўйлади у. — Афтидан, бу ҳам бир неча кундан кейин Гопкинснинг Москвага учиб кетишига ўхшаш тасодифий бўлмаса керак. Гопкинс марҳум президентнинг Сталинга ҳамиша яхши ниятларини етказувчи бўлган киши эди. Ҳар гал совет-герман frontiда энг оғир вазият вужудга келганида Рузвельт Москвага Гопкинсни юборар эди. Лондонга жўнаб кетишим олдидан Трумэн мен билан суҳбатлашиб, Черчиллнинг ҳозирги вақтдаги позициясини билибгина қолмай, бўлажак конференция олдидан Америка президентининг Сталин билан яккама-якка учрашиш нияти борлигини айтишим кераклигига ҳам ишора қилган эди».

Бироқ Трумэннинг бу ниятини эшитар-эшитмас Черчилль дарғазаблик билан «ҳеч қачон» дея ўшқириб берди ва Дэвис бош министрнинг нафсонияти таҳқирланганини аниқ тушунди. Бир жиҳатдан бу нарса унга боғлиқ бўлгани учун, у ўзисиз ҳеч қачон Трумэн билан Сталиннинг учрашувларига рози бўлмасди. Президент Черчиллнинг бундай позициясини назарга илмаслиги мумкинми?

Аммо энди Дэвис учун энг муҳим нарса — президентнинг Сталин билан олдиндан учрашиш ниятига Черчиллнинг қандай муосабатда бўлиши эмас эди. Черчиллнинг, умуман, Россияга бўлган муносабатидаги ўша — оқиқдан-оқиқ юз берган ўзгариш муҳимроқ эди унинг учун. Узининг собиқ иттифоқчиси тўғрисида бош министр энди ошкора душман-

лик, зўравонлик оҳангида гапирмоқда. Бундан Дэвис, қайсар инглиз оти қушоққондан чиқиб кетганини ва бу аҳволда энг аҳмоқона ишлар қилишга ҳам қодирлигига ишонди.

Дэвис қандайдир офат юз беришидан хавотирлана бошлади. Чунки у, Черчиллнинг қалтис вазиятларда авантюризмга мойиллигини яхши биларди.

«Сўзимга қулоқ солинг, Уинстон, — суҳбатдошига хаёлан мурожаат этди Дэвис. — Агар очигини айтсам, Гитлер билан Геббельс тўрт йил давомида бутун жаҳонга, Европани большевизмдан қутқарамиз, деб вайсаган худди ўша сафсатанинг ўзини такрорламоқдасиз. Энди Европани большевизмдан сиз қутқармоқчимисиз... Ундан кўра ҳаммага эшиттириб Гитлер Россияга қарши ҳужум қилганида Англия уни ўз вақтида қўллаб-қувватламай хатога йўл қўйди, дея қолганингиз яхши эмасми?»

Черчилль дарғазабланган сари Дэвисни яна бир фикр безовта қилаётганди. «Трумэннинг ҳақиқий нияти маълумми менга?» — савол берди у ўзига гумонсираб. Ҳа, президент Москвага Гопкинскни юборди, Лондонга боришга эса ундан, Дэвисдан илтимос қилди. Шунга қараганда Трумэн Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатни тиклашдан чиндан ҳам манфаатдор шекилли.

Аммо Дэвис, ишлар худди мана шундай, деб ишонтира оладими? У «Трумэн гуруҳига кирмайди, уни президент ролида кам билади, кейинги вақтда умуман Оқ уйдан узоқлашиб кетди. Аммо Дэвис кўп тажрибали дипломат бўлиб, катта сиёсатнинг моҳияти кўзга ташланаётган нарсанигина ифодалайвермайди, деган ҳақиқатни аллақачон билиб олган. Дэвис Лондонга йўл оларкан, инглиз бош министри Совет Иттифоқига нисбатан бу қадар ғайри муносабатда бўлади, деб тахмин қилмаган эди. Бу хил муносабатлар тинчлик иши учун хавфли бўлиб туюлган эди. У тагин ўзидан сўради: «Менинг эътиқодим Трумэннинг қарашларига қай даражада мос келади? Черчиллнинг бир қадар танобини тортиб қўйишга бўлган интилишимни қўллаб-қувватлармикан?»

Айни вақтда Черчиллнинг ўзи, Қўшма Штатларнинг янги президентининг Совет Иттифоқига нисбатан муносабатларда Рузвельтдан кўра мустаҳкамроқ позицияни эгаллаши эҳтимолдан узоқ, деб ўйларди. Акс ҳолда, у Лондонга худди шу Дэвисни юбормаган бўларди.

Черчилль Рузвельтни у қадар яхши кўрмас эди, гарчи четдан қараганда алоҳида иззату икром кўрсатгандек туюлса ҳам, Рузвельт ўзининг мактубларида кўпинча уни «Уинстон» деб атаса, Черчилль уни фақат «мистер президент» дебгина атарди. Техронда ҳам, Ялтада ҳам Черчилль билан Сталин тўқнашиб қолганларида Рузвельт ҳамиша ҳам совет йўлбошчиси фикрига қўшилавермасди-ю, аммо инглиз бош министри билан ҳам унга қарши камдан-кам бир фикрда бўларди.

Айтгандек, Черчилль Рузвельтни хушламаслиги фақат шунинг учунгина эмас эди: Унинг — Америка президентига бўлган муносабати кўп жиҳатдан нураб бораётган, бир пайтлардаги қудратини йўқотаётган империя раҳбарининг ёш, ҳали кучга тўла, беҳад даражада бой ва ўзига ишонган, бунинг устига ўзининг ҳозирги ва келажакдаги рақибларидан океан билан ажралиб турган давлатга бўлган адовати билан белгиланарди.

Черчилль ҳозир урушдан кейин вужудга келган вазиятда Англия Европада фақат Американинг сўзсиз қўллаб-қувватлаши туфайлигина ҳукмронлик қила олиши мумкинлигини тушунарди, албатта. Черчилль шунингдек, яна шуни ҳам тушунардики, бу қувватлаш учун Англия нимадир тўлаши керак бўлади. Аммо ҳар қанча пул тўлови ҳам Европага хўжайинлик ҳуқуқи олдида ҳеч нарса эмас. Ахир худди шу Европанинг ўзи барча харажатларни тўлайди-ку...

Аммо буларнинг ҳаммаси келажакдаги масалалар. Бугун эса Черчилль ўз кўзи олдида биргина мақсадни кўрмоқда эди: большевикларни тўхтатиш, уларни Европадан қувиб чиқариш. Россияни урушдан аввалги йилларда маданий дунёдан ажратиб қўйганларига ўхшаш «санитар кордон» билан ўраб олиш. Совет маври ўз ишини қилиб бўлди, энди чиқиб кетиши керак. Агар у ўз ихтиёри билан кетмаса, куч ишлатишга тўғри келади. Черчилль бу вариантни ҳам назарда тутган эди, гарчи бунинг амалга оширилиши — учинчи жаҳон урушининг бошланиши бўлса ҳам.

— Сиздан жаноб президентга шуни айтишингизни илтимос қилардимки,— ниҳоят жимликни бузди Черчилль,— агар учрашувдан олдин президент билан Сталин ўртасида кенгаш бўлиб ўтадиган бўлса, мен ҳеч қандай учрашувда иштирок эта олмайман. Айни вақтда мен учаламизнинг мумкин қадар тезроқ учрашувимизга жуда ҳам муштоқман.

У бу сўзларни қатъий ва атайлаб осойишталик билан айтди. Кейин соатига қаради: эрталабки соат тўртдан ошган эди.

— Мени кечирасиз, мистер Дэвис,— деди Черчилль.— Сизни бу қадар кўп ушлаб туриш мен томонимдан одобсизлик бўлди. Агар қарши бўлмасангиз, биз суҳбатимизни, эртага, йўғ-э, бугун, бир оз ухлаб олганимиздан сўнг давом эттирсак. Сойерс сизни хонага кузатиб қўяди.

— Шунга қарамай, сэр,— ўрнидан турмасдан жавоб қилди Дэвис,— мен президентнинг энг муҳим топшириғини ҳозир бажармоғим керак. У Потсдамдаги кун тартиби ҳақидаги сизнинг фикрингизни билмоқчи эди.

— Уларнинг баъзилари Ялта конференцияси қарорларидан келиб чиқади,— деди Черчилль — Германиянинг келажаги, репатриация... Бироқ менинг учун,— ишонгим келадикки, президент учун ҳам,— асосий масала Европани урушдан кейинги тузилиши проблемасидир. Лондонда турган Николайчик, Грабовский ва бошқа поляклар иштирокида Польша демократик ҳукумати тузишга Сталин Ялтада қарши бўлмаган. Польшанинг чегараси «Керзон линияси» шарқидан ўтиши кераклигига у рози бўлди, гарбий ва шимолий чегаралар масаласи, аслида очиқ қолган эди.

— Булар Ялта қарорларида қайд қилинганми? — бир оз ҳайрон бўлиб сўради Дэвис.

Бундай қарор Ялтада қабул қилинмаганини Черчилль жуда яхши биларди. Аксинча, уч давлат бошлиғи биринчи жаҳон урушидан сўнг ўрнатилган Польшанинг шарқий чегараси — «Керзон линияси» — баъзи бир районларда Польшанинг фойдасига ўзгартирилиши керак, деб келишиб олганлар. Гарбий ва Шарқий чегаралар масаласига келганда, Польшанинг территорияси Германия ҳисобига «сезиларли даражада кенгайтирилиши» кераклиги очиқ-ойдин кўзда тутилган эди.

— Мажлисларнинг протоколларида бу йўқ,— Дэвиснинг саволига Черчилль жавраб жавоб берди.— Аммо у ерда яна кўп нарсалар йўқ.

— Сиз Сталиннинг Япония билан бўлаётган урушга кириши ҳақидаги мажбуриятини назарда тутаяпсизми? — яна сўради Дэвис.

— Биласизки, бу масалада келишув мавжуддир,— асабийлик билан жавоб берди Черчилль.— У маҳфий протоколда қайд қилинган. Ҳар ҳолда,— Черчилль Дэвиснинг булар ҳақида ҳеч нима дейилмаган Ялта қарорларини яна пеш қилишининг олдини олиш учун шошилиш давом этди,— биз Сталинни тартибга чақиришимиз ва ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, Европани унинг устида пайдо бўлган совет хавфидан қутқаришимиз керак.

Черчилль бу сўзларни, қандай чоралар назарда тутилаётганлигини сўраб ўтириш шарт эмас, деган оҳангда айтди.

Черчилль афтидан, ошириб юборганини ўзи ҳам тушунган бўлса

керак. У ҳатто Америка элчиси олдида ҳам ўзининг барча режаларини очиб ташламоқчи эмас эди. Айниқса, очиқдан-очиқ Советларга мойил бўлган бундай элчи — Дэвис олдида...

Черчилль букчайган ҳолда аллақачон ўчиб қолган сигарасини ода-ти бўйича оғзининг бир четида қисиб, урушдан кейинги икки ой ичида рўй берган воқеаларини хотирада тиклаб, узоқ ўтирди.

Буларнинг ҳаммаси аччиқ воқеалар эди. Америкаликлар билан инглизларга бари бир Европа Консултатив Комиссиясининг қарорини бажаришга ва ўз қўшинларини Тюрингия ва Виттенберг районидан слиб чиқиб кетишга тўғри келди. Сталин яна ўзининг темирдек қаттиқ-қўллигини кўрсатди. Албатта, унинг буйруғи билан бўлса керак, Контроль Кенгашнинг биринчи мажлисидаёқ Жуков иттифоқчиларнинг қўшинлари ўз зоналарига олиб чиқиб кетилмагунича битта ҳам америкалик ёки инглизни Берлинга киритмаслигини қатъий қилиб айтди.

Монтгомери қаршилик кўрсатишга уриниб кўрди, аммо у яққаланиб қолди: Берлинда иштирок этиш Тюрингия учун етарли даражада ҳақ тўлаш бўларди, деб ҳисоблаган бўлса керак, Эйзенхауэр таслим бўлди...

«Нима учун дунёда ақлли кишилар бу қадар кам?», деб хаёлидан кечирди Черчилль. Нима учун тарихнинг ҳал қилувчи ва бурилиш нуқтаси вақтида унинг фикрига қўшилмадилар? Ҳали ўша биринчи жаҳон уруши охиридаёқ Буюк Британиянинг ҳарбий министри бўлган Черчилль Парижда маршал Фош билан икки миллион янги ўргатилган солдат етилган Германия орқали Россияга йўл олади, деб келишган эди. Агар ўша вақтдаги Буюк Британиянинг бош министри Лойд-Джордж — арслонча сакрашга ноқобил қари тулки! — Парижда бўлган Черчиллга: «Большевикча принципларга нафрат, деб Англияни очиқдан-очиқ аҳмоқона ишларга жалб қилмаслигингизни Сиздан ўтиниб сўрайман...» (гарчи орадан йигирма беш йилдан зиёд вақт ўтиб кетган бўлса ҳам, бу телеграммани у сўзма-сўз эслар эди) деб телеграмма юбормаганида большевизмни тор-мор қилишнинг бу плани шубҳасиз амалга оширилган бўлар эди.

«Ҳамма нараса худди ўша вақтдан бошланди!» — янги кулфатлар ёғилаётганини сезиб, ўйлади Черчилль ва дарҳол ўзидан сўради: унинг большевизмга қойил қолган вақти бирор марта бўлганми? «Буюк совет лидери» Сталин учун қадаҳ кўтарганми? Ўзининг кўп сонли мактубларида Қизил Армиянинг матонати ва абадий дўстлик ҳақидаги ишонтиришларни бир йўла қўшиб ёзганми?

Ҳа, қойил қолган, ҳа, қадаҳлар кўтарган, ҳа, ёзган. Буларни қилишга мажбур бўлган. Чунки ўша ойлар ва йилларда Россиянинг тақдири улар томонидан худди Англиянинг ўз тақдири каби қабул қилинган эди. Англия устида пайдо бўлган ҳалокат шароитида вақтинча вужудга келган ўзаро алоқа олдида, бу ҳиссиётлар олдида унинг Совет Россиясига бўлган ҳисси ва бир оғиз «нафрат» сўзи сўнгги планга чекинган эди. Энди бу ҳиссиёт Черчиллнинг Совет Иттифоқига, Сталинга, русларнинг ҳамма нарасига — маршалидан то оддий солдатигача бўлган муносабатларини белгилаб, янги куч билан ўзини намоён қилди.

«Нима учун дунёда ақлли кишилар бу қадар кам?» — яна ва яна такрорлади Черчилль. Уларнинг орасидаги сўзсиз сиёсий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган энг тадбиркорлари ҳам тарихнинг ҳал қилувчи нуқталарида нодонларга хос бўлган калтабинликка йўл қўядилар. Рузвельтнинг Техрондаги кўнгилчанлигини Черчилль бир қадар тушунарди: энди 1943 йил ўтаётган эди, уруш қизғин ҳолатда эди, унинг оқибати бутунича Қизил Армияга боғлиқ эди. Лекин Ялтада-чи! Нима учун Польша масаласида ва бошқа кўп масалаларда Рузвельт русларга ён босишга рози бўлди?



Аммо Черчилль ўзининг океан ортидаги иттифоқчисига нисбатан мутлақо ноҳақ эди. Рузвельт, албатта, урушдан кейинги Американинг ҳам Европадаги, ҳам бутун дунёдаги манфаатларини эсдан чиқармади, уларни ҳимоя қилди. Аммо у бу ишларни қандай қилиб Британия империясини сақлаб қолиш ва унинг Европада урушдан аввалги таъсирини тиклаш ҳақида ўйлаган Черчиллдан кўра усталик билан амалга оширди. Черчилль тарих соати милини кўп йиллар орқага сурмоқчи эди. Рузвельт олдинга қаради. У Германиянинг тор-мор қилиниши билан вазият Европада ва бутун дунёда тубдан ўзгаражагини тушунарди. Сталин Германиянинг СССРга хужум қилиш муддати борасида йўл қўйган машъум хатосини ва миллионлаб ҳалок бўлган кишиларни унутиб юборадиган одам эмас. Европа аҳолиси учун унинг ишчи ва деҳқонлари учун гитлеризм худди мана шу Совет Армияси томонидан тор-мор келтирилганининг ўзи исиз ўтиб кетиши мумкин эмас. Бу қадар қийматга тушган ғалабанинг натижаларини мустаҳкамлаш учун Сталин мўмкин бўлган барча чораларни амалга оширади. Рузвельт Европада Америка манфаатини таъминлаш билан бирга янги вазиятларни ҳам эътиборсиз қолдирмай, ҳисобга олиш кераклигини англади.

Аммо Черчилль у билан ҳисоблашишни хоҳламасди. У бутун умри давомида тарихни фақат буюк шахслар, оломон тепасида турадиган кишиларгина яратади, деб ўйларди. У пешонасига ёзилган бу хатосини, буюк шахс бугунги кунда жаҳонда битта ўзим, деб ўйлаб, янада чуқурлаштирди...

Черчилль жаҳонда ҳамма нарсдан нимани ортиқ кўрарди? Унинг учун ҳаётдаги энг муҳим нарса нима эди? Британия империясининг қудрати эди, албатта. У ҳар қандай йўл билан ўша қудратни сақлаб қолишга интилди.

Черчилль пулни яхши кўрганми? Ҳа, албатта. Лекин пулга росман буржуй қиладигандек сажда қилмаган.

Ўзини энг яхши нарсалар билан таъминлаш учун Черчилль бойликка ва ҳокимиятга интилди. Ўзининг адабий асарлари учун олган жуда кўп пуллари Мальборо герцогларининг мерослари билан қўшилиб, унга ўз аждоқларидек яшашга имконият туғдирди.

У ўзини, дунёда атрофдаги ҳеч нима ўзгармади, деб ишонтиришга уринарди.

Шафқатсиз тарих Черчиллга қақшатқич зарбалар берганида у қаттиқ ғазабланди ва қизил мато жнғига тегиб қутурган ҳўкиздеқ тарихга қарши ҳезланди.

Черчилль Британия империясининг содиқ хизматкори эди... Черчилль ҳамиша ўзини яратган ва тарбиялаган ижтимоий система мантиқи буюрган нарсани амалга оширди.

Руслар, иккинчи жаҳон урушида советларга қарши интервенция йилларида бўлганидек, ўз қуроолларининг кучи туфайлигина эмас, балки, аввало коммунизм ғояларига содиқ бўлганликлари натижасида ғалаба қилганларини у тушунмади ва тушуниши ҳам мумкин эмас эди.

«Ҳамма нарса, ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди!» — деб ўзича тасдиқлайверди Черчилль. Агар Трумэн ўз қўшнларини Тюрингиядан олиб кета бошламаганида, агар икки ой аввал русларнинг Европа ичкарасига кириш йўлини тўсишга розилик берганида эди — икки кундан кейин бошланиши керак бўлган конференция мутлақо бошқача вазиятда ўтган бўларди. Ахир у. — Черчилль 17 майдаёқ Монтгомерига инглизларга асир тушаётган немис қисмларини тарқатиб юбормаслик ва улардан олинган қуроолларни тайёр ҳолда ушлаб туришни буюрган, ўн кундан кейин эса русларнинг олдинга ҳаракат қилишларини тўхташ учун немис самолётларини уларга қарши зарба бериш учун фойдаланиш имконияти тўғрисидаги масалани инглиз фельдмаршали

билан шахсан ўзи муҳокама қилган эди... Инглиз бошқўмондони биринчи буйруқ биланоқ шарққа қарши юбориш учун етти юз минг немис солдати ва офицерларини — ўттизтача дивизияни ўз зонасида тўнлаган эди.

Бу немислар америкаликлар ва инглизлар билан бирга рус солдатлари йўлига ўтиб бўлмайдиган тўсиқ қўйган бўлардилар!

Уша вақтларда Черчилль буларнинг ҳаммаси натижасида янги уруш, ҳозиргина тамом бўлган урушдан бошқачароқ мақсадда олиб борилувчи уруш бўлишини ўйлаганмиди?

— Ҳа, шубҳасиз, ўйлаган ва шубҳасиз фараз қилган эди.

Бошқа илож бўлмагани учун вужудга келган ҳолатдан чиқишнинг энг яхши йўли шу эди. Англияга, агар Англияни енгса, Америка Қўшма Штатларига ҳам хавф солажак қудратли ва агрессив Германияни Россия тор-мор келтирди. Черчилль учун ўтган урушдаги олий мақсад Англияни қутқариб олиш эди. Демак, мақсадга эришилган экан. Россиянинг Европада қиладиган иши қолгани йўқ.

Агар музокаралар столи атрофида ўтириб, бунга ишонтириш мумкин бўлмаса, қурол кучи ишлатишга тўғри келади.

Черчиллга қулоқ солмадилар. Яна қулоқ солмадилар! Рузвельт бир вақтлар Ллойд-Джорждек унга ўз режасини амалга оширишга имкон бермади.

Рузвельтнинг тўсатдан вафот этганидан сўнг Черчилль ўз умидларини Трумэнга боғлади. Трумэн ўз президентлигини Совет Иттифоқига кескин баёнотдан бошлайди, ҳаддидан ошиб кетган русларнинг танобини тортиб қўяди, деб кутган эди у. Аммо Американинг янги президенти бунинг ўрнига Сталин билан дипломатик ўйинга тортилди. Марҳум Рузвельтнинг русларга мойил бўлган чопари Гопкинс яна пайдо бўлди, ўз номи билан аллақачонлардан бери Россияга нисбатан Америка мойиллигининг рамзларидан бири бўлиб қолган Дэвис эса Лондонга ташриф буюрди. Япония билан бўлаётган урушнинг кетишидан қайгурган, совет ҳарбий ёрдамидан манфаатдор бўлган Трумэн, афтидан, довдираб қолган ва Европа устида Россиянинг даҳшатли сояси пайдо бўлишига итоат этган.

«Бари бир, — деди ўзига ўзи ит феъллик билан Черчилль, — мен ҳокимият тепасида эканман, курашавераман!»

...Ниҳоят Черчилль ўрнидан турди, мольберт ва бўёқларини кўтариб, курсини йиғди, бирорта ҳам сурат чизмасдан орқага — қаср томон жўнади.

У расм чизиш анжомларини ерда қолдирди, пастки меҳмонхонада қўлида газета ушлаб ўтирган врач Моран ёнидан жимгина ўтиб, ёғоч панжарага оғир суянганча юқорига кўтарилди. Моран пациентининг юришлари бугун одатдагидан бошқачароқ, кексаларникидек гандираклаганнамо эканлигини беихтиёр пайқади.

Черчиллнинг хотини Клементина юқоридаги меҳмонхонада китоб ўқиб ўтирарди. У одатдагидан кўра эртароқ қайтиб келган эрига ажабланиб қаради.

Черчилль хотини билан кўз уриштирмасдан жимгина ётоқхонаси томон йўл олди.

Энди унчалик ёш бўлмаган бу хотин билан у қирқ йилча ҳаёт кечирди. Хотинлар Черчиллнинг ҳаётида ҳеч қачон бирор даражада сезиларли роль ўйнамаган — унинг барча руҳий кучлари, унинг барча интилишлари мутлақо давлат фаолиятига, сиёсий мансабларга қаратилган эди.

Унинг хотин-қизлардан нафратланишига муҳим сабаблар бор эди. У ҳамиша аёлларни тубан махлуқлар деб ҳисобларди. Ўз мартабасининг бошланиш чоғларида номзоди парламентга овозга қўйилганда

суфражисткалар ҳаракатининг раҳбари хотин-қизларга сайлов ҳуқуқи бериш тўғрисида илтимос қилиб, унга мурожаат қилди. У қисқа қилиб такаббуруна рад жавобини берди.

Бу нарса кейинчалик Черчилль учун кўплаб кўнгилсизликлар манбаи бўлди. Суфражисткалар қулай келиб қолди дегунча уни обрўсизлантиришга ҳаракат қилардилар. Хотин-қизлар уни изма-из таъқиб қилдилар, қичқардилар, ҳўштак чалдилар, соявонлари билан дағдаға қилдилар, тошлар, кўмир бўлаклари, палағда тухум отдилар, бир гал хивчин билан ҳатто уни саваламоқчи ҳам бўлдилар.

Черчилль хотин-қизлардан нафратланарди. Аммо Клементина одобли, осойишта ва соғлом фикр соҳибаси эди. Бу озғинроқ, чувак юз ва энди сочлари оқарган бўлса ҳам, эътибор билан тараниб юрадиган жуссадор аёл ўз эрини яхши биларди. Агар Черчилль бу хотиннинг ўз дилига, дили тўридаги фикрга қандай чуқур кириб олганини билса, у шубҳасиз, исён кўтарган ва пировардида эр-хотинлик ҳам барбод бўлиши мумкин эди.

Клементина эри хусусида ҳеч қачон адашмаган, унинг камчидикларини ҳаммадан кўра яхшироқ кўра билиб, табиатидаги қатъият, худбинлик, қайсарликни у аллақачон ўрганиб олган эди. Эрининг одамларга, айниқса жўн одамлар дейилувчиларга нисбатан нафратланиб қараши маълум эди. У оломонга, оммага нисбатан жисмоний нафрат ҳис қиларди. Умрида бир марта метродан фойдаланди ва ўшанда ҳам ер тагидан ўтиш йўлларида адашиб қолди.

Аммо Клементина, эрининг ичу ташини кўриб, турганини, унинг фикрларини уқиб турганини ҳеч қачон унга билдирмасди. Аёл буларни фақат дилидан ҳис қилар ва лозим бўлган хулосаларни чиқариб олаверарди. Черчилль хотинининг ўзидаги энг ширин ҳис-туйғуларига кириб боришни тахминлаб, ундаги табиий одобни юксак баҳоларди. Узига нисбатан ғоят обрўталаб, ўжар, калондимоғ, кўпинча жанжалкаш бу одам унинг қалбидаги барча ҳолатларни, барча қилиқларининг асл моҳиятини аъло даражада тушуна билишини англантиб турадиган аёлни ўз ёнида кўришга бардош қилмаган бўларди. Айни вақтда унинг барча қувончлари ва қайғуларини тушуна олмайдиган ва ётсировчи аёлни-ку, умуман, яқинлаштирмасди, шекилли. Клементина гўё ана шу иккала сифатни ўзида мужассамлагандек эди. Эрининг ичу ташини кўра билиш ва буни ҳеч қачон ошкор қилмаслик қобилияти туфайли ҳам у Черчилль учун ҳақиқий зарур киши бўлиб қолди. Эри уни, болаларини — улар тўртта эди — севар, айни вақтда у ўзидан бошқа, ўзининг одамлар устидан ҳукмронлигию ўзининг сиёсий мартабасидан бошқа ҳеч нимани севмас эди.

Клементина эрининг бу қадар эрта қайтгани ва унга ҳеч нарса демай, жимгина ётоқхонасига ўтиб кетганидан ажабланди. Аёл эрининг ечиниб, ўринга ётиши учун бир неча дақиқа кутиб тургач, ётоқхонага кириб борди.

Аммо Соьерс хўжайинининг кундузги ҳордиқ чиқариши учун ғам-хўрлик билан ҳозирлаб қўйган ўрин бўм-бўш эди. Черчилль тунги столи ёнидаги креслода хомуш ўтирарди.

Клементина эрига ташвишли ва ачиниш билан боқди. Клементина узоқ йиллар бирга ўтказган умри давомида хум калласи ҳўкизникидек эгик, этдор бақбақаси устида ҳамиша йўғон, узун сигараси диккайиб турувчи бу ғўлабир, кифтлари хиёл букик одамга кўникиб қолган эди. Бу одамнинг кўриниши доимо ҳужум қилиш ёки зарба қайтаришга шай тургандек туюларди. У кўринишдан қўпол-у, аммо жағдор оғзини юмиш ёки думи билан қақшатқич зарба беришга ҳозир турган тимсоҳга ўхшар эди.

Мана, креслода энди дармонсиз чол ўтирарди. Унинг хум боши

эгилган, чўкик кифтлари бошини зўрға кўтариб тургандек қўллари шал-вираб қўйи осилганди.

— Бугун ҳеч нарса чизмадим,— деди маъюс Черчилль.— Мольбертни ҳатто очмадим ҳам. Силлам қуриб кетяпти.

— Кеча кўп ишловдинг,— эслатди сезгир оҳангда Клементина. У эрининг юпатишни ёқтирмаслигини биларди.— Кейин офтоб ҳам қаттиқ қиздирапти...

— Йўқ,— деди Черчилль ҳамон қимир этмай ўтирган куйи.— Гап бунда эмас. Ҳеч қачон бундай кайфиятга тушмаган эдим. Ҳеч нарсага қўлим бормаяпти. Зора ўтиб кетса...

— Ташвишланма, ўтиб кетади.

— Йўқ,— эътироз билдирди Черчилль.— Билмадим-ов.

— Сойерсга айтмай, виски келтирсин унда.

— Ҳожати йўқ, ичмайман. Умуман, ҳеч нарса керак эмас,— деди Черчилль хазин овозда.

Клементина эрини ҳеч қачон бунақа кайфиятда кўрмаган ва ҳеч қачон ундан бу хилдаги сўзларни эшитмаган эди. Ҳатто умидсизликка учрагандек туюлган ҳолларда ҳам у руҳий бардамлигини йўқотмасди. Масалан, унинг навбатдаги авантюраси — биринчи жаҳон уруши вақтида Галлиполи ярим оролини, кейин эса Константинополни босиб олиш учун қилган муваффақиятсиз уриниши барбод бўлганида ҳам кайфияти ўзгармаган эди. Беҳуда ҳалок бўлган инглиз солдатларининг оналари ўшанда Буюк Британия денгиз министри Черчиллни лаънатладилар, газеталар эса уни яқдиллик билан қўпоровчи ва нодон деб атаган эдилар.

Бироқ Черчилль парвойига ҳам келтирмади. Оломонга аввалгидек нафрат билан қаради ва ўзининг ҳал қилувчи дақиқалари келиб етмаганига қатъий ишонди.

Гитлер билан уруш бошлаганида саросимага тушмади. Аксинча, ниҳоят кутган нарсаи рўй берганига амин бўлди. У уруш бўсағасидан тўшпа-тўғри абадийликка, мангуликка, тарихга қадам ташлайдигандек сархуш эди. Бироқ, мана, узоқ кутилган ғалаба етиб келганда у шикаста ўтирибди. Бу ғалати, ғайри-табиий нарса эди.

— Чарльзни чақирайми?— деди хавотирлана бошлаганини сезди-масликка уриниб Клементина.

— Жин урсин докторларингни!— бўшашиб қўл силтади Черчилль.— Улар ҳозирги касалимни тузатишолмайди.

Эрининг аҳволи, энг муҳими, унинг тўсатдан бу қадар ўзгариб кетган қиёфаси Клементинани оиладаги муқим тартиб доирасидан чиқишга ундади. У каравотнинг бир четиға ўтирган кўйи секингина сўради:

— Сайлов овози саналаётгани безовта қиялпими ё?

Черчилль доимо сигара билан яшириб юрувчи оғзининг майишиқроқ буржи нафратомуз иржайиш аралаш титради.

— Жин урсин сайловларни. Инглизлар одамшаванда-ку, ахир. Британияни ким халос қилганини унутмаган бўлишса керак.

— Ҳа, унутишмайди, албатта,— деди Клементина апил-тапил, дилидаги гапни айтмагани учун ҳам шошқалоқлик билан шундай деб қўя қолди. Оддий инглизларнинг кайфияти такаббур эридан кўра унга яхшироқ аён эди.

Урушга қадар Клементинанинг таниш-билишлари доираси министрлар, лордлар, депутатлар, йирик бизнесмен-корчалонлар билан чегараланган эди. Черчилль «интеллектуаллар»га қандайдир нафратланиб қарарди.

Аммо Гитлер Совет Иттифоқига ҳужум қилгандан кейин Черчилль авваллари нафратланиб қарайдиган большевистик мамлакат билан дўстлик ва ҳамкорликда кураш олиб бориш ҳақида шартнома тузгач,

қилаётган жанг Қизил Армияга медицина ёрдами кўрсатиш учун Англияда тузилган жамоат фонди Комитетига бош министрнинг рафиқаси бошчилик қилди.

Шунинг натижасида Клементина ўз алоқаларини, муносабатларини, таниш-билишлари доирасини кенгайттирди, шахтёрлар, докерлар, темирчилар ҳузурда бўлди, чунки уларнинг ҳаммалари у раҳбарлик қилаётган комитетнинг аъзолари эдилар. Бир куни мажлис тугагандан кейин кекса докер — профсоюз раҳбарларидан бири унинг ёнига келди.

— Биз эрингизни ҳеч қачон яхши кўрмаган эдик, хоним, — деди у. — Биз уни йигирма иккинчи йилдаги сайловдаёқ ўтказмаган эдик, чунки у бизнинг гапимизга қулоқ солмади, Россиядан қўлини тортмади. Йигирма олтинчи йилда, умумий иш ташлаш кунларида, битта ҳам газета чиқмаган кунларда у Бивербрук билан биргалашиб, бизни бадном қилиш учун қандайдир газета чиқарди. Энди эса мистёр Черчилль ҳақ ишга қўл урди. Жаноб бу иш билан шуғулланар экан, биз доимо у билан бирга бўламиз. Шу гапларимни эрингизга етказсангиз, хоним...

Уша вақтда Клементина эрига ҳеч нима демаган эди. Унинг асабини бузгиси келмовди. Бундан ташқари, у шуни яхши билардики, ҳеч қандай куч Черчиллнинг ўзига ишончини ва обрўталаблигини ўзгартира олмасди — у номаълум ишчининг сўзларига нафрат билан кулиб қўя қоларди.

Ҳозир Клементина ўша докернинг сўзларини эслади. Аммо бу гал ҳам айтмасликка қарор қилди. Ҳозир эрининг кайфияти ёмонлигида у гапларни эслаб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ эди.

Пича жим тургандан кейин Черчилль яна шикаста овозда:

— Овоз бериш натижаларини билганимизга қадар ҳаёт — ҳаёт эмас менга. Аммо гап бунда эмас...

У ўйчан бош чайқади.

— Хўш, гап нимада бўлмаса, Уинни? — ҳамдардлик билан сўради Клементина.

Черчилль шартта креслонинг суянчиғига ёпишиб, гавдасини олдинга ташлади-да, қаттиқ овоз билан деди:

— Наҳотки шуни ҳам тушунамасанг? Ҳозир, худди ҳозир мен ҳокимиятни бутун тўлалигича тушуниб етишим зарур. Мен Потсдамда Сталиннинг қаршилигини синдиришим керак. Аммо бош министрманми ёки йўқми — билмасдан туриб буни қандай амалга ошираман!

Клементина эрига эътироз билдиришнинг бефойдалигини тушунарди. У ҳеч қачон эри билан баҳслашмасди. Агар сўзлари ғазабли қаршилиқларга дуч келишини олдиндан билса, ўз фикрини бир парча қоғозга ёзиб, қоғозни жанжалкаш эрига топширгач, секингина хонадан чиқиб кетарди. Аммо бу гал у жим қололмади:

— Сталиннинг қаршилигини енгишга ишончинг комилми? — деб сўради овозини пасайтириб Клементина.

— Сенга неча марта тушунтирганман, Советларнинг Европада бўлиши уни ҳалок қилади! — Черчилль ён суянчиқларга тираниб, шартта ўрнидан турди.

Клементина эрининг ғазаби қўзигани ва худди шу ғазаб унга янги куч-қувват бағишлаётганини сизди.

Черчилль стол устида турган қутичадан сигарани тортиб олди, уни тутатиб, хонанинг у бошидан бу бошига юра бошлади.

— Менга ҳеч ким қулоқ солмаяпти, — бақирди у. — Сталин бизнинг талабимизни бажармагунича америкаликлар ўз зоналарига кетишлари мумкин эмас эди. Мумкин эмас!

— Сталин сен билан учрашганида унга муносабатинг бу қадар ўзгарганидан ажабланади деб ўйламайсанми, Уинни? — эҳтиёткорона, аммо айна вақтда жиддий сўради Клементина.

— Менга бунинг аҳамияти йўқ!

— У, эҳтимол, шартнома тўзилганини эслатар.— Яна ҳам қатъийроқ деди Клементина.

— Агар барча битимларимизни бажарсак, фалокат юз берган бўларди!— Черчилль бармоқлари орасига қистирилган сигара билан кескин қўл силтади.

Клементина жим қолди, бу афтидан, Черчиллни узил-кесил аччиқлангирди.

— Сен бошқа фикрдамисан? Менинг ўрнимда бўлсанг большевикларга бутун Европани кумуш баркашда икки қўллаб тутишга тайёр бўлсанг керак? Улар ўзларининг коммунистик тартибларини Польшада, Венгрияда, Болгарияда, Руминияда, шунингдек, Греция ва Италияда ҳам ўрнатаверсинларми?

— Агар халқлар ўзлари большевикларни истамасалар, бу нарсани амалга оширавериш мумкин, деб ўйлайсанми?

— Халқлар! Қандай халқлар? Улар лидерлари қаёққа бошласа, шу ёққа кетаверадилар. Лидерлар бўлса, кучга таянадилар. Фақат кучга!

— Йўқ, Уинни,— Клементина ўз фикрини ҳимоя қилди.— Уруш кунларида русларга бошқача муносабатда бўлганингни тан ол. Ахир, Москвада бўлдим-ку. Эсимда бор, у ерда Ғалаба куни қандай шоду хуррамлик бўлган эди... Москваликлар инглиз ва америка офицерларини шавқу завқ билан табриклаган эдилар. Юзлаб қўллар уларни осмонга иргитди, одамлар «ура» деб қичқиришди. Мен Москва радиоси орқали сўзлаганман. Мамлакатимиз номидан. Сенинг номингдан, Уинстон. Биз ғамгин қурбонлиқлар ва азоб-уқубатлар водийсидан ўтар эканмиз, бир-биримиз билан дўстликда яна биргалашиб олға боришимиз мумкин, деганман.

— Баландпарвоз гаплар!

— Мен фақат сен ёзган нарсаларнигина айтганман,— таънали эътироз билдирди Клементина.

— Буларни эсингдан чиқар!

— Ҳа, албатта, ҳаракат қиламан... Аммо Москвадаги ўша қуёшли кунни, тўққизинчи майни, унутишим қийин...

— Бизнинг қиёмат кунимиз у!— хитоб қилди Черчилль.— Немислар Реймсда бизга таслим бўлганларидан кейин Сталинга ён босмаслигимиз, Карлсхорстдаги фожиали масхарабозликка йўл қўймаслигимиз керак эди. Сойер қани? Ичгим келяпти.

— Мен ўзим олиб келаман. Вискими ёки коньякми?

— Менга деса заҳар бўлсин! Шунда мен Потсдамдаги шармандагарчиликдан қутулган бўлардим.

Эртасига автомобиль Черчиллни, қизи Мэрини Сен Жан-де-Люздан Бордога элтиб қўйди. Бу ердан улар Берлинга учишлари керак эди. Черчиллнинг самолёти «Скаймастер» деб аталиб, русча — «осмон ҳукмрони» деган маънони билдирарди.

Уша куннинг ўзида Сассекс графлигидаги Тэнгмёр инглиз аэродромининг учини йўлидан ичида Британия ташқи ишлар министри Антони Иден бўлган самолёт ҳавога кўтарилди. Лондондаги Нортхолд аэродромидан эса яна бир самолёт ҳавога кўтарилди. Унинг асосий йўловчиси лейбористлар лидери Клемент Эттли эди.

Иккала самолёт ҳам Берлин томон йўл олди.

Тарих ўзининг янги саҳифасини ёза бошлади...

(Давоми бор)



Муҳаммад Али



ШЕЪРИЙ РОМАН<sup>1</sup>

ИККИНЧИ ҚИСМ

ШАБАДА

Олтинчи боб

*Не чоғлик тошким Фарҳод ушотти,  
Фалак борин йиғиб бошимга отти.*

*Алишер НАВОИЙ.*

1

Аччиқ экан ҳаёт сабоғи,  
Лолдир бугун Насриддин полвон.  
Қайда қолди она тупроғи,  
Қайда Муса, Дўсмадат дархон?  
Қудрат қайда, дўсти дили жон?

Не кор-ла банд Азимбой малъун?  
Жойдами муқим Шаҳрихон?..  
Бари, бари, бари — номаълум...  
Ажаб дунё: мусичага ҳам  
Озор бермас йигит оқибат,

<sup>1</sup> Асарнинг бош қисми журналнинг 1973 йил 10—11-сонларида эълон қилинган.

Шабдада урингандай шам,  
Ғам елида букиб қолди қад.  
Айби недир, не журми аён?  
Меров йигит ўйламай зинҳор  
Азимбойнинг шавкати дебон  
Балоларга бўлди гирифторм!  
Сокин сувдай эди ҳаёти,  
Фалак тоши тушган заҳоти,  
Она-бола, эсиз, ҳар тараф  
Томчилардай кетди тирқираб!

## 2

Кетди... Кетди олис Сибирга.  
Шундоқ бўлди фармони олий.  
Жўралар ҳам у билан бирга,  
Бари-бари лаванг мисоли  
Бу тақдирга боқарди ҳайрон,  
Бу қандайин бедодлик ахир:  
Уқ отмаса ё тўкмаса қон,  
Қилмаса-ю душманлик зоҳир,  
Ёв саналса! Азимбой суллоҳ  
Манглаймиз силабон ортиқ,  
Йўлимизга қазмиш тубсиз чоҳ,  
Қилмиш бизга Сибирни тортиқ.  
Мунча содда бўлмасанг полвон?  
Туя ёнғоқ ташлаяпти, деб,  
Чопиб қолган афандисимон  
Лақиллашни кўрдигми ё эп?  
Мен кимдирман ўзи жаҳонда,  
Не ҳақ-ҳуқуқ бўлур инсонда,  
Яшамоқдан чиқар не маъно?—  
Йўқ, ўйламас бу ҳақда асло!

## 3

Қаердадир Сибирь поезди —  
Тўхтаганди. Вагон ичи дим...  
Қоронғида Насриддин сезди:  
Ён тирқишдан ўтди аллаким.  
Боқса... боқса қўлида фонус  
Йўл кўрарди Иван кашанда!  
Эслай оямас полвон: ул ўрус  
Нима девди исмин ўшанда?  
Тирқишга лаб қўяр: «Нас бар,  
да?..»  
Бошқа илож топмас нотавон.  
Фалокатни англаб етар-да,  
Халос этар полвонни Иван.  
Оқимларга гулғула солган  
Тасодифлар тарихда озми?  
Давронларни тебрата олган  
Тасодифлар тарихда озми?  
Икки ирмоқ қўшилган мисол

Туташганди икки истиқбол.  
Бу — улғувор дўстлик аввали,  
Самарини кўрармиз ҳали.

## 4

Миршаблардан қочиб юрди у,  
Уйдан чиқмай яшади гоҳо.  
Чилангарлик қилиб кўрди у,  
Тинчимади ҳеч кўнгли аммо.  
— Иван!— деди.— Менга рухсат  
бер,

Неча йиллар ўтибдир мана.  
Писиб юрса бўлмас мендек эр,  
Дилимда бор бир армон яна.  
Жудо бўлдим суюкли ёрдан,  
Хонумондан тамом айрилдим.  
Ўироқ тушдим онаизордан,  
Жиззах юртин бир макон билдим,  
Минг шукрим, орттирдим сени,  
Ижозат бер, тутма сўроққа.  
Мен излайман Намоз ўғрини,  
Мен жўнайман Самарқанд ёққа!  
Энди билдим: бор экан бойлар,  
Ҳашаматли олтин саройлар,  
Тушмагай, бас, кулбамизга нур,  
Зулмат ичра ўтгай бир умр...»

## 5

Иван Лапин — чилангар йигит,  
Самарада улгайиб, ўсди.  
«Шиддатлисан мисли сорбургут,  
Лек, хаёлинг содда-да, дўстим.  
Эрка етмоқ қай маҳал, қачон,  
Сен айтганча осон бўлипти.  
Челак билан қурипти уммон,  
Думин эзсанг илон ўлипти?  
Янчмоқ керак илоннинг бошин!  
Пайқадингми?..» Ҳайратларга фарқ;  
Чимирди-ю Насриддин қошин,  
Думу бошни этолмади фарқ.  
Иван деди: «Бош — Петербургда,  
Оқ пошшони ағдармоқ даркор!»  
«Ҳазилкашсан, Иванжон, жуда.  
Оқ пошшонинг нима даҳли бор?  
У — уёқда, эҳ-ҳе, йўл узоқ...  
Қарорим шай, қайтарма, ўртоқ,  
Бизга ҳаёт берсин, сизга — ёш...  
Қайсар дема, атама бевош!»

## 6

«Оббо сен-ей!— жилмайди Иван.—  
Петербургга, ҳа-ҳа, йўл узоқ...»



Пошшонинг ҳам зинҳор сен билан  
 Қиладиган иши йўқ... Шундоқ...»  
 Самарада юраркан ҳали,  
 Ун беш ёшли ўсмир чилангар  
 Иш ташлашлар бўлган маҳали,  
 Кечган маҳал расмана жанглар,  
 Шундоқ фикр асири эди,  
 Сўнг қамашлар бошланиб қолди.  
 Сўнг Жиззахга қувилди — энди  
 Бир нарсани тушуниб олди:  
 Айбдордир подшо чинакам!  
 Йўйиб бўлмас ўзга бир сўзни!  
 Улкан дарахт шохин кесмоқ — кам,  
 Қуритмоқлик лозим илдишни!  
 Насриддин ҳам рост айтади, рост!  
 Қираверсин бойларни, шоввоз!  
 Кураш бўлсин иши, ризқ-рўзи,  
 Ҳақиқатни тополсин ўзи!..

7

Шом. Зоғ йўқдир кўчада ҳатто,  
 Қишлоқ кўчиб кетгандай бутун.  
 Фош қиларди жимликни аммо  
 Мўрилардан қалқиган тутун.  
 Рўбарўда шу пайт ногаҳон  
 Пайдо бўлди икки барзанги.  
 Салом берар Насриддин полвон,  
 Юзларида шафақнинг рангги.  
 «Намоз қайда тураркин, Намоз?...»  
 Бири «Их!» деб йўталди, сўнгра  
 Деди: «Намоз уйими? Жа сози!  
 Боришда — чап, келишда — ўнгда...»  
 Хайрлашар Насриддин полвон.  
 Улгурмади қўйиб бир қадам —  
 Йигитлардан кимдир шу замон  
 Қаттиқ урди келиб орқадан!  
 Мушт ҳам, ажаб, эканми тошдан,  
 Ҳуши учди полвоннинг бошдан,  
 Йигитларга ўгрилди-ю суст:  
 «Даюс! — деди. — Единг-а, даюс!»

8

Ўзин ўнглар Насриддин полвон,  
 Ухладими, туш кўрдими ул?  
 Қўлларида йўқ эди дармон  
 Увушганди вужуди буткул.  
 «Рўбарў кел, мард бўлсанг агар,  
 Биттанг қўрқсанг, ўнта бўлиб кел!  
 Аммо писиб, номардлар қадар  
 Иш кўрмоқдан андиша, ор қил!...»  
 Қўл-оёғи боғланган полвон  
 Кучин йиғиб беш панжасида,  
 Бир хонада ётарди ҳайрон.

Шундоқ ўйлар исканжасида.  
 Қачон келди бу уйга, қачон,  
 Ухшаб ҳоли забун маймунга?  
 Атрофида беш нафар ўғлон  
 Жим тикилиб туришар унга.  
 Ғўлабирдек барчаси чайир,  
 Туришади бегона, ғайир,  
 Ғўл айиқни қамти, бемалол  
 Ураб олган бўрилар мисол.

9

Қаҳ-қаҳ урди Насриддин шунда,  
 Портлагудек титради хона!  
 «Не бўлмоқда ўзи очунда!  
 Не найранглар айлар замона!  
 Мендек полвон шундоқ еса панд,  
 Ерда ётса латтадан ҳам хор!  
 Қўзичоқдай қўл-оёғи банд...  
 Мени билмас экансиз зинҳор!  
 Сал нозикроқ Насриддин таъби,  
 Бу қисматни ул ор деб билур!...» —  
 Ва зўр берар! Чирик ип каби  
 Арқонлар ҳам бир-бир узилур!  
 Битта йигит қилич олар бот,  
 Бошқалар ҳам шайланар эди.  
 Насриддинбек турару азод:  
 «Қилични қўй, ўпканг бос! — деди. —  
 Бу қилиғинг турмас куракда:  
 Истасанг кел, яккама-якка  
 Курашамиз, қолмасин армон,  
 Таомил шу, эй марди майдони!»

10

Бирдан эслар онасин маҳзун,  
 Туғён кирар армонли дилга.  
 Она дерди: «Падаринг бир кун  
 Марғилонга келар, сайилга.  
 Белбоғини бўш қўйиб отанг  
 Айланарди майдон ичинда.  
 Мен чачвонда кўрардим аранг,  
 Паранжини койиб ичимда.  
 Гирра қилиб, белини сиқиб  
 Йиқитганда Ёғочполвонни,  
 Ҳаяжондан, эсимдан чиқиб,  
 Қўтарибман, дегин, чачвонни!  
 Кейин ўзи гапиришича:  
 Отанг мени шунда кўрибди,  
 Меҳри тушиб қопти-ю, пича,  
 Манглайига битта урибди!»  
 Эҳ, қайдасиз, волидан зор?  
 Мунча танг-тор чархи кажрафтор?  
 Нечун қисқа бақувват қўлим?  
 Хатарлидир юражак йўлим?

## 11

...Қусурига тегса ҳам бу гап  
Йигит сиртдан ҳазилга йўйди:  
«Шундай мардни юрувдим излаб,  
Худо ўзи етказди-қўйди!  
Белбоғ беринг полвонга қани!»  
Ҳамма энди куйманиб қолди,  
Йигит эса — гирдиғум Ғани —  
Тўшакларни бир четга олди.  
Самарқандлик полвон ахир у,  
Кураш тушиб юрган тўйларда.  
Кураш, кураш — энг олий туйғу,  
Васфинг бордир қўшиқ, куйларда!  
Эҳ, дунёнинг белидан олиб  
Ағдармоққа қодир полвонлар,  
Лорсиллаган қудратдан толиб,  
Сарф қилмоқни билмай ҳайронлар!  
Уларнинг бор юракда ёли,  
Бас, ўртани қўйингиз холи!  
Бел ушлашар мана икки шер,  
Қай бир елка ер искайин дер?

## 12

Азалдан кенг Насриддин феъли,  
Курашларда тантидир, танти.  
Майишмади Ғанининг бели,  
Белбоғни бир бураб кўрганди.  
Қажжак бўлиб икков бир қадар  
«Синамоқнинг даврин» сурдилар.  
Чиранишиб бенаф, бесамар  
Бир-бировин силтаб кўрдилар.  
Бирдан, ажаб, Насриддин полвон,  
Аламли ёш тўлиб кўзига,  
Ўкситдими белгисиз армон,  
Рақибини тортди ўзига!  
«Е отамнинг руҳи, мадад қил!» —  
Шундай дегач, шиддат-ла шартта  
Кўтарди-ю, Ғанини энгил,  
Айлантириб икки-уч марта,  
Айлантириб... о, танги инсон!..  
Ерга қўйди рақибин полвон!  
Барча кўриб ҳайрон қотмишдир,  
Мажҳул ўйлар ичра ботмишдир...

## 13

«Бой эмассан яхшики, йигит,  
Синар эди курагинг бу пайт.  
Чориқчисан сен ҳам, мен тахлит,  
Нечун қийнай, дўлтақўзи, айт?  
О, душманам бўлса жаҳонда

Бу — бойлардир, бойлардир,  
бойлар!

Осойиш йўқ жону имонда,  
Саргардонман не йил, не ойлари!..  
Ғани деди: «Қойилман, қойил,  
Мард йигитга тан бермоқ шараф.  
Бу Самарқанд туманида, бил,  
Монандинг йўқ, йўқ сенга тараф.  
Хўш... Намозда не ишинг бор-ди?..  
«Унга йигит бўлмоқ истайман!»  
Ғаниполвон кулиб юборди:  
«Тўғри чиқди тахмининг, Саман!  
Насриддинни англамай чоғи,  
Дебмиз, пошшо қорақулоғи!  
Жафодийда дўст экан-ку ул,  
Дўст нимадир, ўз экан-ку, ул!»

## 14

Бешинчи йил, шонли инқилоб  
Россияни ларзага солди!  
Қўз йлғамас олис ва хароб  
Туркистонни титрата олди!  
Дину зулмат қаърида қотиб,  
Гунг-лол бўлган Туркистон энди,  
Эрк, деб, қизил қонига ботиб,  
Алвонланиб ажиб кўринди:  
Қора калтак синди бошларда,  
Ўр-сур, қувғин, қирғин,  
қатли ом!..

Эрк бор кўздан оққан ёшларда,  
Кўнгилларда бордир интиқом!  
Намоз ўғри — ибн Интиқом!  
Ушук элнинг жасур сардори,  
Бой, бек, қози хулласи калом,  
Оқ пошшонинг энгмоқ қарори!  
Каттақўрғон, Жиззах,  
Самарқанд —  
Тоғу дара эмасдир писанд,  
От солдирар, ёв сари уч, дер,  
«Ўч олай дер, фақат ўч, ўч!» дер!

## 15

Хўп содда-да, Насриддин аммо,  
Иши йўқдир сиёсат билан.  
У билмаски, сиёсат ҳатто  
Жаҳонларни тартиб қилар фан!  
Россияда, Туркистонда ҳам  
Балқир экан инқилоб туғи,  
Полвон четдан боқарди беғам,  
Учқунланмай қалбининг чўғи.  
Рус ишчиси қилсин ғалаён,  
Оқ пошшосин берсин додини,

Аммо кутиб юрмасин бу он  
 Насридиннинг илтифотини.  
 Насридинда ўзга хаёл бор:  
 Нечун қашшоқ яшайди Намоз?  
 Нечун Ғани, Қобил кўса, Нор —  
 Барчасида бисот-бағал оз?  
 Кияй деса, тополмас кийим?  
 Чўнтагида йўқдир бир тийин?  
 Нечун икки бўлмас нон, нечун?  
 Бари, сарсон-саргардон нечун?..

16

Нечун ҳаёт тийра мисли шам,  
 Осмон узоқ, қаттиқ — ер эса?..  
 Ундай деса — очофат, бадком  
 Бойлар иши беш, ундай деса...  
 О, Насридин топди сабабин:  
 Бой аталган зотлар бор учун,  
 Қамбағалга жаҳаннам каби,  
 Жаҳаннамдан баттар бу очун!  
 Шулар борки, Ғани яшар оч,  
 Нигорондир уйда кўзлар!  
 Шулар борки, Қобил яланғоч,  
 Саман инграр, Нор эса бўзлар!  
 Шулар борки, Намоз баҳодир  
 Ер бошини тутмоқ ўрнига,  
 Жабҳаларда жанг қилаётир,  
 Алангали сурон кўйнида!  
 Шулар борки, Насридин мана,  
 Дунё кезар, излар бошпана.  
 Онадан ҳам айрилди ахир,  
 Қалб қонади, увалди бағир...

17

Намоз ўғри хушрўй ва ўктам,  
 Алп келбатли, дуркун, расида.  
 Қисиқ кўзда пинҳон буюк ғам,  
 Чандиғи бор пешонасида.  
 Каттақўрғон жангида, тунда  
 Тегиб кетган ногоҳон пичоқ.  
 Манглайдан қон тизиллаб шунда  
 Энгил-бошин қилган эди доғ...  
 «Дукчи эшон аҳволидан денг!  
 Полвон! Голиб келмади нечун?»  
 «Ул подшога ўзин кўриб тенг  
 Тиг кўтармиш дейдилар, бу — чин!  
 Соддаваш дил эдилар ул зот...  
 Биз кўмакка кечроқ борибмиз.  
 Не гап, не сўз — англамай, ҳайҳот,  
 Гангиб қуршов ичра қолибмиз!..»  
 Бўлган гапни очиқ ва аён

Сўзламоққа уялди полвон.  
 Кайфу сафо қилганларин ҳам,  
 Хору хароб бўлганларин ҳам...

18

Ўз вақтида борганда... Балки  
 Зафар тожин киярди Ҳазрат.  
 Насридин ҳам имони қалқиб  
 Сарсонликда чекмасди ҳасрат...  
 «Намоз оға! Юртда бой нечта?»  
 «Саноқ етмас санай бошласанг.  
 Бой деганинг ўн бошли дев-да:  
 Ўнта бошин кесиб ташласанг,  
 Ўнтаси шай ўша заҳоти».  
 «Битта қўймай барини қирсақ,  
 Ҳосил бўлур эди муродим!»  
 «Агарда биз ҳамжиҳат эрсак,  
 Ўтга кирсақ, сал койитсак жон,  
 Асар қолмас баднафс бойлардан.  
 Обод бўлур бешак Туркистон,  
 Тиниқ сувлар оқар сойларда!»  
 Ана шунда, дейди Насридин,  
 Рағбат бўлур, фурсат бўлур чин,  
 На ишқнома ва на жангнома,  
 Битажакдир «Туркистоннома!»

19

Оҳ, жонажон Ватан! Тимсолинг  
 Собит турар қалбим қатида.  
 Чечак ёзгай ёрқин иқболнинг  
 Фарзандингнингмуҳаббатида!  
 Юртим бордир; демангиз: «Нечук?»  
 Юртсиз диллар доғдир, куюқдир.  
 Инсон учун каттами, кичик  
 Туққан юрти доим буюқдир.  
 Мақтанайин, кўрсин қенг жаҳон  
 «Ватан!» дебон кўксим керайин!  
 Достон битай, бир ажиб достон,  
 Тақдирингни сўйлаб берайин.  
 Достонимнинг ҳар битта фаслин  
 Номинг билан бошлайин, диёр!  
 Севсам диёрларнинг асилин,  
 Мендан бахтли дунёда ким бор?..  
 Мана шундоқ ўйлайди шоир,  
 Дўстларига сўйлайди шоир,  
 Мамнун этар Намоз ўғрини,  
 Она юртнинг мумтоз ўғлини!

20

Она Ватан, ажиб ҳикматсан,  
 Фарзандларинг — гавҳари ноёб.

Бир кетса — гами беҳадсан,  
 Бир келса — бахтлисан ҳисоб!  
 Учинчи йил Муқимий ўтди,  
 Дунёдан кўз юмгани замон,  
 Фафур Гулом навбати етди,  
 Нигоҳига юз очди жаҳон!  
 Тўққизинчи йилда йиғладинг,  
 Мотам тутдинг Фурқат деб гирён.  
 Юпатай деб, букма деб қаддинг,  
 Туғилди-да, Яшин, Олимжон!  
 Дардларингни олмоққа андак  
 Қалам тиғин этди раволар...  
 Ҳа, Ватанни, шоир айтгандак,  
 Ҳоли қўймас ақли расолар.  
 Сен увалик-жувалик юртсан,  
 Тошкент, Қўқон, Хивалик юртсан.  
 Насибанг бор минг-минг йилларда,  
 Ҳали яралмаган дилларда!..

## 21

Юрт ичида кўтарди сурон  
 Утдан тоймас Намоз лашкари.  
 Гоҳ Самарқанд, гоҳ Каттақўрғон,  
 Гоҳо Жиззах, гоҳ Бахмал сари.  
 От солдириб кетар гуруҳлар,  
 Оғушига олар барин тун.  
 Тунда эса одамлар ухлар,  
 Билмас, нима кашф этар очун.  
 Сўнг йигитлар турли тарафдан  
 Қайтиб келар боргоҳга саҳар.  
 Сўз бошлашар шону шарафдан,  
 Сўзларига безакдир «зафар».  
 Намоз ўғри қовоғин уйиб,  
 Залвор билан йўталар аста.  
 «Хўш... Юмушни бир четга қўйиб,  
 Мақтанишлик яхши эмас-да.  
 Барчангизга қойил сўзим бор!  
 Энди ишдан сўйланг. Қани, Нор!  
 Бахмалдаги бойни не қилдинг?  
 Не қилдинггу, не билан келдинг?..»

## 22

Не-не бойлар ўлиб кетмади,  
 Қул бўлмади не-не хонадон.  
 Ҳақиқатни англаб етмади,  
 Ҳануз бизнинг Насриддин полвон.  
 Бироқ ўйлаб қолди-ку, энди:  
 Ҳаёт асло ўзгаргани йўқ.



Чорикорнинг оши — ювинди,  
 Деҳқон номи ҳамон мирқуруқ.  
 Ариқларда сув лойқа ҳануз,  
 Хас-хашаклар тўлиб оқмоқда.  
 Дарахтлар ҳам келмай туриб куз  
 Хазонлардан баргак тақмоқда:  
 Машъум хабар етди шу асно:  
 Ухлар экан Намоз, қоқ тунда  
 Ўлдирмиш бир валади зино!!!  
 Қўлин тишлаб Насриддин шунда  
 Бир бўғинин узволди! Хайҳот!  
 Қандай нопок, манфур бу ҳаёт!  
 Инграр эди полвон талх ком,  
 Томоғидан бўғар интиқом!..

## 23

Сокин тунда Сангзор тарафдан  
 Беҳол шов-шув келиб туради.  
 Насриддиннинг гуруҳи чапдаст  
 Йўлни Жиззах томон буради.  
 Соядай тинч, елдай беозор  
 Чет йўллардан боради бесас...  
 Қоракўлчи бор эмиш илғор,  
 Анов-манов бойлардан эмас!  
 Ваҳмалидир Жиззахнинг туни,  
 Қўринмайди биронта чироқ.  
 Эл ҳам урди икки уйқуни...  
 Чапдан чиқди баланд ҳовли-боғ.  
 Боғ четидан ўтдилар ошиб,  
 Ичкарига юрдилар аста.  
 Не учундир Насриддин шошиб,  
 Хаприкярди бамисли хаста.  
 Тарқалдилар йигитлар ҳар ён,  
 Бир эшикни очди-ю полвон...  
 Наъра урди шердай чинакам:  
 «Оҳ, бормисан, оҳ, онагинам!»

## Еттинчи боб

*Сени суюб Фарход қўйдим отингни,  
Елкамга қўндирдим қўйи қанотингни.  
Ҳамид ФУЛОМ.*

### 1

Шўх болакай, жажжи болакай  
Уйнаб юрар ҳовли юзида.  
Икки бети қирмиз лоладай,  
Дунё акси бордир кўзида.  
Орқасидан қувар онаси,  
Қувади-ю етолмас гўё.  
«Оҳ-оҳ қантак ўрик донаси,  
Донасидан донаси аъло!»—  
Кўнгли ийиб дейди дилпазир,  
Битта кўзи бола томонда,  
Чайиргина бежирим кампир  
Хамир қорар экан айвонда.  
Тутаман деб уринган замон,  
Она қўли қолса муаллақ,  
Чап беради, қочади ўғлон,  
Қулгулари тўкилиб, чақ-чақ.  
Сўнг онаси чарчаган бўлар,  
У ҳам яйрар, хахолар, кулар:  
«Отинг нима?...» Бола шу заҳот  
Чучук тил-ла ямланар: «Пойхот...»

### 2

Фарход! Эллар улуғлаган ном!  
Кўнгилларга нур берган исм!  
Алишербек, маликул калом  
Бул исмга жойламиш жисм,  
Ки ул ёнмиш тенгсиз фироқда,  
Ҳижрон босмиш руҳи равонни.  
Дард забтига олгани чоғда,  
Балогардон айламиш жонни!  
Оташзабон ошиқ висол деб,  
Ёр номини санаб муқаддас,  
«Заранг замон, сўрсанг-чи, ҳол!...»  
деб  
Санг диллардан интиқ кутди сас...  
Ана меҳр, шафқату ихлос,  
Садоқату сабр ила сабот!  
Қудрат шунга ҳавас қилиб, рост,  
Фарзандига от қўйди: «Фарход!»  
Кўнглида ҳам ишонч уйғонди,  
Еруғ умид чарақлаб ёнди:  
Бўлгай ўғлин қисмати ўзга,  
Эл-юртига хизмати ўзга!

### 3

Фарход... Қудрат ушмундоқ йўсин  
Сўзда қўрди янгича маъно:  
«Ф» ҳарфи, бу — фаҳмли бўлсин,  
Адаб ўғли бўлсин аввало.  
Азияту меҳнат кўрса, бас,  
«Р» — раҳмдил бўлур бегумон.  
«Ҳ» — ҳаётга қўйса чин ҳавас,  
Замонни ҳам ардоқлар ўғлон,  
Ёр севади, орттиради дўст,  
Инсонийлик илмин уқади,  
Сўнгра қалби эрса тандуруст,  
«О» — озодлик дарди юқади.  
Юқади-да, юраги сизиб,  
Кўп нарсани фаҳм этгувси,  
Уфқларнинг пастлигин сезиб,  
«Д» — дунёни англаб етгувси!  
«Инсон» — деган шарафли унвон,  
Шундай эрга ярашур чунон!  
Бу Қудратга этмади насиб,  
Балки Фарход бўлур муносиб.

### 4

Айлар экан умрин сарҳисоб  
Изн бериб гоҳо хаёлга,  
Топа олмас Қудрат ҳеч жавоб  
«Инсонманми?» деган саволга.  
Йўқ, йўқ, ўзи одамдай одам,  
Хўраги соз, ҳар доим пўрим.  
Ортда қолмай дея дунёдан  
Илму фанга берган қалб қўрин.  
Бироқ қўрқоқ, журъати йўқ ҳеч!  
Илвиллаган кўпик каби суст!  
Муҳтарам зот Петр Юрьевич —  
Жигарбанди Петр дабдуруст  
Худди шуни юзига солди,  
Тан олмасин ўзи ҳам нечун?  
Ажаб қайдан ёпиша қолди  
Ваҳма деган балойи очун?  
Ҳар юмушга боқиб, бечора,  
Излаб қолар эҳтиёт чора,  
Ҳадиксирар Беликов мисол:  
«Юз бермасин биронта кор-ҳол!...»

### 5

Сал нарсага дилдан қувониб,  
Еру кўкка сиғмай қолгувчи,

Қудрат дўсти Пётр Иванов,  
 Ҳаётсевар, чақ-чақ поручик,  
 (Унг қўлида доим оқ қўлқоп  
 Опоқ доғни яшириб юрар),  
 Лермонтовни ардоқлаб, алқаб  
 Шеър айтмоқни жуда хуш кўрар:  
 «Ҳаётимнинг ташвишли они,  
 Юрагимни чулғаганда ғам,  
 Эслайману ажиб дуони,  
 Такрорлайман такрор ўшал дам.  
 Такрангдан тоғ тушгандай бўлар,  
 Ортда қолиб кетар гумонлар,—  
 Қалбга — ишонч, кўзга ёш тўлар,  
 Қушдексану йўқдек армонлар...»—  
 Жимиб қолар Пётр ногаҳон:  
 «Қудрат, ахир одамзод қачон,  
 Қўрқиб яшаб шараф тоғибди?  
 Гул ҳаётнинг болин тоғибди?»

## 6

«Хўш, айтинг-чи, жаноб поручик,  
 Юрт хизмати учун шаймисиз?  
 Ўлжасига човут солувчи  
 Соҳибчангал қарчиғаймисиз?..»  
 Жавоб айлар Пётрнинг ўзи,  
 Дабдабали қилиб овозин:  
 «Шайман, жаноб! Поручик сўзи  
 Доим битта — розиман, рози!..»  
 Қудрат эса гапни тингламас,  
 Не учундир сочилар хаёл.  
 Йўқ, тинглару дўстин, англамас,  
 Малол келар қулоққа, малол.  
 Миясида ялт этар фикр:  
 «Ҳарбий... ҳарбий бўлса-чи,

Фарҳод?»

Бироқ хаёл пуршиддат, тезгир  
 Шаҳрихонга олиб кетди бот!  
 Сен қўрқмайин ким қўрқсин,  
 Қудрат?  
 Шаҳрихонни босибди кулфат,  
 Қўрқитгувси бисли жаҳаннам,  
 Менман деган жўмардларни ҳам!

## 7

Етиб келди Қудрат тез. Ҳайҳот!  
 Нечун кутиб олмади падар?  
 Тилка-пора бўлибди ҳаёт,  
 Маънос турар хароба шаҳар!  
 На уй қолмиш, на гуллаган боғ,  
 Кул бўлибди куйиб хонумон,  
 Уксик Қудрат паришон димоғ,  
 Ғунчақиздан топмади нишон!

Туртинганча изиллайди ел,  
 Кимсасиздир ташландиқ шаҳар.  
 Биров демас: «Ҳой, буёққа кел!»  
 Бирон кучук хўрсайди агар  
 Хурсанд бўлиб кетарди Қудрат!  
 Олар эди дилдан ғуборни.  
 Бирдан тиниб... девона сифат  
 Қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди!  
 Ёш истарди ва лекин кўзи.  
 Келиб турди бўғиқ кулгуси  
 Кўчалардан, харобалардан,  
 Олис-олис масофалардан...

## 8

Энди йиғлар шўрингқурғурим,  
 Тўхтатолмас ўзин хўнг-хўнгдан.  
 Хира тортар қалбининг нури,  
 Тоғдай келган ғам-ғусса, мунгдан.  
 Қулаб ётар дарвоза ана,  
 Остонага ўтириб йиғлар.  
 Ҳар ён ҳароб, ҳар ён вайрона...  
 Даҳшат! Даҳшат бағрини тиглар!  
 Ногоҳ туриб қоча бошлар у,  
 Кимдир қувар. Нима у, нима?  
 Ўзин ўру қирга ташлар у,  
 Юрагида қўрқув, ваҳима!  
 Қочиб юрди тун-оқшом қадар,  
 Ҳориб ҳолдан тойди-да ғоят,  
 Ухлаб қолди ўликдан баттар  
 Бир айвонга кириб ниҳоят...  
 Кун ухлади, тун ухлади ул,  
 Тун ухлади, кун ухлади ул...  
 Бошқа одам бўлиб уйғонди.  
 Ўтмишидан бутунлай тонди.

## 9

Бошқа одам эди у энди:  
 Ғунчақизни олиб қочган ҳам,  
 Москвадаги дорилфунунда  
 Таҳсил кўрар толиби фан ҳам,  
 Насриддинга бир пайтлар шўх-шўх,  
 «Ай лав ю»ни айтган ҳазилвон...  
 Афсус, энди у Қудрат йўқ, йўқ...  
 Бор кўпикдек илвиллаган жон,  
 Синган сабр, нураган сабот,  
 Шиддатсиз ўй, журъатсиз қадам...  
 Ногоҳ келса бало-ю офат  
 Шундай куйга тушаркан одам!  
 ...«Қудратмисан?»— Кампир товуши  
 Эшитилди йироқ-йироқдан.  
 Йигит боқди: ўнгими, тушми?  
 Соё бўйида, шундоқ қирғоқда

Ултирарди Ойчучук кампир!  
«Қудратмисан? Вой тавба, гапир!»  
«Энажоним, ўша Қудратман,  
Тўкис-тугал гаму гурбатман!»

## 10

«Насриддиним, жону дилимни  
Кўрмадингни ўша ёқларда?  
Отанг азиз билди ўлимни,  
Кўзларида — тупроқдан парда...»  
Адо бўпти Ойчучук кампир  
Бамисоли қуриган дарахт.  
Шўрлигина сўйлайди бир-бир,  
Қудрат бўлар тобора карахт.  
...Бой ўлипти, Жиззахдан учиб  
Қайнотаси етиб келибди.  
Кампирни ҳам қизига қўшиб  
Бирга олиб кетмоқ бўлипти.  
Бироқ она — мунис, меҳрибон,—  
Елғизидан бўлиб умидвор  
Шаҳрихонда юрибди ҳамон,  
Кўзларида шашқатор ёш бор...  
Қудрат деди: «Бўлди, бас, эна!  
Бунда қолмоқ яхшимас, эна!  
Юз бермасин биронта кор-қоҳ..  
Жиззах сари жўнайлик дарқоҳ!»

## 11

Хайҳот! Кимга суянмоқ даркор?  
Ночор экан ҳаттоки Тақсир!  
Ҳазратни деб бекордан бекор  
Ўлиб кетди Азимбой ахир!  
Жаҳолат — мос телба тўлқинга,  
Ўша берди қўлларга қилич!  
Бўлармикин суянчиқ унга  
Муҳтарам зот Пётр Юрьевич?  
Қилич тутмоқ — нодоннинг иши,  
Милтиқ отмоқ — хашаки бир гап.  
Шўрлик элнинг қонли кечмиши  
Худди шунини турибдир сўйлаб.  
Чора недир? Илк бор қотди бош,  
Йўл йўқотган сайёра сифат.  
Ҳа, ҳа, элга нур сочсин қуёш,  
Бир қуёшки,— оти — Маърифат:  
Маърифатли бўлса эл агар,  
Жаҳолат ҳам кетгуси бадар,  
Ривож бўлур кўлмак ҳаётда,  
Улкан Ерда, кенг коинотда!

## 12

Ўша-ўша ҳадик ва даҳшат,  
Ҳисси бордир Қудрат қонида.

«Кўрқоқ» деган бир тавқи лаънат  
Турар доим исмин ёнида.  
Икки гапнинг бирида шаксиз  
Пётр ҳазил қилиб қўяди.  
Қудрат қўшмас биронта гап, сўз,  
Нари борса кулиб қўяди.  
Сабоқ билан банддир эрта-кеч,  
Гунчақизга мактуб битар гоҳ.  
Муҳтарам зот Пётр Юрьевич  
Доим унга қарар ҳайрихоҳ...  
Қудрат бир кун деди Пётрга:  
«Кўрқоқдирман эҳтимол ўзим,  
Мен падарман Фарҳод — ботирга!  
Тумор қилиб тақиб ол сўзим:  
Кўзим очиқ, эканман ҳаёт,  
Ҳарб илмига ўқийди Фарҳод!  
Ҳа-ҳа! Ҳарбда сарвар бўлгуси!...»  
Жаранглади Пётр кулгуси.

## 13

Илму урфон — кўнгил рўшноси,  
Зимистонда чақнаган учқун.  
Гарчи учқун, ва лек зиёси —  
Шуъласидан пораланур тун!  
Равнақ тилаб учқунга, охир  
Келар дебон ёлқин замони,  
Мактаб очди Тошкентда шоир,  
Тўқувчининг ўғли Авлоний!  
Илмда, деб ҳаётнинг мағзи,  
Самарқанддай кўҳна заминда  
Мактаб очди Шакурӣ, Ажзий  
Ҳалвоида, Ражабаминда!  
«Қачон битгай қадим бўстонда  
Бу бидъат ва мажусиятлар?»—  
Мактаб очди Ҳамза Қўқонда,  
Юрагида тоза ниятлар!  
Юртнинг шундоқ ўғиллари бор,  
Бор қилгувчи йўқсиллари бор!  
Шу вазданким илмга қараб  
Талпинмоқда қалблар парпираб!

## 14

Тоғ бошида бўлса гар тўфон,  
Қоришиқ сел оқса шиддаткор,  
Айтинг, Ерга ундан не ҳаён?  
Шўрлик халққа қандайин наф бор?  
Бешинчи йил, қонли якшанба,  
Оллангирди тарихнинг юзин,  
Ва жаҳидлар эринчоқ, танбал —  
Янглиғ базўр очдилар кўзин.  
«Ҳуқуқ бер, эй ҳокими мутлоқ!»—  
Дебон гўё айлаб «таҳдидлар»,

Замон қалқиб, қалтираган чоқ  
 Журъат аён этди жадидлар!  
 Урфонга йўл излаб кўрарлар  
 Беҳбудий ва Мунаввар қори.  
 «Тараққий»ни ўқинг, жўралар!  
 Ана «Хуршид», ана «Тужжор»и!  
 На раҳбар бор, ва на бир дастур,  
 «Жадид» деган сўз бўлса басдир.  
 О, умрлар кечди шарафсиз,  
 Қоришиқ сел сингари нафсиз!

## 15

Қудратни ҳам қаърига тортди  
 Уч-қуйруқсиз бўтқа фалсафа  
 Ва дилига ёруғлик ортди,  
 Енгил сизди ўзин илк дафъа.  
 Қўрқув айлаб борлигин торож  
 Кўраверди тескари тушлар.  
 Матал борким, йўқ эса илож,  
 Чўкаётган — илонни ушлар!  
 «Жадид» деган сўз латофати  
 Сарин елдай бахш этар ҳузур.  
 «Ахир келгай вақти-соати —  
 Дер Суюнбой — минг бора шукур,  
 Эл ичида бизни ҳам ўйлаб,  
 Ғамимизни егувчилар бор.  
 Ҳақимизни ҳимоя айлаб,  
 Нафимиздан дегувчилар бор!»  
 Мамнун Жиззах бойларин шери,  
 Ҳар йил сотар юз минглаб тери,  
 Босқоғи йўқ, бари қоракўл,  
 Хашак пулмас, тилло — сара пул!..

## 16

Қудрат энди маорифпеша,  
 Кенгроқ ёймоқ бўлди қулочин:  
 Тасарруфни этмай андиша,  
 «Дорулайтом» мактабин очди.  
 Буюртирди янги парталар,  
 Шогирдларга кийим-кечак ҳам,  
 Курраи арз, турли карталар,  
 Китоблару дафтари қалам.  
 Ҳисобдан сўнг бошларкан яна  
 Жуғрофия аталган дарсни,  
 Болаларга кўрсатар мана  
 Айлантириб курраи арзни:  
 «Бўлажаксиз улкан ҳали сиз,  
 Кўражаксиз яқин-йироқни.  
 Шу Ватаннинг фарзандларисиз,  
 Қадр айланг она тупроқни...»  
 Қулоқ солар севикли Фарҳод,

Совунгарнинг фарзанди Мурод,  
 Қал Солининг ёлғизи Жалол,  
 Отаси йўқ, етимча Камол...

## 17

Шижоатли Гунчақиз бегим  
 Дилбар бека, суюк хотинча,  
 Бойнинг қизи, бугун-чи лекин  
 Отинойи бугун, отинча!  
 Ун қизчани йиғар уйида,  
 Ки қизлар ҳам саводли бўлсин.  
 Барчасидан чаққондир жуда  
 Очил новвой қизчаси Гулсун!  
 Сархат ёзиб берса тахтага  
 Бир лаҳзада кўчириб олар.  
 Саккиз яшар қизнинг шахдига  
 Отинойи баъзан лол қолар...  
 ...Янги мактаб, синфлар таҳзирий!<sup>1</sup>  
 Орзулар мўл, дилда армон кўп.  
 «Самарқанд»<sup>2</sup>да мактабди Ажзий  
 Шакурийнинг мактабини хўп.  
 Қудрат жўнар Шакурий сари,  
 Ажиб бўлди сафар самари:  
 Қўқондан ҳам келибди меҳмон,  
 Ёш муаллим, исми — Ҳамзахон...

## 18

Шартта-шартта сўзлар муаллим,  
 Ўзи ҳам нақ милтиқ ўқидай.  
 Сўзларида ишонч лиммо-лим,  
 Олов пинҳон кўзин чўғида.  
 Қайдан олмиш бунча умидни?  
 Қайда унда қалқимас журъат?  
 Тинглар экан шаддот йигитни  
 Ҳайратланди ёш жадид Қудрат:  
 «Урф бизларга ота меросими?  
 Қонимизга сингимиш бидъат.  
 Аждодлар дард чеккани озми?  
 Бас, авлодга қилайлик шафқат:  
 Алар хуршид саодатларин  
 Еткурмайлик заволга ортиқ  
 Нурга кўмиб ибодатларин  
 Самари илм айлайлик тортиқ!  
 Дилга тугдим хориж сафарин,  
 Ташлай дейман холис назарим:  
 Нечук яшар у ёнда эллар?  
 Не умид-ла тепади диллар?...»

<sup>1</sup> Бошланғич.

<sup>2</sup> Газета назарда тutilмоқда.

(Давоми бор)





Шухрат

# ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

ҚИССА

*Бу воқеалар — эшитмаган қулоқ,  
кўрмаган кўзга бир эртақ.  
СУҲБАТДАН.*

I

Матлуба кеча Тошкентдан хат олди. Маъноси — ўтирган бўлсанг, тур, турган бўлсанг йўлга туш! Унинг кўз олди қоронгилашиб кетди. Энди нима қилди? Эрининг олдига, госпиталга чопди. Йўлда мактабдан келаётган ўғли Рустамни учратди. Рустам ҳар қачонгидек ўйинқароқ. У ити билан қувлашиб, гоҳ олдинга ўтиб кетиб, гоҳ кейинда қолиб, гап қотиб келарди; итнинг оғзига бир қарич келадиган ёғоч тишлатиб қўйган, гоҳо уни оғзидан олиб, узоққа улоқтиради. Ит зинғиллаганча бориб, топиб келади. Гоҳо уни отгандай бўлиб алдайди, ит қаерга тушганини билмагандек аланглаб қарайди. Унинг аланглагани, ҳаяжонлангани етмагандек Рустам: «Қани топ!» деб яна қистайди.

Рустам итни жуда яхши кўради. Ёлғиз ўғил бўлганиданми, уйда у билан ўйнайдиган бошқа бола бўлмаганиданми, шу «Сергак» билан зерикмайди. Ити ҳам унинг меҳрибонлигини билади. Рустамнинг гашига тегадиган ёки ота-онасининг қаҳрини келтирадиган бирон бир ножўя ҳаракат қилмайди. То олдига овқат қўйилмагунча ялангсиб суқатойлик қилмайди. Биров келса, вовиллайвериб жонга тегмайди. Рустамнинг хонасига туташ балконда яшайди, ташқаридан ўтадиганлар билан иши йўқ. Ўзи ҳам мушукдан сал катта: мана уч йилки, ўсмайди.

Рустамни эрталаб дарё бўйигача кузатиб боради, кейин унинг оёқларига ёпишиб эркаланади, калта-калта вовиллаб хайрлашади. Анча

ергача Рустам у билан қўл силкиб ҳайрлашиб боради. Олдига имо билан чақирса ҳам бормайди, думини ликиллатиб, вовиллаб жойида тура-веради, гўё бу билан: «Сен мендан хавотир олмасдан ўқишингга кета-вер», дейди. Эгаси кўздан ғойиб бўлиши билан уйига — орқасига қараб югуради. Энди у Рустам билан келаётгандек думини кўтариб эмас, осилтириб чопади. У Рустамнинг келиш вақтини яхши билади. Эшик очиқ бўлмаса, ғингшиб, эшикни тирнаб, ниятини англатади. Матлуба дарров тушунади, девор соатига қарайди: «Ҳа, ўлақол, эганнинг келадиган вақти бўлдим!» дейди-ю, эшикни очиб туради. Ит ўқдек отилиб чиққанича, елиб кетади. Эрталаб қолдириб келган ерида кутиб олади. Мабодо Рустам мактабда тутилиб қолса, гўё аламдан бир-икки вовиллаб, атрофга термилиб туради-да, кейин уйга қайтади. Унинг думини осилтириб хомуш кириб келиши Рустамсиз қайтганидан дарак беради. Матлуба унга тегишади: «Қовоғингдан қор ёғмай қўяқолсин, ҳозир келади. Бор. Кўчада ўйнаб тура тур!» деб уйга киритмайди. «Сергак» дарров зерикиб қолади, ҳатто қўшнингнинг мушуги ёнидан ўтса ҳам иши бўлмайди. Бўлмаса итмасми, мушукнинг жигига тегишни яхши кўради! Шунда, аллақерда таниш ҳуштак янграб қолади. Сергакнинг қулоғи динг бўлиб, бир лаҳзагина қотиб қолади-ю, ҳуштак келган томонга учади. «Нега кеч қолдинг? Мен йўлингга чиқиб келдим», дегандек суркалиб, унинг қўлларини ялайди. Уйга яқинлашуви билан Рустамни кетда қолдириб, уйга келади.

— Рустамжон келаяптими? Билдим! — деб Матлуба унинг бошини силаб қўяди, ит эса хуш ёққандек кўзларини сузиб, пирпиратади. Бу орада етиб келган Рустам уни бошлаб, ўз хонасига олиб киради. Ит хотиржам бўлиб, бурчакка бориб ётади.

Якшанбани-ку Сергак жуда яхши билади. Рустамнинг ёнидан кетмайди, нима деса, шуни тушунади.

— Итинг ўзингдан ҳам ақлли! — деб кулади дадаси ҳарбий врач Акбар. Рустам хафа бўлмайди, балки шундай ити борлигидан фахрланади:

— Фақат гапирмайди-да, тили йўқ. Тили бор-ку, гапиришни билмайди. Нега шунақа, дада?

— Табиат шундай қилиб яратган!

— Тили-ку бор, гапирадиган қилса бўладими? Тўти қушни гапиришга ўргатишади-ку!

— Билмадим! — ҳайрон қолади Акбар. Акбарнинг эсида бор: бундан бир неча йил аввал қирда гул-чечаклар териб, сайр қилиб юришганда: «Дада, гулларнинг ҳаммаси бир ерда ўсади-ю, нега бири қизил, бири сариқ, бири оқ бўлиб очилади?» деган саволни бериб, ҳаммани ажаблантирган ҳам шу ўғли эди-да!

— Ўзинг бир ҳаракат қилиб кўрасанми? — деди Акбар ўшанда ҳазилга олиб.

— Бўпти! — деди Рустам гўё шу иш қўлидан келадигандек яйраб.

У дадасининг ҳазилини тушунмаган эди. Буни пайқаган Матлуба гапга аралашди:

— Энди битта камии шу қолувди? Қаёқдаги нарсаларни боланинг эсига соласиз!

Ўғлининг бир нарсага аҳд қилса қаттиқ киришувини яхши билган Акбар чекинишга мажбур бўлди:

— Айтдим-қўйдим! Итнинг гапиришга ўрганмаслигини ўзи яхши билади. Яхши биласан-а?

Рустамнинг қалбидаги ҳавас ўти бу гаплар билан сўнмаган эди шекилли, малол келгандек кўзини дадасидан олди. Урнидан туриб, хонасига кириб кетди. Бир оздан кейин очилиб чиқиб келди. Қўлида ҳар хил итларнинг суратлари солинган, таърифи берилган китоб.

— Мана буни қаранг, дада, бешта медали бор-а! Ўзи ҳам роса ит экан-да, шердай келади! Мана шунақа ит бўлса!

— Сенинг Сергагинг ҳам чакки эмас, ўғлим! Қимнинг ити эгасини ўқишга кузатиб қўйиб, яна кутиб олади?

Рустам яйраб кетди:

— Ўзим ўргатганман!

Мана шу ўзи ўргатган ити билан қувлашиб, келаётган Рустам она-сини кўриши билан аҳволни тушунди:

— Ҳа, ойи, қаёққа кетяпсиз?

Матлуба жавоб ўрнида унинг бошини силаб қўйиб, йўлида давом этаверди. Рустам онасига эргаши.

— Қўлингиздаги нима, ойи?

Матлуба хатни узатди. Рустам шошинқираб конвертдан хатни олди-ю, лекин ўқиёлмади. Хат ўзбекча бўлса ҳам, лотинча имлода эди.

— Немисчами, ойи?

Матлуба ўз хаёли билан бўлиб, индамади. Рустам бечора бу хатнинг ўзбекча-ю, лекин бундан олдинги имлода эканини билмасдан ҳайрон эди.

Она-боланинг ҳаяжонли елиб келаётганини деразадан кўриб турган эканми, Акбар эшикда кутиб олди.

— Тинчликми?

— Дадам! Дадам...— деди-ю, Матлуба йиғлаб юборди.

Рустам ҳанг-манг бўлиб қолди. У ҳамиша хушчақчақ, очилиб-сочилиб юрадиган онасини умрида биринчи марта шу алпозда кўриши эди. Дадаси хатни ўқир экан, Рустам онасининг бағрига кириб, унга тасалли беролмаса ҳам, болаларча талпиниб, суйкалиб ўз муносабатини билдирарди. Она ҳам бир қўли билан кўз ёшини артса, бошқа қўлини Рустамнинг елкасига қўйиб турарди.

— Дард бошқа, ажал бошқа, хотин,— деди хатни конвертга солар экан Акбар.— Ваҳима қиладиган ҳеч нарса йўқ-ку.

— Оғирмишлар-ку.

— Авваламбор, даданг оғир бўлмаслиги керак. Оғир бўлса, ўзи ҳам телеграмма бердирарди. Бу опангнинг навбатдаги ваҳимаси. Опанг ўзи шунақа, қозон осмасдан олдин олов ёқади! Ҳамма ёқни тутунга тўлдириб юради.

Опасининг феълини билган Матлуба индамади. Лекин бари бир кечга бориб шу масалани яна қўзғади:

— Қўнглим хира бўлиб кетяпти. Хатда жон бор.

Акбар билдики, хотинининг юрагига аланга тушган. Ҳали-вери ўчмайди. Энди минг бир хаёлга бориб, кечаси ҳам ухлолмай чиқади, ўзи тўқиб, ўзи ишониб ваҳима қилаверади.

— Нима дейсан, бориб келасанми? — деди Акбар охири.

— Қани эди! — кўнглида тугиб турган эканми, Матлуба бирдан қониқшишни билдирди. Кейин илтижо оҳангида қўшиб қўйди: — Сиз-чи? Сиз бормайсизми?

— Мен...— ямланди Акбар. У боя ишдан қайта туриб штаб бошлигининг ҳузурда бўлган, шундай бир хат келганини айтиб, «бориб келишга тўғри келадими?» деган, лекин штаб бошлиғи бўйинини қисиб, мужмал жавоб қилган эди. Акбарнинг ҳозир иккиланиши ҳам шундан эди.

— Жавоб беришса, албатта бораман. Сен Рустамни олиб, эрталаб йўлга чиқавер.

— Сергакни нима қиламиз? — шошиб қолди Рустам.

— Сергагинг ўлсин орага суқилмай,— деди Матлуба ижирганиб.— Даданг бор-ку.

— Дадам ҳам бораман деяптилар-ку?

— Ҳали номаълум, ўғлим, борадиган бўлиб қолсам, Сергакни одам-сиз уйга қамаб кетмасман.

Рустам Тошкентга борадиган бўлганидан ҳар галгидек шаталоқ отиб қувонмади. Кўриб турибдики, онаси зарурат юзасидан кетяпти. Бу-васи касал, оғир касал, онасининг кўнглига чироқ ёқса ёримайди.

— Поездда кетасанми, самолётда? — Аниқламоқчи бўлди Акбар.

— Самолётда. Нима бўлса бўлди — таваккал. Поездда етиб бор-гунча ўпкам узилиб кетади!

Матлуба самолётни яхши кўрмас, бир маҳал бир учганда кўнгли айниб анча безовта бўлган эди. Шу-шу самолётга тоқати йўқ. «Йўллар-ни томоша қилиб кетамиз», деб эрини поездга кўндиради. Бугун, энди, мажбур, бошқа иложи йўқ. Унинг назарида, дадаси жуда оғир, икки кўзи тиқ этса, эшикда, уни кутиб, унга илҳақ бўлиб ётибди. У тез-да етиб бормаса, армонда қолади. Ахир, қанақа дадаси борки!... Ҳам-манинг дадаси ҳам уникига ўхшаган бағри кенг, феъли равшан, ши-рин сўз, замонга қараб фикр юритадиган билимдон бўлсин-чи! Инқи-лобдан илгари Қозон мадрасида ўқиган бўлса ҳам, диндор бўлмаган, балки билим ордириб, кўзи очилиб келган. Инқилоб бўлиши билан унинг томонига жони-дили билан ўтиб, фидойилик билан хизмат қилган. Ҳатто олдинга «қизил қори» лақабини олган, кейин Москвада ишла-ганда «ўртоқ Афзалов» бўлган, одамлар унинг исмини тушириб қолдир-са ҳам, лекин «ўртоқ» сўзини эсидан чиқармасди. Гўё шу «ўртоқ» сўзи қўшилмаса, камситилаётганга ёки бошқа одамга айланиб қолаётганга ўхшарди. Ҳалигача унинг исмини айтса, танимайдиганлар бор, лекин «ўртоқ Афзалов» дейилса бас, ҳеч қандай изоҳга ўрин йўқ.

Матлуба эсини танибдики, дадасининг қўлида газета кўради,— бўш қолса ўқийди. Радио ҳам уларнинг уйига биринчи тушган. Пате-фонни Москвадан олиб келган. Айниқса у Муллатўйчи аканинг «Қора кўзим» пластинкаси билан Тамарахонимнинг «Рўмолим»ни яхши кў-рарди. Ҳар дам олиш куни бир-икки қўйиб эшитмаса, кўнгли тўлмас эди. Москвада ишлаган пайтида ҳам ўзбекча пластинкаларни йиғиб ке-ларди. Ана ўшанда Матлуба немис тилига қизиқиб қолган.

Уларнинг немис қўшниси бор эди: Германиядан чиққан. Эри кат-та революционер, хотини Москва мактабларидан бирида немис тилидан дарс беради. Уларнинг фарзанди йўқ эди. Шунинг учунми, ёки Мат-лубанинг ўзи болалигида ширин бўлганми, Матлубани «Люба! Люба-жон!» деб қўлларидан қўйишмас, айниқса хотини Лиза хола уйда ёлғиз қолди дегунча уни чақириб олар, гапга солиб, немисча суратли китоб-лар кўрсатар, ўқиб беради, немисча сўзларни ўргатарди. Матлубанинг зийраклиги, ўргатган сўзни дарров ёд олиб, тўғри талаффуз этиши уни мафтун қилиб қўйганди.

— Люба бало. Тил ўрганиш қобилияти зўр! — деди Лиза хола бир куни «ўртоқ Афзаловга».

— Ёш-да.

— Йўқ, зеҳни ўткир!

Шу сўхбат баҳона бўлди-ю, Лиза хола унга астойдил тил ўргата бошлади. Бунга аввало на дадаси, на касалванд онаси аҳамият берди. Бир куни қарашса, Лиза хола Матлуба билан немисча чуғурлашяпти. Матлуба ҳам тушуниб, бинойидек жавоб қайтаряпти.

— Русча ҳам энди қолдими? — деб кулди онаси.

— Қўявер! Тил билганнинг зиёни йўқ. Урганаверсин!

Матлуба мактабда немис тили киргунча бемалол немисча гапла-шадиган бўлиб қолган эди. Кейин шуни касб қилиб танлади. Институт-нинг иккинчи курсида «оилавий сабаблар» билан ташлаб кетган бўлса ҳам, кейин сиртдан туриб битириб олди. Бу пайтда Рустам мактабга қатнайдиган бўлиб, эри — ҳарбий врач Акбар яхшигина хирург сана-

либ қолган эди. Мана икки йилки, ғарбий чегаралардаги қалъалардан биттасида хизмат қилади. Ҳзи эса мактабда немис тилидан дарс беради.

Матлуба эрталаб туриб йўлга тушди. Акбар аэродромгача кузатиб борди, лекин самолёт кетгунча сабр қилиб туролмади: операция тайинлаган экан!

— Бормасам бўлмайди, кутиб қолишади!

— Майли,— деди тун билан бўлари бўлган Матлуба бўшашиб.— Сиз қачон йўлга чиқасиз?

— Жавоб беришса, вассалом — кечқурун рухсат тегса — эрталаб, эрталаб жавоб тегса, кечқурун олдингдаман-да! Сен хавотир олмай боравер,— деди жўрттага ўзини қувноқ кўрсатмоқчи бўлиб Акбар. У хотинининг эзилиб кетганидан юраги увишиб турган эди. Хотинининг одадини биледи, сал қайғурса, уйқудан қолиб, ётиб олади. Яна кулиб туриб қўшди: — Дадангнинг аҳволи яхши. Кечаси туш кўрдим.

— Яхши тушми? — бирдан тушга ишонадиган кишидек қизиқиб қолди Матлуба.

— Яхши! Жуда яхши! Даданг боғда сув очиб юрибди. Сув ёруғлик.

Акбар бун тўқиган эди. Сири очилиб қолаётгандек жўрттага ўғлининг сочини ўйнаб деди:

— Бунинг сочини текислаб қўй, ўсиб кетибди!

— Уч кун бўлди-ку, дада?— дарров жавобини қилди ўғли.

— Билмабман. Менинг кўзимга шунақа кўринибди-да, кечир, ўғлим!

Акбар хотинига далда бериб хайрлашар экан, кўнглига тинчлик солди:

— Ҳаво очиқ, шамол йўқ, самолёт яхши учади. Кўп ўйлама! Иложини топсанг, сал мизғиб ол!

Рустам дадасининг бўйнидан қучоқлаб туриб таъкидлади:

— Сергак оч қолмасин, дада!

— Оч қолмайди. Маро бувиникига элтиб қўяман.

— Майли!

Маро буви дегани қўшни қишлоқда истиқомат қиладиган армани хотин. Акбар, унинг ўғли машина авариясига йўлиққанида икки марта операция қилиб, ўлимдан олиб қолган. Шу-шу Маро буви бу ҳонадоннинг фидониси, туғишгандан яқин, икки гапнинг бирида «Ўлгунимча қўлингман, Акбаржон!» деб кўзига ёш олади.

Кўнгли бўшашиб турган Матлуба эриб кетиб, самолётга чиқишга таклиф қилинганда бирдан ўпкаси тўлиб, кўзига ёш қалқди. Назарида дадасининг жанозасига кетаётгандек бўлиб, ўзини ёлғиз ва ғариб сизди. Бу кайфият уни узоқ вақт ўз исканжасида тутди. Сўнг олағовур хаёллар оғушида ухлаганини билмай қолди. Бир маҳал кўзини очса, самолёт пасайиб кетяпти. Ўғли ҳамон ухлаб ётибди. Самолёт асфальтдан тош йўлга чиққан оғир автомобилдек бир-икки қалқиди. Самолётнинг ғилдираги ерга текканида Рустам уйғониб кетди.

— Нима қилди, ойи?

— Қўняпмиз! Тур! — онанинг иккала кўзи самолётнинг дарчасида, гўё опасими, поччасими кўринади, йиғлаб-йиғлаб кўзлари қизариб кетган бўлади. «Йўқ,— деди мудҳиш хаёлни қувиб Матлуба.— Нега энди йиғлаган бўлади. Акбар айтди-ку, даданг яхши деб. Дадам яхши, тузалиб қолган бўлиши керак. Ҳа, албатта яхши бўлиб қолган. Тузалиб кетиши керак».

Матлуба олдига Рустамни солиб, зинадан тушаётганда, кўзи поччасига тушди. «Дадам яхшими?» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Поччаси уни эшитмади, у ҳам поччасининг нима деганини билмади. Югуриб бориб, тўхтаб қолди:

— Дадам яхшими? Дадам...

— Яхши. Нега йиғлайсиз?

Чиндан ҳам дадаси анча яхши, лекин жуда ориқлаб кетган, териси устихонига ёпишган эди. Кўзлари қудуқ тубидаги сувдек милтиллайдди. Пешонаси чиққанга ўхшаб қолибди. Матлуба: «Ҳа, дадам бир ўлимдан қолибди», деб қўйди кўнглида. Лекин гинахонлик қилишни унутмади:

— Ҳа, дада, сизга нима ёмонлик қилувдим, шунча ётибсиз, билдирмабсиз?

— Дард меҳмон, тан қўрғон, келиб кетаверади, қизим. Рустамжоннинг боласини кўраман, деган ниятдаман, сен унақа қисқа ўйлама, қизим. Мана, отдайман.

Ота ўзини зўрлагандек кулиб қўйди. Шунда унинг этсиз юзлари буришиб, энли қошлари пешонасининг ярмини эгаллади. Матлубани қўрқитгудек ҳолда бўлган бу кўринишга опаси Мастура кўникиб қолган бўлса керак:

— Бу яхши бўлиб қолганлари. Мату. Бундан бир ҳафта олдин кўрсанг эди...— деди дадасига эшитдирмасдан.

Матлубанинг кўнглидан ўтди: «Яхшиси шунақа бўлса...» Эти жимирлаб кетди. Димоғи ачишиб, томоғига нимадир даф қилиб келгандек бўлди.

— Дада-ей, бунча қаҳрингиз қаттиқ бўлмаса... Бир оғиз телеграмма берсангиз-ку...

— Нима, эрингнинг тўппончасини олиб келиб, азроилни отарминдиг,— кулишга уринди ота.— Мана, ўзимиз ҳам муомиласини қилдик. Адашиб келиб қолибман. Ҳали вақт бор экан, деб қайтиб кетди. Қалай, ўзинг тинчмисан? Акбаржон яхшими? Мана, Рустамжон ҳам азамат йигит бўлиб қолибди.

Орқасида қўш ёстиқ қўйиб ўтқазилган ота невараси Рустамни бағрига олди. Ҳадеб унинг елкасига қоқиб, силаб, сочларининг орасига бармоғини тиқиб, тўзгитар эди. «Нега бунақа камгўштсан болам. Ойинг билан даданг сенга ош-нон бермайдими? Тошкентда қолгин, мен сени бир ҳафтада ҳожи Муқон қилиб оламан», дер эди.

— Бува-чи, бува, ҳозир семириш модамас, пишиқ ва чаққон бўлиш керак,— деди Рустам бобосининг бўйнига ташланган қўлини олиб, унинг чўкиб кетган, қорачиғи йирик кўзига қараб.

— Бўлмаса иккимиз айни муддао эканмиз-да!

Утирганларнинг юзига табассум сочилди. Рустам болалигига бориб, ҳақиқа кўчди:

— Йўқ, бува, сиз жуда ориқсиз, сал семиришингиз керак!

Бу ҳақиқат ҳам яна ҳаммани кулдирди. Отанинг ўзи яқун ясади:

— Бўпти, болам, семирганим бўлсин! Қани, овқат тайёрми, олиб келинглар. Неварам билан бир катта-катта туширай!

Олдин сурнай чалаётгандай хониш қилиб қайнаётган самовар кирди!

Матлубанинг келаётганини эшитиб, паловга сабзи босиб қўйилган эди. У эшикдан кириши билан гурунч солинган ва ҳалигина дамланган эди, самовар кириб, дастурхон янгилангунча етилди. Бир маҳал устига қоваток босилган ош иштаҳа очадиган бўй таратиб кириб келди. Отага алоҳида идишга сузишган экан, у рози бўлмади.

— Бугун бир сенларнинг қаторингда ўтириб еяй!

— Майли, дадажон, уриниб қоласизми деб...— Изоҳ берди катта қизи Мастура.

— Мана, кенжам келиб, касалим ҳам қочиб кетди. Иликларимга куч тўлганга ўхшайди.

— Майли! Майли! — дейишди ва хонтахтани отанинг олдига суришди.

Ота бошламагунча ҳеч ким паловга қўл урмай турди. Ота: «Қани, олинглар» деб қўл узатди. Матлуба отасининг ҳаракатини кўриб: «Ҳа, дадам энди иштаҳага кирибди!» деб ўйлаган эди, ош олишини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди: у чўқилаб ўтирарди! Рустамчалик ҳам ош емади.

— Ҳаракатингиз зўр эдику, дада, битта болача ҳам ош емадингиз?

— Киши қаригандан кейин, болам, куч кетиб, ғайрат қоларкан — ғайрат қилдим-у-кучим етмади.

— Бўлмаса коватокдан олинг, кўнглингизни очади!

— Оламан, болам, оламан, — ота ярми ошга кўмилиб кетган коватокнинг ипини суғуриб, кейин биттасини олиб, оғзига солди. — Ўзинг ол, қизим, йўлдан келгансан, ошни соғингансан!

— Нега соғинарканман, дада, ош қилиб тураман.

— Ҳа, энди кострюлда бўлган ош... Ҳа, ростанам кетишингда анави декчани, чўян қозончани олиб кет. Жуда сенларбоп.

— Вой, дада, чўян қозоним бор. Анави бир келганимда олиб кетганман.

— Билмаган эканман, — ростига кўчди ота. — Зира, қорақанд, чучук қалампир, умуман дориворлардан олиб кет. Овқатга таъм киритади. Мусофирликда юрганинг юрган, овқатинг бетаъм бўлмасин!

— Ҳаммасидан бор, дадажон. Қизим ғариб яшайди, деб ўйламанг. Қўчманчи бўлсак ҳам камчилигимиз йўқ. Нима қилай, олиб кетайми, бир кўриб келасиз. Ёнимизда дарё ўтади.

— Катта-катта балиқлари бор, — гапга аралашди Рустам.

— Оҳ, болам, менга йўлнинг яқинидан, жойнинг юмшоғидан гапир. Менинг боришимдан умид кутма, тез-тез келиб тур ўзинг!

Ота қизининг кўнгли учун яна битта коватокни оғзига солиб, узоқ чайнади, устидан чой ҳўплади.

— Чойингизни янгилаб берай, совиб қолгандир, — деди Матлуба қўл узатиб.

— Озроқ қуй, тезроқ совийди! — Ота шошмасдан қўлини артди, бир бурда ноннинг четидан ушатиб оғзига солди. Шунда ушоғи тўкилган эди, инқиллаб бўлса ҳам энгашиб олди. Қизининг: «Сиз уринманг, ўзим териб оламан», деганига қулоқ солмади.

— Нондан айланай, болам, барча ноз-неъматлар ичида кўнгилга урмайдигани нон. Палов ҳам, асал ҳам кўнглингга тегади, лекин нон кўнгилга тегмайди. Юз йил сидирғасига босиб есанг ҳам тегмайди.

Бу Рустам учун янгилик эди. Бунақа гапни умрида эшитмаган эди. Қизиқиб қолди, болалиги тутди:

— Нон шоколаддан ҳам ширинми?

— Ширин, болам, минг марта ширин! Шоколадинг тўқчилик эрмаги. Овқат ўрнига ўтмайди. Жонга тегади!

— Нон ҳеч кўнгилга тегмайдими?

— Йўқ, ҳеч тегмайди! Одамлик қадрини билган киши нонни азиз тутади, хор этмайди. Ерда ётса кўзига суртиб, бир четга олиб қўяди, ё сувга ташлайди, болам.

Гап Рустамга қаратилганини ҳамма билиб турарди. Рустам эса ноннинг ушоғини оёғи остида ётса бир четга олиб қўйишнинг маъносига тушунса ҳам, сувга ташлашдан маъно нима — фаҳламади.

— Нега сувга ташлайди, бува? — яна қизиқиб қолди. Ота фикрининг неварасига етиб бораётганини сезиб, уни бағрига янада қаттиқ босиб, сочларини силаб қўйди.

— Балиқларга овқат бўлади. Яъни оёқ остида қолмайди.

— Қолган нонни ахлат қутисига тўкишади-ку, бизнинг томонларда.  
— Шу нотўғри, болам,— яна таълим бераётгандек салмоқлади ота.— Ит ўлигининг ёнига одам кўмгандек гап. Бу беодоблик, тарбиясизлик, болам. Сен ўзинг ноннинг қолдиқларини оёқ остига улоқтирмайсанми?

— Йў-қ,— деди Рустам. Лекин ишончи комил эмас эди, нон бурдасини босиб ўтганини билмаганидек, уни авайлаб бир четга қўйганини ҳам эсламас эди.

Рустам бу гапларнинг маъносига яхши тушунмаган, идрок этиб ололмаган бўлса ҳам, шундай самимият ва қуйиниб гапираётган бобосининг сўзига ишонди. Ишонди-ю, бари бир кўнглининг бир четда шубҳа соя солганича қолди. Бу унинг отасиникига ўхшаган қорачиғи йирик кўзларидан, чимирилган қуюқ қошларидан яққол кўришиб турарди. Буни ҳаёт яхши-ёмонликларини кўравериб, кўзи чиниқиб, фикри ёришган, ақли етилган бобоси фаҳмлаб яқун ясади:

— Ҳа, болам, бу гапларнинг қадрига сенлар ҳали етмайсанлар. Сенлар эмас, сенлардан каттароқлар ҳам етмайди. Нон деганда кесак фазиллаган замонлар кишилар эсидан чиқди. Эсидан чиққани рост бўлсин. Ҳаёт яхши, маъмурчилик бўлиб қолди. Лекин нонни хор қилмаслик керак. Нонда гап кўп!

Чиндан ҳам Рустам бобоси ният қилгандек тушунмаган бўлса-да, нонга нисбатан кўнглида қандайдир ҳурмат пайдо бўлди, вужуди нур билан тўлгандек, кўз олди ёришди. «Ажабо, нонда шунча маъно борми?» деб кўнглига тугиб қўйди.

Бу орада ўртадаги лаган олиниб, ўрнига ҳалигина муздек сувда чайилган, сув томчилари ҳамон йилтиллаб турган бир товоқ қип-қизил гилос қўйилди. Рустамнинг кўзи ёниб кетди. Унинг бу ҳаяжони бобосининг кўзида акс этиб, юзини табассумга тўлдирди.

— Ол, болам. Яхши пишган экан. Ҳали сизларнинг томонда чиқмагандир?

Ота бир ҳовучни олиб, Рустамнинг олдига қўйди. Унинг орасидан битта қўшалоғини олиб, қулоғига илди. Яна биттасига Рустамнинг ўзи осди. Бунинг ҳам бирон маъноси бўлса керак деб ўйлаган Рустам бобосидан сўради:

— Қулоққа тақса нима қилади, бува?

Бу саволнинг қаёқдан туғилганини фаҳмлаган ота мийиғида жилмайди. Гўшт қочирган ориқ юзларининг териси буришиб кетди. Фақат қорачиғи йирик кўзлари аввалгидек ёниб турарди.

— Яхши бўлади. Бирпасдан кейин олиб ейсан!

Бу савол-жавоб Матлуба, опаси ва поччасининг ҳам юзига табассум сочган эди. Холаси кулиб туриб қўшди:

— Унга ҳам тўймасанг, устига чиқиб териб ейсан.

— Қани? Қаерда?

— Катта ҳовлида.

Рустам ўрнидан йрғиб туриб елиб кетди. Орқасидан онаси Матлуба бигиллаб қолди.

— Эҳтиёт бўл, йиқилиб тушма!

— Уғлинг пишиқ, зийрак бола бўлибди. Йиқилмайди, қизим,— деб далда берди ота.

Эртасига тушдан кейин Акбар етиб келди. Уй бирдан шодликка тўлди-қўйди. Болалари келиб бағри тўлганиданми, ота ҳам кечаги кунлардагидан кўра ўзини тетик сезар, дори ичиш ёдидан кўтарилган қолар эди.

— Йўқ-йўқ, бунақаси кетмайди. Олдин дорини ичиб олинг — деб катта қизи эсига солиб турарди.



— Вассалом!— деди гапга аралашиб Акбар.— Модомики дори ичиш беморнинг хаёлидан кўтарилган экан, демак у тузалибди!

— Дадам қасалмаслар, бизни соғинганлар,— хандон солиб кулиб деди Матлуба.— Тўғрими, дада?

— Бу гапинг ҳам тўғри! Қасал ўлгур ботмонлаб келиб, мисқоллаб кетади.

— Унақа қаттиқ соғинманг-да, мана биз келиб турибмиз-ку!

— Йилда бир марта!— Пичинг қилди ота.

— Бошқа иложи бўлмаса нима қилайлик. Энтикиб ёзни кутамиз.

— Дадасини соғинганларга йилда икки марта отпусқа берилармиш! — Гўшти қочган юзларини нурга тўлдириб ота жилмайди.

— Қачондан? — деб юборганини Матлуба ўзи ҳам билмай қолди. Кейин ҳазиллигини билиб, ўзининг бунчалик гўллигидан хижолат тортди. Эри унга қараб кулиб турарди.

— Куёв,— деб юз ўгирди ота.— Бир келганингизда ишимни шу томонларга кўчириш ниятим бор, дегандай қилувдингиз, бўлмадимми? Яқинга келиб қоласизларми, деб кўз тутгандим.

— Ҳозирча бўлмай турибди. Очигини айтсам, ота, шу кунда бу масалани кўтаришни ўзимга эп кўрмай турибман. «Ўзини ичкарига оляпти» деб ўйлашадими!

— Тўғри, масаланинг бу томони ҳам бор. Ўзинглар тинчмисизлар? Гитлер сизларнинг томонга қўшин тўплаб қолди, ўзи нима гап?

— Уруш бўлмайди! — деди қатъий қилиб Акбар ва хаёлидан кунни кечагина эшитган лекцияси ўтди.

— Йўқ, унақа деманг болам, ўзингизни гафлатда қолдирманг, Гитлернинг турқи бузуқ.

— Ахир, ўртада шартнома бор...

— Шартнома... ҳам... номардда лабз бўладими! — Отанинг юзи титрагандек бўлиб, кўзи пир-пираб кетди.— Лабида кулиб, муштини чўнтагида тугиб турибдими, деб кўрқаман.

Отанинг қатъий сўзлари Акбарнинг тилини боғлади. Унинг ҳам кўнглининг бир чеккасига шунга ўхшаш фикрлар келган бўлса-да, айтишга ботинолмаган, бироқ командирларнинг ўзаро гапларини эслagan эди. Тўғри, баъзида командирлар ўзаро «порох ҳиди келяпти», деб қолишади. Лекин расмий доиралар қатъият билан аксини айтади. Чиндан ҳам Акбар гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай юрарди. Отанинг сўзидан кейин фикри жиддий тусга киргандек бўлди: ота Москва кўрган, турли-туман доираларда юрган, кўп нарсага ақли етади! Бунинг устига ўзи зийрак одам.

Ота суҳбатни қизлари олдида давом эттиришни истамадимми ёки куёвини хижолат торттиргиси келмадимми, сўзни бошқа ёққа буриб юборди. Соғлигини, ишларини, об-ҳавони сўради. «Мусофирлик оғир!» деб кулди. Рустамнинг йигитча бўлиб қолганидан қувонди. Қизлари туриб-туриб кетгач, ҳарбий форма ярашиб турган куёвига энгашиб шивирлади:

— Чиндан ҳам тинчмисизлар ёки бирон нарсанинг ҳиди борми? Бунча армияни бизнинг чегарага тўплашдан нияти нима?

Акбар елкасини қисди. Нимадир дейишга оғиз жуфтлади-ю, кейин яна индамади.

— Бунда бир бало бор, куёв. Қўшинини дам олдирса, бизнинг чегарага олиб келадими! Йўқ, бунга ишонмайман. Ишқилиб, янглишган бўлайин. Уруш бошланса, дунёга ўт кетгани шу!

Акбар индаёлмади. Бу бир томондан, қўлида далиллари йўқлиги бўлса, иккинчи томондан, қайнотаси олдида ўз шубҳасини билдиргиси келмади.

Ота ҳам куёвининг сукутини шундай тушунди.

— Ишқилиб, уруш бўлмасин! — дедию суҳбатни якунлаган бўлди. Акбар эрталаб турса, телеграмма келибди. Уни зудлик билан қисм-га чақиритган эди.

Бу телеграммани ҳамма ўзича тушунди. Матлуба бир энтикиб тушган бўлса, Акбар зарур операция чиқиб қолибди шекилли, деб англади. Ота хаёл сургандек кўзини бир нуқтага қадаб, хомуш тортиб қолди ва лабини тишлади. Аммо ҳеч ким ўз фикрини таҳлил қилиб ўтирмади.

— Менинг зудлик билан қайтишим шарт бўлиб қолди, — деди Акбар.

— Мен бир-икки кун тура тураймаи? — Жавдираб гоҳ эрига, гоҳ отасига қаради Матлуба. Акбар:

— Ўзинг биласан... — деган эди, ота қайтарди.

— Ҳозир кетдинг нимаю, икки-уч кундан кейин кетдинг нима! Бирга кет! Боланг билан йўлда қоқилиб юрасанми? Рустамни қолдириб кетасизларми?

Отанинг кўзлари ҳеч кимга таниш бўлмаган бир шаклда хомуш ва ўйчан эди. Унинг юраги мудҳиш бир нимани сезиб тургандек оғир урарди. Буни қизи Матлуба уқдими, ўғлидан гўё ажралиб қоладигандек бир оҳангда деди:

— Нега? Ёзда, катта каникулда келар...

— Майли! — деди бўшашиб ота. Акбар индамади. Учаласи бирга йўлга чиқди. Ота Акбар билан хайрлашар экан, кўзига ёш қалқиди:

— Бир бурда нон топса юмшоқ ерини менга илинадиган ўғлим йўғ-а, Акбаржон. Жим бўлиб кетманглар.

— Отпускани шу ерда ўтказамиз, — деркан Акбар, кўзида ёш билан Матлуба қўшди:

— Албатта.

— Раҳмат, болаларим.

Рустам бобосининг бўйнидан қучоқлаб, у юзидан-бу юзидан ўпиб, хайрлашаркан, ота яна деди:

— Сен қолсанг яхши бўларди.

— Ўқишим нима бўлади?

Ота чор-ночор рози бўлди.

— Яхши ўқи, болам. Одам боласининг қаноти — билим.

— Энди касал бўлманг, дадажон! — йиғлаб хайрлашди Матлуба.

— Хўп! Хўп! Рустамдан хабардор бўлиб тур.

— Дадамни ёлғиз қолдирманг, почча. Сизга, опамга ишонамиз. Хайр. Бизнинг томонларга ҳам боринглар. Жуда соя-салқин ўрмонлари бор.

— Ғуж-ғуж қўзиқоринлар бор ўрмонда, — керилиб қўйди Рустам.

— Насиб этса!

Матлуба шунча йил «дайдиб» юриб, отаси билан ҳеч бунақа ўпкаси тўлиб, юраги увишиб хайрлашмаган эди. Қандайдир товуш ичидан туриб «кўриб қол, тўйиб ол, отангни энди кўрмайсан» деяётганга ўхшарди. Унга сари бағри эзилиб, кўнгли бўшашиб борарди. Яна бир марта дадасининг бўйниларидан қучоқлаб, хайрлашди-да, хўнграб йиғлаб юборди.

— Ҳа, болам, мунча ўпканг тўлиб йиғлайсан. Кўзингга омонат кўриняпманми? Ҳали тетикман. Хавотир олмасдан кетавер.

Шунда биров: «Эй, дунё кўрган чол, сенинг эмас, унинг умри саноғлик қолган!» деса-я!

Улар эртадан бəхабар оғир хайрлашишди.

— Хафа бўлмай кетинглар! Қўлингларга ҳеч нарса олиб беролмадик. Шошиб келиб, шошиб кетяпсизлар.

— Ўзингизни шунчалик кўргангиздан хурсандман, дадажон.

— Ҳали яна келамиз! — деди Акбар.

— Ҳзим посилка юбораман, сал оёққа турай...

Матлуба ҳар келиб, кетаётганда «Онасининг йўқлиги билинмасин» деб, ота қизига бир оз баргак, туршак, мағиз, хандон писта, бодом, ҳатто бир ҳовуч ёғлиқ қурт ҳам олиб берарди.

Ота ҳозир шуни олиб беролмаганидан ўкинаётган эди.

Бир ҳафтадан кейин ҳассага суяниб бўлса ҳам бозорга тушди. Эринмасдан танлаб харид қилди, почтага кириб ўз қўли билан посилка юборди. Лекин у етиб бормади, уруш бошланиб, қайтиб келди. Ота: «Оҳ, насиб этмаган экан!» деди-ю, кўнглига посилканинг қайтиб келишидан кўра даҳшатли фикр келиб, йиғлаб юборди.

## II

**Х**арбий врач Акбар қисмига етиб келиши билан штабга югурди, доклад қилди.

— Буйруғингизга биноан етиб келдим!

— Яхши! Ҳеч қаяққа қўзғалманг!

— Тинчликми? — Бошлиқнинг кўзига тикилди Акбар. Бошлиқ унга қарамасди: Хаёли жуда муҳим нарса билан бандлиги яққол сезилиб турарди. Кечагина ўзи билан сенсирашиб юрган бошлиқнинг бунчалик ўзини расмий тутиши галати кўринса ҳам, Акбар ажабланмади, демак қандайдир муҳим ўзгариш бўлган ёки бўлади-ю, у ҳали билмайди. Кейин очилиб қолар, деди-ю орқасига бурилар экан, бошлиқ салмоқлади:

— Тинчлик. Буйруқ шунақа! — Ҳарбийда изоҳлаб ўтирилмайди, лўнда қилиб айтиб қўяқолинади.

Матлуба ҳам нима гаплигидан безовта ва хаёли паришон экан. Акбар кўриниши билан пешвоз чиқди.

— Нима гап экан?

— Тинчлик. Ҳамма жойида бўлсин, деган буйруқ келган бўлса керак. Отпусқадагиларни ҳам чақириб олишяпти.

— Бир балонинг ҳиди келиб қолди шекилли. Комиссар Орловнинг хотини ҳам хомуш.

— Билмадим.

Аслида Акбар бундай безовта ўзгаришни қисм эшигидан кирган заҳотиёқ сезган, одамларнинг муомиласи ва ҳаракатида ўзгариш пайдо бўлганини пайқаган эди: кимдир бир чеккага яқин кишисини олиб ўтиб, сирли суҳбатлашади, бири уқтирса, шериги ҳайрон, елкасини қисади. Бунинг маъносини узоқдан кузатиб турган хизматдошлар ҳам сезади: дарёнинг нариги қирғоғида — гитлерчилар томонда аллақандай беса-рамжонлик бор. Мотор товуши туни билан тинмайди. Ҳали биттаси айғди, тунда гармошка чалиб, ашула айтишлар ҳам камайиб қолганмиш. Кеча чегара чизигида иккита самолёти пайдо бўлибди. Анча ичкарига ҳам кирибди. Лекин бизникилар ўт очмабди-ю, бизнинг самолётимиз осмонда кўриниши билан орқасига қайтибди.

Икки кун ўтди. Ҳаёт аввалгидан кўра босиқ, қадам олишлар вазмин. Кўпчиликнинг кўнглида расмий маълумотларга қарши бўлган, ҳеч қаерда ёзилмаган, ёки таъкидланмаган ички ҳиссиёт бор эди, бу ҳиссиёт урушнинг ҳиди келиб қолгани ҳақида эди.

Уша ҳарбийлардан бири бўлган Акбар ҳам юрагини хотинига ёриб ўтирмади. Биринчидан, у исбот қилиб бўлмайдиган ички бир ҳис, иккинчидан, хотинини ваҳимага солишининг нима ҳожати бор? Бўлмаса хотини ҳар куни бир-икки бор ўсмоқчилайди.

— Ҳқитувчилар орасида ҳам гап кўп! — деб қўяди баъзан у. Бу гап нима тўғрисида эканини Матлуба айтмагандек Акбар ҳам эзмалик қилиб сўриштириб ўтирмайди. Аслида иккаласи ҳам гап нима ҳақида кетаётганини фаҳмлайди, кўзлари сўзсиз тўқнашиб қолади.

Бу таассурот ва ҳаяжонлардан оилада фақат Рустам беҳабар. У келган кунининг эртасига:

— Дада, нимага сизни бунчалик шошилтириб чақирибди? — деб қизиқди.

— Сен кичкина боланинг бунақа нарсалар билан ишинг бўлма-син, — деди онаси. Дадаси кулиб:

— Бу ҳарбий сир! — деб бағрига босиб, пешонасидан ўпди.

— Уруш бўлармишми?

— Ким айтди сенга?

— Болалар айтишяпти.

— Бекор гап! — дада шундай деди-ю Матлубага қаради. Матлуба лабини тишлаб, «тўғри қилдингиз» ишорасини билдирди.

Рустам бошқа савол бермаганидек, оилада ҳам бошқа гап бўлмади. Ташвиш билан Тошкентдан қайтиб келиб бошланган ҳаёт ўз изига тушиб кетди. Ҳар вақтдагидек Рустам эрталаб туради. Яхшилаб ювинади, қулоғи орқаси ва томоғи тагида совун қолса ойисидан таъна эшитади. Шошиб нонушта қилади, гоҳ мактабга кечикиб қолиб, тишланган нонини ташлаб югуради. Сергак унга эргашади, кўприккача кузатиб боради, яна ўша ерда кутиб олади. Рустам онасининг юз-кўзларида қандайдир ташвиш ва ғамгинлик сезади, буни буvasининг дийдорига тўймай касал ҳолида ташлаб келганида, келиш олдидан ўкиниб йиғлаганидан кўрди.

— Ойи, — деди эрталаб Рустам. — Бугун Сергакни чиқарманг, кеч келаман.

У онаси орасига ёғ суркаб, оппоқ қоғозга ўраб қўйган нонни шошапиша папкасига солди, онасининг қўлидаги иккита шоколад конфетнинг биттасини шу заҳоти оғзига солиб, биттасини қўлида тутганича эшикка отилди.

— Олов! Олов! У қачон сал қўйилади? Еки ёлғиз ўғил шунақа бўладими? — деганча орқасидан суқли термилиб қолган она хаёли чувалди: Уруш бошланиб қолса, бунинг аҳволи нима кечади? Болаларнинг аҳволи нима кечади?

Матлубанинг эти жимирлаб кетди. Рустам эса, айти шу пайтда зинанинг иккитасини битта қилиб сакраб, Сергак билан қувлашиб кетиб борарди. Кўприкка боргач, ит қолди. Осмондан гумбирлаб ўтган самолётга беихтиёр назар ташлаб, олиб кетди. Шундай шўхлик ва қувноқлик билан синфга кириб борди.

Бугун у ўтган гап физикадан олган «4» баҳосини «5»га тўғрилади.

— Мана бу бошқа гап! — деди муаллим. — Сендан яхши физик чиқиши мумкин, калланг ишлайди.

— Йўқ, физик бўлмайман! — шартта кесди Рустам.

— Ким бўласан?

Рустам жавоб бермади. Кимдир орқадан луқма ташлади:

— У немис тилини яхши кўради, фашист тилини!

— Шунақами? — муаллим ўз ичида жумланинг иккинчи қисмини олиб ташлаб сўради.

— Онаси ўргатади, — яна қўшди бола.

Рустамга бояғи боланинг луқмаси қаттиқ теккан эди, миқ этмади, қовоғини солиб туриб олди. Буни муаллим сезиб, изоҳ берди:

— Авваламбор, немис тили — фашист тили эмас.

Рустам бояғи болага деди:

— Ҳўш, оғим ўргатса нима қипти! Ёмонми? Нега мактабда ўқитади. Сен ўрганмай қўяқол!

— Ҳали ҳам кўзим учиб тургани йўқ.

— Сенга қуёншунослик бўлса!

Синфда гур этиб кулги кўтарилди. У болага кимдир «қуёншунос» лақабини қўйган, ўзи эса, нуқул қуёндан гапирарди.

— Бўлди, бўлди! — деди муаллим. — Ҳали сизларга касб танлаш эрта! Касбнинг яхши-ёмони йўқ. Одамнинг уқувли-уқувсизи бўлади. Аввало одам бўлиш керак, ватанпарвар, фидойи, ҳалол одам бўлиш керак.

Муаллим «ватанпарвар, фидойи» деганда Рустамнинг кўз олдига уч кундан бери босим қўйилаётган «Чапаев» фильми келди. Рустам уни икки кундан бери кўради, кўнгли тўлмайди.

Бугун ҳам кирмоқчи эканини билдиргани, ўша «қуёншунос» бола:

— Мана мен бораман! Мен ҳали кўрганим йўқ, — деди.

Рустамнинг энсаси қотса ҳам, бошқа болалар қатори папкасини ўйнаб йўлга тушди.

— Тагин келяпсанми? — деди уни кўриб, кино-театр эшигида ўтирадиган хотин.

— Ҳа! — деди бўйнида гуноҳи бордек бўшашиб Рустам.

— Кеча, ўтган куни кўрдинг-ку, бўлди-да, ёғи чиқадими?

— Зоча Чапаевга бугун ўқ тегмай қолса, қирғоққа чиқиб олса!

— Кечаги кинонинг ўзи-ку...

— Ким билсин, тирик қолармикан, дейман-да!

Шерикларининг ҳайрон бўлишига қарамай Рустам билетини йиртириб залга ўтиб кетди. Кинодан кейин яна ўқсиниб қўйди.

— Бу гал ҳам бўлмади. Яна Чапаев чўкиб кетди.

— Эртага кел, балки эртага тирик қолар... — Ҳазиллашгандек деди «қуёншунос».

— Келаман. Албатта келаман. Мана кўрасан! — деди Рустам.

Рустам Чапаевдек одамнинг бекорга ҳалок бўлишига сира ҳам чидамас эди. Унинг тирик қолишини, босиб келаётган душманни битта қўймай қийратишини, чирқиллатиб қувишини, ғолиб чиқишини истарди. Шундай қахрамон одам ўлиб кетаверадими! Йўқ, тирик қолиши керак! Ярадор бўлса ҳам, тирик қолиши керак. Нариги соҳилга чиқса, бўлди, уни дарров госпиталга ётқизишади, зўр докторлар дарров чорасини топади. Чапаев бўлади-ю, чорасини топишмайдими! У тузалиб кетиши керак!

Рустамнинг бошида бундай фикрлар чувалашиб кетди. Бари бир Чапаев тирик қолиши шарт. Рустамнинг кўнглида Чапаев тирик қолади-ю, лекин киночилар уёғини суратга олмаган. Нега шунақа қилишган? Яхши эмас. У ёғини кўрсатиши керак... Эҳтимол, энди бу ёғини тўлдиришар...

Рустамнинг хаёлини кино бутунлай қамраб олган, у ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч нарсани эшитмас эди, фикри-ўйи шу уч кундан бери босим кўраётган фильмда эди, тўғриси Чапаевда эди!

— Нега шунақа одам ўлади, дада? — деди кечқурун дадасига.

— Тарихда шундай бўлган.

— Кўрганлар борми?

— Кўрганлар бўлиши керак.

Чапаевнинг тақдири бир ҳафтагача Рустамнинг хаёлидан кетмади. Мақтаб ҳовлисига ёки қалъа орқасида «Чапаев-Чапаев» ўйнашганда, астойдил унга ўхшашга интиларди. Қора терга тушиб югурар, ёғоч қиличи билан «душман»ни қийратиб, товушининг борича «Ура!» деб қийқирар, томоқлари қирилиб кетарди. Уйга қайтгач: «Чапаев-Чапаев» ўйнади», — деб керилиб қўярди.

— Узинг Рустам-достонсан-да, ўғлим! — деди онаси. — Чапаевдан камлигинг йўқ.

— А, ростданми? — Уз исмининг шундай шарафли маъноси борлигидан қувониб, кўзларидан гурур учкунлари сачради. — Рустам-достон деганингиз нимаси, ойи?

— Рустам деган ботир ўтган. Халқ уни Рустам-достон деб атаган. Яъни, қаҳрамонлиги достон бўлиб кетган.

— Ушанинг номини менга қўйганмисизлар?

— Албатта! — Ўғлининг кўнглини кўтарди она. Рустам яна яшнаб кетди:

— О, қандай яхши!

— Рустам номинг тайёр, энди қаҳрамонлик кўрсатсанг кифоя! Рустам-достон бўласан-қўясан!

— Бўламан! Албатта бўламан, ойи! Мана кўрасиз!

— Бўлмасам-чи, албатта кўраман. Хурсанд бўламан.— Онанинг юраги тўлқинланиб кетди, ўғлини бағрига олиб, қучоқлаб ўпди.— Ёлғизим, қаҳрамон болам!

Қош қорайганда бир боғ редиска ва бир боғ кўм-кўк барра пиёз кўтариб Акбар кириб келди.

— Ойиси, бугун бир ош қилгин!

— Менинг ҳам палов егим келяпти!— Отасининг фикрини қувватлади Рустам.

— Ростданми?— Ҳазилга олди онаси.— Сенинг ҳам ош егинг келадими? Майли!

— Мана, Маро бувиникидан кўк пиёз билан редиска олиб келдим.

— У ёқда нима қилиб юрибсиз?

— Бемор кўрдим.

Матлуба сабзи келтириб эрининг олдига қўйди.

— Бўлмаса, мана буни тўғранг.

— Мен нима қиламан? — қизиқиб қолди Рустам.

— Сен пиёзни арч.

— Йўқ, сабзини артақолай, пиёз кўзимни ачитади.

— Майли, бўлмаса юпқа қилиб арт, тагин этини шилиб ташлама, бор сабзи шу! Сиз ҳам ўқловидай-ўқловидай қилмасдан майдалаб, чиройли қилиб тўғранг.

— Хўп, хотинжон, қизларнинг кокилидай қилиб эшиб ташлайман.

Ош дамланганда Рустам диванда ухлаб қолган эди. Шунча қилиб уйғотишолмади.

— Иссиқсиз қоладими?

— Ҳали мактабдан келганда иккита тухум солиб берганман.

Рустам «емайман» деб инжиқланганича гандираклаб ўз бўлмасига кириб кетди. Салдан кейин хурраги эшитилди.

— Ўғлингнинг хуррагимми?— ҳайрон қолди Акбар.

— Ҳа. Бўлмаса кимники бўлади, йигит бўлиб қолди у ҳам! Хуррак отса ярашади,— керилди Матлуба.

— Эрта-индин уйлантираман дерсан?

— Бўлмасам-чи! Уша кунларга етказсин!

— Мўлжалинг ҳам бордир?

— Бор!

— Мен танийманми?— Акбар ҳам беҳабар қолаётгандек қизиқди.

— Танийсиз. Кейин айтаман.

— Кимнинг қизи?

— Буёғини айтмайман. Сир! — Унинг кўзида оналик, ўғил ўстирган оналик меҳри барқ уриб турарди.

— Қанақа қайнага бўларкинсан-да...

— Сиз қанақа қайната бўлсангиз, мен ҳам шунақа қайнона бўламан. Сизнинг онангизга ўхшаган. Қанақа ипакдек юмшоқ, ширин сўз хотин эдилар. Рустамга дард тутиб, инграб ётибману тепамга келиб: «Инграманг, болам, бу қутлуғ дард!» дейдилар. Неварамнинг тўйини кўрсам деб орзу қилганлари қилган экан.

— Ҳа, ойим ёш кетдилар! — ўкингандек деди Акбар.

— Ҳа, ҳали яшасалар бўларди. Улар тенглар юрибди. Мири кам дунё экан! Рустам тўнғичига нима кўраркин ўғилми, қизми?

— Олдин қиз кўрса, кейин ўғил кўради. Олдинига ўғил бўлса, кейинига қиз,— деб тегажаклик қилди Акбар ва гап ораси уни чақиб олди.— Сенга ўхшаб битта билан ўтмайди.

— Пешонам экан!

— Узинг сабаб бўлган пешона!— кулиб туриб деди Акбар. Матлуба ичидан зил кетган бўлса ҳам, сиртига юқтирмаган бўлди:

— Битта бўлса ҳам ўнтага арзийди. Мана кўрасиз ҳали!

— Яна битта қиз ҳам бўлармиди!

Акбар гарчанд юрагида тугилиб ётган дардини айтган бўлса ҳам, хотинига қаттиқ тегиб кетганини сезиб, унинг елкасидан ўзига тортиб, қучоқлади:

— Майли, у кишининг умрини бошқаларга қўшиб берган бўлсин.

— Майли, тинчлик бўлсин!

Тинчлик бўлмади. Шу куни тонг олдидан нимадир гумбирлади, нимадир портлади, ағанади, қулади. Деразадан лопиллаб шуъла тушди, қий-чув кўтарилди. Моторларнинг бўғиқ овози эшитилди. Осмонда самолётлар...

Бошлаб Акбар уйғонди. «Нима гап?» дегунча бино ларзага келди, буфетдаги шиша-чинни идишлар ерга тўкилди. Дераза чил-чил синди. Чўчиб уйғонган Матлуба «Рустам қани?» деганича унинг бўлмасига югурди. Бағрига босиб дир-дир титради. Бу орада ташқарига чопган Акбар қайтиб келди:

— Уруш! Уруш бошланди! Матлуба, қаёқдасан? Рустамни ол, пастга туш!— Ҳа эса наридан-бери кийиниб кўчага отилди.

Эсанкираб қолган Матлуба бақириб-чақириб Рустамни оёққа тургазди. Шунда бирдан портлаган бомба Рустамнинг кўзини мошдек очди.

— Нима гап, ойи?

— Уруш! Уруш бошланди!

Рустам бирдан тетик тортди. Дуч келган кийимларини кийди, она ҳам шу орада ниманидир устига тортган бўлди. Титроқ ичида, гап-сўзидан адашиб, ўғлининг қўлидан этаклаганича эшикка юрди. Шунда балкон эшигидан ичкарига интилаётган Сергакка Рустамнинг кўзи тушиб қолди.

— Ойи, Сергак!

— Сергагинг ўлсин! Тезроқ юр!

Рустам онасининг қўлидан силтаниб чиқиб, балконнинг эшигини очиб юборди. Ит билан баробар хонага аччиқ тутун, чанг-тўзон кирди. Димоғни ачитди. Сергак елиб келиб, Рустамдан паноҳ излаб, оёқлари орасида ўралашиб, ғингшиди.

Матлуба «Бўл тезроқ, итинг ўлсин!» деганича ўғлининг қўлидан тортиб, пастга отилди. Сергак ҳам улардан қолмасдан, гоҳ думини қисиб, гоҳ оёқ орасида ўралашиб, пастга тушиб борарди.

Матлуба эшикка чиқди-ю қотиб қолди: қарс-қурс, гумбир-гумбир, хотин-халаж ва болаларнинг қий-чуви ҳамма ёқни тутган. Моторлар гумбирлаши қулоқни қоматга келтиради. Русча командага немисча чуғирлаш қўшилиб кетган. Ит эгасини, мушук бекасини танимайди. Қим қаёққа кетяпти — билиб бўлмайди. Нималардир чарсиллаб тутун бурқсаб ёняпти, нимадир гумбирлаб, қулаб тушяпти. У тушган бинонинг олди суви қуриган ҳовуздек ўпирилиб ётибди. Ана яна снаряд келиб тушди. Тушди-ю, бир олам тупроқни гумбирлаганча атрофга сочди. Унинг зарбидан тепадаги дераза ойнаси чарсиллаб синиб, кулдек шувиллаб тўкилди.

Матлуба бир лаҳза бу даҳшатдан қотиб қолди-ю, кейин эсини йиғиб, ўғлининг қўлидан судраганча эрининг госпитали томон елиб қолди.

Ёрилаётган снаряд ёки ёввойи қушлардек визиллаб тўда-тўда учаётган ўқларнинг биронтаси шикаст етказиши хаёлига келмас эди. Эрининг олдига етиб олса бас! Гўё у ер тинч. Ана госпиталь кўриниб турибди. У ер қалъанинг бу томонидек жуда ҳам тўс-тўполон эмас. У ерда худди отишма бормаётгандек сезилди. Бари бир у эгилиб, ўғлининг қўлини қўйиб юбормасдан учиб борарди. Лекин йўли ўнмаётганга ўхшайди. Наҳотки, ўша кўриниб турган, кунда бирпасда етиб борадиган эрининг ишхонаси — госпиталь шунча узоқлашиб кетган бўлса! У ўғлини: «Чоп, тез чоп!» деб қистарди. Рустам гоҳ қоқилиб, гоҳ мункиллаб кетгудек бўлиб, гоҳ онасидан ўзиб борарди. Баъзан шошиб қолганидан:

— Ойи, нима бўляпти? — деб нафаси бўғзига тикилиб сўрарди. Она «Уруш! Уруш!» дерди-ю, бошқа сўзга тили қовушиб келмасди.

Рустамнинг хаёлидан ўтди: Уруш ҳақида кўп китоб ўқиган, томоша кўрган, лекин ҳеч бирида бунақа эмас эди. Бу жуда даҳшат-ку: ким нима қияпти, душман қани-ю, бизникилар қани — билиб бўлмасди. Фақат гумбирлаган овоз эшитилади, ўқлар учади. Дарахтлар шохи учиб тушади, уйларга ўт кетади, бола-чақа биғиллаб йиғлайди, нимадир чарсиллаб тутун сочиб ёнади, кишилар югуришиб, у ёқдан-бу ёққа ўтади, ётиб-туради, нимадир ҳайқиради. Англаб бўлмайди.

Визиллаб тепасидан ўтган замбарак ўқи унинг хаёлини шарт кесди. Онаси қўлидан силтаб тортиб: «Ёт!» деди ва ўзи ҳам ерга ташланди. Лаҳза ўтмасданоқ ўқ гумбирлаб ёрилди, она-боланинг устига тўзон аралаш тупроқ келиб тўкилди, товуш қулоғини битирди. Қулоғи битгандек олдин онаси, кетидан Рустам бошини силкиб қўйди. Бари бир қулоғи очилмади, боши ганграрди. Бирдан қаёқдандир ёпирилиб келган бизнинг аскарлар шиддат билан қалъанинг ичкарисига ўтиб кетди. Бир лаҳзада отишма бошланиб кетди. Ана шунда Рустам онасини йўқотиб қўйди.

### III

Матлуба бундоқ қараса, эри операция қиладиган хонанинг қаршисида турибди. Ҳатто эшигидаги: «операционная» деган ёзув ҳам ўша. Шунча тўс-тўполон ва ларзадан учиб ҳам кетмасди. Бўлмаса коридорда кўрди: қанча деразаларнинг кўзи учиб кетган, ҳатто кираверишдаги эшикнинг бир табақаси илгагига осилиб ётибди. Ярадорлар аллақачон госпиталга ҳам етиб келибди. Бири қоп-қора қонга беланган қўлини мурғак боладек бағрига босиб, авайлаб ўтирибди. Анави бирининг дунё ташвишлари билан иши йўқ — алаҳлаб, ўзи билан ўзи овора. Ҳамширалар хоналарга олишга улгурмай дуч келган ерда яраларини боғлаб, дори-дармон қияпти. Бир аскарнинг қучоқлаб ўтирган милтигини ҳамшира, қўлидан олиб бир чеккага қўймоқчи ва ярасини боғламоқчи бўлган эди, солдат:

— Узоққа қўйманг! — деди-ю, ёнига суриб олди.

— Энди сизга керакмас-ку! — деди ҳамшира.

— Нега? Ҳали жанг қиламиз!

Яна бир аскар шундоққина кираверишда замбилда ётибди, нукул: «Чапда! Чапда деяпман сенга! От! Пойлаб от!» деб алаҳлайди.

Матлуба шуларни кўриб, эшитиб ўтар экан, ҳеч ким унга аввалгидай: «Халатсиз қаёққа кетяпсиз?» ёки «Нима ишинг бор?» демади. Ҳамма шошган, елган-югурган, нима биландир банд. Ташқарида эса жанг, тўс-тўполон, ур-йиқит...

Матлуба уйдан чиқиб, тўс-тўполонда ўғлини йўқотган бўлса ҳам, унча ваҳимага тушмаган: «Қаёққа кетаётганимизни биларди, боламасми, мендан чаққонроқ, дадасининг олдига келиб тургандир» деган умидда эди. Шунинг учун операция хонасининг эшигидаги ёзувга кўзи



тушганда кўнгли тинчигандек, қалбига ёруғлик киргандек бўлди. Уғли дадаси билан уни кутиб тургандек бир нурли ишонч билан хона эшигини очди. Уғлини кўрмади, лекин эри оппоқ халатда, энгагига ниқоб тутиб, кимнидир операция қиларди. Ҳаракати шошинқираган, керакли асбобларни ҳар вақтдагидан кўра баландроқ товушда ва асабий бир оҳангда сўрарди. У Матлубанинг кирганини кўрмади, «Нега эшик очилиб ёпилди» деб қарамади ҳам. Унинг кўзи операция столида ётган беморда ва атрофини қуршаган ҳамширалардан керакли асбобларни олиш билан банд эди. Унинг фикри-зикри ана шу операция столида ётган аскарда, уни кўнгилдагидек операция қилиб олса бас, ҳозир унинг бирдан-бир нияти шу! Гарчанд, шу яқин орада портлаган бомба ёки снаряд зарбидан бино ларзага келиб, у ноилоҳ кўзини чимиришга, тишини тишига босишга мажбур бўлган бўлса ҳам, қўлни операциядан олмайди. Шунинг учун хонага минг бир умид ва ҳаяжон билан кириб келган хотинини кўрмади. Асбоб ушлаб турган ҳамшира аста сездирди. Акбар кўзининг қирини ташлади-ю, қўлини кўтармади:

— Нима қилиб юрибди? — деди холос. Ҳамшира елкасини қисиб билан жавоб қилди.

Қанчалик ҳаяжон ва умид билан кириб келган бўлмасин, Матлуба эрини гапга солишга ботинмади. Аввало кўзи билан хонани кўздан кечириб чиқди. Демак, Рустам бу ерга келмаган! Мана шу фикрнинг ўзи уни аллақачон бошқа оламга, туби йўқ жарликларга учуриб кетган, кўзи ҳеч нарса кўрмас, қулоғи ҳеч нарса эшитмас эди. У адоий тамом бўлган эди. Тиззаларида мадор қуриб, бўш турган стулга ўтириб қолди. Кўзидан дув ёш тўкилди. Ҳамшира яна Акбарга билдирди. Акбар эшитмаган кишидек индамади. Ҳамширанинг хаёли чалғиб, керакли асбобни Акбарга узатишда сусткашлик қилган эди, силтаб солди:

— Кўзингиз қаёқда!

— Кечирасиз, доктор! Хотинингиз...

Акбар яна индамади. Ҳатто бошини кўтариб қарамади ҳам. Ҳамшира уни эшитмаган гумон қилиб, яна такрорлаган эди:

— Эшитдим! — деди асабийроқ бир тусда.

Ҳамшира қизариб кетди. Салдан кейин операция тугади. Акбар энгагидаги ниқобни олди. У терлаб кетган, икки юзи асабдан қип-қизариб кетган эди. Онаси келган бўлса, Рустам ҳам шу ерда деб ўйлаган эканми, Рустамнинг йўқлигини билиб, юраги орқасига тортиб кетди.

— Рустам қани?

— Бу ёққа келгандир деб ўйловдим... — бўшашди Матлуба.

— Биргамидинг?

— Ҳа...

— Қаерда қолади?

— Бирдан йўлда тўполон бўлди-ю, қаёққа кетганини билмай қолдим...

Акбарнинг фикри бирдан ғалаёнга келди: «Рустам қаерда бўлади! Уққа учган бўлса-я! Еки яраланиб, инграб ётибдими?»

Бирдан Акбарнинг манглайини совуқ тер босди, томирлари бўшашди. Буни кўриб турган Матлуба унга нима деб далла беришдан ожиз эди. Чунки унинг ҳам кўнгли чироқ ёқса ёрмас, кўзига ҳеч нарса кўринмас — ҳамма отилаётган ўқлар, портлаётган бомбалар гўё ўглининг жонига қасд қилиб, оламни ларзага солмоқда эди! Гарчанд, келган йўлига қайтиб, ўғлини изламаган, излашнинг иложи бўлмаган бўлса ҳам, қаерга қадам қўймасин, хаёлида у бутун бўйи-басти билан кўндаланг турди. Йўлда учрамагандан уни олдин кетган гумон қилиб, эрининг олдидан топишига ишончи комил эди. Мана бу ерда ҳам йўқ. Наҳотки...

Акбар хотинининг эзилиб кетаётганини кўриб, ўзини қўлга олди.

Ёнидан дастрўмолини чиқариб, Матлубанинг кўз ёшларини артди, далда бериб, елкасига қоқди:

— Шу атрофни қара, подвалга туш! Подвалда одам кўп, ўшалар билан ўтиргандир.

Матлуба инқиллаб, узоқ беморликдан сўнг энди оёққа турган кишидек оғир кўзғолди. Эрининг далдасидан кейин кўнгли ёришгандек бўлиб эшикдан чиқар экан, эрининг: «Ҳамшира, навбатдаги ярадорни столга олинг!» дегани эшитилди. Уни йиқитиб юборгудек бўлиб фелдшер ўтди. Хонага кирар-кирмас бақирди:

— Доктор, кабинетингиз ёняпти!

Ҳамма югуриб чиқди. Акбар қай кўз билан кўрсинки, кабинетининг битта деразаси учиб кетган, стол устидаги қоғозлар сочилган, кираверишдаги бурчакда нимадир гуриллаб ёнар, хонани аччиқ тутун тутган, кўзни очиб бўлмасди. Бир сув сепди, биров оёғи билан топтади, хуллас, кабинетга катта зиён етмади.

Юз-кўзлари қурум босган, ҳалигина операциядан бўшаган тоза қўлларига қора юққан, доғ-дуг, ҳорғин ва ўткир кўзлари аччиқ тутундан қизарган Акбар яна шошилиш билан операция хонасига кириб келди. Юз-қўлини ювди. Артинар экан, ҳамширадан аниқлади:

— Операцияга одам ётқиздингизми?

— Ҳозир, доктор! Ҳозир битта оғир келиб қолди, шуни олайликми, ёки мўлжаллаб қўйганингизни, доктор?

— Қайси бирига операция зарур бўлса, шуни! — қатъий деди Акбар. — Бўлинг, тезроқ қимирланг!

Ташқарида отишмалар авжга чиқиб, салдан сўнг яна бир оз босилди. Акбар операция столига ўтар экан, деразанинг қалин пардасини қиялаб, ташқарига назар ташлади:


— Бугун бизга иш кўп бўлади, шекилли. — Ҳеч ким жавоб бермади. Аслида Акбар бу саволни ҳеч кимга бермаган, фақат таъкидлаган эди. Атрофдагилар ҳам худди шундай тушунди. Чунки, жуда оғир жанг бораётганини, ҳали кўп киши яраланишини билар эдилар.

— Ўртоқлар, — деди у, — операция ўз йўлига, лекин қуроллар шай турсин!

У операцияга киришар экан, халати остидаги тўппончасини кафтининг орқаси билан пайпаслаб қўйди.

Хонада гоҳ-гоҳ ярадорларнинг инграгани эшитилиб қолади.

— Бу автомат ўқлари! — деди у кетма-кет бир неча ўқни аскар баданидан териб олар экан. — Лекин, оёқ тамом бўпти, ўртоқ, кесишдан бошқа илож йўқ.



Унга на ярадор, на бирон ҳамшира жавоб берди. Бироқ, оёқ томонда турган ҳамшира ўзича сўзлаб қўйди:

— Жони омон қолса, оёқсиз ҳам яшаса бўлади.

Ташқарида ҳамон жанг борарди. Осмондан визиллаб самолётлар ўтади, қаергадир бомба ташлайди, тариллатиб пулемёт ўқига тутади. Хонага бўғиқ овози оғир пардалар оша хириллаб ўтади, жуда олисга ўхшаб сезилади. Аслида унча ҳам узоқда эмас...

Акбар кесилган оёқни олиб, ҳамширага узатар экан, бирдан

шу яқиндан автоматлар тариллаб, борган сари яқинлашиб келаверди. Бошлаб кексароқ фельдшер, кейин асбоб узатиб турган ҳамма «Лўли қиз» деб лақаб қўйган ҳамшира ялт этиб, Акбарга қаради. Шу орада эшикда Матлуба пайдо бўлди. Нафаси тикилиб бақирди:

— Акбар, қоч! Қочинглар! Автоматчилар!

Матлуба қандай тезлик билан кирган бўлса, худди шундай тезликда орқасига қайтди. Шерикларининг безовталаниб қолганини кўрган Акбар:

— Ҳозир, ҳозир! Бир лаҳза сабр қилинглар! — деганича ўз ишини жадаллатди. Бари бир охирига етказолмади, ўқлар овози худди қулоқлари остида гумбирлаётгандек эди. Бир сидирғаси хонанинг ойнасини чил-чил қилди. Акбар шартга бетидаги ниқобни сидириб олиб ташлади-да, тўппончасига ёпишди ва шерикларининг олдига тушиб, уларни кетидан эргаштириб эшикка отилди. Бу маҳалда гитлерчи автоматчилар бинонинг эшигига яқинлашиб қолган, тиббий ходимлар билан отишма олиб борарди. Акбар ҳам одамлари билан улар ёнидан жой олди. Бир икки ўқ узди, теккан-тегмаганини билмади, лекин учинчи ўқи билан биттасини аниқ-ошкор қулатди. Автоматчи шундай қаршисида пайдо бўлиб қолган, Акбар нишонга тузуккина олмасдан, шартга отди, автоматчи юриб келаётган жойида бир лаҳза қотиб қолди-да, қўлидан автоматни сидирилиб тушди, кетидан ўзи тўнкадек ағдарилди.

Акбарнинг биринчи марта одамга қараб ўқ узиши эди! Унинг ўқидан бир одам ўлди. Олдинига Акбар, тиббий ходим эмасми, ғалати бўлиб кетди. Ғўё ўз касбига зид иш қилган эди! Йўқ, бирпасда ўзини тутиб олди: у одамни отгани йўқ, қўлида қурол билан унинг жонига, мол-мулки, юртига қасд қилиб келган душманни ўлдирди, билиб туриб, кўриб туриб, кўксига ўқ узди — ўкинадиган ёки касбимга зид иш тутдим, дейдиган ери йўқ.

Бу ишонч Акбарнинг кўнглига тасаллигина бермасдан унинг қалбига руҳ бағишлади. Тўғри-да, агар ҳозир ўлдирмаса, уни душман ўлдирарди. У яхши билади, душманда на шафқат бор, на инсоф — ёвуз ниёт билан кўзига қон тўлиб босиб кирди. Эрталабдан бери бетўхтов ўқ узади, уни ўлдириши, у бўлмаса унинг дўстларини, тинчгина ўз меҳнатини қилиб чегарасини қўриқлаб юрган дўстларини, ватандошларини ўлдириш учун ердан, осмондан, автоматдан, замбаракдан, пулемётдан ва милтиқдан ўқ узади. Демак, уни отиш керак, ўлганида ачинмаслик керак. Чунки, у дунёга ажал уруғини сепиб юрибди.

Бир лаҳза миясини чулғаб, қалбига куч ва ғайрат солган бу фикрлар Акбарни мард қилиб юборди. Ўз ўлими шў лаҳзада хаёлидан кўтарилди-ю ўзи ҳозиргина отиб ўлдирган автоматчининг қўлидан тушган қуролини олиб, қаршидан писиб-писиб келаётган душманга сидирғасига ўт очди.

Лекин бу жанг узоққа чўзилмади, ўнг томондан етиб келган мадад автоматчиларни орқага улоқтириб ташлади ва қувалаб кетди.

Акбар пешонасидаги терни артиб, бундоқ қараса, гимнастёркасининг энги узунасига йиртилиб ётибди. Қачон, қаерда, нимага илиб олганини шунча ўйлаб, эслаб ололмади. Иккала енгини тирсагидан юқорига шимарди-да, шерикларига гап қотди:

— Чаққонгина бўлдим! — унинг қулгиси ғайри табиий кўриниб кетди. Операция хонасига кўтарилар экан, буйруқ берди:

— Ҳамма жой-жойига!

Фақат «Лўли қиз» лақабли ҳамшира йўқ эди, у автомат ўқиға учган эди. Бунга эшитиб Акбар «ҳм» деб қўйди, ва:

— Аттанг. Ажойиб қиз эди. Онасининг бошқа боласи йўқ-а? — деди.

— Йўқ, ёлғиз қиз эди!

— Энди она бечоранинг ҳоли не кечди! — шу маҳал Акбарнинг хаёлига ўзи отиб қўлатган автоматчи келди. Эҳтимол «Лўли қиз» ўшанинг ўқиға учгандир! Рустамга ҳам ўша ўқ отгандир...

Акбарнинг тилигача қалтираб кетди. Бу даҳшатли фикрни хаёлидан қувиш учун тез одамлар билан операция столи томонга юриб, тарвузи қўлтиғидан тушди: ярадор аллақачон оламдан ўтган, унинг хира кўзлари шифтга қараганча очиқ қолган эди:

— Лаънатилар! — деб сўкинди Акбар ташқарига қалин пардалар орқали ўқрайиб ва ярадорнинг кўзини бекитди. — Ун минутча кейин бевозта қилганида ҳам лаънатилар, балки бечора тирик қолармиди!

Акбар алам билан атрофига аланглаб, бир четда мунглиғларча хо-муш турган Матлубани кўрди. Бўлмаса, ҳали тўполонда уни пастда кўрган, иккита ярадорни ичкарига олишда кўмаклашган, кимга нимадир деб бақирганини эшитган эди.

То бу тўполон бошлангунча Матлуба эрининг маслаҳати билан пастга тушиб ўғлини қидирди. Ярадорлар орасини қараб чиқди. Унда бунда ғужанак бўлиб ётган мурдаларни ҳам назардан кечирди. Улар орасида болалар ва хотинлар ҳам бор эди. Наҳотки, тилини ардоқлаб ўрганган, ҳатто ҳадди сиққан кишиларга тарғиб этган немис тилида гаплашадиган кишилар шулар бўлса! Наҳотки, Гёте шулар тилида машҳур «Фауст» ёзиб, Шиллер «Макр ва муҳаббат»ни яратган. Гейне ажойиб лирик шеърлар айтган бўлса! Наҳотки, немис тилини ўргатган Лиза хола, унинг жуда кам кўринадиган, кам гапирадиган эри...

Матлубанинг ишонгиси келмасди. Йўқ, йўқ, улар бошқа, улар бошқа олам, бошқа қалб, ҳатто бошқа тилда гаплашишади. Бу бешафқатлар, ёвуз-ниятли кишилар улар қабиласидан эмас. Бутун бошқа, бутунлай бошқача! Лиза хола қандай мулойим, меҳрибон-хотин эди! Эричи? Қўй оғзидан чўп олмасди! Эсида бор: адашиб қолган бир болани уйига олиб келиб, то ота-онасини топгунча энка-тинкаси чиқиб кетган. Бола йиғлар, унга сари бечора эр-хотин кўйиб-ёнар, турли совғалар қилиб болани овутмоқчи бўлишган эди. Тонг отгунча улар телефон қилмаган милиция бўлими қолмади. Бу орада ўз телефонлари бузилиб қолиб, Матлубаларникига чиқиб, минг бор узр сўраб, яна милицияни қайтадан огоҳлантириб чиққан эди. Боланинг ота-оналари топилгандаги севинишларини айтмайсизми...

Мана булар-чи! Булар болани отибди, Матлуба биттасининг бошини кўтариб кўрди: нари борса саккизга кирган! Оғзидан қон оқиб, тилини тишлаганча қотиб қолибди!

Матлуба оёғи тортган ва имкон бўлган томонга ўтиб, ўғлини қидириб чиқди. Рустам йўқ эди. Олдинига совуқ тер босиб, даҳшатга тушган бўлса ҳам, вақт ўтиши билан ўликлар ва ярадорларни кўриб, «эти ўлиб» хотиржамроқ фикр юрита бошлади. Ахир, ҳамма отилган ўқ ҳам кишига тегавермайди-ку! Мана, ўзи тирик, ҳатто ярадор бўлгани йўқ. Бўлмаса қанча ўқлар ёнидан ажал фарёдини солиб ўтди. Қанча снаряд гумбирлаб яқинида ёрилди. Худди шундай — Рустамга ҳам тегмаган бўлиши мумкин. Яраланиб беҳуш ётган бўлса-я! Йўқ, мумкинмас! Шунча ярадорлар қатори, бирон бир киши санбатга олиб келиб қоларди. Ишқилиб, омон бўлсин-да!...

Матлубанинг кўнглидан ёмон фикр ўтди. Ана шунда: «Отам авлиё экан. Башорат қилибди-ю, биз фаҳмига етмабмиз» деб юборди ва отасининг «Рустамни қолдириб кета қолинглар!» дегани ёдига тушди. Асадан тишини тишига босди, ғирчиллаб кетди. Рустам билан фалокат содир бўлгандек, отасининг сўзига кирмаганидан тақдирнинг қаҳри келгандек Матлубанинг юраги шувиллаб, кўз ўнгини қоронғилик босиб, ўтариб қолди.

— Ҳа, сенга нима бўлди? — деганича Акбар уни суяб қолди, юзига ёпирилиб тушган сочини тузатди.— Сув! Сув беринг! Ўзингни тут!  
Акбар ҳамшира олиб келган сувни бир қисмини ичириб, қолганини юзига сепди. Матлуба бемордек аранг кўзини очди:

— Рустам... Рустамжон! — кўзларидан ёш думалади.

Акбар ноилож эди, далда беришдан бошқа чораси йўқ эди.

— Топилади, мана мени айтди дерсан, топилади. Пишиқ бола. Отангни сўзи эсингда борми, тегирмонга тушса бутун чиқади, деганлар. Унга ҳеч нима қилмайди. Сал операциядан бўшай, ўзим топиб келаман.

Акбарнинг қўли бўшамади. Столга яна ярадор ётқизилди. Яна Акбар ўз ишига шўнғиб кетди. Лекин хаёлидан Рустам кетмай қолди. Наҳотки, Матлубанинг кўз ёши бежиз бўлмаса! Йўғ-ей!

Матлуба бўлса ҳамон бир четда ўтирибди. Икки кўзи ёш, кўнгли вайрон! Нима қилсин, эрига операциянгни қўй, ўғлимизни топ, десинми? Бу мумкин эмас! Шу столда ётган бечора ярадор шундай бўлай дебдими? Мени операция қил, болангни қўй, деяётгани йўқ. Уруш уни шу столга олиб келди. У ҳозир Акбарнинг кўмагига жуда-жуда муҳтож. Балки, Акбарнинг эпчил қўллари уни ўлимдан олиб қолар, ҳаёт бахш этар. Балки сал кечикса, бояги ярадордек бу ҳам ҳалок бўлар ёки умрбод ногирон бўлиб қолар.

«У-ку, банд, мен нима қилиб ўтирибман бу ерда» деди бирдан Матлуба ҳушёр тортиб ва эшикка чиқди.

Икки томон бир-бири устига ҳамон ажал уруғини сочарди. Танкми, аравами гуриллаб ёнади, юқори қаватдан учиб тушган дераза ва эшиклар, чил-чил бўлиб, йўлни тўсиб ётибди. Ҳамма ёқ ўйдим-чўйдим, баъзи жойлар ўрадек ўпирилиб кетган.

Матлуба остонадан аранг ҳаглаб, атрофдан ўғлини қидирган бўлди. Уқ овози борган сари яқинроқ эшитиларди. Қаёқдандир учган ўқ икки марта ёнидан ўтиб кетди. Биттаси этагига тегибди. Хаёли ўғлида бўлгани учун сезмабди. Боши икки бўлак бўлиб ётган мурданинг устидан чиқиб қолиб, аъзойи-бадани титраб кетди, юраги орқасига тортиб:

— Рустам! Рустамжон! — деганини ўзи ҳам билмай қолди. Унинг товуши гумбур-гумбулар орасида деворга тариқ сочгандек бесадо кетдию товушига жавоб чиқмаганиданми ёки ўзининг тинқаси қурибми, юраги эзилиб кетганиданми, Матлуба ўтириб қолди. Упкаси тўлиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлади, бутун вужуди қақшаб йиғлади. Бу тўс-тўполонда бирон кимса: «Сен кимсан? Нега йиғлаяпсан? Нима қилиб ўтирибсан?» демади. Йиғидан, маржон бўлиб оққан кўзёшидан юраги бўшадими ёки тақдирга тан бериб, зийрак тортдими, кўзидан ёшини енгига артиб, ўрнидан турди ва боши оққан тарафга қараб кетди. У уйлар эди: «Оёғим шу томонга торатаётган экан. Рустамжон шу ёқда...»

Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас эди. Лекин интизор кўзи олдинда, узоқ-узоқларда, буталар орасида, ғуж бўлиб ўсган ўт-ўлан қорасида, унинг кўзига ғуж бўлиб ёки дўппайиб ётган нарса Рустам бўлиб кўринар эди. У довдираган кишидек юриб борар, гоҳ муккалаб кетиб, йиқилгудек бўлар, гоҳ ўтириб қоларди. Буларнинг ҳеч бирига парво қилмас, ғўё олдинда Рустам кутиб турарди-ю, у кечикмай етиб бориши шарт эди.

Бирдан унинг хаёлини ўтлар шитирлаши ва қандайдир ҳаракат тортди. Қай кўз билан кўрсинки, Сергак елиб келарди. Худди ўғлини топгандек Матлуба жон ҳолатда «Сергак!!» деб юборди. Уни бағрига босиб яна баттар йиғлади. У ўлган фарзандининг кийимини бирдан кўриб қолган онадек яраси янгиланган эди. Ит ҳам соғинган ёки қидириб юрган эканми, қип-қизил тилларини чиқариб Матлубанинг қўлларини ялаб-юлқар эди, думини ликиллашиб, эркаланарди. Унга сари Матлу-

банинг юраги увишар, Рустамни ўйлар, хўрлиги келиб, яна кўзига ёш оларди-да, нуқул: «Эганг қани? Рустамжон қани?» деб саволлар берарди, бошини силаб, кўзларига мўлтираб тикиларди...

Тилсиз ит жавоб беришдан ожиз. Бу ожизлик Матлубага шу он, шу дақиқада малол келмас. У ўғлини топмаган бўлса, итини топди. Энг яқин ҳамроҳини, эрмагини, тилсиз дўстини топди. Энди ўзини ҳам топиб олади, албатта, у шу атрофда бўлса керак.

Матлубанинг ана шунда бирдан кўзи чарақлаб кетди, кўзларини катта очиб, атрофга аланглади. Кўзлари атрофда-ю хаёлидан эрталаб, қоронғида, оёқлари орасида ўралишаверганида Сергакни «Итинг ўлсин!» деб Рустамга дакки бергани эсига тушиб, ичидан ўкинди.

— Шунда сени қарғагандим, Сергакжон!— деди Матлуба ва узр сўрагандек итни қўлига олиб, бағрига босди. Ит ҳам унинг ўкинчини тушурагандек баттароқ ялпоғланди.— Сен ўлгир, қаёқда юрувдинг? Қаерда биздан узилиб қолувдинг? Рустам билан биргамидинг? Уни қаерга қўйиб келдинг? Рустамжонимни қаерда қолдириб, ёлғиз ўзинг дайдиб юрибсан? Сен ўқ тегишидан қўрқмайсанми! Ихтиёт бўл, шу душман бўладиган бўлса, сени ҳам аямайди. Уларга яқин борма, хўпми? Улар ёмон одам, яна улардан шафқат кутиб гафлатда қолма! Мендан олдин Рустамжонни кўриб қолсанг, унга ҳам айт, у ҳам ўзини ихтиёт қилсин. Яхшиси, уни ўз олдимга бошлаб кел, ўзим тайинлаб қўяман. Ё бошлаб борасанми? Қани, юр бўлмаса!

Матлуба итни тиззасидан ерга туширди. Лекин Сергак уни ҳеч қаёққа бошлаб бормоқчи эмасди. Шунда Матлуба яна бўшашиб кетди:

— Нима, сен ҳам Рустамжоннинг қаердалигини билмайсанми? Узинг қидириб юрибсанми? Йўқотиб қўйдингми? Топ!.. Мен ҳам хавотирдаман. У биттаю-битта ёлғиз ўғлим бўлади-я, биласанми? Улганимда ундан бошқа «Вой, онам!» дейдиганим йўқ, Сергакжон. У кўзимнинг оқу қораси, белимнинг мадори!

Матлуба итни бағрига босиб, жимиб қолди, қалбининг аччиқ алами бўлиб итнинг устига ёшлари тўкилди.

Ит унинг яллиғлаб ётган ярасини яна тирноғлаган эди.

У бир оздан кейин бўшашиб Акбарнинг хузурига етиб борди:

— Рустамжон йўқ, итини топдим! — деди ва бошини қуйи солганча ўтириб қолди.

#### IV

Рустам онасини нима қилиб йўқотиб қўйганини билмайди. Снаряд зарбидан кўкка кўтарилган тупроқ ерга тушиб чанг-тўзон босилгандан кейин ёнига қараса, онаси йўқ. Кейин бизнинг аскарлар ўтиб, жанг қизиб кетди. Юрагини ҳовучлаб, бир чуқурга тушиб ётди. Тоза отишма бўлди. Баъзан сал бошини кўтариб, устимга бостириб келаётгани йўқми, деб қараб қўяди. Бир пайт ўқ теккан одамнинг қанақа қилиб йиқилишини кўрди. Бирдан учиб кетмас экан, бир лаҳза турган ерида қотиб қоларкан, кейин муккалаб кетаркан.

Рустам ўзини оламда ёлғиз қолгандек ҳис этдию, ҳали замон ўқлардан биттаси келиб тегадигандек вужудини муздай тер босди. Ранги оқарди, тиззаси қалтираб, додлаб юборишига сал қолди.

Рустам ўзини бир оз тутиб олди. Бу орада бизнинг бир аскар душманнинг битта солдатини шунақа ўхшатиб, қўндоқ билан туширдик, додлатиб юборди. Фашист теракдаё бўлиб гупиллаб йиқилди. Нега қўндоқ билан урди, ўқ тугаб қолдимиз? Найзаси бор-ку, қорнига санчиб олақолса бўлмасмиди? Рустам уларнинг машқларини кўп кўрган. Найза билан санчгандан кейин, ёнидагисини найзага олишга улгурмайди,

қўндоқнинг орқаси билан туширарди. Бу эса, қулочкашлаб туширди. Лекин боплади, бақиртириб юборди.

Шундан кейин Рустам бемалол бошини кўтариб, онасининг йўқлигини билди. Билди-ю, юраги шувиллаб кетди. Атрофини қидиради. Атроф ҳали ғира қоронғи. Фақат ўқлар учганда, снаряд ёрилганда ёришади. Беш-ўн метр наридаги одамни таниб бўлмайди. Ут-ўлан ва пастак тўп ниҳоллар орасини тусмоллаб қаради, ҳеч қаерда йўқ.

Атрофга аланглаб «ойилаб» бақирди. Унинг овози оламни тутган чарс-чурс, гумбур-гумбур орасида денгиз тўлқинига отилган тошдек бесамар кетарди. У гангиб қолди. Энди нима қилади? Қаёққа боради? Онаси қани? Онаси ҳали етаклаб кетаётганида бу отишмалар унчалик ваҳимали туюлмаган эди. Чунки ёнида онаси бор эди. Энди бир зумда йўқотди-қўйди. «Ё ўққа учдими? Йўғ-е!» Унинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Яна оналаб бақирди. Шунда бирдан эсига тушдики, онаси уни дадасининг госпиталига бошлаб кетаётган эди. Уша ёқни мўлжаллаб Рустам энди беш-ўн қадам ташлаган эди, хотин-халаж, болаларнинг қий-чуви эшитилиб, кейин тўданинг ўзи кўринди. Бир оғиз илик сўз ёки бир кичик далдага муҳтож бўлиб турган Рустам уларнинг тўдасига қанақа қилиб қўшилганини билмай қолди, уюрига қўшилган тойчоқдек улар орасидан «паноҳ» топди-ю, қоқилиб-суқилиб бирга кетди. Тўда қий-чув, йиғи-сиғи билан отишмаларни оралаб, қалъадаги казаметлардан бирига ўзини олди.

Жанг борарди. Рустамнинг бу ерда биринчи кўргани — олдига аппаратини қўйиб олган алоқачи аскар бўлди. У нуқул «Волга-Волга» деб бақирар, аппаратини шиддат билан уриб-уриб қўйиб, яна товуши борича ҳайқирарди. Гоҳ-гоҳ: «Мен — Днепр, мени эшитяпсанми?» деб қоларди. Унинг ёнида иккита ярадор қонига беланиб ётибди. Биттаси гоҳ-гоҳ инграб қўяди. Бу катта хона порох ҳидларига тўлиб кетган. Мудофаада турган аскарларнинг эса ҳаракатлари босиқ, пойлаб-пойлаб, пайти билан ўқ очади, лекин катта жанглар билан шу ергача чекиниб келгани уларнинг ранг-рўйи ва кийим-бошларидан яққол кўринади.

Ногоҳ бир овоз янгради:

— Уртоқлар! Уртоқлар! Дикқатларингни бўлманглар! Хотинлар, ёшлар анави бурчакка ўтинглар. Оёқ остида ўралашманглар. Душман яна ўрмалаб қолди.

Рустамга бу товуш таниш эшитилди, лекин эслай олмади. Шу орада душманнинг навбатдаги атакаси бошланди. Ҳамма ёқни автомат ва пулемёт овозлари тутиб кетди. Рустам шунда билдики, бу ерда мудофаа тутувчилар душман ҳужумини биринчи марта қарши олиши эмас, улар жуда хотиржамлик билан немис автоматчиларини яқингача қўйиб бериб, кейин шунақа бирдан ўт очдиларки, душман қочгани жой тополмай, ер тишлаб қолди.

Душман қаттиқ қаршиликка дуч келиб, чекингач:

— Баракалла, бургутлар! Энди нишонга олиб, ўқни тежаб отинглар,— деди бояги овоз.— Пойланг, бош кўтарди,— тепкини босинг!

Бир оздан сўнг душман қўрғонни тўплардан шунақа ўққа тутдики, бино безгак хуруж қилган одамдек бир лаҳза тинмасди. Аллақаер гумбирлаб қулаб тушди, бурчак девори ва унинг қаторидаги эшик учиб кетди. Пишиқ ғиштдан қачонлардир пухталаб, қалин қилиб қурилган деворнинг соғ жойи қолмаганди. Бир тўп ўқи туйнукдан ичкарига тушиб, бир нечта одам ҳалок бўлди. Анави девор қулаганда тагида қолган хотин ҳамон нобуд бўлган боласини бағрига босиб ер қучоқлаб ётибди. Гўдаклар эса йиғлайди, дуч келган одамга ёпишиб, кўмак истайди, йиғи, фарёд ва қий-нув тўплар овозини босиб кетгудек эди. Бир неча дақиқа чўзилган бу тўпга тутиш қўрғонга путур етказди ва кўпларни ҳалок этди. Кейин яна душман автоматчилари ҳужум қилди. Афтидан «эн-

ди ҳеч ким омон қолмаган» деб гумон қилган шекилли, қорнига автома-  
тини қўйиб, тепкисига қўлини босганча рўйи-рост юриб келарди. Дам  
оралаб «Рус капут!» деб бақирарди. Пайт пойлаб турган қўрғон мудо-  
фаачилари яна уларнинг таъзирини бериб қўйди. Бу қутилмаган қар-  
шилиқдан гангиб қолган душман пала-партиш чекинди. Салдан кейин  
радиодан мурожаатга ўтиб, яхшилиқча таслим бўлишини, таслим  
бўлганларни жони ва унвони сақлаб қолинажагини, истасалар иш би-  
лан таъминланишларини ваъда қилди.

— Билиб қўйинг, — деди радиодан, — биз ярим Европани забт этиб  
келяпмиз. Бизнинг қўшин чексиз кучли ва уддабурро! Унга тенг кела-  
диган қудрат йўқ дунёда. Бизнинг ҳужумкор қўшин аллақачон қалъа-  
нгизни қўршаб олган, олди қисмларимиз ўн километрлаб илгарилаб  
кетган. Сизнинг қаршилигингиз бекор. Таслим бўлинг, солдатлар! Беш  
минут муҳлат!

Қалъадан жавоб ўрнига пулемёт ўқ узди. Яна жимлик. Бу жимлик  
анча вақт давом этди.

Сўнг кузатувчилар жойларида қолиб, бошқалар ҳалок бўлганларни  
бир четга олиш, ярадорларга ёрдам беришга киришди. Иккита ҳамши-  
ранинг биттаси ҳалок бўлган, анови бири эса яраланган бошини боғлаб,  
инқиллаб-синқиллаб жуда зарур бўлганларга ёрдам бермоқда. Ўзининг  
ярасидан қон силқиб аллақачон боғланган бинтини қон қилиб юборган.  
Ҳамшира Рустамнинг ёнидаги солдатнинг оёғини боғлар экан, унга иш  
буюрди:

— Йигитча, ҳув анави ерда сув бор, олиб келиб ярадорга ичир.  
Рустам бу топшириқни бажаргач, билдики, унинг ҳам ёрдамига  
муҳтожлар бор. Унинг қўлидаги идишни кўриб, илтимос қилувчилар  
кўпайиб қолди. Рустам жон-дили билан уларга сув ичирарди. Баъзилар  
қўлини узатиш ўрнига ичириб қўйишни илтимос қиларди. Улардан баъ-  
зи бирларини Рустам танийди, кўриб юрган, аммо исмини бил-  
майди. Анави алаҳлаётганини яхши танийди. Волейболга уста, бир сак-  
раб урса, коптукни ерда кўрардинг! Энди-чи, шундай чаққон, азамат  
йигит унинг сув ичириб қўйишига муҳтож бўлиб, гоҳ алаҳлаб, гоҳ ҳу-  
шига келиб ётибди. Рустам ўйларди: «Нега бу ярадорлар бунча кўп сув  
ичади? Яраланганда кишининг қони кетиб, юраги куйса керак-да!»

Рустам ҳозиргина сув берган кишиси яна бир кружка олиб келгун-  
ча ўлиб қолибди. Боягина: «Сув бер, бола! Азамат йигитча экансан!»  
деб ётувди. Тавба... Рустамни ваҳима босди, қўлидаги сувни нима қили-  
шини билмай, ўтириб қолди.

Шу пайт қўлига нимадир келиб қўнгандек бўлди. Бундоқ қараса  
капалак. Чаманларда, ўтлоқларда учиб юрадиган қаноти пушти ва са-  
риф капалак. Унинг қўлидан учиб, тиззасига қўнди, ундан парвоз қилиб  
осмонда гир айланди. Ажабо, бу жонивор қаёқдан пайдо бўлди? Бу ер-  
да нима қилиб юрибди? Наҳотки, шунча тўполондан кейин ҳам тирик?  
Бирон ёққа учиб кетмабди. Чанг-тўзонда, портлашда қолиб ҳалок ҳам  
бўлмабди. Ажабо!

Капалак учиб келиб бошига қўнмоқчи бўлган эди, Рустам унга  
қарайман, деб чўчитиб юборди. Капалак қаерга қўнишни билмагандек  
чир айланиб, кейин ёруғ тушиб турган туйнукка қараб учди, лекин чи-  
қиб кетмасдан шундоққина оғзида қўниб чиройли қанотларини ликил-  
латиб турди-да, яна шифтга қараб кўтарилди. Кейин аллақасёққа учиб  
кетди. Рустам кўздан йўқотди, атрофга олазарак қараб қидирди. Ҳатто  
менга тескари томондами деб ўриндан туриб, орқа-ўнгига аланглади.  
Капалак йўқ эди. Эрмагидан айрилган кичкина боладек хомуш тортиб  
қолди. Уни кузатиб турган экан шекилли, бир ўрта ёш хотин гап қотди:

— Ташқарига, кенгликларга чиқариб юбориш керак эди, бу ерда  
нима қилади бечора. Қамалиб қолган шекилли!



Йўқ, тешикка бориб қайтиб келди,— деди Рустам ва энди кўрса ушлаб чиқариб юборишга қасд қилиб қўйди.

— Ана! Ана! Пулемётга қўнди,— деди қўли билан кўрсатиб боғи хотин.

Рустам етиб боргунча яна учиб кетди. Рустам кетидан аста юрди, пайт пойлади. Айни шу пайтда душман қалъани шунақа ўққа тутиб қолдики, чанг-тўзондан кўз очолмай қолди. Қулоқлар битди.

— Бу аламдан!— деди боғи таниш товуш пулемётнинг лентасини назардан кечирар экан.— Бизнинг таслим бўлишимизни кутди-ю, бўлмади. Тирсагингни тишла, ифлос, сенга бўйин эгиб чиқадиган аҳмоқ йўқ. Яна хотинлар ва болаларнинг қий-чуви ҳаммаёқни тутиб кетди. Тўпвозликдан кейин иккита танк олдинма-кетин шу томонга келаверди. Йўлакай нишонга олиб ўқ узар, ҳар ўқ узганда қаттиқ йўталган кишидек орқасига қалқиб кетарди.

Рустам туйнуқдан қараб, юраги орқасига тортиб кетди: Ахир шу гавдаси билан деворга ўзини урса борми, томнинг босиб қолиши турган гап. Замбарагини тираб туриб, ўқ отса, нариги ёқдан тешиб чиқиб кетса керак!

Йўқ, унинг ваҳимаси бўлмади, қалъа ёниданми, орқасида турган бизнинг тўпчилар олдингисини биқинидан уриб ёндириб юборди. Кейингиси кетма-кет ўқ узиб, орқасига чекинган эди, унга ҳам снаряд келиб тегди. Лекин у ёнмади, занжири узилиб кетди, юролмади қолди. Экипажи остидан эмаклар чиққан эди, Рустамнинг ёнида турган аскар ўзича: «Тўхта, тўхта, аблаҳ, қайёққа кетасан? Насибангни ол!» деди-да, нишонга олиб ўқ узди. Унисини ер тишлатиб, бошқасини кўзлади. Буниси ҳам ағанаб тушгач, кейингисига ўқи тугаб, сўкинди. То «магазин»га абойма жойлагунча, танкчи кўздан ғойиб бўлган эди. Аскарнинг ғазаби қайнади. Рустамга қараб:

— Кетди аблаҳ, қутулиб кетди!— деди титраб-қақшаб.

Рустам унинг ёнида ҳайрон бўлиб турарди.

— Рустам, қани буёққа кел, лентага ўқлар жойлашиб юбор. Қим сени военврач Акбарнинг ўғли дейди, қани бўл, дарров кел!— деди кимдир пулемёт ёнидан туриб.

Ана шунда Рустам товуш эгасини таниди. Бу ўша — уларнинг уйида меҳмон бўлиб турган, немис тили ҳақида гап кетганда Рустамнинг ёни олиган батальон комиссари. Рустам унинг фамилиясини билмайди, икки шпал тақиб ўтиргани эсида бор. Устида игнадан ҳалигина чиққандек дазмоли бузилмаган гимнастёрка ва шим, сочлари ўзига ярашадиган қилиб текисланган, манглайи кенг, даҳани тўмтоқ, кўм-кўк кўзли, гапирадиган ҳар бир сўзини бир хушхандон кулги кузатиб борадиган қувноқ киши эди. Хотини Мария хола ўша куни гитара чалиб, шўх-шўх ашулалар айтган, ҳатто эрини ўйинга тушишга мажбур этган эди. Эри қора терга тушса ҳам: «Яна-яна!» деб асло қўймаганди. Комиссар чиндан ҳам яхши ўйин тушар, ўйин орасида турли гаплар қотиб, ҳаммани кулдирарди. Рустамнинг ойисини Люба, дерди. Уни ўйинга тортган эди. Дадаси ўйнолмаганда «Шундай хотинга сендай эр ҳайф! Кесишдан бошқа нимани биласан ўзинг, ҳей қассоб!» деб тегишган эди. Шунда дадаси:

— Сенинг тилинг, менинг қўлим яхши ишлайди,— деганича жойига бориб ўтирган эди.

Булар ҳам унинг назарида энди бир эртакка, жуда бўлмаса қачонлардир содир бўлган воқеага ўхшарди.

Энди эса сочлари тўзиб кетган, юз-кўзлари кир-чир, доғ-дуғ, ёқасининг тугмаси йўқ, ички ёқаси кўриниб турибди, у ҳам қорайиб кетган. Қийим-бошларига қон юққан. Тиззасининг кўзи йиртилган — оёғи кўриниб турибди. Ҳатто товуши ҳам ўзгариб кетганга ўхшайди.

— Ойнинг қани? — деб сўради у.

— Йўқотиб қўйдим.

— Даданг, ҳойнаҳой, ўз еридадир! Бугун унга ҳам тоза иш кўпайди. Хавотир олма, ойнинг бирон ерда ўзини эҳтиёт қилиб тургандир.

— Йўқ, уйдас, дадамнинг олдига кетаётган эдик. Йўлда...

Комиссар, Рустамнинг ўпкаси тўлиб келаётганини сезиб, елкасига қўлини қўйди, тасалли берди:

— Ботир бўл, бургут!

Рустам бошини эгиб, унинг меҳрибонлигидан хўрлиги келиб турар экан, кимдир олисдан бақириб қолди:

— Уртоқ комиссар! Яна немислар ғимирлаб қолди. Автоматчилар...

— Ҳозир! Ҳозир! — дея комиссар ўқ солинган қути билан станокли пулемёт лентасини Рустамга берди. — Анави ерга, бир чеккага ўтиб қадайвер. Ҳозир бу каззобларнинг таъзирини берамиз.

Отишма яна қизиб кетди. Ҳаммаёқни тагин шовқин-сурон босди.

Комиссар чекиниб бораётган душман автоматчиларига қараб туриб:

— Биз сен ўйлаган ғалвирак ёнғоқ эмасмиз, фриц. Тишингни синдирамиз ҳали. Чумолига томчи сув денгиз бўлиб кўринади. Дўстлар, ўртоқлар, ўқни тежанглар. Хужум бугунгина бўлмайди, ҳали кўп ўқ дори керак. Уқ дори эмас, бардош ва матонат керак, темир асаб керак.

Рустам шунчалик тезлик билан ўқларни лентага қадаб ташладики, уни тугатиб комиссарга берар экан, комиссар:

— Қойил, ота боласи. Мана бу бошқа гап, — деди. — Урушдан кейин мен сени ҳарбий академияга ўзим тавсия этаман. Аввал фрицларнинг додини бериб оламиз-а! Анави ерда ҳам, ҳу хотинлар ўтирган ерда яна иккита лента бор, қани уларни ҳам бир боплаб ташла. Хотинларнинг ташвиши кўпайиб, қўли тегмай қолди.

Комиссарнинг меҳрибонлигидан юраги тоғ бўлиб кетган Рустам югуриб бориб, лентани олиб келди, ишга киришди. Киши камайганда бу иш жуда керак эди, аҳамияти бир аскарнинг хизматига тенг келса ҳам, Рустамга шунчаки бир эрмакка ўхшарди.

Комиссар бу ишнинг жуда зарурлигидан, ҳар минутига 500—600 ўқ чиқарадиган пулемётга тайёр лента етказиб бериб бўлмаётганидан қийналаётганини Рустам билмасди. У бунигина эмас, бўлинмада командининг биринчи тўқнашувдаёқ ҳалок бўлганини, командирликни унинг сийёсий ва тарбия ишлари бўйича ўринбосари — комиссар ихтиёрий равишда бўйнига олганини, бу ерда ундан унвон жиҳатидан ҳам баланд киши йўқлигини билмайди. Шунинг учун ҳамма унга мурожаат этар, у ҳам ўз навбатида масъулиятни сезиб, шароитга қараб иш тутарди. Тинчлик пайтида уни ҳурмат қилишгандек, ҳозир ҳам унинг бирор сўзини икки қилишмасди.

Яна душман ҳужуми бошланди...

Қуёш қонга белангандек бўлиб уфққа ботди. Кечги ел порох ва гутун ҳидларини тарқатган бўлди, баъзан аллақаяқдан куйинди исини олиб келиб димоққа уради.

Енаётган қоғоздек четлари қизариб ой чиқди. Осмонга юлдуз сочилди. Ойнинг хира ёруғида вайрон бўлган бинолар, синиб кетган, учиб тушган дарахтлар янада мудҳиш кўринарди. Занжири сочилиб кетган немис танки ҳамон қалъанинг қаршисида бадбашара тасқарадек қўнқайиб турибди.

Рустам туйнуқдан қараб ўзига таниш қалъа сатҳининг ой ёруғида ваҳималигидан — тўпларнинг парчаланиб ётишидан, мурдаларнинг хунук кўринишидан, ағанаб ётган дарахтлардан танимагандек бўлди. Унда-бунда тарсиллаб қоладиган яккам-дуккам ўқ отилишини ҳисобга ол-

маганда тун тинч эди. Лекин кўнгиллар хира, оғир ярадорлар биринкетин ҳалок бўлмоқда. Қолганларни ҳам эвакуация қилишнинг иложи йўқ. Душман қалъани ўраб, уни даф қилишни маълум қисмга топшириб, ўзи илгарилаб кетган. Демак, чекинишнинг ҳам иложи йўқ. Фақат фурсат топиб ёриб ўтиш керак. Бунга куч қани?...

Тун яримдан оққанда тирик қолганлар ва енгил ярадорлар маслаҳатлашиб олишди. Рустамга таниш товушли киши мажлисни олиб борди. Алланималарни уқтирди, тайинлади. Рустамнинг мудраб бораётган қулоғига унинг: «Қаттиқ жанг бўлади! Хотин-қизлар, болаларни нима қиламиз? Уларни олиб ўтиришдан фойда йўқ. Овқат қани? Ярадорларчи?» дегани элас чалинди.

Рустам уёғини эшитмади, ухлаб қолди. Бир маҳал қулоғига кетмон чопганга ўхшаш овоз кириб, кўзини очса, ундан сал нарида икки киши ер қазишяпти. Рустамнинг хаёлидан: «Гўр қазишяпти шекилли!» деган фикр ўтди-ю, кўзи чарақлаб очилиб кетди. Улардан кўзини олмай термилиб ўтирди. Одам সিғадиған қилиб катта қазишмади, биттаси:

— Бўлди. Чуқурлиги етади,— деса, шериги:

— Комиссардан сўраш керак, бўлармикин? — деди чуқурдан шағал аралаш тупроқни тортиб.

Кейин комиссарни бошлаб келдилар, кўрсатдилар. У маъқуллади шекилли, бошқа қазмадилар. Думалоқ ўралган нарсани аввал яхшилаб ихчамлаб, эски бир темир идишга солдилар, оғзини маҳкамладилар, сўнг эҳтиёт билан чуқурнинг тубига қўйдилар. Устига шиббалаб тупроқ тортидилар.

Рустамнинг ҳеч нарсага фаҳми етмай турган эди, комиссар бир неча одамларни бошлаб келиб, уқтирди:

— Полк байроғи мана шу ерда. Қимда-ким тирик қолса, келиб олади. Мана кўриб қўйинглар: кираверишдан ўн қадам чапда. Тушунарлими?

Ҳеч ким индамади.

— Сен ҳам билдинг-а, йигитча? — деди Рустамга ер қазиганлардан бири.— Балки сен омон қоларсан! Кўриб қўй!

Тонг яна тасир-тусир билан бошланди. Аввал душман самолёти бомба ташлаб ўтди, сўнг орқа томонда пулемётдан ўққа тутди. Кейин артиллерияси ҳамма ёқни титиб юборди. Уларнинг ортидан автоматчилар уланди. Аммо мудофаачиларнинг қаттиқ қаршилигига учраб, чекинишга мажбур бўлди-ю, яна танк билан атака бошлади. Танклар тўғридан туриб ўққа тутди. Автоматчилар бостириб келди. Лекин салдан сўнг ярмини йўқотиб ортига қайтди. Уларнинг найзабозликка бардош беролмаганини бир четда биқиниб ётган Рустам шундоқ кўриб турарди. Ҳатто кечаси байроқча чуқур қазиган солдат биттасининг қорнига қандай найза тикқанини аниқ кўрди. Найзани тортиб олишга улгурмади, ўзига ўқ тегиб, унинг устига йиқилди. Ўқ нозик ерига теккан эканми, ҳатто типирламади ҳам, аммо қорнига найза қадалган немис роса тўлғанди, ингради, кимнидир чақирди. Охирида найзани иккала қўли билан чангаллаганча жимиб қолди.

Бу жуда даҳшат эди. Рустам олдинига кўзини чирт юмиб олди, кейин орқасини ўгирди. Бари бир унинг кўз олдидан ўша инграб типирчилаётган солдат кетмас эди...

Тенгсиз олишувдан кейин мудофаачиларнинг чўғи камайиб қолди. Анча одам сафдан чиқди. Тушга бориб, немис яна ҳужум бошлади. Уни ҳам бир амаллаб қайтардилар-у, лекин жуда ҳолдан тойдилар. Ўқ-дори ҳам саноқлик қолган эди. Комиссар одамларни йиғди:

— Уртоқлар! Аҳвол ўзингларга аён! Мадад келмади, у ёқда ҳам енгил жанг бўлаётгани йўқ, албатта. Гап шу: хотинлар ва болаларни топширамиз.

— Асирликками?

— Асирлик дейсизми, қулликка дейсизми, хуллас — немис қўлига топширамиз... Ҳа, душман қўлига! Бошқа илож йўқ!

Ҳамма нафасини ичига ютганча туриб қолди. Димоғи битиб қолганнинг ҳатто нафас олиши эшитилади. Кимнингдир боласи чирқиллаб йиғлар, аллақайси ярадор «сув!» деб бақирди, унинг ёнида кимдир бирдан бақириб юборди. Ташқарида якка ўқ янгради. Осмондан оғир юкли самолёт гўнғиллаб ўтди.

Орқа томондан бир солдат пўнғиллади:

— Бу қандоқ бўлди?..

Комиссар жавоб қайтармади. Савол жавобсиз ҳам аён эди.

— Қириб ташласа-чи? — деб бағрига ярадор мурғагини босиб турган она сўради.

Комиссар:

— Кафолат йўқ, албатта, — деди. — Душман душманлигини қилиши мумкин. Бахтинглардан кўрасизлар.

— Сиз, сизлар қоласизларми?

— Биз билан ишингиз бўлмасин. Биз солдатмиз.

Шу билан масала тамом бўлган эди. Комиссар ички оппоқ кўйлагини шариллатиб йиртиб, бир парчасини милтиқ найзасининг учига боғлади. Туйнуқдан чиқариб ҳилпиратди. Бу таслим бўлиш ишораси эди. Сўнг казаметдаги хотин-халажларга қараб:

— Тайёрланинглар, — деди. — Қулоқларингизда бўлсин, биз сизларни бола-чақаларимиз жонини сақлаб қолиш ниятида асирликка, мудҳиш асирликка топширяпмиз. Бу енгил эмас. Ишонамиз, болаларимиз келажаги учун, уларнинг бахт-иқболи учун ҳар қандай жудоликка ва ғурбатга бардош берасиз, ҳатто ўлимнинг кўзига тик қарайсиз. Ватаннинг сиздан талаби шу! Болаларни сақланг, омон бўлинглар!

Бирдан юракларни ўртовчи қий-чув кўтарилди.

Комиссар оқ латтали милтиқни туйнуқда қолдириб, кимгадир далда берди, кимнингдир елкасига қоқиб овутиди, кимгадир ёрдамлашди. Уни кўрган мудофаадаги аскар ва командирлар ҳам хотинлар ва болаларни ўраб олдилар. Улар эски қадрдонлардек бир-бирларини ўпиб хайрлашишар, кўз ёшлар кўз ёшларга қўшилиб кетар, ниманидир бир-бирларига уқтирар эдилар. Қолаётганларнинг ҳам, кетаётганларнинг ҳам хаёлида бир фикр: «Бу ёғи нима бўлади? Немис қандай қарши олади?» Биттаси гоҳлик қилиб туриб олди:

— Мен бормайман!

— Ихтиёрингиз. Мажбурий эмас. Ҳатто соғломлар ҳам асирликка ўтиши мумкин. Зўрлаб олиб қолмаймиз.

— Асирликдан ўлим яхши, ўртоқ комиссар, — деган эди оғир ярадорлардан бири, комиссар уни жеркиб берди:

— Тўғри, лекин қўлидан ҳеч иш келмасдан ўқ бўронлари орасида ўлимни кутиб ўтириш ҳам қаҳрамонлик эмас! Жонни сақлаш керак, шундай қилиб сақлаш керакки, виждонингизга доғ тушмасин. Эҳтимол, у ерда тирик қолиб халқингизга нафингиз тегар.

— Бари бир... — яна ғудранди бояги ярадор.

— Бошқа шароитда сизларни албатта асирликка бермасдик, ҳозир бошқа илож йўқ. Тиббий дори-дармон йўқ, шароит қанақалигини мана ўзингиз кўриб турибсиз. Яна ихтиёр ўзингизда. — Комиссар Рустамни ёнига чақирди: — Сен ҳам бор, лочин. Дадангга ўзим айтиб қўяман, хўпми?

— Дадамни кўрасизми? — деб сўради Рустам.

— Бўлмаса-чи! Ҳали Тошкентга борамиз. Сен менга палов қилиб берасан. Сирдарёга балиқ овига олиб чиқасан!

— Мария холамни ҳам олиб борасиз-а?

— Мария холанг... боролмайди энди!

Рустам бирдан мунғайиб қолди.

Рустамнинг қўлидан битта ярадор ушлаб олди. Ҳамма ёқни вайрон қилиб, кишиларни ўлдираётган немис автоматчилари қаршисига ўз оёғи билан бораётганиданми, боланинг вужудида маҳзун титроқ бор эди. Унинг қўрқаётгани қўлидан ҳам сезилаётган бўлса керак, ярадор:

— Қўрқма, жигар, ҳеч нарса қилмайди,— деди.— Ёлғиз эмассан-ку...

Немис автоматчилари асирликка топширилган хотин-халаж ва болаларни олдинга ўтказиб, ярадор аскарларни уларнинг ортидан тиздида, кейин автоматларини ўқталиб, барчасини ўраб олди. Кимдир сал лапашанглик қилган эди, бириси автоматнинг қўндоғи билан туширди, нимадир деб бақирди.

— Бошланди,— деди Рустамни етаклаб бораётган ярадор. Рустам нималар бўлаётганини англа-англамас автомат тариллаб қолди. Битта болалик хотин билан оқсоқланиб, ёғочга суяниб бораётган ярадор йиқилди.

— Ифлослар!— деди Рустамнинг ҳамроҳи.— Бундан ўлган яхши.

Колонна немис офицерининг буйруғи билан қўзғолди. Немис автоматчиларининг чакаги тинмас эди: гоҳ уни сўкиб бақиради, гоҳ буни туртиб сафга итаради, автомат ўқталади. Колоннани ёқалаб бораётган офицер қорнининг устида қини дўппайиб турган ихчам тўппончасини олиб, бирдан ўқ узди-да, бақирди:

— Тартиб, тартиб сақлансин!

Ўқ яна бир кишининг бошини еди. Қулаган аскар Рустамдан олдинда, ўнг томондан учинчи бўлиб бораётган эди. Рустам қўрқиб кетди. Ярадор ҳали тирик, лекин беҳуш эди. Унга бирон кишининг энгашиб кўмаклашишига рухсат бермадилар. Колонна ўтиб бўлгач, энг орқада келаётган немис уни оёғи билан туртиб, бир четга сураётганини Рустам кўриб қолди. Ваҳимадан қўлини ушлаб келаётган ҳамроҳига:

— Анавини, анавини қаранг, оёғи билан тейяпти!— деб юборди.

Немис автоматчиси улардан кўзини олмай келаётганидан ярадор:

— Йўлингга қара!— деб Рустамнинг қўлини қаттиқ қисди-да, сўкиниб қўйди.

Колонна анча «тартибга» тушиб қолган, ҳеч ким чурқ этмасди.

Колонна дарё кўпригига яқинлашиб келди. Рустамнинг қўлидан ушлаб келаётган аскарни Рустам энди яхши эслади. У кечаси байроққа чуқур қазиганларнинг биттаси эди. Вой-бўй, яралангандан кейин қандай ўзгариб кетибди! Ё кечаси Рустам яхши кўрмаганми, ёки боя немислар тайинлаганда аҳамият бўрмаганми, эҳтимол ўзи шунақа кам гўшт, чуқур кўздир! У Рустамга деди:

— Байроқ эсингда-а, йигитча,— деди.— Эсингдан чиқарма. Бизни унутма!

Аскар шу сўзни айтди-ю, одамлар орасидан ўқдек отилиб чиқиб, кўприкнинг четида бораётган тўппончали офицерни бир уриб, дарёга ағанатди-да, кетидан ўзини ҳам ташлади. Бирдан автоматчилар пала-партиш ўқ узди. Кейин команда бўлди:

— Утир!!

Лекин колоннада тартиб бузилган, хотинлар ва болаларнинг қий-чуви авжига чиққан эди. Пайтдан фойдаланган Рустам эпчиллик билан эмаклаб, кўприкнинг бу бетида бузилиб ётган танкнинг тагига кириб кетди. Уни ҳеч ким пайқамай қолди.

(Давоми келгуси сонда).



Барот Бойқобилов

# Шукҳли Карвон

ШЕЪРИЙ РОМАН

Сеҳру ҳайрат била боқиб сўнгги бор,  
«Тешик тош»да кўрди ҳикмати анвор.

Закий мезбонига ўқиб ташаккур,  
Шикор орзусида отланди амир.

Ургут каклигига интизорки жон,  
От қўйди «Тешик тош» дараси томон.

Роз айтмиш ҳайбатли оқ қорли тоғлар,  
Сув тутмиш ғазалхон илиқ булоқлар!

## Учинчи кўшиқ

Бу оқшом Навоий даргоҳи обод.  
Дўстлар ташрифидан ул ғоятда шод.

Амирнинг таклифи билан бу оқшом  
Жўшқин мушоира этади давом.

Шоирлар юракдан айлаб навозиш,  
Бу оқшом санъатин этур намойиш.

Ғазал насимидан мусаффо даргоҳ,  
Не ажаб, то саҳар бўлса навогоҳ.

Навоий суҳбатин қўмсаган дўст-ёр  
Қалбида бу оқшом гул ёзар баҳор.

Шодон кулгилардан руҳлари яйрар,  
Диллари булбулваш оҳангда сайрар.

Амир равнақидан хурсанд Абулайс  
Назмга ҳам этмиш дилини пайваст.

Маърифат мулкани айлаб гулистон  
Муаммо кўкида урмишди жавлон.

Илҳом гулзорида кезган чоғида,  
Дили яйрар эди ғазал боғида.

Аъламул уламо қошида ҳар гал  
Навоий ўқиган чоғида ғазал,

<sup>1</sup> Охири. Боши журналнинг 3, 4, 5-сонларида.

- Фикрини безарди фақиҳ ҳикмати,  
Рӯшно кӯринарди назм хилқати.
- Ғазал ё муаммо битса фақиҳ ҳам  
Навоний қошига қўярди қадам.
- Форсий ила туркий — икки пайваст  
қалб  
Самарқанд назмини турарди безаб.
- Мавлоно Абулайс бу нурли оқшом,  
Аҳли анжуманга айлаб эҳтиром,
- Дил созин жўр қилиб ажиб навога,  
Дил розин айтгали бир дилрабога,
- Форсийда ўқиди латиф бир ғазал  
Ва берди муҳаббат қасрига сайқал.
- Жон қулоғи билан тинглаб ғазални,  
Қўрмакка зор бўлиб ўшал гўзални,
- Қалам соҳиблари ўтда ёндилар,  
Ултирган жойида бир тўлғондилар.
- Олқиш гулларида бўлиб тамом лол  
Фазлулло Абулайс жилмаяр  
хушқол.
- Муаззам устоддан бўлсин деб ёдгор  
Навоний ёд этар дилида такрор:
- «Қади чун сарви ту жон аст маро,  
балки равон,  
Сўям, эй сарв, равон шак ки фидо  
созам жон»<sup>13</sup>.
- Фақиҳ ғазалига жон бўлиб садқа,  
Дафтارين безайди шу ажиб матлаъ.
- Мавлоно Мир Қарший кўзида  
хайрат,  
Навоний жилмайди, сизга, деб  
навбат.
- Бу олий карамдин дилда ҳаяжон,  
Довдираб қолди у ёш боласимон.
- Мир Қаршийнинг ёши улуг бўлса  
ҳам  
Ўзини ҳокисор тутарди ҳар дам.
- Бозорда бор эди китоб дўкони,  
Зурафо аҳлининг эди макони.
- Навраста шоирлар унда бўлиб  
жам  
Мир Қарший кўнглига ёқишарди  
шам.
- Ёшларга ул санаб ўзини устод,  
Гоҳо шеър илмидан ўргатди савод.
- Толиблик даврида Навонийни ҳам  
Мир Қарший устоддек тутди  
мукааррам.
- Қай китоб бўлса гар шоирга даркор,  
Унинг дўкони эди ихтиёр.
- Мавлоно «Хатойи» қилмиш  
тахаллус,  
Саҳоф деса уни танирди улус.
- Фақир сурар эди форсийда қалам,  
Қалам эди унинг дардига ҳамдам.
- Кўзлар Мир Қаршийнинг оғзига  
муштоқ,  
Диллар эса унинг сўзига муштоқ.
- Нафосат аҳлидан тортиниб бир оз  
Сўнг илҳом кўкида ул эди парвоз.
- «Нест ойини муҳаббат кардан аз  
ёре гила.  
Варна з-он бедахд мекардем  
бисъёре гила»<sup>14</sup>.
- Мазкур матлаъ бўлиб ғазалга  
сарбон  
Барчани бошлади ишқ дашти томон,  
Мир Қарший этмади ёрдан шикоят,  
Чунки ишқда йўқдир бу тахлит оят.
- Навонийга ғазал тушди-да маъқул  
Кўнгил дафтарига битиб қўйди ул.
- Мавлоно боқди шод суҳбат аҳлига,  
Барчани чўмдирди ҳайрат наҳрига.
- Мирзо Абдураззоқ «ваҳ» деди  
бирдан,  
Садоний офарин айтди сурурдан.
- Ҳокисор Мир Қарший қуйи эгди  
бош,  
Олқишдан сачради кўзларидан ёш.
- Мавлоно Жавҳарий — самарқанд-  
лиғдур,  
Собунхона билан дили бандлиғдур.
- Унинг ҳовлисида маъюс ва юпун,  
Бир ғариб ҳужрада кечирарди кун.
- Бийрон эди анча Жавҳарий сўзда,  
Билими бор эди бир оз арузда.
- Соҳиб қаламга қўйиб эътиқод  
Дилга хуш ашъорин олар эди ёд.

Навой, топинган қуёши эди,  
Кўнгил кулбасининг наққоши эди.

Узи ҳам назмда машқ қилиб гоҳи,  
Бир санам кўнглига етмасди оҳи.

Бу чархи давронга ул солиб разм,  
«Сиярун-наби»ни қилганди назм.

Фақир топиб айтган ушбу гўзал  
байт

Барча шуурида барқ урди шу пайт:

«Фалак бас ки дар мавкибош  
тохта,

Ба ҳар моҳ наъле бияндохта»<sup>15</sup>.

Жавҳарийни қутлар Навоий  
дилдан,

Тароватли байти учади тилдан.

Шуур осмонини айлаб чароғон  
Жавҳарий юлзузи порлади шодон.

Мавлоно Хавофий — шукуфта  
таъблиқ,

Ёшлик айёмида порлади барқдек.

Кўркам йигит эди, қомати расо,  
Қалбида шеър бўлиб ишқ бермиш  
садо.

Топинган қибласи — ёр қоши эди,  
Дилдор нафаси — дил оташи эди.

Ут бўлиб ёнди у ғазал боғида,  
Шарора порлади кўз қароғида.

Муҳаббат торига наво этиб бахш  
Ушбу матлаъ бўлмиш кўнгилларга  
нақш:

«Зоҳидо, қиблаи мо абрўи дилдор  
авло,  
Туву масжид ки туро рўе ба девор  
авло»<sup>16</sup>.

Мирзо Ҳожа Сўғдий туркий  
забондур,

Вале форсийда ҳам номи аёндур.

Самарқанд элининг хуштаъб шоири  
Навоий назари тушгандан бери

«Агар Фарҳоду Ширин ҳарду дар даврони ман будӣ,  
Яке шарманда аз ман, он яки жонони ман будӣ.

Агар Мажнун ба дашти ишқ ҳамроҳам шуди як раҳ,  
Ба жон э — ошуфтагоҳан дили вайрони ман будӣ.

Магу, қ-аз ашк дар кўи вафо рўяд ниҳол, эй дил,  
Қи гар будӣ чунин аз дийдаи гирён ман будӣ.

Чу гул чоки гиребонам нагашти ҳар саҳар зоҳир,  
Чу дурри аш кагар он шўх дар домони ман будӣ.

Нафосат мулкида топиб эътибор  
Ғазал кишварида кезар бахтиёр.

Ул бурро ўқиган ашъордан ушбу  
Гўзал байт қалбларга солмишдир  
ғулу:

«Ўхшатти қоматингга санавбарни  
боғбон,

Бечора билмас эрмиш алифдин  
таёғни».

Мушоира давом этарди баравж,  
Дилларда Кўҳакдек урар эди мавж.

Бебаҳо ташбеҳу латиф мажоздан  
Дилбар куй янграрди дил деган  
создан.

Мушоира топай деганда поён,  
Дўстлар орзуини айлаб намоён

Форсийда бир ғазал ўқди Навоий,  
Сўз дурин дилларга тўқди Навоий:

Навоийни дўстлар қутлашиб шодон,  
Кўнгил жавоҳирин этишди эҳсон.

Сўнг эса бошланди мусиқа базми,  
Базмни безади Навоий назми.

Жамшид Садойининг ҳазин овози,  
Аҳмад Самарқандий нолаваш сози

Чок-чокидан сўқди дилларни гўё,  
Кулфи-калит қилди тилларни гўё.

Аҳмад Самарқандий — муғаннийи  
ринд,  
Санъати барқида Хуросону Ҳинд.

Амир ғазалига ул боғлабди савт,  
Савт лашкари этмиш дил мулкини  
забт.

Жамшид Садойи ҳам ул билан  
ҳамроз

Қўшиқ осмонида этади парвоз.

Бу сўлим оқшомда оташин ғазал  
Нурлари дилларга чекмиш заррин  
ҳал:



Ҳазоран шаб ба бедорӣ ба рузам номадӣ дар ҳажр,  
Шабе гар он маҳи номехрибон меҳмони ман будӣ.

Зи нозу ғамза гоҳе чашм агар во қарди он маҳваш,  
Зи ҳайрони ки дорам дар рухаш ҳайрони ман будӣ.

Вафоро дар дили хубон асар гар будӣ, эй Фоний,  
Нобуди ёр азони бевафоён, зони ман будӣ»<sup>17</sup>.

## Ҷи биринҷи қушиқ

### I

Самарқанд осмони зулматга ўшар,  
Зулматнинг қучоғи кулфатга  
ўшар.

Яна ой тутилмиш шаҳар кўкида,  
Яна дард қўзғолмиш шаҳар  
кўксиди.

Юлдузлар юзини қопламиш булут,  
Булутлар лашкардай кўтармиш  
совут.

Само ҳўнграб йиғлар, тинмас кўз  
ёши,

Мажнунтолдек эгик қайғудан боши.

Мотам либосидек чеҳраси қора,  
Вайрона кулбадек қалби садпора.

Қаро тун дардига бўлиб қайғудош,  
Навий, аламдан кўтаролмас бош.

### II

Бул матлаъ соҳиби Мирзобек  
эрур,—  
Ғазал шодасида гўё икки дур.

Мавлоно Мирзобек, деганда, қалам  
Нуридан мунаввар бўларди олам.

Самарқанд мулки-ю Хуросон ичра,  
Равзаи фирдавсдек бу жаҳон ичра,

Инсоният ҳамда хуш ахлоқликда  
Қамтарлик боғида, дили покликда

Беназир эди ул, эди ягона,  
Дунёнинг ҳасрати эди бегона.

Бу икки мулк аро таъб ва фаҳмда,  
Отару тутарда, караму раҳмда,

Амир саромади замона эди,  
Йигитлар ичинда мардона эди.

Ғазал бургутининг қаноти синмиш,  
Шеърят чашмасин мавжлари  
тинмиш.

Илҳом парилари киймишлар қаро,  
Сочларин юлмишлар мунгли боғ  
аро.

Қалам тулпорининг ранги заъфарон,  
Айрилиқ даштида туёқлари қон.

Ғаним қадамидан назм гулшани  
Саҳнида гурламиш қайғу гулхани.

Қотилнинг дастидан кўтариб нола  
Қоғозда дод солмиш етим бир  
матлаъ;

«Кўзунг не бало қаро бўлубдур,  
Қим, жонга қаро бало бўлубдур».

Зеҳни ўткир эди, идроки теран,  
Кўнгли эса биллур чашмадек шўх-  
шан.

Эҳтиёж сезмасди бу навъ таърифга,  
Толе кулган эди ақли зарифга.

Ғариблик тунида Навоийга ул  
Меҳрибон дўст бўлиб узатганди  
қўл.

Шоирнинг дардига ахтариб даво,  
Кўнгил рубобига берганди наво.

Устоду шогирддек бўлиб қадрдон,  
Назм бўстонида урганди жавлон.

Навоийни айлаб қалами шайдо,  
Кўнглида садоқат этганди пайдо.

Қўшқофия эди битган ашъори,—  
Гўёки танбурнинг икки шўх тори.

Қофияси доим эди тарди акс,  
Назмида этарди сўз париси рақс.

Мирзобек назмини ўқиган чоғда,  
Шоирлар ҳайратдан қоларди доғда.

Ҳатто Навоий ҳам унга бериб тан,  
Маҳолат, дер эди, айтмоқлик сухан.

Тилида шоҳ байтлар бўлса ҳам  
пайдо,  
Аммо ҳаргиз фақир қилмасди парво.

Ед айтиб юрмакни этиб ихтиёр,  
Бир ерда ўтириб битмасди ашъор.

Ноёб истеъдоди мисли жавоҳир  
Кўнгил уммонида қолиб кетмиш  
сир.

Улусда обрўси ошгани қадар,  
Ғанимлар кўксини тиглади бадтар.

Фақирнинг отаси эди баобрў,  
Эларо ардоқли амир эди у.

Аҳмад Ҳожибекнинг суянган тоғи —  
Эди ул, шаън эди ул билан боғи.

Арҳангий туфайли Аҳмад Мирзо  
ҳам  
Салтанатин этган эди мустаҳкам.

Бу ҳолдан яқо чок Шакур ал Мирзо  
Султону ҳокимдан эди норизо.

Айниқса Мирзобек камоли ҳар кун  
Унинг жигар-бағрин этар эди хун.

Вазирликка бўлмиш амир даъвогар,  
Ҳаёт сахнасида йўқотмоқ даркор,  
Деб режа тузди-ю вазир пинҳона,  
Қора ниятига топди баҳона.

Файз Маҳмуд уйида бир хилват  
оқшом

Чоғир мажлисида кўрсатиб киром,  
Мирзобек шаънига айтиб нек

сўзлар,  
Амирнинг ширакайф бўлмоғин  
кўзлар.

### III

Тонг билан йиғлади нолаваш дутор,  
Оламга дод солди жафокаш дутор.

Сурнай садосидан диллар эзилди,  
Саодат бекасин қасри бузилди.

Авжига чиққанда мажлиси чоғир,  
Соқийга жилмаймиш вазир муғом-  
бир,

Айёр тулки каби пайтини пойлаб,  
Муғбачани зимдан қошига чорлаб,

Арғувон шаробли косани тутди,  
Мирзобек сари ул пилдираб кетди.

Титраганда мунгли куйлардан  
жонлар,  
Томирда пўртана қилганда қонлар,

Армонлар қуюндай қўзғолганида,  
Шароб шамолининг тўзонларида

Адашиб қолганда навқирон амир,  
Муғбача косани узатди абжир.

Амирга эгилди маст-аласт бошлар,  
Кўзларда илтижо, дилда оташлар.

Вазирнинг тикилди халқумига  
жон,  
Жонида васваса қўзғади исён.

Исён гирдобида табассум этди,  
Амирга илжайиб, хуш таъзим  
этди.

Мирзобек вазирга боқиб мастона,  
Сипқарди бир коса майни мардона.

Вале дили бўлди бирдан беҳузур,  
Барқдек чақнаб кетди кўзларида  
нур.

Ичи ўтдай ёниб, айланди боши,  
Қулади гўёки тоғларнинг тоши.

Ой тутилган тунда Шакур ал  
Мирзо  
Кўнглида ушалди битта муддао.

Аҳли чоғир эса бундан беҳабар,  
Амирни кўкларга кўтариб мақтар.

Шаънига ҳофизлар айлар муножот,  
Мирзобек ғойибдан кутади нажот.

Вале сархуш бўлиб қолди, деб  
амир,  
Кузатиб қўйишга ундади вазир.

Ғижжак навосидан титради осмон,  
Чанг торларин узди нолаю афгон.

Ғам тоғин остидан ингради танбур,  
Қалбларни ситамкор тирнади  
танбур.

Ҳофизлар дардидан тиллар  
 бекалом,  
 Жонларни поралар савти  
 «Шашмақом».

Ситам юкларидан эгилди бошлар,  
 Кўзлардан шашқатор тўкилди  
 ёшлар.

Айрилиқ дардидан олам ўртанди,  
 Назм боғи ичра хазонлар ёнди.

Яқосин чок қилиб йиғлади ғазал,  
 Аҳли дард кўнглини тиглади ғазал.

Навоий қомати дол бўлиб қолди,  
 Қўлига Мирзобек қаламин олди.

Бадний кўксида фарёд қилди дил  
 Мисоли тонг пайти ўқ еган  
 булбул.

Давосиз бир дардга бўлиб мубтало  
 Фазлулло Абулайс суянди асо.

Амир Арҳангийнинг юзи заъфарон.  
 Кифтидан ғам тоғи босар беомон.

## Ҳн иккинчи кўшиқ

Хира шам қошида Навоий мунгли,  
 Мирзобек ҳажрида фарёдваш  
 кўнгли.

Юзлари сўлгиндир қайғу-аламдан,  
 Кўзлари толиққан ҳасрату ғамдан.

Дўстини топшириб қаро тупроққа,  
 Дардини сўйлайди тилсиз чироққа.

Чил-чил пора бўлмиш кўнги  
 шишаси,  
 Қафасдай кўринар кўзга гўшаси.

Кулфат кўчасида кезмиш саргар-  
 дон,  
 Мотақ саҳросида юраги гирён.

Умид ниҳолининг синмиш шоҳлари,  
 Оғзидан ўт бўлиб чиқмиш оҳлари.

Ғанимлар қилмиши бағрини доғлар,  
 Кифтига кўнгандек силсила тоғлар.

Амир суянган тоғ қулади, эвоҳ!  
 Уғлига қасд этмиш номард бир  
 гумроҳ!

Бу ҳолдан аламноқ ҳокиму Султон,  
 Арҳангий дардига юрт бўлди  
 дармон.

Эл бўлиб ул билан дардман, қай-  
 ғудош,  
 Оғаси сингари қуйи солди бош.

Дили хаста эрди Мирзобекни деб,  
 Шаробни лаънатлаб, сирли мун-  
 ғайиб,

Амирдан ҳол сўрди Шакур Мирзо  
 ҳам,  
 Файз Маҳмуд ўксинди, кўзларида  
 нам.

Намозшом кўнганда, ўқиб жаноза,  
 Бутун эл бир бўлиб, тутишиб аза,

Аҳмад Ҳожибекнинг мадрасасига  
 Дафн этди амирни. Тош лавҳасига

Сўнги бор қадалди мунгли  
 нигоҳлар,  
 Самони ўртади дилдаги оҳлар!

Нафрат ўти дилда олар аланга,  
 Укинч нолалари сиғмас оламга;

«Ҳайф, юз ҳайфким, анинг бахти  
 кулмади,  
 Ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади.

Умр чинорига тортилди арра,  
 Иқбол мевасидин топмади баҳра».

Мирзобекдан ёдгор бир шоҳона  
 байт  
 Қоғозда нақшдек жонланар шу  
 пайт:

«Кўзунг не бало қаро бўлубдур,  
 Ким, жонга қаро бало бўлубдур».

Шоир байтни яна этади такрор,  
 Навқирон бургутдай қалби ярадор.

Амирнинг тугамай қолган ғазали —  
 Қанот ростламаган полопон ҳали.

Ул дилдан дилларга қилсин деб  
парвоз,  
Мирзобек руҳини этганча эъзоз,  
Қалбида қўзғалиб кучли бир туғён,  
Илҳом оташида садо бериб жон,  
Мукаммал бир ғазал этгали уни,  
Тонг билан элига тутгали уни,

Мирзобек руҳига қилгандай қасам,  
Ғам-алам даштида суради қалам.

Қўнғил йиғисига юпанч тополмас,  
Уксик жон дардига қувонч

тополмас.

Бир ғазал кўйида топиниб шамга,  
Дўст розин сўйлайди қайси

санамга?

Кўҳакда оқариб қолганида тонг,  
Дилларга рўшнолик солганида

тонг,

Ғазал ҳам туғилди мисоли гўдак,  
Жисмида жо бўлмиш икки ўт юрак:

## II

Фарзандин топшириб қаро  
тупроққа,

Ота жони қолди азоб, қийноқда.

Ҳаётдан умиди узилгансимон  
Мотам болишига бош кўйди нолон.

Оҳу фарёидан ўт олди борлиқ,  
Дунёга сизмади — қилгандай тор-  
лик.

Даво тополмасдан ғам-андухига,  
Телбадек сизиниб ўғлин руҳига,

Умр иморатин вайрон айлади,  
Шароб косаларин яксон айлади.

Дунёдан ноумид бўлганда амир,  
Айш-ишрат базмини қурганда  
вазир,

Муғбача этмаса гар сирни ошкор  
Қотилдан хабарсиз эди дўсту ёр.

Вазир бирла соқий тили бир эди,  
Муғбачага оғу балки сир эди.

Элдан нохуш хабар эшитган замон,  
Муғбача қалбида исён қилди жон.

Рухобод даҳаси томон чопди ул,  
Мотамли даргоҳни излаб, топди ул.

Дод солиб, йиқилди амир пойига,  
Арҳангий тош қотди турган жойида.

«Кўзунг не бало қаро бўлубдур,  
Ким, жонга қаро бало бўлубдур.

Мажмуи давони дард қилдинг,  
Дардинги, манго даво бўлубдур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,  
Ҳар жонки санго фидо бўлубдур.

Бегона бўлубдур ошнодин,  
Бегонага ошно бўлубдур.

То қилди юзинг ҳавоси жоним,  
Юз сори анго ҳаво бўлубдур.

Боқий топар улки бўлди фоний,  
Раҳравга фано бақо бўлубдур.

То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли аро наво бўлубдур».

Баланд овоз билан этди-да такрор,  
Ҳазин наво айлаб дил деган дутор,

Маъюс нигоҳ отди Навоий тонгга,  
Мирзобек ёдгорин битди девонга!

Чоғир мажлисини йиғлаб сўзлади,  
Амирнинг қалбини тиглаб сўзлади:

«Бир қошиқ қонимдин кечгайсиз,  
амир,

Оғу солган экан шаробга вазир,

Менга май косани узатганда ул  
Қотиллик тифига урган экан қўл.

Соқийга ишора қилганда вазир,  
Макрининг тагига етмабмен,  
тақсир.

Билурсиз, Файз Маҳмуд отлиқ  
шоирни,  
Май бирла ул сармаст этди амирни.

Амир унутганда ўзини тамом,  
Соқийга кўрсатди вазир эҳтиром,

Вале гуноҳкормен, амирим, мен  
ҳам,  
Мирзобек туфайли дилимда мотам.

Сизнинг илкингизда меним ёш  
жоним,

Муғбача бўлсам-да покдир  
имоним».

Арҳангий танида қуриди дармон,  
Ярадор шер каби ингради нолон:

«Иблис Шакур Мирзо, қотили  
боргоҳ!  
Дастингдин қон бўлмиш бул даҳри  
даргоҳ!»

Бу хабар тонг билан Султонга етди,  
Тилдан-тилга ўтиб шаҳарни тутди.

Султон амри билан қотиллар ногоҳ  
(Ўзи йиқилгандек ким қазиса  
чоҳ),

Зиндонга ташланди, вазир  
ғазабкор,  
Ҳамтовоқ дўстлари чиқди беқарор.

Юз ўғирди миршаб Зокир Али ҳам,  
Зиндонбон Мир Аҳмад экан  
мутғаҳам.

Зокир Али бўлиб миршабларга  
бош,  
Қотиллар кўзидан тирқиратди ёш.

## Ун учинчи кўшиқ

Тоғларни бағирлаб ётмиш  
Астробод,  
Ғам-ҳасрат наҳрига ботмиш  
Астробод.

Қорли чўққиларда эриб нигоҳи  
Булутдай таралмиш самога оҳи.

Астробод қалъасин этганча макон  
Бойқаро излайди дардига дармон.

Жонига, дўстлари бўлса-да  
малҳам,  
Зафарга ундовчи бир раҳнамо кам.

Қўнгил орзусига бўлгувчи қанот  
Азиз дўст-йироқда — беролмас  
нажот.

Йироқда бўлса ҳам унга ҳар  
қачон  
Дастур йўллаб турди шоири даврон.

Ҳиротга от сурган чоғларида ул  
Баланд тоғлар оша узатганди қўл.

Ғолиб кунларида елкадош эди,  
Мағлуб тунларида қайғудош эди.

Мир Аҳмад «дўстларин» кўргани  
замон,  
Зиндон остонида «қутлади шодон».  
Неча кун чоҳ ичра қилди-да

«меҳмон»,  
Уларни умридан этди пушаймон.

Оқибат Султоннинг олий фармони  
Улимга ҳукм этди уч қотил жонни.

Мирзобек азаси тугамасданоқ  
Вазир кўкрагига санчилди пичоқ.

Кўзачадан шароб тўкилгансимон  
Соқийнинг бўғзидан тирқиради  
қон.

Файз Маҳмуд даргоҳи бўлди  
жаҳаннам,  
Мишкотида сўнди бир умрга шам.

Вале Арҳангийнинг оҳу-фиғони  
Қора булут каби тутди осмонни.

Чинордек қомати дол бўлиб қолди,  
Сиёбдаги мажнун тол бўлиб қолди.

Адолатли шоҳга муҳтож Хуросон  
Жанг-жадал домида чекарди фиғон.

Бойқаро рамзида одил бир султон  
Навоий ўнгида эди намоён.

Шул важҳдин дўстин ул руҳланти-  
рарди,  
Зафар ёр бўлғай деб ишонтирарди.

Султон Абусаид тарафдорлари,  
Зулумкор тахту тож шарафдорлари

Навоий Ҳиротдин кетгандан буён,  
Маишат боғида сурарди даврон.

Уни йироқда деб шодмон эдилар,  
Ўзгалар ер бўлса, осмон эдилар.

Жангдан мағлуб қайтган Мирзо  
Бойқаро  
Қўнглига ҳеч кимса киролмас оро.

Яқин одамлари этмиш хиёнат,  
Қўпидан йўқолмиш имон, диёнат.

Тақдир зарбасидан ул бўлиб гаранг  
Манглайин қонатмиш ғаним отган  
санг.

Фурбат кечасининг тонги бормикин,  
Е дунё дегани бир хунхормикин?

Наҳот, ўз шаҳридан тушиб  
дарбадар  
Қалбин поралагай дудама ханжар?

Фисқи-фасодларнинг кони Астробод  
Наҳот маскан бўлиб қолса умрбод?

Мирзо ер бағирлаб ётган чоғида,  
Мунгли хаёлларга ботган чоғида,

Навойи қошидан келган доранда  
Жонини ғамлардан айлади канда.

Ул йиғлаб ўқиди дўст номасини,  
Ҳар каломга тўкиб дил ноласини.

Умидсиз Бойқаро кайфиятидан,  
Яқинлардан қилган шикоятидан,

Эл ғамин ўйлаган шоир орзуси  
Барбод бўлган эди, кўнгил кўзгуси

Хира тортган эди, бу хатдан аён  
Ва лекин жонига бергувчи дармон,

Умидбахш сўзлардан рўшноланиб  
дил,

Орзиқиб ўқиди дўст хатини ул:

«Қуёш суворийси саҳар қўзғолғай,  
Зулмат қўшинини нишонга олғай.

Ва зангбар шоҳининг гулгун чеҳ-  
ралар  
Зулфидек хайлини тору мор айлар.

Сўнгра шаҳдам қўйиб кўк сари  
қадам

Фалак ҳисорини фатҳ қилғай илдам.

Ул сахархандалик, қуёшрўйлик  
кун

Ва чобук суворлар султони учун

Тангри таоло ўз наҳри хифзидин  
Хандак қилиб, мухолиф чериги  
зулмин

Мунтазам этсин ва сабо хайлидек  
Хандаки жўйбордин ўткарсин тетик.

Хоксор адувнинг туфроғин кўкка  
Совуриб, ёр этсун кишвару мулкка.

Ул мулк ҳисори фатҳи насиб қилсун,  
Ҳирийда адолат офтоби кулсун».

Хатни кўзга суриб, хўрсинди оғир,  
Сўнг босди кўксига, ўт олди бағир.

Чашмадек қайнайди кўзларида ёш,  
Мужгонлар ниҳолдек титрар  
бепардош.

Дўст дуоси бўлиб дардига шифо  
Бу олам кўринди серфайз, дилкушо.

Шамшоддек қаддини мағрур  
ростлади,  
Қошида жам бўлди содиқ дўстлари:

«Сизни дуо этмиш амир Навойи,  
Дуо бирла бермиш фармони олий:

«Ул мулк ҳисори фатҳи насиб  
қилсун,  
Ҳирийда адолат офтоби кулсун».

Мавлоно Навойи орзусин бажо  
Этмаклик, азизлар, олий муддао.

Биз танҳо эмасмиз, Навойи бордур,  
Навойига муштоқ эл бизга ёрдур.

Мушкул кунларда ул раҳнамо  
бўлғай,  
Йироқда бўлса-да, бизни қўллағай.

Навойи дуоси сизга ёр бўлсун,  
Навкарлар дилида барқарор  
бўлсун.

Ҳирий устига от қўймоқлик даркор,  
Дилда садо берсин муқаддас  
шиор!»

Бойқаро сўзидан дўстлар руҳланди,  
Олмос кўзларида гўё ўт ёнди.  
Қалбларига ишонч барқарор бўлиб,  
Шоир дуосидан бахтиёр бўлиб,

Томирларда қайнаб шижоат қони,  
Кўзғолди Мирзонинг ўнлаб ўғлони.

Йигитларни огоҳ этмоқлик учун,  
Навкаргоҳга улар йўлланди  
мамнун.

Қузатиб, дили шод қолди Бойқаро,  
Дўст васфига қалам олди Бойқаро.

## Үн тўртинчи қўшиқ

- Мирзо Султон Абусаид Кўрагон  
Зулмидан зорланди мулки Хуросон.
- Хунхор шамшири ҳеч кўрмади  
филоф,  
Дилига ўт солди ҳатто Кўҳи Қоф.
- Хоразму Бадахшон, Тусу Сабзавор  
Халойиқ хунидан бўлди долазор.
- Ўзи тўйса ҳам ҳеч кўзи тўймади,  
Истило қиличин илкдан қўймади.
- Табризу Рум ишқи тушиб дилига,  
Яна ул ханжарин олди қўлига.
- Яна жанг-жадалга қўшин отланди,  
Отлар туёғидан Ҳирот тўлғанди.
- Паст-баланд йўлларда кўтариб  
тўзон,  
Яна елди қўшин тунлар бемакон.
- Амир Султон Барлос, Амир  
Аҳмадёр  
Тоғ бўлди йиқилса, суянса чинор.
- Бу нав жангда боқир лашкарбоши-  
лар  
Туфайли энг баланд тоғлар ошилар.
- Тулпорин туёғи текканки тупроқ  
Кўксини айлади қон, моматалоқ.
- Эл эса айрилди бор бисотидан,  
Тоғлар ҳам титради оҳу-додидан.
- Очкўз подшоҳидан норизо лашкар  
Ҳолати кун сайин бўларди бадтар.
- Шоҳ йиғган давлатин қилган сари  
жам,  
Аскарлар қалбида ортарди алам.
- Қорабоғ қораси кўринган замон.  
Султоннинг танига югурди дармон.
- Вале бир яқодан бош чиқарган эл  
Ҳужумга отилди мисли тошқин сел.
- Узун Ҳасан, қилич ўйнаб қўлида,  
Қимлигин кўрсатди Мўғон чўлида:
- Бошида шамширин кўтариб баланд  
Бедов от устида арслон монанд —
- Амир Султон Барлос «ҳайт» деган  
палла,
- Мўр-малаҳдек қўшин қўзғолди  
олға.
- Амир Аҳмадёрнинг аскарлари ҳам  
Таҳлика остида от қўйди шу дам.
- Кўксиди қалқону бошда дубулға,  
Султон ҳам қилич-ла интилди олға.
- Баҳор гиламидек ястанган кўклам,  
Гулу чечаклардан ясанган кўклам,
- Додини фалакка айтиб йиғлади,  
Йиғиси ҳаётнинг бағрин тиглади.
- Лолаларнинг боши узилди тандан,  
Ер кўкси ўртанди қирмиз гулхан-  
дан.
- Тупроққа қоришди сабзалар нолон,  
Капалаклар эса унсиз берди жон.
- Қушларнинг носиси фалакни тутди;  
Булбуллар сайрашни гўё унутди.
- Булоқлар кўз ёши бўлдию дарё,  
Қорабоғ қалбини ўртади гирия.
- Ҳазин садо чиқди шалолалардан,  
Юраклар эзилди мунг-нолалардан,
- Султоннинг озурда сипоҳилари  
Фаним қўли баланд келгани сари
- Душман томонига ўтиб кетдилар,  
Қорабоғ яловин баланд тутдилар.
- Амир Султон Барлос яккама-якка  
Жангда мағлуб бўлди, оҳи фалакка
- Тутундек ўрлади, узилди боши,  
Жасади қошида тулпор—йўлдоши
- Бошин кўтаролмай йиғлади юм-юм,  
Уруш майдонида бошланди қуюн.
- Ким дўсту ким душман — қилиб  
бўлмас фарқ,  
Не жонлар бўлишди қон наҳрига  
фарқ.
- Султон Абусаид ҳалқумида жон,  
Қиёмат домида эди оломон.
- Бу қулай фурсатни бой бермай  
қўлдан,  
Бир даста аскарни қайрилиб йўлдан,
- Ҳалқа каби ўраб олиб Султонни,  
Тигли исканжага солишиб жонни,

Қатл этди, сўнг эса Амир Аҳмадёр  
Кўксига санчилди шамшири хунхор.

Узун Ҳасан ҳайрон тасодиф ҳолдан,  
Дили шод, Мўғондан эсган  
шамолдан.

Тариқдай сочилган лашкар сулҳ  
кутиб,  
Ҳасанни чорлади оқ ялов тутиб.

Тумандай тарқалиб дилидан ваҳм,  
Қўшини ҳолига солди-да разм,

Битим тузмакка ул айлади қарор,  
Йўқ эрса, ким жангда келур усту-  
вор,

### Ун бешинчи кўшиқ

Султон Абусаид қатлин Хуросон  
Эшитмасдан бурун Астробод томон

От қўйди бир даста норизо аскар,  
Мирзо Бойқарога бергали хабар.

Бир ҳафта йўл юриб толиққан  
қўшин  
Тонгда обод этди Бойқаро кўшқин.

Аскарлар сарбони Миржалол  
Бурҳон  
Кечмиш воқеани этганда баён,

Бойқаро бир лаҳза этди-да сукут,  
Мисоли қоядан қўзғолган бургут, -

Шодумон кўзлари ўт каби чақнаб,  
Қўшинни кўкларга кўтариб,  
мақтаб,

Бошдан-оёқ сарпо, шамширу  
қалқон,  
Юз тангадан олтин айлади эҳсон.

Сўнгра қўшинига берди-да фармон,  
Яшиндек отланди Ҳиротга томон.

Ари уясидек бетиним шаҳар  
Бир ойдир яшарди нотинч, беҳабар.

Амир Дехдёр бўлиб арқони давлат,  
Улусга этмади заррача шафқат.

Навой йўлига кўз тутиб муштоқ,  
Хўжа Афзал қалбин эзарди фироқ.

Муҳолиф қўшинга эмасди аён,  
Гўё тиг устида турар эди жон.

Шу йўсин Мўғонда сулҳ имзоланди,  
Узун Ҳасан жангда шуҳрат қо-  
зонди.

Султон Абусаид қатли билан жанг  
Тугатди, Мўғонни айлаб лоларанг,

Табризу Рум сари отланган лашкар  
Бу муаззам жангда қолди-да бесар,

Даста-даста бўлиб қайтди саргар-  
дон,  
Бу ҳолдан беҳабар эди Хуросон.

Ардашер ҳоли танг эл билан бўлиб,  
Саройдан кетганди тамом ўгрилиб.

Муҳаммад Паҳлавон дарди эди  
сел,

Назмини тўйларда куйлар эди эл.

Устод Фасиҳиддин бўлиб  
муаллим  
Дарвеш Алига ҳам берарди таълим.

Барчасининг умид кўзида ҳижрон  
Висол айёмига чорларди пинҳон.

Қорабоғ қатлидан беҳабар Ҳирот  
Қалбини эзарди дардли мушкилот.

Ғафлат уйқусига чўкканда шаҳар,  
Хиёбон қопқасин минг чоғли аскар

Ланг очиб, от қўйди саройга томон,  
Ҳиротни қоплади шовқину сурон.

Қўрқувдан уйғонди эл тутиб яқо,  
Не ҳолдир, хабарсиз эди мутлақо.

Ичкаридан қулфлаб эшикларин бот,  
Туйнукдаги нурдан кутишди нажот.

Юрагин олдириб қўйган шўрлик эл,  
Яна олди қўлга ўроқ ёки бел.

Болалар гўшага бекиниб олди,  
Кексалар мунғайиб, даҳшатда  
қолди.

Оқариб қолганда наврўз сахари,  
Мирзо Бойқаронинг ғолиб аскар



Ҳирот қалъасини забт этди шодон,  
Бир силкиниб олди гўё Хуросон.

Яна Ҳирот узра тонг отди сулув,  
Халойиқ кўнглини тарк этди қўрқув.

Шаҳарда осойиш топгандек қарор,  
Оламга сочилди офтобдан шарор.

Мирзо Ҳусайни эл қилиб дуо,  
Ният қилди: кошки, тинч бўлса  
дунё.

Адолат лангарин илқида тутса,  
Зулмпешаликни дилдин унутса!

Ўтиб, Султон Абусаид даврони,  
Келди энди Ҳусайн Мирзо замони.

Саккиз юз етмиш учинчи йил  
Наврўзи васлидан шодланганда  
дил,

Рўза ойидаги биринчи жума  
Бойқаро номига ўқилди ҳутба.

Хуросон кўкида балқиб янги ой,  
Наврўзи оламга бахш этди чирой.

## Ун олтинчи кўшиқ

Самарқандда кезар наврўзи олам,  
Олам боғларига бахт қўймиш  
қадам.

Уйқудан уйғониб борки мавжудот  
Офтоб ёғдусидан олади ҳаёт.

Ҳаёт гулга безар замин юзини,  
Дарахтлар тинглашар қуёш сўзини.

Қуёшга интилар ўт-ўлан шодон,  
Жажжи кафтларида нур ураб  
жавлон.

Навқирон куртаклар елда нозланар,  
Бутоқлар қалбига шамол соз чалар.

Гунчалар чок айлаб қон яқосини  
Кўрсатса, кошки, гул-маҳлиқосини.

Баҳорга етдим деб, умрига шодон  
Шукрона айтади чоллар бегумон.

Жаннат суви оқар Обираҳматдан,  
Офтоб кулиб боқар Обимашқатдан.

Кўҳақ мавжларида асов пўртана,  
Зарваш қирғоқларда қураб тантана.

Боғларда бойчечак, қирларда  
сафсар  
Дарё насимида шўх базм қураб.

Баҳор нашъасидан ол дея илҳом  
Навойига офтоб беради салом.

Боғи Дилкушода ул кезар шўх-шан,  
Юзида суруру қалбида гулшан.

Шодлик осмонида этганда парвоз,  
Боғни чулғаганда қушлар чалган  
соз,

Бадийй бўлди-да қошида пайдо,  
Навойй кўзини айлади шайдо.

Тамом бўлак эди унинг авзойи,  
Ҳайрат ичра боқди унсиз Навойй.

Ўзин қўлга олиб шоири жавон  
Дилда бор гапини этди намоён:

«Хуросон тахтига Султон Ҳусайн  
Баҳодурхон чиқмиш... Хуршиди айн

Ҳирот салтанатин мунаввар этмиш,  
Боргоҳ остонини сийму зар этмиш».

Шоир йиллаб кутган бу муборак  
кун  
Бахтидан тўлғонди қалбида тўлқин.

Аммо ўзин ғоят тутди-да сипо,  
Абусаид қисматин сўрди шу асно:

«Не бирла тугамиш Султон  
тақдири,  
Жонига қасд этмиш кимнинг  
шамшири?»

«Қорабоғда қаттиқ урушлар  
бўлмиш,  
Ғаним тарафиндан хуружлар  
бўлмиш.

Ризо эмас экан сипоҳиси ҳам,  
Жанг вақти Султонга чанг солмиш  
ўқтам.

Таҳликада қолмиш адув аро ул,  
Хунидин бўялмиш қирмиз рангга  
гул».

Воқиф бўлиб, содир бўлмиш бор  
сирдан,  
Навоий авзойи ўзгарди бирдан.

Оҳиста пичирлаб, бошин қилиб ҳам,  
Қуръондан бир оят ўқиди шу дам.

Ва деди: «Жойларин оллоҳ таоло  
Этсинлар (то абад) жаннатдин  
ато».

Сўнг эса қўлларин тортиб юзига  
Фотиҳа ўқиди... Юсуф сўзига.

Жон қулогин тутди Навоий хомуш,  
Дунёнинг савдоси бўлмай фаромуш.

Воқеанинг қолган тафсилотин ул  
Ошно этди шоир қалбига буткул.

Навоий бир лаҳза хаёлга ботди,  
Сўнгра Бадийга вазмин сўз сотди:

«Адлу инсоф бирлан иш тутса  
Мирзо  
Элу юртни қилгай умридин ризо.

Золимларга зарра қилмаса  
шафқат,  
Осойишта даврон сургай мамлакат.

Иншо оллоҳ, қилгай шу кунлар  
насиб,  
Хуросон тахтига улдир муносиб.

Фақирга хушхабар келур, эҳтимол,  
Кўнглум сезиб турур: яқиндир  
висол.

Аммо Самарқандни тарк этмак  
мушкул,  
Ҳирийдек қадрдон бўлиб қолди ул.

Бул юртнинг ҳавоси фирдавсмо-  
нанддур,  
Навоси дилимга мангу пайванддур».

Дилга тугиб қўйган аҳдини ошкор  
Этмоқдин Бадий эди бахтиёр:

### Ўн еттинчи қўшиқ

Мағрибдан боққанда хайрли офтоб,  
Бозор сари елди Навоий шитоб.

Бибиҳоним узра ўйнаган шуъла  
Наврўзга ўқирди нурли ашула.

«Саодатманд амир, Сиз билан  
бирга  
Эл ғамини чексам бутун умрга.

Ёнингизда бўлсам соянгиз каби,  
Шул эрур кўнглумнинг эзгу  
матлаби».

Бадийга боқиб Навоий шодон  
Ҳикмат сандиғидан дур этди эҳсон:

«Одами демагил, эрсанг одами,  
Ониким йўқ эл ғамидин ғами».

Дўстлар қилишганда қатъий бир  
қарор,  
Самода булутлар қуришди бозор.

Қўкка ларза солди момақалдироқ,  
Гоҳ ёнди, гоҳ сўнди ул ёққан чироқ.

Шаррос ёмғир қўйди, дайиди  
шамол,  
Сочилган сочини ювди мажнунтол.

Навоий ҳолати ўзгарди шу он  
Маъюс боқиб олди оламга ҳайрон.

Сўнг Бадий бирла хомуш  
кўзғолди,  
Кўксарой томонга шаҳдам йўл  
олди.

Боргоҳ остонида сарой аҳли жам,  
Сарбаланд бошларни эгган эди  
ғам.

Саф тортиб турарди: амир, умаро,  
Мударрис, савдогар, дегрез, шуаро.

Султон Аҳмад Мирзо кийиб қаро  
тўн,  
Белбоғ билан боғлаб белини, беун

Дарвоза олдида қуйи солмиш бош,  
Дардига Навоий бўлди қайғудош.

Султон Абусаид руҳин этиб шод,  
Фарзанди дилига ул бўлди имдод.

Султон Аҳмад Мирзо кўзларида  
ёш,  
Шоир елкасига мунгли қўйди бош,

Феруза кўчасин тўлдирганча эл  
Бозордан қайтарди гўё тошқин сел.

Қаплон бўсағасин қилганча макон,  
Гадо чол куйларди мунгли,  
бедармон.

Бир ерда букчайиб ўлтирганча ул,  
Утганга тиланиб, чўзар эди қўл.

Ширали овози минғирлаб қолмиш,  
Хасталик бошига кулфатлар  
солмиш.

Навоий узоқдан боқиб бир лаҳза,  
Бу манзардан тушди дилига ларза.

Сўнг қошига келиб зиёрат этди,  
Ҳокисор гадога ўзин танитди:

Навоий

«Ёдингизда борми, отахон, бир бор  
Байтингизга бўлган эдим харидор?»

Сиз эса қилсам-да қанча муножот  
Рад этган ёдингиз, қилмай илтифот.

Гадо

Ҳа, ёдимга тушди. Ҳали ҳам ўша  
Даъводан қайтмасиз, недур  
андиша?

Навоий

Ҳа, отахон! Ўша ғазалнинг ҳамон  
Мафтуни эрурмен, дилимда армон.

Ҳамон харидормен ғазалингизга,  
Дардимни айтгали келибмен сизга...

Навоий сўзини тинглаб гадо чол,  
Деди, мийғида кулганча хушҳол.

Гадо

Сотажакмен! Сотиб олишга бироқ  
Кошки етса эди қурбингиз, чироқ!

Навоий

Балки қурбим етар, балки  
етмасдур,  
Сотмасангиз фақир мундин  
кетмасдур.

Гадо

Аҳдингиз нақадар қатъий-ку, ўғлон!  
Орзу ушалгайдур, чин бўлса  
паймон.

Жуда қариб қолдим, тагин  
хастамен  
Ва лекин ғазалга дили бастамен.

Энди куйламакдин ожизмен они,  
Қолмади овозим кучи, дармони.

Ҳақ сўзни айтганда, гадолигим ҳам  
Меъдага тегди-да, найлайн, бўтам.

Қурбингиз етса гар: яхши ҳовли-  
жой,  
Ёнидан ўтса бир анҳор ёки сой.  
Тегирмон ҳам бўлса, яна бир эшак  
Тортиқ айласангиз, сотурмен  
бешак.

Ушанда шоҳ байтим сизники бўлур,  
Умрбод фақирнинг кўнгли ҳам  
тўлур.

Дилим ризо бўлиб, ўлгунимча то  
Сизнинг ҳақингизга қилурмен дуо.

Қўпи кетиб, қолди умримнинг ози,  
Умрда ҳам бордир тошу тарози.

Тегирмончилик-ла кечсин қолгани,  
Элга хизмат этай, дуо олгани...

Манглайн ўпгандай ботаётган кун  
Гадога жилмайди Навоий мамнун.

Навоий

Отахон, шартингиз этурмен бажо,  
Янги тонг сизга ҳам бахт қилгай  
ато.

Сизни бир хабардин айласам огоҳ  
Мени койиманг лек отахон ногоҳ.

Гадо

Йўқ, асло чироғим! Қулоғим  
Сизда,  
Не ҳикмат пинҳондур сиз айтмиш  
сўзда?

Навоий

Фақиҳ Абулайсни билурсиз, балки?

Гадо

Ҳа, ул зотдин мамнун Самарқанд  
халқи.

Навоий

Ул азиз ҳам яхши таниркан сизни,  
Тарихан биларкан шоҳ  
байтингизни.

Гадо

Умрин узоқ қилсун оллоҳ фақиҳни,  
Эслаб, шод этибди ожиз фақирни.

Навоий

Харидор бўлганим эшитиб, устод,  
Матлабим боғини айлади обод.

...Гадо чол юзида балқиди зиё,  
Фақиҳдан шод бўлди бир умр гўё.

Чолнинг ҳолатини кузатиб амир,  
Айтмоқ бўлган гапи дилда қолди  
сир.

Машҳур байт этса-да чолни  
бахтиёр,  
Сойиб Табризийга эди дахлдор.

Бу хусусда фақиҳ берса-да хабар,  
Мукаммал ғазалдан эди беҳабар.

Навоий бу байтга бўлса-да дилроз,  
На бирор девону на-да бир баёз

Табризий ғазалин этмади ошкор,  
Оқибат ул қилиб қатъий бир қарор,  
Сотиб олмоқ бўлди гадо мулкани,  
Шу бирлан шод этди унинг кўнг-  
лини.

Данғиллама ҳовли, битта тегирмон  
Ва бир йўрға эшак айлади эҳсон.

Амирдан миннатдор бўлиб гадо чол,  
Шоҳ байтин умрига тилади камол.

Табризий матлаи ўтиб не йиллар,  
Гадо умрин безаб, босиб кўп йиллар

Навоий қалбидан мангу жой олди,  
Зархарид мулкига айланиб қолди:

«Кўкрагимдур субҳнинг пирохани-  
дин чокроқ,  
Кипригим шабнам тўкилган сабза-  
дин намнокроқ».

Шу кеча Навоий тонгача бедор  
Улмас байт умрига жон этди нисор.

Шам қошида шоир боши эгилди,  
Мукаммал ғазалга жон пайваст  
қилди.

Илҳом неъматидан шоду бахтиёр  
Завқ бирла ўқиди ғазални такрор:

«Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,  
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокроқ.

Бу кўнгил ғамнокидин то шодмон кўрдим сени,  
Истарам ҳар дамки ўлғай хотирим ғамнокроқ.

Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида роҳат ғамин  
Қим, йўқ эрди манзил ул водийда андин покроқ,

Уйла мижгон ханжарига ёпишибдур дард анинг —  
Қим, магар андин тиним йўқдир вале бебокроқ.

Лабларингдин жон олурда барча эл қулдир санга,  
Жон берурда ким қулунг йўқ бандадин чолокроқ.

Одамийлик тупроғин берса фано ерига чарх,  
Оҳким, йўқтур киши аҳли фанодин хокроқ.

Неча ўқлонса Навоий кўнгли захмин чок бўлур,  
Кўрмадик, захмини тиккан сари бўлғай чокроқ».

## Ун саккизинчи кўшиқ

Субҳи саҳар... Ҳануз Навоий бедор,  
Олам уйқусига боқар бахтиёр.

Кўҳакдан эсади майин шўх сабо,  
Кўзига кўринар борлиқ дилрабо.

Шодон таралади наво кўнглидан,  
Асар ҳам қолмаган гўё мунгидан.

Беғубор қалбида заррача доғ йўқ,  
Йўлига гов бўлмиш сарбаланд тоғ  
йўқ.

Дўст шами уйини этмиш чароғон,  
Дилига офтобдек бўлмиш чароғон.

Дунёда бўлса гар битта бахтиёр  
Уша деб саналмиш ўзини илк бор.

Қувончдан юраги қушдек талпинар,  
Кўзида порламиш сирли ёлқинлар.

Сухан гулзорида кезиб то саҳар  
Дил мулкидан сочди қоғозга гавҳар.

Оппоқ тонг қанотин ёзганда шодон  
Саодат боғида жилмайди жаҳон.

Султон Аҳмад Мирзо эди бенажот,  
Дилига ваҳима соларди Ҳирот.

Бузруквори инъом этган салтанат  
Дарз кетиб, турарди гўё омонат.

Мулкига даст чўзса ганим дафъа-  
тан,  
Унга кулиб боқмас балки бу чаман.

Вале Султон Ҳусайн Баҳодирхон-  
дан,

Навойга муштоқ юрт — Хуросон-  
дан

Элчи қадам қўймиш шаҳри азимга  
Ва унинг қошига келмиш таъзимга.

«Давлат маншури»ни узатмиш  
шодон,  
Бу бахтдан ёш олмиш кўзига султон.

Дилдаги ваҳима тарқалгансимон  
Амир Навоийни чорлади шу он.

Султон Аҳмад Мирзо

Ҳирӣ гулшанидан Самарқанд сари  
Иноят насими эсмиш сарсари.

Боргоҳдин ҳидоят қосиди келмиш,  
Бошингизда толе офтоби кулмиш.

«Давлат маншури»ни юбормиш  
Султон,  
Сизга кўз тутади мулки Хуросон.

Мавлоно Навоӣ, тавқе муборақ!  
Бул тавқе муҳридин нур олгай  
Кўҳак.

...Навоӣга Султон келмиш таъзим-  
га!  
Заррин либос тикмиш илҳом назм-  
га!

Таъзим-ла ёрлиқни Султон узатди,  
Навоӣ ҳолатин шодон кузатди.

Ёрлиқни кўзига сурганда амир  
Оламини ёритди нурли, бир тақдир.

Султон Ҳусайн Мирзо номасидан  
ул  
Бир лаҳза унутди дунёни буткул.

Навоӣ

Ногоҳ салтанатдин йўлланмиш  
маншур  
Маънисин чекмакка ожиздир шуур.

Фалак гумбазини ёрутмиш ҳилол,  
Бошимга сочмишдур шуълаи иқ-  
бол.

Сиздин ҳам ризомен, Султони  
аълам,  
Бул даҳр боғинда сира бўлманг  
кам.

Султон Аҳмад Мирзо

Самарқанд тупроғи унутмас ҳаргиз,  
Кўзига суради босган изингиз!

Элчи

Субҳидам отлангай Ҳирӣга карвон,  
Сизни муштоқ бўлуб кутаду  
Султон.

Навоӣ

Куллуқ, сизга қосид, толе ёр ўлгай,  
Роҳи Ҳирӣ, албат, мунаввар  
ўлгай.

...Лоларанг бўлганда уфқ ёноғи  
Чирт этиб узилди хаёл арқоғи.

Азиз дўст номасин солиб назмга,  
Мамнун боқди шоир шаҳри азимга.

Кўлида тун бўйи битилган ашъор  
Меҳру садоқатдан ўқирди алёр.

Марҳамат эшигин қўйгандек  
кушод,  
Султон Ҳусайн Мирзо Навоӣни  
шод

Этгали, дер гўё ушбу сония,  
(Балки туғилганди шунда «Вақ-  
фия»).

«Ки-эй, фазл жаҳонининг сипеҳри!  
Йўқ, йўқки, ушул сипеҳр меҳри!

Таъбингга дами бўлур не ворид  
Юз йил бити олмайин Аторид.

Сен гарчи гўҳар дўкони очдинг,  
Лекин бу гўҳарни элга сочдинг.

Фикринг чаманида кўп раёҳин,  
Лекин бўлур анда халқ гулчин.

Назминг гулидинки, даҳр тўлди,  
Дегилки: санга не баҳра бўлди?!

Лафзингдин улусқа важҳу ҳолат  
Етмай санга баҳра жуз малолат,

Сен қон ютуб, эл бўлиб қадаҳкаш  
Элдин санга етмайин дами хуш,

Сен эл бошига бўлуб гуҳарпош,  
Бир пок гуҳар демайки, шобон!...

Эмдики, тараб замони етти,  
 Даврондин алам нишони кетди.  
 Олди қўлимиз жаҳон диёрин,  
 Очди кучумиз фалак ҳисорин,  
 Ой-кунни нақора қилди давлат,  
 Чолди бизнинг отимизга навбат.  
 Оламни бизнинг қуёши ёрутти!  
 Ҳақ — марказида қарор тутти!  
 Бу дамки тарафқа қолмади сўз,  
 Бахтингга очилди уйқудин кўз.  
 Ҳам субҳи умидинг ўлди толеъ,  
 Ҳам меҳри муродинг ўлди ломеъ.  
 Чун соқийи давр жоми ишрат  
 Тутти, яна чекма заҳри меҳнат...»  
 «...Тавқеъ етишга, айла лозим,  
 Ким, жон била бўлғасен мулозим.  
 То лутф тенгизига тушуб мавж  
 Тутқай бори ишинг ул сифат авж.

### Ун тўққизинчи кўшиқ

«Мовароуннаҳр соҳиби ихтиёри» —  
 Мирзо Аҳмад Ҳожи — шеър  
 жонсипори!  
 Қалбида Кўҳакдек мавж урар  
 илҳом,  
 Кувончин чеки йўқ бу сўлим оқшом.  
 Муборак даргоҳи серфайз ва обод,  
 Аҳли мулозим ҳам ўзида йўқ шод.  
 Кўнглидай кенг бугун меҳмон  
 сароси,  
 Дилини эркалар Наврўз сабоси.  
 Мирзони улусда тутиб мукаррам,  
 Олиму шуаро бўлмиш жамул-жам:  
 Фазлулло Абулайс, Қутб Санафий,  
 Муҳаммад Олиму Ҳожа Мастуний,  
 Ҳожа Хисрав, Сўғдий, Жамшид  
 Садоий,  
 Жалол Лутфиллою Юсуф Бадиий,  
 Аҳмад Самарқандий, Риёзий  
 қувноқ,  
 Барчаси Навоий йўлига муштоқ.  
 Самога чиққандек наврўзи ҳилол  
 Дилларни порлоқ нур айлади  
 ишғол.

Ким, ой узра қўйғасен қадамни,  
 Кун лавҳига чеккасен рақамни.  
 Меҳр олтунидин қазо қилиб ҳал,  
 Ул саҳфини айлағай мужадвал.  
 Ҳар байтини меҳри гавҳарафшон,  
 Анжум ила айлағай зарафшон.  
 Неча бийик айласанг сўзунгни,  
 Ондин бийик этгабиз ўзунгни...»  
 Дилда садо берди дўстнинг нидоси,  
 Кўзин сеҳрлади тавқеъ имзоси.  
 Толеъ тухфасидан Навоий хурсанд,  
 Аҳд этди: дўстига жон бўлғай  
 пайванд.  
 Улуғбек тоқига тикди-да нигоҳ,  
 Бир байтни ёд этди, олам ҳайрихоҳ:  
 «Неча бийик айласанг сўзунгни,  
 Ондин бийик этгабиз ўзунгни».

«Марҳабо, амир! — деб барча  
 кўзғолди,  
 Юзларни табассум забт этиб олди.  
 Аҳмад Ҳожибекнинг ёнида шодон  
 Навоий турарди, дилда ҳаяжон.  
 Қўркам либосидан кўзлар қамашар,  
 Порлоқ сиймосидан дил уйи яшнар.  
 Қирмизи духоба жубба ярашмиш,  
 Кўлоҳи наврўзий ёғду талашмиш.  
 Баҳор юлдузидек кўзлари чақноқ  
 Чақноқ кўзларида барқ урар  
 чақмоқ.  
 Бўғдойранг юзлари севинчдан  
 порлар,  
 Улуғ манглайда гўё кун болқар.  
 Қўмирдай қорадир чўққи соқоли  
 Нурли чехрасида Ҳирот иқболи.  
 Дўстлар қучоқ очиб, кўришди  
 дийдор,  
 Толе насиб этган кундан бахтиёр.  
 Ҳаяжон наҳрига фарқ бўлиб шодон,  
 Илҳом самосида урганча жавлон,  
 Барча Навоийни тўрга чорлади,  
 Кўзларда илтижо ўти порлади.

Таъзим бирла тўрга ўтди-да амир,  
Дўстлар дил уйини айлади маъмур.

Мирзо Аҳмад Ҳожи айлаб эҳтиром,  
Амир Навоийга кўрсатмиш киром.

Хуррам кузатгали уни Ҳиротга,  
Дўстларин чорлади бул зиёфатга,

Шоҳона дастурхон тўла ноз-неъмат,  
Сархил таомларда зеб ила зийнат.

Самарқанднинг машҳур  
пазандалари,  
Машшоғу ҳофизу созандалари

Бу оқшом ҳунарин айлар намоиш,  
Меҳмонлар кўнглига берар оройиш.

Аҳли зиёфатнинг дилида чаман,  
Нафосат боғида қизир анжуман.

### Аҳмад Ҳожибек

Азизлар, ушбу қун саодатидин,  
Кўнгул ризо бўлғай бор ҳаётидин.

Амир Навоийни йўқламиш Ҳирий,  
Шараф иморатин тикламиш Ҳирий.

Ҳирий шукуҳига бўлиб жонфизо,  
Висол субҳига зор Ҳусайн Мирзо,

Давлат маншурини йўллаб амирга,  
Истиқбол йўлини чулғамиш нурга.

Бул шараф майидин сархуш  
Самарқанд,

Шоирин давронни фарзанди монанд,  
Қамоли эҳтиром бирла кузатғай,

Таъзим бирла Ҳирий сари узатғай.

Самарқанд элидин амир шод ўлсун,  
Кўнглида бул оқшом мангу ёд  
ўлсун.

Бул оқшом тонггача янгрисин наво,  
Ушалсин дилларда эзгу муддао.

Навоий газалин мусиқасидин,  
Назмнинг сеҳрнок мўъжизасидин,

Ҳайрат уммонида чайқалсин  
борлиқ,

Шул эрур шоирга энг қутлуғ ёрлиқ.

Аҳмад Самарқандий, Жамшид  
Садоий

Савтида янгрисин назми Навоий!..  
Мирзо Аҳмад Ҳожи этгач илтифот,  
Яна тилга кирди савти «Муножот».

Оҳанги дилафкор таралди яна,  
Дунё куйдан қайта яралди яна.

Яна ўт ташлади раққоса жонга,  
Яна ғамза ўти тушди жаҳонга.

Ҳофиз ноласидан дил ёнди яна,  
Жисм аро жон эса ўртанди яна.

Яна маҳзун куйга ғарқ бўлди олам,  
Яна киприкларга тизилди шабнам.

«Муножот»дан барча ўзин унутди,  
Дардлари гўёки оламини тутди.

Дилларни маст этди танбур навоси,  
Тилларни лол этди ҳофиз садоси.

Бир лаҳза даврага чўкди сукунат,  
Дардларни тут каби тўкди сукунат.

Сукут ичра бошлар эгилди маҳзун,  
Барча Навоийга тикилди мафтун.

Хожа Хисрав силаб кумуш соқолин  
Оллоҳдан тилади шоир иқболин.

Фазлулло Абулайс қаддини ростлаб  
Навоий шаънига сўзга очди лаб.

### Фазлулло Абулайс

Товқе қутлуғ бўлғай, эй азиз  
фарзанд!

Сизни Ҳирий тағин этмиш  
сарбаланд!

Мирзо Султон Ҳусайн айлаб  
мукаррам,

Меҳридин ёқмишдир йўлингизга  
шам.

Орзуйим ушалмиш меним ҳам,  
ўғлим,

Ҳирий осмонида порламиш туғим.

Мирзонинг қошида сиздек фарзона  
Бўлмоғи даркордур элга парвона.

Алишербек, айтсам бу гапни сизга,  
Эҳтимол, ёр бўлғай гул умрингизга.

Бир кун туз тотиган даргоҳга қирқ  
кун

Салом бермак элга азалий удум.  
Сиз мулки Самарқанд тузин  
тотмишсиз,

Чинордек бу юртда томир  
отмишсиз.

Фарзанди эурсиз бу элнинг, амир,  
Бу элдан термишсиз назмул  
жавоҳир.

Бобо юртингиздур аслан бу тупроқ  
Сизга ҳам муқаддас маскан бу  
тупроқ.

Бу тупроқ толеи пахтадек оқдур,  
Офтоб боқий экан — бахти  
порлоқдур.

Умидим, бу юртни йўқлаб  
тургайсиз,  
Ҳирийдин дўстларнинг ҳолин  
сўргайсиз!

На в о и й

Олий ҳазратлари! Қўкдадур  
бошим,

Шафақ узра кулмиш толе қуёшим.  
Ҳирийга чорламиш дўсти жонажон,  
Бу бахтдин, чароғон ўлмиш  
Хуросон.

Мирзони тутурмен дилда мукаррам,  
Ул зот этмиш мени элда мукаррам.

Доруғаи аъзам! Сизни умрбод  
Бахтиёр айёмда фақир этур ёд.

Қамоли умримда, сиз улуғ устод,  
Нақшин бир қасрни этмишсиз  
бунёд.

Бу қасри олийда Сизни ёд этгум,  
Муборак номингиз дилимда  
тутгум.

Бобо юртим бўлмиш бу гул ватанни  
Обод этганидек булбул чаманни,

Дилда армон билан этгум якқалам,  
Васфидин то абад нурлангай  
қалам!..

...Навоий шаънига ўқиб офарин,  
Дўсту ёр безади кўнгил дафтарин.

Созини созлади яна ҳофизлар,  
Тамошага чиқди ою юлдузлар.

Навоий ғазали куйланди яна,  
Куй билан ўтли ишқ сўйланди яна.

«Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, э дўстлар,  
Неча торгай ҳажр чун йўқ менда ёр, э дўстлар.

Ёр ишқин асрағил пинҳон дебон саъй этмангиз,  
Ваҳ, не навъ этгум йўқ ишқни ошкор, э дўстлар.

Ишқ бирла гар биров лофи вафою меҳр урар,  
Ишвагарлар аҳдиға йўқ эътибор, э дўстлар.

Айламанг бекаслиғимни таън бир кун бор эди,  
Манда ҳам бир нозанин чобуксувор, э дўстлар.

Ёрсиз вайронда қон йиғлармен, охир сиз қилинг  
Ёр бирла гашти боғу лолазор, э дўстлар.

Ёрсиз ифрот ила гар йиғласам айб этмангиз,  
Ким эрур бу иш менга беихтиёр, э дўстлар.

Дўстлуғ айлаб тутунг гаҳ-гаҳ лабо-лаб жомиким,  
Қасди жон қилмиш манга дарди хумор, э дўстлар.

Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб топмадук  
Аҳду паймонида бўлгон устивор, э дўстлар.

Ёрингиз васлин ғанимат айлабон шукур айлангиз,  
Ким Навоий бўлди бекасликда зор, э дўстлар».

Муסיқаю ғазал бу нурли оқшом  
Ярим кечагача айлади давом.

Дилларни ўртади фақат бир  
армон —

Шоирга нигорон эди Хуросон.

Қутлашиб Навоий навбаҳорини,  
Дўстлар изҳор этди дилда борини.

Қалбларда мавж уриб меҳру  
садоқат,

Шоирга тилашди бахту саодат.

Дўстлар сийловидан Навоий  
хурсанд,

Бошидан юлдузин сочди Самарқанд



## Йиғирманчи қўшиқ

Самарқанд уйғонди ширин уйқудан,  
Юраги нурланди гўзал туйғудан.

Баҳор ҳавосидан мусаффо шаҳар  
Халойиқ кўнглини қилди мунаввар.

Сафар ашёсини айлаб саранжом  
Навоий жилмайди тонгга хушхиром

Дўстлар тавоф айлаб шеър қарор-  
гоҳин,  
Тонг-ла обод этди шоир даргоҳин.

«Зичи Кўрагоний» — мулки  
мумтозни,  
Самарқандда тузган девон, баёзни,

Нодир қўлэмаю излаб китобни, —  
Дил уйин нурафшон этган офтобни,  
Сандиқларга жойлаб қўйган

Навоий,  
Дилда ҳижрон дардин туйган  
Навоий,

Дўстлардан айрилмоқ бўлса-да,  
мушкул,  
Ҳирот сафарига ошиқарди ул.

Олиму шуаро сезгандек кўнглин,  
Амир Навоийнинг зархарид мулкин

Туяга юклашди — дилларда армон,  
Кўзларда айрилиқ ёши намён.

Оқ отин келтирди Сўғдий амирга,  
Бадий отланди ул билан бирга.

Азиз даргоҳидан шоир кўзғолди,  
Гўё бунда унинг юраги қолди.

Шоир билан бўлди дўстлар  
ҳамсафар  
Нақшинкор Феруза қопқаси қадар.

Кетидан халойиқ эргашиб борди,  
«Ҳолимиз ким сўрғай?» — дея  
ёлворди.

Регистонда эса гўё тошқин сел, —  
Қошига отилди унинг бутун эл.

«Бизни унутманг!» деб бағрини  
тилди,

«Тагин бир келинг!» деб илтимос  
қилди.

Навқирон шоиру илму толиблар  
Ёрлиқ бирла уни дилдан табриклар.



Баҳор қуёшида товланиб ял-ял,  
Шоир юрагига бағишлаб сайқал,

Буюк обидалар айлади хитоб,  
Навоий қошидан елганда шитоб.

Шамолда тебраниб азим чинорлар  
Илҳом гўшасига келинг, деб  
чорлар.

Анҳорга сочини ювиб мажнунтол  
Оқ йўл тилаб боқар изидан хушқол.

Феруза қопқасин дарвозабони,  
Буюк салтанатнинг содиқ посбони

Навоий қошига чиқади пешвоз,  
Таъзим бирла уни этади эъзоз.

Навоий тушди-да отидан илдам,  
Соҳиби қопқага бош эгди хуррам.

Лутфи-карам бирла узатишди қўл,  
Хайрли сафарга чол деди: — «Оқ  
йўл!»

Оқшомги базмда жам бўлмиш  
дўстлар,  
Навоий қалбига шам бўлмиш  
дўстлар,

Кўзида ёш билан хайрлашдилар,  
Баҳорий Кўҳакдек тўлиб-тошдилар.

Туйғулар наҳрини жиловлаб зўрга,  
Дўстлар хайрлашди бутун умрга.

Хиротга отланди шуқуҳли карвон,  
Карвонга мунтазир эди Хуросон.

Дўстлар армон билан қўл силкиб  
қолди,  
Дилларни ўтли дард забт этиб  
олди.

Навоий борарди карвон бошида.  
Жилва қилар эди олам қошида.

Карвон қўнғироғи жаранглаб яна  
Борлиққа таралди мисли тарона.

Бу оҳанг саодат ибтидосидур,  
Ихroj кунларининг интиҳосидур.

Навоий қалбига ҳамроз бу оҳанг,  
Садоқат кўйига дилроз бу оҳанг.

Бу оҳанг йўл аро чорлади элни,  
Бу оҳанг чароғон айлади йўлни.

Баҳор оғушида олам гулистон,  
Гулистон оламининг излаб бир  
достон,

Хайрат билан боқар шоир  
борлиққа,  
Борлиқ ўхшар гўё қутлуғ ёрлиққа.

Жаннатий манзарни айлаб тамоша,  
Кеш сари йўл олур карвон тоғ оша.

Катта карвон билан ўн чоғли  
навкар

Шоирни кузатмиш Жайҳунга қадар  
«Хамса»нинг пурҳикмат байтлари  
гўё

Шуқуҳли сафарга сочарди зиё.

Табаррук заминда туғилган  
«Хамса»,

Буюк эл меҳрига йўғрилган  
«Хамса»,

Бешикни тарк этган гўдак сингари  
Тетапоя қилмиш Хуросон сари.

Дилда ҳаяжони жўшиб чашмадай,  
Навоий назмига мангу ташнадай,

Самарқанд боғлари кузатиб қолди,  
Шоирга қўлларин узатиб қолди.

Ургут тоғларига қўйганда қадам,  
Кафтда турган каби кўринди олам.

Гулшан водий этди хаёлини банд,  
Издан армон-ла боқди Самарқанд.

Вале дилга Хирот оташин солди,  
Қўлга «Хилолия» қаламин олди:

«Чун ниҳон қилди турунжи меҳр рахшон талъатин,  
Ошкор этти фалак бир тавқи ғабғаб ҳайъатин.

Бае хаёли равшани эрди вале андоқ дақиқ,  
Ким назаргоҳ англлар эрди гоҳ йўқ анинг диққатин.

Уйла зоҳир бўлдимки, қилгай они кўрган киши  
Дилбарим қошигаю менинг қадимга нисбатин.

...Қайси шоҳ улким, азалдин ҳаққа ул эрмиш мурод,  
Халқ қилмоққа салотин гавҳарининг хилқатин.

Шоҳ Абулғози саодат ахтари Султон Хусайн,  
Ким қуёшни зарра дер, кўрган силеҳри ҳашматин.

Шоҳлар шоҳи демай, ул шоҳларнинг шоҳиким,  
Ҳар бири юз шоҳлар шоҳича тутқай мукнатин.

Шоҳликда ояти дарвешлиқтин кўрмайин,  
Шу риёсий фақрча заркаш сарири рифъатин.

Шоҳлар дарवेशию дарвешлар шоҳики, ҳақ  
Шоҳ қилди суратин, дарвеш қилди сийратин.

...Янги ою ийд ики қуллуғчинг ўлсун, айлаган  
Сен ҳилол онинг отин, байрам бу ернинг кунятин».

### Хотима

Ер юзин сайқали қадим Самарқанд,  
Навоий туз тотган замин —  
Самарқанд,

Шоир даҳосига ўқиб ташаккур,  
Юрагимга солди илҳом ва сурур,

Навоий ғазалин куйлаб ҳар инсон,  
Бахтли замонага айтди шараф-шон.

Бу буюк шарафдан мамнуи бўлиб  
ул,

Бахтиёр наслига узатгандек қўл,

Асрлар қаъридан янгради саси,  
Кўксимга урилди ўтли нафаси.

Самарқанд қуёшин кўрдим дилида,  
Янгради Андижон лафзи тилида.

Муқаддас шаҳарга чўкканида тун,  
Бир юлдуз айлади ўзига мафтун.

Воҳид Абдуллодан сабабин сўрсам,  
Самога бир лаҳза боқди-да хуррам:

— «Навоий юлдузи!»— деди шу  
заҳот,  
Балки ҳақиқатдур ушбу башорат.

Аллома сўзига дилдан ишондим,  
Минг кеча шу юлдуз ишқида ёндим.

Навоий юлдузи қутлуғ ҳар кеча  
Бошимга нур сочди то тонг отгунча.

Кўзимни айлади қалб каби бедор,  
Бедор қалбга тунлар сўйлади  
ашъор.

Нурли сўзларидан дил бўлиб  
равшан,  
Руҳимни яйратди равзаи гулшан.

Минг кеча чулғанди кипригимга  
нур,  
Минг кеча барқ урди юлдузли шуур.

Навоий руҳига ўн икки фасл  
Сигинди назм аро фарзанди асл.

Гоҳ ёғди бошимга ёмғир ила қор,  
Гоҳ мени сийлади ёз ила баҳор.

Юлдуз юзини гоҳ қоплади абр,  
Гоҳ рўшно айлади лайлатул-қадр.

Минг кеча хаёлим ўралди нурга,  
Минг кеча юрагим чулғанди  
шеърга!

Шеър билан бахтиёр сездим  
ўзимни,  
Шеър билан сўйладим айтар  
сўзимни,

Қутлуғ анъанани қилгали давом  
Маснавий йўлини кўнглим этди ком.

Қаламим чархланди ўн бир ҳижода,  
Гоҳ аруз, гоҳ бармоқ этди ифода.

Мендан ризо эрса азиз салафлар,  
Муборак руҳлари балки шарафлар!

Умримга ёр бўлиб Навоий руҳи,  
Шеъримга зеб бермиш шаъну  
шукуҳи.

Самарқанд элида бул муборак зот.  
Нашъу намо топмиш, топмиш  
саодат.

Табаррук заминда излари қолмиш,  
Элга ёдгор бўлиб, сўзлари қолмиш.

Изларин кўзимга тўтиё айлаб,  
Сўзларин дилимга пурзиё айлаб,

Минг кеча Навоий васфини битдим,  
Қирқ қўшиқ мавжида ўзни унутдим.

Устодларга таъзим — муқаддимаси!  
Авлодларга разм — зар хотимаси!

Самарқанд кўкида порлаган юлдуз  
Нуридан рўшнодир мен чеккан ҳар  
сўз!

Навоий васфида ким олса қалам,  
Ўзича кашф этар янги бир олам.

Олам аро мен ҳам олам яратдим,  
Турфа оҳангларда сўзим янградим.

Шоир ёди билан фикрим бўлиб  
банд,

Муборак изларин ўпдим орзуманд.

Бу қутлуғ изларни ҳур Ўзбекистон  
Қалбида ардоқлар токи бор жаҳон!

Шоирни қафт узра тутмасди олам,  
Самарқанд бешиги этмаса карам.

Навой олмаса бу элдан таълим,  
Назм аро бўлмасди улуг муаллим!

Кўҳақ қўймаса гар «Хамса»га  
тамам,  
Ул жаҳон мулкига бўлмасди  
сайқал!

Ташаккур, сенга эй, муқаддас  
шаҳар,  
Навой улғайган хуш нафас шаҳар!  
Менга ҳам раҳнамо бўлмасанг  
ўзинг,

Қалбимда акс садо бермаса сўзинг,  
Навой юлдузи сочмасди зиё,  
Ўзига этмасди мени маҳлиё!

Сен билан, она юрт, бир боғ  
яратдим,  
Боғи назм аро чароғ яратдим.

Бу — менинг чаманим, бу — менинг  
боғим!

Бу — менинг ватаним, менинг  
чароғим!

Бу чаман саҳнини билиб муқаддас,  
Авлодлар сайр этса — шу олий  
ҳавас!

Самарқанд — Тошкент,  
1977—1979.

Кўзларинг боқанда ночор нотавон қилгай  
нигор,  
Лаъли жонбахшинг ва лекин қасди жон  
қилгай нигор.

6

Тун каби наълинг кўрингай ўтганинда  
кўзимга,  
Кўриниб пинҳона бўлган худди янги ой  
каби!

7

Сирғасин кўрган заҳот чўлпон қилур унга  
ҳавас,  
Офтоб бирла қилур хусну жамолда  
баҳсма-бас.

8

Ул қаламқош сирғасининг зийнати кўп  
беқиёс,  
Мисли тонг юлдуздай ой бирла баҳс  
қилгай, халос.

9

Кийим тингай сенинг қаддингга айём,  
Жаҳонда топгин, эй ўғлон, улуг ном.

10

Ешлик баҳоридирсен, адл гулшанин ниҳоли,  
Ҳимматда гул эурсен, фахру виқор  
намоли.

11

Не ўпар ўйноқи зулфинг, эй пари,  
рухсорни,  
Не учун қўймоқ ахир мусҳафга бу  
зуннорни.  
Бермагай бир қатра сув кўзимдин ўзга,  
найларим,  
Эслабон ҳижрон нури ҳеч ким мани,  
беморни.

12

Эй кўнгил токайгача унга харидорсан ахир,  
Чертмагил бир куйни, пойингдан чиқар бу  
хорни.  
Қошларингдир саждагоҳим, менга меҳроб  
не керак?  
Куфрдир кўзларга суртмоқ сурати деворни.  
То Риёзий бўйсунаркан номаи махшарга, у  
Етказар нақш айлабон қалбида ҳатти ёрни.

13

Жон эрур ёки жаҳондир сарви қаддинг,  
эй нигор,  
Келгин, эй сарв, сенга бўлсин бу жаҳону  
жон нисор.

14

Шиквани қилмас қабул дилдорадан расми  
вафо,  
Йўқса, сизмас эрди ёрдин шиквамиз олам  
аро.

15

Фалак кўргай изинг, ҳар ёна ургай,  
Ва наъл нақшини ҳар бир оёга сургай.

16

Сажда қилгум, зоҳидо, ҳар дам нигорим,  
қошига,  
Сенга масчид бўлса афзал, сажда қилгил  
тошига.

17

Агар Фарҳоду Ширин кўз очиб боқса бу  
даврона,  
Кўриб бизни, аё жонон, бўлурлар лолу  
ҳайрона.

Агар ишқ даштига бир бора борса мен  
билан Мажнун,  
Бўлур ошуфтаҳоллардин, кўриб қалбимни  
вайрона.

Вафо кўйига ёш оқса ниҳол унгай дема,  
эй дил,  
Агар унганда боғ бунёд этарди чашми  
гирёна.

Очилмасди гирибон чокидай гул ҳар саҳар  
чоғи,

Кўзимнинг ёшидай бағримда бўлса шўҳи  
жонона,

Фироқ чоғи нега минг тун кўзимдан уйқу  
олмасди,

Агар келганда бир тун ул маҳи бемехр  
меҳмона.

Кўзин очганда нозу ғамза бирла ул маҳи  
тобон,

Маҳи тобон бўлур ҳайрон кўриб ул кўзи  
мастона.

Вафо бўлганда бир зарра гўзаллар қалбида,  
Фоний,

Вафосизларгамас, ул ёр бўлурди менга  
ҳамхона.



Нурали Қобул



# Туғусиз ОСМОН

ҚИССА

Ахир, жониворлар укаларимиз!  
Сергей ЕСЕНИН.

Жой Адамсоннинг фожиаси шунда эдики, у киши-  
лардан она шер Эльсадек меҳр-муҳаббат кутарди...

Брайан ЖЕКМЕН.

Энам — Шаҳзода Иброҳим Султон қизи, укам —  
Дониёр ва болалик йилларимнинг содиқ йўлдоши  
Олапарнинг хотирасига бағишлайман!

АВТОР

I

Мен ҳар галгидек отаримизнинг кўп йиллик қўриқчиси — севимли Бўйноғимнинг болалашини кутардим. Энамнинг айтишларича, итлар бир йилда икки ёш яшармиш. Аслида Бўйноқ мен билан тенг экан. Мен келаси йил саккизга кираман. Бўйноқ эса ўн олтига. Ғалати-я? У мен билан бир йилда туғилган бўлса-ю, ўн олтига кирса? У билан қачон яқин бўлиб қолганлигимни эслолмайман. Назаримда, эсимни таниб, кўзимни очибманки, Бургуттепанинг ёнидаги қўтонимизда Бўйноқни кўргандайман. Шундан бери бир-биримизни кўрмасак туролмаймиз.

— Ҳе, туғмай туғқусиз кет! Ҳамма ёқни ит босиб кетадиган бўлди! Неча марта айтдим сизга, шу қари қанжиқни йўқотинг деб! Усиз ҳам

<sup>1</sup> Бувим демокчи.

қўзиларни боқиш жонимга тегиб кетди!— дея нолирдилар аччиғи чиққан пайтларда аям дадамларга.

Албатта, бу гапни менга эшиттирмасликка уринардилар. Менинг олдимда эса Бўйноқни деярли жеркимасдилар. Мен эсам... аямларни яхши кўрсам-да, шу гапларини ҳечам кечиролмасдим. Сурувимизни Бўйноқнинг болалари Кўктой, Оқтой ва Сиртлон қўриқлайди. Мабодо иккитаси талашиб қолса, Бўйноқ кўриниши билан дарҳол ажралиб кетишадди. Шундай пайтларда унга меҳрим товланиб, беихтиёр қучоқлаб оламан. У ҳеч қачон мени қаттиқ йиқитмайди. Гоҳо бир нарсага чалишиб йиқилгудай бўлсам, у чаққонлик билан ўзини остимга ташлайди ёки суяб қолади. Унинг деярли барча хатти-ҳаракатлари одамга ўхшайди. Баъзан дадам Ҳамро чўпонни «Бўйноқдан ўрнак олсанг бўлмайdimи», деб қойийдилар.

Кейин бизга онасини Жийдалининг даштида жондор тортиб кетган, аям сут берадиган, дадам дуч келган совлиқни ушлаб эмизадиган кўк етим қўзи қўшилди. Уззу-кун қорнини тўйғазиш учун елиб югурадиган Етимқўзига Бўйноқ иккимизнинг ҳам раҳмимиз келарди. Дадам идорага кетиб, аямнинг ишлари кўпайган кунларда у оч қоларди. Шунда у зир югуриб одамларнинг орқасидан чопар, дуч келган совлиққа тармашарди. Совлиқлар уни тепиб, сузиб ташлар, у эса пилдираганича бориб бошқасига ёпишарди. Бирорта совлиқни ушлаб уни эмизай дердим-у, кучим етмасди. Дадам бозорга кетиб, аям кун бўйи кир ювган куни у яна оч қолди. Сигир сутидан бермоқчи бўлгандим, уюб қолган экан. Маърайвериб овози битди.

Яқинда қўзилаб, қўтонда қолган қўйлардан бирортасини ушлаб Етимқўзини эмизишга аҳд қилдим. Нега энди у оч яшаши керак? Пойлаб бориб ўтган куни далада қўзилаган совлиқнинг бўйнига осилиб олдим. Қўйлар қўтонни бошга кўтариб, у ёқдан бу ёққа чопишарди. Шуни кутиб турган етим қўзи совлиқни қистаб эма бошлади. Совлиқ мени қийга белаб судрар, чанг кўзларимни ачиштирар, жунига ёпишган тиканақлар қўлларимни тимдаларди. Бир неча марта бошимни устунга уриб олдим. Этигим қаердадир қолиб кетди. Бироқ, қанча қийналмайин кун бўйи оч юрган Етимқўзининг қорни қовзаниши керак. Етимқўзи совлиқнинг силташларига қарамай, биз билан басма-бас югуриб эмарди. Толиққанимдан қўлларим увишиб кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ҳурккан қўйлардан бири келиб менга урилганда, зўбдан совлиқ қўлимдан чиқиб кетди, елкам устунга теги. Бир зум қўлим тиниб, бошим айланди. Етим қўзи ҳамон унга ёпишарди. Совлиқ қайрилиб шу қадар қаҳр билан суздики, назаримда эмган сути бурнидан чиқиб кетди бечоранинг.

Шундан бошлаб у бизнинг орқамиздан эргашадиган, кун бўйи Бургуттепада ёки Тераклисойдаги каттакон оқ терак остида биз билан ўйнайдиган бўлди. Биз энди тўрт киши бўлдик. Бўйноқ, мен, оқ терак ва Етимқўзи. Фақат оқ терак бизникига келолмайди. Доимо баргларини шивирлатиб биз билан хайрлашади. Бўйноқ иккимиз доимо уни суғорамиз.

Олис-олис яйловлардан чўпонлар келиб, дадамдан Бўйноқ туғса боласидан беришларини сўрашар, отарларига бўрилар тинчлик бермаётганлигидан нолишарди. Негадир дадам Бўйноқнинг болаларини ҳеч кимга бергилари келмасди. Аям бўлса... Аям негадир Бўйноққа кун бермайдилар... Нега? Шундай олғир итлар туғиб берган ва уларга доимо бош-қош бўладиган кекса Бўйноқ энди ёмон бўлиб, уйимизга сиғмай қолди? Ахир қишлоғимиздаги кўп одамлар қолган-қутган овқатлар увол бўлмасин деб ҳам ит боқишади-ку? Бўйноқ эса меҳнати эвазига овқат еяпти!

Аямнинг айтишларича, илгари қишлоғимизда ит зоти жуда оз бўл-

ган. Ҳамма итлар очарчилик йиллари қирилиб битган экан. Дадам Бўйноқни қандай топиб келганларини аямдан эшитганман. Унинг ҳамма жойи қоқ-қора, фақат бўйни билан панжалари оқ. Шунинг учун унинг отини энам Бўйноқ қўйганлар. Унинг кўп болалари ўзига ўхшайди. У болалаганда чўпонлар келиб, кучукчалар учун талашиб-тортишарди.

Ҳамма чўпонлар арлон кучукваччалар учун талашишар, урғочиларини эса истар-истамас хуржунларига солиб кетишарди. Бу эса менга жуда алам қиларди. Дадам Бўйноқни олиб келган пайтларида Мамадазим деган чўпоннинг қўлида қўй боқарканлар. Бир куни у, дадам далада қўй боқиб юрганида, бизникига маст бўлиб келиб, аямни ҳақоратлабди. «Сенинг партизан эрингнинг дастидан бирор иш қилиб бўлмайди», дебди. Шундан кейин дадам унинг қўлидан бўшабдилар...

— Билиб қўй, Мамадазим! Бу гапларинг учун бошингни танангдан жудо қилсам ҳам ҳаққим кетарди. Лекин шу пайтгача берган тузингни ҳурмат қилдим. Аммо билиб қўй, бир тарсаки қарзсан! — дебдилар дадам ўшанда Мамадазимга.

У эса индамабди. Дадамнинг чўрткесарлигини, айтганини қилмасдан қўймаслигини билиб, бир оғиз гинг демабди. Ҳозир ҳам қаерда дадамни кўриб қолса, ўзини йўқотиб, гапидан адашиб кетаркан. Бўйноқнинг ота-боболари Мамадазим чўпоннинг сурувини кўп йиллардан бери садоқат билан қўриқлаб келар экан. Дадам унинг сурувини боқишни ташлагандан кейин аямга: «Йўқот ўша итнинг итини», дебдилар. Аям бўлсалар: «Қўйинг, дадаси, ит бечорада нима айб! Норбўтангиз шу жониворга ўрганиб қолган. Йўқотсангиз хунибийрон, бўлиб йиғлайди», дебдилар.

Шундан сўнг дадам мени ўйлаб, Бўйноққа тегмабдилар. Дадам Мамадазимни аввал бошдан ёқтирмас эканлар. У порахўр, олғир эмиш. Мен ҳалигача бу гапларнинг тагига етганим йўқ. Мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади, деганлари ҳақ гап. Унинг итлари ҳам ўзига ўхшаган олғир, дер эканлар дадамлар аччиқлари чиққан пайтларда.

Дадам Мамадазимдан бўшаганларидан кейин ўзлари отар олишга аҳд қилибдилар. Йлгариги директор икки-уч марта «Жўравой, бирор отар қўй олмайсанми?» деганларида, дадам кўнмаган эканлар. Аямнинг айтишларича, дадамнинг ўзлари отар сўраб борганларидан ажабланган директор анча тарозига солган эмиш. Аямнинг гапларига кўпинча тушунолмай қийналаман.

Охири, учинчи марта боргач, директор кўнибди. Дадам, отини эшитса чўпонлар безиллайдиган Жондорилсой қўтонида қишлоқни ўтказиш шартига рози бўлиб, бир отар тўқли қабул қилиб оладиган бўлибдилар.

— Бош чўпонликнинг ташвиши, борди-келдиси кўпроқ бўлади, билмадим, эплай олармикансан? — дебди семизликдан кўзлари қисилиб қолган директор, қўлидаги қаламини ўйнатиб.

— Берган топширигингизни, албатта, ошириб бажарамиз, директор бово! — дебдилар дадам, гарчи директор ўзларидан тўрт ёш кичик бўлса ҳам.

— Планни бажариш-ку — қонун. Ундан ташқари, ишлар ҳам чиқиб қолади. Катта-кичик хизматлар дегандай, — дебди директор қизаринқираб.

— Гапларингизга тушунолмай қолдим, директор бово, — дебдилар дадам, ноқулай аҳволга тушиб.

— Узингни гўлликка солма. Жуда тушунасанда. Қим айтади сени юлдузни бенарвон урадиган Мамадазим ҳеч ниманинг қўлида ишлаган деб. Кўриб кўзинг пишиб қолгандир, Жўравой! — дебди директор дадамнинг елкасига ураркан.

Мамадазим чўпонни ҳамма «Мамадазим ҳеч нима» дейди. Одам

ларнинг гапига қараганда, у туя ютса ҳам ҳеч нима кўрмагандай бўлиб юравераркан. Дадам директор бовонинг ҳамма гапларига тушунибдилар. Нима деб жавоб қайтаришга ақллари етмай, мум тишлаб қолибдилар. Аммо директор бу сукутни ризолик аломати деб ўйлабди шекилли, дангал савдога ўтибди:

— Олти юз сараланган тўқли бердиртираман. Бу йил сенга қўзи плани йўқ. Йигирмата яхши кўчқор топиб, ҳеч кимга билдирмай сурувга қўйиб юборасан. Тўқлилар семиз. Қочириш пайтида кечалари ўрилган бедапояга бир-икки ёйиб оласан. Фақат ҳеч ким сезмасин. Қамида ярми қўзилайди. Қўзилар ҳисоб-китобини фақат иккимиз қиламиз. Бу ҳақда кейин гаплашамиз. Гапинг бўлса, ферма мудирига айтиб ўтирмай, тўппа-тўғри ўзимга келавер. Хўпми? — дебди.

Дадам ҳозир бирдан «йўқ» десам, отарни бермай қўяди деб ўйлаб, индамабдилар. Аммо ичларида директор бовонинг гапларига ҳечам рози бўлмабдилар. У кишининг айтишларича, кўпчиликни ризқига қўз олайтирганнинг у дунё-ю, бу дунёси обод бўлмасмиш. Дадам ҳам аямга ўхшаб доим гапларига мен тушунолмайдиган ибораларни қўшиб гапирадилар. Менинг ақлим етмайдиган барча нарсаларни эринмай тушунтирадиган бирдан-бир киши — энам. У киши уззу-кун урчуқ йигирадилар. Бунинг эвазига ҳар йили аямлар битта жулпат ёки жулқурс<sup>1</sup> тўқийдилар.

Энамнинг урчуқ йигиришларини кўрсам жун устида бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушади. У маҳалда кузги қўзи қирқими Бургуттепанинг кун ботиш томонидаги булоғи қуриб қолган Қуруқсойда бўларди. Дадам ҳар галгидек қишлоғимиздан ўн чоғли кишини жун қирқишга ҳашарга айтган эдилар. Қирқимчилар қирққан жунларини ранг-ранги билан ажратиб қўйиб, ким ўзарга баҳслашиб ишлашишарди. Мен ҳам уларга қўйларни ушлашда кўмаклашардим. Қўйлар билан кечаю-кундуз бирга бўлганим учун улар мендан ҳуркишмайди. Аям қирқимчиларга овқат тайёрлардилар. Вали амаки деган бўйи пастгина, юзлари қуёшда қоп-қорайиб кетган одам ҳаммадан кўп жун қирқарди.

— Валижон, хў ўша четроқда турган оқ қўзининг жунини акангизга кўрсатмай менга қирқиб беринг, айланай. Жулпатнинг, ўришига шундай оқ майин жун тополмай юрибман. Бошқа рангдаги жунларни бўяб бўлмайди, — дедилар аям Вали қирқимчига секингина шивирлаб.

Мен бу гапни эшитиб, ҳайрон бўлиб туравердим. Ахир нега аям совхоз қўзисининг жунини оладилар? Ана, қулоғида рақамланган тамгаси ҳам бор. Нега дадамдан сўрамайдилар? Сўрасалар ҳам дадам барибир бермайдилар. У кишининг одатларини биламан. Бир куни қўшни отарнинг бош чўпони ориқ бир қўйни семизроғига алмаштириб беришни сўраб келганда, дадам: «Ана, ўзимнинг ўн тўртта қўйим бор. Хоҳлаганингни ол, истасанг уйимни кўчириб кет! Аммо совхознинг қўйига тегма! Бола-чақам бор, бунақа иш қўлимдан келмайди. Ҳаром йўлдан юриб қамоққа тушишга ҳам тоқатим йўқ» дедилар қўлларини панжара қилиб кўрсатиб.

У эса алланималар деб, эски мотоциклини тириллатганича жўнаб қолди.

— Бундақалар бугун қўйингни олиб, эртага совхоз мулкани талон-торож қилди деб устингдан ёзишади, — дедилар дадам хуноб бўлиб. ...Аямнинг ҳалиги гапларини дадамга айтсаммикан? Жаҳллари тез, аямни уришдан ҳам қайтмайдилар. Айтмадим, айтолмадим. Лекин, айтмасам ҳам, ҳамма нарса мен ўйлагандек бўлиб чиқди. Аям булоқдан сув олиб қайтаётган кишидек жунни челаққа солиб кетаётганларида, дадам кўриб қолдилар. Аям ҳеч нимани билмагандай қирга чиқиб бо-

<sup>1</sup> Жулпат, жулқурс — полос.



рардилар. Дадам жун қирқадиган қайчини қўлида ўйнатганча бир зум кузатиб турдилар. Кейин мени имлаб ёнларига қақирдилар.

— Бор, аянга айт! Жунни олиб келиб жойинга қўйсин! — дедилар қаҳр билан.

Мен истар-истамас аямнинг ортидан қирга қараб чопдим. Йўл-йўлакай қандай ақлли ва тўғри дадам бор-а, дея ўйлардим. (Бегоналарнинг олдида уялмасин деб, аямни койимадилар ҳам. Тагин гоҳода аям дадамдан нолийдилар.) Ҳаллослаб чопиб келаётганимни кўрган аям, сир очилганлигини сезиб, ранглари оқарди.

— Жунни жойинга қайтариб қўяркансиз, дадам айттилар! — дедим нафасим тиқилиб.

— Сен айтдингми, ер ютгур! — дедилар аямлар лаблари пирпираб.

— Йўқ, ўзлари кўриб қолдилар! — дедим ноқулай аҳволга тушиб.

— Битта қўзининг жуни билан совхоз бойиб қолармиди? Ма, олиб бор шу матоҳини! Даданга совхоз уй, совхоз хотин, совхоз бола-чақа. Кошки, шунчалик жонини жабборга берганини биров билса! — аям жаҳл билан челақни менга узатдилар.

Аямнинг бу жиноятларига шерик бўлишни истамасам-да, челақни олиб жойимда туриб қолдим. Аям алланималар деб қарганиб, уйга қараб кетдилар. Зўрға оёғимни кўтариб босиб, орқага қайтдим, ағнаб ўйнагандай бўлиб жунни хирмонга қўшиб юбордим. Чунки аямнинг қилмишини ҳеч кимга билдиргим келмади. Кейин бўш челақни дадамга кўрсатдим. Дадам бош ираб қўйдилар-да, индамай жун қирқавердилар. Билсин деб челақни Вали қирқимчига ҳам кўрсатиб қўйдим. У қўрқаписса елкасини қисди.

Одамлар кетгандан кейин дадам бари бир аямни зиқновга олишларини ўйлаб азобланардим. Қизиқ, аям мени қарғаб берсалар ҳам у кишига раҳмим келаверади. Аямга қийин. У киши бир чўпон тенги отар ишларига кўмаклашар, боз устига уйдаги барча юмушлар аямнинг зиммасида эди. Чўпонлар сурувни ҳайдаб яйловга чиқиб кетишар, дадам эса ўлиб қолган ё бўри тортиб кетган қўйни акт қилдириш учун идорага олиб кетганларида, ўрдадай қўтонни тозалаш аям иккимизнинг зимма-мизга тушарди.

— Қуриб кетсин, кўрган кунимиз! Отанга тегибманки, тиззамдан қийга ботиб қўтон тозалайман! Икки йил чорвага яқинлашганларнинг тагида «Волга»си бор. Отанг эсини таниганидан бери қўй боқса ҳам, эски патпати янги бўлмайди. Ҳайрият, ёмон бўлса ҳам шу патпати орага тушиб, Мамадазим ҳеч нима олиб борган эди. Бирор гап дегудай бўлсанг, «қора нон бўлсаям ҳалол ейман», дейди. Худди ҳамма ҳаром-у, ёлғиз даданг ҳалол бу дунёда, — дердилар жиғи-бийрон бўлиб.

Ўша кун худди ўйлаганимдек бўлди. Юқали шўрвани ичиб бўлганимиздан кейин дадам аямни сўроқ қила бошладилар. Шундай пайтларда негадир ичим сиқилиб, секингина чиқиб кетаман.

— Нега менинг феълу-атворимни била туриб, шундай қиласан-а, Норхол? — дедилар дадам пиёладаги чойни жаҳл билан хўплаб.

— Керак эди-да, бўлмаса бориб бозордан олиб келиб беринг! — дедилар аям ҳар галгидек шаддодлик билан.

— Ёв келмагандир ўша эшшакнинг тўқмига ўхшаган жулқурсингга! Қишда, одам оёғи тинчиганда тўқийсан-ку зормандангни! Нега энди айтган гапга кирмайсан?

— Сизнинг бу уйингизда на қишда, на ёзда тиним бор! Қўйингиз энди дадаси, билмай олиб қўйибман! Қўлимни теккизмаганим бўлсин энди! — аям дадамнинг қизишаётганлигидан кўрқиб бир оз босилдилар.

— Одамлар туяни ютса ҳам ҳазм қилади. Аммо менинг қўлимдан келмайди шу иш. Тушундингми? Битта қўйнинг жуни бир кун келиб ўн-та бўлиб бошинга тушади! Биласан-ку ахир шуни! Сен аёлларга худо-

нинг ўзи бас келсин. Қорнилари тўқ, кийим-кечак ва талашиб-тортишишга олди-қочди гап бўлса, бас. Шунини ҳаёт деб биласанлар.

— Ҳар қалай, сиз эркакларга ўхшаб, калла талашиб юрмаймиз-ку!

— Ҳа, ўзи калла талашмаган сенлар қолувдиларинг. Бора-бора аёллар калла талашадиган, эркаклар эса тирикчилик ташвишларидан бешиб, уйда ўтирадиган бўлиб қолса керак.

— Шаҳарда шунақа дейишади-ку, дадаси! Орқа томондан эркаклар билан аёлларни ажратиб бўлмас эмиш.

— Бўлди! Йиғиштир гап супрангни!— дедилар дадам ҳам бир оз ҳоврдан тушиб.

Бундай пайтларда аям дадам нима десалар маъқуллаб, жимгина ўтиравердилар. Кейин гап айланиб Бўйноққа келди. Мен ўзимни ухлаганга солиб, жимгина ётардим.

— Бу қутуриб ўлгур итларингизни бир ёқлик қилинг! Жонимдан тўйиб кетдим. Чўпонларга бир қозон оссам, уларга бир қозон осаман. Бир эмас, бешта бўлди бу зормандаларингиз. Агар Бўйноқ туғса борми, итдан оёқ қўйишга жой топилмай қолади. Итларни боқишга ҳам битта чўпон керак бўлади. Ҳозирдан бирор қори-қолини қилинг, кейин кеч бўлади,— дедилар аям, уйғоқ ётганлигимдан беҳабар.

— Уғлинг боқиб юраверади-да,— дедилар дадам мени назарда тутиб.

— Ҳа, энди бир ками болангизга ит боқтириш қолувди.

— Усиз ҳам кечаю-кундуз ит билан. Бўйноқ деса ўзини томдан ташлайди!

— Норбўтангиз ҳадемай биринчига боради, Бўйноқни йўқотмасангиз, ўқишга ҳам қизиқмайди, дадаси.

— Норбўта яхши ўқийди. Ҳозирдан чизган суратларини қара, ишқилиб, эсон-омон катта бўлсин. Лекин гапинг тўғри. Ит уни ўқишдан чалғитиши мумкин,— дедилар дадам салмоқлаб.

Назаримда, ётган жойимда биров бўғаетгандек эди. Урнимдан туриб «Йўқ! Бўйноқ менинг ўқишимга ҳечам халақит бермайди!» деб қичқиргим келар, хаёлимдан: «Энди мен билан ким олишиб ўйнайди! Қим билан тоғу-тошларда қувлашаман! Аям берган нон ва суякнинг ярмини еб, ярмини кимга бераман!» деган гаплар ўтарди. Уйғоқлигимни сездирмаслик учун секин нафас олиб, узоқ ётдим. Кейин ухлаб қолибман...

## II

Бўйноқ иккимиз Дулдулқиянинг Ойқорга туташган жойидаги ялангликда қувишмачоқ ўйнардик. Энамнинг айтишларича, қадим замонларда Ҳазрат Али деган асфонавий баҳодир ёв билан курашиш учун ўзининг учқур дулдули билан доимо шу ердан самога кўтарилар экан. Шундан бери чўққининг номи Дулдулқия деб аталаркан.

Биз галма-гал қувишардик. Аввал мен чочардим, Бўйноқ қуварди. Ушлайман деса, бир сакрашда етиб олади. Лекин ўйинни қизитиш учун мени қўйиб, ўзи юмалаб-юмалаб кетади. Мен ҳам илонизи қилиб, алдаб қочаман. Охири бир сакрашда оёғимнинг остига келиб тушади. Мен гўё майин ва юмшоқ пўстинга йиқилгандай умбалоқ ошаман. У олдинги икки оёғи билан «Ҳа-а, ушлаб олдимми!» дегандай секин кўрагимдан босади.

— Бўлди-и, бўлди-и! Енгилди-им!— дейман, икки қўлимни кўтариб.

У қувониб кетади. Кейин иккимиз умбалоқ ошишдан мусобақа қилдик. Мен Бўйноққа кўрсатмай чопиб бориб, яна умбалоқ ошардим. У ғирромлик қилаётганимни сезиб, тўхтаб қолди. Чўнқайганича кўзларини бир неча марта секин очиб-юмди ва сўлақларини ялаб, тескари қаради.

У хафа бўлса лаб-лунжи осилиб кетар, кесилган қулоқлари шалпаяр, кўзларини ғамгин чимириб, бир нуқтага тикилиб қоларди. Мен

унинг бу хатти-ҳаракатидан «Нима, мени ит деб менсимаяпсанми? Қанчалик алдасам, масҳара қилсам билмайди, деб ўйлайсанми? Агар шундақа қилаверсанг, сен билан дўст бўлмайман. Малол келса, майли, тоғ этагидаги тўқайзорга кетаман. Бир куним ўтар. Аянгнинг зуғумидан аллақачон кетиб қолардим-у, болаларимни, сени, дадангни ва сурувни ўйлайман-да», деган маъно уқардим.

— Мени кечир, Бўйноқжон! Кечира қол! Энди ҳечам сени алдамайман! Агар алдасам, нима қилсанг ҳам розиман!— дер эдим унинг бўйнидан кучоқлаб.

У шу ҳолда узоқ жим турарди. Олис-олисларга маънос тикилиб, гингшиб қўярди. Бошига ҳеч қандай оғир мусибат тушмаган бўлса-да, доимо унга раҳим келади. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Балки уни аям доимо ноҳақ жеркиши ва дадамга чаққанлари учундир. Балки унинг ит бўлганлиги, биз нима берсак еб, бермасак кўзи мўлтираб қараб ўтириши, гоҳо эса овқатини ўзининг очкўз болалари — Сиртлон ёки Қўктой тортиб олиб еб қўйиши учун раҳим келар...

Лекин ҳеч қачон уни оч ёки ёлғиз қўйган эмасман. Дадам мени кечаси, гоҳида қундузлари қўй боқишга бирга олиб кетсалар, маза! Шундай пайтларда доимо биз Бўйноқ иккаламиз бирга ётамиз. Дадам кўриб қолсалар, мени қойиб берадилар. Бир марта жаҳллари чиқиб, Бўйноққа таёқларини отиб юбордилар. Шунда анчагача Бўйноқнинг қовоғи очилмай юрди.

Айниқса, кечалари сурувни ёйгани чиққанимизда, қувончим ичимга сиғмай кетади. Ҳамро чўпон берган эски таёқни милтиқдай қилиб ушлаб оламан-да, бутун тоғу-тошларни қўриқлайман. Мен лашқарбоши, Бўйноқ аскар бўлади. Ҳамма қўйлар — менинг аскарларим. «Олға-а!» десам, тамом. Бутун қир-адирларни, энам айтгандек, «япондай» босамиз.

Дадам кечаси билан ухламай сурувни тўйгазиш учун ҳайдаб боқардилар. Биз эса қўйларнинг орасида ўйнаймиз. Сўнг мен Бўйноқнинг, гоҳида Бўйноқ менинг кучоғимга бошини қўйиб ухлаймиз. Биримиз ухласак, иккинчимиз қўриқчилик қиламиз. Дадам яқинлашишлари билан Бўйноқ мени секингина туртиб уйғотар ва секингина сурувга оралаб кетардик.

Қўйлар ҳам бизга ўрганиб қолган. Қўйлар билан ётсанг, ҳечам совқотмайсан. Улар бирам ширин ухлашадик, ҳатто нафас олганиям сезилмайди. Энамнинг айтишларича, ҳар бир ҳайвоннинг, жумладан, қўйларнинг ҳам деви бор экан. Мен қанчалик пойламай, қўйларнинг девини кўролмаганман. Балки Бўйноқдан кўрқиб кўринмагандир?

Бўйноқ доимо мени кечирарди. Тилини тез-тез чиқариб сўлакларини яларкан, олдинги оёқлари билан дуч келган жойимга туртиб қўярди. Кейин юмшоққина бошини қўлтиғимга тикиб, жимгина турарди. Мен «Эҳ-ҳе-ҳе, Бўйноғим кечирди-и! Яшасин Бўйноғ-жони-им!» дея қичқирардим. Сўнг кўкаламзорга ағнаб, олишмачоқ ўйнардик.

Ўтлайдиган бўлгандан сўнг дўмбоққина етим кўзи ҳам бизга қўшилди. У кўпроқ қорин тўйгазиш билан овора бўлиб, тўйгандагина бир-икки маъраб бизни топиб олар, бошқа кўзиларга нисбатан мечкай бўлиб қолган қоринни осилтириб орқамиздан эргашиб юраверарди. Кўтонимиздаги етим кўзиларнинг деярли ҳаммаси мечкай. У тўқли бўлиб батамом сурувга қўшилиб кетганда ҳам бизни кўрди дегунча югуриб келар, тўйиб-тўйиб менга суйканарди.

Аям Бўйноқни ҳафа қилган кунлари бутун вужудим билан унинг кўнглини овлашга ҳаракат қилардим. У ҳам менинг нега куйиб-пишаётганлигимни сезар, «Парво қилма, Норбўта, катта бўлсанг аяннга тушунтирасан», дегандай лабларини буриштириб, кўзларини маъноли очиб-юмарди. Кейин ҳамма нарсани унутардик. Токи аям ёки дадам чақиргунга қадар тоғу-тошларда ўйнаб юраверардик.

Очиқсак, ўзимиз овқат топиб ердик: «Кўй, ундай қилма, қандай раҳмсизсан», дейишимга қарамай, Бўйноқ пойлаб туриб, тош рангидаги ёввойи каптарларни ушлаб олар, сўнгра бўлишиб ердик. Мен юпқа тошнинг тагига ўт ёқиб, устига каптар гўштларини қўйиб чиқардим. Зум ўтмай гўшт қип-қизил бўлиб, тандиркабобга ўхшаб пишарди. Илгарилари Бўйноқ хом гўшт, мен пишган гўшт ердим. Кейинчалик иккимиз ҳам пишган гўшт ейдиган бўлдик. Бир марта унга «ма, сен хом гўшт еяқол, олов яхши ёнмаяпти», дегандим, у аразлаб кетди. Бориб-бориб мен ҳам хом-хатала, кейинчалик умуман хом гўшт ейишга ўргандим. Нима бўлса, иккимиз тенг бўлиб еймиз. Биз билан ўйнайдиган бошқа болалар ҳам, ақлли итлар ҳам йўқ эди-да. Итнинг вазифасини бирор хавф туғилганда ҳуриб қўйиш деб биладиган Оқтой, Сиртлон ва Кўктойлар уззу-кун ўлжа ахтаришарди. Аям ҳафсалалари келса, уларга итоши қилиб берардилар, бўлмаса йўқ.

Қўтонимиз — энамлар турадиган, сурувимиз олис яйловларга чиқиб кетганди биз кўчиб борадиган қишлоғимиздан жуда узоқда. У ерга бориш учун эшак билан тонг ёришгандан тушга қадар йўл юриш керак. Акам Тошкентда ўрмонларнинг бошлиғи бўладиган ўқишда ўқир эдилар. Зўр ўқиш-а? Ўқишларини битириб, яқинда бир йиллик ҳарбийга кетдилар. Мен биринчини битираётганимда келарканлар. Кейин мени май байрамида шаҳарга, намойишга олиб борадилар. Ўзлари шундай дедилар. Ҳамма тоғлар, арчалар, айиқлар, бўрилар, олқорлар ва какликлар акамнинг ихтиёрида бўларкан. Аям айтдилар. Кейин менга роса маза бўлса керак. Бўйноққаям. Бўйноқ иккимиз акамга тоғимиздаги ҳамма ҳайвон ва дарахтларни бирма-бир кўрсатиб чиқамиз. Мўътабар деган синглим ҳам бор. Ҳаммамиз уни «Мўтти» деймиз. Мен билан ҳечам чиқишмайди. У кунни Мўттига:

— Кел, Мўттижон, икковимиз ачом-ачом қилиб ётамиз? — дедим.

— Ҳо-ҳо, керак эмас. Сен билан ётмайман, сен Бўйноқ билан ётгансан. Устинг ҳаром бўлган, бетларинг ҳам ҳаром, — деди.

— Ҳм-м, дадам билан аям бор-да, бўлмаса ўша эчкининг думига ўхшаган сочларингни юлиб олардим! — дедим кўрпанинг остидан муштимни кўрсатиб.

У бўлса мени масхара қилиб, оғзини қийшайтирди. Мен индамадим. Яна бирор нима десам, ҳамма гапни — Бўйноқ билан бирга ётганларимни, бир косада овқат еганларимни дадамга чақиб беради. Бўйноқ билан бирга ётганимни у икки марта кўрган, «дадамларга айтаман» деганда чумчуқ ушлаб бериб, алдаганман. Хуллас, Мўтти мен билан ўйнашдан кўра аямнинг орқасидан эргашиб, гинғирлаб юришни яхши кўради. Менинг ҳам у билан ўйнашга тоқатим йўқ. Билмай туртиб юборсанг ҳам бақириб йиғлайди. Қизиқ, бирор нарсани сўраса-ю, бермасанг, худди ургандай қилиб бўкиради. Буни эшитган аям мени қарғаб кетадилар. «Урганим йўқ» деб минг марта айтсам ҳам ишонмайдилар. Унинг устига, кечқурун дадамга биргаллашиб чақишганини айтмайсизми? Шундай пайтларда бирам жаҳлим чиқиб кетадики, ундан қандай қилиб ўч олишимни билмайман.

Кўпинча дадам менинг ёнимни оладилар. Бундай пайтларда Мўтти атайлаб жангарилик қилади. Дадам мени ушлаб олиб, ёлғондакам қулогимдан чўзган киши бўладилар. Мен ҳам жўрттага «Ҳи-и-и» деб йиғлаб қўяман. Шундан сўнг Мўттининг овози ўчиб, «Боплатдимми?» дегандай мени масхара қилади. Мен эса «ва-ҳа-ҳа» деб кулиб юбораман. У «Ҳа-а, урмабсиз уни-и», дея яна дадамга хархаша қилади. Хуллас, бундай машмашалар тез-тез такрорланиб туради.

Лекин қанчалик хархаша қилмасин, мен Мўттини кечираман. У кичкина-да. Бироқ у буни ҳечам тушунмайди. Майли, бир кун тушуниб қолар. Мен ҳаммадан кўп Бўйноқни ўйлайман. Усиз туролмайман. У ҳам

шундай. Бир оз кўринмай қолсам, аямнинг жеркиганига ҳам қулоқ солмай эшикнинг олдига келиб, чўзилиб ётиб олади. Аям қойисалар ҳам менсимагандай ўқрайиб қараб тураверади. Сўнг аям мени койишга ўтадилар.

— Чик деяпман! Мехрибоннинг кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирибди! Жонимга тегиб кетдинг икковинг ҳам! — дейдилар рўзгор ташвишлари кўпайиб кетганда жаҳлга миниб.

Мен индамай Бўйноқнинг олдига чиқаман. У бўлса, «Юр, нарироққа кетайлик, аянгни кўзига балодек кўриняпман шекилли! Хайриятки, милтиқ отишни билмайди. Бўлмаса ҳозироқ отиб ташларди. Нега кўринмайсан? Қишлоққа менсиз кетиб қолибсанми деб ўйлабман», дегандай думини ликиллатиб, қирга бошлайди. Қирга чиққунга қадар у мени ўзига етказмайди. Тепаликка чиққандан сўнг орқа оёғида тик туриб, олдинги оёқларини ўйнатганича мени кутиб туради. Кейин икковимиз кураш тушамиз. Сўнг чалқанча ётиб, кўм-кўк, тубсиз осмонни томоша қиламиз. У аҳён-аҳёнда менга қараб қўйиб, жимгина ётаверади.

Қизиқ, у ит бўлса ҳам одамнинг ичидаги гапни билади. Уйимизга ёмон, маст одамлар келса, ҳуриб, ижирғаниб, «уларни уйга қўймаслик керак», дегандай менга суйкалаверади.

— Жим тур, иккимизни ҳам дадам уришиб берадилар, — дейман пичирлаб.

У гингиб оғилхонанинг эшиги томонга кетади. Агар дадам уйда бўлмасалар, уларни қўтонимиз яқинига йўлатмайди. Унинг энг ёмон кўрган одами Қодирқул носфуруш билан Мамадазим ҳеч нима эди. Агар икковидан бирортаси уйимизга яқинлашса, Бўйноқ еб ташлагудек бўлади. Улар Бўйноқдан шу қадар қўрқишадикки, ҳатто суҳбатлашаётганда гапларидан адашиб кетишади. Доимо Бўйноқ уларга қаҳр билан тикилиб турарди, улар эса Бўйноқнинг кўзига тик қарай олмасди. Бўйноқнинг бу хатти-ҳаракатларидан мен ҳайрон бўлиб юрардим. Кейинчалик ҳаммасига тушундим. Буни Бўйноқни ҳам, мен ҳам яхши кўрадиган энам айтиб бердилар.

Ит вафодор экан. Шунинг учун ҳам мучалда итнинг номи вафодор деб аталар экан. У дунёда инсонга энг яқин ҳайвон бўлиб, одам сезмаган нарсаларни пайқаркан. Олдига яқинлашсанг, носнинг ҳидидан туриб бўлмайдиган Қодирқул носфурушнинг гапи носидан бешбадтар сассиқ эмиш. Қизиқ, гап ҳам сассиқ бўладими? Кейин билсам, энам фисқу-фасод гапларни шундай деган эканлар. Мен ҳам Қодирқул носфурушнинг пичинг ва киноя аралаш гапирмаганини эслолмайман. У Бургуттепа билан Дулдулқия орасидан ўтадиган Тераклисойга яширинча келиб нос тайёрлаш учун теракларнинг пўстлоғини шилиб кетар, тушликда эса овқат егани кўзини лўқ қилиб бизникига келарди. Энамнинг айтишларича, терак пўстлоғининг кулидан энг яхши нос тайёрланаркан. Бошқа носфурушлар терак кули ўрнига оҳак ишлатаркан. Бу носларни чекиш қийин экан. «Носкаш — пасткаш» деб қўярдилар бурниларини жийриб.

Мен уни ёмон кўраман. Балки, у аллакимлар учун яхши одамдир. Лекин, ҳар қалай, мен ёмон кўраман. Ёмон кўриб, жимгина юрмасдик. Бўйноқ иккимиз унга қарши курашардик... У қилиб юрган жиноятни яна икки-уч киши билади. Билишадими, ҳеч нима дейишмайди. Бизга шуниси алам қилади. Бўйноқ бир-икки марта қопмоқчи бўлиб, ташланиб ҳам кўрди. Аммо сал қолди болта билан Бўйноқни чопиб ташлашига. Мен додлаб ёпишмаганимда, у Бўйноқни ўлдирарди.

У теракзорга кўпинча душанба кунлари келарди. Дулдулқия чўққисининг устидаги теп-текис ялангликдан теракзорнинг ҳар бир бурчаги, айниқса, остида биз қапа-қапа ўйнайдиган каттакон ва чиройли оқ терак яққол кўзга ташланиб туради. Кўм-кўк сой теракзорни иккига бў-

либ, тўлиб-тошиб оқади. Одамларнинг оёғи кам текканлигиданми, сойнинг юқори қисмидаги тераклар каттароқ. Сой этаклаган сари теракзор сийраклашиб, тераклар ҳам майдалашиб боради. Сой бошидаги чакалақзорда Бўйноқ билан мендан бошқа деярли ҳеч ким юрмасди. Биз бу ерда чакалақзордаги қўрқоқ тулкилар ва катта-кичик бошқа ҳайвонлар юрадиган ҳамма йўлларни билардик.

Тераклисойнинг осойишталигини бузадиган бирдан-бир киши Қодирқул эди. У ҳеч қачон ва ҳеч кимнинг кўзига тик қаролмайди. «Кўзинг олма кесак термай кет» дердилар энам ҳеч кимга эшиттирмай. Унинг хатти-ҳаракатлари ҳам совуқ. Дадамнинг айтишларича, эсини танигандан бери бирор жойда ишламаган экан. У ҳамма билан ерга тикилиб ёки атрофга аланг-жаланг қараб гаплашади. Агар у бизникига келган пайтларда энам уйда бўлсалар, «Ҳаҳ, сасимай кетсин шу ертешар носфуруш-а, тағин келдими?» дердилар енглари билан оғзи-бурунларини беркитиб.

— Нега уни ертешар дейсиз, эна? У конқидирувчилар билан ишламайдику? — сўрадим у кетгандан кейин энамдан.

— Кўзига қара. Худди бойўғлининг кўзига ўхшайди. Ерга қараса, ер ҳам озор чекади унинг кўзидан. Эс билибдики, савдогарчилик қилади. Немисни уруши пайтида армияга бориб, ўзининг қўлидан ўзи отиб қайтиб келган экан. Оғзидан эшитганман. Бир куни маст бўлиб ўзи айтди. Тағин ранниман деб; давлатдан нафақа олса ҳам ажаб эмас, — дедилар энам енгларини оғзиларидан олмай.

— Энди Тераклисойга келганида устидан тош юмалатиб, ўлдирамиз! — дедим ҳаяжонимни босолмай Бўйноққа.

У «майли, бир боплайлик» дегандай Қодирқулга қараб-қараб қўйди. Кейин дадам Бўйноқ иккимизни қўйларни қайтариб келишга буюрдилар. Тепаликка кўтарилганимизда сурув қўтонимиздан анча узоқлашиб, баджаҳл Раҳмат қоровул қўриқлайдиган бугдойзорга етиб қолган эди. Бўйноқ «Сен тура тур, ўзим чоғиб бориб қайтариб келаман», дегандай мени бир туртди-да, сой томон чоғиб кетди. Мен кўкаламзорга узала тушиб, Бўйноқ, севимли Бўйноғим ҳақида ўйлай бошладим. Бунчалик ҳам эсли-а, у?!

Келаси йил ўқишга бораман. Шу йил бормоқчи эдим, ёшим бир ойга етмади. Уйга келиб, йиғлаб юбордим. Кейин дадам мактабга бориб, мени ўқишга қабул қилишларини сўрадилар. Кўнишмади. Мен мактабга борсам, Бўйноқ нима қилади? Бўйноқ ҳам бола бўлиб туғилса бўлмасмиди? Икковимиз бирга мактабга борардик, бир партада ўтирардик. Энди нима қилсак экан-а? Гоҳода аямнинг уч-тўрт кун Бўйноққа овқат бериш эсларидан чиқиб кетади. Унутадиларми ёки атайлаб бермайдиларми — билиб бўлмайди. Шунда у эшик ёки деразадан келиб, ҳеч кимга билдирмай менга қарайди. Мен яшириб, уч-тўрт бурда нон кўтариб чиқаман. Бир марта нон олиб чиққанимни дадам кўриб қолдилар.

— Жойига қўй нонни, нонкўр! Одамлар бир бурда нонни тўйиб ҳидлашга зор бўлиб ўлиб кетишган! Сен бўлсанг итга нон ташиганинг ташиган! — дедилар. Нимадандир диллари хуфтон бўлиб ўтирган экан шекилли.

Шу куни Бўйноқ оч қолди. Аммо эрталаб ҳеч кимга билдирмай токчадан битта нонни олиб эшикнинг тирқишидан узатдим. Мободо аям ёки дадам нон еяётганини кўриб қолса, у ўзи нонни топиб олиб еяётганга солади. Шундай пайтда унга жуда раҳмим келиб кетади. У бир неча кун оч қолса ҳам менга гап тегишини истамайди. Аммо ундан кўра кўпроқ тартиб-интизомни мен бузаман. Шунда у кесилган қулоқларини диккайтириб, лабини чўччайтиради. «Наҳотки, одам боласи бўла туриб, ақлсизлик қиласан-а?» дегандай менга узоқ ва маъноли тикилади. Мен

эса яна кечирим сўраб, бўйнига осиламан. У аввалига кечирмагандай бўлиб, олдинги оёқлари билан қўлларимни секин итариб қўяди. Кейин кечирганлигини билдириш учун у ҳам менинг бўйнимга осилади. Токи биров келиб, халақит бергунга қадар олишиб, ўйнашамиз. Олишганларимизни энам кўрсалар индамайдиларку-я, аммо аям ёки дадам кўрса койиб берадилар.

— Ит билан ўйнашма деб минг марта айтаман сенга! Қасали юқадди! Бутун оғзи бурнинг ҳаром бўлди! Ундан кўра ишга қўмаклашсанг бўлмайдами? Итга қўшилиб, ит бўлиб кетсанг керак эрта-индин! — дердилар аям бақариб.

Хафа бўлиб кетаман. Дадам айтганларидек бунчалик ҳам тиллари заҳар бўлмаса аямнинг. Итга қўшилиб ит бўлсам нима бўпти. Қайтамага яхши бўларди. Доимо дала-даштларда мазза қилиб, ҳеч кимдан койиш эшитмай юраман. Бўйноқ иккимиз ўзимизга Дулдулқиядан ин кавлардик, теракзор ва арчаларни қўриқлаб ётардик.

Шундай аччиқ гаплардан сўнг лаб-лунжи осилган Бўйноқ индамай сойга тушиб кетар, мен эса ҳамма нарсадан ҳафсалам пир бўлиб, уйга томон юраман. Қуёш қорайиб, кеч киравериши билан юрагим безовта бўлаверади. Сабаб, аям ҳеч қанақа айбим бўлмаса-да, дадамга чақадилар. Агар ҳафсалалари бўлса, дадам мени қистовга олар, бўлмаса, «қўй одам ҳиди ёқмас шу болагни. Қанча насиҳат берма, гўрам бўлмайди», дейдилар қовоқларидан қор ёғилиб.

Бундай кунларда эрталабга қадар менинг оғиз очиб гапиришга ҳаққим йўқ. Агар беҳосдан уларнинг кўпроқ гийбатдан иборат суҳбатларини бўлиб қўйсам, бояғи гап қўзғалиб кетиб, койий-койий мени йиғлатишарди. Кўз ёшимдан юзим тиришиб, ухлаб қолардим.

Лекин анчагача уйқум келмай, уларнинг гапини эшитиб ётаман. Улар ҳам ётгунга қадар мен ва Бўйноқ ҳақида гапиришади.

— Бекорга хафа қилдингиз гўдак бечорани? — дейдилар аям афсусланиб.

— Жағинг тинмай ёмонладинг ахир, аччиғим чиқиб кетди-да! Қилгуликни қилиб туриб, яна менга осиласан! — жавоб қиладилар дадам.

— Бунчалик қаттиқ койишингизни қаердан билай! — дердилар аям айбига иқрор бўлиб.

— Бир икки койиғанга шишаси ёрилмайди. Болани тергаб туриш керак. Ҳозирдан жilовини қўлга олмасанг, кейинчалик оғиз очолмайдиган бўлиб қоласан, — дердилар дадам ўзларининг пухта одам эканликларини намоиш этгандай.

Кейин гап айланиб Жондорлисойда дадам билан совхоз директори орасида бўлган жанжалга тақалар, дадам бу воқеани ўкиниб, қалтироқ босиб аямга айтиб берардилар. Бу воқеа мени ҳамон ўйлантиради. Доимо ўз-ўзимдан «Директор нега дадамни урди?» дея сўрайман. Шундай дея ўйлайман-у, кўзим ёшланиб кетаверади. Кўз ўнгимда ёқавайрон, юз ва лаблари шилиниб, ранги ўчиб, костюмлари йиртилган, йиғламасаям кўзидан ёш тирқираб кетган дадам гавдаланаверади. Томоғимга алланима тикилиб, хўрлигим келади. Аям бир кун акамга «Худо хоҳласа, катта бўлсанг, директордан дадангни қасдини ол», деганлари эсимда. Негадир ўшанда бу гап менга қарата айтилгандек туюлди...

...Ушанда Ҳамро чўпонга эргашиб мен ҳам Жондорлисойга боргандим. Лекин негадир Бўйноқ йўқ эди. Бу воқеа ўша — дадам Мамадазим ҳечниманинг қўлидан бўшаб, отар қабул қилиб олган кўкламда, тўл<sup>1</sup> тугаш арафасида бўлганди. Директор қандайдир шартлар қўйиб отар бергандан кейин дадамнинг боши қотиб қолибди. Аввалига сурувга қўч-

<sup>1</sup> Тўл — кўзилаш мавсуми.

қор қўймай юрдилар. Кейин директордан ҳайқибми ёки бошқа бирор нарсани ўйлабми унта қўчқор олиб келиб сурувга қўшдилар.

Тўл охирлаб, Жондорлисойни ширингина тўқли болаларининг маърашлари қоплаганда, ўзининг сутранг «Волга»сини ўғлига ҳайдаттириб директор келди. Биз Ҳамро чўпон иккимиз эндигина туғилган қўзичоқни онасини ушлаб оғизлантираётган эдик. Дадам ранги ўчиб кетган чўтни шиқиллатиб ниманингдир ҳисоб-китобини қилардилар. Машинани кўришлари билан шоша-пиша ишларини йиғиштирдилар.

— Ассалому алайкў-ў-ў-м-м!— деди директор машинадан тушар-тушмас очиқ чехрада.— Жуда нияти холис одамлармиз-да! Ўзим ҳам шу атрофда бўлсаларинг керак деб ўйлагандим!

— Бор бўлинг, директор бово!— деди дадам уни қарши оларканлар.

Кутилмаганда у дадам билан қучоқлашиб кўришди. Ноқулай аҳволда қолган дадамнинг қўлидан таёғи тушиб кетди.

— Тошкентда, юридическийда ўқийдиган ўғлим,— деди у қўнғиз мўйлабли сочи паҳмоқ новча ўғлини елкасига уриб.

Кейин Ҳамрони имлаб чақирди-да, ниманидир тайинлади.

— Қани Жўравой, бир айланиб келайлик,— деди дадамни қўлидан тутиб қирга бошларкан.

Мен ҳам ўйнаган киши бўлиб, орқаларидан эргашдим. Улар қир ошиб, қўшни сойга тушишди.

— Гапнинг пўст калласини айтсам, Жўравой, энди икковимиз бир бурда нонни бўлиб ейдиган ака-ука бўламиз,— дея гап бошлади директор дадамнинг елкасига қўлини қўяркан.— Биринчи кварталнинг якуни учун совхозга иккита суперлюкс «Жигули» беришяпти. Биттаси сеники. Давримда бир ўйнаб-кул! Ундан ташқари, келаётган сайловда депутатликка сени айтдим. Бундай бир ўзингни кўрсатиб, газеталарниям обод қиласан энди.

— Раҳмат, директор бово! Бола-чақа билан алқаб минардик-да. Катта ўғил ҳам армияда шофёрликка ўқияпти экан. Эски мотоцикл билан қишлоққа бориб-келгунга қадар чангда тегирмончига айланиб қоласан киши,— деди дадам қувончларини яширолмамай.

— Хў-ў-ш, энди асосий масалага ўтсак,— деди директор ранги бир оз ўзгариб — Тўқлилардан қанчаси қўзилади?

— Икки юздан ошиқроғи,— деди дадам анчадан сўнг идорада бўлиб ўтган гап ёдларига тушди шекилли, овозларини пасайтириб.

— Ўттизтаси сеники. Машина олганда ишлатарсан. Қолганига одам келади. Ҳайдаттириб юборасан.

Дадамни ўй босиб, жимиб қолдилар. Шунда дадамга бирам раҳмим келдики, қани энди қўлимдан келса-ю, ёрдам берсам. Дадам жиноят билан ҳақиқатнинг чўзиладиган-у, лекин узилмайдиган чизиғи устида турар, икки оташ ўртасида ёнардилар. У кишининг оғирини на Ойқор, на сокин Сангзор, на бепоён Галахирмонжой яйловлари, унда ёйилиб юрган сурув-сурув қўйлар, уюр-уюр йилқилар ва на бутун бошлиқ қишлоғимиз энгиллата оларди. Аламимдан ўтлоққа ағнаб, ўтларни юлқилаб, тирноғимнинг орасига тупроқ кириб зирқираб оғриганига қарамай ерни тимдалардим.

Эй, тубсиз осмон! Нега дадамга директорнинг раҳми келмайди? Нега у дадамни жиноят қилишга мажбур этяпти? Нега унга ҳеч ким индамайди. Ахир у давлатнинг шунча қўйини еб кетаверадими? Шунинг учун ҳам Мамадазим ҳеч нима ҳар йили отарини алмаштирар экан-да! Нега шундай?

Дадам талқон ютгандай нафаслари ичига тушиб кетган; эски, лата телпақларини олиб, белбоғлари билан терларини артардилар.

— Намунча дамнинг ичинга тушиб кетди. Қўрқма, мен бирор нарса-



ни уддаламасам, оғзимга олмайман. Аммо бундай мурувватларни ҳам ҳар кимга қилавермайман. Жўжавирдек жонсан, шу баҳонада биринг икки бўлиб қолади, — деди директор дадамнинг ҳаракатидан таажжубга тушиб.

— Эпллолмайман, қўлимдан келмайди, ака, — деди дадам томоқларига бир нима тиқилгандай.

— Қўйсангчи! Бўлмайдиган гапни гапирма. Узингга эҳтиёт бўлсанг бас, — деди директор дадамга далда бериб.

— Йўқ. Бўлмайди. Жон директор ака, мени бундай ишга ундаманг! Қўлимдан келмайди! Мана Раббимдан санаб олган отарим, икки юз эллик чоғли қўзиси! Ревкомингизга айтинг, барча аъзолари билан келиб санаб олсин! Қолганини ўзингиз биласиз!

— Эркақман деб юрган экансан-да, Жўравой. Аслида одам қуриб кетгандай сен билан олди-берди қилмоқчи бўлган мен ўзим аҳмоқ экан, — деди директор азбаройи авзойи бузилиб.

— Мени ҳақорат қилманг, директор ака! Ердан чиққаним йўқ! — деди дадам лаблари пирпираб.

— Одам эмас экансан. Осмондан тушган одам ҳам гапга тушунди-ю, сен тушунмас экансан. Бўпти. Қўйни Мамадазимга топширасан! Орамизда ҳеч қандай гап ўтмади ҳисоб. Бошқа истаган отарингни берман. Хоҳласанг, Мамадазимникини ол, хоҳла бошқасини! Аммо ёпиғли қозон ёпиғлигича қолсин! Майли, меҳнат қилдинг, йигирмата қўзи ол, — деди директор бир оз ҳовридан тушиб худди ҳозир ҳеч қандай гап бўлмагандай босиқ овозда.

— Қўзига ҳеч ким тегмайди! Отарни Мамадазимга топширмайман! Бирорта ҳалол-покиза одам топилгунча ўзим боқаман! — деди дадам илк бор директорнинг кўзига тик қараб.

Мен эса борган сари ерга кириб кетаётгандай тўлғонардим. Яшил тўн кийган далалар бир зумда ўз гўзаллигини йўқотди. Димоғимга урилаётган телпакул ҳидиям нафасимни бўғарди. Юрагимни ҳовучлаб, тезроқ можаронинг тугашини кутардим.

— Уҳ-ҳў-ў! Даминг баланд-ку? Ҳали директорликни ҳам даъво қиларсан! Бургага ачиқ қилиб кўрпасига ўт қўйган лўли-ей! Чайнаб турган нонини туфуради-я, нонқўр! Бугуноқ бўйнингга саккизта айбни ёпиштириб, керакли жойга тиқтириб қўяйми! Совхознинг сурувига уч юз чакана қўйни қўшиб боқиб, пулини ўзинг олиб юрганингни билмайди деб ўйлайсанми?!

— Сўкма мени! Директорлигингни эса пишириб е, билдингми! Эй-й, инсофини ютган мусулмон, бир эмас, давлатнинг икки юз қўзисини кўрдим демай ютиб юбормоқчисан-а? Одамларнинг ҳақини ёрилгудек еб, яна дўқ қиласан-а? Ахир виждон деган нарсанинг «в» ҳарфи борми сенда?..

— Сендан сўрамайман! Кўп ҳаддингдан ошма! Сен билан сануманга бориш менга ярашмайди!

— Нима, сен авлиёмсан? Шохинг борми? Бўлса кўрсат? Мендан ортиқ жойинг — порахўрлигинг! Лекин турмага тиқдириш қўлингдан келмайди! Мен олгандан бери партбилетимни пок асрайман!

— Партбилетни аралаштирма! Сендақа чаласавод коммунистнинг борингдан йўғинг афзал! Бас қил деяпман, ҳеч ким кар эмас! — деди директор қўлларини мушт қилиб.

— Ҳа-а, ноинсоф! Чаласаводлик эмас, порахўрлик, виждонсизлик, имонини еб юбориш айб эканлигини тушунмайсан-да, сен. Ёки сен порахўрлик курсига ўқиб..

Дадам... дадам қолган гапларини айтолмадилар. Зарб билан тушган муштан чўккалаб, телпаклари отилиб кетди. Мен телпакка қараб чопдим. У дадамни босиб олиб, дуч келган жойинга муштлай бошлади.

— Нега урасан дадамни-и! — Мен қичқирганимча унга ёпишдим. Аммо у мени силтаб отиб юборди. Тошга йиқилиб тушиб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Бор кучимни тўплаб ўрнимдан турдим-да, аям билан Шербўта акамни айтиб келаман деган ўйда уйимизга қараб чопдим. Лекин ҳеч нарсага улгурмадим. Уйимизга ҳам етолмадим...

Ҳа, шу куни у дадамни урди. Лекин уни мен кутгандек милиционер олиб кетмади. Мен буни ҳечам кечиролмайман. Ҳеч кимга кўринмай нафасим бўғилиб қолгунга қадар йиғладим. Ҳеч қачон бунчалик кўп йиғламаган эдим. Энди дадамга кўриниш азоб эди. Дадам энди кўзимга қаролмасликларини сезиб, хўрлигим келар, кимлардандир мадад ва яна ўзим билмаган нарсаларни кутардим. Нега директорни бошига тош билан урмадим дея ўйлардим. Дадамга кўринмаслик учун яшириниб, сут ташийдиган, устига «Молоко» деб ёзилган машинанинг шофёрига «дадам айтди» деб миндим-да, қишлоққа — энамнинг олдиларига кетиб қолдим. Бу илк бор дадамдан бесўроқ қишлоққа кетиб қолишим эди... Шундан сўнг биз узоқ кўришмадик. Мен дадамнинг кўзларига кўзим тушиши билан, ўзимни тўхтатолмаслигимни, йиғлаб юборишимни билардим. Аямнинг айтишларича, дадам шундан сўнг бир ҳафтача бизга кўринишга юраги чидолмай, сурув билан юрибдилар...

### III

**Б** ургуттепадан Булоқлисойга тушиб келаётсам Сиртлон билан Оқтой Бўйноқни яккалаб; алланимани ейишаётган экан. Бири Бўйноқни ўлжага яқинлаштирмай турса, иккинчиси гўштга тармашарди. Бу ҳаракат навбатма-навбат бир маромда такрорланарди. Бўйноқ эса сўлақларини ялаб ғингширди.

У мени кўриши биланоқ индамай булоққа қараб юрди... Узининг овқат учун ғижиллашаётганини кўриб қолганимдан уялдими ёки хўрлиги келдими, билмадим.

— Бўйноқ, баҳ! Бўйноқ! — дедим баланд овозда.

Сиртлон билан Оқтой мени кўриб, думларини ликиллатишди. Бўйноқ эса чақирганимни эшитмагандай ҳамон булоқ томон кетиб борарди.

— Ҳа-а-а! Иблислар! Ўз онангга ўлжангдан беришга кўзинг қиймаяптими? Очкўзлар! — дедим ўдағайлаб.

Улар менинг келиб қолганимдан норози бўлганликларини яширмай ириллашар, аллақаердан топиб олган бир парча гўштан нари кетишмасди. Сиртлон эса олдинги икки оёғи билан гўшт парчасини босиб, мени еб қўйгудек бўлиб ирилларди.

— Мен сенларга гўшт ейишни кўрсатиб қўяман! — дедим Сиртлонни елкам билан туртиб юбориб, гўштга ташланарканман.

У ҳам боши билан мени туртиб, оёқлари билан гўштга тармашди. Оқтой эса костюмидан тишлаб тортди. Костюмим йиртилиб кетди. Илгаридан сезиб юрардим. Бизнинг оиламиздагилар Бўйноқни ёқтиришмаганидек, Бўйноқнинг болалари ҳам мени унча хуш кўришмасди... Қизганишга ўхшаган қандайдир ҳасаддан бугун ошкора ҳужумга ўтилган эди...

Сиртлон билан Оқтой мени ғажиб ташлашга тайёр эди. Аламимдан нима қилишимни билмай чўнтагимдан гугурт олдим. Бу пайт вовуллаб. Бўйноқ етиб келган эди. Унинг овозини эшитиб, қувониб кетдим. Биз ҳам икки киши бўлган эдик. Гугуртни чақиб, яна бир оз ноҳўя хатти-ҳаракат қилсам, мени еб қўйгудек ириллаб, сўлақлари оқиб турган Сиртлонга отдим. Бирдан ловуллаб олов кўтарилди. Сиртлон даҳшат билан ғингшиб, ўзини дуч келган томонга урарди. Бир оз у ёқдан-бу ёққа қолган эди, олов баттар алангаланди.

Бари бир Бўйноқнинг боласига раҳми келди шекилли, Сиртлоннинг

орқасидан чопди. Сиртлон булоқ атрофини қоплаган нам ва бўлиқ майсазорга ағанаб, оловни ўчирди. Сўнг отилганича бориб ўзини булоққа ташлади. Бўйноқ булоқнинг бошига бориб, сувдан бўйнини чиқариб гингшиб турган Сиртлонга бир оз тикилиб турди-да, бошини қуйи солганича қайтиб келди. Оқтой қаёққадири ғойиб бўлди. Шундан кейин у анчагача кўринмай юрди...

Мен гоҳ Сиртлонга раҳмим келиб, гоҳ Бўйноқни ўйлаб, жойимда ўтириб қолдим. Бўйноқнинг кўзлари ғамгин эди. Мен унинг кўзларида нимадандир норозилик, ўкинч кўрдим. Ғалвага сабаб бўлган бир парча гўшт ҳам жойида қолди. Тепаликка чиққаннимизда, беихтиёр сойга ўғирилдим. Шалаббоси чиққан, бутун танаси қорайиб куйган Сиртлон куйиб-пишиб ҳаммадан қолган суякни ғажирди...

Бўйноқнинг ғамгин, кўнгли ғаш бўлиб бораётганлигини сезиб турардим. У ҳозир мени ва менга қўшиб ўзини аям койишини биларди.

— Хафа бўлма, костюмимни аямга кўрсатмайман,— дедим Бўйноқнинг кўнглини кўтариш учун бошини силаб.

У менга қараб лабини ялаб қўйди. Йиртилган костюмимни ечиб, орқа томондаги деразадан уйга ташлаб юбордим. Бўйноқ ҳам ҳеч нимани билмагандай секин бориб, оғилхонанинг остонасига чўзилди. Аям итларга бераман деб олиб қўйган овқат қолдиқларини Бўйноқнинг товоғига солиб қўйдим. Бари бир аям йиртилган костюмимни кўриб қолдилар.

— Ҳа, шерикларинг билан талашибсан-да, ҳайрият, ғажиб ташлашмабди!— дедилар жаҳл билан костюмни олиб, у ёғ-бу ёғини кўрарканлар.

— Тош тилиб кетди,— дедим аям дадамга айтмасин деган ўйда нима дейишимни билмай.

— Алдамай қўя қол, тош тилиб кетса, бундай йиртилмайди! Қачон ақл киради сен болага! Эсингни танибсанки, итлар билан ўйнашасан! Бундақада бир кун эмас бир кун ит бўлиб кетасан-ку, жувонмарг!— дедилар астойдил жаҳллари чиқиб.

Мулзам бўлиб туравердим. Бирор нима деб гап қайтаргудек бўлсам, тарсаки тортиб юборадиган шаштлари ҳам йўқ эмасди.

— Индамай енгади бу зўмин! Гапирсанг, қулоғи тош битади! Даданг келсин ҳали, билганимдек қилдирмасам сен ўзбошимчани!— дедилар мени қўрқитишнинг энг юқори нуқтасига чиқиб.

Нима учундир кўнглим бўшашиб турган эканми ёки ҳаддан ташқари бу хил койишлардан юрагим безиллаб қолганми, тирқираб кўзимдан ёш чиқиб кетди.

— Дадамга айтманг, аяжон! Уришадилар!— дедиму хўнграб йиғлаб юбордим.

— Нима қилди, болажоним? Биров урдими ёки итлар қаттиқ тишлаб олдимми? Қаерингдан тишлади?— дердилар оёқ-қўлларимни ушлаб кўрарканлар.

— Йўқ, аяжон! Ҳеч ким ургани йўқ, фақат дадамга айтманг!— дедим аямни қучоқлаб.

— Айтмайман, бўталоғим, айтмайман! Сени яхши одам бўлгин дейман-да!— дедилар аям бир ўзларининг, бир менинг кўз ёшларимни артар эканлар.

— Энди ҳечам костюмимни йиртмайман, итлар билан ҳам олишмайман!— дедим аямнинг кўзларига тикилиб.

— Биласан-ку, менинг ҳамма акаларим урушга кетиб, қайтиб келмаган. Отам ҳам, онам ҳам йўқ. Битга ёлғиз онам бор, уям Панжакентда. Отам ҳам, акам ҳам, укам ҳам— сен билан аканг. Илоҳим акажонинг эсон-омон армиядан келсин. Сен ҳам тезроқ катта бўлгин,

хузурларингни кўрай,— дедилар аям ўзлари тикиб берган йўл-йўл кўйлагимнинг боғичини тугмасига ўрар эканлар.

— Яқинда биринчига бораман-а? — дедим астойдил катта бўлишни истаётганлигимни билдириш учун.

— Ҳа, ҳадемай катта йигит бўлиб, мактабга борасан. Қишлоқдаги кўшнимизнинг ҳозир биринчида ўқийдиган қизи Латофат китобларини сенга берар экан. Даданг шаҳарга тушса, чиройли сумка олиб келадилар.

Кейин аям нонга ёғ суриб бериб, чўнтагимга бир ҳовуч парварда солиб қўйдилар. Бирам қувондимки. Аяжонимга мен ҳам кўп яхшиликлар қилай дейман-у, ёшман. Катта бўлсам машина оламан-да аямни роса миндираман. Тушман десалар ҳам туширмай, олис-олис шаҳарларга олиб бораман. Кўйлақлар, рўмоллар олиб бераман.

Мен уч нарсани орзиқиб кутардим. Биринчиси мактабга боришим бўлса, қолганлари Бўйноқ билан энди каттакон тўқли бўлиб қолган Етим кўзининг болалаши эди. Унинг кўзисини тери учун сўйишмаса бўлгани. Аммо Бўйноқ тўққандан сўнг чўпонларнинг арлон итлар учун таллашиб-тортишишларини ва ургочи кучукваччаларнинг тақдирини ўйлаб, ўйимга етолмасдим. Мана шулар кечалари тушларимга ҳам кириб чиқади. Бир кун тушимда Бўйноқнинг бўйнидаги оқ жойи қорайиб қолган эмиш. Бўйноқ хафа бўлиб, умрида биринчи марта гапирётган эмиш. Унинг гапирганлигидан қувониб, қичқириб юбордим!... Уйғонсам, терга пишиб кетибман. Аям алланималар деб ўнглаб, жойимга ётқизиб қўяётган эканлар.

Ишқилиб, Бўйноқ кўпроқ арлон итлар туғсин-да. Бўлмаса уни хафа қилишади. Лекин мен сени ёлғиз қўймайман, Бўйноқ! Биласан-ку, сени ҳаммадан яхши кўраман! Ҳатто сенга атаб шеър ҳам тўқиганман. Афсус, ҳали ёзишни билмайман-да, бўлмаса ёзиб кўрсатардим. Икки марта Дулдўлқияга чиққанимизда унга атаб тўқиган шеъримни ўқиб берганман.

Бунча яхшисан Бўйноқ,  
Сени севади тоғлар!..

У мамнун жилмайиб қўяди. Ўзича «Раҳмат, Норбўта!» демоқчи бўларди-ю, гапиролмайди-да. Мен унинг кўзидан нима дейишини биламан. Нега ит ва қўйларнинг ҳам тили бор-у, гапиролмайди-а? Энамдан сўрагандим, «Худо ҳайвонларга тил бермаган», дедилар. «Нега бизга берган-у, уларга бермаган?» сўрадим яна. «Биз одаммиз», дедилар урчуқларини қўлдан қўймай. «Одамлардай ҳамма нарсани тушунадиган яхши ҳайвонлар ҳам бор-ку?» дедим. «Бари бир ҳайвон ҳайвон-да, кўп бундақа нарсаларни сўрайверма. Худога шак келтирасан. Катта бўлсанг, ҳаммасини билиб оласан. Уқдингми?» дедилар жиддий.

Гапларига унчалик тушунмасам-да, қайтиб сўрамадим. Энам «Вой бу тирмизак болани-я! Йўқ ердаги гапларни ким ўргатар экан унга! Бунча ҳам тили бурро бўлмаса бунинг! Ишқилиб, яхшиликка кўринсин. Боши тошдан бўлсин», дердилар ўзларича урчуқларини айлантириб. Албатта, бу гапни мени эшитмади, деб ўйлайдилар.

Энамлар ўзи шунақа. Ўзлари билан ўзлари гаплашаверадилар. Бировларга инсоф тилаб, бировларни айблайдилар. Кимларгадир пандунасиҳат қиладилар. Мен бунинг ҳаммасини тандирнинг панасида туриб ёки энам ўтирган сўрининг остига кириб эшитаман.

— Аҳ-ҳа-ҳа! Ҳамма гапларингизни эшитдим-им! — дея сўрининг остидан чиқиб, урчуқларининг ипини тортаман.

— Вой-ей, қўрқитавординг-а! Бола эмас, бало чиқдинг сен! Ишқилиб, бошинг тошдан бўлсин! Вой уйингга буғдой тўлгур-ей! Урчуғимга тегма, узилиб кетади! — дердилар еқаларига туфлаб,

— Нега мен бало бўларкан? Нега менинг бошим тошдан бўлар экан? Мана, ушлаб кўринг, тошдан эмас! Ҳозир урчуғингизни узаман! — дейман бўйниларига осилиб.

— Вой, ҳазиллашдим-да, болажоним! Сен бўталоғимсан! Болагинамнинг боласи, қандак ўрикнинг донасисан, айланай! Сени ҳаммадан яхши кўраман! Ахир сени яхши кўрмай кимни яхши кўраман? Урчуғимни узсанг, кўзим яхши кўрмайди, кейин улай олмайман! — дейдилар пешонамдан чўлилатиб ўпарканлар.— Боргин, омборхонадан озгина савалган жун олиб келгин! Биласан-ку, сўридан тушиб-чиқсам, майиб бўлган оёғим оғрийди.

Мен чопқиллаганимча омборхонага кириб кетаман. Қучоғимни тўлдириб аям саваб қўйган майин жундан кўтариб чиқаман. Энам мени алқаб-алқаб урчуқларини йигираверадилар.

Дадам иш буюргудек бўлсалар, Бўйноқ жон қулоғи билан тинглаб туради. Айрим ишлар менинг қўлимдан келмаса ҳам буюраверадилар. Лекин мен бажара олмайдиган ишни Бўйноқ уддалашини биладилар. Биз индамай дадамнинг буюрганларини бажарамиз. Кўпинча эса Бўйноқ иккаламизга бирга иш буюрадилар.

— Бўйноқ иккалаларинг сурувни қайтариб келинглар! Сен сойлардаги қўйлари тўплаб турсанг, Бўйноқ арчазордагиларини қайтариб тушади! Эҳтиёт бўлинглар, битта-яримта қўй арча ёки тош панасига қолиб кетмасин! Бўри еб кетади,— дердилар дадам иккимизга бирдек уқтириб. Чўпонлар тоғдан сурувни қайтариб тушганда битта-иккита қўй ёки эчки қолиб кетар, аммо Бўйноқ қайтариб тушганда ҳечам бундай ҳол рўй бермасди.

Албатта, шундай кунларда у нима биландир мукофотланар, оғилхонанинг эшиги олдида эмас, биз ўтирадиган сўрининг яқинига келиб ётарди. Ҳеч ким уни унутмас, аҳён-аҳёнда бирор егулик билан сийлаб туришарди. Бундай пайтларда Бўйноқ иккимизнинг қувончимиз ичимизга сиғмас, бу шодлик эрталабгача чўзиларди. Тонг отиши билан эса Дулдулқияга чиқардик. Иккимиз ҳам чўнқайиб ўтириб, олис-олисларни, мени кўпроқ ўйлантирадиган, қандайдир қудратли ва беғубор тубсиз осмонни томоша қилардик.

Кечас Бўйноқ ҳурса, бас, уйғониб кетардим. Тошдек қотиб ухлаётган бўлсам ҳам уйғонардим-да, унинг ҳуришига қулоқ солиб ётардим. Бўйноқнинг нега ҳураётганлигини тезда пайқардим. У чўзиқ ув тортса, узоқ-узоқларда очликдан увлаган бўрига «Овора бўлма, биз бор» дегани. Секинроқ ҳурса бошқа итларни эҳтиёткорликка чорлагани бўлади. Қаттиқ ва тез-тез ҳурса, отарга бўри яқинлашиш хавфи бор. Даҳшат билан ҳурса, сурувга хавф солган бўрига қарши итларни тўплаб, ҳужумга тайёрланаётган бўлади. Вазмин ва чўзиқ ҳуриб қўйса, «тинчлик, бемалол ухлайверинглар, сурувга кўз-қулоқман» дегани.

#### IV

Қуёшнинг илиқ нурлари теракларнинг нотинч баргларида жимирлаётганда, биз Дулдулқияга чиққандик. Қодирқул носфурушни теракзорга йўлатмаслик режаларини ўйлардим-у, ҳечам иложини тополмасдик.

Иягимизни харсангга тираганимизча сойнинг этагида Қодирқулнинг кўринишини кутардик. Худди у тошнинг тагидан чиқиб қолади-гандай оғир нафас олиб, узоқ пойлардик. Шабада бўлмаса-да, теракзор сирли шовуллар, унга сойнинг шарқираб оқиши қўшилиб, қандайдир ёқимли куйни эслатарди. Чўққима-чўққи сакраб, бор овозинг билан қичқиринг келади. Хаёлимга нима келса, айтиб қичқираман. Бўйноқ эса лўкиллаб орқамдан чопиб юраверади.

Ҳозир ҳам қичқиришиб роса қувлашардиг-у, лекин Тераклисойнинг ашаддий душмани — Қодирқул носфурушни кутяпмиз-да. Қандай қилиб уни теракзорга йўлатмаслик мумкин? У теракзорнинг ҳеч ким кўрмайдиган жойларига кириб олиб, ўроққа ўхшаш, лекин икки дастали бесўнақай қуроли билан теракларнинг терисини шила бошлайди. Аллақандай совуқ ва ёқимсиз оҳангда хиргойи ҳам қилиб қўяди. Товуши, энам айтганларидек худди гўрдан чиққандай бўлиб эшитилади. Гоҳода қўшиғини бирдан тўхтатиб, атрофга шубҳали аланглайди. Кейин яна тез-тез хиргойи қилиб, ишга киришиб кетади. Нима учундир у бугун келмаяпти. Балки, умуман келмас...

...Ниҳоят, кўм-кўк буғдойзорга туташиб кетган Тераклисойнинг этагида қорайиб, эшак минган киши кўринди. Тез ва шошиб юришига қараганда Қодирқул. У эгарнинг қошига чап қўлини тираб, оёғи билан эшагини ниқтарди. Яғири чиққан дўпписи устидан эски, қуёшда ранги ўчиб кетган белбоғ танғиб олган. Белбоғини салладай қилиб боғлаб, учини чаккасига тушириб қўйган. Эгарнинг устига ташланган ранги ўчган эски чопонинг бир энги осилиб келяпти. Эгарнинг устидан хуржун, жун қоп ва тўн ташлангани учун унинг бўйи бир оз дароз кўринар, оёқлари ҳам узун туюларди. У теракзорга кириш билан эшагини ҳала-лаб, юришини тезлатди.

Бўйноқ думини ликиллатиб, тез-тез менга қараб қўярди. Мен эса ҳамон нима қилишни ўйлардим.

— Оқтой билан Қўктойни олиб қелмабмиз-да? — дедим Бўйноққа.

Бўйноқ олдинги икки оёғи билан басма-бас ерни тимдалаб, фингширди.

— Ҳозир тош юмалатсак, пастроққа бориб пўстлоқ шилади. У ерга тош етмайди. Бир оз кутиш керак, — дедим Бўйноқнинг ёнига чордана қуриб ўтирарканман бошим қотиб.

Иккимизни ҳам оғир ва машаққатли ўй босган эди. Биз ҳали кўп нарсалар олдида ожиз эканлигимизни, бизнинг ташвишимиз катта одамлар учун нега аҳамиятсиз эканлигини ўйлайвериш ўйимга етолмасдим.

Қодирқулнинг ҳаракатини кузатиб, узоқ вақт жимиб қолдик. У теракзорнинг энг қалин жойига келиб, эшакдан тушди. Эшагини бутага боғлаб, булоққа қараб юрди. Булоқ беш панжа шаклидаги тошлар орасидан сизиб чиқади. Энамнинг айтишларича, Ҳазрат Али деган паҳлавон одам кафтини қўйиб ёнбошламоқчи бўлганида, панжалари ерга ботиб, шу ердан шарқираб сув чиқиб кетибди. Бешпанжа шундан бери қайнаб, мавжланиб оқармиш.

Ушанда одамлар тоғда янги булоқ пайдо бўлганидан суюнишиб, сой бўйига тераклар экишибди. Бора-бора тераклар бутун сойни қоплабди. Ҳар баҳорда йил янгилиниши билан Бешпанжада қўй сўйиб, қон чиқарилмаса суви камайиб кетармиш. Шу куни одамлар булоқнинг кўзини очиб, атрофларини тозалашади, дов-дарахтларни буташади. Тоғдаги барча чўпонлар тўпланишиб қўй сўйиб, шўрвахўрлик қилишади. Кейинги пайтда чўпонлар қўй сўйишганда ароқ ҳам ичишибди. Шунинг учун Бешпанжанинг суви бир оз камайиб қолибди. Дадамнинг айтишларича, партияга ўтмасдан илгари, энамнинг қистовлари билан бир марта Бешпанжада қон чиқарган эканлар.

...Бу пайтда у чоригини ечиб, оёғини булоққа тикқанича носқовоғини ўйнаб ўтирарди. Бутун бошли икки қишлоқ сув ичадиган, энамнинг айтишларича, суви одамни дарддан фориг қиладиган Бешпанжага нега оёғини тикади? Иблис! Ҳозир сени мажақлаб ташлаймиз!..

Дадамнинг «ҳечам булоқнинг кўзига тош туширмагин» деганларига қарамай, Бўйноқ иккимиз каттақон қизғиш харсангнинг остини кавлаб, зўрға булоқ томонга ағдардик. Харсанг йўл-йўлакай катта-кичик тошларни қўшиб, тош довулига айланди. Саросимага тушган Қодирқул

этик ва пайтавасини жойида қолдириб, оёқяланг сойнинг нариги томонига қараб қочди. У алланималар деб сўкинар, тошларнинг шақир-шуқурида нима дегани эшитилмасди.

Сўнг булоқдан анча юқоридаги каттакон тошнинг устига чиқиб, аланглай бошлади. У ҳар бир харсангга олазарак тикилар, тошларга жон кириб, уни босиб қоладигандай безовта эди. Қодирқул бу иш фақат мен билан Бўйноқдан чиқишини биларди. Қўлидаги тошни ўқталиб арчалар орасидан бизни қидирарди. Биз эса бир-биримизга қараб, Дулдулқияда пусиб ётардик. У қўлидаги тошни ҳавода ўйнатиб, дўқ урди. Сойга қайтиб тушишга юраги бетламай, оёғини осилтирганича харсангга ўтирди. Тимдалаб тупроқ олиб, оёғининг қонаган жойларига сепди. Сўнг ўғринча пусиб, сойга туша бошлади. Биз эса юмалатиш учун иккинчи тошни тайёрлардик. У келиб сув ичди. Пайтавасидан йиртиб, оёғининг қонаган жойига отқулоқ баргини қўйиб боғлади. Сўнгра тез-тез юриб теракзорга кириб кетди. Энди унга тош юмалатса ҳам, отса ҳам етмасди.

— Энди нима қиламиз? — дедим Бўйноққа гуноҳқорона тикилиб.

Унинг лаб-лунжи осилиб, теракзорга тикилиб турарди. Қодирқул кириб кетган қалин теракзор тепасига келдик. Ерни туртиб чиққан харсанглардан иборат адирда қўлга илинадиган нарса йўқ. Яккам-дуккам ёввойи бодомлар узоқдан чўнқайиб ўтирган айиқларни эслатади. Соё томондан Қодирқулнинг куйиб-пишиб пўстлоқ шилаётгани эшитилиб турарди. Ичимни алланима тирнагандай бўлиб, нафасим бўғилиб кетди.

Терак барглари шитирлашиб, ўзининг яккаю-ёлғиз суянчиғи, уларни бағрида бир умр ардоқлаб келаётган қорли тоғларга нола қилаётгандек эди. Тоғлар эса тошларга айланиб қолган қўлларини ёрдамга чўзишарди-ю, етмасди... Инсон шаклидаги бир малъун эса теракларнинг сип-силлиқ, гўзал танасини беаёв кемирарди. Тераклар бутун мавжудотни ёрдамга чақирарди-ю, лекин тили йўқ! Агар қўли бўлганда, ҳозироқ ўзининг юрак-бағрини тилка-пора этаётган малъунни бўғиб, ўлдиради. Барглар алам билан шитирлашарди. Энди улар куз кирмай, Ойқорни ёқимли ва оппоқ қор қопламай хазон бўлади...

Бутун тоғу-тошлар, ўсимлик ва мавжудотлар, бутун борлиқ уни лаънатларди. У ўзини яратган ва ҳаёт бахш этиб келаётган онасининг кўксига ханжар санчарди. Йўқ! У пок табиатнинг, бегуноҳ хазон бўлаётган гўзал теракларнинг қарғиш ва уволдан қочиб қутулолмайди... Мен бунга ишонардим!..

Беихтиёр кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Ичимдан тўлиб-тошиб йиғи келарди. Бўйноқ ўзини теракзорга отди. Орқасидан мен ҳам отилдим. У бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Теракзорни қоплаган қалин чақалакзорнинг қаеридан ёриб киришимни билмай, у ёқдан-бу ёққа анча югурдим. Охири сийрақроқ кўринган бир жойдан ўзимни ичкарига урдим. Нимадир ҳуркиб, тепалик томон отилиб чиқди. Паҳмоқ думига қараганда, какликларнинг сувга тушишини пойлаб ётган тулки бўлса керақ.

Теракларга чирмашиб кетган ёввойи маймунжонлар юз-қўлларимни тимдалар, тезроқ етиб бормасам, Қодирқул бутун Тераклисой ва Бешпанжани йўқ қилиб ташлаётгандай эди.

Бўйноқ даҳшатли ҳуриб, Қодирқулга ташланди. Қодирқул бор овози билан бақириб, «тур кет, тур кет» дерди. Улар олишаётган ялангликка чиққанимда, Қодирқул Бўйноқни босиб бўғар, ит хириллаб қолган эди. У Бўйноқнинг қорни устига ётиб олиб бўғарди. Қўлимга илинган тошни кўтариб, бор кучим билан Қодирқулнинг бошига туширдим. Энди ташланаман деб турганимда, у «шилқ» этиб йиқилди. Бўйноқ ҳам қимирламай қолган эди. Тезда бориб Бўйноқнинг бошини кўтардим. У зўрға кўзларини очиб-юмарди.

Қодирқул сүкиниб, инграрди. У қон тўлиб қолган кўзларини аранг очиб, тош қидирарди. Секин бориб сойга итариб юбордим. Муздек сувга ағдарилиб тушганда, у яна бақириб юборди. Сўнг жимиб қолди. Улиб қолмадимикан, деб қарадим. У каттакон харсангни қучоқлаганича ютоқиб сув ичарди.

Инграганини эшитиб, Бўйноққа ўгирилдим. У тез-тез нафас олар, кўзларидан тирқираб ёш оқарди. Бошини силаб, ўпдим. Йиғламасам ҳам кўзимдан ёш чиқиб кетди...

— Йиғлама, Бўйноқ, ундан қасосингни олдим. Ана у, сойнинг ичида ўламан деб ётибди! — дедим пичирлаб.

Бўйноқ олдинги икки оёғининг устига жағини тираб, анча ётди. Бу орада инграганича ҳарсангни қучоқлаб ётган Қодирқулга икки-уч марта қараб қўйдим. У ҳарчанд туришга уринмасин ўрнидан қўзғала олмас, ҳар туришга уринганда ўзи тўдалаб қўйган пўстлоқ уюмларига қарамқочи бўларди. Анчадан кейин у гандираклаб ўрнидан қўзғалди, лекин тик турулмади. Икки қўлини ерга тираганича эмаклаб, қирғоққа қараб юра бошлади.

Бўйноқни суяб, ўрнидан турғаздим. Дўппимда сув олиб келиб ичирдим. Кейин ўзи юриб бориб сув ичди.

Қодирқул оёқ-қўли лойга беланиб, ҳамон қирғоққа чиқмоқчи бўларди. Тошдан-тошга сакраб, сойнинг нариги қирғоғига ўтдим. У иккита теракнинг пўстлоғини бўйи етган жойигача шилиб, тўдалаб қўйган эди. У... у бугун биз остида лойдан уйча қуриб ўйнайдиган оқ теракнинг пўстлоғини шилган эди. Шу қадар хўрлигим келиб кетдики... Оқ теракни қучоқлаб, Бўйноққа кўрсатмай, тўйиб-тўйиб йиғладим. Уроққа ўхшаш ёйсимон, қўш дастали асбобини чакалакзорга улоқтирдим. Пўстлоқларни фақат Бўйноқ иккимиз биладиган, сурувни қайтариб кетаётганимизда ёмғир ёғиб қолса кириб ётадиган инимизга беркитиб қўйдим. Дўппимда сув ташиб, теракларнинг танаси шилинган жойига қўйиб чиқдим. Доимо у пўстлоқ шилиб кетгандан сўнг биз шундай қилардик...

— Кетдик, — дедим Бўйноққа ишора қилиб. — Пўстлоқларни яшириб қўйдим. Эртага келиб, лой билан ёпиштириб чиқамиз.

Бўйноқ орқамдан эргашди. Унинг қийналиб юраётганлиги учун Дўлдуқияни ошиб эмас, ён бағирлаб кетдик.

Қодирқул қилмишимизни дадамга айтса нима бўлади? Аслида биз нотўғри иш қилганимиз йўқ-ку?! Нега тоғбеги унга индамайди? Энамдан сўраганим, «оғзини Қодирқул мойлаб қўйган», дедилар. Қандай қилиб одамнинг оғзини мойлашар экан-а? Қайтамга оғзини мойлаб қўйса, яхшироқ гапирмайдими? У билан бўлиб ўтган воқеани энамга бориб айтсаммикан? Келажакда Бўйноқ ва мен унинг қотили бўлишим мумкин. Шунинг учун буни ҳеч ким билмагани маъқул.

Эртага қўтонимизга мол доктори келса, Бўйноққа дори сўрайман. Бўйноқ тезда тузалиб кетса эди... Биз Қодирқулни енгимиз керак. Агар кўнишса, қўшни отар болаларини айтиб келиб, тошбўрон қилардик. Бўйноқ ҳам болаларини эргаштириб чиқарди. Шунда биз ғалаба қиламиз.

Бўйноқ уйгача аранг етиб келди. Келибоқ оғилхонанинг эшиги олдига чўзилди. Кейин кўзларини юмиб олди-да, узоқ очмади. Аям итлар учун қилган аталадан унинг ялоғига қўйиб қўйдим.

— Нима бўлди, Бўйноғингни боши осилиб, шалпайиб қолибди? Итлар талабдимикан? — дедилар аям олдимга косада шўрва қўяр эканлар.

— Хириллаб, зўрға нафас оляпти. Томоғи оғриганга ўхшайди. Эртага доктор келса, дори сўрайман, — дедим жиддий.

— Итнинг ҳам томоғи оғрийдими? — дедилар аям гапимдан ажабланиб.



— Ҳа, нима у... одам эмасми? — дедим ўксик овозда, «одам» сўзи ўрнига ҳеч қандай сўз топишга ақлим етмай.

— Ҳа, одамми? — дедилар аям мени ошкора масхара қилишга ўтиб.

— Ахир унда ҳам томоқ бор. Совуқ сув ичган бўлса, томоғи оғриган-да? — дедим аямнинг Бўйноқни камситганликларидан астойдил хафа бўлиб.

— Ҳа хўп. Сенингча бўла қолсин, — дедилар аям мен билан тортишиб ўтиришни ўзларига эп кўрмай.

Сездим. Аям ўзларича мени «гўдак-да, нимани ҳам тушунарди» деб ўйлаб, баҳслашиб ўтирмадилар. «Йўқ! Мен бола эмасман! Энам айтгандек баломан! Билдингмизми?» Албатта, бу гапни аямга эшиттириб эмас, ичимда айтдим. Майли, нима деб ўйласалар, ўйлайверсинлар. Охири бир кун катта одам бўламан-ку! Шунда кўрасизлар Норбўтанинг қўлидан нима ишлар келади!..

Сал қолди-я Қодирқул Бўйноқни ўлдириб қўйишига. Иккинчи марта шундай бўлди. Илгари Қодирқул болта билан уриб ўлдирмоқчи бўлган эди. Энди умри узоқ бўлади. Энам шундай дейдилар. Қимки икки марта ўлимдан қолса, умри узоқ бўларкан. Биз ўзимиз учун жуда оғир бўлган, эшитган одамлар учун ақл бовар қилмайдиган, лекин теракларни бир умрга озодликка чиқарадиган курашимизни давом эттирамиз!.. Бизнинг ёнимизда Ойқор, Бешпанжа, Теракисой ва мен севадиган тубсиз осмон бор... Буларнинг ҳамма-ҳаммаси меники! Акам келиб ўрмон хўжалигига бошлиқ бўлгунга қадар Бўйноқ иккимиз уларни қўриқлашимиз керак!..

Қодирқул бошидан қон кетиб, ўлиб қолса-я? Нима бўлади? Бизни қамаб қўйишса керак. Бўйноқни эмас, мени қамаш керак. Ахир уни мен тош билан уриб йиқитдим-ку. Итларни ҳам қамашармикан? Йў-ўқ, Қодирқул ўлмайди. Дадам шундақа дейдилар. Емон одам ўлмасмиш. Шунчалик гуноҳлари учун аллақачон уни қамаш керак эди. Лекин, аямларнинг айтишларича, ҳеч ким унинг мушугини пишт дея олмасмиш.

У кун аям билан дадам акамга хат ёзишди. «Сен келгунча, албатта, совхоз бизга машина беради. Иложи бўлса, ўша ёқда шоферликка ўқиб кел. Машинани ўзинг ҳайдаб, ҳаммамизни томошаларга олиб борасан», деб ёзишди. Катта бўлсам, мен ҳам ҳайдайман.

Акам бирам яхшиларки, нима десам хўп дейдилар.

Мен хат ёзишни билмайман. Лекин Бўйноқнинг расмини чиза оламан. У кун аям билан дадам роса маслаҳатлашиб ёзган хатнинг ичига Бўйноқнинг расмини солиб юбордим. Кейинги хатларида акам «Норбўта яна Бўйноқни расмини чизиб юборсин», дебдилар. Шундан сўнг Бўйноқнинг чўнқайиб ўтирган суратини чизиб юбордим. Акамларни бирам яхши кўраманки, гоҳо соғинганимдан кўзимдан ёш чиқиб кетади. Тезроқ келақолганларида эди, Қодирқулни айтиб берардим. Узиям акамнинг аскарча кийимларини, шапкаларини кўриб, кўрқиб кетса керак. Еки автомат ушлаб тушган суратларини кўрсатиб, кўрқитсаммикан?.. Тортиб олиб йиртиб ташласа, аям уришадилар-да.

Акам ҳақида ўйлаб ўтириб, уй шифтида осифлик турган милтиққа кўзим тушиб қолди. «Топдим!» дедим қувониб ўзимга-ўзим. Энди келса отамиз! Узиям милтиқни кўриши билан тўққиз қир ошиб қочса керак. Лекин отишни билмайман-ку? Ундан ташқари, аям кўриб қолсалар, дадамга айтиб, теримга сомон тиқдирадилар. Қандай қилиб одамнинг терисига сомон тиқишни билмайман-у, донмо каттароқ айб қилсам, аям шундай дейдилар. Аям шаҳардан шляпали одамлар келганда, дадам сўйган эчкининг терисини шилдириб, ичига сомон тиқдилар-да, оғилхонанинг шифтига осиб қўйдилар. Ёзда эса тўрт оёғининг кесилган жойидан боғлаб қатиқ соладиган меш қилдилар. Бир кун аямдан «Ая,

одамнинг терисига сомон тиқиб нима қилишади?» деб сўрагандим, «Ана ўшандай қилишади», дедилар жаҳл билан ўша мешни кўрсатиб.

Дадам касал бўлиб ўлган қўйларни идорага олиб кетганларида милтиқни оламан-у... Одамлар уни мен отганимни ҳечам хаёлларига келтиришмайди. Фақат аям кўрмасалар бўлгани. Энди сабрсизлик билан шу куннинг келишини кутардим. Энди у теракларга қўл теккизиб кўрсинчи? Фашистлардек асир олиб, қишлоққа ҳайдаб бораман.

Эрталаб нима қилишмизни билмай, яна Теракисойга қараб кетдик. Йўл-йўлакай илгари пўстлоғи шилинган. Бўйноқ иккимиз лой суваб қўйган қўшни сойдаги теракзорга бурилдик. Лекин... пўстлоғи шилинган тераклар йўқ эди... Худди терак ўсмагандек ўрни хас-чўплар билан ёпиб ташланганди... Бу ҳам ўшанинг иши. Кесилган теракларнинг томиридан хас-чўпларни ёриб, майда-майда теракчалар ўсиб чиққан эди.

Бари бир бу теракчалар ҳам оналаридек қатта бўлади! Ҳозир эса ариқ қазиб, бу ерга сув олиб келамиз. Кейин ҳар қуни бир қарич ўсиб, тезда бўйи мен тенги бўлади. Мана ҳозирданоқ тиззамдан келяпти!

Тошлар билан ариқча қазиб, теракзордан сув ўтиб турадиган қилдик. Соғнинг балчиғидан теракларнинг шилинган таналарига суваб чиқдим.

## V

Қодирқул йўқ қилинмаса, Ойқор ва ундаги кўм-кўк арчазорлар, шарқироқ сойлар ва азим тераклар — ҳамма-ҳаммаси йўқ бўлиб кетадигандай эди. «Й-ў-ўқ! Бунга биз йўл қўймаслигимиз керак!» дея ҳайқиргим келар, ҳайқиргимга тоғлар акс садо бергандай бўларди.

...Ойқорнинг энг баланд — Сутлиқоя чўққисига чиқиб: «Одамлар! Эшитмадим деманглар, инсон шаклидаги бир малъун Ойқорни кемирмоқда-а-а! Ёрдам берингла-а-ар Ахир у ўзининг зилол суви билан, ям-яшил ўтлоғи билан сийлаб, сизга бутун борлигини бағишляптику-у! Наҳотки, кўриб туриб, индамасангиз! Сизлар раҳм қилсангиз ҳам, мен раҳм қилмайма-а-ан! Пешонасидан отиб ташлайма-а-н! Мана сенга-а!» Милтиқнинг тепкисини бор кучим билан босдим. У отилмасди. Сўнг милтиқни улоқтириб, ўзимни чўққидан теракзорга отдим...

...Кўрқувдан чўчиб уйғонганимда, жиққа терга ботиб кетган эдим. Кейин анчагача уйқум келмай, совуқсираб ётдим. Бу орада Бўйноқ икки-уч марта эринибгина ҳуриб қўйди. Унга Сиртлон, Оқтой ва Кўктойлар навбатма-навбат қўшилиб қўйишди. Бу уларнинг «тинч ухлайверинглар, сурувда осойишталик» дегани эди.

Биз ҳечам милтиқни ололмадик. Дадам қўтондан нари кетмадилар.

Бўйноқ иккаламиз Ойқорнинг қуёш нури тегмайдиган сойликларидаги сўнгги қорларда сирпанчиқ ўйнардик. Атрофни секин-аста яшилликка буркаб, баҳор кириб келарди. Мен учун баҳор қўзичоқларнинг маърашидан бошланади. Баҳор келишидан Бўйноқ иккаламиз ҳам хурсанд бўлсак-да, отаримизда тўл яқинлашишидан ташвишга тушардик.

Бу ташвиш ёзданоқ, қулоғида тамғаси бор қўйларни кўрага қамаб, қон билан укол қилишдан бошланарди. Отаримизда қон билан укол қилинмайдиган қўйлар ҳам бор. Бу қўйларнинг кўпи ферма мудирини билан бухгалтер деган одамники. Улар орасида бизнинг ҳам ўн учта қўйимиз бор. Мол докторлари қулоғида тамғаси бор қўйларни қон билан укол қилганда, дадам тамғасиз қўйларни сурувдан ажратадилар. Докторларнинг кўзи тушмасин деб Ҳамро чўпон уларни тоғ орасига ҳайдаб кетади. Бу қўйлар тўл вақтида биттадан, айримлари иккитадан туғар, қўзиларини тери учун сўйишмасди. Қон билан укол қилинган қўйлар

олтитагача қўзилар, битта қўзисини қолдириб, қолганларини бир четдан сўйишарди...

— Дада, нега ўзимизнинг қўйларга қон билан укол қилишмайди?— сўрадим дадамдан.

— Э-э, ўғлим! Катта бўлсанг биласан ҳали. Қон билан укол қилиб, икки йилда тўртта мушукка ўхшаган қўзи олгандан кўра, ўн йил биттадан соғлом қўзи олган маъқул эмасми? Онаси ҳам касалга чалинмайдди. Қон қуйилган қўйлар узоққа бормаиди. Қўзисидан яхши совлиқ чиқмайди, сўқимга боқсанг, ёлчимайсан,— жавоб қилдилар афсусланиб.

— Шундай экан, нега қулоғида тамғаси бор қўйларга қон билан укол қилишади? Энди ҳечам укол қилдирмайлик?

— Бу тирикчиликни ҳам не-не каллалилар ўйлаб топишган. Бу нарсадан кечиш осон бўлмаяпти... Умуман олганда, бу виждон иши эмас... Энди сеза бошлашди-ю, орқага чекинишга ор қилишяпти. Ахир бир кун чек қўйишади бунга. Шунда ўзларининг устидан ўзлари қулишади. Мен эса, оддий бир чўпонман. Гапимга ўндан бир одам қулоқ солади. Ҳозир одамлар онасининг қорнидан ақлли бўлиб тушяпти. Мана, куни кеча тирик вазни нормадагига етмагани учун гўшт заводга минг ўрнида бир минг уч юз қўй топшириб келишди. Туёқ сони камайиб кетаётганлигини ўйлашни иштасмаяпти. Одамларнинг гўшт учун югуриши ҳам шундан,— дедилар.

Бир оз баджаҳл бўлсалар-да, дадам ёлғон гапирмайдилар. «Нима, нотўғри иш қилган бўлсам, ҳаммасини буюришган», дейдилар гоҳода куйиниб. Нима нотўғри иш қилганларига ақлим етмайди, ўзлари айтмайдилар. Менимча, ўзимизнинг қўйларни ажратиб олиб, қон билан укол қилдирмаганликлари ҳам нотўғри иш бўлса керак!..

Қўзи сўювчилар қўтонимизга кела бошлаши билан Бўйноқ иккимиз дадама билдирмасдан Дулдулқияга чиқиб кетардик. Мени фақат Бўйноқ овутарди. Аламимдан нима қилишимни билмай, Бўйноқни сўроққа тутардим.

— Айт, Бўйноқ! Ҳали онасини бир марта ҳам эмолмаган қўзичоқларнинг айби нима? Нега уларни сўйишади? Териси чиройли бўлганлиги учун сўйиш керакми? Қўзичоқларнинг йиғисини эшитдинг-ку? Уларнинг маърашидан майсалар тебраниб кетяпти-ку! Наҳотки, одамлар биргина пальтосининг ёқаси учун шундай иш қилишса? Инсоннинг хоҳиши учун ҳамма нарса қурбон бўлиши керакми? Айт, Бўйноқ! Бунга чидаб бўладими-и?..

Биз атрофимизни ўраб турган кўп нарсалардан ожиз эдик. Турқи совуқ Қодирқул ҳам, мусобақалашиб қўзи сўядиганлар ҳам, чўпонлар билан савдолашиб тери оладиган оғзи тўла тилла тишли шаҳарлик ҳам, тоғбегига пул бериб, арча кесиб кетадиганлар ҳам, кўм-кўк ўтлоқни бузиб, чим ўйиб кетадиган кишилар ҳам, хуллас, юрагимизга сиғмайдиган гуноҳлар қиладиган барча кишилар бизни енгарди.

Бозор куни қассоблар келишмади. Дадам қишлоққа кетдилар. Аям кир ювдилар. Мен атрофларида ивирсиб, майда-чуйда ишларни бажариб турдим.

Бўйноқ келиб қолар, деб қўтонимизнинг кунгай томонидаги ялангдикда ағнаб ётардим. Чалқанча ётиб, доимо мени ўйлантирадиган тубсиз осмонни кузата бошладим.

Дарҳақиқат, мен осмон ҳақида кўп ўйлардим. Қачон хафа бўлсам, осмонга тикилгим келаверади. Мен тубсиз осмонда Қодирқул ва қассоблар йўқлигига ишонаман. Шунинг учун ҳам осмонни севаман. Нимани ўйламайин, хаёлимдан зор-зор маърашаётган қўзилар кетмайди.

Эрта-индин Етим қўзиям болалайди. Унинг қўзисиниям... Йўқ, мум-

кин эмас!... Дадамга «Етим қўзининг боласини сўйдирманг, жон дада-жон» дейман. Кўнмасалар, уни қишлоққа ўғирлаб кетаман.

Кейин ўзимча қўзиларни қутқариш режасини туздим. Сўнгра Бўйноқни излай бошладим. Буни Бўйноқ эшитса қувонади. У қўтоннинг соясида ухлаб ётарди. Лаб-лунжини йиғиштириб, менга жиддий тикилди.

— Йўлини топдим, юр кўрсатаман!— дедим лунга қўзилар қамаб қўйиладиган четан деворли қўрани кўрсатиб.

У уйқусини бузганимдан норози бўлгандай, эринибгина орқамдан эргашди.

— Кечаси, ҳамма ухлагандан сўнг қўранинг эшикчасини очиб юбориш керак. Мен чиқсам, дадам билан аям хабар топиб қолади,— дедим қамиш ва ингичка шохлардан тўқилган эшикчани кўрсатиб.— Ҳамма қўзиларни қутқарамиз. Сурувга қўшилиб кетгандан сўнг, тамом.

Бўйноқнинг қовоғи осилиб кетди. Бу унинг «йўқ» дегани эди. Бу ишни у ўз эгасига — дадамга нисбатан хиёнат деб биларди. Дадам нима буюрсалар, сўзсиз бажаради. У, ит шундай бўлиши керак, деб ўйлайди-да.

— Бўпти, ўзим келиб очаман,— дедим хўрлигим келиб.— Сенинг ҳам қўзиларга раҳминг келмас экан...

Бўйноқ кўзларимга узоқ тикилиб қолди. Бу «нега мени жиноят қилишга мажбур этяпсан, менга ҳам раҳминг келсин. Ахир қўлларингга қарам, нима берсаларинг еб, бермасаларинг индамай юрадиган бир итман-ку», дегани эди.

— Бу жиноят эмас, шунча қўзини ўлимдан олиб қолиш, биласанми, қанча савоб? — дедим энамдан ўрганган сўзларни такрорлаб.

У индамай қўтонга қараб юрди. Қанча оғир бўлмасин, у бу ишга рози бўлган эди. Бир оз тихирлик қилса-да, доимо айтганимга кўнади.

— Кечаси, ҳамма ухлагандан сўнг, ҳеч кимга билдирмай,— дедим унга етиб олиб.— Мен қоронғи тушиши билан эшикчанинг ипини бўшатиб қўяман...

...Уша куни сурув қўтонга яқинлашиб, ҳамма ўз ташвиши билан овора бўлиб турганда, секингина бориб қўтон эшикчасининг ипини бўшатиб келдим. Ҳаяжонланганимни билдирмаслик учун бир оз сув ичдим-да, аям сузиб қўйган косадаги ун ошни ҳўплай бошладим.

...Шу пайт қўю қўзиларнинг маърашидан тоғу тош ларзага келиб кетди. Нима воқеа содир бўлаётганлигини ҳис этиб, тишимни-тишимга қўйиб жим ўтиравердим. Бўйноқ ўша заҳотиёқ эшикчани очиб юборди-микан-а? Эҳ-ҳа! Топдим! Қўзиларнинг ўзи маърашиб, сурув яқинлашганда итариб, эшикчани очиб юборган.

Бутун тоғ онасини излаётган қўзиларнинг маъраши билан қопланди. Қувонганимни билдирмаслик учун чўпонларнинг олдига яқинлашмас эдим. Қўтонимизда мен билан Бўйноқдан бошқа ҳамманинг дили хуфтон эди.

— Минг марта айтаман сенларга шу қўранинг эшигини яхшилаб беркитинглар деб! — дея ўшқирардилар дадам аям билан Ҳамро чўпонга.

— Беркитгандим! — дерди Ҳамро чўпон зўрға тили айланиб.

— Қирққа кирсанг ҳам ақлинг кирмади сен дардисарнинг! — ўшқирдилар дадам.

— Бу бечорада айб йўқ, ўзим кўрган эдим, беркитилган эди, дадаси! — дедилар аям Ҳамро чўпоннинг тарафини олиб.

— Байталигни қамчиламай тур сен! — бақирдилар дадам аямга.— Ҳамманг текинтомоқсан! Гап бўлса, ўзингни томдан ташлайсан, иш бўлса...

Шундан сўнг аям ҳам қайтиб оғиз очмадилар. Ҳамро чўпон ҳам бирор нима дейишдан чўчиб, ҳай-ҳайлаганича қўзиларни қайтариб, қўрага

қамай бошлади. Мен ёрдамга чақиришларини истамай, қўзилар сурув билан аралашиб кетгунга қадар ҳеч кимнинг қўзига кўринмай турдим. Онасини излаётган қўзилар ҳамон маърашар, очиққанидан дуч келган совлиққа тармашишарди. Бир-икки сўрар-сўрмас бегона совлиқ уни оёқлари билан туртиб, сузиб ташлар, атиги икки қултум сут ютган қўзи томоғини ҳўллаб, яна изидлаб маърай бошларди. Кўп совлиқлар эса боласининг исини адаштириб, ўзига яқинлаштирамасди. Қўрадан чиқишга улгурмаган йигирма чоғли қўзи илгаригисидан бешбаттар маърашар, айримлари маърайвериб хириллаб қолган эди.

Қўтонимизда Бўйноқдан бошқа ҳамма раҳмсиз эди. Аламимга чидай олмай, ҳамма уйга кирганда, қолган-қутган қўзиларни ҳам чиқариб юбордим. Майли, қўзилар учун мени нима қилишса, розиман.

Уйга келганимда, дадамнинг қовоқларидан қор ёғилиб, кимга заҳарларини сочишни билмай турган эдилар.

— Қаерларда санқиб юрибсан? Одамга ўхшаб, сенинг ҳам бундай ёрдамнинг тегадими, йўқми? — дедилар зарда билан.

— Шу ерда эдим! — дедим паст овозда. Негадир хўрлигим келиб кетди. Доимо шундай бўлади. Дадам койий бошласалар, йиғлагим келаверади. Нега шундайлигини ўзим ҳам билмайман. Ҳар галгидек аям «қўйинг, дадаси, бола бечорани нега койийсиз, унда нима айб», дейдилар деб тургандим, йўқ, ҳеч нима демадилар. Дадамнинг авзойи бузуқлигидан чўчидилар, чамамда. Мен жим туравердим. Дадам ҳаммамизни бирваракайига икки-уч марта койиб, жим бўлдилар.

Тонг отиши билан Бўйноқ иккаламиз ҳеч кимга билдирмай Дулдулқияга чиқиб кетдик. Кеча бир дақиқага бўлсада озодликка чиққан қўзичоқларнинг ҳаммасини бирма-бир ушлаб олиб сўйишларини кўз олдимга келтириб, уйда ўтиролмадим.

Эрталаб нонушта қилмаганимиз учун чошгоҳ бўлмай қорним очди. Пастда — қўтонда эса қўзи сўювчилар иш бошлаган эди. Қарамайман десам ҳам беихтиёр кўзим тушиб қолар, улардан бири келиб, мени ҳам қўзилардай теримни шилаётгандай туюлаверарди. Ҳамро чўпон самосвалга териси шилинган қўзиларни ортиб, шофёр билан ҳисоб-китоб қиларди. Шофёр барра қўзиларни қишлоққа олиб бориб пуллайди. Уч-тўрт сўм бериб, Ҳамрога қўзи гўштларини ортиради. Очкўз Ҳамро нафси учун ҳар қандай ишга тайёр.

Дадам қуритиш учун адирнинг кунгай томонида ёйиб қўйилган териларни санардилар. Кеча озод қилинган бу қўзилар энди маърашмас, бир тутам терига айланган эди. Аммо қулоғим остида ҳамон уларнинг оналарини излаб маърагани эшитилиб турарди. Ичимдан тўлиб-тўшиб келган йиғини тўхтата олмадим. Йиғлаганимча кимларнидир сўкиб, териларни қучоқлаганимни биламан. Тарсакидан отилиб кетдим. Бу дадам эди...

— Ҳамманга лаънат! Албатта, қўзичоқларнинг уволи тутади сенларни! — дедим қичқириб. — Кўрасанлар ҳали, барингни қириб ташлайман!...

Бу барча қатори дадамга ҳам қарши айтилган сўз эди. Шу дақиқада бу сўзларни айтмаслигим мумкин эмасди. Улар қўзиларга қўшиб мени ҳам топтаган эдилар. Мен қўлимдаги териларни бағримга босганимча додлаб, ағанардим. Аям келиб, юз-кўзларимдан ўпиб, бағриларига олганларида, хўрлигим келиб, баттар йиғлай бошладим. Энди ўзимни йиғидан тўхтата олмадим. Мен энди Етимқўзига нима дейман? Кечир, дадам болангни сўйдирди, дейманми? Унинг кўзларига қандай қарайман! Унинг боласини сўяр эканмиз, нега ўзини шишада сут бериб катта қилдик?..

— Вой боламга нима қилди-я? Хаҳ шуни урган қўлинғизга чипқон чиқсин-а? Сен жаллодлар қўзига қўшиб одамларни сўйишдан ҳам той-

майсанлар! Вой, сенга келган дард менга урсин-а! Тоғу-тошларда ёлғиз юрмагин деб қанча айтдим сенга-я? Қулоқ солмадинг! Хаҳ, сени айлан-тирган инсин-жинларнинг уйи куйсин! — дердилар аям енглари билан кўз ёшларини артар эканлар қарғаниб.

Кечкурун дадам иккимиз гаплашмадик. Ҳеч ким билан гаплашишни истамасдим. Мўттиям менга ҳазил қилмас, қўрқа-писа қараб қўярди. Ҳаммадан бурун ўрнимга чўзилдим. Эртаси куни Бўйноқ иккимиз қўтонимизнинг кун ботиш томонидаги ялангликка чиқиб, осмонга тикилганимизча ағнаб ётдик. Мен осмон ҳақида ҳеч нима билмасам-да, унинг қудратли эканлигига ишонар ва ундан ўзимни ўйлантириб юрадиган барча жумбоқларга ечим излардим. У эса кўм-кўк... беғубор... мусаффо...

Сойдан эса шаҳарликларнинг чўпонлар билан қичқиритиб алланима устида баҳслашаётгани эшитилиб турарди.

— Гап бундай, — дер эди бизга қўшни отарнинг бош чўпони, одамлар Жумантой тентак дейдиган одам. — Мен сизга бўғоз совлиқни сўйиб, қорнидаги тўрт ойлик қўзисининг сур терисини шилиб бераман! Тўрт юз сўм берасиз! Бундай териларни амир Олимхоннинг чўпонлари ҳам кўришмаган! — дерди у гердайиб.

— Уч юз сўм бераман! — деди овози нотаниш одам.

— Мен холис даллолман. Икковларингдан ҳам эллик сўмдан, уч юзу эллик сўм, — деди яна бир киши.

— Тўрт юз сўмдан бир тийин камига бўлмайди. Бозорда бундақа териларга беш юз беришади. Ҳалиям мен сизни меҳмон деб бир оз паст тушдим, — деди Жумантой бўш келмай.

— Битта кубанка телпакка етадими ахир? — сўради нотаниш одам.

— Бўлмасамчи? Агар етмаса, яна битта тери берганим бўлсин!

— Бўпти, тўрт юз бераман! Шарти: шу терини эртага берасан!

— Қуримаса ҳам майлими?

— Устанинг ўзи ошлаб, қуритади. Яқинда Москвага кетаман. Телпак шунга қадар битиши керак.

— Келишдик. Пулини чўзинг бўлмаса?

— Даллол ҳақини беринглар аввал. Икковларинг ҳам яримтаданга чўзинглар! — қичқирарди «мен даллол» деган одам.

— Э-э, нари тур, ишни сенсиз битирдик-ку? — жеркиди маст Жумантой.

— Пулни мендан оласан, Жумантой, — деди одамлар Раҳим бошмон дейдиган бухгалтер.

— Йўқ, йўқ! Ўзим тўлайман! — дерди шаҳарлик.

— Сиз меҳмонсиз! Фалакнинг гардиши билан айланиб, ойда-йилда бир келиб қолибсиз! Бугун нима хизмат бўлса биздан! Жумантой пулни мендан олади! — деди Раҳим салмоқлаб. — Терини эртага ўзим етказаман.

Жумантойнинг дами ичига тушиб кетди. У бир терига тушган эди. Ҳеч ким гапини икки қилмайдиган бош бухгалтер Раҳим бошмондан пул чиқиши осмоннинг ўйилиб тушиши билан баробар экан. Дадамдан эшитганман. Унинг гапини икки қилган чўпонларнинг ўлган қўйларини акт қилдирмай сарсон қилади.

Аъзойи баданим музлаб кетди. Томоғимдан Жумантой бўғаётгандек эди. Кўз олдимдан сўйилган бўғоз совлиқ ва ҳали ўзининг қўзи эканлигини ҳам билмаган териси шилинган тўрт ойлик қўзичоқ ўта бошлади. Одамлар! Унинг қўлини ушланг!... Афсуски, менинг нидомни Бўйноқдан бошқа ҳеч ким эшитмасди.

Сурувимиз тоғ орти яйловларига чиқа бошлаганда, кўчимизни иккита тележкага ортиб қишлоққа қайтдик. Мўтти билан аям тележканинг

устига ўтириб олишди. Мен дадамнинг орқаларига мингашдим. Бўйноқ беш-ўнта оқсоқ ва касал қўйларни ҳайдаб қишлоққа жўнаган Ҳамро билан бирга кетди.

Оқсоқ ва касал қўйларни боқиш, уларни совхознинг буғдой ва бедасига туширмаслик менинг вазифам эди. Бунинг эвазига болаларнинг кўп қизиқарли ўйинларидан маҳрум бўлардим.

Бўйноқнинг болалашини кутардим. Аям итлардан нолиб, айтадиган ва мени қийноққа соладиган сўзларини яна бир неча марта такрорладилар.

Бу пайтда Бўйноқ оғилхонадаги қолган-қутган сомондан ўзига жой қилиб олиб, далага чиқмай қўйган эди... Ундан тез-тез хабар олиб, овқат келтириб турардим...

...Эрталаб аямнинг аллакимни бақириб қойиётганликларидан уйғониб кетдим.

— Ҳа, туғмай туғқуз кет! Бир эмас, саккизта туғибди-я? Оғилхона тўла ит! Уйимни ит босиб кетадиган бўлди. Уғлингизга шу қари қанжиқни туғмасдан бурун йўқотинг. деб айтавериб, адойи-тамом бўлдим! Қани энди бу одам айтганингни қилса!— дер эдилар энамга.

Бўйноқ туғибди!.. Қандай ўрнимдан туриб кетганимни билмайман. Чопганимча оғилхонага кирдим. Бўйноқ гингшиётган жажжи болаларини эмизиб ётарди. Унга қандай ҳамдардлик билдиришимни билмай бошида туриб қолдим. Қувонганимдан кўзимдан ёш чиқиб кетди. Лекин Бўйноқ негадир хомуш эди. Чўккалаб, бошини силадим. Унинг кўзидан оққан ёш онасининг атрофида гимирлашиб юрган кўзи юмуқ кучукваччаларнинг устига тушди. Бу унинг «Раҳмат» дегани эди. Ёнига ўтириб, бошига бошимни қўйдим. Сўнгра унга овқат олиб келиш учун ҳовлига чиқдим.

— Бўйноқ туғибди, овқат қилиб бериш керак! — дедим аямга ҳеч нимани сезмагандай.

— Ҳозир! Қозондаги сутни кўтариб олай, қозоннинг ювиндисига атала қилиб бераман,— дедилар аям кўзимга қарамай.

Лекин итоши пишмагунча ўчоқнинг бошидан кетмадим. Овқагини егунча Бўйноқнинг бошида ўтирдим. Болаларини санадим. Аям айтгандек саккизта эмас, еттита экан. Учтаси қуйиб қўйгандек Бўйноқнинг ўзи. Қолганлари ҳар хил. Бири тим қора, бири оппоқ бўлиб фақат оғзининг атрофи қора. Бирининг эса фақат думининг учи, панжалари ва бўйнида озгина жойи оқ. Тўрттаси арлон.

Бўйноқ туққан кундан бошлаб уйимиздан кучуквачча сўровчилар аримай қолди.

— Итни сўраган ҳам ит, бермаган ҳам ит! Сал катта бўлиб, кўзини очсин, оласизлар-да. Нима, мен шунча итни сурув қилиб боқардим! Ана Бўйноқнинг эгаси. Шундан сўранглар! — дердилар дадам мени кўрсатиб кучуквачча сўраб келганларга.

Бу орада илк бор мактабга бордим. Бир кун дарсдан келсам, Бўйноқнинг тўрттала арлон боласи йўқ эди. Дадам узоқ тоғ яйловдан келган танишларига бериб юборибдилар. Ҳеч нима демадим. Бунча кучукни боқиб бўлмаслигини биламан. Қайтамга уни олган одамлар яхши боқшади.

Лекин, энг ёмони, қолган уч кучукваччани ҳеч ким сўраб келмасди. Бу пайтда улар онасига эргашиб кўчага чиқадиغان бўлганди. Учо-ви ҳам бирам чиройликки, айниқса биттаси оппоқ, фақат оғзи қора. Олдинги икки оёғини кўтариб ўйнаганда худди чақалоқларга ўхшайди. Доимо дарсдан қайтишим билан пилдираганича олдимга чиқади.

— Сенга нима деб от қўямиз? — дедим у билан юмалашиб ўйнашарканман.

У индамай кўзлари мўлтираб менга тикилиб турарди.

— Ҳа, ҳа! Топдим! Узинг оқ, оғзинг қора! Қоровуз! Эҳ-ей, Қоровуз! Қалай? Зўрми? — ўрнимдан туриб уйга қараб чопдим. Қоровуз, баҳ! Қоровуз, баҳ!

У пилдираганича орқамдан чопиб келар, хас-чўпларга чалишиб, умбалоқ ошиб тушарди. Кейин оғилхонага кириб, сомоннинг устида ҳаммамиз кураш-кураш ўйнадик.

...Эртаси куни мактабдан келаётганимда Қоровуз ҳам, Бўйноқ ҳам, қолган икки боласи ҳам йўлимга чиқмади. Юрагим шувиллаб кетди. Чопиб, оғилхонага кирдим. Бўйноқ ҳам, болалари ҳам йўқ эди.. Офтобрўяга қўйилган сўрида урчуқ йигириб ўтирган энамнинг олдида бордим.

— Бўйноқ қани, эна? — дедим нафасим тикилиб.

— Болаларини одамлар олиб кетишди. Узи дадангга эргашиб қўйга кетди шекилли, болам,— дедилар энам кўзларини мендан олиб қочиб.

— Алдаяпсиз! Бўйноқ қўйга кетмаган! Сурувимиз узоқда-ку? — дедим йиғламоқдан берироқ бўлиб.

— Вой ўлмасам, мендай қари энангнинг гапига ишонмайсанми? — дедилар жиддий оҳангда.

— Йўқ, бари бир алдаяпсиз!— дедим жаҳлим чиқиб.

— Ишонмасанг ана, аянгдан сўра! Бошли-кўзли икки бирдек қапкатта одам сени алдаймизми?

Бирор нима дейишга асосим бўлмаса-да, энамнинг гапларига ишонмадим. Нима қилиш керак энди. Уйга кирсам, аям хамир қораётган эканлар.

— Ростини айтинг, ая, Бўйноқ қани? — дедим умидсизлик билан. Сўнг пиқиллаб йиғлай бошладим.

— Шу ерда эди... Ҳа, айтгандай, дадангга эргашиб қўйга кетди, чамамда. Шунга ҳам йиғлайсанми?

— Болалари-чи?

— Болаларини чўпонлар сўраб келишувди-ёв,— дедилар аям ёлғон гапираётганликларидан ўзлари ҳам ҳижолат чекиб.

— Дадам қўйга эшак билан эмас, мотоцикл билан кетган-ку, қандай қилиб у мотоциклга эргашади? — дедим кўз ёшларимни артиб.

— Билмадим, болам. Кетмаган бўлса, болалари билан шу атрофда айланиб юргандир,— деди аям мени хафа қилишни ва ўзлари ҳам ёлғон гапиришни истамай.

Сумкамни тоқчага улоқтириб, кўчага чиқиб кетдим. Ҳеч кимдан сўрамай Мўттини излай бошладим. Уни ҳам пишиқтириб қўйган бўлишса, ажаб эмас. Лекин алдаб сўрайман.

Уни уйимиздан анча узоқда, лойқа сув оқадиган, кузда ичи қумга тўлиб қоладиган бугдойзорга чегарадош ариқдан топдим. У мени кўрса ҳам ўзини кўрмасликка солиб, лой қапа ўйнаш билан овора эди.

— Ҳа, Мўттижон! Нима қилиясан? — дедим нимадан гап бошлашимни билмай.

У индамай ерга қараб, мендан кўзини олиб қочди. «Пишиқтиришибди,» хаёлимдан ўтди.

— Бўйноқни кўрмадингми? — дедим унинг ортиқча тажанглигидан жаҳлим чиқиб.

— Йўқ! — деди у ёлғон гапираётганлигини яширолмай.

— Нега ёлғон гапирясан? Уялмайсанми? — дедим баттар қаҳрим келиб.— Энамнинг гаплари эсингдан чиқдими?

— Бари бир айтмайман! Билдингми? Дадам айттила, ҳеч кимга айтмагин, дедила.

— Айтмайсанми?



— Айтмайман! Норбўта урса, менга айтгин, дедилар! Қани уриб кўрчи!

— Айтсанг, расм чизадиган қаламларимни бераман. Сени айтганингни ҳечам дадамга айтмайман. Нима деб қасам ич дсанг, ичаман.

— Ҳо-о, бермайсан-да!

— Айтмасанг айтма, бари бир билиб оламан! — дедим қайтиб кетаётган бўлиб!

— Тўхта-а-а! Айтаман! Дадамга айтмайсанми? — деди у етиб келиб.

— Агар айтсам, пақ этиб ёрилай!

Кейин у бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берди. Эрталаб мен мактабга кетгандан сўнг дадам Бўйноқнинг болаларини хуржунга солиб, тоғ этагидаги тўқайзорга қараб кетибдилар. Бўйноқ ҳам фингишиб, дадамнинг орқасидан чопиб кетибди...

Хафа бўлиб кетдим. Мен Бўйноқдан ҳам, Қоровуздан ҳам, ҳаммасидан ажралган эдим.

— Мен тўқайзорга боришим керак. Бориб уйдан битта нон олиб чиқ! Бўйноқ роса очиққандир! — дедим Мўттига ялиниб.

Узим борсам ҳам бўларди-ю, лекин тўқайга кетганимни ҳеч ким билмаслиги керак. Билсалар, қўйишмайди. Энамнинг айтишларича, тўқайнинг ичи чиябўрилар, шақаллар ва ёввойи кучукларнинг маскани экан.

— Қўй, борма! Чиябўрилар бор у ерда! Еб қўйишади! — деди Мўтти астойдил қўрққанидан кўзлари пирпираб.

— Ёлгон. Мен у ерга Бўйноқ билан бир неча марта борганман. Шу пайтгача қишлоғимиздан ҳеч кимни тўқайзорда чиябўри еб кетибди деб эшитдингми? Энам эса бизни қўрқитиш учун шундай дейдилар. Сен эсинг кўп қизсан. Фақат уйдагиларга кўрсатма! — дедим Мўттини кўндириб.

У ғизиллаганича уйга қараб кетди. Зум ўтмай жажжигина нимчасининг қўлтиғига тиқиб бутун нон олиб келди.

— Мени аям сўрасалар, болалар билан ўйнаб кетди, де. Сумкамни очиб расм қаламларимни олавер. Фақат учини синдирма. Мен Бўйноқнинг олдига боришим керак, — дедим катта одамлардай унинг бошини сылаб.

Ичини пўкак бошли қамишлар қоплаган зовур ёқалаб йўлга тушдим. Сув тўқайзор ва унинг атрофида тўпланиб қўл ҳосил бўлгандек, қамишлар оқиб бориб, тўқайзор пайдо бўлганга ўхшайди.

Тўқайзорга дадамнинг мотоциклига мингашиб икки марта келганман. Сурувимиз тоғ яйловларидан қўриққа тушганда тўқайзорга туташ кўлдан сув ичади. Доимо қандайдир сирли шовур эшитилиб турадиган тўқайзорга камдан-кам одам киради.

Зовур кавланганда ҳосил бўлган тепаликларга чиқиб чақирсам, келармикан? Чиқмасачи? Бари бир чақиравераман. Охири раҳми келиб чиқади. Дадам кучукваччаларни тўқайга келтириб ташламаган бўлсаларчи? Унда Бўйноқни қаердан топаман? Дадамдан сўрасам... Йўқ! Сўраб бўлмайди. Нега дадам бунчалик бағритош одам-а? Ҳали яхши юролмайдиган кучукчаларга раҳмлари келмайдими? Қаҳрлари келганда кўзларига ҳеч нима кўринмас эмиш. Энамнинг айтишларича, урушдан қайтгандан сўнг шундақа бўлиб қолган эканлар. Сал нарсадан қизишиб, тутақиб кетарканлар. Илгари жуда мўмин, одамлар ўн гапирганда бир гапирадиган киши бўлган эканлар.

Бўйноқ кўриниб қолармикан, деб атрофни кузата бошладим. Аҳён-аҳёнда тулки ва юмронқозикдан бўлак ҳеч нарса кўзга ташланмасди. Бўйноқни чақиршдан бошқа иложим қолмаган эди...

— Бўйно-о-о-қ!... Бўйно-о-о-қ! — Товушим негадир йиғига ўхшаб

чиқарди. Шу алфозда анча чақирдим. Қамишларнинг учи қимирлаб, ниманингдир мен томон келаётганини сездим. Бу Бўйноқ эди! Нонни қўлтиғимга қисганимча тўқайзор томон чопдим.

Мен умримда биринчи марта Бўйноқни шундай ночор ва мусибатли қиёфада кўрдим. У тўқайдан чиқиб, яккам-дуккам қамиш ўсадиган ажриқзорга чўзилди. Кўзлари шу қадар нурсиз эдики, ҳатто кўр бўлиб қолганга ўхшарди. Лаб-лунжлари осилиб, бирдан қариб қолгандай эди. Гўё бўлаётган барча воқеаларга биргина мен сабабчи эдим, назаримда,

— Нон олиб келдим,— дедим нима дейишимни билмай.

У нонга қарамади ҳам. У ҳақ эди. У ҳатто одамлар қилиш керак бўлган ишларни ҳам бажарган, эгасининг сурувини қўриқлаш учун олғир итлар туғиб берган ва бир умр садоқат билан хизмат қилган хонадондан ҳайдалган эди... Тўғри, уни ҳайдаб чиқаришмади. Тўртта боласини таллашиб-тортишиб олиб кетишди. Учасини эса ўзига билдирмай тўқайга олиб келиб ташлашди. У шу ишни қилган одамлар билан бирга яшаши мумкинми?...

У менинг қўлимдан ҳеч иш келмаслигини ҳам биларди. Шунинг учун ҳам «Сен айбдор эмассан», дегандай менга қандайдир ёқимли ва илиқ нигоҳ билан тикилиб турарди.

— Керак бўлса, мен ҳам бир умр тўқайда қолиб, сизлар билан бирга яшайман! — дедим астойдил раҳмим келиб.

У «жинни бўлдингми, сен одамсан, одамларнинг ичида яшашинг керак. Биз итлар эса тўғри келган жойда яшайверамиз!» дегандай норози назарда тикилди. Лекин у мени астойдил гапирётганлигимни биларди. Мен одамларни алдасам алдагандирман, лекин ҳечам уни алдамаганман. Бундан сўнг ҳам унинг энг яқин, садоқатли дўсти бўлиб қоламан. У кўзларимдан нима демоқчи бўлаётганлигимни сезиб, оҳистагина қучоғимга бошини қўйди...

— Қоровузлар қаерда? — сўрадим анчадан сўнг хавотирланаётганимни яширмай.

У тўқайзор томон ўгирилди.

— Кетдик, ўша ерга борамиз! — дедим сакраб ўрнимдан турарканман.

Бўйноқ бир оз иккиланиб турди-да, сўнг тўқайга кира бошладик. У тўқай жониворлари изидан пайдо бўлган, битта ҳайвон сиғадиган қамишлар орасидаги туйнукка ўхшаш ёруғлик тушиб турадиган йўлакдан бошлаб борарди. Мен ҳам Бўйноқнинг ортидан эмаклай бошладим. Йўлакка қамиш поялари тўшалиб, текис йўл ҳосил бўлган эди. Бир-икки жойимни қамиш барглари тилиб кетганлигига қарамай унга етиб юришга тиришардим.

Йўлакнинг тўрида элас-элас қуёш нури тушиб турган кўм-кўк яланглик кўринди. Бўйноқ «улар шу ерда», дегандай менга бир қараб қўйди. Ажриқзор оролчанинг биз юриб борган йўлакдан бошқа ҳамма томони сув бўлиб, мен учун қутилмаган мўъжиза эди. «Энди ҳар куни мактабдан қайтаётганда келаман. Аям мактабда ейиш учун берган нон ва конфетларни Бўйноқнинг болаларига олиб келиб бераман», дея ўлардим энтикиб.

Ялангликнинг четидаги қуриб қолган қамишлардан ҳосил бўлган қапада Бўйноқнинг болалари гужанак бўлиб ётишарди. Бизни кўриши биланоқ учаласи ҳам югуриб келди. Ҳаммамиз бўзга юмалаб, олишга кетдик. Бўйноқ қувониб, бизнинг хатти-ҳаракатимизни кузатиб турарди. Сўнг нонни майдалаб, тўртга бўлдим. Каттароқ қисмини Бўйноққа бердим. «Эртага яна олиб келаман», дедим ҳаммасига эшиттириб.

Қуёш қорайганда уйга қайтдим. Дадам қаерда юрганлигимни суриштириб қолсалар нима деб жавоб беришни ўйлаб келардим. Бахтга қарши, дадам идорага — мажлисга кетган эканлар. «Яхши бўлди, кел-



Расми А. ҲОЛИҚОВ чизган.

гунларича ухлаб қоламан»,— ўйладим ичимда. Негадир... дадамни кўришни истамасдим... Аямга эса ҳаммаси бари бир...

Тўқайзорга бора олишимга уйимизда ҳеч ким ишонмасди. Мен бундан хурсанд эдим. Сабаби, у ерга мендан катта болалар ҳам деярли боришмасди. Менинг эса Бўйноққа эргашиб, бормаган жойим қолмаган. Жиноятга шерик бўлгани учун Мўтти ҳам ҳеч кимга айтолмайди. Айтса ҳам, ишонишмайди. Мени ёлғиз ўзи тўқайга боришга қўрқади деб ўйлашади. Бу эса менинг деярли ҳар куни тўқайга боришимга имкон яратарди.

Дадам ҳам ўз қилмишларини очиб қўймаслик учун Бўйноқ ҳақида умуман гапирмасдилар. Шундан сўнг дадамнинг аям айтганчалик бағритош одам эканликларига ишондим. Дадам бир эмас, тўрт жониворни сарсону саргардон қилиб, худди ҳеч нимани сезмагандек ўзларининг ташвишлари билан банд эдилар. У киши кўпроқ дала-даштларда юрганликлари учун ҳам биз аҳеъ-аҳёнда кўришардик. Мени кўпроқ тежаб-тергайдиган киши аям эдилар. Энамнинг ҳеч нима билан ишлари йўқ. У кишига урчуқ йигиришга жун бўлса бўлгани. Эрталабдан кечгача чой ичиб, қимирламай ўтираверадилар.

Аямнинг бошқа ташвишлари кўп бўлгани учун итларга у-бу егулик нарсаларни ўғирлаш мен учун унчалик қийин эмасди. Мўттига эса сездирмасдим.

Уқиш бошлангандан бир оз ўтгач, мени синфком қилиб сайлашди. Узим чизган Бўйноқнинг ва пўстлоғи шилинган оқ теракнинг суратини кўрсатганимда, ўқитувчимиз ҳайрон қолди. «Ғунча» журналига «жўна-тамиз. Бу бола бир нарса бўлади», дедилар суратларни бошқа ўқитувчиларга кўрсатиб. Мен эса нима бўларканман, дея ўйлаб бошим қотди.

Кўп вақт ўтмай Бўйноқнинг болалари каттагина бўлиб, овқатларини ўзлари топиб ейдиган бўлишди. Мен даставвал уларнинг тўқайдаги паррандаларни тутиб ейишидан норози бўлсам-да, кейин кўникиб кетдим. Озиб, ранглари ўчиб қолган Бўйноқ уззу-кун ажриқзорда ётар,

болалари эса тўқайдан ов қилиб келарди. Мен ҳам энди ташиб овқат етказа олмасдим. Айниқса, Қоровуз чаққон эди. У сувнинг остига шўнғиб, балиқ ҳам тутарди. Гоҳида уларнинг овига мен ҳам шерик бўлардим.

Кечаю-кундуз онасига овқат топиш учун тўқайда изғиб юрадиган Қоровузнинг ранги балчиқ тусига кириб қолган, бир қарашда бўрини эслатарди. Дарвоқе уларнинг барча хатти-ҳаракатлари бўрилардек эди. Уларнинг бошқа иложи ҳам йўқ эди!... Бўйноқ ҳам энди тақдирга тан бериб, ҳамма нарсага бепарқ қарарди. Энг оғири мен Қодирқулга ва кўзи сўювчиларга қарши курашдаги яккаю-ягона садоқатли дўстимдан ажралган эдим...

У «ҳар ҳолда, уйларингга бормасам ҳам, сенга қўлимдан келган ёрдамимни аямайман», дегандай менга мунгли тикиларди. Мен эса Қоровузни бир ташланишда Қодирқул носфурушни гажиб ташлайдиган даражада кучлигидан суюнардим. У шафқатсиз, олғир эди. Бир куни ёлғизоёқ йўлак орқали оролчага чиққанимда Бўйноқ ва болалари аллақандай ҳайвонни ўртага олиб, ейишарди.

— У-ҳу-у, ов зўр-ку! — дедим қувониб.

Лекин улар еяётган нарсани кўриб қотиб қолдим. Улар каттакон қўйни ейишарди... Наҳотки, Қоровуз сурувга ҳужум қилишга журъат этган бўлса? Лекин ҳеч нима демадим. Бўйноқ нимани ўйлаётганимни сезди... Улар ҳам дунёдаги барча жонзотлар сингари ниманидир еб яшашлари керак эди. Бу қандайдир ҳеч ким ўзгартира олмайдиган ҳодиса эканлигини чала-чулпа тушунаман.

Қўйнинг қулоқларига қарадим. Тамғаси бор экан. «Совхозники экан» хаёлимдан ўтди. Балки бизнинг сурувимиздандир... Эрта кузак бўлгани учун совхознинг қўйлари тўқай атрофида ёйилиб юрар, чўпонлар кўзи айиришни бошлаган эдилар. Ҳар йили кўзи айиришда совхоз сурувлари кўриққа тушади. Қўзилардан яна беш-олтита янги сурув пайдо бўлар ва уларга бош чўпонлар тайинланарди. Катта бўлсам, мен ҳам бир сурув жажжи-жажжи тўқлилар олардим. Лекин бирортасини ҳам қон билан укол қилдириб, кўзичоқларини сўйдирмайман.

...Кечқурун дадам энам билан аямга тўқайда бўри жуда кўпайиб кетганлигидан нолидилар... Кечаси бўри бир қўйни бўғизлаб, биттасини олиб кетибди... Бу Қоровузнинг иши эди...

Шундай кунларнинг бирида Сиртлон билан Кўктой онасини излаб, тўқайга келишди. Мен кўринмай пойлаб турдим. Бўйноқ уларни кўриши билан бошини қўйи солиб, юзи тундлашиб кетди. Она-болалар ғингшиб, бир-бирларига суйкалишди. Бўйноқ «акаларинг» дегандай бегона итларга хавфсираб тикилиб турган болаларига ўғирилди. Шундан сўнг Сиртлон билан Кўктой бошини қўйи солганича тўқайдан чиқиб кетди. Улар кўздан ғойиб бўлгандан сўнг Бўйноқнинг олдида бордим. Уларни кўрганганимни Бўйноқ сезди...

Эртаси куни борганимда Қоровузга «қўйларга тегмаслик керак» демоқчи бўлдим. Лекин айтолмадим...

Улар учун тўқайзор оралаб ов қилишдан кўра бу анча осон эди. Қўйлар итдан ҳуркмайди. Секингина бориб, ғиппа бўғиб олади. Бечора қўй маърашга ҳам улгурмайди. Тўқайда тақдири Бўйноқ ва унинг болаларига ўхшаган итлар анчагина эди... Улар одамларни шу қадар ёмон кўришардики, менинг Қоровузлар билан бирга юрганлигимни кўриб қолишса ҳам еб ташлагудек бўлишарди. Бўйноқ ва Қоровузнинг қандайдир ҳаракатларидан сўнггина улар индамай ўз йўлига кетишарди.

Лекин қандай бўлмасин мен Қоровузни бу хавфли овдан қайтаришим керак. Қўйларга тегмаслиги учун кундан-кун кўпроқ егулик олиб келардим. Бироқ улар бари-бир одатларини тарк этишмасди. Улар яшаш

учун ҳамма нарсага тайёр эдилар. Ҳамма нарсадан умидини узган Бўйноқ кундан-кунга озиб, кўзлари киртайиб борар, деярли кун бўйи ўрнидан қўзғалмасди. Бу эса мени руҳан эзарди. Уни бу азоблардан қутқариш йўлларини ахтарардим.

...Бу орада улар олтита қўйни нобуд қилишди. Бунинг тўрттаси бизнинг отаримиздан эди... Нима учундир улар кўпроқ бизнинг отаримизга ҳужум қилишарди.. Балки Оқтой, Кўктой ва Сиртлонлар ўз укаларини кўрса ҳам кўрмасликка олишаётгандир.

Дадамнинг эса асаблари бузилиб, тоқатлари тоқ бўлганди. Одатда бўри тортиб кетган қўйнинг калла-почалари яқин атрофда қолар ва шу асосда акт қилинарди. «Тўқай бўрилари эса, калла-почаси нари турсин, қачон олиб кетганини ҳам сезмай қоласан» дея жиғи-бийрони чиқарди дадамнинг. Бош бухгалтер тўрттала қўйни ҳам дадамнинг бўйинларига ёзгандан кейин, тутоқиб кетдилар.

— Узинг еб қўйиб, нега бўрига тўнкайсан! Бўри еган бўлса, калла-почасини олиб келиб кўрсат!— дебди дадамга ўшқириб бош бухгалтер Раҳим бошмон.

Дадам изза бўлиб идорадан чиқиб кетибдилар. Энди у киши уйга камдан-кам келар, қўшотарни кўтариб, уззу-кун бўри пойлардилар. Мен эса қандай қилиб Бўйноқнинг болаларини огоҳлантиришни ўйлардим.

Дадамга кўринмаслик учун зовур ёқалаган тепаликларни паналаб, тўқайга кетаётгандим. Тўқайга туташ яйловда сурувимиз ёйилиб юрарди. Шу пайт тўқайдан эмаклаганича Қоровуз чиқиб қолди. У пусиб, сурув томон борарди. Қўрқиб кетдим. Дадам пайқаб қолсалар... Тўқайнинг чети бўйлаб эмаклаб, Қоровузни огоҳлантиришга ошиқардим. Ниҳоят, орамиз жуда яқин қолди!..

— Қоровуз! Қайт орқага! Дадам...

\* \* \*

...Қоровуз ялт этиб сенга қаради. Тўқайни ларзага келтириб қўшотар гумбурлади. Қоровуз отилганича тўқайга кириб кетди. Аммо сен жойингдан жилмадинг. Эмакламадинг ҳам. Бевақт тинчлиги бузилган қўшлар галаси тўқайни ларзага келтириб, тубсиз осмонга — сенинг тубсиз осмонингга кўтарилди. Улар қайтиб ерга қўнишади. Сен эса... Қўзингни сўнгни нурдари билан осмонга қарамоқчи бўлдинг-у, милтиғини улоқтириб, бошига муштлаганича фарёд солиб келаётган дадангни кўрдинг. Унинг «уйим куйди, хонам тутуди» деган сўзларини эшитмадинг.

Мен бу сўзни бир неча бор эшитдим, укажон! Мен ўша — ҳарбийга кетган, сен интизорлик билан кутган акангман!..

Салоҳиддин Мамажонов

## ТЕРАНИК

Уйғун адабиётга баҳор мафтун, баҳор ошиғи, баҳор куйчиси сифатида кириб келди. У майин, шўх лирик торни сербўёқ, ёркин ва нозик рассомлик қалами билан бирга уйғун ишлата оладиган, улар воситасида янги даврнинг зафарли одимини, янги инсонларнинг руҳий оламини, сурурли интилишларини бир сўз билан айтганда воқелик ва одамлардаги гўзалликларни эҳтирос билан таъвирлаб берадиган моҳир санъаткордир. Уйғуннинг деворий газетада эълон қилинган биринчи шеъри, «Ер юзи» журналида босилган илк асари баҳорга бағишланган эди, биринчи тўплами «Баҳор севинчлари» деб номланди, кейинги пайтларда яратилган қатор шеърий ва драматик асарларида ҳам у ана шу севимли Табиат ва Инсон мавзудан сира-сира ажралмади, ҳар доим оламни, борлиқни бир бутунлигича идрок этди, улар тақдирини ўзаро алоқада тушунди, инсонда табиатни, табиатда эса инсонни кўрди, иккаласининг ягона бирлигида эса социалистик дунёнинг буюк инсонпарварлик, ҳаёт-бахшлик қудратини ифодалади.

Табиатнинг айниқса баҳор-фаслнинг Уйғун қалбини бунчалик чулғаб олишининг боиси нима? Уйғун бутун умрини бағишлаган бу баҳорнинг хислати қандай?

Бунинг идизини аввало Уйғун туғилиб ўсган жойдан ва ёшлиги кечган даврдан қидирмоқ керак. Уйғуннинг ёшлиги «дунёни қонга ботирган биринчи жаҳон уруши-мардикорликка олиш воқеаси, ўн олтинчи йил кўзғолони, очарчилик, қаҳатчилик, вабо, февраль инқилоби гулдуроси»нинг гувоҳи бўлган. Уйғун барча зулм, тенгсизлик, жаҳолатга барҳам бериб, ўзбек халқини ҳам озод бахтиёр ҳаёт йўлига олиб чиққан Улуғ Октябрьдан чексиз қувонди. Озодликка чиқиб манглайда шодлик тўлқинлари мавж урган меҳнаткашларни ва улкан қурилишлар эвазига бутун табиатнинг янги либос кияётганини кўрган Уйғун тасавурида Улуғ Октябрь совет халқи учун, прогрессив инсоният учун ҳақиқий баҳорни бошлаб берган қуёш сифатида идрок этилади:

Октябрни баҳор дедим, мантиқи бор  
сўзимнинг,  
Октябрда жилва қилди инсоният  
баҳорни.  
Октябрда тонг ёришди, Октябрда юз  
очди,  
Кишиларнинг саодати, коммунизм  
наҳорни.

Шоир яна бир асарида «Инсоният тарихида янги саҳифа очиб дунёни бахт ва нурга тўлдириб дабдаба ва шавкат билан Улуғ Октябрь революцияси келиб етди. Совет ҳукумати қурилди. Халқ ҳаётида баҳор бошланди», деб таъкидлаган эди. Шундай қилиб, баҳор Уйғун учун инқилоб рамзи, озодлик рамзи, шодлик рамзи ва янги ҳаётнинг бошланиш нуқтаси бўлиб қолди. У шоир учун янги ҳаётнинг битмас-туганмас фазилатлари, гўзалликларини ўзида мужассамлаштирган бир янги ҳаёт, бир орзу ва идеалга айланди. Шу тўғрисида Уйғун баҳорни куйлашни ўзининг олий нияти, маслағи, эътиқоди деб ҳис этди:

Мен баҳор қўшигин куйлайман  
дадил,  
Чунки бу ғалаба, ҳақликнинг сози.

Уйғун «Баҳор севинчлари» (1929), «Иккинчи китоб» (1933), «Қуёш ўлкасига» (1936) ва яна бошқа ўнлаб тўпламларида Баҳор ва Инсон мавзуини чуқур граждандлик руҳида бадий тадқиқ этувчи ўткир лирик шоир сифатида намоён бўлди. У табиатнинг баркамол бадий ифодаси бўлган «Куз қўшиқлари» шеърида шундай дейди:

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор,  
Ҳар фаслнинг ўз фазилати.  
Қумуш қишдан, зумрад баҳордан  
Қолишмайди кузнинг зийнаги.

Бу афоризмга айланиб кетган мисраларда Уйғуннинг табиат мавзусига янада кенг ва чуқур ёндашиши намоён бўлади: энди у табиатнинг ҳамма фаслини янги, социалистик дунё, коммунизм ғояларининг ифодасига айлантиради, халқ қудрати ва

унинг рухий гўзаллигини кўрсатувчи восита сифатида акс эттиради. Шоир «Кўз кўшиқлари», ёки «Челюскинчилар кўшиғи»да ҳам, «Олтин севги» ёки «Тонги бўса»да ҳам янги замон белгисини кўрсата олади. Уша 30-йилларда ёзган «Коммунизм гулбоғларига» номли машҳур шеърида социалистик тузумни коммунизмнинг илк-аввал баҳори деб таърифлайди:

Эҳ, кунлар келади,  
Ўзгариб жаҳон,  
Касб этиб ўзига янги бир мазмун,  
Янги бир кайфият,  
Янги бир одат,—  
Бутун қайта бошдан яралажақдир,  
Вонг уриб дунёнинг асабларига  
Янги қон, янги жон таралажақдир.  
Биз мана, тарихда биринчи дафъа,  
Бу нурли жаҳонга қадам ташладик,  
Ўзимиз яратиб, яралиб унинг  
Аввал баҳорига кира бошладик.

Уйғун «Назир отанинг ғазоби», «Гуласал», «Жонтемир» каби ўзбек совет поэзиясининг ўлмас асарлари бўлиб қолган шеър ва поэмаларида социалистик ҳаётни қуриш жараёнида шаклланган янги одамларни, улардаги коммунизм кишига хос фазилатларнинг туғилишини муҳаббат билан тасвирлади. Назир ота, Гуласал, Жонтемирлар янги ҳаёт, социалистик меҳнат туфайли туғилган юксак онгли, фидокор одамлар бўлиб, улардаги коммунистик онглилик, покиза ахлоқ давр маҳсулидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Уйғун ўзбек совет поэзиясида воқеликдаги буюк ижтимоий ўзгаришларни қаҳрамоннинг интим кечинмаси, рухий дунёси, психологик кайфияти орқали ифодалашнинг ажойиб намунасини кўрсатди. У колхоз кишисининг кўтаринки рухий оламини конкрет чизиб беришга, унинг характеридаги, психологиясидаги ижтимоий кишига хос фазилатнинг туғилишини, шу давр илғор одамларининг сифатларини ўзида мужассамлаштирган шахсларнинг типик психологик портретини ҳаққоний тасвирлаб беришга эришди. Зотан, янги революцион воқеликнинг ўзи шеъриятда ҳам субъектнинг ички моҳиятини чуқур очиб беришни, ҳам уни ўраб турган муҳит, шарт-шароитни, ташқи дунё манзарасини яхлитлигида бадий талқин қилишни тақозо қиларди. Уйғун шу йўлдан борди, шунинг учун ҳам унинг поэзиясида икки асос — лирик ва эпик асос ўзара жипслашиб кетди. Унинг поэзияси ҳам ҳис-туйғуга, кечинмаларга, психологик ҳолатларга бойлиги, ҳам предметлиги, конкретлиги, манзаралилиги ташқи дунёнинг рангоранг образларига, миниатюр эпик сюжетлиликлари моликлиги шундан. Эпик чизгилар, ташқи дунё, айниқса табиат бўёқлари ва деталлари Уйғунга лирик образ яратиш, кечинмани шаклга солишда катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳам шоир диққатига ҳамма вақт қаҳрамон кечинмасини, руҳиясини, психологик кайфиятини ифодалаш туради, эпик элементлар ва ташқи дунё образларининг ҳаммаси шу ният —

«субъектив онгни», яъни лирик қаҳрамоннинг воқеликка субъектив муносабатини кўрсатишга ёрдам беради. Уйғуннинг воқеавий шеърларида лиризмнинг, субъектив асоснинг чуқурлиги, эпик психологизмнинг қучлилиги ҳам шундан.

Бу фазилатлар машҳур «Жонтемир» поэмасида ҳам мавжуд. Шоир биринчи бобда Жонтемирнинг ўтмишдаги бечора, қашшоқ ҳаётини изтиробли, армонли ва туғёнли мисраларда вазмин оҳангда чизади. Бу бобдаги ғамгин, ғазабли оҳанг Жонтемирнинг совет давридаги бахтиёр ҳаётини кўрсатувчи бобга ўтганда шўх, жанговар, кўтаринки оҳанг билан алмашади. Поэманинг муҳим фазилати шундаки, шоир Жонтемир тақдири орқали гўзал табиат, баҳор ишвалари, эркисиз, сиёсий ҳуқуқсиз бечора деҳқоннинг юрагига заррача ҳам таскин беролмайди, ярасига малҳам бўлолмайди, инсон қачон озод ва бахтиёр бўлсагина, табиат гўзаллигидан эстетик завқ олиши мумкин, деган ғояни ўртага ташлайди. Шоир Жонтемирнинг икки даврдаги ҳолатини, кечинмасини контрастли қилиб тасвирлайди: эски тузум даврида Жонтемир далага бойнинг қўйларини ҳайдаб борар экан, баҳор бутун ишвалари, барча гўзаллигини намойиш қилиб қарши олади, лекин Жонтемир улардан таскин топмайди. Совет даврида у озодликка чиққач ва ўз меҳнатининг мевасига ўзи хўжайин бўлгач, унинг кўнглида чинакам «баҳор очилади!». Энди Жонтемир ўз бригада аъзолари билан далага борар экан, гуллару сувлар ва булбуллар уларни «севиб, тўлғаниб, сайраб, қаршилаб оладилар», энди Жонтемир бу гўзалликни кўради ва ундан баҳра ола билади: «кўп завқ билан экин майдонига юради».

Табиат Уйғун поэзиясида воқелигимиз ва одамларимиз руҳиясида юз бераётган ўзгариш ва янгиликларнинг ойна жаҳонига айланиб кетди. У истаса, лирик қаҳрамон руҳидаги драматик ҳолатни янада тоблаш учун табиатни контраст қилади, истаса қаҳрамон қалб азшигини очувчи калитга ёки табиатни юксак шоирона парвоз учун учиш майдонига айлантиради, истаса зўр, ҳаётий, фалсафий мазмунни ифодаловчи рамзга кўтарди. Шоир барча туйғуларини, фикр-мушоҳидаларини, фалсафий ўйларини — борлигини табиатга эритиб қўйиб юборади. Уз ўрнида табиат ҳам жонлилаштирилади, инсонийлаштирилади.

Энг муҳими, Уйғун табиатга бўлган оташин, самимий муҳаббатини она-Ватанга халққа бўлган чексиз юксак муҳаббати ва садоқатининг рамзи даражасига кўтарди. Табиатни инсондай қудратли ва ижодкор, инсонни эса табиатдай гўзал, нозик, пок ва бой деб тасаввур этди.

Уйғун она-Ватанимизни баҳорга ўхшатар экан, ўзини эса булбулга муқояса қилиб, «баҳор булбулидай сайрагим келур», «Ватан булбули шайдо бўлиб мадҳ айлади сени Уйғун», дейди. Узини булбулга ўхшатишида икки жиҳат бор: шоир ўзини ҳам социалистик ҳаёт куйчиси, ҳам ком-

мунистик ғоя сари одамларни чорловчи, деб билади. «Булбул» шеърида «булбулнинг тотли овози руҳини юксалтирар». У «сайраб ҳаётга иштиёқ орттирар», деб қайд этади. Зотан Уйғун шеъринидаги кўтаринкиликнинг илдизи ҳам шундаки, у воқеликни, турмушни ва одамлар қалбини орзу ойнасида кўради ва тасвирлайди. Шу туйғайли китобхонларни ҳам мавжуд ҳам энди туйғалаётган ва қарор топаётган гўзалликлар билан озиқлантиришга ошиқади. У воқеликдаги ва одамлардаги янги ижобий жиҳатларни қуёқ, ёрқин бўёқларда қабартириб, таъсирли, жозибали қилиб чизиб, улар «руҳини юксалтириш», «ҳаётга иштиёқ орттириш» йўлидан боради. Уйғун бир шеърида «гўзаллик завқига тўйгингиз келса, шоир кўзи билан гулшанга қаранг», деб ёзади. Узи доим ҳаётимиз, халқимиз қўлбига шу шоирона кўз билан эҳтирос, муҳаббат ва ҳавас, ғурур ҳамда сурур билан қаради ва шу туйғайли «ҳаёт гўзал, ҳаёт мароқли» деган ажойиб хулосага келади.

Уйғун Улуғ Ватан уруши йиллари мана шундай гўзал ҳаётимизга, Баҳор мамлакатига, сеvimли юрт табиатига чанг солиб, ўлим, куз олиб келаётган фашизмга қарши қаҳр-ғазаб билан тўла жанговар шеърлар ёзди; «Ғазаб, сеvinc, нафрат муҳаббат билан жанрлар шеъримнинг симфонияси» деди шоир. «Ғазаб ва муҳаббат», «Зафар тароналари» каби китобларини нашр этди. Бу йилларда унинг аввалги ижодига чуқур ишланган севги мотиви янада ўсиб вафо-садоқат туйғуларини улуглаш билан омухта бўлиб кетди. Айниқса Ватанни, гўзаллиқни куйлаш эса уларни машъум ёвдан ҳимоя этиш мотиви билан алмашди. Кучли муҳаббат туйғуси ёнига илгариги куртак ёзиб турган шафқатсиз ғазаб туйғуси, ўткир сатирик руҳ келиб қўшилди. Уйғун воқеавий-миниаюр сюжетли шеърлар ёзишдан воз кечмаган ҳолда энди кўпроқ лирик қаҳрамон кечинмасини бевосита ифодалаш, уни душман билан юзма-юз қилиб қўйиш, халқ номидан сўзловчи жанговар совет кишиси тарзида гадалантириш йўлидан борди, сиёсий лирикага, публицистик шеърга аҳамият берди. У образларини яна шу табиат хазинасидан олди: фашизмни «умр боғини хазон этувчи ажал ели»дир, деб хазонга ўхшатиб, анъанавий образга катта ижтимоий мазмун юклади (классик поэзиямиз ва фольклордаги гул, булбул, лола, зог, бой-ўғли, бўри каби анъанавий образлар ҳам унинг шеърда ниҳоятда активлашди). Шоирнинг «Қон эрур у лола деганинг, булбул эмас, бунда учар ўқ», деган мисраларидаги лола, булбул образлари фашизмнинг ваҳшийлигини очишда фоят таъсирли восита бўлиб хизмат этади. Шоирнинг лирик қаҳрамонлари «мени бошлаб кирар улуғ жангларга азиз Ватан ишқи, гулзорлар ишқи», дейди. Уйғун «Ватан ҳақида кўшиқ», «Ўзбекистон» каби чуқур, оташин ватанпарварлик ва интернационализм билан тўлик шеърларида социалистик тузумнинг ҳаётбахшлигини, совет халқининг бу-

килмас иродасини ва буюк жасоратини меҳр-муҳаббат билан куйлади. Кўп миллатли совет мамлакатини жон дилидан севган лирик қаҳрамон бор овози билан унга қараб. «Улсам айрилмасман кучоқларингдан», дейди. Урушнинг биринчи кунларида ёзган шеърларидан тортиб то ғалаба кунигача яратган асарларида Уйғун халқ қалбидаги ишончни, кўтаринки руҳни ғурур билан ифодалади. Урушнинг энг оғир кунларида ёзган «Баҳор кўшиқлари» (1942) шеърда ғалаба баҳорини куйлади: тез кунларда яна «ёнғин сўниб баҳор жилва» қилишини, яна «гуллар очилишини» ва «бахтлимизни қутлаб ҳар сафаргидай булбуллар чаманда лапар айтишар», деди комил ишонч билан.

Совет халқи улуғ Ватан урушидан кейин ёзган шеърларида Уйғун бутун диққатини одамларимиздаги ҳаётга, меҳнатга, ижодга бўлган буюк ишқни, она-Ватанни аввалгидан ҳам гўзал ва бой қилиш ишига бўлган зўр иштиёқини куйлади. «Ҳаёт ишқи», «Ҳаёт чақиради», «Ҳаёт кўшиғи», «Тонг кўшиғи» каби китоблари, асарларининг сарлавҳасидан тортиб ички пафосигача — ҳаммасида шу мотив, шу фикр, шу ғоя этади. Урушдан кейинги шеърларида воқеликни барча зиддиятлари билан тасвирлашга ҳаракат қилди, шеърлари ўйчан-фалсафий руҳ касб этди. Уйғун гўзаллиқнинг тўла тантанаси учун, одамларнинг ҳаммасини сеvinc оғушига етказиш учун, ҳар томонлама етук инсонни вояга етказиш учун гўзаллиқни ҳимоя этиш, уни бандларда мадҳ этишнинг ўзи етмаслигига янада амин бўлди. Энди у шу гўзаллиқларнинг қарор топишига орзу ойнасида тасвирланган нарсаларнинг тезроқ рўёбга чиқишига ҳалақит бераётган ғояларни — эскилик қолдиқларини ва консерватив кучларни фош қилишга жазм қилди: коммунизм учун олиб бораётган кураш жараёнида актив иштирок қилаётган ва ўзлари ҳам ўзгариб, ўсиб бораётган кишиларни, уларда шаклланаётган коммунистик белгиларни кенгроқ ва чуқурроқ акс эттиришга бел боғлади. Шу мақсадда Уйғун драматургия жанрига борлиғича берилди. Агар Уйғун йигирмага яқин драматик асар ёзган бўлса, буларнинг кўпчилигини урушдан кейин яратди. Зотан урушдан кейинги ва ҳозирги ўзбек саҳнасини Уйғуннинг номисиз тасаввур этиб бўлмайди. У ўзбек драматургиясининг етакчи ижодкорларидан бирига айланади. Шоирона кўтаринкилик, лиризм, ҳаётга муҳаббат туйғулари ва келажакка интилиш Уйғун драматургиясининг ҳам асосини ташкил этди.

Уйғун драматургияга катта шоир сифатида шухрат қозонгандан кейин қўл урди. У ҳали мактабда ўқир экан, пьесаларни ғоятда ҳавас билан ўқир, ҳатто мактабдаги тўғарақларда турли ролларни ўйнади. Театрга, драматургияга бўлган бу ҳавас-иштиёқ унда мунтазам равишда ўсиб боради. Улуғ Ватан уруши йилларига келиб бу жанрга астойдил берилди. Иззат Сул-



тон билан ҳамкорликда яратган «Алишер Навоий» пьесаси ҳам икки ижодкорни таланти драматург сифатида элга танитди, ҳам ўзбек драматургиясида бир воқеа даражасида тан олинди. Чунки бу асар тарихий-биографик жанрдаги ғоявий-бадий жиҳатидан етук драматик асарлардан бири эди. (Бу асар асосида Уйғун, Иззат Султон ва В. Шкловскийлар томонидан ёзилган сценарий кино қилинди ва жаҳон экранига чиқди).

Иккала муаллиф ҳам улуғ шоир ҳаёти ва ижодини илмий асосда жиддий ўрганиб тадқиқ этганлардан. Шу тўғрисида пьеса чуқур илм ва юксак санъатнинг уйғунлигидан вужудга келди. Муаллифлар Навоий даврини, улуғ мутафаккирнинг бутун борлиғини — дунёқарашини, бой шоирона қалби, характери, санъаткорлик табиати, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари, давлат арбоби сифатидаги гуманистик ишлари, юксак ахлоқи ва пок муҳаббатини сиққик бир асарга сиғдира олганлар. Асар мазмуни ва пафосида «Ҳазойинул маоний»даги қомусийлик, нафислик, «Ҳайратул аброр»даги фалсафийлик, «Фарҳод ва Ширин»даги қаҳрамонлик, «Лайли ва Мажнун»даги севги-садоқат ва фожиавийлик, «Садди Искандарий»даги юксак орзу-идеаллар муҳри ётади. Энг муҳими, муаллифлар Навоий ва унинг материалларидан ҳозирги замон учун муҳим, қимматли фикр, ғоялар топдилар. Бу — халқнинг адолат, тинчлик, маърифат, соф муҳаббат, инсонийлик, дўстлик учун кураш ва урушни, зулмни, тенгсизликни, ёвузликни, пасткашликни қаттиқ қоралади. Бу ғоялар фашизмнинг ваҳшийлигига қарши озодлик, адолатли кураш олиб бораётган қаҳрамон совет халқининг ғоя ва мақсадларига ҳамоханг эди. Муаллифларнинг бу ғояларини ифодаловчи характерларнинг барчаси ёрқин, жозибали ва драматик конфликтни ҳам ғоят кўп қирралаи, кескин. Асардаги барча воқеа, ситуациялар бир-бири билан шундай чамбарчас боғланганки, мана шу воқеа бирлиги, жонлиги драмадаги ҳамма нуқтани ягона бош ғоя учун хизмат қилишга олиб келган. Чиндан ҳам асардаги барча образларга маълум «юк» юкланган. Пьесадаги яхлит драматик конфликт персонажлардаги руҳий курашни, ички коллизиянинг янада кучайишига сабаб бўлади. Қаҳрамонларнинг ташқи хатти-ҳаракати ҳар хил интригалар билан ички коллизияларнинг биргаликда ҳамда ҳаракат билан драматик шароитни ўзаро алоқада кўрсатилиши асарни муқаммал қилган омиллардандир. Пьесанинг асосий қисмининг шеърый йўл билан, ёзилиши ундаги лиризмни, романтик кўтаринкиликни кучайтирган.

Урушдан кейин Уйғуннинг бир неча марта «Танланган асарлари», кўп томликлари босилди. Унинг олти томлик «Асарлари»нинг дярли уч томини драматик асарлар ташкил этади. Уйғуннинг «Асарлар», «Олтин кўл» каби шеърый драмалари ва «Лақма», «Она», «Гирдоб», «Қалтир

ҳазил», «Ҳаёт қўшиғи», «Навбахор», «Сўнгги пушаймон», «Хуррият», «Парвоз», «Дўстлар», «Муқаддас бурч», «Парвона», «Қопқон» драмаларининг айримлари яқин ўтмишдан олиб ёзилган тарихий-инкилобий мавзудаги асарлар бўлса, аксарияти халқимизнинг шу кунги турмуши, фаолияти ва интилишларига бағишланган. «Абу Райҳон Беруний» ва «Шарқ юлдузи» журналининг 1979 йилги 12 ва 1980 йилги биринчи сонларида эълон қилган янги асари «Абу Али ибн Сино» шеърый драмалари тарихий-биографик жанрдаги асарлар сирасига қиради. Тўғри, буларнинг орасида саҳнада узоқ ёки муқим ўрин олиб қололмаганлари ҳам бор. Аммо драматург бу пьесаларнинг ҳаммасида халқимиз ҳаётидаги ўткир, муҳим масалаларни — янгилик учун, халқнинг бахт-саодати учун, янги инсон учун кураш масалаларини ўртага қўяди. Буларни у қандайдир катта, алоҳида воқеалар орқали эмас, балки совет кишиларининг оддий ҳар кунги ҳаёти, меҳнати, оилавий муносабатларини таҳлил қилиш орқали тасвирлайди. Инсонлардаги қаҳрамонлиқни, одамлар онгининг ўсиши, қалбининг гўзаллашишини, даврнинг илғор, ғолиб руҳини, ёрқин белгиларини одамларнинг кунлик турмушидан топади. Ҳатто, Уйғун кўпгина драматик асарларига маълум оила аъзоларининг ҳаёти, курашини асос қилиб олади. Улар ўртасидаги тўқнашувлар ҳаётга, халқ манфаатига, жамият олдида турган муҳим вазифаларга, келажакка, муносабат тўғрисида юз беради ва шундай қилиб, ҳаракат, кураш доираси кенгайиб, бағрига бошқа одамларни ҳам тортиб кетади. Унинг пьесаларида иштирак этувчилар сонининг кўплиги, воқеа, ситуацияларнинг бойлиги ҳам бежиз эмас (тарихий темадаги пьесаларида ўттиздан ортиқ персонаж қатнашади, «Хуррият» каби замонавий асарларида йигирма олти персонаж бор, «Парвона», «Муқаддас бурч» каби психологик драмаларида 7—8 персонаж билан чегараланади). Унинг асарларидаги қаҳрамонлар шахсий тақдир халқ тақдирини билан узвий боғланиб кетган. Бу ўз-ўзидан драматургнинг пьесаларида кучли, тўлақонли характерларнинг яратилишига олиб келган, драматик конфликтнинг янада кескинлашишига сабаб бўлган айниқса қаҳрамонларнинг руҳий дунёсидаги курашни, мураккаб кечинмаларни — ички коллизияни тиниқ беришига ва бу коллизияларни асардаги драматик конфликтни янада кучайтиришга хизмат этган. Бу фазилятларни Уйғуннинг хотин-қизларнинг жамиятимиздаги катта ролини, уларнинг сиёсий, маънавий улғайишини ифодаловчи «Олтин кўл», «Ҳаёт қўшиғи», «Навбахор», «Хуррият», «Муқаддас бурч» каби драмаларида ҳам кўриш мумкин. «Муқаддас бурч»да «курмасдан майиб қиладиган», «отмасдан ўлдирадиган» жиноятчилар — «ниқобланган жиноятчилар»нинг маънавий қашшоқлиги кўрсатилади. Пулга, бойликка виждонини сотган бундай кимсаларни пок туйғулар, эзгу ниятлар қотили сифатида

талқин қилади, бош қахрамоннинг фожиали ўлими муаллиф ғоясини тўла ўтказишга бўйсундирилган. «Лақма» асари ҳам юқоридagi драма каби одамларни сезгир ва огоҳ бўлишга чақиради. Бош қахрамон тақдири орқали драматург «Муҳаббат учун, бахт учун курашиш керак», демоқчи бўлади. Асар «Олтин кўл» драмасы каби шуқуҳли, енгил ҳазил-мutoйибага бой бўлиб, шу кунги турмушимиз руҳини ҳаққоний ифодалайди. Ёки ғоявий йўналиши, дидактик пафоси жиҳатидан «Парвона» асари ҳам юқоридagi пьесаларга яқин. Унинг лейтмотивини Уйғуннинг 1943 йилда ёзган бир шеъридаги «Умрингни ҳазон этма ўтгувчи ҳавас бирлан, ишқ бошқа, ҳавас бошқа, бу йўлда хато қилма» деган мисралари ташкил этади. Драматург ўз қахрамонининг муҳаббати ва оилавий ҳаётининг фожиали тарихини бир сабоқ тарзида кўрсатади.

Уйғуннинг «Қопқон» асари билан «Абу Райҳон Беруний» драмасы ўртасида муштараклик мавжуд. Драматург «қопқон» сўзини кенг маънода — реакциян тузум меҳнаткашлар ҳаёти учун қўйилган мудҳиш қопқон, деган маънода ишлатади. Беруний ҳақидаги асарида ҳам улуғ аллома тили орқали «Дунё қонли тузоқ экан, мен ҳам тушдим тузоққа» дейди. Уйғун Беруний ва унинг замондошлари тақдирида ана шу эрксизликни, жаҳолатни кўрсатади. Драматург юқоридagi тарихий асарларида ҳам, Ибн Сино ҳақидаги янги асарида ҳам узоқ тарихни ҳозирги замон учун бир катта мактаб, зўр сабоқ тарзида бадиий талқин қилади. У Беруний тилидан «Истикболда яшаш қийин, билмай туриб ўтмишни, истиқболни ўйлаганлар ўтмишни ҳам ўйлайди, тарих бизга устод эрур, тарих бизга муаллим», дейди. Шунинг учун ҳам асар марказига тарихда икки хил ном қолдирган, бир-бирига ҳар жиҳатдан зид турган тарихий шахсларнинг тақдирини, ўзаро курашини қўяди: бири ўзининг буюк илми-маърифати билан инсониятни нурга чорлаган, олға етаклаган Беруний бўлса, иккинчиси кўп халқни хор-зор этган Султон Маҳмуд Ғазнавийдир. Навоий, Беруний ва Абу Али ибн Сино ҳақидаги асарларида Уйғун характерларнинг ёрқин, жозибали бўлишига эришади, уларни шароит, муҳит билан кескин тўқнашувда тасвирлайди, ҳам ташқи воқеалик, ташқи ҳаракат, ҳам ички коллизия, ички ҳаракатнинг фаол иштироки, бир бутунлигига эришади. Қарама-қарши қутблар ғоявий жиҳатидангина кескин тўқнашиб қолмай, оилавий томондан ҳам бир-бирига зид бўлади. Тўғриро-

ғи, оилавий иплар улар ўртасидаги курашни янада кучайтиради: «Алишер Навоий»даги Навоий — Гули — Хусайн Бойқаро йўналиши ёки «Абу Али ибн Сино»да Синонинг ўзининг ашаддий ғоявий душмани Абу Файсалнинг қизи Соҳибжамолни севиб қолиши, қизинг ҳам Сино васлига етиш учун интилиши асарлардаги драматизми, конфликтни ғоятда кескинлаштиради. Синонинг инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғломлиги учун, ҳақиқат учун олиб борган курашини фалсафий йўсинда бадиий талқин қилувчи бу пьеса адиб ижодида янги саҳифа бўла олади.

Уйғуннинг тарихий мавзудаги пьесаларида характерлар кўп қиррали қилиб тасвирланади, воқеа содир бўлаётган жой ҳам, вақт чегараси ҳам кенг, улардаги сюжет ҳам катта тарихий даврни қамраб олади. Бу нарсалар Уйғун пьесалари мазмуни ва ғоясида ётган эпик кўламни янада мустаҳкамлайди. Қахрамонларнинг актив интилишлари, қайноқ кечинмалари, жўшқин эҳтирослари, ранг-баранг психологик ҳолатлари қуюқ, қабариқли, патетик тарзда кўрсатилади. Уйғуннинг бундай пьесаларига алоҳида жозоба бахш этиб турган театрбоплик ва томошабопликнинг илдиизи шу ерда.

Драматургнинг замондошларимизга бағишланган асарларида таҳлилий психологизм кучли. Уларда патетика, кўтаринкилик ўрнини ҳаётни ўз шаклида кўрсатиш эгаллайди. Уйғун даврининг илғор одамларининг янгилик, гўзаллик, юксак туйғу ва порлоқ идеаллар учун фаол курашини кўрсатиш заминиде ўткир драматизмни келтириб чиқаради. Драматург ташқи муҳитнинг характерни ҳаракатлантирувчи ва тарбияловчи кучига катта аҳамият беради. Қахрамоннинг барча хатти-ҳаракати, интилишлари ва курашлари фақат унинг характеригагина эмас, балки айни чоқда уни ўраб турган муҳитга ҳам боғлиқ бўлади. Уйғун пьесаларидаги ўткир драматик конфликтни, кучли коллизияларни вужудга келтирган омил шунда кўринади.

Уйғун поэзиямизда алоҳида ҳодиса бўлган тиник, сержило, эҳтиросли шеърият орқали ҳам, ўткир мазмунли, теран драмалари орқали ҳам ягона мақсад, олий ният учун — она Ватан шону шавкатини улуғлаш, совет киши қалб гўзаллигини ифодалаш учун курашди. Бу — илҳоми ҳамиша баҳордек қайноқ, сероҳанг ва сербўёқ сўз санъаткори бутун борлигини табиатнинг шоҳи бўлмиш буюк инсонни бир улуғ ва эзгу тилак сари — коммунизм гулбоғлари сари ошиқиб чорламоқда.

## УЙҒУН ~ БОЛАЛАРНИНГ ДИЛ АРДОҒИДА

Ириқ санъаткорлар орасида болалар учун асар ёзмаганлари кам. Севимли шоиримиз Уйғун ҳам шундай. У ўзининг бепоен ижод боғидан болалар учун кўплаб гулдасталар ҳадея этган. Бу ҳадея ранг-баранг гуллардан, дил сўзларидан ташкил топади.

Сизни деб кирдиму шеърий чаманга  
Ранг-баранг ва хушбўй гуллар сайладим.  
Сизга атаб шеър ёзиш бахт менга,  
Сизга гулларимни ҳадея айладим.

Ғоят қувонардим: бўлаолса шеърим  
Қадрдон дўстингиз ва улфатингиз.  
Кичик ўртоқларим, тоғи тирикман,  
Қалбимда сақланар муҳаббатингиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир ёзувчи ўз асарлари билан болалар қалбини забт этса, уларга қувонч ва шодлик бахш этса бундан ортиқ бахт борми? Шоир Уйғун ана шундай бахтга эришган, болалар қалбидан ўрин олган, унинг севимли дўстига айланган ижодкор.

Уйғуннинг болалар учун махсус ёзилган шеърлари унча кўп эмас. Аммо унинг барча шеърларини ёшлар ҳам, катталар ҳам бирдек севиб ўқийди, ундан эстетик завқ олади. Чунки шоир том маънода инсон нозиклиги ва назокати куйчиси. Унинг ижодидаги кучли лиризм болаларга ёзилган шеърларида ҳам ўз изини қолди-

ради. Ҳар бир шеърда шоир маълум фикрни, ғояни жуда соддалик ва майинлик билан болаларга етказишга уринади. Зотан болаларнинг тафаккур олами ва кучи ҳам ёзувчидан шуни талаб қилади. Шоир «Икки она» шеърда Ватаннинг муқаддаслигини ва онанинг улуғворлигини бир-бирига таққослаб болалар онига сингдиради. Шеърдаги жажжи лирик қаҳрамоннинг икки онаси бор. Бири унга сут берган, иккинчиси ширин нон, бири унга тил бериб булбулдай сайратган, иккинчиси эса ўз бағрида авайлаб парвариш қилган, иккала онаси азиз ва улуғвор, муқаддас ва мўтабар. Бири унинг туққан онаси бўлса, иккинчиси қадрдон Ватани. Лирик қаҳрамон ана шу бир-бирдан ортиқ бўлган икки онаси билан ғурурланади, фахрланади. Улар олдида умри борича қарздорлигидан мамнун бўлади, ҳатто улар учун қурбон бўлишга ҳам тайёр:

Бири туққан онамдир,  
Иккинчиси хур Ватан.  
Иккисига баробар  
Қурбон бўлсин жону тан.

Бу шеърни ўқиган кичкинтойлар уруш нималигини билмайди, билмасин ҳам. Аммо, ана шу икки она деб жанг қилган ота-боболарини танийди, ана шу икки она деб фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган кишиларнинг номини эшитган, ана шу икки она деб кечаю кундуз меҳнат қилган ки-



Уйғун китобхонлар даврасида.

шиларни оз бўлса ҳам билади. Ана шу икки она деб фронтда, меҳнатда кўрсатган уларнинг жасорати ва садоқати бу ёш лирик қаҳрамонда ватанпарварлик туйғуларини кўзгатади, улар каби бўлиш ниятини рўёбга чиқаради. Шу тариқа шоирнинг икки она образи унинг «Менинг акам» шеърисида янада бўртиб кўринади, мукаммалашади, чинакам ватанпарварлик мотивлари билан бойийди:

Мен ҳам улуғ Ватанга  
Содиқ бўли қоламан.  
Акамнинг мардлигидан  
Мен ҳам ўрнак оламан.

Бу, ёш лирик қаҳрамоннинг ҳаваси эмас, айти истаги ва қасамёдидек ифода-ланган. Болалар доимо катталарга тақлид қилгиси келади, уларнинг мардлик ва қаҳрамонлигини такрорлашни, уларга ўхшашни севади. Буни эса боланинг ёши ва характери тақозо этади. Шунинг учун ҳам жанг қилиб, ғолиб чиққан ота ва акаларига ўхшашни чиндан ҳам орзу қилади. Шу йўсида шоир ёшлар қалбига Ватан туйғусини жо қилади.

Ёш қаҳрамоннинг она-Ватан олдидаги муқаддас бурчи ва фидойилиги, эътиқоди ва садоқати шоирнинг «Қасос» поэмасида ёрқин ифодасини топган. Бу асар улуғ Ватан урушининг қизғин кунларида 1944 йилда ёзилган. Маълумки, ўша йилларда ҳарбий мавзу Уйғун ижодининг энг муҳим қирраларидан бири эди. Бу мавзуда ниҳоятда кўп асарлар ёзди. У асарларда Ватанга муҳаббат, душманга нисбатан ўч ва ғазаб, ғалабага тўла ишонч, совет кишиларининг жанг ва меҳнат майдонидаги қаҳрамонлиги, улардаги ватанпарварлик ва садоқат каби хусусиятлар тараннум этилган. Кўпчилик асарлари қаторида унинг «Гўдакнинг ўлими», «Қизалоқнинг ўлими», «Ўғирланган ҳусн», «Инсон» каби қатор шеърларида эса мудҳиш уруш даҳшатлари ва ёш гўдаклар тақдири тасвирланган. Тўрт йил давом этган немис-фашистлар билан совет халқининг олиб борган ҳаёт-мамот уруши фақат катталар учун эмас, балки ёш гўдаклар учун ҳам даҳшатли оқибатларни олиб келди.

Уруш жанггоҳларида пионерлар ҳам алоҳида қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Худди ана шундай қаҳрамон пионерларнинг бири Коля ҳақида ҳикоя қилинади. Уйғуннинг «Қасос» поэмасида.

Асар тўрт қисмдан иборат, ҳамма қисмларда бир ягона ғоя — ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ғояси илгари сурилади. Поэма урушдан олдинги тинч ҳаётнинг тасвири билан бошланади. Колялар оиласи чегарага яқин бир қишлоқда яшайдилар. Ота-онаси колхозда ишлайди. Коля ва синглиси эса мактабда ўқийди. У бўш вақтларида ўрмондан гул, маймунжон териб келиб синглисини хурсанд қиларди. «Июннинг бир саҳари»да тўсатдан отилган тўплар овози, самолётда кўкдан ташланган ҳисобсиз бомбалар портлаши Коляни уйқудан уйғотади. Ҳали уруш нималигини билмаган Коля душман ўқидан қонига бе-

ланиб ётган мурдаларни, снаряд, бомба зарбидан вайрон бўлган қишлоғини, ўлжа излаб изғиб юрган фашистларни, танк остида мажақланган беғуноҳ болаларни, дорга осилган ҳамқишлоқларини кўради. Шоир асар қаҳрамони Колянинг кўз ўнгида бўлаётган бу даҳшатли манзарани бирин-кетин ҳаққоний тасвирлайди ва бу воқеалар орқали фашистларнинг халқимиз бошига олиб келган фожиаларни ёш ўқувчиларга содда вазн ва мисралар орқали тушунтиради. Фашистлар қишлоққа бостириб кирган кунийёқ «бўйи новча, бадқовоқ» бир офицер Колянинг отасини отади, онасини остиради, синглисини «девдай танкка бостиради». Коляни эса отмоқчи бўлади, отади ҳам. Тасодиф билан ўқ тегмайди, Коля ўрмонга қочиб улгуради.

Урушнинг дастлабки кундаги қишлоқнинг мудҳиш қиёфасини, кишиларнинг фожиали тақдирини изтироб ва қайғу билан чизади. Бир кечада юз берган бу мудҳиш ўзгариш орқали шоир ўқувчида босқинчи фашистларга нисбатан ғазаб, нафрат уйғотади, улардан қасос олишга ундайди. Айни ёш қаҳрамон Коля ҳам ўрмонга қочар экан, ундаги «қўрқув-даҳшат йўқолди», «қўрқув ўрнини мардлик, ғазаб ва қасос олди», вайрон бўлган қишлоғи, отонаси, сеvimли синглиси, ниҳоят ҳамқишлоқлари учун душмандан қасос олишга онт инади ва ўлган фашистнинг ҳуролини олиб, ўша малъун новча офицерни қидириб кетади. Шоир тасвирда энди Коля қасоскор, жасур қаҳрамон сифатида гавдаланади. Ниҳоят ўша ёвуз офицерни қидириб топар экан:

Пойлаб пешонасидан  
Унга қараб ўқ отди.  
Новча фашист шу замон  
Қора қонига ботди.

Коля деди: «Бу синглим  
Ва онаминг қасоси.  
Бу дўстларим, қушларим  
Ва отамнинг қасоси!»

«Энди қолган ёвларни булғалайман қонига» дея Коля партизанларга қўшилиб кетади. Дарвоқе Улуғ Ватан уруши йилларида партизанлар отрядларида жанг қилган қасоскор пионерлар кўп бўлган. Уйғун яратган Коля образи ҳам ўша ёш қаҳрамонларни эслатади, ўқувчида жасурлигига ҳавас ва муҳаббат кўзгатади. Шоир Коля образи орқали уруш йилларидаги ёш пионерларнинг мардлик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва душманга нисбатан ғазаб каби хусусиятларини акс эттирган. Айни чоқда бу асар ҳозирги ёшларни Ватанга, халққа садоқат, жасурлик, қаҳрамонлик руҳида тарбиялайди. Уйғуннинг ҳарбий мавзуда ёзган асарларининг тарбиявий аҳамияти ҳам асосан ана шунда.

Уйғун шеъриятининг мавзу доираси кенг, ранг-баранг. Унинг шеърларида фаслларни ёритиш етакчи ўрин эгаллайди.

Шоир табиатга муҳаббат туйғуларини болаларга тушунарли, содда қилиб етказиш мақсадида кўп ҳолларда фаслларга

мурожаат этади. Айниқса баҳор манзараларини шоир севиб куйлайди. Бу борада унинг «Қушлар келди», «Гул ўтқаздим боғимга», «Бойчечак», «Булбулча», «Лайлак» каби шеърлари диққатга сазовор. «Гул ўтқаздим боғимга» шеърида баҳор келиши билан «Сойда сувлар шилдираб», «Қушлар сайраб чулдираб» қолишидан завқланган бола «Мен ҳам қараб турмасдан, гул ўтқаздим боғимга» деб фахрланади. Шоир қушларга аталган шеърларида эса болаларни қушлар оламига олиб киради, уларнинг хилма-хил фазилатлари билан ошно қилади.

Уйғун ўзининг кўпчилик шеърларида диалог шаклидан унумли фойдаланади. Дарс тайёрлаётган бола булбул билан суҳбатлашади («Булбул»), баҳорда учиб келган қушларни ўз боғида меҳмон бўлиб қолишига таклиф этади («Қушлар келди»), бойчечак терганида унинг илтимосига қулоқ солади («Бойчечак»).

Диалог шаклида ёзган «Қорбобо» шеърида онасини сўзига кирмай, дарс тайёрлаш ўрнига эшикка чиқиб кетган ва совуқда таъзирини еган бола ҳолати тасвирланади.

Шоир қаҳрамони аъзойи баданидан ниҳоятда совуқ ўтиб, яна уйга қайтади, лекин нега бундай жазо олганини, кўчада ким қулоқ, бурнини чимчилаб олганини билмай онасидан сўрайди. Онаси шунда:

«Дарс тайёрла, эшикка чиқма» —  
Дедим, қулоқ солмадинг менга.  
Шу гуноҳинг учун Қорбобо,  
Яхши жазо берибди сенга,—

деб дакки беради.

Бир томондан онанинг таъкиди, иккинчи томондан Қорбобонинг «жазо»си болага таъсир этади ва у кунт билан дарс тайёрлашга берилади.

Уйғун ҳар бир шеърида муҳим бир тарбиявий ғояни тарғиб этади. Айни бу шеърида катталарнинг сўзига кириш, уларни ҳурмат қилиш ғояси Қорбобонинг болага берган жазоси орқали таъсирли ифода этилади. Шоир шу шеърида болалар характерида хос хусусиятларни очиб билган.

Хуллас, Уйғун фасллар ва қушлар ҳақида болалар кўнглини «ов»лайдиган қатор яхши асарлар яратиб, ёшларни табиатга меҳр билан қарашга ва уни авайлашга ундайди. Бу шеърларнинг қиммати шу билан белгиланади.

Уйғуннинг чет эл шарқи мавзуида яратган асарлари орасида болалар ҳаёти ва

қисмати хусусида фикр юритувчи шеърлари ҳам мавжуд. Унинг Ҳиндистонга қилган сафари натижасида яратилган «Шарқ ҳақида шеърлар» туркумида бу ўлка халқларининг ҳаёти, беқиёс манзараси, қадимий обидалари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу туркумга кирган «Оч болалар» шеърида Ҳиндистонда кўча кезиб юрган очланғоч болаларнинг ҳаёти акс эттирилган. Кўчаларда тўда-тўда бўлиб юрган оч ва яланғоч болаларнинг фақат «Қўл-оёқ ўрнида қора суяклар», «Қилтириқ бўйинлар, чақчайган кўзлар»игина қолгани, Ҳиндистоннинг келажаги бўлган бу болаларнинг оғир аҳволи шоир юрагини ларзага солади. «Наҳотки умрбод шодлик кўрмаса?» «Наҳотки қисматлари фақат очлик, ғам?» бўлса дея ўқинади. Шоирнинг «Тиланчи», «Дастурхонда қолди нозу неъматлар», «Менга таъна қилма» каби шеърларида Ҳиндистон ўлкасидаги меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи, кўча кезиб юрган очланғочлар, гадолар, ночорликдан дунёдан кўз юмаётган болаларнинг тақдири ғоятда ачинош ва изтироб билан чизилган.

Ана шу юракдан ачиниш натижаси ўлароқ шоир ўша жойда кўрганларини рўй-роқ қаламга олади. Айни чоқда Ҳиндистондаги ана шу очланғоч болаларнинг ҳаётини тасвирлаш орқали мамлакатимиздаги болаларнинг бахтли турмушини, коммунистик партиянинг ёш насларга қилаётган барча ғамхўрлигини улуғлайди. Совет болаларининг бахтли ёшлиги учун партияга садоқат руҳида тарбиялайди.

Уйғун фольклор мотивлари асосида ҳам бир қатор аjoyиб асарлар яратиб кичкин-тойларни хурсанд қилди.

Бу борада унинг халқ эртақ ва латифалари асосида ёзган «Ёлғончи чўпон», «Алданган афанди» сингари асарларини кўрсатиш мумкин. Шоир халқ орасида машҳур бўлган афанди латифаларини шеърга солиб, содда мисраларда болаларга етказди.

Умуман Уйғун қайси бир мавзуни қаламга олмасин ёш китобхонларнинг характери, тушунчасини ҳисобга олган ҳолда асарлар ёзиб, ўз ғоявий ниятини шу йўсинда амалга оширади. Уйғун серзавқ ва оташин шоир. Унинг шеърларини ўқиган ўқувчи бу асарларнинг ғоявий пок ҳамда теранлигидан, бадий юксак ва равонлигидан мамнун бўлади. Шоир ижодидаги ана шу етакчи фазилат болалар учун ёзган барча асарларида ҳам ўз аксини топади.



Иброҳим Ғафуров

## ПРОЗАНИНГ ШОИРИ

Саид Аҳмад катта прозамизнинг таниқли намояндаларидан. Унинг прозаси илғор қардош халқлар адабиётлари қаторида сафбаста туриб, кишиликнинг коммунистик идеалларига жавоб берадиган жамиятни қураётган янги замон одамларининг ҳаёти, курашлари, маънавий дунёсини ҳаққоний ёритаётган, замонавий улкан тажрибаларга эга бўлган улуғ адабиётлар ичига ўзига хос анъаналари, ўзига хос тажрибалари билан кириб бораётган; ўз мавқеи, ўз ўрнига эга бўлаётган ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифаларидан. Саид Аҳмад прозаси — изланишлардаги проза. Қирқ йилдан бери тинмай замон кишиси қалбига йўл топиш учун жон куйдираётган, илҳом ва ғайрат билан ишлаётган прозани ўз изланишлар мактаби бор. Мактаб бўлгач, унинг илдизлари, илдизларидан қувватланадиган анъаналари, илғор анъаналаридан ўсиб чиқадиغان янгиликлари бўлади, албатта. Саид Аҳмад прозаси намунасида адабиётнинг мана шундай магистрал масалалари хусусида тўла ҳуқуқ билан баҳс юритиш мумкин. Бу прозанинг яхлит қатламлари — том маънодаги замонавийлиги, халқчиллиги, миллий ўзига хосликларининг теранлиги, ўзининг бутун ғоявий-бадий қувватини давр кишиларининг маънавий оламини, руҳий дунёсини очишга қаратганлиги, хати, тасвир қобилияти, характер яратиш санъати, хатидаги жозибдорлик, жозибдорликда миллий анъанавий рангларнинг жуда қуюқлиги — унинг ўзбек совет адабиёти доирасида катта ҳодиса мавқеида туришидан далолат беради.

Хўп, Саид Аҳмад прозаси шундай адабий-бадий, маданий ҳодиса экан, унинг илдизлари қаярда?

Бу илдизлар албатта Ойбек, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор прозасига бориб тақалади. Лекин унинг прозаси на Қодирий ва на Ойбек прозасига ўхшайди. Яъни тугал ўхшашлик йўқ. Агар тугал ўхшашлик бўлганда, у мустақил ҳодиса даражасига кўтарилмасди. У доимо эргашиб юрадиган прозага айланарди. Одамларнинг ичида ҳеч қачон ўзи биринчи бўлиб чопмайдиган, лекин биринчи бўлиб чопадиганлари бор. Адабиётда ҳам шундай тоифа ёзувчилар бўлади. Улар доимо оригинал ҳодисаларга эргашиб юрадилар. Бу айб эмас. Бу ҳам меҳнат. Лекин бари бир унинг адабий номи бошқа. Саид Аҳмад эса ўзининг орқасидан эргаштира оладиган проза ярата олди.

Шундай қилиб тугал маънодаги ўхшашлик йўқ. Лекин энг ажойиб ҳол шуки, Саид Аҳмад прозасида шу уч улуғ адибдан, уларнинг беҳад олижаноб, мусаффо, ўта соғлом изланишларидан нималардир бор. Бу «нималар»нинг номини айтиб ифодалаб бериш жуда қийин. Лекин улар бари бир бор. Биз бу «нималар»ни яхшиси из деб атаб қўя қолайлик. От изини той босади. Бу излар аввало Саид Аҳмад прозасининг ички жозибасида ўз аксини топади. Росмана айтганда, Саид Аҳмад прозасига Абдулла Қодирийдан пластик тасвир туйғуси, Ойбекдан хаттий порлоқлик ва лиризм, Абдулла Қаҳҳордан лўндалик ўтгандир.

Бу «ўтишлар» айниқса, унинг «Уфқ» романида яққол кўзга ташланади. «Уфқ» эса Саид Аҳмаднинг катта китоби. Унинг умрининг мазмуни, ижодининг асосий қиммати шу трилогияда ифодаланган. Шунинг



Саид Аҳмад ўқувчиларига дастхат ёзиб бермоқда.

учун ҳам у катта китоб. Саид Аҳмад ижодини ҳодисага ва ҳодисадан ўта мактабга айлантирган китоб.

Саид Аҳмад ўзи севган ўша уч адибни, улар ижодиётини албатта ўз бағрига сингдириб олган. Лекин Саид Аҳмаднинг ёзувчи сифатида шаклланишига қаттиқ таъсир қилган адиблар билан бирга, фикр янада ойдинроқ бўлиши учун таъсирнинг конкрет доирасини белгилаб бериши мумкин бўлган асарларни ҳам айтиш ортиқчалик қилмайди. Саид Аҳмад ижодига фаёл таъсирини ўтказган асарлар ичида энг аввал «Шум бола», «Обид кетмон», «Қутлуғ қон», «Очилган қўриқ», «Сароб»ни эслаш керак бўлади.

Саид Аҳмад прозаси мана шу ўлмас воқеа аталган асарларнинг оригинал синтези...

Таъсир ҳақидаги фикрларни чуқурроқ таҳлил қилиш мумкин. Чунки устозлар очган йўлларнинг қанчалар шарафли ва қанчалар умрбоқий эканлиги шоғирдларнинг ишларида ўз ифодасини топади. Шу сўзнинг ҳурмати учун «Обид кетмон» ҳақида икки оғиз айтиб ўтайлик. «Обид кетмон» жуда илғор партиявий нуқтаи назар билан яратилган хассос асар. «Она» романи рус адабиётида янги прозанинг шаклланишида қанчалар буюк роль ўйнаган бўлса, янги замонавий, долзарб ўзбек прозасининг оёққа босишида «Обид кетмон» ҳам шунчалар улуғ аҳамиятга эга бўлди. «Обид кетмон»да ўзбек адабиётида биринчи ўлароқ социализмнинг соғлом ва беҳад ҳара-

катчан кучлари майдонга олиб чиқилди. Бу кучлар нечоғлик ҳаётбахш ва тарихни олға сурувчи кучлар эканлиги, келажак халқнинг бахти шуларнинг қўлида эканлиги ҳаққоний ёритиб берилди. Агар жуда диққат билан қаралса, бугунги бўлаётган ҳаётимиздаги жуда кўп улуғ ишларнинг барча куртаклари «Обид кетмон»да зухуротини топганлигини кўриш мумкин. Мулла Обид, Бердивой қанчалар янги кишилар! Уларда халқнинг энг соғлом яшашга, келажакни, янги тузумни қуришга қобил кучлари қайнаб ётади! Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида биринчи бўлиб социализмнинг девкор, ўз тили билан айтганда, «атанган ва ақловар» кишисининг образларини яратиб берди. Эски қишлоқнинг чириган устунларини қулатиб, янги устунлар майдонга чиқа бошлади. Абдулла Қодирий мана шу янги устунларнинг тарихан қанчалар қудратли эканлигини ҳаққоний ва реалистик тарзда акс эттирди. У биринчи марта меҳнатнинг бу қадар нашоли, бу қадар завқли эканлигини ёрқин картиналарда бадий кўрсатди. Буни тасаввур қилиш учун романнинг энг гўзал саҳифаларидан бўлмиш «Қуёш билан ҳам курашман» бобини кўздан кечириш kifоя.

Саид Аҳмаднинг ҳамма ёрқин қаҳрамонлари ўз ҳаётий томирлари билан қай бир тарзда бўлмасин Обид кетмонга бориб уланади. «Уфқ»даги Азиз, чўл ҳикояларидаги Чўл бургут, Урик домла, «Қадрдон далалар»даги Пўлатжон, «Чўл оқшомлари»даги Қўзивой сингари қаҳрамонлар

Обид кетмонга авлоддош ва қондош бўладилар. Улар ҳам Обид кетмон қаби ерни беҳад севадилар, ерни девқор меҳнатлари билан обод қиладилар, халқ бахтини ўйлайдилар, шу бахтни қўлга киритиш йўлида жонларини аямай тер тўқадилар. Уларнинг ерга, элга бўлган муҳаббатлари қалбда, онгда етилган муҳаббат. Улар нима учун яхши кўришларини, нима учун жон фидо қилаётганларини, нимага жонларини тикканларини яхши идрок қиладилар, яхши тушунтириб берадилар. Онгли муҳаббат уларни ғоятда доно ва билимдон қилиб қўйган. Улар тарихнинг иш билармон ва иш қилармон, иш ташкил қилармон кишиларига айланганлар. Обид кетмонда куртак ҳолида кўринган олижаноб нарсаларнинг бари чўл бургутларига ўтиб улар фаолиятида кўламдорлик касб этган, ўз тарихий миқёс ва параметрларини ўзгартирган. Саид Аҳмад ўзининг энг яхши асарларида халқ қалбидаги бойликларни, халқнинг теран миллий белгиларини чуқур очиб беради. Ерга муҳаббат, меҳнатга ўчлик ва ҳеч қачон синмайдиган адолат туйғуси— халқ қалбининг миллий бойликларидандир. Мана шу хислатлар халқни бағирдор ва яшовчан қилади. Унинг фарзандларига шухуҳ ва навқиронлик бағишлайди.

Чўл бургути — Раҳимжон кучини қаерга сиғдиришни билмайди. Урушдан қайтиб келган, керилиб кетади, ўтганнинг ўроғини, кетганинг кетмонини ола бошлайди. Урушга кетмасдан бурун ўзи билан аҳдпаймон қилган қиз бошқага — Нўмонжонга тегиб кетганлигини кўриб, бир оғиз сўзсиз янги келинчакни келинлик уйдан етаклаб, олиб чиқиб кетади. То ўзига муносиб иш, қанотларига муносиб майдон топмагунча тинчимайди. У чўлга чиқади ва чўл Раҳимжонга ўхшаган девқор, кучи айқириб ётган йигит-қизларнинг ғайратидан ларзага келади.

Саид Аҳмад ер билан тўш кериб, ўзини аямай ишлайдиган кишилар образини севиб тасвирлайди. У адабиётга шундай образларни олиб киради. Улардан жуда беғубор, жуда инсоний фазилатлар топади ва шу фазилатларни содда, лекин ғоятда ҳаётий қилиб тасвирлайди.

Меҳнатга ўчлик... у Саид Аҳмад қаҳрамонларини бошқача бир инсоний поғонага кўтаради. Фақат Раҳимжоннинг ўзигина меҳнатга ўч эмас: у ўз йигитларини ҳам, Ёғоч полвону Ҳожимуқону Тўппонча полвонларни ҳам ишга жазиллаб ёпишадиган қилиб тарбиялаган. Уларнинг кўринишлари идеал даражада эмас. Улар юзлари, кўрақларини чўлнинг қаттиқ шамоллари ялаб кетган кишилар. Чўл бургутининг ўзи ҳатто кўримсиз, ташқи қиёфасидан сира бургутга ўхшайди. Лекин улар ишлари, интилишлари, ниятлари билан бургутга ўхшайдилар. Уларнинг қалблари гўзал, меҳнат билан, фидокорлик билан бойиган, олижаноб бўлган қалблар.

Меҳнатга ўчлик... кучи оламга сиғмаган Азизхон фидокор меҳнат билан ҳаётда ўзининг чинакам ўрнини топади. Икром-

жон, Низомжон юракларининг қўри билан тинимсиз меҳнатга интиладилар. Уларнинг олижанобликка, инсонийликка ташна юраклари меҳнатда ором топади...

Низомжоннинг беғубор, пок севгиси лат еди. Уйдан чиқиб кетди. Одамлар ичига кирди. Икромжоннинг паноҳида тўқай очишга борди (бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз керакки, Саид Аҳмаднинг барча тилга тушган асарларида қаҳрамонлар ер оцадилар, ўзларини катта ишларга қодир бир жиҳатлардан кўрсатадилар). Шунда Икромжон унга ҳозирча каналдан сув ташиб юришни топширади. Низомжон: «Мени энг оғир ишга қўйинг. Илтимос қиламан... Бир ишлай», деб эланади Икромжонга.

Синган бутоққа ўхшаб турган Низомжон абадий тириклик сувиға интилгандай меҳнатга интилади. Унга ҳозир меҳнатдан бошқа ҳеч нарса керакмас. У ўзини одам деб ҳис қилиши учун, ўзини курашаётган, меҳнат қилаётган фидокор элнинг бир бўлаги деб ҳис қилиш учун шундан бошқа нарса керакмас. Шунинг учун у: «менга ҳеч нарса керакмас... нимаики ишлаб топсам, колхозга. Меҳнат ҳақи ҳам керакмас!»— дейди. Оғир ҳаёт, бошига устма-уст тушган кўргиликлар Низомжоннинг қалбини жуда эзиб юмшатиб қўйган. Шу олижаноб сўзлар жуда самимий ва ўлар ўша эзлишлар туфайли туғилганлар.

Лекин ер очиб туйғусининг ўзи инсоният учун беҳад олижаноб туйғу. Рус ёзувчиси Виль Липатовнинг «Жуда узоқ туш» деб аталган ҳикоясининг қаҳрамони, дунёнинг кўп аччиқ-чучугини кўрган Тўқсон саккизга кирган деҳқон Евлампий Крилов ўлим олдидан авлодларига шундай сўзларни айтади: мен дунёда кўпни кўрдим, ўзимни жуда бахтли одам деб биламан. Хотинлар ҳам одамни жуда бахтиёр қиладилар, ичкилик ҳам ўзига яраша бир бахт, фарзандлар кўрдим. Булардан ортироқ яна қандай бахт бор? Хотинлар, самонгон, фарзандлар — ҳаммаси яхши, лекин булардан кўра ҳам, ўн тўққизинчи йилда ер очганим эсимга тушади. Қўёш кўкда пориллаб ёниб турибди, ердан жуда тотли бир нафас келади, от ҳиди димоғга урилади. Мана шу ҳаммасидан ҳам зўрроқ, каттароқ бахт эди!

Ҳа, инсон ер билан бахтли. Бу ер очишга интилишдан туғилган жуда антиқа туйғу! Икромжон тўқайга чиқиб, ўғлининг аянчли тақдирини ўйлаб йиғлаб ётади. Низомжон эса уни қандай қилиб овутишни билмай унга қўшилишиб йиғлайди. Икромжон бошига ёғилган оғир таъналарни кўтаради. Ҳатто уйининг деворига: «Хоиннинг уйи!»—деб эзиб кетганларида ҳам аламини ичига ютади. У ҳалол меҳнатдан мадад ва малҳам топади.

Низомжон тўқай оцаётганларида ўзига ўзи шундай аҳд қилади: «Ишлаш керак. Жуда кўп ишлаш керак... Ишлайди, ишлаб чарчамайди. Чарчаса ҳам ишлайди. Ётиб қолса ҳам ишлайди. Шовқинсиз, писанда-сиз ишлайди»... Тоға эса Икромжонга қара-



та шундай сўзларни айтади: «Яшашимиз керак. Кўп ишлар қилишимиз керак... Уруш нуратган деворларимизни урайлик. Эҳ-ҳе, қиладиган ишимиз кўп. Улимдан гапирма...»

Булар ишлаш туйғуси билан яшайдиган одамлар. Уларда меҳнат қилиш, меҳнатга қараш туйғуси жуда мукаммал тарбия топган. Саид Аҳмад ўз қаҳрамонларини бошқарган меҳнат психологиясини ва бундан чиқиб келадиган маънавий-руҳий фазилатларни теран гавдалантиради.

Саид Аҳмад меҳнат қилиш истаги эътиқодга айланган қаҳрамонлар сирасини адабиётга олиб кирди. Шу эътиқод миллатни бирлаштириб турадиган улуғвор ва ўлмас белгилардан эканлигини ўз асарларида ҳаққоний гавдалантирди. Меҳнат Саид Аҳмад қаҳрамонларини завқли, ошиқ қаҳрамонлар даражасига кўтаради. «Боя домла ўрик ҳақида қандай тўлиб-тошиб гапирган бўлса, Бургут ҳам қулфи дили очилиб, чўл ҳақида шундай мириқиб гапирар кетди. У шундай яйраб гапирар эдики, етук бир шоир ҳам чўлни унчалик таърифлай олмас эди», деб ёзади Саид Аҳмад «Ўрик домла» деб аталган ҳикоясида.

Саид Аҳмад ижодкор сифатида мана шундай меҳнат юрагини шоир қилган кишиларни тасвирлашни, уларнинг қалбларини очишни, уларни ҳаракатга солган ва ер юзида муборак ўринларини бор қилган маънавий гўзалликларни кўрсатишни севади. Ва кўп ҳолларда у ўз қаҳрамонларига эргашиб кетади, бизнинг кўз ўнгимизда ўзбек деҳқонининг ҳаётини куйлаган носир-шоир сифатида буй кўтаради.

Саид Аҳмад ўз қаҳрамонлари ҳаётини, интилишларини халқ ҳаёти, халқ ҳаракати ва интилишларига чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Унинг асосий қаҳрамонлари ҳаёти билан халқ ҳаёти ўртасида ажиб бир уйғунлик вужудга келади. Мана шундай уйғунлик яратолганидан у ўлка ҳамда умумхалқ миқёсида рўй бераётган катта тарихий воқеаларни ҳаққоний ва ишонarli қилиб гавдалантиришга эришади. Шу ҳол унинг йирик асарлари ва айниқса, чўл кишиларига бағишланган ҳикояларида, уларнинг мундарижасига бадий салмоқ бағишлайди.

Чунончи, «Уфқ»даги Азизхон эл бошлаган ишнинг улуғвор оқимига киргандан, эл сафида туриб, элнинг улуғ манфаатини кўзлаб ишга шўнғигандан сўнг ўзини инсон деб ҳис қила бошлади. Унда қадр-қиммат туйғуси пайдо бўлди. Унинг яйдок, бевош мардлиги матонатга, ғайрати шижоатга, имони фидокорликка айланди. Азизхонда мудраб ётган соғлом, қудратли куч элнинг қаторига кирганда, эл нафасини сезганда, эл қудратига қўшилгандә уйғонди ва онгли бир моҳият касб этди. Саид Аҳмад янги замон кишисида соғлом халқчил хусусиятлар замирида янги маънавий ўзгаришларнинг туғилиши ва шакллана боришини жуда ҳаётий ва жуда миллий ўзига хос муҳитда чизади. Азизхон ўзидан онгли кишига чеврилгани йўқ. У

халқдан, халқнинг соғлом ҳаракатидан, интилишидан ибрат олиб ўзгарди.

Худди шундай гапларни трилогиянинг бошқа бир асосий қаҳрамони Низомжон ҳақида ҳам тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкин. Шу юрагини ғусса боғлаб ётган дардли йигит то халқнинг улуғ оқимига қўшилмагунча, халқ билан сафбаста, бирга бориш, ўзини шу халқнинг соғлом ва тўлақонли бир аъзоси деб ҳис қилиш бахтига эришмагунча қанчалар увол, қанчалар ғариб, бечораҳол бўлиб юрди. Айрилиқ, алам, хўрлик унинг бошига тоғ кўчкисидек ёғилди. Икромжонга ўхшаш дардлининг дардкаши бўлоладиган, одил, диёнатли, кўпни кўрган, метин иродали одамларга дуч келгандан кейингина у кўчки остидан чиқолди. Ўз юрагида куртақлиб ётган олижаноб интилишларига йўл очолди. Ҳаётнинг қандай синоқларидан ўтмади Низомжон! Шундай синоқли ишларни кўра-кўра элнинг хизматига ярайдиган, унинг оддий, лекин жуда софдил бир аъзоси бўлиб етилди. У манфаатпарастлик маддалаб кетган, очкўзлик, ҳасислик, мол йиғиш тўла-тўқис шафқатсизликка айланган бир муҳитда ўсди ва молпарастликнинг даҳшатларини ўз кўзлари билан кўрди. Кўрди-ю, абадул-абад ўз манфаатидан воз кечди.

Шуни қатъий таъкидлаш керакки, Саид Аҳмаднинг Азизхон, Низомжон, Икромжон, Ўрик домла, Қўзвой, чўл бургути сингари қаҳрамонлари том маънодаги халқчил қаҳрамонлардир. Бу нарса уларнинг қарашларида, феъл-атворларида, интилишларида, ақидаларида, одамларга муносабатларида, барча хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Халқчиллик бундан ҳам кенгроқ маънода Саид Аҳмад асарларининг бўгин-бўгинига сингиб ётади деб баралла айтиш мумкин. Саид Аҳмад шафқат, муруват, бағри кенглик, фидокорлик, меҳнатга қобиллик сингари халқ маънавий соғломлигининг асосини ташкил қилувчи хусусиятларни трилогия саҳифаларида, «Ҳукм», «Қадрдон далалар», «Келинлар кўзғолони» сингари асарларида, етук ҳикояларида кенг бадий таҳлил қилади. У ёзувчи сифатида мана шундай маънавий-ахлоқий масалаларни кўтариш ва ҳал қилишга асосий эътиборини қаратади.

Шу маънода у бизнинг адибларимиз ичида энг дидактик адиб бўлиб кўринади. (Кўпгина адабиётдан бохабар одамлар, китобхонлар ва ҳатто ёзувчиларнинг ўзлари ҳам дидактика деганда аллақандай зерикарли, меъдага теккан насихатбозликни тушунадилар. Лекин бадий ижодкорликнинг асл томирларида дидактика ҳаракат қилади. Дидактика олижаноб маънодаги барча бадий асарларга хос. Лекин шундай ёзувчилар бўладикки, уларнинг ижодиётлари ва ижодий қизиқишларида дидактика асосий йўналишини ташкил қилади. Улар ўз асарларида очикдан-очик дидактик мақсадларни кўзлайдилар ва илгари сурядилар. Уларнинг талантлари шу йўналишда катта самаралар беради. Чунончи,

Ўзбек прозасида Саида Зуннунованинг асарлари шундай принципиал дидактик йўналишга эгаллиги билан ажралиб туради. Дидактика кўзда тутилса-ю бунга юксак бадий таъсирчанлик билан эришилса, бундай йўналишдаги асарларнинг халқ руҳини тарбиялашдаги аҳамияти беқиёс баланд бўлади. Саида Зуннунова шундай ёзувчи эди). Олижаноб, ҳаракатчан, таъсирчан, бадий жозибадор материалдан келиб чиқадиган кучли йўналишга эга дидактика Саид Аҳмад асарларига маънавий бир жўшқинлик бағишлайди.

Саид Аҳмад ижодидида дидактика билан лиризм, қизиқчилик билан сентименталлик мўъжизий бир тарзда бирлашиб кетади. Ажойиб томони шундаки, Саид Аҳмад прозасининг мана шу услубий хусусиятлари бир-бирига халал бермасдан, бир-бирини туртиб чиқармасдан, аксинча, бир-бирини тўлдириб, бўрттириб, таъкидлаб келади ва... кези келганда, кўп ўринларда бир-бирининг айбини ёпиб кетади... Сентиментал ҳиссиётлар ҳаддан ошаёзган жойларда ўртага кутилмаганда қ о д и р и ё н а беғубор ва ўткир олтин кулги аралашади ва у ғалати бир тарзда сентименталлигининг захрини йўқотади. Ёки баъзан дидактик мотивлар меъёридан ошиб кета бошлаган чоғда тасвир кутилмаганда ажиб лирик чеккинишлар, гўзал юрт манзаралари билан алмашади. Драмалар мелодрамага айланаёзган, чучмаллашаётган, ачимсиқроқ бир тутун чиқара бошлаган бир дамда ёзувчи ўзининг энг синалган қуролларидан бирини ишга солади. Биз шунда публицистик пафос билан тўлган автор нутқига дуч келамиз ва кўз ўнгимизда мелодраманинг чучмал тутуни тарқала бошлайди...

Саид Аҳмад тасвир ичига кулги сочишни жондан севади. У китобхонларини яйратиб кулдирмагунча ёзаётганидан кўнгли тўлмай туради.

Саид Аҳмад тўлгин ҳиссиётли ёзувчи. У ҳамма асарларида қаҳрамонларининг ҳаётига, бўлаётган воқеаларга аралашиб кетаверади. У қаҳрамонлари билан бирга

нафратланади, бирга севинади, бирга кулади, бирга йиғлайди. У ўз авторлик муносабатини жуда очиқ ифодалайди. Ҳатто энг холисона бўлиб кўринган тасвирларида ҳам Саид Аҳмаднинг нафрати ёки муҳаббати, воқеага, қаҳрамонга бўлган муносабати ўзини ошқор қилиб туради. Бу ёзувчидан жуда нозик тактни, меъёр туйғусини талаб қилади. Шундай туйғу ва такт бўлмаса асар жуда зерикарли ва холис кайфиятдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Лекин Саид Аҳмаднинг асарга авторлик аралашувлари унинг услубига жуда сингиб кетган. У аралашмасдан, ўз муносабатини очиқ ифода қилмасдан туриб ёзолмайди. Персонажлари розолатда ҳаддан ошганда — ўзи билмай қолади — уларни сўқиб юборади, лаънат ёғдиради. Қаҳрамонларининг жонидан алам ўтиб кетганда, уларнинг бошларини сийдайди, уларга мурувват дарвозаларини очади, йўл кўрсатади. Шунданмикин, Саид Аҳмад қаҳрамонларининг вужудида ёзувчининг безовта юраги гулдираб уриб тургандек бир таассуротдан одам ҳеч қутулолмайди.

Саид Аҳмад прозаси одамни ҳам кулдирди, ҳам йиғлатади, шу билан бирга юракларга эзгулик нашъасини олиб киради, яъни ҳам севишга, ҳам нафратланишга ўргатади. Бу проза бошдан оёқ инсонга шафқат ва мурувват билан суғорилган бўлиб, у ўз ибрати билан одамни ҳам олижаноб, ҳам инсонга меҳрли бўлишга чақиради.

Саид Аҳмад ўзбек насрининг шоири. Шу қадим ва беҳад гўзал юртнинг хассос рассоми. У шоир сифатида ҳам, носир сифатида ҳам, рассом сифатида ҳам ўзбек халқининг ижодкор ўғли, у соддаликни севади, соддаликни улуғлайди — инсонни инсонлик шарафига эриштирган барча олижаноб соддаликларнинг поэзиясини куйлайди.

Шулар баробарида бу проза ўзбекка жонажон. Шулар баробарида ўз қаҳрамонларига бу қадар ўхшайдиган Саид Аҳмад миллионлаб китобхонларига жонажон.

## Турғун Азизов,

Ўзбекистон халқ артисти,  
СССР Давлат мукофотининг  
лауреати

# ҚАЛБ ЭҲТИРОМИ

Саид Аҳмад ҳақида ёзиш. Бу фикр мени аввалига уйлантириб қўйди. Чунки мен адабий танқидчи ҳам, олим ҳам эмасман. Лекин шу билан бирга кўнглимда адабиётимизда ўз ўрни ва мавқеи бўлган таниқли ёзувчига бўлган қалб эҳтиромим-

ни билдириш ҳисси ҳам бор эдики, бу туйғу мени тўлқинлантириб хуш ёқди. Ёзувчи Саид Аҳмад аллақачонлар китобхонларнинг меҳрини қозонган эди. Эндиликда унинг ёнига драматург сўзи ҳам қўшилиб, у томошабинларнинг ҳам ҳурмат ва эъти-

борини тортди. Саид Аҳмаднинг бу соҳадаги дастлабки асари «Келинлар кўзғолони» комедияси биринчи бор бизнинг Ҳамза номидаги Ленин орденли академик театримизда сахналаштирилди ва унинг доимий «мулк»ига айланди. Комедия қаҳрамонлари бугунги кунда кўпгина қардош республикалар театрларининг сахналаридан сўзлаб томошабинларнинг кўнглини яйратиб олқишига сазовор бўлмоқда. Асарнинг фазилати, сеvimли бўлишининг сири унинг халқоналиги, комик ҳолатларнинг ранг-баранг бўёқларда акс эттирилганлиги, қаҳрамонлар гапининг кескин диалоглар асосига қурилганлиги, сўз ўйинлари, қочиримлар, воқеаларнинг занжирли ривожланиши билан белгиланади. Муаллиф ўзи тасвир этаётган воқеликни яхши билади, қаҳрамонларнинг шу воқелик ичида содир бўлаётган кайфиятларини ўзига хос ҳолатларда гоҳ кескин, гоҳ енгил кулги йўсинида маҳорат билан очади. Миллий калорит ҳамда халқчил юмор асарнинг янада ҳаётийлигини оширган. Комедиянинг яна бир сири борки, яъни муаллиф ундаги қаҳрамонларни маълум ижрочиларга айнан мўлжаллаб яратгандек туюлади.

Асарнинг сахнадаги «ҳаёт»ини барқарор

этишда ёзувчи билан ҳаммаслаҳат иш олиб борган спектаклнинг постановкачи режиссёри Баҳодир Йўлдошев ва ролларни ижро этган санъаткорларнинг хизмати катта, албатта.

Асарни сахналаштириш жараёнида кўп ҳолларда кўндаланг турадиган ким асосий, яъни драматургми, постановкачими, рассомми ёки ижрочиларми деган масалага ҳожат бўлган эмас. Ана шу «қатнашчи»ларнинг бирлиги туфайли томошабинларга қизиқарли, ажойиб, етук спектакль совға қилиндикки, у ҳануз тобора қадр топиб бормоқда. Саид Аҳмад ўзининг биргина шу драмаси билан бизнинг коллективга қўшилди ва эндиликда унинг доимий ажралмас аъзосига айланиб қолди.

Бу — «Келинлар кўзғолони» асарининг театр юзини кўриш жараёнидан воқе бўлган бир санъаткорнинг фикри холос.

Мен сеvimли ва ардоқли ёзувчимиз Саид Аҳмадга шу қутлуғ ёши арафасида янада ижодий баркамоллик тилаб, театримиз коллективини, «Келинлар кўзғолони» сингари қизиқарли, ҳамда ўзига хос бой дунёли қаҳрамонлар характери яратилган асарлар билан хушнуд этишларини истаб қоламан.

Мирмуҳсин

## ЧЕХОВОНА...

Ёзувчи Саид Аҳмад ижодини ўрганиб, фикр айтаётган адабиётшунослар умуман маъқул иш қилишмоқда, бу талант эгаси ҳақида ҳам кенгроқ, чуқурроқ фикр айтиш, тарғиб этиш вақти келган. Олтмиш ёш... Мендан бир ўртоқ сиз Саид Аҳмадни кўпдан биласизми, деб сўраса, мен ҳазиллашиб, ҳа, юз йилдан буён биламан дердим.

Саид Аҳмад жонон йигит, мулла Тўйчи Ҳофизу Юнус Ражабийдек ҳар хонадонга таниш, ҳар тўйнинг гули...

У шеър ҳам ёзган, дoston ҳам. Унинг «Дўли қиз» дostonи ўттизинчи йиллар ўрталарида яратилган ва ҳамон ёдимда. Менинг азизим рассомчилик ҳам қилган — ҳозирги таниқли рассомлар Саид Аҳмаднинг ўзига хос рассомлигини эслашади. У мухбирлик ва фоточилик ҳам қилган... Рақсга ҳам яхши тушади... Бирон олий мактабнинг тил-адабиёт факультетини тамомлаб, мен энди адабиётчи бўлишим керак деб у адабиёт саройига анкета талаб қилиб келган эмас. У ҳаёт дорилфунунини аъло баҳо билан тамомлаб, ҳеч кимга даъвоси йўқ, қалби кенглик билан

адабиётга келган. Улуғ Максим Горький чақирғи билан адабиётга келгандай, ҳамон қўллари қадоқ, роман ҳам, пьеса ҳам, киносценарий, мақола, очерк, интермедия... Хуллас халқимизга даркор бўлган ҳамма ишни қилади. Керак бўлса, звено бошлиғи бўлиб пахта ҳам экиб бериши мумкин. У шунинг учун туғилган. Агар уни «ишдан бўшатилса» бошқа борадиган жойи йўқ, унинг бор-йўғи шу адабиёт, шу Ёзувчилар союзи. Лекин унинг яна бир ажойиб фазилати ҳақида гапирмоқчиман. Азизим ҳажвда ҳам беназирдир. Қалам кучи билан кулдириш ёки аччиқ ҳажвга олиш адибдан катта маҳорат талаб қилади. Енгил кулки ёки фош этувчи — тиғи бурро ҳажвнинг аҳамияти жуда катта. Қадим бизнинг адабиётимизда ҳажв билан шуғулланмайдиган адиб ва шоирнинг ўзи йўқ эди. Адиб деганда айниқса ҳажвий қалам соҳибни тушунарларди. Умум адабиётимизга бундоқ қараганимизда, ҳозир Степан Олейник, Леонид Ленч, Сергей Михалков, Саид Аҳмад... у ёқ-бу ёққа қарайман, шундақа улкан ҳажвчи санъаткорни кўрмайман. Дўстимнинг сал-пал танбаллиги бўлмаса, кўпгина яхши


ҳажвий асарлар дунёга келган бўларди. Кучи етмай баъзи ўртоқлар кишини қитиқлаб кулдиришмоқчи бўлади. Бу, ҳажв эмас. Уқиб туриб, ичдан портлатиб кулдирадиган, нишонга тўғри урадиган, чеховона маҳорат билан ёзилган ҳажвлар керак. Дардни топиб, жарроҳона наштар урилса, бу, ҳажвдир. Тухматга ўтиб кетмай, касал вируси эндигина тарқалаётгандаёқ ҳажв ўти билан куйдирамиз. Мана бу ишда Саид Аҳмад ҳикоялари, миниатюралари халққо яхши хизмат қилмоқда.

У мана шунақа уста адиб. Унинг «Ханка — Танка», «Урик домла», «Чўл бургути», «Музикали воқеа» сингари кўп ҳикоялари, миниатюралари, «Келинлар қўзғолони» пьесаси, «Уфқ» романи, «Ҳукм» ва бошқа асарлари билан баробар туради. Қадрдонимга, «Ҳой, азизим, сенда худо берган

ўткир ҳажв бор, кўпроқ ҳажвий ҳикоялар ёзсанг-чи!» дейдиган бир «шунос» йўғ-а! У, танқидчиларни жуда яхши кўради. «Келинлар қўзғолони»дан кейин театрға яна икки-уч шундақа асарлар ёзиб бериши, газета-журналлар саҳифасида ҳажвий ҳикоялари тез-тез чиқиб туриши керак.

Саид Аҳмад *ЗҶР ЁЗУВЧИ* (курсив меники, М. М.) Дўстимни майдонга тушган полвонлардек кучиб, ўпиб, бир кўтариб қўяман. Энг муҳими белинг бақувват бўлсин, деймиз. Олтмиш ёш нима деган ёш, окуси, ҳали кўп бунақа ёшларни кўрамиз. Ҳажвиёт майдонида бошқа полвонларни йиқитабергини йиқилмагин! Мана бу керак, бошқаси бир гап бўлар. Тўқсон тўққизга кириб, соқолингга туплаб, қитиллатиб асар ёзабергин дейман, дўстим!





## Ҳайитбой Азимий

### БЎЛМАГАЙ

Тушса саз носаз қўлига яхши бир саз бўлмагай,  
Тўрга ўтмоқ бирла нодон аҳли устоз бўлмагай.  
Қим саҳоват боғида унгай мисоли бир тикан,  
Кетса нокас ҳаққи ҳаргиз, ёзи ҳам ёз бўлмагай.  
Сен ишон доим ўзинга, кутма нокасин нажат,  
Тушда учган бирла ҳеч ким билки, дарбоз бўлмагай.  
Давлату мансабдин ўзни ҳар томонга ташлама,  
Қамтаринлик зийнатидин давлатинг оз бўлмагай.  
Бахт қуши қўнгай бошинга илму меҳнатдан-ку лек,  
Феълингга сен эҳтиёт бўл, кетса бахт боз бўлмагай.  
Дўсту содиқ ҳам садоқатли азиз ул ёрни  
Зарварақиға битур дил, гарчи қоғоз бўлмагай.  
Эй, Азимий, эл аро сен яхшилиқни мадҳ қил,  
Англаса мадҳинг сирин гар, нохуш алпоз бўлмагай.

### Фазилат бу

Қўнгил ҳукмига бўл содиқ, чин инсоний фазилат бу,  
Эду юрт ҳурмати, эъзозига етмоқ камолот бу.  
Падар ҳам волиданг мақсудини дилдан бажо этсанг,  
Алар рози, элинг рози, топилмас бир саодат бу.  
Қиши бошига ташвиш тушса, ҳамдарду таянч бўлмоқ  
Нишона эзгуликдин, тоза қўнгил — олий ҳиммат бу.  
Тузиб паймонни дўсту ошиноликка биров аввал,  
Заҳар гар ютмаса дўст-чун, номардлик ҳам хиёнат бу.  
Сен ўзга бахтининг вайронасида қурма қошона,  
Сароб аркинг ҳузур кўрмас, муваққат бу, қабоҳат бу.  
Азимий, ҳар кишининг йўлдоши бўлсайди уч гавҳар:  
Бир дўсту, бири ёру, бириси яхши ният бу.

## Кўнгил торидан

Бўлма дилтанг қаҳратон қиш қоридан,  
Норасонинг ҳийла, макри-коридан.

Лолазор бўлгайки чўл, келса баҳор,  
Қолмагай из қаҳратон абгоридан.

Ҳар фаслнинг бор жилоси ўзга хос,  
Фарқ не бебаҳрага, йўқ-боридан.

Қутмагил лутфу карам ундин сира,  
Бўлди нокас, қилмиши-бадкоридан.

Ганждин аъло садоқат ҳам вафо,  
Не йигит кечгайки номус-оридан.

Эй Азимий, туз расолаз базмини,  
Йўлла назминг анга кўнгил торидан.

## Ҳеч бири

Ухшамас дилбаримга дилдорларнинг ҳеч бири,  
Маҳлиё этмас пари рухсорларнинг ҳеч бири.  
Забт этолмайдир дилимни гар малак авлодидан,  
Ишқ аро ўртанган ул иқдорларнинг ҳеч бири.  
Севдим деган бир сўзи мутлоқ менга кифоя,  
Етмас дилимга асло гуфторларнинг ҳеч бири.  
Мансабу давлат ва зар ёр олдида беқадр,  
Меҳрин баҳосин билмас миқдорларнинг ҳеч бири.  
Аҳдидан тонар мардум — лабзи ночор мен эмас,  
Бари оҳим тилда, йўқ асрорларнинг ҳеч бири.  
Аҳду вафо, садоқат ошёнидур диёрим,  
Ишқ йўлини тўсолмас инкорларнинг ҳеч бири.  
Раъно гулнинг Азимий, мангу мафтуни ўзинг,  
Ҳеч сифмагай бир дилга такрорларнинг ҳеч бири.

## Аҳбоб эмас

Тушса савдо бошинга сўрмаган аҳбоб эмас,  
Ҳамдам эрмас адолат, ҳаргиз ул арбоб эмас.  
Меҳринг ила элга чин сидқидил меҳнатда бўл,  
Қиз-йигитга обру атласу кимхоб эмас.  
Олса кўнгил бевафо, комиронликдур гумон,  
Кўзлари юлдуз эмасдир, юзлари офтоб эмас.  
Бир хил одам даврада кўрсатур доно ўзин,  
Сўхбатин охирида билгаймиз ул ноёб эмас.  
Ваъда этса бевафо, тинглама эй, Азимий,  
Ичмагил қўлдин шаробин, чунки у гулоб эмас!



Ойдин Ҳожиева

## Орзу бозларини менинг

### Қизчаларнинг уйчалари

Қўшнилар қатори ишга шошаман,  
Узун зиналардан  
Хаёлчан тушаман.  
Бир лаҳза тўхтайман:  
Қўз ўнгим кетади чарақлаб:  
Диққатим тортади —  
ярақлаб

уйчалар.

Оқ бўрда чизилган,  
бежирим:  
Ана остонада аста куй чалар  
Болалик аталган

эрка тақдирим!

Уйчаларда ёзув: «Юлдуз ва Шахло».  
Бирида «Ҳилола». Бири — «Озода».  
Гўдаклик яратган ижод — мусаффо,  
Орзу уйлари бу кўҳна дунёда!  
Оппоқ чизиқлардан ўтаман бир-бир,  
Ҳамма уйчаларда бўламан меҳмон.  
Қизчалар мактабга кетишган ҳозир,  
Чуғурлаб келишар кун оққан замон.  
Мириқиб ўйнашар

то оналари

Ҳай-ҳайлаб, ўйинни бўлмагунича.  
Улар гап уқишмас,

то «хона»лари,

Митти юраклари тўлмагунича.  
Ишдан қайтарканман тажанг ва ҳорғин,  
Қалбимга бир қувонч қуйилар ёрқин,  
Мени руҳлантирар сеҳрли бир куч,  
Яна уйчаларга келганимда дуч...

Гўё остонада қувноқ куй чалар  
 Болалик беозор, беғубор, хушвақт.  
 Қизалоқлар қурган оппоқ уйчалар  
 Орзуларга бешик бўлсин ҳамма вақт!

## У дафтар

Гўдакликда бир пайтлар  
 Шеър ёзгандим бир дафтар...  
 Қўғирчоғим беркитиб  
 Юргандай дугонамдан,  
 У дафтарни сир тутиб  
 Юрар эдим онамдан.  
 Онам бир куни саҳар  
 Жўнадилар районга.  
 Қайтдилар намозигар  
 Тушганча ҳаяжонга:  
 — Ола келдим мен сенга  
 Дафтар-қалам, — дедилар. —  
 Ёзганларингни бунга  
 Кўчир, болам, — дедилар.  
 Кўзларида негадир  
 Мўлтирарди азоб-мунг.  
 Дафтаримга бирма-бир  
 Уша нигоҳ кўчди сўнг.  
 Бир кун опам дафтарим  
 Олиб қочиб ўқиди.  
 Доим мунис кўзлари  
 Оҳ, ўшанда ўқ эди.  
 «Маҳмадана, — деди у,  
 Ўзбошимча, эси йўқ,  
 Онам дардин ёзма!» — деб,  
 Андаккина қилди дўқ.

Кетди онам мадори,  
 Сочлари ҳам бўлди оқ.  
 Кўп аскарлар қатори  
 Акам қайтмасди бироқ.  
 Бир кун онам ҳижжалаб  
 Дафтарим ўқибдилар,  
 Яна акамни эслаб  
 Кўз ёши тўкибдилар...  
 Гўллик ва қаҳр билан  
 Утга отдим барини,  
 Гўё ёндирган эдим  
 Онам азобларини!  
 Ушанда кўз ёшининг  
 Тошдай оғир бўлишин,  
 Одамзод бардошининг  
 Бир кун охир бўлишин  
 Онамининг оҳларида  
 Англаб олганим замон,  
 Юрагимга ёзилди  
 Уша дард, ўша тугён!  
 Айтинг, қайга беркитиб  
 Бўлар бу қалб-дафтарни!  
 Бўлармикан ёндириб  
 Юракдаги гапларни?  
 Юрак дегаң дафтарни?

Калава ўрайди боғларда шамол,  
 Дарахтлар туришар қорайиб, юпун.  
 Энг сўнгги манзилда эриниб беҳол  
 Куз ҳам эски зангин чалмоқда бугун.

Юлдузлари сўнган осмон каби тунд  
 Қирларда ниш урар кузнинг арпаси.  
 Саҳарда қунишган кексадай сокин  
 Тоғлар елкасига тортар кўрпасин.

Бу кезлар табиат камгап бир аёл,  
 Қаҳратон олдидан йиғмоқда бардош.  
 Қалбимдан жой сўраб турар кўкда лол  
 Пилла нуқрасидай сап-сарик қуёш!



\* \* \*

Селдан ҳурккан бевош сурувдай беҳуд  
Ола-гасир ҳар ён югурар булут.  
Чақмоқ қамчи солди кўкка устма-уст,  
Осмоннинг кўзидан чиқиб кетди ўт.

Ялаб кетди чақин осмон юзини,  
Ёмғир тинди. Балқди хушранг камалак.  
Сутдан тўйган гўдақ каби ўзини  
Хушчақчақ кўрсатиб жилмайди фалак.

Бу соғлом жилмайиш қалбимга оқди,  
Ҳаётга боғланди меҳрим маҳкамроқ.  
Орзу боғларимда қайтадан ёқди  
Зангори пиликли баҳор шамчироқ.

\* \* \*

Кўп нарса керакмас одамга ўзи!  
Оёқ қўймоқ учун замин бўлса бас.  
Яна Осмон керак — яйраса кўзи,  
Қолган барчасини топмоқ қийинмас.

Қадам тушган сари гуркирайди Ер,  
Кафтингдан туғилар боғу чамаңзор.  
Меҳнатинг қувончи — кўнгилда меҳр  
Ва эрка қўшиқлар яралар наҳор.

Қақраган ниҳолга томчи сув қуйиб,  
Эгилган шохларга қўёлсак тиргак,  
Бугун бўлар олам — шу Инсон уйи,  
Жаҳондай кенгайиб кетади юрак.

Янги пайванд каби кетсин туташиб  
Меҳнат билан Юрак, Ҳаёт — жонажон!  
Сенга олам муштоқ — яшагил тошиб,  
Бир лаҳза сўнмасин муборак имон!

## Ватан

Сўрамангиз қайда деб, муштоқ дилимда Ватан,  
Мен ўтар бўлган юксак, порлоқ йўлимда Ватан,  
Яшнаган чаманимда, қақроқ чўлимда Ватан,  
Энг эзгу, энг муқаддас чанқоқ сўзимда Ватан.

Мен-ла эгиз туғилиб, ўсиб-улғайгани рост,  
Онадай қучиб, койиб, куйгани, суйгани рост,  
Чўққиларга йўл солсам, елкасин қўйгани рост,  
Шодлигим, ташвишимда, сабру тўзимда Ватан!

Ватан дедим, бу юрак гуруллади ёзу қиш,  
Умидсиз дамларимни мунаввар қилди севинч,

Орзум иморатига бўлганида асос синч,  
Менинг толе осмоним, бахт юлдузимда Ватан.

Мен ўтарман изида кўклам қолган сой мисол,  
Бошоқларин мағзи тўқ баҳорги буғдой мисол,  
Вақт келиб фурсат қўли аниқ отган ёй мисол,  
Ишончу имонимда, сўнгги кезимда Ватан!


Гулга кирган дарахтдай умрим меваси бу шеър,  
Забонимнинг ўзгармас, асл шеваси бу шеър,  
Тоғнинг ва дарёларнинг онаси шу камтар Ёр,  
Меҳнату ижодимда, нону тузимда Ватан!

\* \* \*

Меҳнат қилсанг, офтобдай беминнат бўлсин ишинг,  
Оқар эсанг, дарёдай тўлиқ бўлсин оқишинг,  
Юрар эсанг, йўлларда чапдаст тушсин қадаминг,  
Ёзар эсанг — тилсимлар топа қолсин қаламинг!

Истак дегани — гўдак, чиниқтир аввал бошдан,  
Ҳаёт йўли холимас паст-баланд, тикан, тошдан!  
Истак — нимжон ниҳолдай синмасин бўронларда,  
Тиз қалтираб чўкмасин қайрилма доvonларда!

Учирилган лочиндай тўғри олсин мўлжални,  
Шиддатин кўриб кимлар тан берсин, десин балли!  
Бу дунёда истаклар бўлмаса дадил, ўт руҳ,  
Кўзларда ғурур бўлмас, дилларда ёнмас шукуҳ!





ҲИССА<sup>1</sup>

У хаёли яна жойига келиб, ўзидан ўзи ҳайрон бўлиб бошини ушлаб қўйди. Тавба, нима бўлган ўзи? Нимага ҳадеб ҳар турли хаёллар ўраллашиб келаверади бошига? Мунча тез, мунча бетўхтов ишламаса? Каллами, машинами ўзи?

Шу пайт кимдир унинг йўлини тўсиб, хаёлини бўлди, асабий бир ҳолатда:

— Шерикмисиз, ҳаммолмисиз ўзи?!— деди зарда билан.

Ортиқ чўчиб бошини кўтариб, қаршисида қора терга тушиб, зўрға оёқда турган Султоновни кўрди. Соқол мўйловлари бир энлик-бир энлик ўсиб юзини қоплаб олибди, ўзи шундай қаримсиқ тортиб кетибдики... Ортиқ илгари буни сезмаганига ҳайрон қолди.

— Нима?— деди у алоҳал.

— Нима бўларди, умрингизда сафарга чиққанмисиз дейман.

— Чиққанман. Нима бўпти?

— Одам деган ён-верига қарамас экан-да!— У астойдил хафа бўлиб, юз ўгириб олди. Ортиқ осмон узилиб ерга тушибдимикан, дегандай ён-верига қараб елка учирди. Ҳеч нарсага ақли етмай:

— Зардангиз нимаси! Очиқ-ёриқ айтаверинг-да,— деди.

Султонов энсаси қотиб, қараб қўйди.

Ортиқ тушунавермагач, орқасидаги рюкзакнинг битта тасмасини чиқариб:

— Бирпас ёрдамлашиб юборасизми?— деди.

Ортиқ энди гапга тушуниб етиб, четга қараб қўл силтади.

— Шу алфозда ўша тошлар зарил эканми?!— деди-ю, яна ўйла-ниб қолди.

Тошбағир деган ном чиқаргиси келмади. Бунинг устига Султонов бегона эмас, ҳар ҳолда унга ўзини яқин олиб юрибди. Урни келганда қувватлайди, ёнини олади. Ҳали ёрдами тегиб, асқотиб қолса ажабмас, ахир. Бошқаларга ялингунча шунга суянса бўлади-ку. Шу гапга юради-ку.

Ортиқ шайтонга ҳай бериб, аҳдидан қайтди.

— Майли, бера қолинг. Сиздан бошқадан ўлақолсам олмасдим,— деди қопчиққа қўл узатиб.

Султонов ени билан кенг пешонасини, қуюқ қошларини босган терни артиб, миннатдорчилик билан бош силкиди. Рюкзакни орқасидан тушираркан:

<sup>1</sup> Охири. Боши журналнинг 4, 5-сонларида.

— Минг лаънат Устюртига ҳам, экспедициясига ҳам!— деди нафаси томоғига тикилиб. Кейин чуқур-чуқур, ўпкасини тўлдириб-тўлдириб нафас олиб, бўшатди, ўзига келолмай яна хўрсинди. Кўзига жони ширин кўриниб қолибдими, хаёлидан ўтказди Ортиқ унга синовчан тикилиб. Адашмаганига қаноат ҳосил қилиб, рюкзакни ортмоқлаб йўлга тушаркан, ичида:

«Мана бунни кўндириб йўлга солса бўлади. Хаёлимга келмаганини қаранг! Ҳали ҳам кеч эмас. Ишқилиб омад юз ўгирмаса бўлгани!» деди у эрталабдан бери кўнглининг бир чеккаси ғашлигини, ҳеч ёзилиб кетмаётганини эслаб. Йўлда сал унутгандай бўлувди. Мана ҳозир яна ёдига тушиб кетди.

Бугун азонга яқин у ғалати туш кўрибди. Тушида улар кун чиқмасдан йўлга тушишга тайёргарлик кўришаётганмиш-у, Отамурад зўр бериб ҳаммалари билан қучоқлашиб хайрлашармиш.

— Яхши-ёмон гаплар ўтган бўлса, кечирасизлар. Кўнглингизга оғир олмайсизлар. Фақат бир илтимос, мени тўғри тушунсанглар. Қораламасанглар. Уйлаб-уйлаб шуни маъқул кўрдим, ўзим ихтиёр этдим,— дермиш-да, бир думалаб оқ туяга айланиб қолганмиш.

— Нега бундай қилдинг? Қим сенга рухсат берди? Шартмиди шундай қилишинг?— деб ҳарёқдан уриша кетишса:

— Мен сизлардан илтимос қилдим-ку, раъйимни қайтармасликларингизни ўтиндим-ку,— дермиш хафа бўлиб. Кейин ниятини бир-бир тушунтириб берармиш.— Қарасам, бу аҳволда чинкка етиб чиқа олмаймиз. Сувимиз тугаб, оёқлар ишдан чиқиб, кундан-кунга баттар бўлиб боряпти. Оҳири шунга рози бўлдим. Туя бўлиб йўл бошлашга, ҳеч бўлмаса юра олмай қолганларни устимга миндириб, чинкка олиб чиқиб кетишга рози бўлдим, фақат кейин мени қоралаб юрмасаларингиз, ёмон сўзлар билан эсламасаларингиз бўлгани. Мен сизлардан розиман,— дермиш.

— Битта туя билан иш битармиди?! Қолганлар нима қилади? Ахир, бари бир пиёда кетишга мажбур-ку улар.— Ортиқ шундай деса, оқ туя бош чайқармиш.

— Туя топишнинг иложи бор. Фақат бунни истасангиз бўлгани,— дермиш маъноли тикилиб.

— Қанақасига? Биз ҳам сендек...— сўрашармиш улар бараварига.

— Йўқ, энди ундай эмас. Туя бўлиб, ҳамроҳларга астойдил ёрдам бергиси келган одам менинг тукимдан олиб кўзига тўтиё қилиб суртса бўлди. Уша заҳоти бу чўлни писанд қилмайдиган нортуяга айланади-қолади,— дермиш сирли кулимсираб. Ортиқ севиниб кетиб:

— Ур-ра, қутуладиган кун бор экан-ку! Бу азобларнинг чеки-чегараси бор экан-ку! Қутулиш йўли бор экан-ку!— дея ҳадеб ўйинга тушармиш. Оқ туянинг бўйнига осилиб, пешонасидан ўпиб, бошларини силаб эркалармиш. У бўлса бош чайқаб:

— Аввал сиз охиригача эшитинг. Ҳали туя бўлиб қолиб мендан ўпкалаб юрманг,— дермиш.

— Нега унақа дейсан? Ахир, ўзим ҳам қутулиб қолсам, бошқаларга ҳам фойдам тегса, ёмонми?!

— Гап шундаки,— дермиш у Ортиқни масхара қилгандай иржайиб кулиб,— кейин ҳам туялигингизча қоласиз. Қайтиб одамга айлана оласизми, йўқми, бунга кафиллик бера олмайман. Бунинг сеҳрини ўзим ҳам билмайман,— дермиш. Ортиқ қўрқиб, тисарилиб кетибди.

— Туф-туф, худо кўрсатмасин. Шуни илгарироқ айтмайсанми!— дермиш. Лекин домла бўлса бошқаларни йиғиб, маслаҳат қилармиш.

— Битта туя билан бўлмайди. Бари бир, яна биттамыз шунга рози бўлишимиз керак. Туяга айланишимиз керак. Ҳамма омон қолиши

учун кимдир Отамуродга ўхшаб ўз фидойилигини кўрсатиши керак. Қани, кимни кўрсатасизлар?— дермиш.

— Майли, мен розиман! Менинг ҳеч кимим йўқ,— дермиш қўл кўтариб Зулхумор.— Йўқ деманг.

Домла бош чайқармиш:

— Сиз ҳали ҳаётда нимани кўрибсиз?! Қанча ўйнаб-қулибсиз? Ҳали ҳаммаси олдинда. Биз сизни бахтсиз қила олмаймиз. Менинг йўригим эса бошқа, ҳамма нарсага эришганман. Ҳамма ташвишлардан қутулганман. Болаларни уйлаб-жойлаганман. Ниятларимнинг кўпи ушалиб, фанга, одамларга озми-кўпми нафим теккан. Охирида ҳам сизларга нафим тегсин. Мен розиман,— дея ўрнидан тура бошлаганида бошқалар унинг йўлини тўсиб қарши чиқишармиш.

— Сиз катта олимсиз. Фанга керак одамсиз. Биз розимасмиз,— деб уни оқ туяга яқин йўлатишмасмиш.

Шунда оқ туя сўз олиб:

— Демак, икки киши қоляпти. Ё Султонов, ёки Ортиқ туяга айланиши керак. Яхшиси, чек ташлай қолинглар,— дея маслаҳат берармиш.

Ортиқ титраб-қақшаб, «нега энди, нега энди? Биз рози эмасмиз». деб орқасига тисарилармиш.

Султонов бўлса, тақдирга тан бериб, бошини эгиб, қўли билан қум кавлаб ўтирармиш.

Чек ташланаркан, Ортиқ ҳадеб:

— Э, худо, Султоновга чиқсин, унга чиқақолсин, мени ўзинг қутқар. Шарманда қилма,— дея ҳаммага кулги бўлиб ўтинармиш. Бу сизгинушлари, ялиниб-ёлборишлари ҳам ёрдам бермасмиш. Чекка у ютқазармиш-у, орқа-ўнгига қарамай бархан ошиб қочармиш. Оқ туя бўлса орқасидан лўкиллаб:

— Тўхта, номард! Қаёққа қочасан? Бари бир етиб оламан. Тўхта дейман,— дея қувлармиш. Ортиқ бор кучи билан қочиб бораркан, оёқлари чалишиб, ағдарилиб уйғониб кетибди. Хайриятки туши экан.

Энди тушини нимага йўйишини билмай хуноб. Туя ета олмаганидан бир хурсанд бўлса, чалишиб кетганидан кўнгли бир ғаш. У ағдарилиб улгурдим-йўқми, эслай олмайди. Аммо-лекин йиқилмасдан уйғониб кетгани яхши бўлди.

У ҳозир биргина шу билан ўзига ўзи таскин бериб борарди.

## Ўнинчи боб

Барханлар оралигида онда-сонда учраб турган саксовуллар ҳам кўринмай қолди. Тинка-мадорни қуритиб, ҳолдан тойдирадиган қуруқ қум саҳроси бошланди. Пастак барханлар бир-бирига шундай яқин, шундай ёнбошлаб кетганки, бамисоли бир вақтлар қирғоққа қувалашиб келаётган денгиз тўлқинлари қумга айланиб қотиб қолганга ўхшайди. Улар жуда узоқда, офтоб живир-живирига тўла уфққа яқин жойда ойнадек ялтираб ётган тақирга туташиб кетган.

«Айтмоқчи, ўзи ҳам шундай эмасми,— деб ўйлайди Камолиддин ака.— Бир вақтлар, ҳали одамзод дунёга келиб улгурмасдан неча минг йиллар аввал афсонавий мовий денгиз Орол Устюрт ўрнида бўлган, кейин қудратли тектоник кучлар «жанги» орқасида бу дунё супаси бир кечادا ўсиб чиққан-у Орол суви орқага чекинган. Этаги ҳозир ҳам денгизга туташиб ётган мана шу Сариқамиш чуқурлиги ўшанда дунёга келган, мана шу қат-қат барханлар, ундан ҳам майин, денгиз қуйқасидан ҳам майда қумлар ўшандан қолган бўлса ажаб эмас. Биз ана шу худо қаргаган жаҳаннамга тушиб қолганмиз. Ундан

чикиб олмасаканмиз — бу чўлда беному нишон қолиб кетамиз». Кун пешиндан оғиб бораётганига қарамай у борлиқни аёвсиз куйдиради. Худди жизгинагини чиқариб юбормоқчи бўлади. Ҳатто соялар ҳам офтобдан қочиб кичкина тортиб кетгандай, одамнинг орқасига яшириниб жон сақлаётгандай. Кун бўйи офтоб тафтини эмиб ётган қум тепачалар олов рангида товланиб, кўзни қамаштиради. Улар мана ҳозир ловуллаб ўт олиб кетадигандай туюлади, шундай қизиб чўғ бўлиб ётади.

Аксига олиб, бу қум денгиз қуйқасидек шундай майин, шундай юмшоқки, оёқ босиб бўлмайди, қадам қўйиш билан шувиллаб пастга оқади-ю, беихтиёр оёқни орқага тортиб кетади. Унинг дастидан тўғри юриб бўлмайди. Бунга сари Камолиддин аканинг тинка-мадори қуриб, ҳансирайди. Еғочдай қотиб қола бошлаган оёқларини кўтариб боса олмай қийналади, ҳар қадамда қоқилиб-туртинади. Силласи қуриб, мункиб-мункиб кетади. Лекин номус кучли экан, чидайди.

Фақат бир нарсага чидаб бўлмайди. Ич-ичдан ўртаб келаётган оташни ҳеч нарса билан босиб бўлмайди. Вақти-вақти билан чанқоқ шундай ўртаб келадики, азбаройи кўзлари тиниб, боши гир айланади-ю, бир зум ҳамма нарсани унутади. Ўзини билмай қолади. Ана шунда оёқлари чалишиб, ўзи мункиб, юзтубан йиқилаётганини қандайдир ички бир туйғу билан ҳис этади-ю, охирги дақиқада ўзини бир ёнбошига ташлаб улгуради. Елкаси билан момикдай қумга ботиб, қум уни пастга суриб, оқизиб кетади. Домла назарида айқириб оқаётган бир анҳор сўвда қалқиб оқиб бораётганга ўхшайди. Ўхшайди-ю, сувнинг салқинидан ором ололмайди, шу сувдан бир қултумгина ютишни, ютинишни шундай орзу қиладики... Бунинг устига ёқасидан, шимининг почаларидан ичига қайноқ қум оқиб киради. Қум ўзини пастга суриб бораётганини шунда аниқ сезади. Сезади-ю, ўзи оёқ-қўлларини узатиб, бир нафасгина ором оларкан, биров индамаса, кўзларини юмиб, шундай узоқ ётгиси келади.

Лекин кимдир ёрдамга отилиб, уни дарров кўтариб олади. Домла истамайгина туриб ўтираркан, боши айланиб, кўзи тиниб кетади. Атрофдаги барча нарсалар гир айланишга тушади. Бу азоб етмагандек, чанқоқ юрак-бағрини ўртаб, ёндириб, оғир ҳансирайди. Қуруқшаган лабларини ялаб ютинади.

— Сув! Сувни олиб кел! — дея ҳовлиқади унинг тепасида кимдир. Овози танишга ўхшайди-ю, домла нимагадир уни эслай олмайди.

— Ҳозир. Мана, ҳозир. Сабр қилинг, домлажон, мана, ҳозир — дея шошилади бошқаси. Домла уни элас-элас танийди. Ҳамиша камгап Отамурод худди шунақа, бировга ёрдам бериш керак бўлиб қолган пайтда сўзамол, очиқдан-очиқ меҳрибон бўлиб қолади.

Кимдир унинг оғзига қошиқ тутди. Лабларига сув тегиб, шундай ҳуш ёқдики, беихтиёр уни симириб юборди. Сув томоқларини бамисоли ёглаб ўтди, кўзларини очиб, тамшанди. Отамурод яна бир қошиқ сув узатаётганини кўриб, ийманиб қайтармоқчи бўлди-ю, индай олмади. Чанқоғи йўл қўймади. Нафасини тия олмай, қошиққа талпинди.

— Раҳмат, — деди алоҳал томоғидаги олов сал сўнгандай, чанқоғи қонгандай бўлиб. Шу пайт қошиқдан кўз узолмай қараб қолган Ортиққа назари тушиб, худди ўзи бировнинг ҳақини ичиб қўйган одамдай ғалати бўлиб кетди.

— Ўзингиз ҳам томоқни ҳўллаб олинг. Тағи қам деб қийнаманг ўзингизни — дея олди Отамуродга.

Шуни кутиб туришган экан, ҳамма канистрнинг атрофига оғир-оғир тиз чўкиб, ўртада қошиқ айлана бошлади. Домла бир оз ўзига келиб, руҳи енгил тортгандай бўлди. Лекин у йўл азоби, чанқоқ ўрташи қўшилиб, разми ҳолат бўлиб қолган ёшларнинг шу ўтиришини,

озгинагина сувни ҳам ютоқиб, қошиқни ялагудек бўлиб ичишларини, тўймай очкўзлик билан қанистрга тикилишларини кўриб, юраги эзилиб кетди. Хўрлиги босиб келиб, четга қаради.

«Биз-ку, ҳаёт нималигини билдик, эришадиганимизга эришиб озми-кўпми орзу-ҳавас кўрдик. Булар-чи? Ҳали нимани кўрибди?! Нима давр сура қолибди?! Айни ўйнаб-қуладиган, яйраб тўймайдиган пайтида, энди оғзи ошга етганда мана бундоқ бўлиб ўтирса. Наҳот бирон-бир нажот йўли бўлмаса, бу жаҳаннамдан қутулишнинг иложи топилмаса» Унинг кўзларида ёш ҳалқаланиб бўғзига чўғдек иссиқ бир нарса келиб туриб қолди. Унга шундай туюлдими, ёки аслида ҳам шундаймиди, кўз олдида қандайдир қора қўланкалар сузиб юрар, улар тинмай айланар, худди кўз тингандаги ғира-шира сояларга ўхшаб кетарди. Лекин нима учундир домланинг ҳозир боши айланиб, кўзи тинаётган эмас, бу соялар ҳақиқатда ҳам борга ўхшарди.

Домла кўзларини ишқаб, атрофга қайта тикилди-ю, қандайдир баҳайбат қушларнинг қумда оҳиста сузиб юрган сояларини кўриб, беихтиёр тенага қаради. Ҳақиқатда ҳам уларнинг нақ тепасида совуқ бир муждадек ҳар биттаси куркадек-куркадек келадиган қора қузғунлар галаси қанот қоқиб-қоқмай оҳиста учиб юрар эди.

Домланинг бошига совуқ хаёл урилди. «Нажотсизлигимизни биллиб, шулар ҳам пайимизга тушибди-да!» Унинг этлари жунжикиб, пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. Ўзини босиб қелган даҳшатни зўр билан енгиб, ўрнидан даст туриб кетди:

— Туринглар, кетдик!— деди қатъий, бошқаларни чалғитмоқчи бўлиб.

Лекин ўзидан бўлак ҳеч ким ўрнидан кўзғолмади, қузғунларни кўриб ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолган эди. Ортиқ кўрқиб кетганидан бақа бўлиб қолибди. Султонов ҳам бу ўлимтихўр қушлар ҳақида кўп эшитган шекилли, даҳшатга тушиб, кўзлари шокоса бўлиб кетган. Фақат Отамуродгина қузғунларни отгани ўқи йўқ овчидек кузатади. Зулхумор бўлса ерда ҳолсиз ўтирганича кафтини пешонасига қўйиб, умрида энди кўраётган бу қушларга болалардек қизиқсиниб тикилади.

— Жуда ғалати қушлар эканми, домла? Қалхатларми шулар?— сўради у ҳорғин.

Домла нима деярини билмай қийналди. Очигини айтиб бўлармиди унга.

— Табиатнинг бир маҳлуқи-да, қизим,— деб қўяқолди охири у.

— Қизиқ,— дея ажабланди Зулхумор.— Ҳамма қушлар одамдан ҳайиқса, булар тап тортмайди-я. Тавба, шунақаям сур қушлар бўларканми?!

Отамурод домлага маъноли қаради. Айтмай қўяқолинг унга демоқчи бўлди. Кейин ўрнидан туриб, рюкзакни орқаларкан:

— Милтиғимиз бўлгандами, донини берган бўлардик,— деб қўйди.

— Ўзиям куркадек-куркадек келаркан. Уч-тўрттасини отиб олганда борми. Айтмоқчи, унинг гўштини еб бўладими, Отамурод ака?— Зулхумор энди қаёққадир бош олиб учиб кета бошлаган қушлар галасидан кўз узмай сўради.

Отамурод нима деярини билмай ерга қаради. Кўзларини четга олиб қочди, унинг ўрнига Ортиқ жеркиб берди:

— Нима деяпсиз, ўзи, ўлакса қушнинг гўштини еб бўларканми?! У сизнинг гўштиңғизни...

Отамурод ўгирилиб Ортиққа шундай қаттиқ тикилдики, унинг гапи оғзида қолди. Лекин Зулхумор унинг нима демоқчилигини англаб улгурган, даҳшатга тушиб, ранги қув ўчиб кетган эди. Кўрқув тўла кўзларини узоқлашиб кетаётган қузғунлардан узолмас, бутун вужуди билан гўё «наҳотки шундай, наҳотки», дерди.

«Дунёда қандай нафаси совуқ одамлар бор, шунчалар ҳам қошиб тапирадими? Наҳот улар ўзининг бир оғиз сўзи бошқаларнинг дилини хуфтон қилиб ташлашини билмаса! Еки билиб туриб шундай қилармикан, а?». Домланинг кўзига Ортиқ шундай совуқ кўришиб кетдики, беихтиёр ундан юз ўгириб олди-да, жаҳл устида йўлга тушиб юборди. Бошқалар бирин-бирин унга эргаша бошлашди. Фақат Ортиқ нима қиларини билмай тек туриб қолганди.

Домла уни ўйлар, қайрилиб қарагиси, қай алфозга тушганини, ўз ўкинчи ичида эргашиб келаётганини, хатосини фаҳмлаганини бир кўргиси келарди. Лекин миясининг бир четида ўзига ўзи кошки у айбини осонгина бўйнига оладиган анойилардан бўлса, дерди.

Домла адашмаганди. У оёғидан мадор кетиб, саксовул таёғига суяниб нафас ростлагани тўхтаб орқага ўтирилди-ю, буни яққол кўрди. Ортиқ жон ҳолатда уларга етиб олишга уриниб ошиқиб келар, гўё бутун вужуди билан: «Нима, сизлар ҳали мени ташлаб кетмоқчимисизлар? Ташлаб кетмоқчимисизлар!» демоқчи бўларди. «Бу ҳам ўзининг кимлигини кўрсатди. Бунақа жони ширинлардан қачон яхши дўст, ишончли ҳамроҳ чиқибди?»

У нафас ростлаб, яна ҳоли келганча йўлга равона бўларкан, ҳеч нараса ўйламасликка тиришиб кўрди. Лекин бошдан ўтиб бораётган офтоб азобини, ҳориган, тинка-мадори қуриган оёқларидаги йўл азобини унутишнинг бирдан-бир чораси — хаёлга берилиш, шу билан ўзини чалғитиш эди. Фақат яхши хаёллар, ширин орзуларгина уни бу азоблардан маълум вақтгача бўлса-да, фориг қилар, шунинг учун ҳам домла хаёл отли учқур от тизгинларини қўйиб юбориб, ўз орзуларини, Устюртни обод қилиш ҳақидаги гипотезаларини яна қайта бошдан эслашга берилар, шу билан овуниб борар эди.

Мовий денгизни елкасидан улоқтириб ташлаб, қўзиқориндек ўсиб чиққан бу гаройиб ўлкага пинҳоний ишқи тушиб, тушларига кириб чиққан, сафар орзусида ёниб Устюрт касалига мубтало бўлган бир у эмас. Бундайлар ундан олдин ҳам бўлган, ундан кейин ҳам бўлади. Не-не олимлар унинг дўзах табиатидан ҳам тап тортмай пиёда-яёв сафарга отланганлар. Савдо қарвонларига эргашиб, жуғрофий текширишлар ўтказганлар. «Йўқолган дунё» деб ном олган Устюрт ҳақида кундаликларини эълон қилганлар. Ҳатто машҳур русча изоҳли луғат автори Даль Хивага қилган сафарида Устюртни кесиб ўтишдан чўчимаган. Академик Бартольд эса машҳур ўрта аср шаҳри — Шом қолдиқларини Устюртдан қидириш кераклигини тайинлаган. Устюрт кимларнинг оромини олмаган, қандай буюк зотларнинг фикрини ўзига жалб этмаган. Айниқса, географ Гербартнинг кундалик дафтари домланинг қалбини ўзига ром этиб, уни Устюрт касалига мубтало этди-қўйди. Бу сафарга чорлаган ҳам ўша дафтар бўлди.

Гербарт ўн учинчи асрдаги Устюртни тасвирлаб туриб, бу ерда сув ҳар нарсадан ҳатто олтиндан ҳам қиммат эканини, бу сув туфайли унинг қарвони орқага қайтишга мажбур бўлганини ёзади. Унинг қарвонида юнон ва рус савдогарлари, Бухоро элчилари бўлган. Ярим йўлда маҳаллий қароқчилар уларга ҳужум қиладилар. Аммо қарвоннинг қаттиқ қаршилигига учраб, чекинадилар. Шундан кейин қароқчилар ҳийла ишлатадилар. Улар қудуқлар йўлини тўсиб қўйиб, қарвонни бир қанча вақт сувсиз қолдирадилар. Ниҳоят қарвон сув эвазига бор дунёсини бериб, орқага қайтишга мажбур бўлади. Шунда Гербарт Устюртда бир неча шаҳар ва қишлоқларни кўрганини, баъзилари аллақачон ташлаб кетилганини, уларда ер ости сув омборлари бўлиб, даштнинг аҳолиси чучук сувни ана шу қудуқларда сақлашни ўрганганини ҳайратланиб ёзади.

Бу гоё домлага кўпдан тинчлик бермайди. Нега энди ана шундай



кундаликлар асосида Устюрт жумбоқларини ечиш мумкин эмас?! Уша олимлар изидан бориб, бир вақтлар одамлар истиқомат қилган ерларни аниқлаш, ҳозирги вақтда замонавий қишлоқлар қуриш, деҳқончилик қилиш учун қулай жойлар танлаш мумкин-ку. Даштнинг собиқ аҳолиси қудуқ қазиб, унга тақирларга ёққан ёмғир сувларини тўплаган, ундан ичимлик сув ўрнида фойдаланган экан, нега энди ҳозир бу тажрибани ишга солиш мумкин эмас. Ахир Устюртда ҳар квадрат километр тақирга тўғри келадиган ёғингарчилик озмунчами! Агар шу сувлар ер ости сув омборларига тўпланса борми?! Уҳ-хў! Бу ерда ҳар йили ҳар квадрат километр тақирдан ўн миңдан йигирма беш миң куб метргача чучук сув тўплаб олиш мумкин бўларди. Бу камми? Бутун бир қишлоққа ётарли сув-ку! Устюртда нима кўп — тақир кўп. Озмунча тақирлик борми? Бутун тақирлардан ўрта ҳисобда 200 миллион куб метр сув тўплаб олиш мумкин. Бу катта бир дарё суви деган гап-ку?! Замонавий фан ва техника ёрдамида Устюртда улкан ер ости сув омборлари яратиш — бу ўлкани қайта тирилтирган, унга жон бахш этган бўларди-ку.

Домлани Устюрт сафарига отлантирган ҳам шу ғоя эди. Ағачқудуққа жўнаб кетган йигитлар яқиндагина қишлоқ харобалари орасидан оригинал усулда қазилган сув омбори топганларини маълум қилишганди. Орзулари қанот кўрсата бошлаганида мана бу адашиш қаерда турганакан?! Қаёқданам туғилган куни шу вақтга тўғри келди?! Қаёқданам зиёфатдан кейинги овга розилик бера қолди?! Мана энди ҳаммаси бир пул бўлди, ҳамма тоат-ибодатлари, орзулари кўкка созурилди. Уйламай босган бир қадами шунчалар қалтис бўлиб чиқди. Бир қадам билан тақдир чаппа кетди, бахт — бахтсизликка, эзгу орзулар қат-қат армонга айланди. Юракка таскин берадиган бирон бир нарса бўлмаса-я.

Домла хаёл оғушида сал ногоҳ оёқ босса йиқилиб кетгудек чайқалиб боради. Оёқларини зўр-базўр кўтариб босади. Ҳар чайқалиб оёқ босганида кўз ўнгидаги бархан тепачалар ҳам бамисоли чайқалиб-чайқалиб кетади, ер кўтарилиб осмон чаппа кетаётгандек бўлади-ю, у яна ўзини ўнглаб олиб, олға талпинади. Ҳали у ёнида-ҳали бу ёнида ер тарози палласидек кўтарилиб тушиб, ўзи шайиндек чайқалади. Фақат хаёллари теран, бошидан офтоб ўтиб борса-да, фикрлари чувалашиб кетмайди. У ҳозир орқадан келаётганларни бутунлай унутиб, нохуш хаёлларга тутқун бўлиб боради.

Наҳот тақдир шунчалар бешафқат бўлса, наҳот Устюртга қадам ранжида қилганларни ҳаммиша шундай шум тақдир кутса! Нияти яхшими ёмонми — бешафқатлик қилаверса. Ёки бунда бир сир борми? Бўлса нима? У нимада адашди, хато қилди? Ёки Зулхумор айтганидай, кийик жониворнинг уволи тутдими? Шунга келганда адашди. Овга бало бормиди?! Ниятдан сал тойиш ҳам, чакки оёқ босиш ҳам бундай жойларда ёмон қайтаркан, қаттиқ қоқилтираркан. Бу ерга нимага келди-ю, нималарга алаҳсиб юрибди? Қаттиқ қоқилди. Инсоннинг кўзи ҳаммиша кеч очилади. Қани энди илгари билганида...

Шу орзусига ҳам етганда, армони қолмасди. Кейин беармон ўтди умрим, деса арзирди. Энди иложи қанча? Бутун юрагига борини, дилга туккан барча ниятларини, Устюрт бағрида ер ости сув омборлари маржонлари яратиш режаларини, барча ҳисоб-китобларини қоғозга тушириб қолдириш, уни рўёбга чиқаришни шогирдларига васият қилишдан бошқа иложи қанча? Шу оқшом бунга вақт топиб, қоғозга тушириб қўйиши керак. Кундан-кун баттар бўлиб борапти. Кейинга ташлаб бўлмайди. Эртага нима аҳвол, қандай гап — ким билади.

Режаларини ёзиб қолдирса, орзулари бекор кетмайди-ку. Бу билан қачондир, кимгадир туртки беради, юрагига чўғ ташлайди-ку.

Кимдир унинг ниятларини рўёбга чиқаради-ку. Ана ўшанда Устюрт ер ости сув омборлари ичимлик сув билан тўлиб, худо қаргаган бу даштда яшил қишлоқ ва яйловлар, кўм-кўк далалар пайдо бўлганида унинг номини яхши сўз билан ёдга олсалар, фалончи шу йўлда қурбон бўлган эди, унинг орзулари ушалди, десалар бас. Унинг номи ана шундай Устюрт тарихида қолса, не бахт! Домла кўкрагига шамол теккандай, кўнгли таскин топгандай бўлиб, тўғрига қаради.

Қаради-ю, тўхтаб, лол қолди. Қаршида чинк бир ёнга пастлаб бориб, ер билан баробар бўлиб кетган жойдан сал нарида чўк тушиб, бўйинини ерга бериб ётган туюдек яккаш қумтепа кўринар, унинг ёнидаги харсангдан тикланган қудуқнинг тош гардиши, занжирли пақир осилган чиғириги жуда аниқ-равшан кўзга ташланиб турарди. Ўша ердан ўтган йўлнинг охирида текис укпардек ҳилпираган миззатераклар, уларнинг орқасида эса кўм-кўк чорбоғлар кўзга чалинади. Бу ёнида эса зумраддек кўк денгиз мавжланиб, уфққа тугашиб ётибди. Оққушларми, чағалайларми, денгизга тўш уриб, яна шодон кўтариларди, оҳиста қанот ёзиб, яйраб учиб юради. Улар жуда узоқда бўлса-да, кўзга шундай яққол ташланадики, беихтиёр одам ёқа ушлайди.

— Ия, уни қаранг, Оролми?— дея ҳайратланди домла.

— Орол, оғайнилар! Денгизга чиқибмиз! Денгизга!

Ортиқ ўзида йўқ даражада қичқириб юборди. Орол овозасидан гангиган ҳамроҳлар:

— Қани, қайси ёқда?

— Ҳеч нима йўқ-ку, қани?

— Нимани айтаяпсизлар ўзи?— деб шовқин солишди.

Ортиқ бўлса шодлигини ичига сиғдира олмай:

— Оғайнилар, сув! Ниҳоят, сувга етибмиз! Қутулибмиз!— дея телбалардек бақириб олдинга чопиб кета бошлади.

Уни кўриб, бошқалар ҳам олдинга талпинишди. Олдинма-кетин, қоқилиб-суқилиб, мунқиб, ўмбалоқ ошиб, йиқилиб, яна туриб, олдинга интилишади. Лекин чопиб борганлари сари денгиз ҳам узоқлашиб, қочиб боради. Қўл чўзсанг етгудек-ку, ета олмайсан. Нафас тикилади, оёқлар ёғочга айланади. Лекин сув жилваланиб-жилваланиб ўзига чорлашини, ром этишини қўймайди. Чопасан, талпинасан, ҳар қанча интиласан-у, бари бир ета олмайсан.

Домла мадори қуриб, барханга юзтубан йиқилди-ю, умид узолмай яна денгизга тикилди. Шунда кўз олдида турган бояги манзара аста-секин чекиниб-чекиниб, хиралашиб бориб, уфққа сингиб кетди-ю, ўзи ҳайратда қолди.

Ортиқ эса ҳамон ҳаллослаб, ўша томонга чопиб борарди. Бошқалар орқада, ҳар қаерда тўхтаб қолишган.

Улар лабларини қимирлатиб, бир-бирларига нималардир дейишадди-ю, домла ҳеч нарса эшитмайди. Ниҳоят, унинг чип битган қулоғи очилиб, гап-сўзлар кира бошлади:

— Нимага чопаетган эдик ўзи? А?— ҳайрон бўлади Султонов.

— Билмасам, мен ҳеч нарсага тушуна олмадим,— дея Зулхумор елка учиради.

— Йўқ нарсага шунча ваҳимами?— гина қилди Султонов.

— Мен уни аниқ кўрдим,— дея Отамурод ҳамон ўша томондан кўз узолмайди.

— Нимани? Денгизни-я?— Зулхумор ишонмай унга тикилади.

Домла бир амаллаб туриб ўтираркан, ўзига наша қилиб бош чайқади:

— Дарвоқе, сароб-ку. Алданганимизни қаранглар. У ўзи шунақа бўлади, одамни алдайди, кимга кўришиб, кимга кўринмайди.

У бояги саробга интилишларини эслаб, мийиғида ҳорғин кулиб

қўйди. Отамурод бир нарсага ақли етмай унга саволчан тикилди:  
— Сароб алдайди дейсиз, бор нарса кўринди-ку. Худди Қудуқ-мозорнинг ўзи-ку, мен уйи биламан-ку.

Домла ҳамон ҳансирар, нафаси томоғига тиқилиб, ўзига кела олмас эди:

— Шундай ҳам бўлади, кўринади баъзан,— деди зўрға ютиниб.

Ҳар ким ҳар чеккада ўтирганича ўз хаёли билан ўзи бўлиб жим қолди. Лекин шу пайт домланинг юрагини ғулғула босиб келарди: «Нима бало, кунимиз битяптами, алаҳлаб, кўзимизга сароб кўриниб қолди?!..»

Домла ичида ўзига ўзи таскин берган бўлди: «Йўғ-е, унчалик-масдир, бу ҳолдан тойиб чарчаганимизникидир. Озгина дам олиб, нафасни ростлаб олсак, балки ўтиб кетар. . . Ўтиб кетармикан? Сувимиз тугамасдан шу аҳволга тушсак кейин ҳолимиз нима кечади?» Домла уёғини ўйлашга юраги бетламай, қўл силтамоқчи бўлди-ю, лекин кўнгли чопмади. У ҳозир ўзини эмас, ўзининг бу чўлларда бир нарса бўлиб кетишини ҳам эмас, бутунлай бошқа нарсани —узоқ Тошкентда қолган, ҳозир тиқ этса эшикка кўз тикиб ўтирган хотинини ўйлаб кетган, унинг мунис-меҳрибон кўзлари кўз олдидан кетмай қолган эди. Хотини: «Сизга нима бўлди, адаси, қаерларда қолдингиз? Нимага келмаяпсиз, ахир. Нимага сиздан ҳеч қандай дарак йўқ. Ўзи нима бўлган? Буни қандай билсак, кимдан билсак бўлади?» деб сўроқлайди.

Илож қанчаки, домла унга таскин беролмайди, уни тинчитолмайди: «Биз соғ-саломатмиз, хавотир оладиган жойи йўқ, чидаймиз, қидириб топишгунича чидаймиз. У ёқда чинкда қолган одамларимиз бор. Мамажон қараб ўтирмагандир. Аллақачон хабар қилгандир. Чўлни илма-тешиқ қилиб қидиришаётгандир. Чидаймиз, қидириб топишгунича чидаймиз», дея уни тинчитолмайди. Энг ёмони ҳам, алам қиладигани ҳам шу.

Домла ўларининг бедарак йўқолганларидан даҳшатга тушиб, ҳар бир кўнғироққа кўз тикиб, уйда мотамсаро ўтирган хотини, ўғил-қизлари, келинлари, невараларини ўйлаб, чидамай кетади. Юраклари эзилиб оқаётгандек, уни бир нарса қийма-қийма қилиб тилкалаётгандек, ич-ичидан оғир хўрсиниқ босиб келди. Болаларни-ку, ўйлаб-жойлаган, ҳаммаси ўзидан тинчиган. Лекин хотинининг ҳоли нима кечади? Сал сиқилса, қон босими ошиб кетарди. Энди унинг бедарак йўқолганини эшитиб, қай аҳволга тушдийкин. Шу касаллигига бу кўргилик ҳам бор эканми?

Худо кўрсатмасин, агар буларга бир нарса бўлиб кетса, у қандай чидайди, қандай кўтара олади бу жудоликни?! Касал бўлмаса ҳам майли эди!

У хотинининг кўз қарашларига, кутишларига чидай олмай, кўзларини юмиб олди. Бир томчи ёш сизиб чиққанини сезиб, четга қаради. Кейин бу азоб, бу хўрликка дош беролмай ўрнидан секин турди-да, индамай йўлга тушди.

Домла ўзини чалғитмоқчи бўлиб, бошқа бир нарсаларни эслашга уринар, лекин хаёлидан хотини, бола-чақаси, яқинлари, уларнинг мотамсаро қиёфаси нари кетмас эди. Охири хаёли бояги кўринган саробга чалғиди-ю, Отамуроднинг Қудуқмозор ҳақидаги гапи, кейин эса беихтиёр ўзи бир вақтлар геологлардан эшитган шу Қудуқмозор афсонаси эсига тушиб кетди. Шу афсона уни оғир хаёллардан қутқарди.

Эсини таниганидан бери қўй ҳайдаб, умри пода кетида ўтган кекса бир қўйчивоннинг Ҳасан-Ҳусан ўғли бўлган экан. Қуллардан бир кун шу мўйсафид ўғилларини чақириб ёнига ўтқазибди-да, ниятини маълум қилибди:

— Ўғилларим, эллик йилдан бери кимларнинг қўйини боқмадим,

не-не чўлларни кезмадим,— дебди у.— Мундоқ ўйлаб кўрсам, умр беҳуда ўтиб кетибди. Лекин сизларга, кейинда қоладиганларга арзигулик бир нима қолдиrolмабман. Ахир, ўзим қўй боқиб кезган шу чўлларда ҳар беш йилда бир қудуқ қазганимда ҳам ўнта қудуқ кўзини очган бўлардим-ку. Чўлда қудуқдан азиз нима бор?! Эссиз, ўзимдан яхшигина бир ёдгорлик қолдирган бўлар эканман. Аммо ҳали ҳам кеч эмасга ўхшайди. Балки ёнимга кириб ёрдам берарсизлар, ҳечдан кўра кеч дегандай, шу даштда бир қудуқ қазисак,— дебди.

Ўғиллари рози бўлиб, отанинг ёнига кириб, навбатма-навбат қудуқ қазишга тушиб кетибдилар. Қачон қарасалар, нортуя уларни балo-қазолардан асрамоқчидек қудуқ ёнига чўк тушганча бўйинини ерга бериб ётармиш. Улар эса бунинг маънисига ҳеч тушуна олишмасмиш.

Қудуқ кундан-кунга чуқурлашиб бораркан. Кунларнинг бирида қудуқда сув нишонлари кўрина бошлаганида Ҳасан суюниб кетиб, нортуяни қўярда-қўймай тургазиб миниб, қудуқдан сув чиқиш шарафига атаб, отадан берухсат қимиз келтиргани қўшни ўтовга йўл солибди. Бундан хабар топган Сув душмани Чўл ўз югурдаги Шамолга фармон бериб, бўрон олдига йўллабди. Посбонсиз қолган қудуқ кўзини қум билан тўлдириш ҳақида фармон берибди. Ҳасан ярим йўлга етмасидан қум бўрони бошланибди. Нортуя унга бўй бермай, шата-лоқ отиб йиқитибди-да, бурилганича лўкиллаб орқага қочиб кетибди. Бу пайт Ҳусан билан ота қудуқ ичида эканлар. Юқорига чиқиб улгурмабдилар. Ҳар қанча чақирсалар-да тортиб оладиган одам бўлмабди. Нортуя ҳам етиб кела олмабди. Бу орада ваҳший югурдак Шамол бир қум тепани кўтариб келиб Қудуқ устига ташлабди. Етиб келиб қолган нортуянинг кўз ўнгиде қудуқ ўрнида қумтепа ҳосил бўлибди. Шунда нортуя кўзларидан шашқатор ёш оқиб, тепа ёнига чўк тушиб, бўйинини ерга тираганича қайтиб ўрнидан турмабди.

Бу орада Бўрон ҳам тиниб, югурдак Шамол қум тепани бир-икки айланиб ўтибди-ю, фармон бажарилгани ҳақида хабар бериш учун Сув душмани Чўл ҳузурига йўл олибди.

Нобакор ўғил етиб келиб, қилган ишига минг пушаймонлар ебди. Шашқатор ёш тўкиб, девдай ишга киришиб, қумтепани суриб, қудуқ кўзини очибди. Лекин минг афсуски, ота билан укаси оламдан ўтишган экан. Йигит уларни нортуя ёнига дафн этиб, қудуқни охирига етказибди. Ундан сув чиқариб, ёнига мақбара қурибди. Лекин замонлар ўтиб, мақбара нураб, ер билан баробар бўлиб кетибди-ю, қудуқнинг суви ҳали ҳам тугамасмиш. Унинг ёнига чўккан нортуяни эса, бора-бора қум кўмиб улкан Туятапага айлантирибди. У эса ҳамон қудуқни қум кўчкиларидан асраб келармиш...

Домла чуқур хўрсиниб, бош чайқади: ишқилиб тақдири ўхшамасин... Ўша қудуқ кўзини очаман, деб унинг ичида нажотсиз қолган отадай ўзи ҳам бу ерларда бенoму нишон қолиб кетмаса кошки эди. У бошини кўтариб, қумда оҳиста кўчаётган қузғунлар соясига кўзи тушиб, беихтиёр тепага қаради.

Улар қайтиб келишган, уларнинг «ҳолидан хабар олгани» келишган эди. Домланинг этлари жунжикиб кетди. Лекин буни бошқаларга сездирмасликка уриниб:

— Кетсин, турқини кўрмайлик десанглар, тез-тез юринглар, шахдамроқ юринглар!— деди.

Ортиқ унга ялт этиб, ғалати тикилди. Нимадир демоқчи бўлди-ю, яна тилини тийди. Нега шундай қилди, домла тушунмади. Бунда бир сир бордай эди-ю, домла ўйлаб-ўйлаб, ўйининг тагига етолмади.

## Ўн биринчи боб

### 1

Сахрода қум кечиб, бошидан офтоб ўтиб, пиёда йўл юриш қиз боланинг иши эмас экан. Тўрт кунга қолмай Зулхумор ранг кўр-қол сўр бўлиб қолди. Отамуроднинг этиги ҳам ёрдам бермади. Бари бир товони маржон-маржон қавариб кетди. Ҳар қадам босганида жони суғурилиб чиқиб кетаётгандек, оғриққа чидай олмай лабларини тишлайди. Ун қадам юрмай чўккалаб ўтириб қолади, туролмай қийналади. Ич-ичидан хўрлик босиб келиб, кўзлари жиққа ёшга тўлади. Афтидан, йўлга тушиш олдидан айтган гаплари, мен чидайман, чидашга ҳаракат қиламан, деганлари эсига тушиб кетиб, Отамуродга қарай олмайди. Нимага ҳам унинг гапига кирмадим, дея афсусланади. Ич-ичидан ўзини койийди. Охири Отамуроднинг уни бир қўлидан тутиб етаклаб олишдан бошқа чораси қолмади. Лекин қиз бечора номус кучлилик қилиб, баравар қадам ташлашга қанча тиришмасин, бари бир холи келмайди, тиззалари букилиб-букилиб, ўзи мункиб-мункиб кетади.

Отамурод ийманиб-тортинса бўлмайдиган. Унинг бир қўлини ўз елкасига ташлаб ушлаб олди-да, ўзи қўлтиғига кириб етакламоқчи бўлди. Лекин Зулхумор шу заҳоти ҳушёр тортиб, баданлари дириллаб кетди. Ўзини ундан четга олишга уриниб, қўлини тортқилади. Отамурод унинг ҳозирги аҳволини, кўнгил туғёнларини, уятдан шундай қилаётганини сезиб турган бўлса ҳам, атай қўлини қўйиб юбормади. Уят-ҳаёдан юзлари дув қизарган Зулхумор ноилож, ўзини унинг пинжидан четроқ олишга урина-урина юриб кетди. Отамурод ҳам ўзини ундан тортиб юришга, ногоҳ бирон бошқа ерига тегиб кетмасликка ҳаракат қилади, орқасидан ўтказган қўли билан белидан ушлашга уялиб, тирсагидан маҳкам тутганича жон ҳовучлаб боради. Бирор ёмон ҳаёлга бормасин, деб ўйлайди. Лекин бунга сари баравар юра олмай, пойма-пой қадам ташлайди. Елкасининг бир чеги қизнинг силлиқ, таранг бир ерига беҳос тегиб жаз-жаз куяди, ёқиб бошини гир айлантиргудек бўлади. Отамурод бундан ўзи хижолатга тушиб, сергак тортади. Елкасини ўша жойга теккизмасликка уринади. Лекин у ўзини тийгани сайин нимадир, қандайдир куч елкасини магнитдай ўша ёққа тортиб-тортиб кетади. Елкаси қизиб, бояги силлиқ, таранг нарсани қўмсаб-қўмсаб қўяди.

Отамурод ўзини чалғитишга уринади. Тамомила бошқа нарсаларни ўйлашга тиришиб кўради. Чинккача қанча қолдийкин, шу атрофдан қудуқ-пудуқ топса бўлмасмикан, деб ўз-ўзидан сўрайди. Лекин, қани энди хаёлини чалғита олса! Бу ҳолат унга беихтиёр Тошкент хиёбонларини, ўз дилбари билан кечган оқшомларни эсга солади. Уларнинг ўз учрашув жойлари, ўз скамейкалари бўларди. Улар ҳар оқшом Тельман хиёбонидаги икки томонида шерлар пойлоқчилик қиладиган сокин зина пойида учрашишар, кейин бир-бирларининг пинжиларига тиқилишиб, оҳиста тепага чиқабошлашар эди. Ҳар икки томондаги ариқчаларда сув шалдираб оқиб ётар, шерлар оғзидан шаршара бўлиб қуйилиб, пастга ошиқар, қаердадир — дарахтлар орасида булбул чах-чахлар, пастдан одамларнинг ўйин-кулгилари, музика садолари келиб турар, улар бўлса ҳамма-ҳаммасини унутиб, бир-бирларига тўймай тикилишар, висол оғушида маст бўлардилар. Кейин тепага чиқиб, катта чинор тагидаги ўз скамейкаларига оҳиста чўкиб, бир-бирларига гап бермай, бу учрашувни қанчалар орзиқиб кутганлари ҳақида гаплаша кетар эдилар. Унинг қизиқ бир одати бор эди.

Гап орасида бир нарсани ҳадеб қайта-қайта сўрайверар, менинг нима-мамни яхши кўрасиз, бошқаларга ўхшаб бир гўзал бўлмасам, нима-мамни ёқтириб қолгансиз-а, деб сўрашдан чарчамас. Отамурод унинг кўнглидагидек жавоб қилолган пайтларда эркаланиб, елкасига осилиб қўядиган одати бор эди. Кейин улар кимсасиз кўчаларда узоқ юришар, ҳар бурчакда бир тўхтаб, бари бир бирга бўлишга онтлар ичишар, бизнинг муҳаббатимизга ҳеч нарса зомин бўлолмайди дея ўзларига таскин беришни яхши кўришар эди. Афтидан, улар юракларининг туб-тубидаги қандайдир бир сезги билан қовуша олмасликларини, бу савдониңг охири нима билан тугагини яхши сезиб турардилар-у, буни тан олгилари келмас эди.

Лекин ўзларини ўзлари овутиб юришлари узоққа чўзилмади. Қизнинг отаси, акалари, уларни учраштирамай қўйишди. Совчиликка борган муштипар онасини эса камбағаллигини, таглик-туглик эмаслигини юзига солиб, борганига минг пушаймонлар едириб қайтаришди. Отамурод она кўзларида гилтиллаган ёшни кўрган заҳотиёқ бу иш битмаслигини сезди. Лекин муҳаббат экан, чидай олмай, уни ҳам, онасини ҳам, институтни ҳам ташлаб, буёқларга бош олиб келди. У бургага ачиқ қилиб, кўрпага ўт қўяётганини биларди, лекин бошқа қандай иложи ҳам бор эди, адолатсизликка қандай чидаши керак эди?!

Шу пайт кўтилмаган Зулхуморнинг оёғи тойиб, ўзи мункиб, суриб кета бошлади-ю, Отамурод зўрға оёғини ерга тираб, уни тутиб қолди. Кейин бир қўли билан қизни пинжигга сиқиб, даст кўтариб олиб, оёққа қўяркан:

— Ҳазир бўлинг, сал қолса икковимиз қўшалоқ бўлиб йиқилардик,— деди.

Қиз ҳорғин кулимсиради, кўзлари билан кечирасиз, яхшиям сиз борақансиз, дегандай миннатдорчилик билдирди.

— Ҳечқиси йўқ, оз қолди. Ҳов анови саксовулзорга етиб олайлик, кейин тўхтаимиз. Дам оламиз,— Отамурод қизга далда бериб, уни яна олдинга бошлади, сал илгарилаб кетган ҳамроҳларга етиб олишга ошиқди. Қиз энди ундан боягидай ҳуркмас, юра олмай қолганида худди ўз туғишган акасига суянган сингилдай унинг пинжигга тиқилиб баравар қадам ташлаб борар, шунга мажбурлигига, бошқача юра олмаслигига тан бериб қўйган эди. Лекин қизнинг белидан ўтказиб ушлаб олган қўли, оташ бўлиб қизий бошлаган елкаси Отамуродга ҳамон тинчлик бермас, хаёлини тортиб-тортиб кетар эди.

Ҳар қадам ташлаганидан елкаси ўша силлиқ, таранг кўкракнинг бир четига сал ишқаланиб ўтиб, унинг тинчини ўғирлар, теккизмайин деса бўлмас, нимагадир шу пайтда қизнинг бадани унга ғалати бир куч-қудрат бағишлар ҳам эди.

Отамурод беихтиёр илгари ҳам бир шундай ҳолни бошдан кечирганини ҳозир аниқ эслади.

Бундан беш йилча илгари у ошқозон яраси касалига учраб қолди. Парҳезга яхши риоя қилмагани учун бир кечаси ошқозонининг яраси тешилиб кетиб, уни зудлик билан операцияга олишди. Отамурод операция столида қўл-оёғи маҳкам боғлоғлиқ ётибди. Худди биров ичакларини тортиб суғуриб олаётгандай бўлади. Оғриқнинг зўридан тишларини синдириб юборгудек ғирчиллатади. Чидай олмай тўлғанади, бошини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа буради. Кўзларини кирт юмиб ингради. Столга билагидан маҳкам боғланган қўлларини тортиб қайишларини узиб юлмоқчи, ўрнидан даст туриб кетмоқчи бўлади. Бақириб юборай дейди-ю, ёнида профессорга қарашиб турган ҳамшира қиздан истиҳола қилади. Ёшли кўзларини ундан яшириб четга қарайди.

Профессор: «Мана ҳозир, оз қолди. Бир оз сабр қилинг», дея тинч-

лантирмоқчи бўлади. Лекин қани энди тинчланиб бўлса, оғриққа чидаб бўлса.

Шунда ҳамшира қиз ачиниб кетдими ё ўзи сезмаган ҳолда шундай қилдими, унинг қўлини қуймичи билан босиб олди. Отамурод ўзи қай ҳолда ётибди-ю, қўлига теккан аёл баданини шу заҳотиёқ ҳис қилди. «Мана ҳозир тугайди», деган профессор ҳамон ичакларини суғуриб олгудек бўлиб, алланималар қилади. У эса ҳар замон-ҳар замонда «вой!» деб бақиради-ю, қизнинг кўйлагига, ундан баданига тегиб турган муштумини қимирлатиб-қимирлатиб қўяди. Шу билан оғриқни унутиб, бир оз лаззат топгандай бўлади. Узининг ҳаёт билан ажал чегарасида турганини билади, оғриққа чидолмаганидан уятни ҳам йиғиштириб қўйиб дод солади-ю, «қани энди қўлим сал бўшроқ бойланган бўлса, уни яхшироқ айлантиролсам» деб ўйлайди. Ҳаёт деганлари қизиқ нарса экан. Ҳозиргача бу ҳолати ҳар эсига тушганда ўзидан-ўзи хижолат тортиб кетади, лекин шу билан бирга аёлдек мурувватли зот бўлмаслигига яна бир марта амин бўлиб, унинг ҳиммати олдида доимо бош эгиш керак деб ҳисоблайди. Ушандан бери ҳар битта аёл зотини у мурувват фариштаси деб билади, керак бўлса улардан жонини ҳам аямайди.

Бир вақт кимдир унинг қопчиғидан ушлаб тортгандай бўлди. Отамурод ярим ўгирилиб Султоновни кўрди.

— Ёрдамлашиб юбора қолай, қийналиб кетдинг,— деди у.

— Майли, раҳмат,— Отамурод унинг раъйини қайтаргиси келмай, тасмани елкасидан чиқариб, қопчиқни орқасидан туширди. Қанистрдаги сув чайқалиб кетди. Ҳамманинг диққатини ўзига оҳанрабодай тортиб, ютинтирди. Чанқоқ яна эса тушиб, юракни ўртаб келди-ю, Отамурод бирдан домланиг сувга бошингиз билан жавоб берасиз, деган гапини эслаб қўрқиб кетди.

Шу заҳоти қайтариб олмоқчи бўлиб ўгирилди-ю, кечикканини сизди. Султонов уни елкасига илиб улгурган эди. Яна қайтариб олишга Отамуроднинг юзи чидамади. Биров одамгарчилик қилса-ю, мен ишонмай ўтирсам. Нима, бегонамиди, ёки Ортиқмидики кўрқсам, дея ўзига ўзи таскин берди. Зулхуморни яна етаклаб йўлга тушди-ю, Султоновни ўйлаб кетди. Йигит кишининг юзи бир шувит бўлмасин экан. Илгари қандай эди, ҳеч кимга гапини бермасди. Энди дами ичида, ўз ёрига ўзи қоврилиб ётибди. Маслаҳатларда ҳам оёзига талқон солиб, бош эгиб ўтиргани ўтирган. Кечалари бирпасгина ухлайди-ю, кейин уйғониб кетиб, тонггача мижжа қоқмай тўлғаниб чиқади. Бўлар иш бўлганида ич-этини еб энди нимани ўйлайди, билиб бўлмайди. Юрагини ҳеч кимга ёрмайди. Кейинги пайтда нимагадир унинг атрофида ўралашиб қолган Ортиққа ҳам унча рўйхуш бермаси-да, қаттиқ-қуруқ бир нарса демайди. Рост, унга ҳам осонмас. Унинг ўрнида ўзи ҳам шу аҳволга тушармиди балки.

Зулхумор кутилмаганда тўхтаб, унинг қўлидан тортди:

— Уни қаранг, булутни қаранг!— дея ҳарсиллаб кунботарни кўрсатди. Кейин ёш болалардек қувониб кетди.— Ёмғир ёғиб беради, сувимиз кўпаяди, тўғрими, Отамурод ака?

Отамурод ялт этиб ўша томонга кўз ташлади. Қачондир уфқдан осмонга тошиб чиқиб улгурган икки бўлак катта қорамтир булут бири билан тутшиб, шу томонга босиб келар эди. Орқада келаётган Ортиқ ҳовлиқиб қолди:

— Селдай ёғади, қоралигини қаранглар,— дея қичқирди ўзини тутта олмай.— Кўйлақларимизни ерга ёзиб қўйиб сиқиб олаверамиз. Домла, уни қаранг. Худо бераман деса шу-да. Ниҳоят сувимиз кўпаядиган бўлди, қийналмайдиган бўлдик.

У ўзига қолса хурсандчиликдан ўйинга тушгудек ҳолатда эди.

Ҳамма тўхтаб, ўша томонга, уфққа яқинлашиб қолган куёш устига бостириб келаётган қора булут карвонига умид билан тикилиб қолди.

— Худого минг қатла шукур,— деди Султонов ҳам, энди руҳи сал очилиб.

Лекин қора терга тушиб, ҳассасига таяниб қолган домла уфқдан кўзини олиб, оғир бош чайқади:

— Кошкийди ёғса,— деди қандайдир хавотирда.— Бўрон бўлади-ганга ўхшайди. Шунақа сиёғи бор.

Энди ҳамма ҳайрат аралаш домлага қаради.

— Бўрон дедингизми?— дея довдиради Ортиқ даҳшатга тушиб.

— Балки ўтиб кетар,— деди Султонов умид тутиб.

Домла бош чайқади:

— Ҳар қалай ҳаракатларингни қилиб қолинглар, қум тўзонида қолмасдан саксовулзорга етиб олганимиз маъқул.

«Шуниси етмай тургани ўзи», дея хаёлидан ўтказаркан, Отамурод қизнинг билагини маҳкам қисиб, унга далда берди:

— Кетдик, синглим. Бўрон турмасин ишқилиб. Турса, бу ерда қолиб бўлмайди.

Улар юз эллик қадам юришмасидан домланинг айтгани келди: иссиқ шамол туриб юзга урилди-ю, нафасни қайтариб, ўзларини қалқитди. Сал ўтмай тақир томонда чанг-тўзон устуни кўтарилиб, борган сари катталашиб кела бошлади. У йўлида учраган жамики нарсани ўз домига тортиб, чирпирак қилиб осмони фалакка олиб чиқиб кетар, ҳеч нарса ундан омонлик топмасди. Гирдоб раққосадек чирпирак бўлиб айланиб келиб, ўтиб кетди-ю, саксовулзорда олатўзон бошланди. Саксовул шохлари қайрилиб, синиб кетгудек эгилиб, ҳувиллаб шамол босиб келди. Улар қум-тўзондан кўз очолмай энгашиб туриб қолишди. Отамурод Зулхуморни маҳкам ушлаб олганича уни йиқилишга қўймай, энгашиб олдинга йўл бошлаб кўрди. Лекин, қани энди кўзини очиб бўлса, йўлни кўриб, юриб бўлса. Қум юзларига игнадек санчилиб, кўз очирмайди. Энгилга урилиб, чирсиллаб ерга тўкилади. Шамол бош кўтаргани қўймай, эпкини билан орқага итариб-итариб ташлайди. Отамурод қаерга оёқ қўяётганини билмай қалқиб-қалқиб кетади. Бир ёнга тортиб кетаётган Зулхуморни зўр-базўр тутиб қолади. Узини ўнглаб, олға интилмоқчи бўлади-ю, яна бўрон эпкини қайтариб-қайтариб ташлайди. Олдиндан домланинг овози келади:

— Отамурод, Зулхумор! Қаердасизлар!? Бўш келманглар! Саксовулзорга қараб...

Шу пайт бўрон баттар кучайиб, шамол тўлқини унинг охириги сўзларини учуриб кетди. Ўзларини гандираклатиб юборди. Кимдир ўзини тутолмай бир ёнига йиқилди. Кимдир олдинга энгашиб, эмаклаб қолди. Отамуроднинг нафаси тикилиб келиб, юзларини орқага ўгирди. Зулхумор эса қўрқиб кетиб, жон ҳолатда унга маҳкам тирмашиб олди-ю, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Отамурод шошиб қолиб, қизнинг елкаларини силаб юпатишга тушди:

— Қўрқманг, синглим, ўтиб кетади. Кўпга бормайди, ўтиб кетади. Бўрон ўзи шунақа бўлади!— дея қулоғига қичқирди.

Бунга сари Зулхумор унинг пинжига тикилади. Бўрон шовқини орасида шундай яқинидаги қизнинг ҳиқиллаб йиғлаши ҳам элас-элас эшитилади. Бўрон бутун мавжудотни ютиб юбормоқчидек ҳувиллайди, йўлида учраган жамики нарсани тўзитиб, учуриб боради.

Отамурод бошқаларнинг қаердалигини, домлага нима бўлганини билолмай зўрға кўз очиб, олдинга қаради, лекин ҳеч нарса кўра олмади. Шу пайт бўрон янги куч билан қутуриб келиб унга урилди-ю,



гандираклатиб юборди. У ўзини ўнглаб ололмай, оёқлари ердан узилиб, Зулхумор билан қўшилишиб ағанаб тушди. Бўрон мана ҳозир одамни худди бир қоп хазондай думалатиб кетадиганга ўхшар, шундай кучли эди. У беихтиёр гужанак бўлиб олди. Зулхуморни қўйиб юбормай, гавдаси билан уни қум-тўзондан тўсишга уринди.

— Зулхумор, қўрқманг, мен шу ердман!— деб бақирди.

Қиз ҳам унинг овозини эшитди шекилли, янада қаттиқроқ тирмашиб, яқинроқ сурилди.

Бўрон ҳувиллар, ҳар ҳувиллаганида уларнинг устига аллақанча қум сепиб ўтар, ҳали сусайиб тинадиган балого ўхшамас эди. Отамурод эса қиздан бошқа нарсани ўйламайди. «Бўрон у бечоранинг юрагини чиқариб юбормадимикан? Ишқилиб айириб ташламасин, худонинг ўзи асрасин», дейди, унинг елкаларидан маҳкам тутиб, ўз синглисидай бағрига олмоқчи бўлади.

## 2

Зулхумор азонда қулоғининг ичига қум тўкилишидан уйғониб кетди-ю, кўзини очиб, ҳайрон қолди: атроф шундай сокин, тинч эдики, ҳатто қумнинг шитирлаб тўкилиши ҳам сезиларди. Осмон ёришиб, синкага солинган дока рўмолдай мовий рангга кириб боради. Тиқ этган товуш эшитилмайди. Гўё кеча кечқурун ҳеч нарса бўлмагандек, саксовуллар ҳам, юлғун шохлари ҳам жим, қум барханлари ҳам гўё устига жигаранг чийдухоба ташланган туя карвонларидай, бу карвон қўниб тин олаётгандай.

«Отамурод ака қани? Домла қанилар?!» У хаёлига чақмоқдай урилган бу фикрдан сесканиб ўрнидан даст туриб кетмоқчи бўлди-ю, зўрға елкасини кўтара олди. Устидан шувиллаб қум тўкилиб, ўзи ҳам, ёнидаги Отамурод ҳам қумга кўмилиб қолишганини англаб етиб, қўрқиб кетди. Шошиб Отамуроднинг елкасидан тортқилади:

— Отамурод ака, тулинг, тура қолинг.

— А? Нима? Қим?— Бошини кўтариб кўзларини пирпиратди.— Тинчликми?

— Турақолинг, қумни қаранг.

— Ҳа-а...— Отамурод белидан пасти қумга ботиб ўтирганини кўриб ўзи кулиб юборди.— Роса маза бўларкан-у қумнинг ичи, а?

— Шунга айтинг. Мен ҳам шундай яхши ухлабманки, қотиб қолибман-а, тавба,— деди Зулхумор ҳам, кейин бирдан домлани эслаб,— вой, Отамурод ака, домла қанилар? Бошқалар қани?— деди юраги орқасига тортиб.

Отамурод силтаниб ўрнидан туриб кетди. Зулхумор қум остидан зўрға оёқларини тортиб олиб, ерда чўккалаб ўтирганича атрофга аланглади. Улардан сал тепада бархан устида йиртилиб таги кўчиб кетган бир пой ботинка, ундан нарида оғзи очик бўм-бўш рюкзак ётар, унинг ичидаги нарсалар атрофга сочилиб ташланган эди. Қумдаги ялангоёқ излар ўша ердан бошланиб, тақир томонга қараб кетган, сал наридан унга бошқа ботинкали из эргашган эди.

— Қизиқ, Зулхумор ҳеч нарсага тушунолмай Отамуродга саволчан қаради.— Наҳот улар бизни ташлаб кетишса? Ё кўрмай, қидириб кетишдимикан, а?

Отамурод бу фикрга қўшилмади:

— Ундай деса из иккита-ку, учинчиси қаерда қолди?— У бош чайқади.— Йўқ, домла бизни ташлаб кетмайдилар.

— Бўлмаса, бизга ўхшаб бирор ерда қум кўмиб қолдимикан? — Зулхумор ташвишга тушиб, ўрнидан туриб кетди.

— Эҳтимол,— Отамурод шундай деди-ю, ўзи ҳовлиқиб бархан устига чопиб чиқиб кета бошлади. Кейин тепага чиқар-чиқмас:

— Ана! Шу ерда эканлар!— дея, бархан орқасига қараб югурди. Зулхумор кўнгли жойига тушиб, хайрият, дея унга эргашди. У юқорига чиқиб борганда домла қум ичидан оёқларини тортиб олишни ҳам ўйламай, ерда бошланг ўтирганича, зўр бериб ичига кириб қолган қумларни қоқар эди. Отамурод эса атрофга аланглаб ниманидир изларди.

— Домла, кечаги бўрон похол шляпангизни эсдаликка олиб кетибдими, — деди охири ярим ҳазил билан.

— У-ку, майли-я. Наридан борса похолдан эди, кўзойнакни айтмай-сизми? Тилласини ҳам уриб кетибди, чоғи,— домла ён-атрофини тимираб кетди.

Зулхумор уларнинг бегибди ҳазилларига қулоқ солиб туриб, кўзи яна бояғи изларга тушиб ҳайрон қолди. Из домлани четлаб ўтиб, тақирга қараб кетган эди. Зулхумор кўнгли ёмон бир нарсани сезиб:

— Кўзойнак йўқолганини айтасиз, бутун бошли одамлар йўққа ўхшайди-ку!— деб юборди.

— Йўғ-е. Яхшироқ қаранглар. Бирорта дўнгнинг тагида ётишган бўлмасин тағин?— деди домла ишонмай.

— Унда анови тақирга қараб кетган излар нимаси?— деди Зулхумор яқин бориб. Домла кўзларига ишонмай ўрнидан турди-да, ўшатошонга қаради. Эрта тонг ёруғида тақир томонга қараб кетган икки жуфт из яққол кўриниб турар, у узоқлашиб бориб, якка изга айланиб кетган эди.

— Дарвоқе, улар кетишибди. Талвасада қочиб қолишибди. Кўнглимга келган эди-я. Эссиз, охири уни Ортиқ йўлдан урибди,— деди домла бош чайқаб.

Бу воқеадан ҳайратга тушиб қолган Отамурод кутилмаганда:

— Ия, унда менинг қопчиғим қани?!— деб юборди беихтиёр.— Олиб кетишибдими?!— У атрофга аланглаб, ҳув нарида, бархан устида ичидаги нарсалари ҳар томонга сочилиб ётган рюкзакка кўзи тушди-ю, ўша томонга югурди. Беш ҳатлашда етиб бориб, тепасида қоққан қозикдай тик туриб қолди. Зулхумор қўрқиб кетди:

— Нима бало, улар сувни ўғирлаб кетишибдими?!— деди. Назарида чўл унинг овозидан худди жаранглаб кетгандай бўлди.

— Одам ҳам шунчалик пасткашликка борарканми, а? — деди домла чуқур ўйга толиб.

Отамурод эса ҳамон ўша ерда бош эгиб тек турар, уларнинг олди-га қайси юз билан қайтиб келишини билмас эди чамаси. Охири у қопчиқ ёнидан қумга кўмилиб қолган латтага ўроғлиқ бир нарсани олиб, юзи сал ёришгандай бўлди.

Орқага қайтиб кела туриб, йўл-йўлакай ҳалиги латтани очиб, кафтидан каттароқ алюмин сувдонни қўлига олди. Яқинлашиб келаркан, кўзларини кўтариб қарай олмай:

— Бизга қолгани шу бўпти,— деди секин.

Уртага ноҳуш жимлик чўкиб, ҳаммалари ерга қараб қолишди. Зулхуморнинг хаёлига лоп этиб Собир келди-ю, назарида у ҳамма-ҳаммани оёққа турғазгандай, ҳозир вертолётлар осмонга кўтарилиб, вездеходлар йўлга чиқиб, Устюртни илма-тешик қилиб уларни излашаётгандай туюлиб кетди: у қараб ўтирмагандир, бир кун, бир соат бўлмаса, қай алфозга тушарди, бедарак кетганига беш кун бўлди-ю, қараб ўтирадимиз! Қани эди, шундай оғир кунда у вездеход билан қидириб топиб келиб қолса. Қани эди!

Домла чуқур тин олиб, бошини кўтарди:

— Қопчиқни қачон сиздан олиб улгуришган эди?— деди у Отамуродга ётиғи билан.

— Кеча,— деди Отамурод лаблари титраб, бош кўтаролмай.—

Ўзим айбдорман. Хўжайин — Ортиқ эмас-ку, девдим. Қаттиқ адашган эканман. Уни йўлдан уриб қўйганини билганимда-ку — у кескин қўл силтади—ўзим билардим-а!

Зулхуморга энди ҳамма нарса ойнадай равшан эди: пайт пойлаб юрган экан-да, номард. Якка ўзи қочишга чўчиб, Султоновни оғдириб олиб кетибдими?

Отамурод туриб-туриб, кутилмаганда бошини шарт кўтарди:

— Биласизми, домла, канистрда ҳеч қанча сув қолмаган эди. Улар ҳам адашган. У сув билан ҳеч қаерга бориб бўлмайди. Ўзларини ўзлари бекорга нобуд қилишади, уларни қайтариш керак, менимча. Балки, ҳали узоқ кетиб улгуришмагандир.

— Шошманг, аввал изларини кўринг-чи,— эътироз билдирди домла.— Янги бўлса — борсангиз арзийди. Бўлмаса нима фойда,— у шундай дея ўзи из томонга қараб юрди. Зулхумор ҳам уларга эргашаркан, агар Отамурод ака уларни топиб, орқаларига қайтариб келса, юзимизга қандай қарашар экан, деди ўзига ўзи. Уларнинг энг ёмон ўғрилиқ устида қўлга тушган одамлардай на ер ёрилиб ерга кириб кета олмай, на одамларнинг нафратидан қочиб қутула олмай ер чизиб ўтиришларини тасаввур этди-ю, нафрати ошиб, бетинг қурғурлар, деб юборди. Улар из олдига бориб, айлана қуриб, энгашганча жим қолишди. Изни сал қум босганини айтмаса, ялангоёқ изни ботинкали издан бемалол ажратса бўларди.

— Улар аввалдан шу майлда бўлишган,— деди домла қандайдир нафрат аралаш қўл силтаб.— Бўлмаса бундай бўрон тинар-тинмас йўлга чиқиб кетишмасди. Улар аллақачон жуфтакни уриб қолишган.— У қаддини ростлаб шунақа, ука, дея танбеҳ бергандай Отамуродга қараб қўйди.

— Анавиниси майли, ундан кутса бўларди,— деди Зулхумор.— Лекин Султоновдай одамга нима жин урди-а? Шундай тушунган, кўпчиликка бош бўлиб юрган одам шунчаликка бориб ўтирса-я, тавба! Уни нима мажбур қилди экан-а?

Отамурод ўзи билан ўзи бўлиб, индамади. Урнига домла жавоб қилди:

— Шунақа, қизим, одамнинг қанақалиги оғир кунда билинади. Оғир кун ажратади. Унгача билиб бўлмайди.

Шу пайт Отамурод бошини кўтариб, домлага илтимос билан қаради.

— Домла, рухсат берсангиз, уларни қидириб кўрсам. Нима бўлганда ҳам, билиб туриб қайтармаслик, одамгарчиликдан эмасдир. Зора узоққа кетиб улгуришмаган бўлса.

Қамолитдин ака ялт этиб унга қаради. Уни тушуниб, мамнунлик билан:

— Майли биз шу ерда, саксовулзорда кутиб турақоламиз,— деди.— Лекин тезроқ қайтинг. Иссиққа қолиб кетманг.

Отамурод сувдонни домлага тутқазиб, тақир томонга жадал юриб кетди.

— Қораси ҳам кўринмайди-ку. Зарурмиди, а?— Хавотирланиб сўради Зулхумор домладан.

— Зарур, қизим, тўғри қилади, ҳеч бўлмаганда виждони тоза бўлади-ку,— у оқсоқлана-оқсоқлана саксовулзорга қараб йўл бошлади.

Зулхумор эса Отамуроднинг орқасидан тикилиб қолганича, унинг валломатлигини ўйлар эди: «Бу чўлда шерикларининг сувини ўғирлаб қочишдан ортиқ пасткашлик бўлмаса керак. Улар шундай тубанликка бориб туришса-ю, бу уларнинг тақдирини ўйлаб ўтирса. Нима бўлганда ҳам улар ҳам одам-ку, билиб-туриб қандай ҳалокатга қўйиб юборамиз деса. Жуда юраги тоза йигит экан. Ҳақиқий валломат экан. Ҳар

ким ҳам шундай десин-чи, шундай қайғурсин-чи! Қани энди, уларни қайтариб келса. Хўп аломат иш бўлармиди».

Зулхумор ҳар эҳтимолга қарши деб ерда сочилиб ётган керакли-кераксиз нарсаларни қопчиққа жойлаб, мешни олиб домлага эргашди.

Отамурод қуёш чарақлаб чиқиб кетиб, росмана қиздира бошлаганидагина бўшашиб қайтиб келди.

— Тақирга чиққанда изни йўқотдим. Қаёққа кетишганини билиб бўлмади,— деди юлғун соясига ҳорғин ўтираркан.— Нарироққача ҳам бордим-у, қоралари кўринмади. Лекин узоқда бир нарса пастак девордай оқариб кўриняпти. Чинкмикан, билолмадим.

— Сариқамиш чинки бўлса керак. Оҳактош қатламлари оқариб кўринган. Демак, сувли ерларга оз қопти,— деди домла жонланиб,— Уша ерга етиб олсак, уёғи осон: бирорта қудуқ топса бўлади.

Отамурод сўзсиз бош чайқади.

Домла бунга тушуна олмади:

— Нимага энди?

— Узоқ,— қисқа жавоб қилди Отамурод.— Бу аҳволда, ҳалиги жиндек сувимиз билан етолмаймиз.

— Унда... унда нима қиламиз? Шу ерда...— Зулхумор уёғини айта олмади.

— Йўқ, мен бошқа нарсани ўйлаб қолдим,— у илтимос билан аввал домлага, кейин унга қаради.— Агар розилик берсаларингиз, йўқ демасаларингиз, мен бир ерга бориб келсам.

— Сиз-а? Бир ўзингиз-а? — домла ҳайрон бўлди.— Қаерга борасиз шундай бийдай саҳрода?..

— Гап бундай, домла,— у бўладиган гапга кўча қолди.— Сизлар шу ерда қолиб, мени кутсанглар. Мен бир қудуқ кўрган жойим бор. Энди аниқ эсладим. Уша ерга бориб келсам. Кечаги саробда кўринган жойга.

— Қудуқмозоргами? Э, қўйинг. Кераги йўқ. У бир афсона-ку, саробда нималар кўринмайди,— домла рози бўлмай, қатъий бош чайқади.

— Ишонмайсизми, мен ўзим ундан сув ичганман, — Отамурод рост, худо ҳақи дегандай домлага тикилди, кейин астойдил тушунтиришга тушди.— Рост, бир марта шундай бўлган. Йўлдан адашиб, шу қудуқ устидан чиқиб қолганмиз. Энди аниқ эсладим: худди шу алдамчи Сариқамиш чинки охирида, у тақир билан туташиб кетган жойда эди. Менимча, бориб келса бўлади. Узоқ эмас. Наридан борса бир кунлик йўл.

Зулхумор унга ишониб турса ҳам юраги дов бермай, эътироз билдирди:

— Йўқ, қўйинг, ҳаммамиз ҳар ёққа бўлиниб кетмайлик. Нима бўлса ҳам бирга бўлайлик.

Отамурод азбаройи астойдил ишонтирмоқчи бўлиб, қўлларини кўксига қўйди:

— Менга ишонмайсизларми?

— Ишонамиз, лекин чўл-чўл-да, Отамурод ака. Худо кўрсатмасин, адашиб кетсангиз бизнинг ҳолимиз нима кечади?

Домла тирсагини тиззасига қўйиб, қўлини пешонасига тираганча жим қолган эди. Отамурод бундан фойдаланиб, яна ўз гапини маъқуллашга уринди:

— Биласизми, ўшанда қудуқдан ўтиб, шу чинк ёқалаб машинада аллақанча юрганмиз. Кейин адашганимизни сезиб қолиб, орқага қайтиб кетганмиз. Енимда шу бошлиғимиз Султонов ҳам бор эди. Балки улар ҳам ўша қудуққа қараб кетишаётгандир. Ундан сув олиб келишмоқчидир.

Домла унга бошини кўтариб мийғида кулиб қўйди-да:

— Жуда оқ кўнгилсиз-да, ўғлим,— деди кейин чуқур тин олди.— Улардан-ку, умид йўқ. Лекин сизга ишонса бўлади. Бораман десангиз, юрагингиз чопса, майли борганингиз маъқул. Топсангиз—бахтимиз. Бизни деб шу йўлга отланган экансиз, нима деймиз: яхши бориб келинг, ўғлим,— домла унинг елкасига оталарча қоқиб, орқасини силаб қўйди.— Майли, ҳозир бир оз дам олволдинг-чи.

— Яхши, лекин аввал сизларга бир соябон — чайла қурсак бўлар-миди,— деди Отамурод саксовулзорга назар ташлаб. Домла унамай бош чайқади:

— Ўзимиз бир амаллармиз. Сиз борадиган бўлсангиз тайёргарлигингизни секин кўраверинг. Мешни ҳар эҳтимолга қарши қопчиққа жойлаб олганингиз тузук. Манг, йўл юрадиган одамсиз, сувни ҳам ўзингиз ола кетинг, — деди у сувдонни узатиб.

— Э, нима деяпсиз!— Отамурод қатъий қўл силкиб норозилик билдирди.— Мен қудуққа кетяпман-ку:

— Биламан, қудуққа кетяпсиз. Лекин унга етгунча ҳам сув керакми? — деди домла сувдонни узатиб турганича.

Отамурод ўрнидан туриб, нимагадир нари кета бошлади:

— Йўқ, мен ҳамма сувни олиб кетолмайман. Кетолмайман дедим, кетолмайман.

— Биз бир ерда сояда ўтираемиз. Сиз бошингиздан офтоб ўтиб йўл юрадиган одамсиз. Олаверинг, биз розимиз. Ишқилиб, омон-эсон қайтиб келсангиз бўлгани,— деди Зулхумор юраги тўлиб.

— Майли, лекин мен ўзимга керагича олиб кетаман, сизлар ҳам менинг гапимга киринглар,— деди Отамурод ниҳоят эътирозга ўрин қолдирмай.

— Биз чидардик, уч кунгача етиб келардингиз,— деди домла энди сал бўшашиб.

— Нега энди, икки кунда етиб келишга ҳаракат қиламан,— деди Отамурод узоқ қолиб кетишга ҳаққим йўқ дегандай. Кейин сувдонни олиб мешнинг оғзини очди-да, тахминан учдан бирини қўйди.

Домла ҳеч нарса демай сувдонни қайтариб қўлига олди-да, оғзини маҳкамлаб қумга кўма бошлади. Зулхуморнинг юраги тўлиб-тўлиб келар, Отамуроднинг йўл тайёргарлигини кўришига қарай олмас, энди ҳолимиз нима кечади, усиз нима қиламиз; дерди ўзига ўзи. Кўзларида ёш ҳалқаланиб, четга қараб ўтирарди.

Отамурод қопчиқни елкасига илиб ўрнидан тураркан:

— Хўп, бўлмаса, менга жавоб, қайтиб келгунимча яхши ўтиринглар,— деди хайрлашишга тараддуланиб. Зулхумор бирдан унинг ялангоёқларига кўзи тушди-ю, ўзи уялиб кетди.

— Шошманг,— дея шошиб унинг этигини ечиб бера бошлади.— Ҳали индамаса шу аҳволда кетаверасизми?

— Дарвоқе, кийиб олинг этигингизни,— деди домла ҳам.

Отамурод индамай яна ўтириб оёқларига пайтава ўрашга тутинаркан, Зулхумор унинг тортинчоқлик қилиб сўрамаганини аниқ тушунди. Ниҳоят у этикларини кийиб бўлиб, ўрнидан ғоз турди-да:

— Мана, биз тайёр!— деди. Улар ҳам энди ўринларидан туриб, хайрлашишга чоғландилар.

Аввал домла, кейин Зулхумор уни бағриларига босиб, сўзсиз кўзга ёш олиб хайрлашдилар. У ҳар қучоқ очганида мешнинг тагидаги ўша озгина сув оҳанграбодек бир қулдираб қўяр, юракларга нажот бағишлагандек бўлар эди. Отамурод ҳам ҳаяжонини яширолмай, кўзлари жиққа ёшга тўлиб:

— Мени кутинглар, мен қайтаман!— деди-ю, бурилиб жўнаб кетди.

— Ой бориб омон кел, ўғлим,— дея олди домла.

— Эсон-омон кўришайлик илоҳим,— деди Зулхумор. Кейин кўнгли тўлиб келиб, юзини ўгириб олди.

Қайтиб қараганида Отамурод узун соясини босиб, илдам бархан ошиб борарди. Унинг қораси кичрайиб бора-бора, аввал қимирламас қора нуқтага айланди, кейин ғира-шира милтираб туриб, бўйрадек ялтираб оқариб ётган тақир охирида офтоб живир-живирига сингиб кетди. Улар эса юраклари ҳувиллаб, у кетган томонга кўз тикиб қолишган, ҳеч нарсага қўллари бормай тек туришарди. Кун чарақлаб турибди-ю, гўё ҳаммаёқ қоронғига ўхшайди. У қачон қайтади, ким уларни қидириб топади, тақдирлари энди қандай тугайди? Ҳамма-ҳаммаси қоронғи, ҳаммаси номаълум, жавобсиз. Кўнгилга таскин берадиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунда Зулхумор беихтиёр яна чинкда қолган Собирни ўйлайди. Қани энди у ҳозир Хизирдай Отамуроднинг йўлидан чиқиб қолса, вездеходдан сакраб тушиб, унинг олдига чопиб келса-ю, тақа-тақ тўхтаб, саволга тута кетса:

— Улар қани? Уларни ташлаб қаёққа кетяпсиз? Нимага бир ўзингизсиз? Айтинг, мен сиздан сўраяпман, Зулхумор қани?— дея елкаларини силкиб бақирса, оламини бошига кўтарса!

Кейин ҳамма нарсадан хабар топиб, уни машинасига олса-ю, бўёққа шошилса! Унинг олдига шамол бўлиб учса!

Зулхуморнинг назарида машина ойналари мана ҳозир офтоб нурида ярқираб кетадигандай, ўзи бир олам чанг-тўзон кўтариб, ғириллаб бархан ортидан чиқиб келади-гандек бўлаверади. Ўзи телбалардай унга интилишга тайёр туради, қандайдир мўъжиза рўй бериб Собир — халоскори ёрдамга етиб келишига шундай умид тутадими, буни шу топда ўзидан бўлак ҳеч ким ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди.

## Ўн иккинчи боб

У чинкка чиқиб олиб, жар ёқалаб оёғини зўрға кўтариб босиб бораркан, ўнг томонга оғган сояси дам кичрайиб, дам узайиб кетар, нимага шундай бўлаётганига ўзининг ақли етиб-етмас, назарида оёғининг остида ер қалқиб бориб-қалқиб келар, қадами мўлжаллаган ерига тушмас эди. У тўхтамоқчи бўлган эди, боши, еру кўк, атрофдаги жамик нарса чирпирак бўлиб айланиб, ўзи жарликка қулаб тушаётгандек, жон ҳолатда саксовул таёғига ёпишди. Икки қўллаб тутамлаганича бутун оғирлигини унга ташлаб, зўрға тутиб қолди. Шунда ҳам оёғининг тагидаги тепалик, ёнбошидаги соя босган жарлик қалқиб бориб-қалқиб келади-ю, лекин бош айланиши боягидек эмас.

Шу туришда оёқлари зир қақшайди. Фақат қўлида бир оз мадор борга, шу кучгина уни тутиб турганга ўхшайди. Отамурод атрофга қараса яна боши айланиб, кўзи тиниб кетадигандай, кўзларини юмиб, жим қолди. Бирпас шундай дам олмоқчи бўлди.

Зора ўтиб кетса. Сояга тушиб олса бўларкан. Бошидан офтоб урди шекилли.

Эрталабдан бери пастда чинк ёқалаб келаётган эди. Зўрға пешингача чидади. Офтоб пешонадан уриб турар, ҳаво шундай дим эдики, Отамурод ўзини тандирнинг ичига тушиб қолгандай ҳис қилиб, нафаси тикилиб кетди. Жарлик бамисоли ер тандирдай олов пуркарди.

У тепада жилла бўлмаса шабада бордир-ку, деб анча уриниб, қияликлардан тошларга тирмаша-тирмаша, шағаллардан сурина-сурина чинкка чиқиб олганди. Энди тушиш йўл бўлсин. Бу аҳволда тушиб бўладими. Худо кўрсатмасин, оёғи тойиб кетса борми — тамом, кейин ўзини ўнглаб ҳам, қутқариб ҳам қололмайди.

У кўзини очиб пастга қаради, ҳов узоқда, жуда пастда, соя чегарасида ҳассаса таяниб, қопчиқ орқалаб олган бир одам қорасини кўрди-ю, дафъатан:

— Эҳ-ҳе, биродар!—дея қичқириб юборишига сал қолди. Охирги дақиқада у қора бошқа биров эмас, ўзининг сояси эканини фаҳмлаб қолди.

Соя. Соянинг қадрига саратонда чўлда қолган Отамурод етмай ким етсин. Ҳозир ўша пастга тушиб бир дам чўзилганга, куннинг олов тигидан ўзини панага олиб, бирпас ором олганга нима етсин! Қани эди туша олса, ўша сояга ета олса!

Шу жазирамада бўлса ҳам бирпас оёғини узатиб, чўзилиб олсачи? Сал ўзига келармиди. Йўқ,— у ўзига ўзи эътироз билдирди,— ҳалитдан ётоқчиласа қачон етади? Уёқда икки бирдек одам кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирса-ю, бу ёқда у ўзини ўйлаб, соя излаб ётоқчиласа. Йўқ. У қатъий бош чайқади: қудуққа етмагунча тиним йўқ. Қийналмасдан бўлармишми! Кўнгилга қарасанг, нималарни тусамайди!

Қудуқни топаман дедими, ҳар нарса бўлганда ҳам топиши керак. Улар ҳолатда бўлса ҳам, уларга сув олиб бориши керак. Йўлдан тойишга, йиқилиб қолишга ҳаққи йўқ. Сўзининг устидан чиқмасанг одамлигинг қаерда қолади?!

У ўзида қандайдир куч топиб, қаддини кўтарди, оёқларини мажбурлаб олдинга бир қадам ташлади, ўзига ишонч ҳосил қилиб, чинк бўйлаб юриб кетди. У энди пастдаги сояни ҳам, кўнглида уйғонган бояги истакларни ҳам унутган, умид билан саратон живир-живирига тўла узоқ-узоқларга тикилиб, жарликнинг бўйига, соясининг узун-калталигига зеҳн солиб, бу савил чинк қачон пасаяди, қачон пасая бошлайди, деб борарди.

Ҳа деган туяга мадор деб шуни айтишаркан. Эрталабдан бери озмунча йўл юриб қўйдими. Назарида чинк энди сезилар-сезилмас пасая бошлади. Жарлик ана шундай пасайиб бориб, кейин текисликка қўшилиб кетиши керак. Энди пасая бошладими, уёғи ҳеч қанча эмас, эмаклаб ҳам қудуққа етиб олса бўлади.

Отамурод ич-ичидан суюниб кетди. Шу қитдек янгилик ҳам унинг кўнглини тоғдек ўстириб, руҳини шундай кўтариб юбордики... Бояги нохуш ҳаёллардан, ланжликдан асар ҳам қолмади. У энди ўзини бардам тутар, анча тетик қадам ташлар, боши айланиб, кўз тинишлари ҳам йўқолган, чарчоқларини унутгандай эди.

Ҳа, муҳими — тушкунлика тушмай, руҳингни тетик тутта олсанг, бўлгани экан. Ирода деб шуни айтсалар керак. Отамурод пастликка қараб, аввал узоқдаги ўз қорасига, кейин унинг устида гужғон ўйнаган кўланкаларга кўзи тушиб, бир зум туриб қолди.

Кейин фаҳмлаб қолиб, юраги шиг-ғ этиб кетди. Ўзи беихтиёр бошини кўтариб, тепага, офтоб селига тўла осмонга кўзлари қамашиб, қўлини соябон қилиб тикилди. Ўзи сезганидек, боши узра гир айланаётган қора қузғунларга кўзи тушди. Лекин улар ҳар галгидек сурбетларча пастлаб учишмас, анча баландда, ҳуркиб-ҳуркиб, катта айлана олиб чарх уришар, ҳозир учиб кетиб қоладиганга ўхшарди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Ҳеч қанча ўтмай улар бурилиб, кунботарга бош олиб кетишди. Отамурод улар кетган томонга қараб туриб, пастда, жануб томонда қолган йўлдошларини эслаб, енгил нафас олди.

Хайрият, улар тинч экан, илоҳим тинч бўлсин, бу қузғунларни ўша ёққа учгулик қилмасин. Улар икки кунга чидаб беришса бўлгани. Сувлари тугаб, ваҳимага тушиб, ҳар ёққа тарқаб кетишмаса бўлгани. Унгача амаллайди. Қудуқни топса бўлгани — амаллайди. Сувни, сувли мешни судраб келса ҳам, етказиб боради. Ишқилиб, излагани сароб бўлиб чиқмасин. Худо кўрсатмасин ўшандай қора кунни...

Отамурод хаёл билан бўлиб қанча юргани номаълум, оёғи остида яна ер чайқала бошлади. Сояси дамба-дам кичрайиб-узаяди, ўзи гандираклар, мўлжални йўқотиб-йўқотиб қўяди. Лекин бўш келмай, ўзини қўлга олмоқчи, яна олға интилмоқчи бўлади. Бунга сари кўнгли озиб, кўзи тиниб кетади. Еру кўк остин-устун бўлиб кетаётганга ўхшайди. Шунда бир зум бўшашиб тушади-да, иродасининг тизгинини қўлдан чиқариб, нохуш хаёлларга боради.

Ҳеч қанча ўтмай, яна шунақа бўляптими? Бунақада узоққа бора олмайди-ку! Наҳотки ярим йўлда қолиб кетса. Унда домланинг ҳоли нима кечади? У-ку, кичкина бир одам, у бўлмаса ўрнига бошқаси шоферлик қилиб кетаверади. Лекин домла-чи? Шундай катта одам, олим одам бекордан-бекорга нобуд бўлиб кетаверадими?! Арзимаган бир кийик ови деб шундай экспедиция барбод бўлиб турса инсофданми? Адолатданми? Бунга якка Султонов айбдорми? Йўқ. Ўзи ҳам айбдор. У унамаса, машина калитини бермаса, улар ҳеч қаёққа боришолмасди! Бировни айбдор қилиш осон. Лекин ўзи-чи? Ўзи нега ўша пайтда, бошида уларни йўлдан қайтаролмади? Бошқаларга ўхшаб, кайфи ошиб қолган бўлса бошқа гап эди. Ичмаган эди-ку. Қўйинглар, бир фалокатни бошламайлик, деса бўларди-ку.

Қанчадан-қанчалар шунақиб адашганини билмасмиди? Биларди-ку! Бу ҳам майли. Лекин Султоновга нимага рулни берди? Нима ҳаққи бор эди беришга? Мана энди арзимаган кўнгил очар ов деб экспедициянинг бир ойлик тоат-ибодати бир пул бўлди. Шундай бўлишига ўзи ҳам айбдор. Қаттиқ айбдор. Бунинг жиноятдан қаери кам!

Энди бўлса сув топиб, уларни қутқариб чиқиб кетиш, айбини ювиш ўрнига боши айланиб, кўзи тинганидан тушқунликка тушиб ўтирибди. Қўрққанга қўша кўринаверади-да. Қўрқмай, дадил бўл-чи, ироданг дош берармикан?!

У ичида ўзига далда бериб, қаддини ғоз тутмоқчи, қадамини тезлатмоқчи бўлди. Лекин энгашиб юравериб қотиб қолган белида санчиқ туриб, тўхтаб қолди. Оғриқнинг зўриданми, қулоқлари шангиллаб, кўзлари тиниб кетди. «Тамом бўпман,— деб ўйлади Отамурод.— Ўзимни ўзим қийнаганимдан ҳеч иш чиқмайди шекилли».

Белдаги оғриқ жуда секинлик билан тарқар, ўзи қимирлашдан қўрқиб, тек туриб қолган эди. Нима қилса экан? У ётиб-ётолмас, юриб-юролмасди. Устига устак ҳар нафас олганида олов ютиб, олов пурқаётганга ўхшайди. Томоқлари қақраб, лаблари қурқшайди. Ичичидан куйдириб чанқоқ ўртаб келади.

Кўз олдидан ичи заҳ ҳавосига тўла муздек сардобалар, қудуқларнинг тутилавериби, уринавериби абжағи чиқиб кетган сув пақирлари, ўзи қачонлардир болалигида тўйиб-тўйиб беармон чўмилган шаршаралар, ҳовузлар, айқириб оққан анҳорлар бир-бир ясов тортиб ўтади. Ўзи эса бамисоли ловуллаб ёнаётган ўт ичида қолган одамдай нафаси қайтади, юраги сиқилиб келиб, ўзини бирам сояга олгиси келадики... Лекин илож қанча.

Бир кўнгли, секин жар ёқасига бориб, текис қиямаликдан сирғалиб пастга тушсаммикан, деб ўйлади. Ўтириб олиб сирғалиб тушса бўлади балки. Лекин ўзини тутолмай, мункиб кетса-чи? Унда нима бўлади, ўлганнинг устига тепган бўлмасмикан? Йўқ, пастга тушмагани маъқул. Туятепани кўролмайди. Оз қолгандир, ахир. Яна бир зўр берса, тишини тишига қўйса, сал нарироқ борса, балки кўриниб ҳам қолар. Чинк пасаяпти-ку. Пасаймаса бошқа гап эди.

Отамурод қаддини сал ростлади, саксовул таёғига тиралиб, синамол бир қадам ташлади. Белида санчиқ туриб яна ушлаб қолишидан қўрққан эди. Лекин ундай бўлмади, оёғи зириллаб оғриб турса-да, унга



итоат қилар, юрса бўларди. Отамурод ҳали бемалол юра олишига ишонч ҳосил қилиб, таёғига бутун оғирлигини солиб юриб кетди.

У ўйламлиққа тиришса ҳам нимагадир ҳаёлига ҳар хил ўйлар ўраллашиб келаверар, худди боши машина моторидай бетўхтов ишларди. Машина моторини-ку, ўчирса бўлади, лекин Отамурод калласини зинғиллаб ишлашдан тўхтатиш чорасини тополмас эди. Шунда ноилож бирон бир воқеаними, ўз ўтмишиними эслаб кетарди-да, йўлда давом этаверарди. У етимликда ўтган болалигини эслаганида, кундузи билан далада ишлаб, кечалари алламаҳалгача қора чироқда машиначилик қилиб, рўзғор тебратиб, якка-ёлғизини аёл боши билан катта қилиб ўқитган, лекин тўйини, орзу-ҳавасини кўра олмай ўтиб кетган муштипар онаси кўз олдидан кетмай қолар эди. Унинг кўзлари кеч очилди. Онадан айрилгандан кейин очилди. Даври даврони ҳам, давлати ҳам онаси экан, билмаган экан. Беташвиш юраверган экан. Энди эсласа, юраклари ларзага келади. У ким эди, бир парча этдан ўзи емай едириб, ўзи киймай кийдириб, оқ ювиб-оқ тараб, бировларнинг қўлига қаратиб қўймай, ўзи ўксиса ҳам, уни ўкситмай, етимлигини билдирмай, катта қилган эди. Бир ўзи ҳам ота, ҳам она бўлган эди. У ҳам бошқа оналарга ўхшаб, кўзим очиқлигида бошини иккита қилиб қўйсам, ўздан кўпайса, неварачеваралар кўрсам, тўйлар қилсам дерди, ниятлари кўп эди. Лекин Отамурод бунини кеч тушунди. Йўқ, она уни баъзи бировларга ўхшаб қийин-қистовга олгани, оқ қиламан, қарғишимга қоласан дегани, йиғлаб сиқтагани йўқ. Ҳеч-ҳеч нарсани миннат қилгани йўқ. Фақат якка-ёлғизинасининг раъйига қараб келди. Узинг биласан, болам, ўшани десанг ўшани-да, деди. Сабр-тоқат билан қудалар розилигини кутарди.

Лекин қудалар уни ўзларига тенг кўришмади. Аввалига бошида отаси йўқ экан, деган гап чиқаришди. Кейин Дилбарнинг онаси: худо олсин, ойдайд қизимни бир қора ишчига бериб қўяманми, деган сўзида туриб олди. Акалари ўртага одам қўйдириб, тенгини топиб осилсин, бўлмаса... деган гапни айтдиришди. Қамбағаллигини юзига солишди. Профессор отаси қарқуноқдан ҳеч қачон булбул чиқмайди, мен сенинг келажакингни, бахтингни ўйлайман, қизим, дебди. Фақат Дилбаргина уни тушунар, ундан, муҳаббатидан воз кечолмасди. Учрашувга келганида ўйнаб-кулиш ўрнига йиғидан боши чиқмас, Отамурод эса уни алламаҳалгача овутолмас эди. Кейин уларни учраштирмай қўйишди. Лекин шунда ҳам Отамурод умид уза олмас, Дилбарнинг сўнги сўзини кутарди. У бир ярим йил кутди. Лекин шу бир ярим йиллик айрилиқ унга бахт ўрнига бахтсизлик келтирди. Улар Дилбарни бир министрнинг жиянига бериб юборишди. Аламига чидай олмаган Отамурод шаҳардан бош олиб чиқиб кетиб, шу ёқларга ишга келиб қолди. У Дилбарга аччиқ қилган эди. Лекин энди билса, онасини куйдириб, кул қилиб кетган экан. Орадан уч ой ўтмади. Муҳаббати кетидан волидасидан ҳам айрилди. Бу дунёда сўққабош бўлиб қолаверди. Йиғлади, сиқтади, онасини ташлаб узоқ кетганига минг пушаймонлар еди. Лекин ўрнига ўтармиди, онагинаси қайтиб келармиди. Қани энди, йиғи-сиғи, пушаймон билан қайтиб келса. Табиатнинг иродаси экан, охири бўйин эгди, кўникди. Марҳуманинг ҳамма маъракаларини ўтказиб бўлиб, нима қиларини, қаёққа бош уриб борарини билмай, эшикка каттакон қулфни осди-ю, яна буёққа йўл солди. Уни шу куйга солган муҳаббатидан, одамгарчиликни, меҳр-муҳаббатни, виждонни бойликка, пулга сотган одамлардан узоққа кетди. Уларни кўрмасам, улар билан бир ҳаводан нафас олмасам деди. Зора ҳамма-ҳаммасини унутсам деди. Лекин ўша бахтли кунларни, Дилбари билан кечган нурли оқшомларни, ойдин кечаларни унутиб бўлармиди. Умрининг охиригача унута олмаса керак, бир умр армон билан эсласа керак.

«Отамурод ака, бахтиммисиз, бахтсизлигимми — билмадим», — деб ёзган эди Дилбар охирги хатларидан бирида. Аслида Отамурод шундай деб ёзиши керак эди. Бахтим деса, унга етиша олмади. Бахтсизлигим деса — ҳеч бир кимсани унингдай севмади, севолмаса ҳам керак. Наҳот муҳаббат деганлари шунчалар бешафқат бўлса. Бир йўла энг олий инсоний бахт — севилиш бахтини ато этса-ю, яна ҳеч қачон қовушолмасликка маҳкум этса. Шунчалар шафқатсизлик қилар экан, бахтсизликка мубтало этаркан, юракларидаги ўтни ҳам, муҳаббат ўтини ҳам бир йўла сўндириб кетса нима қиларди.

Йўқ. Отамурод баъзи бир ошиқларга ўхшаб, севгилиси турмуш қуриб кетганидан кейин ҳам унинг йўлларини пойлашни, атрофида гирди-капалак бўлиб, ҳисларини ўгринча қондиришни ўзига ор билди. Ўзи бахтсиз бўлгани-бўлган, уни бахтсиз қилгиси келмади. Борган жойида ўзидан тинсин, илдиз қўйиб, орзу-ҳавас кўрсин, кўнгли бўлинмасин, деди. Шунинг учун ҳам, бу ёқларда мана бундай адашиб, сувсиз тентираб юрибди. У бу аҳволда бекорга ўлиб кетиши ҳам мумкин. Унга-ким ҳам ачинарди. Дилбарнинг ота-онаси, акалари бир энгил тортиб қўйишади. Худо раҳмат қилсин, қутулибмиз, дейишади. Дилбарнинг ўзи-чи? Қора кийиб, аза тутолармиди, нари борса, бир чеккага чиқиб кўз ёш қилади, бирга ўтказган дамларини армон билан эслайди. Кейин у ҳам кўникади. Йиллар ўтиб, унутади. Ҳаёт ўзи шунақа...

Лекин Отамурод ўлмоқчи эмас. Улишга ҳаққи йўқ. Домлага, анави қизчага сўз бериб келган, сув топиб келаман деган, шундай демаганида ҳам бошқа гап эди. Сўз бердим, устидан чиқиши керак. Бу дунёда ҳамманинг ҳам яшагиси келади. Лекин Ортиқ билан Султоновдай эмас. Улардай шарм-ҳаёсизларча яшагандан ўлган яхши, бу дунёга келмаган яхши. Одам одам билан тирик, бир-бирига меҳри, муруввати билан одам. Қийин кунда бир-бирига ярамаган одам одамми! Ундайлар-бу дунёга келдим, демаса ҳам бўлади. Ахир, унинг ўрнида ким ҳам қараб тура оларди?! Бу нарса унинг чеккага тушган экан, ўлиб қолса ҳам урдасидан чиқиши керак, сув топиб бориши керак эмасми!

Отамурод ердан кўзини узмай, ҳаёлга ботиб кетиб бораркан, тўхтаб, бошини кўтарди-ю, узоқда чинк пасайиб бориб, қумликка туташиб кетган жойда бамисоли чўк тушиб узун бўйинини ерга тираб ётган туямисол тепачани кўриб, қувониб кетди:

— Уша тепа! Туятепанинг ўзгинаси! — У чуқур тин олди. — Худога минг қатла шуқур, ҳақиқат бор экан! Энди бир амаллаб ўша ерга етиб олса бўлгани. Югур, чоп, жонинг борича ҳаракат қил! Сувга етибсан! Етиб келибсан! Энди нимага имиллайсан! Чопа қолсанг-чи!

У туртиниб-суртиниб олдинга интилади. Югурмоқчи бўлади-ю, югуролмайди. Оёқлари чалишиб, ўмбалоқ ошиб кетади. Туриб, яна олдинга талпинади. Ўзи чайқалиб, боши гир айланади, нафаси томоғига тиқилиб, яна қумга юзтубан йиқилади. У ер қучоқлаб ётибди-ю, гўё ер ҳам беланчакдай чайқалаётганга, ўзи катта бир сувда қалқиб оқиб бораётганга ўхшайди. Ҳаёлидан эса ҳали-ҳозиргина ўзи кўрган қудуқ кетмайди: етдим деганда менга нима бўлди? Шунча жойдан келолган, наҳот энди етолмасам. Эмаклаб бўлса ҳам, сурғалиб бўлса ҳам сувга етиб олишим керак. Етишим керак. Ҳеч қанча қолмади-ку, ахир.

У қанча қолганини чамалаб кўрмоқчи бўлиб бошини кўтарди-ю, олдинда, ҳалиги қудуқ кўринган жойда ҳеч нарса кўрмай бўшашиб тушди. Беҳол узалг чўзилди.

Сароб! Алдамчи шайтон! Қачонгача одамни алдайсан! Мазах қиласан! Ҳали мен сенга майна бўлиб қолдимми?!..

Отамурод аламига чидай олмай тўлғонди. У минг ўлиб-тирилиб

қаёққа кетяпти? Уша қудуқни топа оладими ўзи? Ета оладими? Шунча қийноқлар нимага керак етолмаса. Саробга алданиб адоий тамом бўлаверса.

У яна сал бўшашса, кел, энди, қўй, пешонанг экан, пешонага ёзилгани шу экан, деса — тамом эди. Қайтиб туролмасди. Шу чўзилганича... ўзи қузғунларга ем бўлиб, суяклари шу чўлда қолиб кетар эди. Лекин ич-ичидан бир нима унга тинчлик бермас, афтидан ҳали бу чўлга таслим бўлмаган бир нарса қолган, у Отамуродга тинчлик бермай юрагини қийноққа солар, уни қийнаб оёққа турғизмоқчи бўларди.

«Ҳаммаси майли. Сен қўлингдан келганча курашиб кўрдинг. Раҳмат сенга,— дейди виждони.— Лекин сен онагинангни, унинг васиятини унутдингми? Сен уни адо этмай таслим бўлиб кетаверасанми? Унда нима деган одам бўлдинг? Туғилиб, бу дунёга келиб нима қилардинг?»

Отамурод юзтубан ётганича қум чангаллаб, тўлғониб қўяди. Кўз олдига шаша дока рўмолли онаси келади.

— Болагинам, якка-ялғизим. Сенга нима бўлди? Тур, тура қол, қўзичогим. Кўзгинамнинг нури, тура қол. Озгина қолди ўша сен қидирган қудуққа. Арслоним, тур, тура қол, йўлингдан қолма. Сувга етсанг, ҳали кўп яшайсан. Тур, тура қол, ёлғизим. Бу дунёда сендан бошқа кимим бор. Чирогимни ёқиб ўтирадиган ўзинг қолгансан, ахир, ўғилгинам. Тур тура қол. Илоҳим бошинг тошдан бўлсин. Униб-ўсиб, ўзингдан кўпайгин..

Ўзингдан кўпайгин.

Отамурод сесканиб кетди. Онасининг васиятини эслаб, виждони қийноққа тушди:

— Йўқ-йўқ! Бекорларга ўлиб кетолмайсан. Ҳаққинг йўқ. Она васиятини адо этмай қаёққа борасан? Ахир, ўзингдан кўпаймай, отабоболаринг, онанг, ўзинг етишолмаган орзуларни ўғил-қизларингга қолдирмай қаёққа борасан?! Тур, тур ўрнингдан, уларнинг ҳаққи ҳурмати тур! Нажот йўлини топ, тур!

Отамурод аста қўлига тиралиб, белини кўтарди. Оёқларини тортиб чўккалади, кейин қўлига таёғини олиб, унга оғирлигини ташлаб, қаддини ростлашга уринди.

Оёқлари мунча зир қақшайди? Худди бутун мадори товонларидан ерга ўтиб кетаётгандай, ҳолсиз қалтирайди. Яхшиямки, шу саксовул таёғ бор экан, кунига яраяпти. У шу таёққа бутун оғирлигини солиб, қаддини кўтарди: Ҳали қудуқ мендаң қочиб қутуларканми? Йўқ, қочиб қутулиб бўпти! У таёқни олдинга ташлаб, ўзи оёқларини судраб унга эргашди. Тиззалари букилиб кетай-букилиб кетай деб, минг азоб билан яна юриб кетди. Бардоши қанчага етишини ўзи билмайди-ю, кетиб боради. Лекин қутилмаганда таёғи бирдан нобоп жойга ботиб кетиб, чўккалаб қолди. Яхшиям таёқни қўлдан чиқариб юбормади. Чиқариб юборганида ҳаливери туролмасди. Таёққа икки қўллаб тиралиб, зўрга яна ўрнидан турди. Лекин оёқлари гавдасини тутиб туролмай зир-зир қалтирайди, кўнгли беҳузур бўлиб келиб, боши гир-гир айланади. Мана ҳозир ўзи чалқанча йиқиладиганга, ҳеч нарса тутиб қололмайдиганга ўхшайди.

Фақат хаёли жойида, боши адашмай ишлайди. У тик оёқда узоққа боролмаслигини тез тушунди. Нима қилса экан? Эмаклаб юришга ҳали эрта. Шунча жойга эмаклаб етиб бўлмайди. Бир бошқа йўлини топиши керак.

Отамурод топди ҳам. Таёққа бутун оғирлигини солиб, нафасини ростлаб олди-да, кейин унга тиралиб олдинга интилади, оёқлари чалишиб, тиззалари букилиб кетмагунча чопиб кетади. Оёқларида мадор тугаганида яна таёққа тиралиб туриб қолади. Яна куч йиғиб,

олдинга интилади. У шундай беш-ўн қадам чопиб бориб тўхтаб, яна чопиб юра бошлади. Оёқларини шундай ишга солмаса бир қадам ҳам юролмаслигини ҳозир аниқ-равшан ҳис этиб турар, ўзини ростлаб олиб, югурар, беш-олти қадам босиб-босмай нафаси бўғзига тиқилиб тўхтаб қолар; яна олға интиларди.

Отамурод интила-интила хийла анча йўл босганидан хурсанд бўлиб орқасига қараб қўйди. Юз эллик бўлмаса ҳам юз йигирма метрлар чамаси йўл ўтиб қўйибди. Шундай зўр берса, худо хоҳласа кун ботмасдан етиб олса ажабмас. Қудуққа етиб олса бўлгани, чанқоғини қондириб олса, ўзига келиб қолади. Қайтиш ҳеч гап эмас. Сув бўлса бир амаллаб етказиб олиб боради. Ишқилиб, кун ботгунча етиб олса бўлгани.

У нафасини ростлаб олиб, яна олдинга интилди. Олти қадамми, етти қадамми югуриб бориб, оёғида мадор тугаб, яна таёққа тиралиб гуриб қолди. Кўзи тиниб, боши, ён-атрофидаги жамики нарса чирпирак бўлиб айланишга тушди. Ҳатто қуёш ҳам айланар, қаёқ жарлик, қаёқ кунботар — ўзи ажратолмасди. Фақат таёққа маҳкам тиралиб турар, ағдарилиб кетмаслик учун кўзларини чирт юмиб олганди. Ниҳоят, бош айланиши сусайиб бориб, тинди. Нимагадир оёқлари ҳам илгаригидай зир ҳақшамайди. Таёқдай қотиб қолган. Жонсиздай. Қимирлатиб кўриб, ҳеч нарса сезмади. Оёқлари увишиб, йўқ бўлиб қолгандай эди.

Энди нима қилди? Бу аҳволда икки қадам юрмай чархпалак бўлиб йиқилади-ку. Эмаклагани маъқулмикан? Шошма, ҳали оёқдан воз кечиб бўлмайди. Бир оз ишлатиш керак.

Отамурод таёққа суяниб, секин ерга ўтирди. Жонсиз оёқларини узатиб юбориб, шимнинг почасини кўтарди-да, зўр бериб уқалашга киришди. Аввал обдан силаб-сийпади, кейин бошдан-оёқ уқалаб чиқди. Терлаб-пишиб, қора терга тушиб кетди. Шундан кейингина секин-аста қон юришиб, жимирлашга тушди. Кейин оёқларига жон кирди.

— Ҳақиқат бор экан-ку! — деб юборди Отамурод ҳарсиллаб. — Бўш келмайсан, Ота! Етдим деганда енгилармидинг! Ҳали бу оёқлар кўпга ярайди. Шу чўлдан эсон-омон олиб чиқиб кетади сени!

У оёқларини эркалагандай шапатилаб қўйди. Кейин даст турмоқчи бўлди-ю, таёққа таянмаса ҳеч иш чиқмаслигини дарров тушунди. Таяниб, зўрға туриб олди. Оғирлиги тушиб, энди билинди. Оёқлари зир қақшар, бир қадам босишга ҳам мадори келмасди.

Нима қилсин? Бирпас думалаб, оёқларига дам бергани маъқулмиди? Кейин йўлга тушгани яхшимиди? Йўқ. Бўш келса, оғриганига қараса, қудуққа бугун ҳам етолмайди. Кеч тушганидан кейин юргани бир пул. Қоронғида йўл топиб бўлармиди! Нима бўлса ҳам кун ботгунча етиб олиши керак.

Кётдим!

У яна боягидай, оёқлари чалишиб, югуриб-чопишга, яна тўхтаб, таёққа тиралиб нафас ростлашга, кейин яна шундай йўл босишга тушди. Неча марта оёқлари чалишиб, чуқурчаларга тушиб кетиб, юзгубан йиқилди. Ҳар гал яна ўрнидан чўккалаб турар, саксовул таёққа осилиб қаддини ростлар, яна гандираклаб олға интиларди. У шу аҳволда қанча юрганини, қанча марта йиқилиб-сурилганини, ҳар уч қадамда йиқилармиди, ё ҳар қадамда қоқилиб мункармиди, буни билмасди. Йиқилиб сурилсам ҳам олдинга кетяпман-ку, фақат жардан нарироқ юрсам бўлгани, йиқилиб думалаб кетсам бўлгани дерди, бошқа нарсани ўйламасди. Охири ҳолдан тойиб, ўрнидан ҳам туролмай қолди. Туришга бир-икки уриниб зўрға чўккалади-ю, яна мажоли келмай, юзгубан йиқилди. Саксовул таёғи ҳам иш бермай қўйди.

Шунда у пешонасини қумга тираб бирам узоқ ётгиси, ҳамма-ҳаммасига қўл силтагиси, нима зарур-а менга ўзимни шунчалар қийнаб,

дегиси келдики... Бундан ўзи ҳам қўрқиб кетди. Бошини кўтариб, олдинга қаради. Қаради-ю, уч юз қадам нарида Туятепани кафтдагидек яққол кўриб, ундан кўз узолмай қолди. Йўқ, бу гал у сароб эмас, ўзига таниш ўша қудуқни, унинг тошгардиши билан ёғоч чархпалагини аниқ кўриб турарди. Кўзига ёш қалқиб келиб:

— Худога шукур, етибман. Етиб келибман!— дея пичирлади. Кейин ўзига келиб:— Энди нима қилиб ётибман? Эмаклаб ҳам етиб олса бўлади-ку!— деб юборди.

Саксувл таёқни бир четга ташлаб, эмаклашга тутинди-ю, яна кўзи қиймай тўхтади: балки яна керак бўлиб қолса-чи?!

У қийналса ҳам таёқни бир қўлига олиб, тирсақлари билан сурилиб, эмаклай кетди. Секин-аста тиззаларини ҳам ўргатди. Аммо қўлидаги таёқ ортиқчалик қилар, эмаклашга халақит берар, ҳеч қанча ўтмай қўли толиб қолар эди. Охири таёқни ҳам ташлаб кетишга мажбур бўлди. Тирсақларига тиралиб, қум кечиб, унинг қайноқ бодроқ ҳидига ўхшаш ҳидини искаб бораркан, нима учундир ҳадеб ўзига ўзи таскич берарди:

— Оз қолди, ошна. Чидайсан энди. Тишингни тишинга қўйсанг ҳам чидайсан. Етиб қолдинг. Сўзингнинг устидан чиқишинга оз қолди. Сувга етиб олсанг — марра сеники, тўйиб-тўйиб чанқоғингни қондирсанг, туни билан дам олсанг, кўрмагандай бўлиб кетасан. Эртаминан сувни олиб домлаларнинг олдига қайтасан. Балки унгача йўлдан машина ўтиб қолар. Омад келса ҳеч гапмас-ку. Бахтинг келиб турибди, бардам бўл!

У Туятепадан кўз узмай эмаклаб борар, икки-уч метр сурилиб, нафаси томоғига тиқилиб ҳарсиллаб тўхтар, чанқоқ азоби ўртаб келиб, боши гир айланар, шунда ҳушидан кетиб-кетиб қолар, худди тубсиз чоғга қулаб тушаётгандай бўларди. Лекин у булар ўткинчи ҳис эканини яхши билар, бўш келмасди. Ўзига келиши билан яна эмаклашга тушарди. Ҳар тўрт-беш уринганида бўйи барабар сурилиб бораётган эди. Кутилмаганда яна оёқлари жимирлаб келиб, бирдан ҳеч нарсани сезмай, тошдай оғир бўлиб қолди. Энди унга тиралиб гавдасини олдинга суролмас эди. Оёғини букмоқчи, унга тиралиб сурилмоқчи бўлди-ю, бундан ҳеч иш чиқаролмади. Оёқлари тиззасидан йўқ бўлиб қолгандай эди. Энди тирсақларига тиралиб, олдинга бутун гавдасини сурмоқчи бўлди-ю, лекин уч галда қўллари



А. ҲОЛИҚОВ чизган расм.

қолдан тойди, акашак бўлиб, букилмай қола бошлади. Отамурад пешонасини қайноқ қумга тираб, йиғлагудек жим бўлиб қолди. Хўрлиги босиб келиб, кўз олдидан қолдан тойиб қумда чўзилиб қолган йўловчилар, устида чарх уриб, бозор қурган қора қузғунлар, ночор йўловчининг бемажол талпинишлари бир-бир ўтиб, сесканиб кетди. Бошини кўтариб, бир амаллаб туриб ўтириб олди.

— Мен ҳали у кунга тушганимча йўқ-ку. Нимага ваҳима қиламан?! Ҳали, айтмоқчи, ҳали менинг сувим бор-ку!

У шундагина мешдаги сувни шу кунга асраб келаётганини, қудуқ кўринмагунча ичмасликка аҳд қилиб қўйганини, кейин буни унутганини эслади.

Отамурад қопчиқ тасмаларини бўшатаркан, кўнгли ёришиб ҳорғин жилмайиб қўйди.

## Ўн учинчи боб

Тонг отди, кун чиқди, офтоб ёйилиб кетди, кейин тиккага кўтарилиб, елканя куйдира бошлади ҳамки, улар ҳамон тўхтамай олдинмакетин кетиб боришарди.

Шу вақтнинг бадалида Ортиқ фақат бир марта тўхтаб, ўзидан ўзи сўкиниб қўйди. Бўлмаса олдинда жим йўл бошлаб кетяпти. Султонов эса ўлганнинг қети шаҳид дегандай, ундан кейинда қолмай эргашиб боради. Бўлари бўлиб, роса қолдан тойган. Абжағи чиқиб, титилиб кетган ботинкаси қаердадир қолиб кетди. Шундан бери ялангоёқ юравериб, товонининг таглари маржон-маржон қавариб боряпти. Ҳар қадам ташлаганида қизиб ётган темирни босгандай, оёқларининг таги жизиллаб куйиб ачишади. Жони ҳалқумига келади. Бунинг устига чанқоқ ўртаб-ўртаб келганида кўнгли озиб, боши гир-гир айланади. Бу азоблар нимаси экан, қайси гуноҳлари эвазига экан, ўзи билмайди. Лекин бўрондан кейиноқ кечаси ҳеч кимга ҳеч нарса демай йўлга тушворишгани яхши бўлмади. Домлалар энди нима дейишади: «Аблаҳлар, сувни ўғирлаб қочибди, жони ширилик қилиб, бизни ташлаб кетибди. Ортиқча юк қилгиси келмабди. Қандай пасткашлик!» дейишади. Ахир, кимдир, бирор киши чинкка етиб чиқиши, катта ерга хабар қилиши керак-ку, тўғри қилишибди, дейишармиди! Ҳеч қачон!

Ҳар қолда яхши иш бўлмади. Кимгадир, бирортасига шипшитиб қўйиш керак эди. Кейин у тушунтирса ҳам бўларди-ку. Шунга келганда Ортиқ чакки қайсарлик қилди.

Султонов аввал бошда буни ўйламаганига афсус қилар, лекин энди кеч бўлганини яхши тушуниб турар, шунинг учун ҳам ҳар нарсага чидаб бўлса ҳам чинкка чиқиб олишни, Катта ерга хабар қилишни ўйларди. Домлалар ўшандагина уларни кечиришлари мумкин.

Тўғри, ўзидан ҳам ўтди. Ортиқнинг гапига унамаса ҳеч гап йўқ эди. Унамасди-ю, қузғунларнинг кечаги «хабар олиши», уларнинг кети-га тушиши юрагини чиқариб юборди. Одамнинг жони ширин экан. Ахир у қузғунларга ем бўлиш учун Устюртга келганми? Ортиқнинг айтгани тўғри. У Устюртда ишлаган деган яхши характеристика учун, бу характеристика кейинги кўтарилишларига асқотади, деб у ерларда юрибди. Унинг келажаги тайин эди. Бу ердан қайтиб борганидан кейинроқ Москвага ўқишга кетиши керак, у ерда домласи, темаси тайин, гаплашиб қўйилган эди. Икки йилда диссертацияни ёқлаб қайтса бўлди, буёқда обрў-эътиборли лавозимлар ҳам тахт эди. Нима қилсин, шундай ширин келажак учун ҳам ўзини асраши, бекордан-бекорга ўлиб кетмаслиги керак-ку!

Шу ўй, шу хаёл унинг миясини чўлғаб олган, бошидан чиқмас эди.

Лекин бунинг учун нима қилишини, қандай йўл борлигини билмас эди. Кеча Ортиқ уни чеккага тортиб гап очди-ю, бу йўл унга ялт этиб ёришиб кўрингандай бўлди. Улар ҳаммадан орқароқда келишаркан, Ортиқ унга тенглашиб олиб, синовчан қараб қўйди-да, елкасига қўл ташлади. Нимадир демоқчи бўлиб, кўзларига тикилди. Султонов унинг якка-ёлғиз айтадиган бир гапи борлигини қарашидан тушунди. Қадамни секинлатиб, нима гап, дегандай қаради.

Ортиқ хийла олдинда туртиниб-суртиниб, бурнидан тортса йиқилгудек бўлиб кетаётганларга имо қилди.

— Шулар билан бу дўзахдан чиқиб кетиб бўладими, шунга ишонасанми?

Султонов, ким билади, деди-ю, кўнглининг бир четида унга қўшилди. «Домла тамом бўптилар. Анави практикант қиз-ку, аллақачон сафдан чиққан. Отамуроднинг оёғига кишан бўлиб қолибди. Уларнинг орасида тирикроғи Ота демаса бу аҳволда узоққа боришолмасов».

— Биласанми, улар бекорга менинг гапимга киришмаяпти,— деди Ортиқ овозини пастлатиб.— Бу аҳволда ҳаммамиз бекорга нобуд бўлиб кетамиз.

— Нима қилиш керак бўлмаса?— деб юборди беихтиёр Султонов.

— Қачонгача уларнинг оёғига қараб ўтирамиз? Шахсан менинг тоқатим тугади. Ўзинг айт, нима, биз уларни деб ўлиб кетишимиз керакми?! Аллақачон кимнидир сув, овқат ажратиб бериб, чинкка жўнатиш керак эди. Неча марта айтдим! Ҳали минг пушаймон қилишадди! Унашмаса унашмасин, энди ўзим кетаман. Истасанг бирга кетамиз,— у кетасанми дегандай қатъий тикилди.

— Сувсиз, озиқсиз-а?!

— Нега энди! Ҳақимизни ажратиб оламиз. Ажратиб беришсин!— Бўш келмади Ортиқ.

Унинг гапларида жон бўлса-да, Султонов юраги чопмай иккиланди:

— Қемага тушганнинг жони бир, дейишади. Қандай бўларкин... Одамгарчиликдан бўлармикин?— чайналди у.

Ортиқнинг энсаси қотди. Бурнини жийриб четга қаради:

— Одамгарчилик эмиш! Одамгарчиликни ҳов, у ёқда кўтаради. Бу ерни чўл деб қўйибди. Улиб кетсанг биров бир қултум сувни бекорга берармикан бу ерда. Мен нима деб қўлоғингга танбур чертаяпман-ку, сен бўлсанг... Одамгарчилик қиламан, деб ўлганнинг кети шаҳид бўлиб кетмагин тагин. Ахир шунинг учун келмагандирсан бу ёқларга.

У ҳақ эди. Бунинг учун келмаган бу ёқларга. Бировни деб бекорга ўлиб кетгиси ҳам йўқ. Шу кетишда эртами, индингами бояги қузғунларга ем бўладими? Ному-нишонсиз шу чўлларда қолиб кетадими?! Йўқ-йўқ! Нима бўлса ҳам кетгани, ўзини қутқаргани минг марта маъқул.

Ортиқ бир қарашдаёқ унинг нима демоқчилигини сизди, оғиз очиб улгурмасидан елкасига қоқиб, мамнун кўз қисиб қўйди, кейин секин, сирли оҳангда тушунтирди:

— Ҳушёр бўлиб ётасан. Бугун кечаси жуфтакни ростлаймиз. Лекин унганча ҳеч ким зинҳор-базинҳор сезмаслиги керак.

— Ўғринча-я!— Султонов унинг гапидан кўрқиб юраги уриб кетди.— Хайр-хўшсиз-а?!

Ортиқ яна энсаси қотиб четга қаради. Қанақа галварссан, демоқчи бўлди. Охири жаҳлини зўрға босиб:

— Ҳа, ҳеч қандай ультиматумсиз, огоҳлантиришсиз кетамиз. Истасанг шу. Истамасанг қузғунларга ем бўлиб қолавер,— деди-ю, гап тамом дегандай олдинга ўтиб юриб кетди.

Султоновга унинг шу, гап-сўзсиз ўғринча кетиш ҳақидаги гапи

унча ёқмади. Ахир бу қочишнинг ўзи-ку. Кейин қайси юз билан уларнинг кўзига кўринади одам? Қандай тушунтиради? Қутқариш учун шундай қилгандик, деб оқлашадими ўзларини? Ким ишонарди?

У иккиланар, мулоҳазаларини тарозига солиб кўрар, лекин бир қарорга келолмасди. Бу орада кечга бориб қум бўрони туриб, ҳаммаёқ олатасир бўлиб кетди-ю, уни даҳшат босди. Ортиқ ҳақлигига тан бериб, юз-кўзларини қум тўзонидан яшириб, қаердадир ғужанак бўлиб ётиб қолди.

Бир маҳал кимдир унинг елкасидан қаттиқ-қиттиқ силкиди. Бошини кўтариб, тепасида Ортиқнинг қорасини кўрди. Қоронғида унинг юзини илғаб бўлмаса-да норғул гавдасидан уни дарров таниди.

— Кетдик!— деди Ортиқ овозини кўтармай. У бир қўлида канистр, шошиб турарди. Султонов сапчиб туриб кетди, юраги қинидан чиқиб кетгудек гурс-гурс уриб, унга эргашди.

Бўрон тинган, ҳаммаёқ осуда. Тун қоронғилиги жимирлаб кўзни толдиради. Жим-житлик. Фақат қумдан чиқаётган ғарч-ғурч оёқ овозларигина шу тинчликни бузиб, одамнинг хаёлини ўғирлайди.

Улар узоқ, жуда узоқ юришди. Қумлик тугаб, тақирлик бошланди. Кейин шувоқзорга тушиб олишди. Тонг ёришганидагина Ортиқ тўхтаб, кунботарга қаради-ю, серрайиб туриб қолди. Султонов нима гаплигига тушуна олмай, унга яхшироқ тикилди. Аввал латтадай бўшашиб тушган Ортиқ ўз-ўзидан алами қайнаб келиб, сўкинди:

— Падарига лаънат бундай чўлнинг! Тўғри деб юрсанг эгри бўлиб чиқади!— У четга қараб жаҳл билан тупурди.

— Тинчликми? Нима гап?

— Нима гап бўларди!— у қўл силтади.— Қоронғида адашиб кетибмиз.

Ортиқ нима қиларини билмай чуқур уф тортди. Кейин худди у биладигандай:

— Кунботар шу ёқда эмасмиди? Қанаққиб бу ёққа ўтиб қолдик-а?— деб сўради.

Султонов елкасини қисди:

— Мен билмасам.

— Эссиз. Ҳалигача анави чинкка етиб чиққан бўлардик. Ҳамма ҳаракатларимиз зое кетди. Уни қара, қаёқда экан,— у кунботар томонда нураган деволдай оқариб турган чинкни кўрсатди.

— Бисмиллосига ишимиз ўнгидан келмабдими!— деб юборди беихтиёр Султонов.— Қайтақолсакмикан?

— Ҳали шу ироданг билан бу жаҳаннамдан чиқиб кетаман, деб юрибсанми? Чучварани хом санама! Билиб қўй! У қулоғинг, бу қулоғинг билан эшитиб ол. Чидамасанг, жони бўшлиқ қилаверсанг — мендан яхшилик кутма. Ярим йўлда якка ўзинг қолиб кетасан. Додингни худога айтиб қолаверсан. Гап шу, энди кетдик!

У чўрт бурилиб чинк томонга қараб юриб кетди.

Султонов ноилож унга эргашаркан, Ортиқнинг кўрқинчли одам эканини, ундан ҳар нарсани кутиш мумкинлигини, бекор унга эргашганини энди яққол англади. Қани энди шундайлигини илгари билганида.

Султонов, бўлар иш бўлди, деб унинг раъйига қараб анчагача бўйнидан бойланган итдай индамай кетаверди. Лекин кун ёйилиб, темирдай қиздира бошлагач, чидамади. Бунинг устига оёқларида тинкмадор қуриб, кўнгли озиб-озиб келади, ҳушидан кетиб-кетиб қолай дейди.

У охири тўхтаб, бор-кучини йиғиб, ҳамон индамай кетиб бораётган Ортиққа бақариб берди:

— Инсоф деган нарса борми ўзи сизда? Одам темир эмас-ку!

Ортиқ унинг кутилмаган журъатидан ҳайратланиб, тўхтади. Лекин



дарров ўзини ўнглаб олди. Нима демоқчилигини тушуниб, совуққина жавоб қилди:

— Ҳов, ўша чинкка етмагунча тўхташ йўқ. Унгача тамадди қилиш ёинки сув сўрашни ҳаёлингга ҳам келтирма. Овора бўласан.

Султоновнинг алами қайнаб келиб, ҳалқумига тиқилди.

— Ноинсоф!— деди тишини тишига қўйиб.

Ортиқ бўлса худди уни эшитмагандай, парво ҳам қилмай кетиб борарди. Султонов йиғламоқдан бери бўлиб, чор-ночор қадамини кўтариб босиб, унга эргашаркан, беихтиёр ичида ўзини-ўзи лаънатлай кетди. Лекин ҳозир бу пушаймонлар унга заррача ёрдам бермас, қайтага асабини бузиб, тинка-мадорини қуритар эди. У кўпга чидамади. Тарағ тортилган тор охири узилди. Оёқлари чалишиб бориб, охири мункиб йиқилди. Муккаси билан тақирга тушди. Шу ётиши ўзига бирам хуш ёқдики, кўзларини юмиб, жим қолди. Олдинда оёқ овозлари тинди. Ортиқ тўхтади. Бирпас жим туриб қолди. Яна оёқ овозлари эшитилди. Лекин у яқинлашиб эмас, узоқлашиб борарди. «Аблаҳ, у ташлаб кетяпти!» хаёлидан шу фикр чақмоқдай ялт этиб ўтди-ю, Султонов дахшатга тушиб, бошини кўтарди. Ҳа, у орқасига қарамай кетиб борарди. Султонов минг бир алам-армон билан:

— Аблаҳ!— деди-ю, ўзи бўшашиб, боши шилқ этиб ерга тушди. Ич-ичидан хўрлик босиб келиб, ер чангаллаб қолди.

Оёқ овозлари тиниб, яна эшитила бошлади. Энди у яқинлашиб келар эди. Султонов буни сезиб, эшитиб турган бўлса-да, бошини кўтариш уёқда турсин, қимир этмади.

Ортиқ унинг тепасида тўхтаб, пишқирди.

— Одам деган бунчалик бўлмайди. Мунча жони бўшсан!

Султонов зардаси тутса ҳам индамади, бағрини ерга бериб, бошини кўтармай ётаверди. Ортиқ канистрни ерга қўйиб, кинояли кулди:

— Ҳали зарда қилаяпсизми? Аразлаган қуруқ қолади-я, эшитмаганмисиз?!

Султоновнинг ҳам қайсарлиги тутиб, яна индамади, кўнгли учун ҳам қимир этмади.

Ортиқ чаккасини қашлади.

— Астойдил-ку,— деди ўзига-ўзи, кейин бир қарорга келди.— Майли, тур, тамадди бўлса, тамадди қилиб ола қолайлик. Чинкка ҳам оз қолди.

Ўтирди. Қўйнидан бир нарсалар олиб ерга ёза бошлади. Кейин канистр қопқоғини бураркан:

— Улиб қолдингми, турмайсанми?— дея аччиқланди.

Султоновнинг тили қичиб келди-ю, яна ўзини босди. Чуқур нафас олиб, ёнбошига ағдарилди. Кейин зўрға туриб орқасини ўгириб ўтирганча, қотиб қолган оёқларини силашга тутинди.

Ортиқ канистрни энгаштириб, эҳтиётлик билан кружкага сув қўймоқчи бўлди-да, кутилмаганда:

— Ие, бу қанақаси?!— деб бақириб юборди.

Султонов унга ўгирилиб қараб, ҳайрон қолди. Ортиқ олпоқ оқариб кетган, юзида қон қолмаган эди. Қўлидаги кружка қалт-қалт титраб, ўзи бир олдидаги канистрга, бир Султоновга маънисиз тикилар, бир нарса демоқчи бўларди-ю, тили айланмас эди. Охири:

— Нима бало, тешилиб қолганми?— деди-да, канистрни кўтариб тагига қаради. Ҳайрон бўлиб елка учирди.

— Роса алданибмиз-ку!— деди бўшашиб. Султонов ҳам қўрқиб кетди:

— Нега? Қанақасига?

— Сув канистрнинг таг-тагида қолган экан. Уч кружка чиқиб-чиқмайди. Қизиқ, шунча сувни қачон ичиб улгурган эканмиз. Тоza чув

тушдик-ку!— Ортиқ чидамай ўрнидан туриб кетди.— Падарига минг лаънат. Бир иш юришмаса, шундай юришмайдим!

У сўкиниб, нима қиларини билмай, жаҳлини ичига сиғдира олмай, қўлидаги кружкани қулочкашлаб ерга урди. Ўзи четга тупурди-да, тек туриб қолди.

— Ҳали ҳам кеч эмас, орқага қайтайлик,— деди секин Султонов.

— Орқага, орқага! Орқада нима бор?!— Ер тепинди Ортиқ,— Пишириб қўйибдимми орқада!

— Бўлмаса шу сув билан бу чўлдан чиқиб кетиб бўларканми!— Султонов ҳам унга бақириб берди.

Ортиқ унга совуқ тикилди. Одамнинг кўзлари шунчалар совуқлашиб, қўрқинчли тус олишини Султонов кўриб юраги орқасига тортиб кетди. У аниқ седи: Қарчисида ўзи тирик қолиши учун ҳеч нарсадан, ҳатто қотилликдан ҳам тап тортмайдиган ваҳший бир одам совуқ тикилиб турар, ундан ҳозир бирон бир яхшилиқ кутиб бўлмасди.

— Чидасанг шу! Бўлмаса ана, тўрт томонинг қибла! Орқага қайтиш йўқ!— деди Ортиқ жоҳиллик билан қўл силтаб. Кейин қовоғини очмай газетадаги бир бўлак гўштни қайта ўраб қўйнига солиб олди. Канистр қопқоғини маҳкамлаб, қаддини ростлади.

— Мен кетдим. Юрсанг, етиб олиб юр. Қолиб кетсанг, ўзингдан кўр,— деди ҳаёсизларча.

Султонов ёқасини ушлади. Дунёда шундай бераҳм, пасткаш одамлар борлигига энди ишонди. Лекин шунда ҳам уни инсофга чақириб кўрмоқчи бўлди. Баданида заррача одамгарчилиги бўлса тушунар деди.

— Мен тиланчи эмасман-ку, ахир. Айбим нима?! Бирга йўлга чиққанммми?!— деди Султонов овози титраб.

— Таги кам бўлгандан кейин аяш керак-да, аямаса етказиб бўладими!— тўнғиллади Ортиқ.

— Аяш керак. Аяманг демайман. Лекин мени шу аҳволда ташлаб кетишга уялмайсизми? Қандай виждонийгиз чидайди?

— Бўлди-бўлди. Шуңи тўғрилиқча айтиш мумкин эмасми!— У канистрни қайта ерга қўйди. Кружкани боя отиб юборган жойидан олиб келиб, қўйнидан газетага ўроғлик пиширилган гўштни олди.

Султонов кружканинг таг-тагидаги икки қултум сувни ичди-ю, гўшт томоғидан ўтмади. Егиси келса ҳам, шунча гап-сўздан кейин емади. Ўзига ажратилган тухумдай бўлакни четга суриб қўйиб, зўр билан ўрнидан турди.

Ортиқ унга тушуна олмай, писанда қилди:

— Аччиқ қилишнинг нима кераги бор! Ўйлама, ҳеч ким сенга ялиниб ўтирмайди, ўзингга ўзинг жавр қиласан.

Султонов бош чайқаб қўя қолди:

— Ундаймас, томоғимдан ўтмаяпти.

— Ўзинг биласан,— Ортиқ оғзидаги гўштни чайнаганча ўрнидан туриб, канистрни кўтариб йўлга тушди.

Улар борган сари ўсиб, бутун бўй-баста билан уфқни тўсиб бораётган чинк-жарликни кўзлаб, узоқ йўл босишди. Охири қиямалиқдан тик жарликка томон кўтарила бошладилар. Султонов оёғини зўрға судраб босаркан, Ортиқнинг ҳамон бир маромда қадам ташлашига ҳавас қилиб қўйди. Шунча йўл босишибди-ю, бирор марта оёғи чалишмабди-я. Алпинист деганича бор экан. Юришнинг хўп қаддини олган экан. Бу кетишида бир ўзи ҳам бу чўлдан чиқиб кета олса керак. Шундайку-я, лекин нега бир ўзи кета қолмади. Нега уни эргаштирди? Бир ўзи чўчидимикан?

Султонов ўйлаб ўйининг охирига етолмади. Улар чинкка яқинлашганлари сари жарликнинг тик девори осмонга кўтарилиб борар, ҳар

қадамда бу аниқ сезилар эди. Ниҳоят, у кунботарга оған қуёшни ҳам тўсиб, улар жарлик соясига кириб боришди.

Сояга етиб келишди-ю, ўзларини тап-тап ерга ташлаб, чўзилганча жим қолишди. Соями, ё шу оёқ узатиб чўзилиб ётишларими, бирам хуш ёқардики, Султонов беихтиёр кўзларини юмиб олди. У анчадан кейин кўзларини очганида Ортиқ ерда оёғини узатиб ўтирганича жарликнинг бўртиб-туртиб чиққан қат-қат қатламларига ваҳми келиб тикилиб қолган, афтидан ундан юқорига чиқиш йўлини изларди. Султонов базўр ўрнидан туриб ёнбошлади.

— Жуда баланд-ку, — деди у бу ердан қанақа қилиб тепага чиқиб бўлади дегандай.

— Тикликка тик. Лекин шу чинкдан тепага чиқиб олсак озодмиз. Сарикамиш зиндонидан қутуламиз.— Ортиқ жарликнинг қияма сел йўлларида кўзини узмай жавоб қилди. Афтидан у ўзибоп йўл излар, Султонов ундан чиқа оладими, йўқми, хаёлига ҳам келтирмас эди.

Кейин кутилмаганда у тамадди ҳаракатига тушиб қолди. Икки тишлам гўшт, уч қултум сув билан тафт босди қилган бўлишди. Сўнг канистр оғзини маҳкамларкан:

— Энди ярим соат дам. Чинкка ҳужум олдидан оёқларни ёзиб олайлик,— деди-да, ўзи чўзилиб, кўзларини юмди.

Султонов ҳам кўзларини юмиб, чалқанча ётаркан, хаёл узоқ-узоқларга олиб қочар, унинг Устюртда адашиб қолганини отасига хабар қилишган-қилишмаганини ўйлар, агар бир оғиз айтишса, у хабар топиб қолса, бутун авиацияни оёққа турғизиб бўлса ҳам уни, кўзининг оқу қорасини топтиришга қодирлигини эслар, илоҳим хабар қилишган бўлсин, қидиришаётган бўлсин деб илтижо қиларди. Кўзини очиб осмонда самолётлар ўрнига пастлаб чарх урган ўлимтикхўрларни кўрди-ю, сапчиб туриб олди. Бундан Ортиқ ҳам чўчиб тушди, кўзларини очиб:

— Тинчликми? Нима гап?— деди ҳайрон бўлиб.

Султонов осмонга имо қилди. Қўрқув унинг юзига ҳам соя ташлаб, у ҳам туриб ўтириб олди:

— Шунақа!— деди ғазаб билан у охири.— Ётиб қолдинг дегунча булар пайдо бўлади-қолади. Одам гўштини мунча яхши кўраркан булар?

Унинг гапидан Султоновнинг этлари жинжикиб кетди.

— Йўлга тушсак зора қорасини ўчирса, — деди Ортиққа.

— Майли, ҳарна тезроқ тепага чиқиб олганимиз,— кўна қолди у.

Улар сел йўлидан ҳарсанг тошларга тирмашиб, шағалларга қоқилиб-сурилиб тепага чиқиб кета бошладилар. Энкайиб, эмаклагудек бўлиб юриш бир қийнаса, оёқ остидаги шағаллар сурилиб, пастга ўзи билан тортиб кетгудек бўлиб бир қийнайди. Жарликнинг ярмига етмай Султонов қора терга тушиб, тиззалари қалтирай бошлади. Олдинда йўл бошлаб бораётган Ортиқнинг ҳам оёқлари тойиб-тойиб кетяпти. Шунда оёқ остидан ваҳимаси билан бир замбар-бир замбар шағал кўчиб пастга оқади. Султонов қатламларга тирмашиб, ўзини зўрға тутиб қолади. Лекин бир гал ҳеч нарсани туюлмамай шағал оқимиға йиқилди-ю, пастга оқиб кета бошлади. Йўл-йўлакай ўзини ўнглаб олишга ҳарчанд ҳаракат қилар, ён-атрофида бирор тош ёки қатламга тирмашиб қолишга уринар, лекин ҳар гал ҳаракатлари зое кетар эди. Сел йўлидаги шағал оқими бўлса борган сари кучайиб шалдирайди, пастга ваҳима билан интилади. Султонов охири ёнбоши билан бир тош қатламига бориб урилди-ю, оғриқнинг зўридан инграб юборди. Турган ерида тиз чўкиб, ўтириб қолган Ортиқ ноилож эҳтиётлик билан пастга туша бошлади. Унинг ёнига етиб келиб, энсаси қотиб бош чайқади.

— Кўзингга қарасанг бўлмайдами! Энди нима бўлди?!

Султонов ўзини бир ёнбошига ташлаб чалқанча ётмоқчи, тагида

қолган ўнг оёғини узатмоқчи бўлди-ю, оғриқнинг зўридан лабларини тишлаб, кўзларини чирт юмиб олди.

Ортиқ унинг тепасига энгашиб, ўнгарилишига ёрдамлашаркан:

— Шу кам эди, оёқдан ажрабсиз-ку, акам, — дея кесатди.

«Ажрабсиз? Энди нима қилдим? Келиб-келиб... наҳот оёғим синган бўлса! — Султонов қўрқиб кетди. — Унга тирик товон бўлиб қолдимми энди? Бунча шўр экан пешонам». У чуқур хўрсиниб, юзини четга ўгирди. Хўрлиги босиб келиб, кўзи жиққа ёшга тўлди-ю, ҳамма нарса чаплашиб кетди.

## Ўн тўртинчи боб

У тонг саҳарда жунжикиб уйғониб кетди. Осмон оқариб келар, кўкда якка-ёлғиз юлдуз ярқираб турар, уфққа яқинлашиб қолган ой бир тилим қизил қовундай шафақ рангига кириб борарди. Отамурод ёзилиб келиб, бир ҳафтадан бери биринчи марта пақирдаги қудуқ сувидан соқол босиб кетган юзини пишиб-пишиб ювиб, бир маза қилди. Руҳи шундай енгил тортдики, беихтиёр ҳар куни эртаминан юз ювиш бир бахт эканини аниқ ҳис этди. У анча бардам тортиб турган, кечаги чарчоқлардан асар ҳам қолмаган, фақат оёқлари зириллаб оғрирди, холос. Бу кеча кўп юрганиники. Энг муҳими — қидирганини топди, сувга етишди, энди ҳеч нарса қўрқинчлимас. Отдек тўйиб-тўйиб, дам олиб, қайта-қайта сув ичаркан, бу сувдан танаси яйраб кетаётганини, ўзи тетиклашиб бораётганини аниқ сезар эди.

Отамурод ўз ишини билиб қиларди. У мешга қудуқнинг муздек тиниқ сувидан пақирлаб-пақирлаб тўлатиб олди-да, оғзини обдан маҳкамлаб, рюкзакка жойлади. Рюкзак тасмаларидан қўлини ўтказиб, орқалай туриб, яна тўхтади. Ҳали ҳамма иш битмаганини эслаб, уни бир чеккага қўйди: Қайтиш қочмайди. Бу билан тутқинликдан қутулиб қолмаймиз, деб ўйлади ўзича. Ҳозир жўнаб кетгандан кўра яна уч-тўрт соат йўловчи машина кутсам-чи? Не уқубатлар билан катта йўлга зўрға чиққанимда, ҳеч кимни учратмай қайтиб кетишим тўғримикан? Балки яна бирпас кутсам бир йўла қутулармиз? Бу ерга яна қайтиб етиб чиқиш осонми?!

Ундай деса, ҳали домлаларнинг ҳоли нима кечдйкан? Муштдек сувдонда қолдирган суви икки бирдек одамга нима бўлади? Шу дўзах иссиғида ташналигини қондирармиди? Ловуллаб ётган гулханга ҳовучда сув сепган билан баробар эмасми? Ҳарна қилса тезроқ, бир корҳол бўлмасдан етиб боргани маъқулмикан? Ундай деса...

У йўловчи машина кутишини ҳам, кутмасини ҳам билмасди, аросатда қолиб, бир қарорга келолмасди. Лекин шу пайт ногоҳ хаёлига келган фикрдан дили равшан тортиб:

— Айтмоқчи, шундай қилсам-чи?! — деди ўзига ўзи. Кейин шу атрофдан бир саксовул ёғоч топиб келиб, Туятепанинг ён-бағрига катта-катта қилиб ёза бошлади: «Оғайнилар! Биз — адашган геологлар ўттиз километр пастда, чинк ёқасидамиз. Ёрдамингизга муҳтожмиз».

У шундай деб, қинғир-қийшиқ, катта-кичик қилиб қумга ёзиб чиқди-ю, ўқиб, ўзининг кўнгли тўлмади. Келган одам дарров кўради, ёзув кўзга ташланарли жойда. Уқиш ҳам унча қийин эмас, ҳарфларини йирик-йирик қилиб ёзди. Лекин бу ёзувнинг умри узунми-қисқами, ким билади? Худо кўрсатмасин, бир шамол турса теп-текис-да, қумдаги ёзувдан асар қолармиди, қум учади-кетади.

Хат қолдирай деса ёнида на қоғози, на қалами бор. Бўлганда ҳам

уни қаерга қўйиб кетиб бўлади? Тошнинг тагига бостириб кетадими? Уни ким кўради-ю, ким топади? Нима қилса экан?

Отамурод боши қотиб, қудуқ атрофида айланаркан, кеча кечқурун ёққан гулхани тепасига келиб тўхтаб қолди. Этигининг учи билан хаёл-паришон кулни титкилаб туриб, чала ёнган саксовул таёққа кўзи тушди-ю, шошиб уни қўлига олди.

— Тайёр қалам-ку!— дея кулди.— Кўмири билан ёзса бўлади-ку. Ҳа-я, писта кўмир билан пақирга ҳам, қудуқ деворлари, ёғочига ҳам ёзса бўлади-ку! Уни сувга келган йўловчи ўқимай иложи йўқ-ку! — Отамурод хурсандчиликдан шошиб қолиб, пақирни тиззасига қўйиб, ёнига айлантириб ёзиб чиқа бошлади.

«Йўловчи оғайни! Биз йўлдан адашиб пиёда қолдик. Ҳозир Сарикамиш чинки ёқасидамиз. Бу ердан ўттиз километр пастдамиз. Ёрданингни аяма. Машинангни биз томонга бур. Яхшилигингни унутмай-миз». Отамурод яна анча нарсаларни, ўзи уларга сув олиб кетаётганини, ҳамма ҳолдан тойганини ёзмоқчи бўлди-ю, сиғдира олмади. Шунда ҳам пақирнинг ёнлари ёзувга тўлиб кетди. Отамурод уни қудуқ девори ёнига қўйиб, яна бир муҳим сўз қолганини эслаб, бошқа писта кўмир қидириб топди-да, қудуқ ёғочига ёза бошлади. «Ҳеч бўлмаса, биз ҳақимизда Катта ерга хабар қил».

Шундан кейингина кўнгли жойига тушиб, ҳамма ёзувларни бир-бир ўқиб чиқди-да рюкзакни елкасига олди.

Олдинда роса бир кулик йўл турар, лекин Отамурод ҳозир унинг машаққатларини эмас, чайлада қолганларнинг тақдирини ўйлар, йўлга ошиқарди. Нимагадир ҳозир домланинг Етти Оғайни юлдуз ҳақида айтганлари ёдига тушиб кетиб, мийиғида қулиб қўйди. «Қўлингдан келса Олтинқозиқ бўлиб, оғир кунда одамларга йўл кўрсат» дея пи-чирлади ўзича.

У кеча келган йўлидан шаҳдам юриб кетди-ю, ҳеч қанча ўтмай шарқдан ёниб-ёлқинланиб янги қуёш чиқиб келди.

## Ўн бешинчи боб

Ортиқ унинг тепасида нима қиларини, нима деярини билмай анқовсираб турарди. Султонов бечора оғриқнинг зўридан кўзларини чирт юмиб олганича тишини тишига қўйиб, ётган ерида бетоқат тўлғанади, бошини дам у ёққа, дам бу ёққа ташлайди. Нафаси сиқиб, ҳансирайди. Ниҳоят, у кўзини очиб Ортиққа ялинди:

— Ёрдам бериб юборинг, ҳеч бўлмаса, туриб ўтирай.

Қапалаги учиб кетган Ортиқ сая ўзига келиб, унинг ёнига чўккалади. Бўйнидан қўлини ўтказиб, бошини кўтарди. Султонов қўлларига тиралиб, зўрга туриб ўтираркан, синган оёғини кейинга сураман деб инграб юборди. Қўллари бўшашиб, ўзини шилқ этиб орқага ташлади. Ортиқ уни жон ҳолатда зўрга тутиб қолди.

«Энди нима қилдим? Тоза касофат бўлди-ку. Шу аҳволи бўлса бир қадам ҳам юра олмайди-ку.— Ортиқни ваҳима босиб келди. У бошини буриб тепага, қиялашиб кўтарилиб кетган сел йўлига қаради.— Уҳ-у, ҳали шунча тепага кўтариб чиқишим керакми? Жуда баланд-ку. Қиялигини кўр. Худо кўрсатмасин бир тойиб кетсам борми, у ҳам, ўзим ҳам омон қолмайман. Ўндан кўра...»

Ортиқ энди титилиб кетган шимининг устидан тиззаларини силаётган Султоновга ўгирилди. У шунда ҳам кўзларини юмиб ўтирар эди.

«Бир қултум сув берсам балки ўзига келармиди,— ўйлади Ортиқ. Лекин шу заҳотиёқ фикридан қайтди.— Ўзи таги кам-ку, кейин ҳам керак бўлиб қолар».

Султонов кўзларини очиб, шимининг почасини аста ҳимараб, кўтара бошлади. Ортиқ қора қонга бўялган оёқни кўриб, сесканиб кетди. «Тамом бўпти, энди ҳеч нарсага ярамайди!» деган хаёл бошидан чақмоқдай ўтиб, даҳшатга тушди.

Фақат Султоновнинг беҳол овозигина уни ўзига келтирди:

— Илтимос, майкамни йиртиб боғлаб қўйсангиз.

Ортиқ шошиб қолиб унга меҳрибонлик кўрсатишга уринди.

— Ҳозир-ҳозир. Етмаса, кичиклик қилса меники ҳам бор. Сен кўрқма. Ҳозир ҳаммаси жойида бўлади.

Лекин бу сўзларни унинг кўнгли учунгина айтаётганини ўзи ҳам билар, ичида тамомила бошқа ҳислар галаён урар эди.

«Келиб-келиб шу лапашанг билан йўлга чиқаманми?! Узимга ўзим ташвиш орттириб олдим. Тепага олиб чиқиб бўлмаса. Олиб чиққанда ҳам нима фойда? Уёғига ҳам кўтариб олиб кетаманми?! Чинккача яна қанча қолган, худо билади. Ҳаммага керак жон унга керак эмасми? Уни деб ярим йўлда қолиб кетишим керакми? Бу ерда қолиб бўлмайди. Лекин қандай йўлини қилиб кетса бўларкин? Қандай?»

— Энди нима қилдим? Чатоқ бўлди-ку,— деди у Султоновга атай тилёғламалик билан. Зора ўзи тақдирга тан берса, дерди ичида.

— Мени пастга олиб тушиб қўйсангиз,— дея ўтинди Султонов. Ортиқ тошидан сездирмаса-да, ич-ичидан севиниб кетди.

— Ҳозир-да, укажон. Есть қиламиз-да,— у канистрни бир чеккага авайлаб қўйиб, Султоновни опичиб олишга ўнгланиб қўлини чўзди.— Қани, қўлингни бер-чи. Чўчим, бемалол кўтароламан.

У Султоновни опичиб олиб, ҳар қадамни шағалсиз жойга эҳтиётлик билан қўйиб, товонига тиралиб пастга тушиб бораркан, ичида ўзини ўзи оқлашга уринарди.

«Одамгарчилик шунчалик бўлар-да. Ҳар ким қўлидан келганини қилади-да, уни чинккача орқалаб чиқиб кета олмайман-ку, ахир. Шу зиғирча сув билан қаергача ҳам бора олардик?»

Ортиқ уни пастгача олиб тушиб, тик жар ёнига суяб ўтқазди-да, пешонасидаги терларни сидириб:

— Озгина ўтин тўплаб келсаммикин, ҳали-замон кеч кириб, салқин тушиб қолади, а?— деди меҳрибонлик қилаётгандай.

Султонов беҳол бош силкиди-да, бемажолгина илтимос қилди:

— Иложи бўлса, текисроқ таёқ топиб келсангиз. Бунни тахтакачламаса оғриғига чидаб бўлмаёпти.

Ортиқ унинг илтимосларини тезроқ бажо қилиб, тезроқ қутулишга шошилди:

— Яхши. Мен ҳозир,— дея у пастдаги саксовулзорга қараб юра бошлаган эди, Султонов тўхтатди.

— Агар топилса, ҳассалик ҳам ола келинг.

Ортиқ хўп деди-ю, юраги орқасига тортиб, ўйлаб қолди.

«Нима бало, ҳали оёғимга кишан бўлиб, бирга кетмоқчимми? Юрларканларми?! Олиб келмасам-чи ўша ҳассаликни? Тополмадим десам-чи? Қаёққа бора оларди.»

У бир қучоқ ўтин териб келганида Султонов ҳолдан тойибми, оғриқ сал камайибми, кўзи илинган, юзлари оппоқ оқарганча чўзилиб ётар эди.

Ортиқ ичида, айни муддао, деди-ю, қучоғидаги ўтинни аста ерга қўйди, оёқ учиди секин-секин юриб, ундан четлашди, кейин юраги хап-риқиб, ҳиқилдоғига тиқилиб, тепага ўрмалай кетди. Бояги жойга етганида канистрни қўлга олиб, қўрқа-писа пастга қараб қўйди. Хайрият у ҳамон қимир этмай, унинг қочиб кетаётганини сезмай ётар эди.

Ортиқ тепага чиқди-ю, ўзини таппа ерга ташлади. Унинг оёқ-қўли, бутун вужуди қалт-қалт титрар, тили оғзига сиғмай, нафаси бўғзига

тиқилиб, ҳансирар, ҳолдан тойиб, адойи тамом бўлгандек сезар эди ўзини. Ҳоли келмаса ҳам, ўзини мажбурлаб ётган ерида бошини кўтарди. Олдинда нима борлигини, ҳақиқий чинк яқин қолган-қолмаганини шундай билгиси келдики...

Иссиқ гармсел шабада ўсиб кетган соч-соқолларини ўйнаб, ўзини энтиктирди. Кўзлари ачишиб, қуёш нурида қамашиб олдинга қараркан, бўшашиб, тарвузи қўлтигидан тушиб, яна бош эгиб, пешонасини ерга тираб қолди.

Олдинда бир-бирига мингашиб кетган, ҳадсиз-ҳисобсиз барханлар унинг ўрталарида саксовулзорлар, узоқда уфққа яқин ерда эса ойнадек ялтираб, чанг рангидаги тақирлик ястаниб ётар эди.

— Пешонам шўр бўлмаса, шуларга эргашиб, шу худо қарғаган чўлга келаманми?!— деб юборди чуқур хўрсиниш билан.

У унсиз йиғларди: Энди нимага умид қилса бўлади?! Худо деб, борига шукур қилиб, уйда ётса нима қиларкан?! Қошки энди ўша минг азоблар билан йиққан мол-дунёси асқотса. Асқотмайди. Буюрмаган эканки... У ўзининг совуқ хаёлларидан қўрқиб кетиб, туриб ўтириб олди. Атрофга зеҳн солиб тикилди.

Домла, юқорига чиқиб олсак, қудуқ ҳам, кийик ҳам учрайди, деганди. Балки излаб кўрса, шу орадан қудуқ-пудуқ топиб қолармиди. Сув топса-ку, бир амалларди. Ўлмаё қоларди-ку. Ортиқ ўрнидан туриб, ҳар томонга изғиди. Барханлар устига чиқиб, ютоқиб чор атрофга назар ташлар, бошқа бархан тепароқ кўриниб, ўша томонга югурар, қумга ботиб, йиқилиб-сурилиб, унинг тепасига чиқар, ҳафсаласи пир бўлиб узоқ туриб қолар, яна бошқа барханга қараб чопар, пастга тушатуриб ўмбалоқ ошиб кетар, оғиз-бурунларига қум кириб қийнар, лекин ҳамма-ҳаммасига чидаб, қудуқ излашдан тоймасди. Назарида кун ботиб, кеч кириб қолаётгандай бўлар, даҳшат босиб келар, ўзини ҳар томонга елиб-югуришдан тиёлмасди.

У бархан устида қўлини соябон қилиб, узоқдаги шувоқзорга тикиларкан, бир-бирига чувалашиб-туташиб кетган оқ лентадай йўлларга кўзи тушиб, севиниб кетди.

Ўша йўлларга етиб олса, балки қутулиб кетар. Лекин етиш осонми? Зиғирча сув билан қаергача бора оларди?! Таваккал қилса-чи?! Йўқ. Таваккал қилса-ю, ярим йўлда қолиб кетса нима бўлади? Уни ким қутқаради? Бир ўзи ниманинг урдасидан чиқади?..

Ортиқнинг юраги дов бермади. Сувсиз ярим йўлда қолиб кетишини ўйлаганида чаккаларигача сирқираб кетди. Оёқларида титроқ туриб, бархан устига бемажол ўтириб қолди. Ич-ичидан эзилиб, хун бўлиб, ўзига-ўзи шунчалар юраксиз, жони ширин, шунчалар худбин бўлиб туғилгани учун лаънатлар ўқиди: «Бошқалардан қаерим кам? Тўрт мучалим соғ-саломат бўлса-ю, ўлим даҳшатида шунчалар қўрқсам! Нимага худо мени юраксиз қилиб яратган экан, иродасиз қилиб дунёга келтирган экан?! Ҳали-вери йиқилиб қоладиганлардан эмасман-ку, мунчалик қўрқаман?!».

У нимадан қўрқинини ўзи яхши билар, лекин айтишга, дилидагини тилига чиқаришга юраги дов бермасди. Жони ширинлик қилар, ҳаётдан умидини узолмас, кўз олдидан данғиллама уйи, лимонзорли теплицаси, гараждаги «Москвич»и, сандиқдаги тилла заёмлари кетмас эди. Худди ярим йўлда бир нарса бўлиб қоладигандек даҳшат босиб келар, қутулишнинг, бир илож қилиб тирик қолишнинг чорасини излар, лекин тополмас эди. У канистрнинг тагида қолган сув билан қаёққа боришини, таваккал қилиб олдинга кетишини ҳам, Султоновнинг олдига қолиб ёрдам кутишини ҳам, орқага қайтиб, домлаларга етиб олишини ҳам билмасди. Боши қотиб, гангиб қолган эди.

Бу орада кеч кириб, қуёш бота бошлади. У тилла баркашдек бў-

либ уфқда турар, зарҳал нурини беомон сочар, Ортиқ эса унинг ҳозир ботиб кетишини ўйлаб, қаёққа йўл солишини, нима қилишини билмай даҳшатга тушар, одам боласи камдан-кам дучор бўладиган аросат азобига учраган эди. Ниҳоят, у саросимада довдираб турган ерида бир айланди-да, шошиб канистрини қўлига олиб, чинк ёқалаб шимол томонга худди биров қуваётгандек чопиб кета бошлади. Анча ерга бориб, қўрқа-писа орқасига қараб қўйди. Жарлик ёқасига келиб, Султонов қолган жойга чўчинқираб қаради. Пастликда, бояги тик жар тагида Султонов бошини қуйи солинтириб ўтирар, ҳеч қаёққа қарамас эди. У ҳозир ўзига қараб қоладигандек, тўхта, номард қаёққа қочаяпсан, деб бақирадигандек, оқсоқланиб қувадигандек, Ортиқ дарров ўзини четга олди-да, тез-тез юриб кета бошлади. У Отамуродларнинг йўлини кесиб чиқишни мўлжаллаб борар, уларнинг паноҳида жон сақлашни ўйлаб қолган эди.

Уларга етиб олсам бўлди, бир жавоб топиб борарман, уриб ўлдиришмайди-ку, тирик қоламан-ку, ахир, дерди ўзига ўзи.

## Ўн олтинчи боб

Чирилдоқлар овозига тўла зимзиё чўл кечаси. Бирам сирли, ваҳимали, қоронғики, Зулхуморнинг атрофга қарашга ҳатто юраги бетламайди. У гулхан ёнида тўғри ўтиришга ҳам мадори келмай, тиззаларини қучоқлаб, даҳанини унга тираганича, жим қолган. Унсиз, бетиним нола қилаётгандек тўлғаниб-тўлғаниб ёнаётган олов тилларидан кўз уза олмайди. Яна ҳам яқинроқ сурилгиси келади. Нимагадир совқотяпти. Тун шунчалик совуқми деса, домла гулхандан нарида, чайла ичида ҳам жим чўзилиб ётибдилар. Совуқ бўлса гулхан яқинига сурилмасмидилар?

Унда ўзига нима бўлди? Бутун аъзон бадани худди безгак тутгандек қалтираяпти. Қўйиб берса, тиши тишига тегмай такиллайди. Қўллари титраб, тиззаларини қучоқлаб ўтиришга ҳам мажоли келмайди. Нима бу? Ҳали-ҳозиргина қизиб, алангай оташ бўлиб кетаётган эди.

Ич-ичидан олов чиқиб, томоғи қуриб-қақшар, лаблари ёпишиб қолган, тили эса худди шишиб кетаётганга ўхшарди. Уни сувсизликдан кўрган эди. Энди буниси яна нимаси бўлди? Еки бу ҳам чанқоқ азобининг ишимикан? Тавба, бу чўл одамни нима куйларга солмайди?

Қаердадир, юлгун тагида чўл сичқоними, нимадир ногоҳ шитирлади-ю, Зулхумор чўчиб тушди. Орқага ўгирилиб қараб, кўкрагига туфлаб қўйди. Шу қўрқув аралаш ҳали-ҳозирги титроқ, совуқ қотиш ҳам қаёққадир йўқолди.

Зулхумор сал эркин нафас олиб, яна тиззаларини қучоқлаб, тикилганича хаёлга толди.

Унга нима бўлди экан, ҳалигача дараги йўқ. Иккинчи кеча ўтяпти. Тинчликмикан ўзи? У Отамуродни ўйларкан, кўнгли ғаш тортиб, хаёлига ҳар хил бўлар-бўлмас ўйлар ёпирилиб келади. Ўзи ваҳимада қолиб, юраги сиқилади. Ич-ичидан илтижолар қилади: Ишқилиб, худонинг ўзи асрасин. Оёқ остидаги фалокатлардан, бевақт ўлимдан асрасин. Омон-эсон қайтиб келсин. У бўлмаса бизнинг ҳолимиз нима кечади?!

Зулхумор Отамуроднинг яхшиликлари-ю, одамгарчиликларини бир-бир эслайди. Ўзи бир бошқа одам, кўнгли бир бошқа олам экан. Кетди-ю, ўрни ҳувиллаб қолди. Унга шунчалик суяниб қолишган экан. Усиз икки кун икки йилдек ўтяпти. Ортиқнинг боридан йўғи яхши. Султоновнинг эса йўқлиги ҳам билинмаяпти. Улар ўзларининг кимликларини кўрсатишди. Домла авлиё эканлар. Айиқполвонни асалхўр-



ликка чақириб, охири ўзи жуфтакни ростлаган тулки билан бўрсуқ афсонасининг худди ўзи бўлди-я, тавба. Шуларга шама қилган эканлар-да, домла. Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Афсонадагидек, тулки қутулиб қолиб, бўрсуқ қурбон бўлиб кетмаса кошки эди.

Ўзлари-чи, ўзларини қандай тақдир кутяпти? Сувлари кечаёқ ту-гаган эди. Бугун кечгача юлғуннинг олачалпак соясида уни кутиб ётишди. Бир қултум сувга зор бўлиб, ичлари алангаи оташ бўлиб ёниб, гоҳо хушидан кетиб алаҳлаб, унинг йўлларига кўзлари тўрт бўлиб, интизор кутиб ётишди. Одам сувсизликдан ниҳояти уч кунга чидармиш. Шунинг бир кунини ўтказишди. Чанқоқ азобидан минг куй-га тушиб, минг хил қийноқларга чидаб, атиги бир кунни ўтказишди. Яна бир кундан кейин тамомила ҳолдан кетиб, қимирлаёлмай қолишса ҳам ажабмас. Пешоналарини ерга тираб, хушдан кетган пайтларида қузғунлар галаси тепаларида гир айланиб қолиши аниқ. Улар шуни кутяпти. Отнинг ўлими—итнинг байрами, деб шуни айтишаркан-да.

Ишқилиб, у етиб келсин. Бир кор-қол бўлмаган бўлсин. Шундан бошқа яна қандай илинжлари бор?!

Шу пайт кўз олдидан гулхан чекиниб бориб, фақат бархан мисол сариқ-қизғиш алангаси қолди. Кейин бу аланга тилларанг барханга айланиб, унинг орқасидан офтобда ойнаси ярқираб, бир машина чиқиб кела бошлади.

У худди шу томонга, уларга қараб келар эди.

Ё тавба! Ким бўлдиёкан? Танишларми, ё нотанишлармикан? Йўқ, таниш-ку. Ўзининг Собир-ку! Севгани-ку! Одамлар, қаранглар, машина келяпти! Қутқаргани келяпти! Қаранглар келяпти! Ўзининг Собир, жондан ортиқ қўргани келяпти! Халоскори келяпти!

У севинчдан жон ҳолатда сапчиб туриб кетди-ю, шу заҳоти кўз олдидан бархан ҳам, машина ҳам, Собир ҳам йўқолиб, қоронғилик қаърига кирди-кетди.

Зулхумор бунга чидаёлмай, ўзини ерга таппа ташлаб, хўнграб йиғлаб юборди.

У ўзини босолмай ҳиқ-ҳиқ йиғлаб ётаркан ёнига домла сурилиб келди-да, қўлини унинг бошига қўйиб, унсиз, оталарча силай бошлади. Ҳа, домла ҳолсиз, титроқ кўллари билан унинг бошини, сочларини силар, афтидан ўзи ҳам унсиз йиғлар эди.

Зулхумор хўрлигини зўрға босиб, бошини кўтарди-ю, яна чидай олмай унинг тиззаларига бош қўйди.

Домла энди уни рўй-рост юпатишга тушди:

— Опоқ қизим. Ўзингизни босинг. Қўрқманг, у келади. Келадиган вақт бўп қолди. Отамурод тегирмонга тушса бутун чиқадиган йигит. Келади, қизим.

Шу пайт нарида нимадир шитирлагандай, қум шувиллаб тўкилгандай бўлди. Зулхумор бошини кўтариб, ялт этиб ўша томонга қаради-ю, қўрқувдан туриб ўтириб олди. Ун қадамча нарида итга ўхшаган бир нима қорайиб турар, бир жуфт кўзлари чўғдек ёнар эди. Зулхумор қўрқиб кетганидан домлани туртиб:

— Вой, уни қаранг!— деб бақириб юбораёзди. Ҳалиги қора нарса хунук ириллаб жойидан жилди-да, истамайгина, улардан ёнган кўзларини узмай нари кета бошлади.

— Бўри-ку!— деб юборди домла ҳам қўрқув аралаш. Кейин жон ҳолатда ўтирган ерида қўлига тушган саксовул таёқни олиб ўшаёққа итқитди:

— Тур кет, падарлаънат!

Бўри боягидек ириллаб, қоронғилик қўйнига кириб кетди.

Домла ҳоли келмай яна гулхан ёнига ёнбошлай туриб:

— Якка экан шекилли, бўлмаса осонгина даф бўлмасди. Утиндан

кўпроқ ташланг гулханга. Оловдан бошқа нарсадан ҳайқмайди у,— деб маслаҳат берди.

Ҳамон қалтироғи босилмаган Зулхумор гулханга шох ташларкан, ташвишланди:

— Биз-ку, олов ёнида жон сақлармиз. Отамурод акамлар нима қиладилар?

— Отамуродми, унинг ёнида яроғи бор, чўчимайди,— деб қўйди домла.

Улар, яна гулханнынг оч қизғиш тилларига тикилиб жим қолишди. Атроф сув қуйгандек тинч, фақат бу тинчликни гулханда ёнаётган ўтиннинг чарс-чурси, чирилдоқларнинг аллаловчи бир текис чириллаши бузиб туради.

Зулхумор яна тиззаларини қучоқлаб, гулханга тикилганча ўтириб олди. У яна ҳаёл дарёсига ғарқ бўлиб кетганди, назарида аллақаяқдан ғалати овоз келгандай бўлди. Шу заҳоти яна ўша томонда нимагадир бўри ангиллади. Узоқдан бўриларнинг этни жунжиктирадиган увиллаши эшитилди.

Зулхумор юраги дук-дук уриб, тили айланмай домлага қаради:

— Бу яна нимаси бўлди?

— Ҳалиги бўри қашқирга рўпара бўлдимикан? Унақа-бунақага ангиллаб қочмасди-ку,— домла ҳам ҳайрон бўлиб ўша томонга қулоқ осди.

Шу пайт кутилмаганда икки юз қадамча нарида олов ёниб, қўлида машъала кўтарган одам қораси кўринди. У гандираклаб-гандираклаб кетар, тўхтаб зўрға ўзини ўнглаб олар, яна мункиб кетгудек бўлиб олға интиларди. Бунга сари қўлидаги машъала тинимсиз чайқалади, ловуллаб ёниб, ҳавода ўтли из қолдиради. Ким бўлди?! Собир эмасми?! Гулханны кўриб қидириб келаётган бўлса-чи? Қанийди, Собир бўлса, у бўлиб чиқса! Зулхумор юраги шошиб:

— Домла! Уни қаранг?! Кимдир келяпти!— дея қичқириб юборди. «У Собир! Чинкда қолган Собир! Қаранг, унинг ўзгинаси!»— дея жар солиб овоза қилгиси келди-ю, домладан ийманиб, айтолмади.

— Рост у келяпти! Отамурод келяпти! Айтмовдимми!— дея ўрнидан туришга интилди домла. Зулхумор адашганини ичида тан олди: айтмоқчи, Собир бўлса машинада келарди-ку. Домла ҳақ. Келаётган — Отамурод! Ундан бошқа ҳеч киммас!

У ўзинча шундай қарорга келиб, ўша томонга отилди:

— Биз буёқдамиз, Отамурод ака! Бу ёқдамиз!— дея югуриб кетди.

— Хайрият, омон экаң,— деди домла енгил нафас олиб.

Зулхумор бўлса қоронғида қоқилиб-йиқилиб, яна ўрнидан туриб, ўша томонга ҳаллослаганча чошиб борар, оёғи чуқурчаларга тушиб ўмбалоқ ошиб кетса ҳам парво қилмас, яна туриб, унга интилар, ҳурсандчилигини ичига сиғдира олмай, «бор экансиз-ку, Отамурод акажон» деб борарди.

У ниҳоят етиб бориб, оёқда зўрға тек туриб қолган Отамуроднинг олдида бир зум тўхтади. Ўзини тутиб туролмай:

— Боракансиз-ку, Отамурод акажон!— дея унинг қучоғига ташланди. Отамурод қўлидаги кўйлагини ёғочга ўраб ёққан машъаласини ташлаб, яланғоч кўксига бош қўйган қизнинг сочларини силаркан:

— Қўйинг синглим, йиғламаңг,— деди овози титраб. Кейин ўзини босиб, уни юпатишга уринди.— Нега энди йиғлайсиз, мана, мен келдим-ку. Омон-эсон етиб келдим-ку. Ёнларингиздаман-ку.

У кафтлари билан қизнинг кўз ёшларини артиб, юпатишга урингани сари Зулхумор ўзини тутаолмай, юраги тўлиб келиб, ҳиқ-ҳиқлайди. Отамурод унинг сочларини силаб, жим қолди. Меҳрибонлик билан бошини бағрига босди. Кейин кутилмаган қатъият билан юзларини ўзига қаратиб:

— Айтмоқчи, табриклайман, синглим,— деди астойдил.— Туғилган кунингиз билан табриклайман. Сувни ёруғлиқ дейишади. Кўп ўрнида кўрасиз. Атай сизга атаб бир меш сув олиб келдим. Сизнинг туғилган кунингизда биз қайта тириладиган бўлдик. Энди ўлмаймиз, қутулиб қоламиз, Зулхумор. Чин дилдан табриклайман сизни.

Зулхумор севинчдан донг қотиб қолди: айтмоқчи бугун унинг туғилган куну-ку!

Унинг кўзларидан тирқираб янгитдан ёш чиқиб кетди. Боши кўкка етиб, вужуд-вужуди эриб келиб:

— Мингдан-минг раҳмат, Отамурод ака! Дунё тургунча туринг!— деди-ю, худди ёш боладек унинг бўйнига осилиб олди.

## Ўн еттинчи боб

### 1

Кўнгилинг тинчлигига, хотиржамликка нима етсин экан. Неча кундан бери мижжа қоқиша олмасди. Кўз илинди дегунча каллага даҳшатли ўйлар ўралашиб келиб, босинқираб-босинқираб, уйғониб кетишар эди. Кеча кечаси Отамурод бир меш сув билан қайтиб келди-ю, кўнгиллари жойига тушди-қолди. У йўл топиб келди, оби ҳаёт олиб келди, энди ўлмаймиз, деган ишонч туғилди-ю, ҳамма қўрқинчлар, умидсизликлар, даҳшатлардан фориг бўлишди.

Умрларида ҳеч қачон бунчалик тош қотиб ухлашмагандир. Кун ёйилиб кетгунча ётишибди-я.

Қамолиддин ака ўтирган ерида устларига офтоб тушиб, пешоналарини реза тер боса бошлаган бўлса ҳам ҳамон ширин уйқуда ётган ҳамроҳларига разм солиб қўйди.

Домла туриб, жиндек сув билан юзини чайгиси, руҳини енгил торттиргиси келди-ю, яна кўнгли бўлмади, шерикларини уйғотиб юборишдан истиҳола қилди.

Майли, тўйиб ухлаб олишсин. Ҳали йўлга тушишганда ҳарна мадор бўлади. Чўлда кун ёйилиб, офтоб чиқишига, жаъмики нарса зарҳал рангга кириб, кўзни қамаштиргудек товланишига суқланиб тикиларкан, кунботардаги саксовулзор устида бирдан ипдек ингичка, оқ ҳарирдай нозик узун чангни кўриб, ҳайрон қолди.

Бу нимаси бўлди. Ростдан ҳам чангми? Якка кийикни бўри қувиб юрибдимиқан? Ундай деса, чанг бунча ҳам узун? Домла ўша томондан кўз узолмай қолди. Саксовулзор орасида ердан чанг кўтариб бораётган нарсани кўриб бўлмасди. Фақат чанги лентадек ҳавога ўрлаб, боши саксовулзор чеккасига яқинлашиб борарди.

Ана! У ҳозир саксовулзордан чиқиши керак. Чиқди. Ойнасида қуёш нури ялт этиб, кўзни олди-ю, қамаштириб юборди. Домла қувончдан қийқариб ўрнидан туриб кетди:

— Эй, оғайнилар! Қаранглар, машина келяпти! Турсанглар-чи, машина келяпти!

У бақириб-чақириб ўйинга тушар, қўлларини ёзиб сакрар, чапак чалиб, янгилликни овоза қиларди.

Шовқин-сурондан ҳаммалари туриб кетишди. Бир зум довдираб, кейин нима гаплигига тушуниб, улар ҳам бақириб-чақириб, хурсандчиликларини ичларига сиғдира олмай, бир-бирларини қучоқлаб ўпишга, табриклашга тушиб кетишди:

— Ҳақиқат бор экан-ку, а? Бор экан-ку!

— Кутулдикми, а? Ростдан кутулдикми?!

— Шу кунларга ҳам етарканмиз-ку! Етарканмиз-ку.

Ойнасида нур ялт-юлт ўйнаб, ўзи қора кўнгиздай ўрмалаётган ма-

шина нақ шу томонга келар, бунга сари уларнинг боши кўкка етиб хурсанд бўлишар, кўзларидан севинч ёшлари тирқираб оқиб, бир-бирларини қучоқлаб ўпишдан чарчашмас эди.

Шу вақт бирдан машина ойнасида нур ўйнамай қолди. У орқасиданги чангни илаштириб, энди бошқа томонга кета бошлади.

Ҳаммалари ҳайратланиб, турган жойларида қотиб қолишди.

— Бу қанақаси бўлди? У қаёққа кетяпти? Нима бало, кўрмаяптими?— ҳаммадан бурун шовқин солган домлани ваҳима босди:— Кетиб қолади шекилли. Эй-йй! Қаёққа?! Тўхта, тўхта дейман!— Домла қўл силкиб, беихтиёр ўша томонга югурди.

Лекин ҳеч қанча юрмай оёқлари чалишиб йиқилиб, ўмбалоқ ошиб кетди. Ичларигача қум кириб, зўрға ўрнидан туриб ўтираркан, Отамуродни шоширди:

— Сиз юурсангиз-чи! Кетиб қолмасидан қайтарсангиз-чи, Чопинг.

— Ҳе-ҳей! Шошма!— Отамурод қўл силкиганича чопа кетди.

— Мамажон ака билан Собир келишяпти, улар келишяпти!

Халоскорларимиз келишяпти!— Зулхумор ҳам унинг орқасидан югура кетди. Лекин машинадагилар қани энди эшитса! Қани энди қўл силкишларини кўрса! Тўхтамай кетиб боряпти. Улар ҳолдан тойиб, ҳафсалалари пир бўлиб, ниҳоят тўхтаб қолишди. Бақириб-чақириб бефойдалигини тушуниб туришибди-ю, машинадан кўзларини узишолмайди.

Шу вақт машина яна тўхтаб, орқасидан кўтарилган чанг-тўзон ичида қолиб кетди.

— Тўхтади! Кўрди шекилли, тўхтади!— дея ҳовлиқди орқадан домла.

— Кўрса буриларди. Бурилмаяпти,— деди Отамурод ундан кўзини узмай.

— Машина овозини ўчириб қулоқ солишаётган бўлса-чи!— Зулхумор энди бақириб-чақирсак-чи, дегандай Отамуродга қаради.

— Тепароққа чиқинглар! Анави барханга чиқинглар-чи, зора кўришса,— домла ўтирган ерида уларга маслаҳат берар, ўзи югуришга ҳоли келмай ҳаллослар эди.

— Йўқ, шошманг,— Отамурод шарт орқасига бурилди-ю, ҳаммани ҳайрон қолдириб чайла томонга чопиб кетди. Бора солиб, ундан катта бир таёқни суғуриб олди-да, йўл-йўлакай унга бўш қопчиқни илиб, катта бархан устига чопиб чиқиб кетди.

Кейин уни осмонга кўтариб гир айлантириб силкишга, ўзи биз буюқдамиз, дея бақириб кетди.

Шу пайт кутилмаган мўъжиза рўй берди, машинага яна жон кириб, орқасидан чанг кўтарилди. Яна ойнасида офтоб нури кўзни қамаштиргудек ялтираб, шу томонга кела бошлади. Отамурод хурсанд бўлиб, қийқираб юборди:

— Энди кўришди! Қаранг, домла, кўришди! Ростдан келишяпти!

Улар бараварига ўша томонга отилишди.

Халоскор машина кеча Отамурод келган ёқдан, Туятапа қудуғи томондан келар эди.

## 2

Боя чумчуқдек бўлиб кўринган машина, яқинлашиб келиб, баҳайбат вездеход бўлиб чиқди. У ўшқириб-пишқириб, орқасидан бир олам чанг-тўзон кўтариб келиб, вағиллаган овози чўлни ларзага солиб, силкиниб тўхтади.

Кабина эшиклари очилиб, икки киши икки томондан сакраб тушди.

— Салом, жўлдослар! Омонмисизлар!— дея шофер йигит қўлла-

рини кўтариб саломлашди. Унинг қорақалпоқ шериги бўлса, Отамуродга қараб оғзи қўлогига етиб қучоқ очиб кела бошлади:

— Омадларинг боракаң, ошна, Туятапа ёнидан ўтиб қоламизми?! Қумдаги ёзувни кўрдигу машинани буёққа бурдик. Тўрт кундан бери қидирамиз-да! Чинкда қолган шерикларингиз хабар берганидан бери қидирамиз! Ҳали бошқалар ҳаммаёқда чўлни ғалвир қилиб қидириб ётишибди.— У Отамуродни яқин дўстидай қучоқлаб олиб, даст кўтариб бир айлантирди-да, ерга қўйиб, қўл олишиб кўришаркан, сўзамоллик билан яна саволга тута кетди:— Шундан шуёққа — Туятапага бориб келган азамат ким? Қайбирларинг, а? Кўрсак бўладими, ўша шоввозни?

Отамурод ийманиб, қимтинди. Сўзамол йигитни гап билан алаҳситмоқчи бўлган эди, у ҳам бўш келмади:

— Узингга ўхшайсан-а, мени чалғитма. Топдимми?— У бир чеккада гул-гул очилиб, ҳорғин кулиб турган Зулхуморга қаради.

Зулхумор тасдиқлаб бош силкиди.

— Узим ҳам сен бўлсанг керак девдим-а!— Сўзамол йигит Отамуроднинг елкасига қоқиб, яна белидан қучоқлаб, даст кўтариб ерга қўйди.— Чин гап, Алломиш экансан. Шунча жойга бориб келибсан-а! Қоийл!

Бу вақт қозоқ шофер йигит ҳамма билан бирма-бир қучоқлашиб кўришиб чиқар, уларни тоганидан, адашганларга ёрдами тегаётганидан боши осмонда, бир гапириб, ўн кулар эди.

Ниҳоят, кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач:

— Ҳамма жамулжамми? Кетдикми?— деди сўзамол йигит. У ўзбеклашиб кетган қорақалпоқларга ўхшарди. Тили сал кетиб-кетиб қоларди, холос.

— Мингдан-минг раҳмат сизларга. Яхшиликларингизни қайтарайлик,— деди домла кўнгли тўлиб келиб.

— Бир умр унутмаймиз,— деди Зулхумор миннатдорчилик билан.

— Ҳай-ҳай. Жа ошириб юбординглар-ку! Биз нима қипмиз! Бизнинг ўринимизда ҳамма ҳам...— дея қимтинди сўзамол йигит.

— Қани энди ҳамма ҳам шундай бўлса, шундай ўйласа,— Отамурод чуқур тин олди. Кейин бирдан нимаидир эслаб, домлага қаради.— Шошманглар, улар-чи? Улар нима бўлади? Уларни топмай кетаверамизми?

— Уларинг ким? Бир кишими, ё кўпчиликми?— деди қорақалпоқ йигит сирлироқ қилиб.

Ҳаммалари ерга қарашди. Бўлган воқеани айтишга ҳеч кимнинг тили бормасди.

— Шерикларингдан биттаси тепада — машинада. Йўлдан топиб олволганимиз,— деди шофер йигит.

— Ростдан-а?!— деди Зулхумор ҳайратга тушиб.— Ким экан?

— Улар икки киши эди-ку!— деб юборди Отамурод.

— Кимни топишибди экан? Қаранг-чи, Отамурод,— деди домла ҳовлиқиб.

— Яна биттаси бормиди, у ҳеч нима демади-ку,— шофер йигитлар ташвишга тушиб қолишди. Отамурод устига брезент тортилган машина орқасига ўтиб тепага кўтарилди-ю, кўзини чирт юмиб, юзини четга ўгириб ётган одамни кўриб, дарҳол таниди. Таниди-ю, энсаси қотиб, четга қаради. Яна ниманидир ўйлаб, оёғини ошириб машина устига чиқди. Ортиқнинг тепасига бориб, бўғиқ овозда, қатъий сўради.

— Султонов қани? Айтинг, қаерда қолган?

Ортиқ ҳатто юзини ўгириб қарашга ботина олмади. Ётган ерида:

— Анави чинкда қолган,— деди секин.

— Нега қолади? Унга нима бўлган?!— тишини тишига қўйиб сўради Отамурод.

— Икки кун бўлди, жардан йиқилиб оёғи синганига.

— Шундан кейин ташлаб кетдингми, номард! — бақириб юборди Отамурод.

Ортиқ фикр этмади. Отамурод чидаб турулмай қаттиқ сўкинди:

— Аблаҳ экансан, билдингми?! Тур ўрнингдан! Йўл бошлайсан. Кўрсатасан қаерда қолганини! Кўрсатмагин-чи! Топмагин-чи уни!

Ортиқ мадори келмаса ҳам зўрға туриб ўтирди. Шунга ҳам боши айланиб, кўзи тинди шекилли, беҳол машина бортига суялди.

— Озгина сув беринглар, — дея пичирлаб тамшанди.

— Сувмиш!.. — Отамурод ўзини боса олмасди. — Сендақаларга сув ҳам ҳайф!

У аччиқ устида шундай деб қўйди-ю, яна раҳми келиб, пастга қаради. Машина орқасига ўтган шофер:

— Сувми, ҳозир, — деди-да, ёнидан алюмин сувдонини олиб узатди.

Чорак соатлардан кейин кабинада Ортиқ ўзини зўрға тутиб ўтирар, шоферга йўл кўрсатиб борар, бошқалар машина тепасига чиқиб олишган, улар Сарикамиш чинки ёқалаб, Султонов якка ўзи қолган жойга қараб боришар эди.

Улар ўша, Ортиққа таниш тик жар ёнига боришганида:

— Шу ерда, — дея олди Ортиқ ердан кўзларини уза олмай.

Йигитлар шошиб сакраб ерга тушишди-ю, орадан ҳечқанча ўтмай бўшашиб, юзлари қорайиб, бир-бирларига қарай олмай, қайтиб келишди.

Ортиқ ўша томонга қараб сесканиб кетди. Тик жар ёнида ўзи тегиб келтирган бир қучоқ ўтин боғи ўшандагидек турар, атрофида эса қонга бўялган латта-лутталар бетартиб сочилиб ётарди. Ортиқ даҳшатга тушиб, беихтиёр қўллари билан юзини тўсиб олди.

Шофер Отамуроднинг олдига бориб, кўнгил сўраган бўлди:

— Иложимиз қанча, пешонаси экан, — дея унга бир варақ қоғоз узатди. — Топганимиз шу бўлди. Тош остига бостириглиқ экан.

Отамурод қоғозни қўлига олиб ўқиркан, сесканиб кетди. Қулоқлари остида Султоновнинг овози жаранглаб кетгандай бўлди:

«Ўша баттолга эргашмасам нима қиларкан?! Шу кунга тушмасмидим! Минг лаънат унга!»

— Эгасига беринг! Уқисин!!! — деди Отамурод қаҳр-ғазаб билан Ортиқ томонга қараб.

У бўлса ҳамон юзи куйган одамдай қўллари билан юзини тўсиб ўтирар, ҳеч ким тугул, ҳеч қаёққа қарай олмасди.

### 3

Зулхумор қалдирғочларнинг эрталабки важир-вужиридан уйғониб кетди. Тонг отиб, кун чиқиб келар, ҳовлидаги сўри ёғочига ўтириб олган қалдирғоч ҳеч эринмай вал-фажрийсини ўқир, бошқаси эса дераза ойнасининг қафтдеккина синиғидан бўзчининг моксидаи қатнаб турар, ҳар келганда шифтнинг бир бурчагидаги ини ичида чағир-чуғур авжига чиқар эди. Қиз ўзини бир зум қишлоқдаги уйда ётгандай ҳис этиб, вужуди эриб келди, эркаланиб оёқ-қўлларини узатди. Лекин оқ чойшаблар тўшалган каравот қанчалар хушёқмасин, оёқлари ҳамон зириллар, ўзи янги турган касалдай ҳолсиз эди.

У ёнбошига ағдарилиб, ёнидаги бўш каравотларни кўрди-ю, кеча уларни вақтинча қишлоқ касалхонасига жойлаштиришганини, якка ўзи бир палатада, шериклари қўшни хонада эканини эслади. Уларнинг олдида чиққиси, шу бир ҳафта ичида туғишгандан ҳам қадрдон бўлиб кетган кишиларни кўргиси келиб, ўрнидан турди-ю, лекин юришга мажоли келмай оёқларини осилтириб каравотда ўтириб қолди. Хона деворлари, шифти, атрофдаги жамики нарсалар гир айланиб, ўзи каравот темирини

махкам ушлаб, кўзларини юмиб олди. Кўз олдидан ўзлари не машаққат билан пиёда-яёв ўтган шувоқзорлар, бир-бирига мингашиб кетган барханлик-қумликлар, сайсовулу, юлгунзорлар бир-бир ясов тортиб ўтиб, юраги орқасига тортиб, қўрқиб кетди. Уларни қайта эшлашга юраги чидамай кўзларини катта-катта очиб юборди.

Худди шу топда эшик очилиб, остонада Собир кўринди. У билан баробар тўғридаги ойнадан коридор орқали ярқ этиб қуёш тушиб, қизнинг кўзлари қамашиб, кетди. У офтобдан ҳеч нарсани кўрмаётган бўлса-да:

— Собир ака!— дея ўрнидан даст туриб кетди-ю, бир олам соғинч, интизорлик билан тўхтаб қолди. Йигит ҳам шу аҳволда унинг қарши-сида қотиб турар, минг ўлимдан қолиб, Борса-келмасдан қайтиб келган қизнинг сиқиб ташланган анор пўстидай юзлари, чўл офтобида қорачиклари қизариб кетган кўзлари, чатнаб-ёрилиб кетган лабларидан кўз узолмас, у тортган машаққатларни ўйлаган сари кўнгли тўлиб келиб, ўзини зўрға босиб турар эди.

Қиз ҳам шуни сезди-ю чидаб туролмай:

— Бормисиз? Қаёқларда юрасиз?— деди-ю бир талпиниб ўзини унинг қучоғига ташлади, кўксига бош қўйиб ҳўнграб йўғлаб юборди.

Собир унинг боши, сочлари, пешонасини силаб юпатаркан, ўзи ҳам чидай олмай, юзини унинг юзларига суйкади. Лабларининг четидан шўртанг томчилар сизиб кирди. Бу ёш қизнинг кўз ёшларими, ўзиникими билиб бўлмас эди. Улар эшикдан тушаётган қуёш сели ўртасида иккиси бир кишидек тонгги-зарҳал нурга ботиб туришар, иккиси ҳам хиқ-хиқ йўғлар эди.

\* \* \*

Худди шу пайт нариги хонага Мамажон ака отилиб кирди-ю, палата ичи бирпасда олаговур бўлиб кетди. Уни домла билан Отамурод бири олиб, бири қўйиб қучоқлашар, ҳали пешанасидан, ҳали юзидан чўлп-чўлп ўпарди. Отамурод эса ҳадеб уни даст кўтариб, гир айлан-тирмоқчи бўлади. Домла елкасига қоқиб, бошини силаб раҳмат айтади. Халоскоримиз, дея қайта-қайта қучишади.

Фақат Ортиқ уларга қўшила олмай ўз каравотида сўппайиб ўтирбди. Ҳеч нарсдан беҳабар Мамажон ака бўлса уни кўрмай:

— Шошманглар, Султонов қани? У қаерда?— деб қолди тўсатдан.

Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмай, ҳамма ерга қаради. Хонага оғир жимлик чўкди. Мамажон аканинг ўзи ўнғайсизланиб, атрофга жовдиради. Кейин бирдан кўзи Ортиққа тушиб:

— Ия, Ортиқ шу ерда экан-ку, кўрмаганимни қаранглар!— дея унга қараб юра бошлади. Лекин Ортиқ уни жеркиб ташлади:

— Нима, сенинча мен ҳам ўша ёқларда қолиб кетишим керакми-ди?! Ҳаммасига сен ландовурлар айбдорсанлар! Катта ерга вақтида хабар қилсаларинг ўлармидиларинг!

Ҳамма Ортиққа ялт этиб қараб, ҳайрон қолди. Унинг кўзларига қон қуйилиб, шундай совуқ ялтирардики, беихтиёр бўри кўзларига ўхшаб кетарди. У ҳамма ўзига тикилиб қолганини кўриб, баттар туюқди:

— Ҳа?! Улиб кетсам тузукмиди сенларга?! Бекор айтибсанлар! Ҳамманинг ҳам яшагиси келади!!!

Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Лекин ҳамма унга: «Сендекми?! Сендек яшагандан кўра...» дегандай қараб турар эди.

У чидамай бақриб юборди...

Афтидан, у ақлдан озган эди...

1974—1979 йиллар.



Ҳамид Ғулом,  
Владимир Тюриков

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН эдақида достонлар

Бу очерклар ёзувчиларимиз Ҳамид Ғулом ва Владимир Тюриковларнинг Қорақалпоғистон шаҳар ва овулларига, улкан қурилишларига, шунингдек, қўриқоналарига қилган сафарларининг натижаларидир. Улар автоном республикани жанубдан шимолига, Тўрткўлдан Орол соҳилларига кесиб чиқдилар. Эллиқалъа ва Шуманай пахтакорларини, Беруний ва Тахтакўпир механизаторларини, Қизилқум чўпонлари ва Мўйноқ балиқчиларини, Қўнғирот темирйўлчилари ва Аму кемачиларини, Тахياتош бунёдкорлари ва Орол бўйи шоликорларини, Нукус шаҳрини қураётганларни, Устюрт газчиларини бориб кўрдилар... Очерклар Қорақалпоғистоннинг ўтмиши ва бугуни, ўнинчи беш йиллик вазифаларини ошириб бажараётган ажойиб меҳнаткашлари ҳақидадир. Улар «Кўҳна Орол достонлари» номида бир китебда жамланиб, ғафур Ғулом номидаги нашриётда рус тилида босилиб чиқди.

Биз журналхон диққатига шу китобнинг бир неча бобларини ҳавола этмоқдамиз.

## Гулдурсун қалъаси достони

ЗАМОН афсонасидан тушмиш — ўлимни даф қилган, Совет Иттифоқи қаҳрамони Уринбой Абдуллаев билан хайрлашиб, биз қадимий Гулдурсун қалъасини кўришда давом этдик. Қалъа улкан ҳажми, паҳса деворларининг қалин ва баландлиги, умуман тузилишининг ўзига хослиги билан гўл қолдиргудек эди.

У замонларда мана шу каби қалъаларнинг ҳар бири олдидан каттақон каналлар ўтар, атрофлари боғ-роғлар, қишлоқларга ўралган бўларди. Душман таҳдид қилган тақдирда, ана шу қишлоқларнинг аҳолиси қалъага беркинардилар.

Қаранги, бугунги пахта далалари ҳам, колхоз посёлкаси ҳам унинг шундай деворлари остида. Канал ҳам шундай ёнидан оқади. Лекин ҳаёт ўзгарган, қалъанинг ҳам илгариги паноҳкорлик хусусияти қолмаганди.

Машинадан тушиб, қалъа манзараси олдида турарканмиз, кўплаб асрларни хатлаб келган шундай деворларни қурган қадимий усталарнинг маҳоратига тасаннолар айтдик.





Қаҳри кўзгалган душман эса ҳеч кимга омонлик бермапти, қарияларни ҳам, гўдакларни ҳам суриштирмай қирипти. Гулдурсун эса ўз хизмат ҳақи сифатида голибнинг меҳри ва мурувватини қутиб ўтирипти. Ниҳоят уни шаҳзоданинг олдига олиб бориптилар. Уларнинг иккови гўзалликда бир-бирига лойиқ эканлар. Лекин шаҳзоданинг юрагида муҳаббат ўтининг қилт этган учқунини ҳам ёлқинланмапти. Мийиғида кулган экан, юпқа лабларида нафрат белгиси кўринипти. Қизга қараб туриб, яратганининг ишларига, маъраб бир хойнлик шундай гўзал қиёфада юра олишига ҳайрон бўлипти. Унинг жасур юзлари тундлашибди, қошлари чимирилибди, ҳазар билан дебди:

— У з халқининг ўлими эвазига сотиб олинадиган севгини биз тан олмаймиз. Бизга бўлган севгиниз сўниб қолганда аҳволимиз не кечаркин...— Шаҳзода тескари ўгирилипти-ю, Гулдурсунни ота-боболарнинг удуми бўйича қатл қилишни буюрипти.

Гўзал Гулдурсунни асов отларнинг думига боғлаб, қўйиб юборишибди. Отлар ҳар томон чопиб у гўзалнинг танасини бурда-бурда қилиб ташлашипти. Унинг қонлари оққан жойларда тақир пайдо бўлипти. Оппоқ баданлари урилган ерларда барханлар кўтарилибди. Атроф теварак сахрога айланипти-ю, қуруқ мана шу деворларнинг ўзлари қолипти. Гулистон шаҳри эса, Гулдурсун номини олипти...

Афсонани эшитгандан кейин Гулдурсун қалъаси одамнинг кўзига яна бошқача-роқ кўринди. Қарияга ташаккур айтиб йўлимизда давом этдик... Қалъанинг ичида каттагина теп-текис майдон пайдо бўлибди. Афтидан шамоллар, ёғин-сочин, орадан кечган замоннинг ўзи бу жойда қад кўтариб турган иншоотларни емириб-емириб текислаб қўйган. Эҳтимол, орадан яна неча юз йиллар ўтиб Гулдурсуннинг қалъа деворлари ҳам ювилиб йўқ бўлиб кетар ва афсонанинг ўзи қолар.

Биз ана шу фикримизни Тўртқўл район партия комитетининг биринчи секретари Қосим Нуриимбетович Нуриимбетов билан ўртоқлашганимизда, у кулиб туриб шундай жавоб қилди:

— Уҳ-ҳў, ҳали айтганларингизга анча бор. Унғача эса бу деворлар ҳам, бу майдон ҳам одамларга кўп хизмат қилади. Бир қаранглар-а,— у кули билан атрофни кўрсатди,— театр ёки стадион ўрнида фойдаланилса нимаси етмайди.

— Ҳа, рост. Футбол майдонидан ҳам катта бунинг сатҳи.

— Биз ҳам районимиздаги байрамларни мана шу жойда ўтказишга қарор қилдик. Яқингинада ёшларнинг дўстлик байрами шу ерда бўлди. У жуда катта шодиёна билан ўтди.— Шу гапидан кейин Нурумбетов байрам тафсилотларини айтиб берди.

Шу куни бу ерга уч республиканинг — Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон вакиллари йиғилди. Кўҳна Гулдурсун қалъаси шиорлар, байроқлар, панно ва транспарантлардан ниҳоятда гўзал тус олди. Тўртқўлликлар ҳузурига Хоразм ва Тошовуз области вакиллари келишган эди. Ички тарафдан қатор байроқчалар, хилма-хил рангдаги лампочкалар билан безатилган, очиқ эстрадаларида музика уйнаётган майдон жуда хурсанд мезбонни эслатарди.

Ҳа, Гулдурсун ўзининг кўп асрлик тарихида бунчалик катта байрамни кўрмаганди. Тўғри, илгарилари ҳам шаҳар ҳокими биронта сафардан зафар билан қайтганда, ёки ўғил кўрганда, ёки биронта тўй қилганда катта шодиёналар бўлар, оломон йиғиларди. Карнай, сурнайлар чалинарди, чирманда-ю, дўмбираларнинг гижбада-банги чор атрофини ларзага соларди. Дуторларнинг майин овози уларга жўр бўларди. Ясан-тусан йиғитлар аргумоқларини миниб, гижинглатиб, ўзларини кўз-кўз қилардилар. Ой юзли паривашлар уларга зимдан кўз ташлардилар. Уртада юзлаб қўйлар сўйиларди. Хил-хил таомлар пишириларди... Аммо бунчалик гавжумликка ва бунчалик шодиёналикка бари бир етмасди.

Чунки, тўпланган оддий деҳқонларга, бу дунё зўрларининг ғат-ғути унчалик ёқмасди. Бундан ташқари орадан икки-уч кун ўтиб, бу зиёфатларнинг харажатлари солиқ сифатида ўзларидан ундирилишини сезишар ва шундан ҳам юракларига шодлик сиғмасди. Бутун атроф-теварак қишлоқлардан тўда-тўда бўлиб келаётган ҳунарманд ва деҳқонлар кўпроқ мажбуран ҳам олиб келинардилар. Қани, хоннинг тўйига бормай кўрчи, тайинлангандан кейин. Албатта, камбағал бечора қимматбаҳо кийимлар кийган казо-казоларни, қурол-яроғ таққан хоннинг йиғитларини кўриб завқланарди. Ашула, куй, дор ўйин, масхарабозлар, от ўйин, пойга — буларнинг ҳаммаси ҳам унинг учун антиқа нарса эди. Лекин бари бир бояги ташвишлар...

Ҳа, ёшлар байрамидек шодиёнани Гулдурсун кўрмаганди. Унинг атрофида ва ўртасидаги майдонда эрталабдан бери каттакон савдо-сотик бошланганди. Молу-матонинг сон-саногига етиб бўлмасди, рангларининг турли жилвалари кўзни оларди. Бу атласу шойлар, бу гиламу палаклар, бу кийим-кечагу пойфазаллар, бу дўппи-ю, чўгирмалару рўмоллар. Бу идиш-товоқлар, холодильник, чангюгичлар, самоварлар, димлағичлар, дазмоллар сингари электр асбоблари. Буларнинг ҳаммаси кўчма савдо учун мослаштирилган юк машиналаридан харидорларга тавсия этиларди.

Бу ерга келадиган йўллар машинаю автобус, мотоциклу велосипед ва бошқа ҳар хил транспорт воситаларига тўлиб кетганди. Биронта одамнинг қайтиш нияти туғилиб қолса, кетолмай қолиши аниқ эди. Ҳар жой-ҳар жойда ўрнатилган радиокарнайлардан куйлар эшитиларди. Очиқ эстрадаalarda, оддий майдончаларда созандалар, хонандалар хониш қилар, ўйишчилар жавлон урар; курашчилар, гимнастлар, кўзболағичлар, масхарабозлар ҳаммаси ўз ҳунарини намойиш этарди. Қаёққа қарашни билмасди одам. Бир ёқда, ҳар томондан тайёрланаётган мазали таомларнинг ҳиди оламини тутарди. Қандо-

латчилик маҳсуллари, шакли ва тайёрланиш усуллари минг хил нонлар, паловлар... Бехили палов, нухатлик палов, аччиқ палов, ширин палов ва ҳоказо.

Ҳар ер-ҳар ерда тўпланган одамлар ўртасида тирикчилик, ҳосил, оби ҳаво, армияга қақирилган ўғил ҳақида суҳбатлар кетади, баъзан гапга аския ҳам аралашиб қоларди. Кейин ҳамма мавзуну улоқ сиқиб чиқаради. Отлар, улоқчиларнинг имкониятлари ҳақида ҳар ким ўзиникини маъқуллаб, далиллар келтириб талашшарди. Улоқни ҳамма яхши кўради. Бунга сабаб: унда халқимиз ҳурмат қиладиган эпчиллик, отни тайёрлашдаги маҳорат каби хусусиятларнинг намоён бўлишидир.

Ниҳоят, пойгадан кейин ҳамма тоқатсизлик билан кутган улоқ бошланди. Йигитларнинг танишлари, ёру биродарлари бақириб хайрихоҳлик билдирардилар. Бу бақириклар баъзан шундай кучли бўлардики, осмон тарс ёрилиб, майда-майда бўлиб тўкилиб кетадиганга ўхшарди.

Илмий-техник тараққиётнинг ривожланиб, хўжалик соҳаларининг механизациялашиб, транспорт ва электр аппаратларининг турмушга чуқур кириб борганига, замонавий спорт турларининг жуда оммавийлашиб кетганига қарамай Урта Осиё халқлари орасида от ўйинлари, от мусобақалари ҳамон сеvimли бўлиб қолмоқда.

...Аста-секин Гулдурсун устига оқшом, кейин қоронғилик туша бошлади. Юлдузлар мўралаб борган сари ёрқинлашиб боришди. Бирдан қалъа деворларига ўрнатилган прожекторлар ёнди. Майдонда ёшларнинг машъала билан юришлари бошланди. Яна ўйин, кулги. Яна хонанда, созанда, ўйинчи ва шоирларнинг чиқишлари...

Хуллас, Гулдурсун ёнида, йўл бўйидаги чойхонада байрам ҳақида узоқ гаплашдик. Қосим Нуриμβетов қишлоқни яхши биладиган, хўжалик ва партия ишларида анча тажрибали, серғайрат киши. У Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тугатиб келгач, Тўрткўл пахта тозалаш заводида инженер бўлиб ишлади. Кейин Тўрткўл шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Сўнг МТС директорлиги, совхоз директорлиги вазифаларида ишлади. Тўрткўл сўнгра Бегуний район партия комитетининг биринчи секретари бўлди. 1972 йилда у яна Тўрткўлга қайтиб келди, яна район партия комитетининг биринчи секретари. Қосим Нуриμβетов бутун куч-ғайратини бугунги вазифаларни ҳал этишга қаратиш билан бирга, автоном республиканинг жанубига жойлашган ўз районининг келажаги ҳақида ҳам кўп ўйлайди. Тўрткўл Қорақалпоғистоннинг энг йирик пахтачилик райони ҳисобланади. Бу эса, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришни четлаб ўтишга руҳсат бермайди. Чорвачилик ва ипакчилик, сабзавотчилик ва узумчилик, боғдорчилик ва полизчилик буларнинг ҳаммаси ҳам планли равишда ривожлантирилмоқда, район кўп тармоқли хўжаликка айланмоқда. Лекин бари бир, пахтачилик асосий соҳадир. Унинг ҳосилдорлиги йилдан йилга ошиб бормоқда. Район пахта ҳосилдорлиги бўйича республикада илғор ўринлардан бирида туради.

1977 йилда районда 10465 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 42 центнер пахта олинди.

Мақсим Горький номли колхоздан Назарқул Аллашев ва Тўхтажон Ёқубов сингари, «Ленинизм» колхозидан Мамат Омонтурдиев ва Байрам Бобоев, «Намуна» колхозидан Тўхта Алимов ва Турсунбой Йўлдошев, «Коммунизм» колхозидан Умрбек Қаримовларнинг бригадалари эса, ҳосилдорликини ҳар йили гектаридан 55—60 центнерга етказмоқдалар.

Ҳа, Тўрткўл унумдор тупроғи, ажойиб пахтакорлари билан машҳур. Бутун мамлакатимизга таникли, пахтачиликка сидқидилдан меҳр қўйган кишилар ҳам анча. «Намуна» колхозининг раиси, икки марта Ленин ордени кавалери Қаримберди Отажонов, «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норбой Эшмуротов, колхоз ҳаракатининг ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Обиджон Дурдиевларни ҳисоб қилиб келтирса бўлади.

Тўрткўлнинг райком секретари Қосим Нуриμβетов билан расмий ва норасмий ша-роитларда илгари ҳам учрашганмиз. Аммо ҳозир, янгича турмуш ва янгича меҳнат таъсирида қишлоқ аҳли психологиясининг ўзгариб бораётганлиги юзасидан суҳбат қуриб ўтирар эканмиз, беихтиёр, кейинги йилларда бизнинг партия ходимларимиз ҳам ўсиб кетганлигини сездик. Айниқса, улардаги ишчанлик хусусиятларининг органлиги аниқ.

— Бугунги деҳқон, бугунги чўпон, бугунги механизатор,— дерди Қосим Нуриμβетов, гапига монанд аста-аста чайқалиб ва худди хомчўт қилаётгандек қўли билан патнисдаги майизларни биттадан сурар экан,— жуда ўзгариб кетган. Билими ҳам, қилаётган иши ҳам, руҳий олами ҳам ниҳоят, эҳтиёжлари ҳам. Уни йигирманчи йиллар ёки урушдан олдинги йиллар колхозчиси билан эмас, олтмишинчи йиллардагисига солиштирганда ҳам катта фарқ кўрамиз!

Ҳа, бугунги Қорақалпоғистоннинг кўп миллатли қишлоқ меҳнаткашлари жуда ўзгариб кетган. Улар пахта ва шоли майдонларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Республика бўйича ҳосилдорлик ва ялпи ҳосил ҳам айниқса, кейинги икки беш йилликда жуда ошиб кетди. Буларнинг ҳаммасига асосий сабаб, пахтакор ва шликорларнинг суғориш ва ер ишлари учун мураккаб техникага асосланган илмини чуқур эгаллаб олганларидир. Колхозлар, совхозларда пахта етиштиришдан тортиб уни териб, пунктга олиб боришгача тўла механизациялашган бригада ва звенолар жуда кўп. Натижада меҳнат тежаллади, пахтанинг таннархи камаяди.

Бу ютуқларнинг ҳаммаси мамлакатимиз бўйлаб халқ\* ҳўжалигининг умумий ривожланиш таъсири бўлса, иккинчи томондан Қорақалпоғистонда социалистик қурилишнинг, маданиятнинг юксалиши, ўрта таълимнинг ялпи жорий этилганлиги, фан ва санъатнинг тараққий этганлигининг сабабидир.

— Мен, колхозчи ва совхоз ишчиларининг эҳтиёжи олтмишинчи йиллардагидан бутунлай фарқ қилди деб бежиз айтганим йўқ,— деб гапида давом этади Қосим Нуриимбетович.— Масалан қорақалпоқларни олайлик, ахир бутун жаҳон ва миллий маданиятнинг ҳамма кўринишларидан баҳраманд бўлган одам — ота-бобо мерос ўтовга қаноат қилиши мумкинми. Ундаги намат, бўйра, уч-тўрттагина идиш-товоқ, уч-тўртта кўрпа билан чекланиш мумкинми? Албатта, йўқ. Энди унинг каттакон, кўп хонали уйда тургиси келади. Газ, мебель, водопровод, ванна, иситгич системалари, телевизор ва ҳоказо — замонавий цивилизациянинг маҳсулларидан фойдалангиси келади.

— Тўғри,— илова қилдик биз,— механизациялашган, серсамара меҳнат каби маиший турмуш шароити ҳам кишини шакллантиради. Меҳнатга, жамиятга, одамларга бўлган муносабатини ўзгартиради. Бу жараён бутун халқ ҳаётида содир бўлиб, келажак кишини вужудга келтиради. Янги кишининг шаклланиши эса, тезда ёки маълум муддатда бўладиган кампания эмас. Кўп йилларга, кўп ўн йилликларга чўзилиши мумкин бўлган, ҳўжалик ҳамда маданий фаолиятимиз билан чамбарчас боғлиқ бир ҳаракатдир.

— Бизнинг район партия ташкилотимиз ҳам КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб,— дейди суҳбатдошимиз, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш фаолиятларигагина аҳамият бериш билан чекланиб қолмай, маънавий ва маданий эҳтиёжларнинг қондирилишига ҳам диққатини қаратмоқда.

Ҳозирги кунда, бутун Қорақалпоғистонда бўлгани каби Тўрткўлда ҳам турар жой бинолари билан бир замонда мактаб, клуб, касалхона, маиший хизмат уйлари, рўзгор буюмларини тузатувчи устахоналар қуришга катта аҳамият берилмоқда. Савдо ишлари ривожлантирилиб, илгаригидек озик-овқат ва саноат моллари магазинлари билан қаноатланилмай, ярим фабрика, мебель, рўзгор техникасини сотишга ихтисослаштирилган магазинларга ҳам эътибор берилмоқда.

— Биласизми,— гапини давом эттирди Қосим Нуриимбетов, пиёладаги чойдан бир ҳўплар экан, кўзларида кулги учқунланиб.— Гулдурсундаги байрам бировлар учун оддий байрам бўлса, партия ходимлари учун бир кўрик бўлди. Биз бадий ҳаваскорликнинг қай даражада ривожланаётганлигини, одамларимизнинг нима кийиб, нима харида этаётганини, қандай талаблари борлигини ўргандик. Ахир одамни фақат ишдаги муваффақиятларига қараб билиб бўлмайди-да. Уни бўш вақтида, оила аъзолари, дўстлари, борингки, бошлиғи билан мулоқот қилаётганда ҳам кўриш керак.

— Балки сиз ҳозир бизларни ҳам ўрганаётгандирсиз?

Нуриимбетов қошларини бир кўтарди-да, кейин кулиб юборди:

— Бўлмасачи,— деди у,— ҳамиша ва ҳар доим ўрганади киши. Бунингсиз иложи йўқ.

— Хўш, ўшанда байрамда қандай хулосага келдингиз?— сўрадик биз, беражак жавобидан унинг ўзини ҳам, келажакда тутмоқчи бўлган йўлини ҳам билиб олиш мақсадида.

— Таассуротимни билмоқчимисиз?— сўради у бўшаган пиёласини узатар экан.— Таассуротим жуда кўп. Уларни ҳали бир ақл ғалвиридан ўтказиш лозим. Ана ундан кейин хулоса чиқарса бўлади. Аммо баъзи бир мулоҳазаларимни айтсам бўлади. Мана масалан, кўп хотин-қизларнинг кўйлак ва пальтога мос матолар сотиб олганини кўрдим. Хўш, улар қаерда тиктиришади? Тўрткўлда. Тўрткўл ательеси эса бутун районга хизмат қилиб улгуролмапти. Улгурганда ҳам битта кўйлак тиктираман деб, одамлар ўнлаб километр йўл босадими? Яна келиб ўлчатиб кўришлари бор. Демак, қишлоқларнинг ўзида тикувчилик устахоналари очиш керак. Энди... маиший хизмат уйини қурдик ҳам дейлик. Лекин буларда ишлаш учун тикувчи, сартарош, телевизор устаси каби ўнлаб касбларни қаердан оламиз? Бу касбларсиз ҳозир қишлоқда қийин бўлиб қолди. Механизаторларнинг ўрнини босишни ўйлаймиз, йигит-қизларни ўқишга юборамиз. Лекин маиший хизмат касблари бўйича ўқитишни ўйламаймиз...

Кеча кетаётсам битта машҳур бригадиримиз районга қараб ҳайдаб бораёпти, «Жигули»сини. Ҳа, десам. Телевизорни тузатгани олиб кетаяпман, дейди. Кўрдингизми? Ишларини ташлаб, неча километрга овора бўлиб юрипти. Бир куни телевизорда қайсидир колхознинг бадий-ҳаваскорлик ансамбли концертини кўрдим. Ичида битта ўн яшарлик қизалоқ ҳам якка овозда ашула айтди. Жуда яхши айтди. Тарбияласа эҳтимол катта талант чиқар. Қанчадан-қанча ота-оналар боласини музикачиликка ўқитаман деб юрибди. Хўш, қаерда ўқитамиз? Шуларни ўйладим.

Қосим Нуриимбетовичнинг гапларини тинглаб эканмиз, унинг нақадар ўсганини сезиб ўтирардик. Илгари учрашганларимизда унинг ҳамма гаплари пахта, ўғит, механизатор кадрлар, ҳар йили чатоқ келадиган оби ҳаво ҳақида бўларди. Ҳозир эса, уни юқоридаги масалалар билан бир қаторда қишлоқ турмушини тубдан ўзгартириш фикрлари, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқотиш масалалари безовта қиларди.

Сибирь сувларининг бир қисмини Амударёга келтириш ишлари ҳам чамаси бўладиган иш бўлиб қолди. Шунда районнинг пахта ерлари янада кенгайди. Бунинг учун

қанча одам керак бўлади. Улар мана шу ерда югуриб юрган қизалоқ ва болакайлардан чиқади-да. Улғайганларидан сўнг, катта шаҳарларга кетиб қолмасликлари учун уларга мос шароит яратиб бериш керак. Қосим Нуримбетов эртанги кунни уйлаганда ана шуларни назарда тутарди.

## Элликқалъа Достони

**Т**ОНГ саҳарда Тўрткўлдан Берунийга қараб машинада йўлга тушдик. Энди мўра-лаётган кўёш нурлари булутларни оч пушти рангга бўяр, булутлар эса бу рангларини осмонга узатаётгандек бўларди. Бундан чорак соатча бурун савалаб ўтган баҳорги ёмғир атрофни ғубордан холис қилган, киши нафас олса баҳри дили яйрарди. Айниқса, куртаклари очила бошлаган боғларнинг бўйи димоғни хуш ёқувчи қитиқларди. Бу ерларга одатий бўлган зериктирувчи шамол ҳам эсмасди.

Дарахтдан дарахтга, ундан эса электр симларига учиб кўниб юрган чумчуқлар, қалдирғочлар бу гўзалликни кузатиш, туғилиб келаётган янги кунни табриклаш учун қулай жой қидираётганга ўхшардилар.

Мана шунақа, ҳали кўёш қиздирмаган, чўлдан гармсел уфурмаган пайтда хаёлларинг енгил кўчади. Зарур ишлар ҳақида уйлагинг ҳам, ҳеч ким билан гаплашгинг ҳам келмайди. Табиат сени мафтун қилиб, ўзига эргаштиради. Турмуш икир-чикирлари тепангдаги тиниқ осмон, чуғурлаётган қушлар, атрофингдаги ям-яшил далалар, хуллас, бундан минг йил аввал турган ва яна минг йил кейин ҳам турадиган нарсалардан чалғитмайпатимикан, деган хаёллар келади бошингга. Осмон акс этаётган каналга, кун рутубатлари хиралаштириб улгурмаган уфққа чексиз қараб ўтиравергинг келади.

Ҳамроҳларимизнинг қайси биридандир чиққан бу фикр бизни хаёллардан одамларнинг кундалик қилаётган ишларига, мақсадларига қайтарди. Гап одам ва табиат, уларнинг бир-бирларига алоқалари, таъсирлари ҳақида кетди.

Ҳа, инсон баъзан билиб, билмасдан табиатни ўзгартиради. Ҳозир бораётган Қорақалпоғистоннинг янги очилган Элликқалъа районида биз бу ўзгартиришларнинг хайрли томонини кўришимиз керак эди. Ҳар ҳолда, бизга ҳамроҳ бўлган район партия комитетининг биринчи секретари Алимбой Примов шундай деган эди.

Элликқалъа районининг очилганига бир ярим йил бўлган. Унга Тўрткўл, Беруний районларининг асосан янги ўзлаштирилаётган маълум қисмлари ўтган. Янги ўзлаштирилаётган деганимиз нисбийдир, чунки булар қадимда деҳқончилик қилинган кўҳна Хоразм ерларидир. Тарихи ва тақдири ўрناق, инсоният тараққиётида ўзига хос ўрни бўлган ерлардир. Шумер, Бобил, Миср сингари маданиятларнинг бешиги ҳисобланувчи қадимий мамлакатларнинг тарихи, уларнинг юксалиш ва, таназзулга тушиш омиллари олимларнинг кўп йиллик изланишлари туфайли бутун жаҳонга маълумдир. Лекин шу давлатлар билан тенгдош бўлган Хоразм, унинг тупроғига жойлашган Элликқалъа тақдири уларнинг биронтасига ўхшамайди. Ҳа, кўҳна замондаги ватандошларимизнинг қаҳрамонлик ва фожияларга тўла табиат билан курашлари намунасини жаҳоннинг бошқа нуқталарида топилиши амри маҳол. Хоразмнинг тарихи ҳақида гапириб ўтирмай, ўқувчига машҳур олимларимиз С. П. Толстов ва Я. Ф. Фуломовларнинг улкан изланиш ва археологик қазилмаларининг меvasи бўлмиш асарларини тавсия қилиб қўя қоламиз. Уларда Хоразмнинг ўтмиши хусусида тўлиқ маълумот олиш мумкин.

Биз фақат бир нарсани таъкидлаб ўтишни жоиз деб билардик: бу ерларда, ҳар қадамда қадимги маданиятнинг осори атиқалари учрайди. Шаҳарлар, қишлоқлар, сув йўллари системаси барханлар остида кўмилиб ётибди. Одамлар сув келтириб, саҳро, яъни ўлим билан ўз тирикликлари ўртасида чегара ясаганлар.

Элликқалъанинг замон чанглари остида қолиб кетган қалъалари ўрнида ҳозир ҳаёт қайнамоқда. Уша давр одамларининг авлодлари бўлмиш совет кишилари бу ердаги ҳаётни тиклашга жазм қилиб, ниятларини амалга оширдилар. Шуни айтиб ўтиш керакки, одамзотнинг асрлар оша бу ерга яна қайтиб келиши ҳам биринчи марта бўлаётгани йўқ. Археологик қазилмалар Элликқалъага ҳаётнинг бир неча марта келиб яна чекинганини кўрсатади.

Тўрткўл — Нукус автострадасидан ўнг тарафга, янги пахтачилик райони бўлмиш Элликқалъага йўл ажралади. Йўл ҳали асфальтланмай шағаллига турибди. Шу йўлдан кетар эканмиз, Алимбой Примов бу жойларнинг қайтадан ўзлаштирилиши қандай бошланганлиги ҳақида гапириб борарди.

Авалло ўзлаштириш кўчма бригадалар томонидан амалга оширила бошланди. Бундай бригадалар қолхоз ва совхозларнинг қошида тузилиб, кўпинча ташаббускор ва пахта ишини жоң дилдан севган одамлар кирарди унга. Шундай бригадалардан бирига ҳозирда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, янги очилган «КПСС XXV съезди» совхозининг бўлим бошқарувчиси Норбой Рўзимбетов бошчилик қиларди. Қадимда сугори-либ ташландиқ ҳолида кум остида қолган ерларга кўчиб ўтиш ҳақида биринчи бўлиб оғиз очган одам ҳам шу киши эди. Мажлисларда ҳам, дўстлари билан бир пиёла чой ичиб ўтирганда ҳам, ёшлар билан учрашув ўтказган чоғларида ҳам шу мазмунда га-

пириб ҳамюртларини даъват этаверди. Хуллас бу ерларга озгина меҳр қўйган одам саодатли бўлиши мумкинлигига ҳамқишлоқларини ишонтирди.

Одамлар ўрганиб қолган жойларини ташлаб кўчиб келдилар ва саҳро билан, қум билан кураш бошладилар. Қум қатламларидан соз тупроқни тозаладилар, текисладилар, ариқлар қавладилар. Шўрларни ювиб, экин экдилар. Йигирма беш — ўттиз центнерлик биринчи ҳосил бу ерларнинг деҳқончилик учун яроқлик эканлигини кўрсатди.

Биз бораётган йўл бир кўҳна қальани, худди кўз-кўз қилмоқчидек атайлаб айланиб ўтарди. Қальанинг бурж, минора ва деворлари булутли осмон қўйнига санчилаётгандек турар ва афсонага ўхшарди. Тасаввур парвози эса бу манзараларни тўлдириб, деворларга қуббалар ўрнатар, бурж туйнуқларининг замон оқими емирмаган пайтларини тиклар ва гўёки сизга синчковлик билан жиддий тикилиб турган жангчи қиёфасига соларди. Девор остидаги чуқурликларни сув тўлдирилган текис хандақлар ҳолига келтирарди. Нураган жойлар бирлашиб камон ўқининг учи шаклида арқлар пайдо қилар, темир қопланган, мисдан қуббалари, парча-парча зирхлари бўлган дарвозаларни ўрнатарди. Дарвоза қаршисига эса кўтарма кўприк ҳам тўғрилаб қўярди.

Дарвозанинг минорасига чиққан одам кўприкдан ўтадиган йўлни ва умуман чор атрофни узоқ-узоққача қафдагидек кўриб турарди. Чунки миноралар анча олдинга суриб қурилган бўлиб, командирнинг буйруғи билан сафдан олдинроққа чиқиб турган аскарга ўхшарди. Қадимги меъморларнинг қалъа деворларини бу тартибда қурганларига сабаб, душман аскарларини буронғор ва суронғордан туриб, ўраб отишни мўлжаллаганликлари аниқ эди.

Машинамиз Эллиққалъа посёлкасига кириб келди. Илгари бу посёлка совхознинг шу номдаги оддий бир дала шийони бўлган. Ҳозир район маркази, Унга бир қарашнинг ўзиёқ янги марказ эканлигини англатади. Чўнки, у бошдан оёғигача яхлит бир қурилиш майдончасидир. Унда уй-жой бинолари, мактаб, клуб, касалхона, йўл, суғориш шохобчалари қурилмоқда. Тайёр бўлган йўлларнинг четларига шу заҳотиёқ кўчатлар экилмоқда, траншеяларга коммуникация трубалари ётқизилмоқда. Мана шундай янги кўчаларнинг бирида бир турух ўқувчилар кўчат ўтқазишяпти, қурилиш чиқиндиларини бир чеккага тўплашяпти.

— Бугун болалар шанбалик қилишган, — тушунтирди бизларга биринчи секретарь. — Ёрдам беришяпти. Улар мана шу бир кунлик ишлари билан катталарнинг юқини анча енгил қилишади, қанча киши керакли ишлар учун бўшайди. Бизда ҳали ишчи кучи етишмайди-да. Районимизнинг жама аҳолиси 56 минг холос. Катталар нуқул қурилиш ва ер ўзлаштириш билан банд.

Ҳа, Эллиққалъа ҳозирча экин майдони жиҳатидан ҳам, ободончилиги жиҳатидан ҳам Тўрткўл сингари Қорақалпоғистоннинг бошқа районлари билан сира тенглашолмайди. Лекин Эллиққалъанинг келажаги бор. Унинг ҳозирча шаҳар деган номи ҳам йўқ. Бироқ, биз совет кишилари шаҳар қуришнинг хўп ҳавосини олвоганимиз. Шунинг учун беш-ун йил ичида мана шу ерда кўп қаватли бинолари, кенг кўчалари боғ ва кинотеатрлари бўлган замонавий шаҳар қад кўтаришига шубҳа қилмасдик. Ҳозирча посёлканинг шундоққина ёқаларида вагончалар турибди. Уларда электр ва телефон линияларини ўрнатиш, газ ўтказиш, йўл қуриш, каналлар очиш ва лотоклар ўрнатишга келган қурувчи, монтажчи, йўл ишчилари ва механизаторлар туришарди.

Район марказида узоқ тўхтамасдан саҳрони ўзлаштираётганлар ҳузурига ошиқдик. Унинг қандай чекинаётганлиги, барханларнинг қандай йўқотилаётганлиги қизиқ эди.

Йўл канал бўйлаб кетар, каналнинг иккала тарафида эса пахта далалари бўй чўзиб ётарди. Енма-ён кетаётган канал билан йўл — бевосита артерияларга эсга солади. Саҳродаги ҳамма тирик нарса сув билан йўлга қапишиб жойлашган. Чўлни ўзлаштириш ҳам сув билан йўлдан бошланади. Янги ташқил бўлган совхоз дала шийонлари ҳам, улар олдидаги ёшига етиб етмаган кўчатлари ҳам ана шу икковининг бўйида эди.

Олисда, пахта далаларининг ортида юк кўтаргич кран ва экскаваторларнинг учлари кўринар, бульдозер ва скреперларнинг гуриллашлари эшитиларди. Биз ўша ёққа олиб борувчи, «дазмолланиб» ташланган дала йўлига бурилдик. Шу заҳотиёқ кўз ўнгимизда Мирзачўлда ҳам, Тўрткўл районида ҳам кўрган ва анча таниш манзара намоеён бўлди. Чеккаларига бетон плита ётқизилиб, сув тақсимлагичлар ўрнатилган каналлар, янги совхозларнинг қурила бошлаган шийонлари, биринчи келганларнинг қапа ва вагончалари, каналлар ва коллекторлар очувчи биринчи экскаваторлар, ҳаммаси таниш эди. Фикримизни Примовга айтганимизда, у унчалик қўшилмади.

(Давоми бор)



Носир Фозилов

# КЕНГЛИК

ВОҶЕИЙ ҲИКОЯ

**Қ**ИШНИНГ булутли кунларида ним қоронғи бўлиб турадиган нашриётнинг коридорлари баҳор келиб, ҳаво юришиб кетгач, анча ёруғ тортган эди. Нашриёт ходимлари эрталаб ишга шўнғишадигач, соат ўн бирлар чамасида бири чекиш, бири оёқ чигилини ёзиш учун коридорга чиқади, баъзилари қора дерматин қопланган кўҳна диванда ўтириб, бирпас чақчақлашишади. Ёши бир ерга бориб қолган, нашриётнинг катта редактори Баҳодир ака эса бу диванни ўзиники қилиб олган. Ишдан толиқди дегунча коридорга чиқади-ю, диванга ўтириб, устарада тақир қирдирилган бошини эганча узоқ хаёл суради, кейин уҳ тортиб, ўрнидан базўр туради-да, хонасига кириб кетади. Бу ҳол ҳар кун кун такрорланади. Нашриёт ходимлари унинг бу одатига кўникиб кетишган.

Баҳодир ака кеча ишдан қайтатуриб Абайнинг танланган асарларини харид қилди. Уйига бориб бир оз дам олгач, овқатдан сўнг диванга чўзилиб ўғли почтадан олиб кирган газеталарни кўздан кечирди. Сўнг бояғица харид қилган китобни қўлига олди. У бежиримгина кўк муқовали китобчани варақлаб ўтириб, унинг ўртароғидаги бир шеърга кўзи тушди. Бир ўқиб чиқди, сўнг яна ўқиди. Негадир мияси зирқираб кетди.

«Кучук асраб ит этдим,  
У болдиримдан қолди!..»

У «М-мм» деди-ю, ёнбошидаги ёстиққа ўзини ташлади. Кўз олдига беихтиёр Ойбек домла келди: унинг тўзғиган сочлари эски дўпписи тагига сиғмай турар, ҳорғин, тим қора катта-катта кўзларида минг бор. Гўё Баҳодир аканинг тепасига келиб: «Кучук асраб ит этдим...» деб тургандай бўлаверди.

Баҳодир ака ҳам бир маҳаллар ҳикоялар ёзган, кейинчалик илмга ўтиб кетган, диссертация ёқлаш учун ҳаракат қила бошлаганди. Ёш эмасми, наздида ундан билафон, ундан зўр одам йўқдай кўринди.

Сўнг осилсанг — баланд дорга осил, қабилида иш тутиб, Ойбек домланинг «Навоий» романини диссертациясига мавзу қилиб танлади. Замонанинг зайлиданми, ё ўзининг майлиданми, ё эса «Машҳури жаҳон бўлай десанг, бузрукларни ур!» қабилида иш тутдими, газетада романи «танқид» қилиб чиқди. Эмишки, роман қаҳрамони Тўғонбек отда туриб қимиз сипқарганмиш. «Сипқарди» деган сўз қардош халқ вакили учун ҳақорат! Шу гапни айтиш учун — бир ярим подвал мақола!..

Лекин, кейин Баҳодир аканинг омади кетди, одамларнинг кўзига негадир қараёлмайдиган бўлиб қолди. Назарида одамлар унга қўлини бигиз қилиб: «Ана шу тош отди» деяётгандай бўларди. Кейин Баҳодир ака уч-тўрт жойга ишга кириб, охири нашриётга келиб тўхтади. Бу ерда ҳам унинг жойи қора дерматин қопланган кўҳна диван бўлиб қолди...

Энди у ўзидан омад кетганига ўша мақолани сабаб деб билар, Ойбек ака уни кечирса — ардоқласа, ишлари қайтадан юришиб кетадигандай бўларди.

Энг ёмони — диссертацияси ёқланмай, танқидга учради: илм — енгилтаклик, юзакилик ва арзон шуҳрат ортидан қувишни кўтармас экан...

Еш редакторлардан Аъзамжон билан Қудратиллалар ҳам бирпас дам олиш учун йўлакка чиқишди. Кўҳна диванда ҳар галгидай Баҳодир ака ўйчан ўтирар эди. Аъзамжон сигарет чеккани дераза томонга ўтди. Қудратилла Баҳодир аканинг ёнига бориб ўтирди.

— Ҳорманг, ўтирибсизми, ака,— деди у ҳол сўраган бўлиб.

— Ҳа, ўтирибман, ука,— деди у ғалати бир оҳангда.— Сиздан илтимос, Ғайратий домла келиб қолсалар менга айтсангиз. У кишида гапим бор эди.

— Майли, агар келсалар...

— Илтимос.

Баҳодир ака шундай деди-да, ўрнидан туриб хонасига кириб кетди. Қудратилла ҳайрон бўлиб елкасини учирди. Аъзамжон сигаретини босиб-босиб чекиб, қолдиғини корзинкага ташлади-да, келиб Қудратилланинг ёнига ўтирди.

— Мен шу одамни тушунмадим-тушунмадим-да.

Қудратилла унинг гапига жавоб бергиси келмади, ўрнидан аста туриб, дераза олдига борди.

— Қара, дўстим, дарахтларнинг барги сичқон қулоқ бўлиб қолибди. Биз эса диққинафас хонада димиқиб корректура ўқиб ўтирибмиз.

— Увол, дўстим. Увол бу ўтиришимиз...— деб қўйди Қудратилла унинг гапини қўллаган бўлиб.— Айниқса, сизга увол, дўстим. Шоир одамсиз. Гуллар, лолалар, қишлик либосини ташдаган қизлар...

— Сизга увол эмас...— деди Аъзамжон мийиғида кулиб.— Шу маҳал коридорда қўлида ҳасса, оқсоқланиб, зўрға нафас олиб келаётган домла Ғайратийга кўзи тушиб қолди.— Э, мана домланинг ўзлари ҳам келиб қолдилар... Ассалому алайкум, домла. Бардамгина бормисиз?

— Шукур...— Ғайратий домла ҳассасига суяниб, аста диванга ўтирди.— Уҳ-ҳ. Учинчи қаватга чиққунимча нафасим оғзимга текилиб қолди... Қалай, тинч-омон юрибсанларми?

— Раҳмат, домла,— деди Қудратилла.— Баҳодир ака Хизирни йўқласалар бўларкан. Ҳозир сизни сўраб турувдилар-а.

Ғайратий домла «нима иши бор экан?», дегандай Қудратиллага бир қараб қўйди-ю, ижикилаб ўтирмади.

— Бошлиқлар борми?— деб сўради у кулиб.— Бир шартномага қўл қўйишим керак эди. Эрталаб уйдан чиқиб нашриётга етиб келгунимча бошлиқлар тушликка кетиб қолган бўлади.



— Бир оз кутсангиз келиб қолишар, домла.

— Ана, айтмадимми?— деб кулди домла.— Энди уларни кутаман десам уйга етолмайман.

Домланинг бу гапига Аъзамжон билан Қудратилла мириқиб кулишди.

— Унда, ярим кечаси йўлга чиқсангиз ўз вақтида етиб келасиз, домла,— деди Аъзамжон ҳазил қилиб.

— Энди шундай қиламан шекилли...— Файратий домла ҳам қорнини силкитиб кулди.— Мулла Баҳодирнинг менда нима иши бор экан?

— Ҳа, айтгандай, мен чақирай у кишини.

Қудратилла Баҳодир аканинг хонасига кириб, уни бошлаб чиқди. Баҳодир ака гавдасига ярашмаган бир тарзда қаддини букиб домланинг қўлини олди.

— Ассалому алайкум. Саломатмисиз, домла. Тинч-омон юриб-сизми?

— Шукур...

Баҳодир ака жовдираб Қудратилла билан Аъзамжонга қаради. Йигитлар унинг муҳим гапи бор шекилли деб ўйлаб, домладан рухсат сўраб кетишди.

— Утиринг,— деди домла Баҳодир акага.

Баҳодир ака домланинг ёнига оғир чўкди. Файратий домла унга саволомуз қаради.

— Энди домла, ўзингизнинг хабарингиз бор...— Баҳодир ака бундан етти йил аввал Ойбек домланинг романини «танқид қилгани»ни, шундан бери иши юришмай, одамларнинг кўзига балодек кўриниб қолганию, ўзининг қийналиб кетганини батафсил гапириб берди. Файратий домла унинг гапларини тинглар экан, асаблари таранглашиб бораётганини ҳис этар, бироқ қаттиқ гап айтиб юборишдан ўзини аранг тийиб ўтирар эди. Бир маҳал коридордан Аъзамжон зипиллаб ўтиб қолди. Домла Баҳодир аканинг гапини бўлиб, Аъзамжонга мурожаат қилди:

— Аъзамжон ука, битта чекишингдан бер.

— Марҳамат, домла,— у дарҳол чўнтагидан сигарет чиқариб домлага узатди-да, тугурт чақди. Домла сигаретни тутатиб, ютоқиб ичига тортди.

— Раҳмат, Аъзамжон.

Аъзамжон бу гапни рухсат деб тушуниб, йўлига кетди. Домла бўлса сигаретини мириқиб торгаркан, Баҳодир аканинг гапларига жавоб беришга шошилмас эди. У Баҳодир акага қаради.

— Бу гаплардан хабарим бор.

— Энди...— деди Баҳодир ака журъатсизгина...— Домлажон, пичоқ бориб суякка тақалди... Ҳар ҳолда Ойбек домла ўртоғингиз... Мени олдиларига олиб борсангиз...

Файратий домла узоқ вақтгача бу гапга жавоб беролмай ўтирди. Баҳодир ака бу сукунатни «олиб боришни истамаяпти» деб тушуниб, ялинганнамо:

— Йўқ деманг, илтимос, домла,— деди.

Файратий домланинг раҳми келиб кетди.

— Ука, олиб бор десангиз олиб боравераман-у...— деди у.— Ойбек бир паришонхотир одам. Ҳатто у сизни танимаслиги ҳам мумкин. Бориб бу гапларни айтсак... эски ярасига туз селиб қўймасмикинмиз? Шундай ниятингиз бор экан, яхшиси, ўша ўзингиз ваъз айтган газета орқали кўпчиликдан узр сўрасангиз, қандай бўларкин? Менимча, шундай қилсангиз тузук бўлар.

— Бу мен учун жуда оғир...

— Ушанда, танқид қилганингизда енгил бўлганми?

— Замон шунақа эди-да...— Баҳодир ака бесаранжомлик билан Ғайратий домланинг кўзларига мўлтираб қаради.— У вақтда, тўғри-си, тушунмаганман. Биласизми... Мен... кейинчалик у фикрларимнинг нотўғрилигини англаб етганман. Кейин диссертацияни қайта ишладим. Домланинг хабарлари бор бундан.

Сигарет тутуниданми ё қандайдир ўкинчданми, Ғайратий домла надоматли бош чайқаб:

— Билмадим! Билмадим...— деди.

Орага оғир сукунат чўқди.

Домланинг жаҳли чиқди, пешанаси тиришиб, унга тик қаради:

— Замон-замон дейсиз,— деди у товушини бир баҳя кўтариб,— замонга нима бўлибди? Замонни гул-гул яшнатадиган ҳам, бадном қиладиган ҳам сиз билан бизга ўхшаган одамлар. Нима, сиз Ойбекни танқид қилмаганингизда замонга бир нима бўлармиди?

Баҳодир ака чурқ этмади. Ғайратий домла диваннинг пружиналарини ғичирлатиб ўрнидан тураётганида ҳам бошини эганича ўтираверди. «Энди Ғайратий домладан умид йўқ. Ўзим бориб, Ойбек домладан узр сўрайман. Домла кечирсалар, бошқалар ҳам кечирар...».

\* \* \*

У эрталаб Ойбек домланикига йўл олди.

Бугун кун кечагидан чароғонроқ: осмон артилган шишадек тиниқ. Атрофда ҳаёт қайнайди: одамлар ишга шошилишади. Трамвай, троллейбуслар тирбанд. Эрта баҳорнинг муаттар бўйи кишини маст қилгудек тароватли. Баҳодир ака буларнинг ҳаммасидан бебаҳра: ё пайқамайди, ё юрагига сиғмайди. Бир маҳал у трамвай ғилдиракларининг чинқиригидан ўзига келиб бундай қараса, трамвай ишчилар шаҳарчасига — охири бекатга етиб қайрилаётган экан. Трамвай тўхтагач, одамлар туша бошлади. Баҳодир ака ҳам тушиб, нарироққа бориб тўхтаб қолди.

Куёш терак бўйи кўтарилганда у Кисловодская кўчасидаги қўш табақали кўк дарвоза олдида турарди.

Ойбек домланинг ҳовлиси!

У дарвоза кесакисидаги қўнғиздеккина қўнғироқ тугмачасига тикилиб қолди. «Боссаммикин, ё?...» У қўлини тугмачага олиб борди-ю, шу заҳотиёқ шашт билан тортиб олди. Унинг қўллари титрар эди.

Қулоғининг тагида Ғайратий домланинг гапи жаранглаб кетгандай бўлди. «Ярасига туз сепиб қўймасмикинсиз?» Баҳодир ака қўнғироқ тугмачасини босишга журъат қилолмади. Энди қайтмоқчи бўлиб турганида ичкаридан қорачадан келган, ўрта бўйли, қуюқ қора жингалак сочли йигитча портфель кўтариб чиқиб қолди.

— Ассалом алайкум, келинг...

— Алайкум ассалом...— деди Баҳодир ака шошиб.— Домла бор-милар?

— Борлар, марҳамат...— йигит шундай деб орқасига қайрилди-да, дарвозанинг бир қанотини очиб:— Ада-а,— деб чақирди.

Баҳодир ака нима қиларини билмай, гарангсиб қолди. Ичкаридан Ойбек домла чиқиб келди. Дўпписи тагидан сочлари тошиб чиқиб кетай деб турибди. Эғнида йўл-йўл оқ кўйлак, кўйлак сиртидан ихчамгина нимча, нимчанинг олди тугмалари солинмаган, кулранг шарвар, оёғида энгил шиппак.

Ҳалиги қорачадан келган йигит: «Сизни сўраяптилар», деди-да, ишга кетаётган экан шекилли, жўнаворди.

Ойбек домла юзларида табассум билан Баҳодир акага қўл бериб

саломлашди, сўнг гўё бу кишини кўпдан кутаётгандай тутилиб, ҳаяжонланиб:

— Келдйизми? Кемийсиз... Бизниқига,— деди. Кейин меҳмоннинг жавобини ҳам кутиб ўтирмай, мулозамат қилди.— Юр-ринг...

Ойбек домла олдинга тушди. Баҳодир ака гаранг бир аҳволда домланинг кетидан эргашди. Унинг юраги зарб билан урар, аъзойи бадани ҳаяжондан титрар эди. Улар ҳовли ўртасидан ўтиб, кунгай томондаги хоналардан бирига кириб, дераза олдига қўйилган доира стол атрофига ўтиришгач, Баҳодир ака сал ўзига келиб, хона ичига разм солди: рўпарада диван, устига кўрпача тўшалган, бош томонида иккита ёстиқ, ёстиқ устида қандайдир бир китоб очиқ ҳолда тўнкариғлик. Кўрпача устида қизил папка, унинг ёнида бир даста қўлёзма. Домла ўқиётган қўлёзмасини қўйиб, унинг олдига чиққани шундоққина билиниб турибди. Очиқ турган эшикдан нариги хонадаги шифтгача тақалган китоб жавони, ундаги тирбанд китоблар кўзга ташланар эди.

Домла ўрнидан туриб даҳлизга чиқдию:

— Чой!...— деди, сўнг келиб жойига ўтирди.— Так... Юрибсизми?— у оддий сўзларни ҳам куч билан, тутилиб айтар эди.

— Раҳмат, домла...

Шундан кейин гап узилиб қолди. Бир оз ўтгач, Зарифа опа гуллик гардин чойнакда чой кўтариб кирди, стол устига қанд-қурс, нон, сарёр қўйди. Чой қўйиб аввал Ойбек домлага, сўнг Баҳодир акага узатиб, мулозамат қилди:

— Қани, дастурхонга қаранг.

— Ҳа-а, оли-инг, енг!— деди Ойбек домла ҳам.

Баҳодир ака чойдан бир-икки ҳўплаган бўлди-ю, бошини қўйи эггачича индамай ўтираверди. Бу орада Зарифа опа уларни холи қолдириб, эшикка ҳам чиқиб кирди. Аммо аҳвол ўзгармади. Шундан кейин Зарифа опанинг ўзи гап очишга мажбур бўлди.

— Келинг... Домлангизда бирор ишингиз бормиди?

Баҳодир ака қўлларини бир-бирига ишқаб; зўрға гап бошлади:

— Ойбек домла... Мен ўша...

У тутила-тутила бор гапни айтди. Айтганда ҳам гуноҳкорлигини бўйнига олиб, кечирилмас хато қилганидан пушаймон бўлиб айтди. Сўнг вазиятни билиш учунми ё «бор гап шу» дегандайми, бошини кўтарди. Ойбек домла нима учундир столни асабий чертар, Зарифа опанинг бўлса аслида билинар-билинмас титраб турадиган қўллари деярли қалтирар, меҳмон яна бир гап айтса портлаб кетгудай аҳволда ўтирар эди. Охири:

— Шунча гаплардан кейин домлангизнинг олдига қайси юз билан келдингиз?!— деди у пешонасини тўриштириб.

Ойбек домла ўзига ярашмаган бир ҳаракат билан ўрнидан сапчиб турди:

— Э... э... йўқ. Э... қўй!

Зарифа опа индамай ҳовлига чиқиб кетди. Яна оғир сукунат бошланди. Ойбек домла ҳамон столни асабий чертар, Баҳодир ака гўё суд ҳукмини кутаётган жинояткордек бошини қўйи эгганча миқ этмай ўтирарди. Бирдан кутилмаган ҳодиса юз берди: Ойбек домла шартга ўрнидан туриб, Баҳодир аканинг билагидан ушлади.

— Юринг!..

Домланинг қўли ногирон бўлгани билан миқти экан, бармоқлари билан унинг қўлини шундай сиқдики, Баҳодир аканинг эсхонаси чиқиб кетди. Домла Баҳодир акани шиддат билан ҳовлига етаклаб, деярли судраб чиқар экан, унинг хаёлида фақат битта фикр ҳукмрон эди: «Тамом! Ҳозир мени эшикка олиб чиқиб, орқамга бир тепади-ю, шу билан адоён тамом бўламан».

Домла уни ҳовли бурчагига олиб борди. У ерда бир кийик боласи шафтолининг пастаккина шохига бўйинни ишқар, ундан нарироқда эса иккита каклик кикир-кикир қилиб, бир-бирига эркаланиб, суйкалишар эди.

Ойбек домла уларга ишора қилиб:

— Ана! Иноқ, иноқ!— деди. Кейин Ойбек домла уни ташқарига қандай бошлаб чиққан бўлса шу кўйда уйга бошлаб кириб, бояги жойига ўтқазди.

— Ё-ёқладизми?

— Йўқ, домла,— деди у қўлларини қовуштириб.— Хабарингиз бор, диссертацияни қайта ишлаб чиққанман.

— Б-бор, бор!— деди Ойбек домла унга «давом этаверинг» дегандек тик қараб.

— Лекин, домла, ишим... юришмаяпти.

— Нага?— деб сўради домла.

Баҳодир ака бошини қуйи эгди.

— Рухсат беришмаяпти.

— Қим?

— Академиядагилар.

Ойбек домла безовта бўлиб, ўрнидан турди. Бир оз «да-а!» деб у ёқдан-бу ёққа юрди-да, ичкари хонага кириб кетди. Орадан сал ўтгач, қўлида бир варақ қоғоз билан чиқиб келди.

— Манг, беринг...

Бу қанақа қоғоз? Қимга беради? Нима учун беради?

Баҳодир ака қоғозни аста қўлига олиб, кўз югуртирди. Домланинг хати. Қийналиб ёзгани ҳарфларнинг қинғир-қийшиқлигидан шундоққина билиниб турарди:

*«Тил ва адабиёт институтининг директорига!*

*Ушбунни элтувчи Баҳодир Умаровнинг диссертациясидан хабарим бор. Анча меҳнат қилган. Кам-кўстларига ёрдам беришга тайёрман. Тезроқ ёқлаб олишига кўмаклашишингизни илтимос қиламан.*

*Камоли эҳтиром ила Ойбек!».*

Баҳодир аканинг қўллари ҳаяжондан титрар, гўё қоғоз унинг қўлларини куйдириб юбораётгандай бир чеккасидан авайлаб ушлаб турар, нима дейишни билмас, тилига тузукроқ сўз келмас эди. У бошини эгиб миннатдорчилик билдирган бўлди. Ойбек домла уни хурсанд қилганидан мамнун бир қиёфада турар, унинг бу ҳолати Баҳодир акага ҳам кўчган эди. У шу тасалли билан уйда сирғалиб чиқди. Ойбек домла уни ўз одатига кўра дарвозахонагача кузатиб қўйди.

Баҳодир ака оғир дарддан халос бўлган одамдай қадамлари енгил тортган, кўнглига қандайдир нур инган эди. Бир кўча айлангач, нима учундир дийдаси бўшаб кетди. Етти йилдан бери қийналиб, иши юришмай, ҳар кимдан дакки эшитиб ҳам кўзига нам келмаган одам ҳозир ҳалқумига нимадир тиқилиб аламданми, қувончданми, ич-ичидан ўкирик келиб, ҳиқ-ҳиқ йиғлаб борарди. Кўз ёшлари юзларини ювган, йиғи аралаш битта сўзни қайта-қайта такрорларди:

— Домла кенглик қилдилар... Домлажоним кенглик қилдилар...

У бу хушxabарни бошқаларга ҳам етказиш учун қанот боғлаб учиб борар эди...



## «ТИРИК САЙЁРАЛАР»НИ Ў Қ И Б...

**Эркин ВОҲИДОВ.**  
Тирик сайёралар.  
Шеърлар, «Ёш гвар-  
дия» нашриёти. Тош-  
кент — 1979 й.

Ўзбек совет шеърияти ўз тарихида, бой реалистик тажрибалар тўплади, хусусан янги эътиборда — ҳозирги ривожланган социализм босқичида ундаги реалистик принциплар тобора чуқурлашиб борапти. Бу фикрни турли авлодга мансуб шоирлар ижодидан кўпга ёрқин мисоллар келтириш орқали исботлаш мумкин. Эркин Воҳидовнинг «Тирик сайёралар» тўплами худди шу фазилатлари билан характерлидир.

Озод Шарафуддинов, Иброҳимов Гафуров сингари шеърият билимдонлари тўғри таъкидлаганларидек, «Тирик сайёралар»га кирган кўпчилик шеърлар Эркин Воҳидов ижодида муҳим бурилиш, поэзиямизда йирик ҳодиса бўлди. Бу шеърларга хос энг муҳим фазилат, янгилик, бизнингча, аввало уларда реализмнинг тўлароқ намоён бўлишида кўринмоқда.

«Тирик сайёралар»дан сал бурун Эркин Воҳидовнинг салкам чорак асрлик ижодининг маълум якуни бўлмиш «Муҳаббат» номли китоби чиққан эди. «Муҳаббат»ни varaқлаганда шоирнинг кўп йиллик ижодий

изланишлари ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бошда шоир кўпроқ табиатдан, турмуш ҳодисаларидан ҳайратланиб, ҳайрат, ҳис-ҳаяжонларини шеърга солган; кейинроқ ақл ва ҳис баҳсига киришиб ҳисни устун қўйган пайтлари ҳам бўлган, айти пайтда ақл устунлик қилиб фақат ақлли гап айтиш учун шеърлар ҳам ёзган; мадҳия, фаҳрия, қасида кайфиятига берилган онлари ҳам бўлган, романтик ҳаёллар оғушида ишқий ғазаллар битган... Бора-бора шоирда қандайдир ўзидан, ижодидан қониқмаслик, ўзини янгилашга мойиллик сезила бошлади; бу ҳолат «Йўқолган шеър»да жуда яхши ифодаланган... Ниҳоят, бу интилиш, изланишнинг самараси саналмиш «Тирик сайёралар» майдонга келди. Бу китобдаги қатор шеърлар аввало ўзининг ҳаққонийлиги, ўта ҳаётийлиги, шафқатсиз, мардон реализми билан ажралиб туради.

Шунчаки ҳайрат, ялт этган бир онлик туйғу, завқ-шавқ туғғани асосига қурилган шеърлар ҳам, ҳайт фалсафасининг хулосасидан, фикр қаймоғидан туғилган интеллектуал назмлар ҳам, романтик кайфиятларни ифода этувчи ашъорлар ҳам, қолаверса, ўрни келганда, мадҳия, қасида,

фаҳриялар ҳам керак; лекин, бизнингча, булар ҳозирги замонда шеърият ривожининг бош йўналишини, бугунги даражасини белгилаши қийин; ҳайратланиш, қайд этиш, ёқлаш, рад қилиш, улуглашнинг ўзи билангина реализм чўққисига кўтарилиш мушкул. Қандай шаклда бўлмасин, ҳодисани қайд этиш, унга шунчаки ҳиссий муносабат билдириш билан чинакам реализмга эришиб бўлмайди. Ҳодисанинг моҳияти сари кириб бориш, ҳодисалар орасидаги мураккаб ички алоқадорликни, сабабиятни бадиий таҳлил этиш, ҳодисанинг социал маъносини очиб бериш, тўла маънодаги ҳақиқат, мағзини қақиш, бунда фаол позицияда туриш — фақат шу йўл билангина шеъриятда чинакам реализмга эришиш мумкин.

Тўғри, ҳар бир шеърдан шундай улкан талабларга тўла жавоб қидириш нотўғри. Аммо шоир ижоди, ижодининг маълум даври яхлит ҳолда бу талабларга жавоб бериши мумкин. Эркин Воҳидовнинг янги китобида юқоридаги маънода реализмнинг чуқурлашувини тасдиқлайдиган бир қатор аломатлар бор.

Тўпладан жой олган шеърлардан бири «Замин ташвишлари» деб аталган. Китобни худди шу ном билан аташ ҳам мумкин эди.

Кундалик ҳаётга ўта яқинлик, бугунги замин ташвишлари билан ҳамдардлик, оддий, кундалик турмуш ташвишларида катта инсоний муаммоларни кўра билдиш, улардан умумбашарий маънолар қидириш йўқ, маъхум «умумбашарий» мавзу, муаммолар теварагида айланмай, реал, бугунги кунда барчани ҳаяжонга солиб турган масалаларни дадил ўртага қўйиб, уларга жавоб излаш, шу йўл билан умуминсонийликка интилиш — «Тирик сайёралар»даги энг яхши шеърларга хос бош хусусиятдир. «Замин ташвишлари», «Арслон ўйнатувчи», «Манфаат фалсафаси», «Биз ишлаяпмиз» асарлари шеърларнинг реалистик имкониятлари нақадар кенг эканлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида ҳам қадрли. Хусусан «Арслон ўйнатувчи» шеъри бугунги поэзиямизнинг катта ютуғи, реализмнинг ражойиб эҳсони. Капитал дунёси ҳаётдан олиб ёзилган бу шеър қарамликка, мутеликка қарши ўткир айбнома; фақат шугина эмас, унда қарамлик дунёсининг шафқатсизлиги — тирикчилик, ҳаёт ташвишлари тирик мавжуддони, одам боласини не қўйларга солиши бутун даҳшати билан кўрсатилади, қарамларни бир-бирига боғлаб қўйган кўзга кўринмас кишанлар илдизи очиб ташланади. Ҳаётдаги мураккаб, чигал, диалектик алоқдорликни таг-томири билан кўрсатиш жиҳатидан бу шеър фақат йирик эпик асар уддалай олиши мумкин бўлган вазифани адо этган.

«Арслон ўйнатувчи»да характерни шароит, муҳит билан (ҳа, бу иборани шеърятга нисбатан ҳам қўллавериш мумкин!) мустаҳкам, мураккаб алоқадорликда кўрсатиш туйфайли ҳодисага муносабат ҳам хийла мураккаблашади; нўноқроқ шоир «Арслон ўйнатувчи»даги ҳодисадан оддий бир репортаж ясаши ёки қаҳрли арслон ўйнатувчинини қоралаб, жафокаш арслонга шунчаки ачиниб уйғотувчи бир шеър ёзиши ҳам мумкин. Бу ерда эса

ҳодисанинг замирига нигоҳ ташланган; чуқур реалистик бадий таҳлил туйфайли ҳақиқий бош айбдор цирк майдонидаги ўйин кўрсатувчилар эмас, сахна орқасида уларни шу қўйларга солиб қўйган шафқатсиз муҳит, шароит экани маълум бўлади... Реализмнинг шу йўлдаги муҳим хусусияти «Оқсоқол» шеърида ўзгача тарзда янги куч билан намён бўлган. Бир вақтлар қамчисидан қон томган зўравон — Оқсоқолни шунчаки қоралаш учунгина бу шеър ёзилгани йўқ, шеърда уни зўравон қилган омил, муҳит бадий таҳлил этилади; натижада бу шеър «Арслон ўйнатувчи» сингари катта эпик кўлам касб этади. Шу тариқа реалистик хусусиятларнинг тўла намён бўлиши билан шеърнинг бағри кенгайди, умумлаштирувчилик хусусияти ортади.

Эркин Воҳидовнинг аввалги шеърларида ҳодисага муносабатда қандайдир майин-мулойимлик, кўнгличанлик, ўта серандишаллик сезилиб турар эди. Эндиги шеърларида хийла кескинлик, бир оз дағаллик, шиддаткорлик, гапнинг пўст калласини айтиб қўя қолиш, ҳақиқатни дангал, ошқора ифодалаш, бир сўз билан айтганда шафқатсиз реализм устун («Биз ишлаяпмиз», «Бонг уринг», «Ёлғизлик истаги» шеърларини эсланг). Китобдаги қатор шеърлар ҳақиқат ҳақидаги дадил, ошқора баҳсдан иборат. «Биз ишлаяпмиз», «Кузатиш» шеърларида шоир назокатни йиғиштириб қўйиб, дағал бўлса-да, фақат ҳақиқатни айтиш, ифодалаш шiorини ўртага ташлайди.

«Тирик сайёралар»дан жой олган аксар шеърларда драматизм жуда кучли, шоирнинг аввалги шеърларида мумкин қадар ҳодисанинг драматик, зиддиятли жиҳатларига эмас, поэтик, гузал томонларига кўпроқ эътибор бериларди, автор ҳодисадан ҳамиша гузаллик қидиришга интилар эди. Эндиги шеърларида гузаллик туйғуси сақлангани ҳолда ҳодисалар замиридаги зиддиятларни,

драматик боғланишларни очкишга интилиш кучли, Вақтнинг қадри ҳақида бундан ўн беш йилча бурун ёзилган «Бош тебратар соат кафири» билан кейинги «Бонг уринг» шеърини қиёслаб кўрайлик. Аввалги шеърда гап юмшоқкина қилиб айтилган, кейинги шеърда эса беҳуда исроф бўлаётган вақт ҳақида нақадар кескин гапирилади! Шеърда келтирилган лавҳалар драматизм билан лиммо-лим! Ёки «Ёш шоирларга» шеърини эслайлик. У бир қарашда ёшларга ўғит тарзида ҳазил-мутоиба билан ёзилган оддийгина шеърдек туюлади. Лекин бу шеърдаги ҳазилнинг тағи ўта зил, ижодкор ҳаёти, тақдири хусусида жуда кескин, ошқора, шафқатсиз ҳақиқат айтилган ҳазил-мутоибали мисралар драматизм билан тўлиб тошган!

«Оқсоқол», «Арслон ўйнатувчи», «Темирдан ҳошлар» шеърларида драматизм, шафқатсиз реализм жуда юксак поғонага кўтарилган. Лекин баъзи бир шеърларида кескин драматик ҳодиса қаламга олинди-ю, ечими бир оз жўнлаштириб юборилади. «Тандир ҳақида эртақда» шахсан мен дастлаб Валентин Распутиннинг «Матрёна билан видолашув» асаридagi каби ҳодиса тасвирини кўриб қувонган эдим. Чол билан кампир сал кам олтиш йиллик хотиралар масканини тарк этиб янги жойга — кўп қаватли уйга кўчяпти, шеърда уларнинг ўша кезлардаги мушкул руҳий ҳолати, драматик кеңинмалари эслатилади, афсуски ана шу каттақон ташвиш бора-бора ингичка тортиб биргина тандир можаросига келиб тақалади, тандир можароси ҳам осонгина бартараф бўлиб, чолу кампир мурод-мақсадига етишади... Ҳаётнинг нақд ўзидан, қайноқ драмаларга тўла бағридан олинган асар оқибатда шунчаки бир хангома ҳолига тушиб қолади. Шу тариқа ҳозирги тараққиёт ва маънавият ҳақида жиддий гап айтиш, давр драмасини ифодалаш учун ниҳоятда қулай имконият бой берилади.

Шеърятнинг, умуман бадий асарнинг қимматини фақат унинг ҳаққонийлиги, маънодорлиги, ҳодиса, масала моҳиятини чуқур очиб берганлигига қараб белгилаш камлик қилади, асарнинг даражасини, бадий кучини белгилайдиган яна бир муҳим мезон бор, бу унинг гуманизмидир. Шеърят бўстонидаги ўлмас асарларни эсласак, улар аввало ҳаққонийлиги, маънодорлиги билан баробар, айни пайтда, чуқур гуманизми билан ажралиб турадилар. Ҳозирги шеърятда реализм билан бирга худди шу инсонпарварлик хусусияти чуқурлашиб бораётганлиги ғоят қувончли ҳолдир. Биз юқорида тилга олган қатор яхши шеърлар инсон, инсоният тақдири ҳақида астойдил қайғуриш, унинг ташвишларига чин дилдан ҳамдардлик туйғуси билан йўғрилган. Эҳтимол, биз келтирган шеърлардаги конфликтлилик, кескин драматизм худди шу гуманизм туйғусининг кучайиши билан боғлиқдир. Чунки инсон ва инсоният ташвишларига чин дилдан ҳамдард бўлган қалбгина ҳодиса драматизмини чуқур ҳис эта билади, фақат шундай қалбдагина туйғулар, эҳтирослар довулдек тугён уради.

«Тирик сайёралар»даги шеърларнинг шаклидаги изланишлар ҳам эътиборга сазовор. Ҳаётга яқинлик; ҳаёт ҳодисаларининг асл моҳиятига интилиш гуманистик мотивларнинг чуқурлашуви туйғули шеърларнинг шаклида икки


хил характерли тенденция кўзга ташланади. Бир томондан, ҳаётни ўз шаклида, рангида кўрсатишга, ҳодисаларни барча товланлари, боя айтилгандек, баъзи дағалликлари билан гавдалантиришга интилиш кучли; ҳаётга яқинлашишнинг оқибати бўлса керак, кўп шеърларда персонажлар ўз тилида сўзлантилади (қисман бу усул сунистьемол қилиб юборилади). Иккинчидан, қизиқ, реализм томон кескин бурилиш юз берган шу паллада шоир қадимий адабий приёмларга, притча, — ҳикоят, ривоят усуллари, шартли, рамзий шаклларга кўплаб мурожаат этади.

Эркин Воҳидовнинг шаклидаги изланишлари кейинги пайтларда, юқорида эслатиб ўтилгандек, жиддий баҳсларга сабаб бўлаётган — реализмдаги шартлилик масаласига аниқлик киритишга хизмат этувчи, ҳаёт ҳақиқатини, ҳодиса моҳиятини, ҳодисалар орасидаги мураккаб ички алоқадорликни шартли, рамзий усуллар орқали ҳам очиб бериш мумкин эканлигини тасдиқловчи факт сифатида ҳам аҳамиятлидир. Шуниси қизиқки, шоирнинг ҳаётни, ҳаёт ҳодисаларини ўз кўришида гавдалантирадиган шеърларига қараганда «Арслон ўйнатувчи», «Темиртан даҳолар», «Қумурсқалар жанги» сингари шартли, рамзий йўлда ёзилган шеърларида реализм чуқурроқ, кудратлироқ, уларда илгари сурилган ғоялар хийла теран, ишонarli, ҳаётий, кўтарилган масала-

лар салмоқдор, эҳтирослар ифодаси мукаммал. Чунки уларда ривоят, шартлилик билан реаллик қўшилиб-чатишиб оқибат натижада реал ҳақиқатнинг, инсон ҳаётининг туб маъносини, моҳиятини очишга қаратилган.

Ниҳоят, «Тирик сайёралар»даги энг яхши шеърларга хос яна бир хусусият шуки, шоир мураккаб ҳодисаларни тасвир этганида ҳар доим актив ҳаётбахш партиявий позицияда туради. Унинг қатор шеърларида хилма-хил йўллар билан шароит таъйиниқага тўшиб қолган, нобоп муҳит қурбони бўлган шахслар фожиаси кўрсатилади, ҳаётдаги қабохат ва камчиликлар, айрим одамлар табиғатга илашиб қолган қусурлар аёвсиз фош этилади, илдизи очиб ташланади. Бироқ ҳеч қерда бадбинлик аломати сезилмайди. Шоир ошқора тарзда изҳор этавермаса ҳам ғуё унинг шафқатсиз сатрларидан қандайдир сирли, сехрли умидбахш ёғду тўкилиб тургандай бўлади; бир танкида ибораси билан айтганда, шоир шеърларида курашчиларни, курашларни, кураш тантанасини қаламга олмаса ҳам ўқувчи қалбида мурокасиз курашга, ғалабага чексиз иштиёқ уйғотади; кескин қилиб айтилган шафқатсиз ҳақиқат туйғули китобхон ҳушёр тортади, кўнгилда ўйлар, туйғулар тугёни жунбушга келади. Бу эса айни ўша — шоирнинг актив позицияда турганлиги самарасидир.

Умарали НОРМАТОВ.



Бош редактор: МИРМУҲСИН.  
Редколлегия: УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ,  
И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ,  
Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУ-  
САМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УС-  
МОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙ-  
БЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ.

---

© Шарқ юлдузи, 1980.  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

---

На узбекском языке

**«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»**

(Звезда Востока)

№ 6.

Орган Союза писателей Узбекистана.  
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1980.

---

Рассом А. Қамбаров. Техредактор М. Мирражабов. Корректор А. Билолов.

---

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қай-  
тарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

---

Теришга берилди 3.03.1980 й. Босишга рухсат этилди 28.05.1980 й. Р — 03015. Қоғоз  
формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Физ. листи 15. Қабариқ босма. Шартли босма листи 21.  
Нашриёт ҳисоб листи 20,06. Тиражи 210.159. Заказ № 2879.

---

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ  
орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

**БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:**  
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ № 1.

**«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 320828.  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА, САНЪАТ,  
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК —  
332479, РАССОМЛИК — 330918.